

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
УРГАНЧ ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ
РЕСПУБЛИКА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**ТАНГРИБЕРГАН ДЎСТЖОНОВ
МИРШОҲИД МИРҲАМИДОВ
СОЛИЖОН ҲАСАНОВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**Тошкент
«ИQTISOD-MOLIYA»
2006**

66.3(59) Ўзб-НИИТГ ИЗКИ СИЁСАТИ ВА
ИЗКИ АХВОЛИ

Т.Дўстжонов, М.Мирҳамидов, С.Ҳасанов. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Ўқув қўлланма - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006, 596 бет.

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиш тарихи, қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари, конституциявий-ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий асослари; Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари илмий-назарий ва ўқув-методик жиҳатдан яхлит муштаракликда муфассал ёритилган.

Ўқув қўлланма мундарижаси «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари» махсус курси ва «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Ўзбекистон тарихи», «Маънавият асослари», «Маданиятшунослик» фанлари намунавий дастурлари асосида икходий ёндошган ҳолда яхлитлаштирилган. Қўлланма олий ўқув юртларида ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими коллежларида таълим олаётган талабаларга, адлия ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари малака ошириш курси тингловчиларига, кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашнинг 2006 йил 15 июлдаги 7-сонли қарори билан тасдиқланиб нашрга тавсия этилган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор А.Ваҳобов таҳрири остида.

Илмий муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев - Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.

И. Собиров - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси, юридик фанлари номзоди.

Тақризчилар: Қ.Усмонов - тарих фанлари доктори, профессор.

С.Раҳимов - фалсафа фанлари доктори, профессор.

М.Сафарбоев - фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ф.Расулова - педагогика фанлари номзоди, доцент.

Э.Эгамбердиев - юридик фанлари номзоди, доцент.

С.Салаев - иқтисод фанлари номзоди, доцент.

А.Латифов - юридик фанлари номзоди, доцент.

20 04
A 603
Alisher Navoiy
nomidagi
Tashkent Markazi

© «IQTISOD-MOLIYA», 2006

КИРИШ

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг заминида эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир»¹. Шу маънода фуқаролик жамияти Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлини кўп жиҳатдан белгилайдиган буюртма ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатлардаги сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, социолог, файласуф, иқтисодчи ва жамиятшунос олимларнинг диққат-марказида турган фуқаролик жамияти муаммоси Ўзбекистон учун алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Бунда республикамизда фуқаролик жамиятини қуриш имкониятлари ва бунинг ўзига хос жиҳатлари муҳокама қилинади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ташаббусларининг уйғониши ижобий ўзгаришлар содир бўлишига умид қилиш имконини беради. Айрим скептиклар Ўзбекистон ўз ривожланишида ривожланган мамлакатлардан қолиб кетгани ва унда фуқаролик жамияти мавжуд эмаслигини кайд этаётган бўлсалар-да, мамлакатимизда бундай жамиятни шаклланаётганлигини яққол кўрсатувчи белгилар тобора яққол кўзга ташланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда беш мингдан зиёд нотижорат нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролик жамияти бирлашмалари орасида икки авлод, икки тўлқин мавжуд. Улардан бири - совет даврида ўз фаолиятини бошлаган ноҳукумат ташкилотлари, иккинчиси - бундай ташкилотларнинг тахминан учдан икки қисми - мустақиллик даврида иш бошлаган ноҳукумат ташкилотларидир. Ҳозирги кунда жамиятимизда фаолият кўрсатаётган кўп сонли мустақил уюшмалар, жамиятлар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини амалга оширувчи кўплаб ҳаракатлар ва ташкилотлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, экологик ташкилотлар, фан, маданият ва таълим соҳасидаги бирлашмалар, хотин-қизларнинг ташкилотлари ва бошқа тузилмалар ташкил топди ва ривожланмоқда.

Мустақиллик ва демократик ислохот йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўналишида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бозор инфраструктураси, авваломбор банк ва савдо инфратузилмасининг элементлари вужудга келди, товар тақчиллиги тугатилди, нарх-навонинг кўтарилиши тўхтатилди.

Ўзбекистонда ўрта табақа, мулкдорлар синфи вужудга келмоқда. Агар Ўзбекистонда ислохотлар жараёни мақбул йўналишда давом этса, иқтисод тузилишида содир бўлган ўзгаришлар натижасида ўрта табаканинг ривожланиши, янада жадаллашиб, у муҳим ижтимоий кучга айланади ва республиканинг келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1996 44-бет.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши эркин, иқтисодий мустақил маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлигини назарда тутлади. Бу жиҳатдан **Маҳалла институти** алоҳида аҳамиятга эга. Маҳалла тимсолида мавжуд бўлган фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизи Ўзбекистонда бундай адолатли жамиятни шакллантиришнинг таянч нуктаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Конституция ва қонуннинг устуворлиги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим белгисидир.

Жамиятнинг эркинлиги - фуқаролик жамиятининг муҳим элементиدير. Фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этувчи **иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий плюрализм** ижтимоий тузилмалар мустақиллиги, шахс ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари асосида ўрнатилади.

Фуқаролар маданияти фуқаролик жамиятининг муҳим элементи бўлиб, унинг негизини демократик сиёсий ва ҳуқуқий маданият ташкил этади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бир вақтда демократик ҳуқуқий давлат ҳам ривожланиб боришини, шахс ва давлат ҳокимияти ҳуқуқининг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишини тақозо толади.

Давлат маълум қафолатлар тизимини ташкил этганлиги туфайли, фуқаролик жамияти фаоллиг юритиши ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро боғлиқлиги ана шунда намоён бўлади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда ёшлар ва хотин-қизлар фуқаролик жамияти негизининг ўзагини ташкил этиши лозим. Бирок бир томондан, ёшлар ва хотин-қизлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этишга қодир бўлган маънавий кадриятлардан ҳали узок, аммо шу билан бир вақтда, қонунийлик, муросага келиш сингари нормаларни қабул қилишга мойил. Ҳозирги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизини ўрта авлод вакиллари, шунингдек, аҳолининг олий маълумотли қатлами ташкил этади. Шунинг учун жамият ҳаётида ёшларнинг фаоллигини кучайтириш ва ҳокимият тузилмаларида хотин-қизлар вакиллари ҳиссасини ошириш ўта муҳимдир.

Ушбу ўқув қўлланмасини тайёрлашда М.Шарифхўжаев, А.Саидов, А.Ваҳобов, Ҳ.Бобоев, Қ.Усмонов, О.Хусанов, Х.Одилқориев, З.Ғофуров, Ш.Ғойибназаров ва бошқа олимларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид масалалар юзасидан чоп этилган мақолалари ва асарларидан кенг фойдаланилди.

Муаллифлар ўзининг фойдали фикр-мулоҳазаларини берган А.Саидов, И.Собиров, Ҳ.Бобоев, Қ.Усмонов, А.Турсунов, А.Хамроев, А.Латипов, З.Ғофуров, Э.Эгамбердиев, Р.Атаев, Б.Эшонов, В.Алимасов, М.Сафарбоев, С.Салаев, И.Қўнғиров ва бошқа олимларга миннатдорчилик билдирган ҳолда, ўқув қўлланмаси тўғрисида янги таклиф ва мулоҳазаларни кутиб қолади.

I боб. «ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАХСУС КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Махсус курсни ўрганишнининг зарурлиги, мақсади ва вазифалари

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари жаҳон миқёсида кўпларда қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳол ҳозир ва яқин келажакда амалга ошириладиган стратегик дастурларни ишлаб чиқишни шарт қилиб қўяди. Бизнинг жамият ҳаётининг барча жабхаларини демократиялаштириш сари қаратилган стратегиямиз изчил, яқин, ўрта, узок муддатли аниқ вазифаларни ҳал қилнишга йўналтирилган.

Демократия - илм-фанни юксакларга кўтаради. Фан эса миллатни. Чунки миллатни юксалтирувчи янги илмий фикр, фараз, тахмин, тасаввурлар куртакларидан ўсиб чиқади. Ҳозир мамлакатга эгалаган илмини бугунги ҳаётимиз, эртаги келажакимиз йўлида амалий қўллаш оладиган, ҳозирги ҳаётни ўрганиш, эртага нима қилиш ва нима қилмаслик кераклигини бехато, кафолатли айтиб берадиган зиёлилар, олимлар ва ўз касбини етук мутахассислари керак. Бунинг учун фанда, ижодда демократик муҳит устувор бўлмоғи керак.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси барча ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан соддалаштирилиши, ўз объект ва предметларидан келиб чиқиб таснифланиши керак. Ана шунда бу тушунча одамлар назарида назарий, сирли жумладан тушунарли, кўзга кўринадиган, қулоққа эшитиладиган ҳар қунлик ҳаётий фактга айланиши мумкин. Агар шундай қилмасак, бу тушунчани оддий фуқаро, ишчи, хайдовчи, тижоратчи, пахтакор учун тушунарли қилиб, уларнинг ҳар қунлик хатти-ҳаракатларига сингдириб бўлмайди. «Фуқаролик жамияти» ибораси назарий, мавҳум тушунча бўлиб қолаверади. Ёки билмаганлиги, ё билиб, ўзини қандай тутиш моделини қўллашнинг амалий модели йўқлиги туфайли иккиланади. Ўзининг «Демократик жамиятнинг фуқароси» родини яхши уддалай олмайди. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг роли каттадир. Фалсафа - демократик жамият фуқаросининг тафаккури, маданиятшунослик - фуқаронинг демократик маданияти, тарих - фуқаролик жамияти тарихини, педагогика - фуқаро ва ёшларда демократияга ҳос фазилатни тарбиялаш, психология - демократияга ҳос фазилатнинг ижтимоий психологиясини, этнография - ўзбек халқининг демократик анъаналарини, ахлоқшунослик - фуқаролик жамияти ахлоқи ва ҳақозоларни махсус тадқиқот объектига айлантиришлари керак.

Ҳозир қатор хорижий жамғармалар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, демократиялаштириш йўналишларида хотин-қизлар, ёшлар орасида изчил ишламоқда. Лекин бу ишда ўзимиз – Ўзбекистонликлар нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари орқали етакчилик қилмасак, асосий масъулиятни ўз зиммамизга олмасак, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни чўзилиб кетади. Натижа ҳам биз кутгандек бўлмайди. Чунки демократиялаштиришнинг бошқа минтака, бошқа миллатларда яхши натижа берган моделлари Ўзбек маданияти, муҳитида айнан самарали натижаларни бермайди. Бу тарихда кўп учраган. 50-йилларда «Миллий характер», «Маданий детерминизм» социал-технологик концепциялари айнан шу сабабли ҳам каттиқ танқидга учраган эди.

Ҳар қандай ажойиб гоя агарда кучли тарғибот-ташвиқот технологияси билан таъминланмаса, куруқ ширин орзу бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам мутараққий мамлакатларда бир йирик, ижтимоий-сиёсий тадбирни амалга ошириш тўрт босқичга бўлиб амалга оширилади. Ишнинг тўртдан уч қисми – тайёргарлик (ким, қачон, қаерда, нима қилади, ким ниманинг қандай бўлишини таъминлайди? Қандай қарама-қаршиликлар учрайди? Уларни ким, қандай ечади, қаби саволларга жавоб, шарт-шароит ҳатто энг кичик икки-чирларигача моделлаштириш)га ажратилар экан. Ана шунда ислохотлар яшин тезлигида амалга ошар экан.

Қиёсий таҳлилга мурожаат қилсак, Европа, АҚШда социал-технологиянинг бихевиористик концепциясига кенг амал қилинганлигини кўрамиз. Бихевиоризм (behavio(u)rism) – жамиятнинг хулқ-атворини амалий моделлаштириш. Бу албатта, куч тоталитар зуғум билан эмас, одамларга ўзлари учун, жамият учун, давлат учун энг фойдали бўлган хулқ-атвор намуналарини тақлиф қилишдир. Мақтаб, ўқув юртларида эса бу тарбиянинг демократик – «Ёш фуқаролар» (АҚШ), «Фуқаролик тарбияси» (Германия) йўналишларида ривожлантирилди.

Собиқ СССРда эса бунинг акси – «ўзига ўхшаган авлодни тарбиялаш»га ружў қўйилди. Авторитар тарбия, «катталар дўшма, ҳамма нарсада ҳақ» деган монолик тарбия фармонбардорлик қилди. Тарбиядаги авторитаризм болалар билан бирга улғайди. Жамиятдаги авторитаризмга айланди. Жамият «Айтганимни қилсан!» дегувчилар ва «Айтганингизни қилдим!» дегувчи ижрочилар табақаларига бўлинди. Кейинги тонифа «Мен буйруқни бажар(дим)аман. Нима айтган бўлсангиз, шундай қилдим. Буни бажармадим, ахир айтмаган эдингизку!» деб шахсий жавобгарликдан қочишарди.

Ижтимоий ижодкорлик, ташаббускорлик, фаоллик бўғилган эди ўша лойқалари. Жамиятда конформизм, иккиюзламачилик, қўшиб ёзиш, расмиятчилик, бефарқлик, лоқайдлик, ночорлик, умидсизлик илдиз ота борар эди. Агар ҳозир бирор ташкилотда бошлиқ хизмат сафарига кетишини эшитган ходимлар енгил нафас олар экан, ёки бошлиқ борлигида иш яхши, йўқлигида ёмон кетар экан, бу ташкилотда ана шундай расмиятчилик ҳолати ҳали ҳам ҳаётлигини кўрсатади.

Бугун биз янги жамиятни, келажагимизни ҳам кураётимиз. Фуқаролик жамияти - келажаги буюк Ўзбекистоннинг, умуман буюкликнинг кўрсаткичларидан бири. Буюк Ўзбекистон бизга фуқаролик жамияти кифасида кўринади. Демак, биз «*Фуқаролик жамиятининг хуққи*», «*Фуқаролик жамиятида одамлар қандай вазиятларда ўзларини қандай тутадилар?*» деган саволларни аниқлаб олмоғимиз зарур. Ундан кейин насиҳат, ваъз билан ҳам, энг муҳими - ватандошларимизда фуқароликнинг демократик тутимини машқ қилдиришимиз, ўргатишимиз керак. Чунки «*Ҳақиқий тарбия бу - гапириш эмас, машқ қилдириш*» демакдир (Ж.Ж.Русо).

Келинг, муаммони янада соддалаштиришга уриниб кўрамиз: дўкондан янги чангюттич сотиб олиб келдингиз. Ёки бетоб бўлиб, аптекадан дори олдингиз. Чангюттичга, дорига қўшиб улардан фойдаланиш йўриқномаси (инструкцияси)ни ҳам беришди. Йўриқномада харид қилган мол ё дорингиз нима деб аталиши, бошқалардан фарқи, қай меъёрда, қандай ҳолларда ишлатиш, қандай ҳолларда ишлатмаслик огоҳлантирилган, уқтирилган бўлади. Тушунарли бўлиши учун хатто ҳар хил расм, чизмаларни ҳам илова қилишади. Буларнинг бариси харидорни - чангюттичдан, беморни - доридан фойдаланишга ўзига хос ўқитиш, ўргатиш десак бўладими? Бўлади. Чунки шундай қилинмаса, харидорнинг ҳамёнига ёки соғлиғига зарар, зиён етади-да.

Одамнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши улардан қаерда, қанча, қандай фойдаланишга ўргатиш керакми? Ҳа. Нега? Чунки ҳуқуқ - ҳар соатда, турли вазиятларда қўлланиладиган, одамни умрбод (хатто вафот этганидан кейин ҳам) ҳимоя қиладиган, ниҳоятда нозик восита. Ундан фойдаланмаслик ҳам, нотўғри фойдаланиш ҳам одамга, у орқали жамиятга зиён келтиради. Бас шундай экан, ҳар бир кишига ўз ҳуқуқ ва бурчларини худди чангюттичдан, доридан қандай фойдаланишни уқтирган каби уқтириш, тушунтириш керакми? Жуда ҳам керак! Акс ҳолда жамият ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ кишилар машиналарини шитоб билан ҳайдаб ўтаётган йўлга, светофори бузилган чорраҳага ўхшаб кетади. Бунда ҳамма қийналади. Светофор ҳаммага ёрдам беради. Чунки ҳамма унинг кўрсатмаларига амал қилади. Қонун ҳам шундай. Ҳуқуқни англаш - бурчни ривожлантиради. Зеро, «*Қонун унга бўйсунувчиларга ёрдам беради*» (Демокрит).

Биз фуқаролик жамиятини маърифатли кишилар жамияти деб биламиз. Демак, биз аввало фуқаролик жамиятида яшайдиган ҳар бир ватандошимиз нималарни билиши, нималарни қила олиши, бошқача қилиб айтганда, фуқаронинг «*демократик билим, кўникма ва малакалари*» масаласини илмий асосда аниқлаб олмоғимиз керак. Ундан сўнг бугунги вагандошларимизда ана шу демократик маданият талабларининг қай даражада эканлигини махсус, ҳолис ўрганмоғимиз зарур. Фуқаролик жамиятини қуришга тўсиқ бўлаётган камчиликларни кучли танқид остига олиш, ёрдам бераётган омил, мисолларни эса кучли рағбатлантиришимиз керак.

Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга пухта ўргатилиши ҳар бир кишининг, ҳамма жойда ҳаётни демократик тамойиллар асосида

тартибга солади. Юртбошимиз Олий Мажлис IX сессиясидаги матрузасида таъкидлаганидек, чунки бир кишининг ҳуқуқлари иккинчи кишининг ҳуқуқлари бошланган нуқтада тугайди. Бу нуқта - адолат нуқтасидир. Шу тариха ҳар бир кишининг шаъни, обрўси, мулки, соғлиги, фарзандлари, келажаги, мустаҳкам химояда бўлади. Зеро, давр императиви сифатида фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга имкон берувчи Конституция ва Қонун устуниги, умуминсоний кадриятлар, ҳақиқий демократиянинг умумжаҳон тан олинган нормалари, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўла таъминланган очиқ адолатли ва ҳуқуқий жамиятдир. Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифалари ва истикболлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина долзарб муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Бунда асосан икки муҳим жиҳат: биринчидан, демократик фуқаролик жамияти қуришда дунё мамлакатлари эришган ютуқлар, умумэътироф этилган демократия тамойиллари, иккинчидан, ҳар бир мамлакат ёки халқнинг ўзига хос, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш бу фанни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Бу зарурат фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар ва унинг цивилизациявий ривожини бошқичларига тааллуқли бўлган масалаларни ижтимоий-гуманитар, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фанлардаги турли назарий қарашларни ўрганишни синтез қилишдан бошлашни тақозо қилади. Ижтимоий-гуманитар, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фанлар қаторида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг долзарб муаммоларининг махсус курс сифатида ўқитилиши дунёдаги демократик ўзгаришлар билан боғлиқ ва Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини тақозо этади. Зеро, ҳар бир мустақилликка эришган давлат, ўзининг стратегик тараққиёт йўлини ва барпо этаётган жамиятни библишга, унинг қонуниятларини аниқлаб олишга алоҳида эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарихан ҳозиргача ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга бевосита тааллуқли бўлган масалаларни илмий-назарий жиҳатдан аниқ бир воқелик сифатида, яхлитлигича ўрганувчи фан вужудга келмаган.

Мазлумки, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фанлардаги фуқаролик жамияти ҳақидаги хилма-хил, баъзи бир-бирини инкор этадиган даражадаги зиддиятли тушунчалар ва сиёсий-ҳуқуқий ғоялар минг йиллар давомида инсониятнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Масалан, Арастунинг таълим беришича, давлат инсониятнинг тарихий ривожланишида пайдо бўлиб, у жамиятдаги барча табақа, гуруҳлар ва халқнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий манфаатларини ифодалайди. Унинг кўрсатишича, мулкчилик шакли-давлат сиёсий ҳокимиятнинг, фуқаро эса жамиятнинг асоси. Жамиятда сиёсий ҳокимият мулкдорлар бўлса, бундай жамиятда демократик асосда - халқнинг давлат ишларида иштирок этиши кенгайди. Буюк француз социологи Ш.Монтескье (1689-1755) «Қонунлар моҳияти» асарида фуқаролик жамияти тўғрисида мукамал назария яратди. У «давлат ҳокимиятнинг қонуни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига

бўлиниши - бу фуқаролик жамиятнинг асосини ташкил қилади»¹, дейди. Немис файласуфи Г.Гегель (1770-1831) «Фуқаролик жамияти - давлатдир»² деган фикрга келади. У бундай жамият давлат ичида бўлмай унинг ташқарисида, давлат билан ёнма-ён туради, деб кўрсатади.

Буюк француз инқилобининг манифести – 1791 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»да ҳам хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилинган. Феодализмнинг ашаддий душмани бўлган яacobинчилар эса хусусий мулкни янги жамиятнинг, яъни фуқаролик жамиятнинг бирдан – бир асоси деб билганлар. Тарих сабоқларидан маълумки, хусусий мулк нафақат жамиятни турли қатламларга ажратган, балки ишлаб чиқаришни ва тижорат ишларини ривожлантирган, давлатга нисбатан мустақил тузилмаларни вужудга келтирган.

Шунингдек, фуқаролик жамияти ҳақидаги гоёлар туркий халқлар оғзаки ижоди, зардуштийлик дини муқаддас китоби «Авесто»да, Куръони Карим ва Ҳадисларда, шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топганлигига асосий эътиборни қаратишимиз ўринлидир.

Дарҳақиқат, инсоният дунёқариши, маънавий-маданий ҳаётини, қадимги табиий ва одат ҳуқуқларига асосланган «қабилавий демократизм» анъаналаридан тортиб, ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда асосий тарихий-ҳуқуқий манба «Авесто»да (милoddан олдинги VII-VI асрлар) фуқаролик жамиятнинг ибтидоий ва қайҳоний кўринишлари ҳақида илк маълумотлар берилган.

«Авесто»да меҳнат қилиб, моддий бойликлар яратиб, ташландик ерларга ишлов бериб, суғориб обод қилган, сут, гўшт, ёғ, дон етиштириб, жамият фаровонлигини таъминлаган деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар, овчилар, косиб-хунармандлар улугланиб шундай дейилади:


«Илохий қонунга бўйсунадиган яхши киши, яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан яхил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, ҳаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жохиллик ҳолатида у яхши ниятнини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ноҳўя ҳаракатлар қилади». Шу билан «Яхшилик таълимини ва садақатини амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юритгаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар» («Ясна», 48), деб хитоб қилинади³.

¹ Монтескье Ш. Избранные произведения. М.: 1995, 294-бет.


² Гегель. Работы разных лет.-М.: 1973, 50-бет.

³ Қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 32-бет.

1. Фуқаролик жамиятининг биринчи хусусияти — одамларнинг жамиятда ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. «Авесто»да бунинг юксак намуналарини учратишимиз мумкин.



«Авесто»да тасвирланган жамият аҳолиси тўрт табақага-коҳинлар, ҳарбий саркардалар, чорвадорлар ва хунармандларга бўлинади. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бошқарув тизими қуйдагича бўлган (2-жадвал):



Марказий Осиё цивилизациясида маълум ва машҳур бўлган Абу Наср Форобий (870-950) “Фозил одамлар шахри» асарида “фуқаролик жамияти” атамасини ишлатмаса ҳам, биринчи марта жамият пайдо бўлишининг табиий-ижтимоий концепциясини илгари сурди. Форобий фикрича, инсон жамоалари, жамият кишиларнинг яшаши ва камолотта эришиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун интилишлар натижасида келиб чиққан. “Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилган, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар фуқаролик жамоасига эҳтиёж тугилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етуқликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуқликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ерининг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”, - деб ёзади Форобий.

Мутафаккир ўзининг идеал жамоасида одамларни турпи белгиларга, хусусан, табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало ақлий қобилиятларига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳаётий тажрибани тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига қараб табақаларга бўлади. Форобий фикрича, инсон ижтимоий тақомилга ва умумий бахт-саодатга эришиши илм — маърифат ёрдамида ҳосил қилинадиган ва эришиладиган юксак интеллектуал ва ахлоқий фазилатларнинг қўлланилиши туфайли амалга оширилади. Илм инсоннинг табиий қобилиятлари, унинг ақли ёрдамида билингани туфайли камолотга ва бахт-саодатга эришиш ҳам инсоннинг ўзи жамиятга унинг интилиши ва иродасига боғлиқдир.

Абу Райхон Бериуний (973-1048) талқинича, жамиятнинг юзага келиши ва ривожланиши кишиларнинг ҳамкорликда фаолият қилиш заруратидан келиб чиққан. Мутафаккир “Инсоннинг кадр-қиммати ўз манфаятини аъло даражада бажаришдан иборат, шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади”¹.

Абу Али ибн Сино (980-1037) келажаги фозил давлат (жамият) куриш ҳақида фикр юритар экан, кишиларни жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифаларига кўра уч табақага ажратади:

а) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар;

б) бевосита хом ашё, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар;

¹ Қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йулида. –Т.: Университет, 2003, 40-41-бетлар.

в) давлатни қуриклаш, уни турли ташки ҳужумлардан сажловчи харбийлар (жангчилар).

Мутафаккир «Рисолаи тадбири манзил» асарида жамият фуқароларининг ижтимоий фаоллигига тўхталиб, шундай деб ёзди: «Ақлли кишилар бўладики, агар ҳамма кишилар ҳукмдор ва подшоҳ бўлганларида эди, уларнинг ҳаммаси йўқолиб кетади; агар ҳамма меҳнат қилувчиларга айланиб қолиб, уларнинг орасида подшоҳ ва султонлар бўлмаса, улар ҳам яшаб қололмас эдилар ва ҳалок бўлар эдилар, шунингдек, уларнинг барчаси моддий таъминланганлиги жиҳатидан тенг ва бир хил бўлганларида эди, баъзи кишилар бошқалар учун ишламаганида эди, ўзаро ёрдам ва бир-бирига муқофот бериш тўхтаб эди. Агарда ҳамма камбағаллик ва йўқчиликдан улар ҳам ҳалок бўлган бўлар эдилар».

Демак, ибн Синонинг фикрича, «Одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабчиси дир».

Юсуф Хос Ҳожиб (1019-1085) «Қутадғу билиг» асарида ўз давридаги давлатнинг сиёсий-иқтисодий қурилмасини ташкил қилган бек ва вазирлар, лашкарбоши ва элчилар, котиб, шоир ва олимлар, мунажжимлар, туш таъбир қилувчилар, табиблар, деҳқонлар, чорвадорлар, хунармандлар, савдогарлар ва бошқа касб-хунар эгаларини бирма-бир таърифлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳамда ўзаро алоқаларини, бурч ва вазифаларини баён этади.

Шуниси эътиборлики, Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарларида фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос асослари баён қилинган. Маълумки, Амир Темур давлатининг ихтиёрий қурилмасини фуқароларнинг 12 табақаси ташкил қилган ва ҳар бир табақа кишилари ўз касб-хунар, мавқеи ҳамда вазифаларига эга бўлган. Бу қонун даражасида белгилаб қўйилган. Ҳар бир киши ўз вазифасини аниқ ва пухта бажаради, қонун устуворлик қилади, унга барча бирдек бўйсунди. Натижада, жамиятда барқарорлик юзага келади¹.

2. Фуқаролик жамиятининг иккинчи асосий хусусияти - инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ҳисобланади. "Авесто" "амалий қонунлари"нинг мақсади эса "барча жиҳатлардан уйғун ва уюшган, гуллаб-яшнаган адолатли жамиятни яратиш"дан иборат бўлади.

Табиики, одил ҳукмдордан бошлаб оддий фуқарогача қонунни муқаддас билиши ва зўравонликка йўл қўймаслиги керак.

Зардуштийлик ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамыз. Мисол учун, аёл киши шахсий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиши, шунингдек, мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ сифатида кўрсатмалар бериши мумкин бўлган.

¹ Қаранг: Дустжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. -Т.: ТМИ, 2004, 33-бет.

Никоҳ зардуштийлик ҳуқуқида унга кирувчиларнинг икки томонлама хоҳиши натижасида бўлиб, фақат шундан кейин ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган. Никоҳ шартномаси муайян муддатга чўзилган (одатда 10 йилгача) ушбу муддат тамом бўлгандан кейин у ҳар иккала томоннинг қарорига кўра қайтадан тузилган ва муддати узайтирилган.

Агар эр шарият суддида ўз хотинини бўйсунмасликда айблаган тақдирда ҳам хотиннинг ҳуқуқлари ҳисобга олинган. Ушбу ҳолатда ўзига юкланган айбни ҳамма олдида рад этиш ва ўзининг айбдор эмаслигини исботлаш ҳуқуқи хотинда қолган, чунки акс ҳолда у ўзига тегишли бутун мол-мулкдан эр фойдасига маҳрум бўлган.

"Авесто"да тугилган ва тугилмаган болалар ҳуқуқлари катъий муҳофаза қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Вояга етмаган болаларни ота-оналаридан олиб кетиш, васийсиз қолдириш оғир жиноят ҳисобланади. Болаларни жуда ёшлигидан фанларга ўқитиш, ҳарбий ишларга ва касб-ҳунарга ўргатиш тавсия этилган.

Зардуштийлик ҳуқуқида қул муайян ҳуқуқларга эга бўлиб, айрим ҳолларда у ўз хўжайинига қарши даъво қўзғатиши ҳам мумкин.

"Авесто"да суд ва суд ишларини кўриш масалаларига катта эътибор берилган. Олий судья вазифасини Оксоқоллар кенгашининг мўътабар уламози-қоҳин бажарган, уни "Заратуштрозма" деб аташган, унинг ҳукми мутлоқ бўлган.

Суд жараёни, маълум маросимда, асосан дуолар ўқиш шакли айтилиши билан ўтказилган. "Авесто" судда кўриладиган материал шаклининг куйидаги уч тури ҳақида маълумот беради:

1. Кечириладиган шахслар иши бўйича.
2. Жазоланиши, масалан ўлимга ҳукм этилиши лозим бўлган шахслар иши бўйича.
3. Ҳақоратланган шахс поклаш чоғида покловчининг гувоҳлиги бўйича.

Судда ишни кўриш, чамаси, муҳобалашув, яъни мунозаралашув тусида бўлган. Ишни судда кўришдан олдин қонун-қондани бузувчининг айби қатор масалаларни, айбдорлик шаклини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки такроран қондани бузганлик, айбдор ўз айбини тан олиши, айбдорнинг диний мансублиги ва бошқалар аниқланган.

Афтидан, мазкур масалаларни аниқлаш учун суд гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланган. "Вандидод"да гувоҳлик кўрсатмаларини беришнинг маълум қондалари "қасам олтин суви"да қасамёд этиш ўрнатилган, шунингдек, ёлғон кўрсатма берганлик учун қаттиқ жазо 700 марта тиканли ҳамчин билан жазолаш белгиланган.

Манбаларда авесто жамиятида "тангри суди" борлиги ҳақида маълумот берилди. Зардуштийлик таълимоти уч таянчга асосланган: "фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг катъийлиги". Зеро, зардуштийлар умр бўйи шу қонунларнинг устуворлигига риоя қилиб яшаганлар. Чунки, имонли, пок, яхшиликлар ва олийжаноб эзгу ишлар

қилган такводор одамларнинг жони, фозил руҳи, жаннатда, роҳат ва фароғатда бўлади. Ёвузлик ва номақбул ишлар қилган кишиларни охиратда дўзах қиёмат қойим азоблари кутади, деб тушунганлар.

Шундай қилиб, зардуштийлик ҳуқуқининг диний тусдалигига қарамай, унда этник тегишлилиги, эътиқоди, ёши, жинси ва табақасига боғлиқ бўлмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари томойиллари шаклланган ва қарор топган. "Авесто"да таъкидланишича, қонунлар "одамлар иродаси эркинлигини" таъминлаш учун яратилади. "Авесто" қонунларида талкин этилган жиноят ва жазо турлари қуйидагича бўлган:

3-жадвал. «Авесто»даги жиноят ва жазо турлари

Жиноят турлари

Шахсга қарши

Инсонни ўлдириш, одамни қалтақлаб, унга жароҳат етказиш

Мулкга, табиатга қарши

Ўғирлик, босқинчилик, олинган қарини ўлаштираш, туپроқ, суя, олов ва давони ифлослантириш

Овлага, ахлоққа қарши

Ўғил томонидан отага қўл кўтариш, оила аъзоларига шикоят етказиш, зинокорлик, баччаюзлик

Эътиқодга, динга қарши

Эзу фикр, эзу қалом, эзу амал қокдаларига рия қилмаслик

Жазо турлари

Биринчи қалтақлаб, уни тушидан кез қилиш, қонини оқитиш, суягини сийдириш, шикоят етказиш, маълум миқдорда қамчи билан жазоланган. Бу жиноятларни сўп марта содир этгавилар ўлим жазосига маҳсум қилинган

Мулкни жиноятлар, табиат умурларига қарши жиноятлар содир этгавиларга 400-800 қамчин уриш, оловда қидирилган темир қуроллар билан қийиш, қўл сифатида ишлатиш билан жазоланган. Бундай турдаги уш оғир жиноятлар учун улам жазоси ҳам қўлланилган

Эр ва хотин, ота ва ўғил ўртасидаги аждома, шартнома бўйича қўл қасамини бузган одми маълум миқдорда қамчин билан савалланган. Ахлоққа қарши айрим жиноятлар кеч қилиб бўлмайдиган жиноят ҳисобланиб ўлим жазосига ҳам ҳуқуқ қилинган

Маънавиятларга қарши қурашган шахсларга, Ахримон тарафдорларига ўлим жазоси белгиланган

Шу нарса характерлики, тахминан милоддан аввалги VII асрда Алп Эр Тўнға-Афросиёб туркий қабилаларни бирлаштириб асос солган Турон марказлашган давлатида қонунлар ниҳоятда қаттиқ бўлиб, инсон ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган.

Маълумки, Мовароуннаҳр ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилганга қадар мавжуд бўлган Сўғдиёна давлатида фуқаролар орасидаги муносабатлар ва инсон ҳуқуқлари ҳақида маълумот берувчи сўғд ҳужжатлари ҳуқуқий маданият юқори бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат лақаби Нидон бўлган Уттакин, Навакат ҳукмдори Чер Вахзанак ўғлининг ҳомийлигидаги Вийуснинг қизи номи Дугдгунча (лақаби Чата)ни хотинликка олиши ҳақида тузилган. Унда Уттакин Чатани севикли хотини сифатида ҳурмат эҳтиром билан озиқ-овқат, кийим-кечак, безак тақинчоқлар билан таъминлаши, эъозлаб, муҳаббат билан ўз уйида подшоҳойим хотин сифатида сақлаши, Чата эса Уттакинни севикли ёр сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан асраши, у эрнинг бахт-саодати ҳақида қайғуриши, унинг буйруғини ўзига қонун деб ҳисоблаши лозимлиги қайд қилинган. Ҳужжатда ёзилишича, агар келажакда Уттакин Чатани хотин қилмайман деган қарорга келса, бу ҳолда уни қўйиб юбориши, биргаликда яшаган вақтида олган шахсий нарсалар ва товон пулини бериб, ҳеч қандай шартларсиз жўнатиб юбориши, агар Чата Уттакинга бундан буён хотин бўлмаслик қарорига келса, унда хотинликдан чиқиб кетиши, бу ҳолда у Уттакинга кийишга яроқли кийимлар қолдириши, Уттакиндан олган безак тақинчоқларни ва бошқа нарсаларни ташлаб кетиши, лекин Чата ўзига тегишли ва биргаликда ҳаёти давомида орттирган мулкни олиб кетиши керак бўлади. Шунингдек, Чата никоҳ ҳужжатда қайд қилинишича, бошқа ҳеч нарса бўйича товондор бўлмайди, у ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқиши мумкин. Ажримдан сўнг Уттакин ва Чата бир-бирларини гайри қонуний хатти-ҳаракатлари учун жавоб бермайдилар. Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат "қонунлар уйи"да, унинг бошлиғи ҳузурда учта эркакнинг гувоҳлигида қотиб томонидан тузилган.

Куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатда куёв Уттакин келин Чатанинг уруғ-аймоқлари олдидаги бурчлари ўз аксини топган. Ҳужжатда кўрсатилишича, у тузилган кундан Чата тоабад Уттакинга хотин бўлиб қолажак ва куёв келин томон олдида Чатани сотмаслик, қарз эвазига қулликка бермаслик, бирор кимсанинг ҳомийлигидаги ўз мулкига айланishiга ҳам йўл қўймаслик: агар кимдир Чатани Уттакиндан бевосита ёки сиртдан тортиб олса, уни таҳқирласа, уни шу заҳотиёқ, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз озод қилиш, агар Чата Уттакин билан қолишиш хохламаса ёки уни Уттакин қўйиб юборса, у ҳолда келинни уруғ-аймоқларига зиён-заҳматсиз етказиб бермаса, у ҳолда 100 динорий дирҳам қумуш муомалада амал қилиши тасдиқланган, яхши сақланган, тоза сифатли пул қарз бўлиш, қарзни тўлаш, пулни тўламаса (вақтида) 10 дирҳамга 2 дирҳамдан устама тўлаш, эвазига қарз бўлиш мажбуриятларини олади.

Бу ҳужжат ҳам "қонунлар уйи"да никоҳни қайд қилиш битими каби тартибда тузилган.

VI асрнинг ўрталарида Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли қабилалар бирлашувидан ташкил топган Турк қоконлиги давлатида одат ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари, айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқи қаттиқ ҳимоя қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Аёл кишининг номусига тегиш энг оғир жиноят (қўзғалон, хоинлик, одам ўлдириш, йўл учун мўлжаллаб қўйилган отни ўғирлаш билан бир қаторга қўйилиб) ҳисобланиб ўлим жазосига маҳкум этилган. Безорилик орқасидан жабрланувчи аъзоларига шикаст етказиш даражасига қараб, етказилган зарарни тўлатиш жазоси қўлланган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи ўз даври учун мукамал ишлаб чиқилган қонунлар, уларнинг ижросини таъминлашнинг мураккаб механизми мавжуд бўлган.

Энг қувонарлиси шундаки, ислом таълимоти асосида ишлаб чиқилган адолатли фуқаролик жамияти ва барча инсонлар тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши тўғрисидаги ғоялар салкам 14 асрдан бери ўзининг ҳаётийлигини исботлаб келмоқда. Жумладан, Қуръони Каримнинг "Бақара" сурасида (30-оятда) Аллоҳ томонидан, фаришталарга хитоб этилиб, "Мен (одамни) ер юзида халифа қилиб яратмоқчиман", дейилади. Бу ўринда "Халифа" сўзи ўринбосар, ваколатли номоянда маъносига бўлиб, ундан мақсад шу эдики, Аллоҳ инсонни ер юзида ўзининг ваколатли номояндаси сифатида яратиб, унга дунёни ободонлаштириш, илму-маданиятни ривожлантириш, адолатли жамият қуриб, тинч-тотув ҳаёт кечириш вазифасини топширган эди. Шунингдек, 17-сурада (70-оятда) инсоннинг шону-мақомини янада кўтариб "биз одам болаларини азиз ва мукаррам қилдик", деб таъкидланади. Албатта, инсон учун булардан юқорирок мақом, эъзоз ва ўринни тасаввур қилиб бўлмайди.

Қуръони Каримнинг 49-сура, 13-оятда барча инсонлар, уларнинг ижтимоий мавқеи, дини, миллати, тили ва ирқидан қатъи назар тенг ҳуқуқли ва бараварликлари зикр этилган; "Эй одамлар, дарҳақиқат биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун, сизларни турли-туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ назаридаги сизларнинг энг мукаррамрогингиз энг тақводоррогингиздир".

Шу йўсинда инсонларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб, бир-биридан устув турмаслиги ҳазрат Муҳаммад пайғамбар ҳадиси шарифларида ҳам таъкидлаб ўтилган. Масалан, ҳадисларнинг бирида; "Ҳеч бир арабнинг аямга (араб бўлмаган кишига) ва ҳеч бир аямнинг арабга, ҳеч бир қоратанининг қизилтанга ва қизилтаннинг қоратанга нисбатан ҳеч қандай фазилати (имтиёзи) йўқдир, магар тақво билан", дейилган. Айни пайт ҳазрат Муҳаммад пайғамбар барча инсонлар уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг

деб ҳисоблаганлар: "Аллоҳга оит ичиб айтаманки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилиқ қилса, албатта унинг қулини кесардим".

Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқи тизими шариат манбаларида инсон ҳуқуқлари бўйича келиб чиқадиган муаммолар одилона тарзда ҳал қилиниб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминлаш учун суд тизимини ва давлат ҳуқуқлари учун жуда кўп аниқ ва қатъий йўл-йўриқлар кўрсатиб берилган.

Исломот таълимотидан илҳомланган Шарқ мутафаккирлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фаргоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғанакий, Имом Ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Муҳаммад аз-Замашарий, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар асарларида адолатли жамият ва инсоннинг кадр-қимматини улуғлаб, унинг макомини кўкка кўтариб, инсонлар орасида тенг ҳуқуқлилик, тинч-тотувлик ғояларини тарғиб қилганлар.

Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шахри" асарида барча шахар (давлат) жамоасини фозил ва жоҳил шахар (давлат)га ажратади.

Форобийнинг фикрича, фозил шахар (давлат)га ҳоким бўладиган давлат бошлиғи қуйидаги ўн икки фазилатга эга бўлиши керак:

- **биринчидан**, барча аъзолари мукамал тараққий этган, барча ишларни енгил бажариши;

- **иккинчидан**, табиатан нозик фаросатли бўлиб, унга айтилган гапларни муфассал тушуниши ва тасаввур этиши, эшитганларини воқеликка мутаносиблигини мулоҳазалай олиши;

- **учинчидан**, яхши хотирага эга бўлиши, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни эсда сақлаш;

- **тўртинчидан**, узокни кўра оладиган ва ўтқир зехн, теран ақлга эғалик. Бу бирор ҳодисанинг кичик аломатига кўра, унинг нималарга олиб келишини ҳис эта олиш;

- **бешинчидан**, ифодали талаффузга эғалик, ўзи ўйлаган нарсаларни тўла ва аниқ баён этиш;

- **олтинчидан**, ўқиш ва билишга чанқоқлик, уларга енгил ва қийинчиликсиз эришув;

- **еттинчидан**, оққатланиш, ичимлик истеъмол қилишда ва аёллар билан яқинлик (жинсий алоқа)да меъёрга риоя қилиш, кайф-сафодан узок юриш;

- **саккизинчидан**, ҳақиқатни ва унга интилувчиларни севиш, ёлғон ва ёлғончиларни ёқтирмаслик;

- **тўққизинчидан**, мағрур қалбга эғалик ва кадр-қимматни эъозлаш;

- **ўнинчидан**, мол-дунёга, пул ва бошқа бойликларга ружў қўймаслик;

- **ўн биринчидан**, адолат ва унинг учун курашувчиларни эъзозлаш, адолатсизлик ва мустабид золимлардан, уларнинг сабабчиларидан нафратланиш, ўз одамлари ва ўзгаларга одиллик кўрсатиш;

- **ўн иккинчидан**, бажарилиши зарур деб топилган ишларни амалга оширишда қатъиятти намойён этиш, айни пайтда мард, жасур бўлиш, кўркув ва кўнгилчанликни билмаслик кабилар.

Форобий ана шу фазилатларнинг ҳаммасини бир кишида бўлмаслигини ҳисобга олиб, давлатни бир киши эмас, балки бир неча киши бошқариши керак, деган фикрни олға сурган.

Шунингдек, Форобий адолат тамойиллари, фуқароларнинг ўзаро тенглик ва умумий бахтиёрликни амалга ошириш заруратини ҳукмдорнинг қуйдаги 6 та ҳислат ва сифат кўрсаткичларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди:

-**биринчиси**, донишмандлик;

-**иккинчиси**, аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қувваи хофизага эга бўлиш;

-**учинчиси**, агар аввалги имомлар даврдан бирор (ёки бир канча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

-**тўртинчиси**, ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратқўйлик ҳислатига эга бўлиш. Бу ҳислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади;

-**бешинчиси**, аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун сўзлаш-нотиқлик ҳислатига эга бўлиши;

-**олтинчиси**, зарур ҳолларда ҳарбий ишларга моҳирона раҳбарлик қилиши учун етарли жисмоний қувватига эга бўлиш; ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Кўринадики, фозиллар шахри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама етук бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. "Доно бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шахар ҳалокатга юз тутаяди, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади", - дейди Форобий.

Форобийнинг фикрича, жохил шахар (давлат) ҳокимининг кўзига яққол ташланадиган салбий фазолияти ўз фуқароларининг иқтисодий, моддий аҳволининг ёмонлашувига олиб келадиган амалиётдир. Бу эса солиқ, молия соҳаларида амал қилувчи қонунларнинг ижтимоий йўналтирилмаганлиги билан изоҳланади. Мутафаккир фақат фозил давлатгина ўз фуқароларининг тинчлигини химоя қилишнинг адолатли йўлини танлай олишларини, мавбодо ташқи урушларга аралашгудай бўлсалар фақатгина мудофаа нуқтан назаридан ўз ҳудудларининг мустаҳкам мудофаасини ташкил қилиш, ўз халқининг тинчлик манфаатларидан келиб чиқибгина урушга киришлари мумкинлигини қайд этади. У адолатли урушлар мудофаа йўлидаги эзгу

мақсадларга эришиш учун олиб борилади, яъни босқинчиларни адолатли жазолаш, улар устидан қилмишларига яраша ҳукм чиқаришга қаратилган бўлади, дейди. Форобий бир хил эзгу мақсадга — том маънодаги бахт—саодатга интилайётган халқлар ва давлат (шаҳар)лар бир—бирларига барча яхши, фазилатли ишларда ёрдам беришлари лозим, деб ҳисоблайди.

Абу Райҳон Беруний "Минерология" асарида ер остида маъдан қидирувчилар, бинокорлар, дехқонлар, хунармандлар ва олимларнинг меҳнатини энг оғир ва машаққатли меҳнат тури деб ҳисоблайди. Мутафаккир оғир меҳнат билан шугулланувчи турли миллатга мансуб кишиларга жамият томонидан бериладиган ҳуқуқий имтиёзлар, меҳнат шартномаси бир хил бўлишини ва улар меҳнатининг муайян неъматлар билан рағбатлантирилиб турилишини ва юқори даражада тенг ҳақ тўланишини талаб қилади. Берунийнинг фикрича, инсон меҳнатини қадрлаш ва моддий рағбатлантириб туриш натижасида давлат мустаҳкам ва барқарор, ўлка маъмур халқнинг турмуши эса фаровон бўлади Шунингдек, Беруний юқори табақалар ўртасида адолатли, кучлилар билан заифлар ўртасида ижтимоий тинчлик ва инсонпарварлик принципларига асосланган қонунни ўрнатишдан иборатдир, дейди. Ҳоким ўз фикри ва қарорларда қатъий туриши, унинг ўзи ҳам "яратувчилик онгига" эга бўлиши, кўпроқ фуқаролар ҳақида қайғуриши керак.

Абу Али ибн Синонинг фикрича, давлатнинг таянч устуни фуқаролардир. Мамлакат фуқаролари учун тинч-фаровон яшашлари, ўзаро муносабат ва ҳамкорлик қилишлари учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган адолатли қонунлар ва суд тизими бўлиши керак: "ўзаро бовлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув туфайли адолат қондалари ва қонунлари ўрнатилди. қонуншунос эса бу қондаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларга ҳам, яхши ишларни руёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва судьяни тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар".

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, давлат ва жамиятнинг барқарор бўлишида қонун устуворлиги муҳим аҳамиятга эгадир: "Эй бек, халқнинг сенга уч хил ҳақи бор, сен бу ҳақни тўла ва ўз жонингга жабр қилма. Бу ҳақнинг бири: пулнинг курсини кўтариш, унда олтин ва қумушнинг софлигини ошириш ва буни кузатиб туришдан иборатдир. Яна бири: эл учун ишончли, мустаҳкам ва тўғри қонунлар чиқар, буни эл сендан кутади. Учинчи: йўлларни қароқчилардан, хароб қилувчилардан тинч ва осойишталикда сақла.

Эй элнинг беги халқнинг сенга бўлган шу талабларини бажарганидан сўнг, ўзинг ҳам халқдан уч нарсани талаб қилишга ҳақли бўласан: бири ҳар қандай ёрлик (қонун) чиқарсанг, уни ҳамма сўзсиз ва тез бажариши керак. Иккинчи - давлат солиқларини ўз вақтида

саҳийлик билан давлат хазинасига топшириб турсинлар. Учинчи-бутун халқ дўстингга дўст, душманингга душман бўлиши керак".

Алишер Навоий инсон ҳуқуқларини ўзига хос тарзда тараннум этиб, бошқаларнинг ғамидан таъсирланмаганларни одам қаторида ҳисобламайди:

Одабий эрсанг демагил одабий,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонида ҳукмдорнинг вазиғаси ҳақида тўхталар экан, унинг давлатни адолатли қонун асосида бошқариши, ҳар бир табақанинг обрў-эътибори, кадр-қимматини муносиб баҳолаши, улардан бири иккинчиси устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслиги учун **биринчидан**, подшо зулму-ситамининг олдини олиши, **иккинчидан**, йўллар хавфсизлигини таъминлаб, қароқчилар гуруҳига барҳам бериши, **ўчинчидан**, ўғрилар ва улус мулкига кўз олайтирадиганларнинг дамини қонун-қоидалар орқали тўсиши, **тўртинчидан**, яратувчи бўйруҳига биноян, ҳар доим миллат томонида бўлиб, уларни ҳимоя қилиши, **бешинчидан**, золимлар элигин халқ ёқасидан узиб, уларнинг осойишталигини таъминлаши лозимлигини таъкидлайди:

Раиятга қилса қаламзан ситам,
Қаламзанинг элгини қилсун қалам.
Мусофир йўли риштасин узмосун,
Қароқчи қаросини кўргузмосун.
Қилиб забт ила маҳкам ўғри йўлин,
Улус молидан қиска қилсун қўлин.
Неким ҳақ буюрмиш бўлиб пайрави,
Ҳақ айтур улус элгин этсун қавий.
Бериб зулмгустарга фарсудалик,
Раиятка еткурсун осудалик.

Шунингдек, Алишер Навоий шохга хитобан агар сен фуқаролар ҳуқуқини паймом қилиб бир синиқ игнани олсанг ҳам, у бағринга олмос пичоғидек санчилгусидур, деб огоҳлантиради:

Гарчи синук игна ҳақунносдур,
Бағрингаро ханжари олмосдур.

Алишер Навоий ўз карашларида давлат фаолиятидаги қонун устуворлиги ғояси, ҳукмдорнинг қонунга бўлган муносабати масаласини энг муҳим ва зарур нарса сифатидан илгари суради. Мутафаккирнинг фикрига кўра, адолат ва қонунийлик—халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асосидир. Қонун "диний ақида ва дуолардан устун ва муҳимдир", ҳаттоки "Султон ҳам, агар гуноҳ қилар экан, у жазога тортилиши муқаррардир". Бу эса аялломанинг шохга хитобан амалда қонун олдида Шоху гадо тенгслигини эслатганлиги билан изоҳланади.

Ҳақ сени адл этколи султон қилиб,
Зулм ила сен халқни вайрон қилиб.

Кошифий давлат ва жамиятни қонун устуворлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки бусиз "дунёнинг муҳим ишларини тартибга солиш

вазифасини амалга ошириш мумкин эмас, тарбия ва жазо ҳақидаги қонунларнинг бўлмаганлиги давлат фаолиятининг бузилишига ва инсон ҳуқуқларининг камситилишига олиб келади", - дейди. Давоний эса, "қонунсиз жамиятда тартиб ўрнатиб бўлмайди", деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрича, жамиятда қонун устувор бўлиб, инсон ҳуқуқлари кафолатланмаса "ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш тартибга солинмайди, чунки ҳар ким ўз шахсий манфаатини қўзғаб бошқаларга зарар етказяди, ўзаро қураш, бузғунчилик ва зўравонлик каби иллатлар авж олади".

Амир Темурнинг "Темур тузуклари" асари марказида ҳам инсон, унинг кадр-қимматини жойига қўйиш гоёси туради: "Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим. Шарият қонунларига итоат қилиш, урф-одатга эътибор бериш, мен учун катта аҳамиятга эга эди. Ҳозирча ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Менимча, мадомики, бир ҳукмдор бутун умри давомида от устида ўтириб, ўзига тегишли бўлган катта иқлимнинг ҳар томонида ҳаракатда бўлиб, бир нуқтада туриб қолмас экан, ўзининг кенг қаламрави (мамлакат) ундан итоат қилишига амин бўлиши керак. Бундай ишюнчга фақат шарият қонунлари ва урф-одат қоидаларини амалга ошириш орқали муяссар бўла олади. Менинг мамлакатимда турли соҳаларда қонунга қатъий амал қилинадиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандай сезардим. Шарият ва урф қонунларини назарда тутган ҳолдагина, одамлар сенинг ишларингга ишонадилар ва уни жону дил билан бажаради. Мен ҳамиша аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳида тарбия қилдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим".

Амир Темур салтанатида икки турдаги суд тизими муҳим ўрин тутган. Биринчи "райят қозилиги" деб аталиб, у фуқароларнинг хўжалик ва маиший турмуш тарзига оид ишларни тартибга солган. Иккинчиси, "шарият ишлари қозилиги" деб номланган бўлиб, уни Шайхул Ислоҳ бошқарган. Бу диний ишларнинг тўғри бажарилиши ва фуқароларнинг унга доир муурожаатларини тартибга солган.

Амир Темур давлатидаги икки суд тизими шаклан бизнинг икки тузилмада бўлиниб фаолият кўрсатаётган бугунги суд тизимимизга: фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари судига ўхшаб кетади.

Амир Темурнинг давлат бошқарув сиёсати ва суд тизимидан ўрнак олиши Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлатининг, шунингдек, Бобурийлар салтанатининг бардавомлигини таъминлаганлиги шубҳасиздир. У подшоҳлик тахтида ўтирганда ҳам инсоний фазилатларни унутмасликка, инсон ҳуқуқларига адолат назари билан қарашига ҳаракат қилади:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,

Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.

Шу ўринда Бобурийлар салтанатида одат ҳуқуқига тўхталадиган бўлсак, миллий анъаналарга, одатларга, қадриятларга эътибор билан қараганликларининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, Бобур саркарда сифатида

кўпрок ҳарбий одатларга қаттиқ амал қилса-да, ўз фуқаролари билан тинч-тоғув яшаш, бошқа халқларнинг урф-одатларини ва эътиқодларини қадрлайдиган олижаноб инсон бўлган. Масалан, унинг 1529 йил 15 январда Дхалпурдаги "Боги Нилуфар"да турганида ўгли Хумоюнга ёзган махфий васиятномаси фикримизни тасдиқлайди:

"Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташқил топган). Оллоҳ Таоло Сизга буни қаромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тарикаси (йўли)га адолат қилинг.

Кўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатхоналарини ва муқаддас жойларини ҳароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подшоҳ раънийятидан ва раъийат подшоҳдан осуда бўлсин. Исломининг тараққиёти эҳсон қилишдан яхшироқ бўлади, зулм тишдан эмас. Сурмиш ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўзингизни юмма. Агар бундан кўз юмсангиз, ислом заифлашиши мумкин. Раънийятдаги турли қонунларни арбаан аносир¹ билан маҳкам тутинг. Салтанатнинг ҳисми турли марказлардан тинч бўлсин.

Подшоҳлик ишларини шунга қилиш учун ҳазрат Амир Темур соҳибқироннинг ишларини кўз олдида тутишг.

Шу нарсга характерлики, Бобур ўзининг "Мубаййин" номли асарида талқин этишича, асирлар, қуллар ва чўрилар билан яхши муомалада бўлиш ва уларга озодлик ҳуқуқини бериш, ҳеч бўлмаганда улар учун яшаш шарт-шароитини яхшилаш олий фазилат ҳисобланади:

Ҳар қарор этса хожаю банда,
Бир баҳо, муддати муайянда.
Ҳар гадо айласа бу муддатда,
Бўлгай озод ул, бу фурсатда.

Бобур инсонни қандай ижтимоий фаолият билан машғул бўлмасин саховатлилиги, мардлиги ва адолатлилиги билан ўзидан эзгу ном қолдиришига даъват этади ва ўзи ҳам умри давомида шу тамойилларга амал қилиб яшади:

Бори элга яхшилик қилгилки, шундин яхши йўқ,

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Маълумки, Бобурийлар сулоласида ҳам халқнинг расм-русумлари, удумлари, қонун-қондаларига ҳурмат билан қараганлар, бироқ шох Акбар миллатларнинг урф-одатларига тазйик ўтказмаган ҳолда ҳиндулардаги баъзи аянчли ҳолатлар билан боғлиқ урф-одатларни бутунлай таъқиқлаган.

Шулардан бири ҳинд қизлари 14 ёшга, йигитлари эса 16 ёшга тўлмасдан туриб, никоҳдан ўтиши қонун йўли билан таъқиқланган. У шу билан бирга яна бир аянчли расм-русумни ҳам бажармаслик учун фармон чиқарган. Яъни ёшми-қарими агар эр вафот этса, унинг аёли албатта, у

¹ Арбаан аносир-ҳаёт, мамлакат барқарорлиги ва фуқароларнинг тинч-осойишталиги учун турт унсур: тупроқ (ҳок), сув (об), ўт (оташ), шамол (бод) уйғунликда бўлиши керак, деб тушунилган.

билан бирга тириклайин хотинини оловда куйдириш одатини ҳамда жасҳар одатига (аёлни агар гулханга ташламаса, бир умр оила куриш ҳуқуқидан маҳрум этилишига) шох Акбар карши чиккан. Бобуршунос олим И.Ҳошимов "Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати" асарига бу ҳақда қимматли маълумотларни бериш билан яна шуни ёзадики, "Акбарнинг фикрича, одамларнинг дини, эътиқоди, урф-одатларига эркинлик бериш керак, уларни камситиш, таъкиб остига олиш адолатдан эмас. Акбарнинг турли миллат вакилларида хотинлари бўлган. Улар уз урф-одатлари, дини, қонун-қондаларига бемалол риоя қилишлари мумкин эди. Ҳатто маликалар яшайдиган саройлар ҳам ўз миллатига ҳос ҳолда қурилган".

Бу Акбаршоҳнинг ўта инсонпарвар эканлигидан далолат беради¹.

3. Фуқаролик жамиятининг учинчи хусусияти — кишиларнинг хусусий мулкка эга бўлиши ҳисобланади. Жумладан, "Авесто"даги мулккий муносабатлар эркин жамоа аъзоларининг кўчмас ва ўрнидан кўзгатиб бўладиган мол-мулклари, ўзлари яшаётган уйларнинг эгалари, экиладиган ерлар ва боғлар, ўтлоқлар, от ва чорва моллари эгалари бўлган деб ҳисоблашга асос беради (4-жадвалга қаранг).

"Авестога талкин этилган "гайта" атамаси хусусий мулк маъносини англатган. Эркин жамоа аъзоларининг мулкчилик ҳуқуқи амалдаги эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига тортиб олиш, ўтказишни ҳам камраб олади.

Турк ҳоконлиги ва унинг таркибига кирган мулк эгалари бой зодагонлардан, савдогарлар, ҳунармандлар, амалдорлар ва ҳарбийлардан, деҳқонлар ва қуллардан иборат бўлган. Ер эгалари киштичкарлар ва кишоварзларга бўлиниб, деҳқонлар қадиварлар деб аталган. Ҳукмрон синф вакиллари озодлар деб аталиб, бу даврда йирик феодал - ер мулкчининг эгаси бўлган деҳқонлар ҳам уларнинг таркибига кирган.

Турк ҳоконлигида одат ҳуқуқларига кўра хотин-қизлар тўла мулккий ва ворислик ҳуқуқига эга бўлганлар. Отни ёки бошқа унча катта бўлмаган мулккий ашёларни ўғирлаганлик учун ўғирланган мулкнинг қийматининг ўн баробарини ундириб олиш билан чекланилган. Катта мулкни ўғирлаган жиноятчининг оёғи қирқиб ташланган, ёхуд бутун уруғи ёки жиноятчининг ўзи қатл этилиб, мол-мулклари мусодара қилинган.


Сўғд ҳужжатларидаги мулк ижарасига бағишланган ерни харид қилиш, ариқ ва сувларни ҳамда тегирмонни ижарага бериш шартномалари диққатга сазовордир. Шартномада кўрсатилишича, Сўғд подшоши Диваштич ўзининг уч тегирмонини ҳар йили 460 кафча (3680 кг)га яқин урни ижара ҳақи сифатида тўлаши эвазига беради. ҳар ойда ижара ҳақини қонунга мувофиқ тўланиш муддати аниқ кўрсатилган бўлиб, агар ижара ҳақи бўлган ун ўз вақтида тўланмаса, шартнома бузилган ҳисобланиб, Ди-

¹ Қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида. -Т.: Университет, 2003, 45-54-бетлар.

ваштичининг амалдорлари унинг бажарилишини турли йўллар билан таъминлаши лозим бўлган.

Тегирмон мулкий ижараси ҳақидаги ҳужжатда унинг тузилган вақти, ижарага берувчи ва олувчининг номлари, тегирмоннинг жойлашган жойи, қувват манбалари, жиҳозлари, ижара муддати ва ҳақи ижара шартларига риоя қилмаслик оқибатлари, ижарага олинган мулкдан фойдаланиш, ижара ҳақининг қонунга мувофиқ бўлиши, қонунсизлик-хиёнат ва одатсизлик қандай оқибатларни келтириб чиқариши, ҳужжатни расмийлаштирувчи ва бу жараёнда иштирок этган гувоҳлар номлари кўрсатилиб, ҳужжат билан тасдиқланган.

ХУСУСИЙ МУЛК



4-жадвал. Милoddan аввалги VII-VI асрларда хусусий мулкнинг турлари.

Шунингдек, Сомонийлар (874-999), Ғазнавийлар (962-1186), Салжукийлар (1040-1160), Қорахонийлар (990-1212), Хоразмшоҳлар (1097-1231) давлатларида ҳам фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиш масаласи эътиборли даражада ҳал қилинган. Шарият ҳуқуқига кўра, ҳар бир фуқаро турар жойга, эҳтиёжи учун турли мол-мулкка, уни кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Амир Темурнинг "Темур тузуклари"да фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири бўлган мулк ҳуқуқи, тўғрироғи, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ва ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Амир Темур ўз салтанатида кишилар мол-мулки дахлсизлигини кафолатлашга катта эътибор билан қараган. Буни куйидаги фикрлар яққол тасдиқлайди: "Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинларки, сипоҳу раиятга соқчиллик қилсинлар ва қимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарларни, мусофирларни кузатиб мол-мулки ва бошқа нарсаларни манзилдан манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида биронтасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор-қол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин.

...Амр этгамки сипоҳлар фатҳ этилган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкини, буюмларини талон-тарождан сақласинлар, ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни эгаларига қайтариб берилишини текширсинлар".

Эътиборли жиҳати шундаки, Амир Темур ўз тузукларида бугунги тараққиёт учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган масала-хорижий фуқаролар, уларнинг мол-мулки, замонавий тил билан айтганда, хорижий инвестициялар нимага ва қандай сарфланаётганини мунтазам кузатиб бориш салтанат учун муҳим деб ҳисоблаган. Бу ҳуқуқи куйидаги фикрларда айниқса яққол ифодаланган: "Атрофдан кирган, чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четдан чиққан кишилар ҳар мамлакатдан келган қарвонлар ҳақида ...менга ёзиб турсинлар".

"Темур тузуклари"да мамлакат мулкнинг (амалдаги бугунги фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан олганда давлат мулкнинг) вужудга келиш манбаларидан бири бўлган солиқлар ва турли тўловларни тез ва соз йиғиб олиш масалаларига катта эътибор берилган.

Маълумки, Амир Темур ўз давлатини етти нафар вазир ёрдамида бошқарган. Шулардан, мамлакат ва раият вазири-салтанатнинг муҳим ишларини, қундалик муаммоларини, раият аҳволини олган ҳолда даромад миқдори, солиқлар, мамлакат харажатлари, юрт ободончилиги, аҳоли фаровонлиги қай даражада эканидан давлат бошиғини хабардор қилиб турган. Сипоҳ вазири сипоҳийларга бериладиган маош, шунингдек, сипоҳи ва кичик сарой хизматчиларининг тирикчилиги учун махсус ажратилган маошларни тарқатиш билан боғлиқ ишларни бошқарган. Мол-мулк, даромад ва харажат вазири турли сабабларга кўра эгасиз қолиб

кетган ер-сув ва мол-мулкни бошқарган, закот ва бож йиғимини назорат қилган. Сарқори хосса ва салтанат ишларини юритувчи вазир эса подшоҳга қаршли ер-сув ва мол-мулк ҳамда давлат муассасалари фаолиятини кузатиб турган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатдаги даромаднинг миқдори солиқ ишлари, давлат харажатлари, ер-сув ва мол-мулкни бошқариш, уларни назорат қилиш, умуман, салтанатнинг ҳар жиҳатдан устуворлиги мазкур вазирларга боғлиқ бўлган.

"Темур тузуқлари"да аҳолидан олинадиган ҳар хил жарималар борасида муҳим маълумотлар келтирилади. Унда, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш кераклиги таъкидланади: "Раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади, сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради".

Ушбу асардан маълум бўладики, Амир Темур даврида аҳолидан асосий солиқ ҳисобланмиш хирождан ташқари, мону жиҳат, қўнатга, бож, пешкаш, совари(совурин), шилон пули, хона пули, жон солиғи каби солиқлар ҳам ундирилган.

Шулардан, хирож асосий солиқ бўлиб, ернинг шароитига ва ер эгасининг жамиятда тутган ижтимоий-сиёсий мавқеига қараб олинган ва унинг миқдори ҳосилнинг ўндан бир, тўртдан бир еки учдан бир қисмини ташқил этган; мону жиҳат солиғи пул ёки натура билан тўланиши мумкин бўлган, қўналга-элчилар ва чопарчиларга тунаб ўтишлари учун қўноқ бериш мажбурияти бўлиб, подшоҳ ва хон юриши пайтида теяарак-атрофда жойлашган қишлоқларнинг халқи юриш қатнашчиларига қўноқ, уларнинг от-уловига ем-хашак ва жой беришга мажбур бўлган; бож-савадо қарвонлари мамлакат чегарасидан ўтаётганда ва қарвонса-ройларда тўхтаганда олинадиган махсус йиғим; пешкаш-юксак мартабали ҳукмдорлар мамлакатдан ўтиб кетаётганларида уларга аҳолидан тўплаб қилинадиган махсус совға; соварий-аслзодалар учун аҳолидан мажбурий тарзда тўплаб қилинадиган тортиқ; шилон пули-подшоҳ ва хонларнинг зиёфати учун аҳолидан тўлланадиган пул мажбурияти; жон солиғи - жон бошидан йилга бир марта тўпланадиган солиқдир

Агар ерлик фуқаролар азалдан тўлаб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг раўйига мувофиқ иш кўришлари, акс ҳолда хирожни тузуқка биноан йиғиб олишлари ҳамда уни экиндан олинган ҳосил ернинг унумдорлигига қараб йиғишлари, узлуксиз равишда ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот ҳамда булоқ ва дарё сувидан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олишлари ва ундай ерлардан олинган ҳосилнинг учдан икки ҳиссасини раиятга, учдан бир ҳиссасини эса салтанат хазинаси учун олишлари лозим бўлган. Аҳолининг рўйхатга олинган ерлардан бериладиган солиқларини акча билан тўлашлари тўғрисида тузуқларда шундай дейилган: "Агар раият рўйхатга олинган ерлардан

бериладиган солиқни нақ ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча микдорини сарқорнинг ҳиссаси ҳисобланган галланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ олинлар ва ақчани сипоҳга етказсинлар. Борди-ю райят ҳосилни учга айиришга рози бўлмаса, у чоғда ҳисобга олинган экин ерларни биринчи, иккинчи ва учинчи жариб, яъни сатҳўловчи (бир жариб 3600 квадрат газга, яъни тахминан бир танобга тенг бўлган) экин ер қилиб ажратсинлар".

Булардан ташқари, кузги, баҳорги, кишки ва ёзги дехқончиликдан олинган ҳосил райятнинг ўзига бўлиши, лалмикор ерлар эса танобларга бўлиниши, ҳисобга олинган бу ерлардан солиқ олишда учдан бир ва тўртдан бир ҳисса олиш қондасига амал қилиш лозимлиги айтилган. Шунингдек, ҳар шаҳар ва ердан олинадиган жон солиғи, касб-ҳунардан ҳамда ўтлоқ ва сувлоқдан олинадиган тўловларни тўплашда қадимдан амалда бўлган тартиб-қондага риоя қилиниши, борди-ю бунга райят рози бўлмаса, бўлганича иш тутилиши кўрсатиб берилган.

"Темур тузуқлари"да ҳосил пишиб етилмасдан бурун райятдан молу-жихат, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан натура тарзидаги солиқ олинмаслиги тўғрисидаги қонданинг мавжудлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу ҳақда жумладан, шундай дейилган: "Агар райят солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у холда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар, агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; қалтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқшишгача олиб бормасинлар, уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинлар".

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, тузуқларда, қимқи бирор саҳрони обод қилса ёки қориз-ер ости сувларини тортиб чиқариш учун иншоот қурса, ё бирор боғ қўқартирса, ёхуд хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олинмаслиги, иккинчи йили райят ўз розилиги билан берганини олиши, учинчи йили эса солиқ-солиқни қонун-қондага мувофиқ амалга ошириш амр қилинган.

«Темур тузуқлари»да ёзилишича, олимлар, шайхлар, фозил кишилар, дарвеш ва зоҳидлар суюрғол, мансаб ҳамда маош билан сийланган. Факиру мискин, бирор иш қилишга ожиз-ногиронларга нафақа, мударрисларга қундалиқ маош белгиланган. Авлиёлар ва дин пешволарига, шунингдек, улугларнинг мазорларини яхши сақлаш учун уларнинг атрофидаги қишлоқлар ва бошқа жойлардан вақф сифатида ер, сув ажратилган.

Фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан яна бири бўлган зарар етказишдан қелиб чиқадиган мажбуриятлар (делект мажбуриятлар) институти «Темур тузуқлари»да ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Унда бу ҳақда шундай дейилган: "Яна буюрдимки, агар (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари ва қалонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, (бундай вақтларга) етказилган зарарни қалонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз қолларига келсинлар".

Тузуқларда фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтлари бўлмиш бедарак йўқолганлик, чет эл фуқаролари ва уларнинг мол-мулкни, муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг мол-мулкни бошқариш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Бундан ташқари, "Тузуқлар"да "дараксиз йўқолганлар" ибораси ҳам қўлланган. Шу билан барча, вориссиз мол-мулкни бошқариш учинчи вазир зиммасига юкланган.

Оила ва жамият учун муҳим саналган фуқаролик ҳуқуқининг мерос ва ворислик масалалари ҳам тузуқларда назарда тутилган. Уларда белгиланганидек, Амир Темур ўзи забт этган ҳар бир ўлкага уч вазир тайинлаган, улардан учинчиси бевосита ҳар хил ташкилий масалалар билан шуғулланган. Соҳибқироннинг қуйидаги амри бевосита ана шу масала билан боғлиқ: "Яна амр этдимки, ўлганларнинг молларини ўз ворисларига етказсинлар. Агар вориси йўқ бўлса, уни хайрли ишларга сарф қилсинлар ёки Маккага мукараммага юборсинлар".

Шуни таъкидлаш керакки, "Темур тузуқлари"даги фуқаролик ҳуқуқига оид қимматли фикрлар, маълумотлар қонунчилигимизнинг мазкур ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ва Темурийлар даврида мулкчиликнинг суюрғол ёки Тиюл, Бобур ва Бобурийлар давлатида эса жагир мулки ривожланган. "Темур тузуқларида", Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Мубайн" асарида: ўзбек хонлиқларида фуқаролик ҳуқуқига оид ҳужжатларда талкин қилинишича, вақф мулкидан, хунармандлар ва қосиблар мулкидан мол-мулк солиғи олинмаган.

Темурийлар ва Бобурийлар давлатида ҳам, ўзбек хонлиқларида ҳам хусусий мулк кўпроқ вақфлар ҳисобига ривожлангани кўзга ташланади¹.

4. Фуқаролик жамиятининг тўртинчи хусусияти — фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши ҳисобланади. "Авесто"да Хоразм, Сўғд, Марв, Балх, Нисоя, Ҳирот, Парфия, Паркана, Шош (Чоч) каби Олий тангри Ахура Мазда яратган 16 та (давлат) ўлканинг худудий-маъмурий ва сиёсий бошқарув тизими ҳақида маълумот берилади. Давлат (ўлка) шох-"жави" бир неча оилаларнинг бирлашмаси-"иманя", уй, оила жамоаси-"дмана", катта оила жамоаси-"нма" ёки "напата", уруғ жамоаси бошлиғи "вис", катта қишлоқ аҳолиси-"виспати", қабила бошлиғи-"заншупати", вилоят ҳокими ва қабилаларни жамоаси томонидан сайлаб қўйилган Оқсоқоллар Кенгаши-"варзанапати" ёки "ханжамона" ва Халқ мажлиси "въязта" иштирокида маъмурий ва сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар асосида бошқарилган. Қўринадики, жамоа аҳлининг асосий қисми давлат бошқарувида фаол қатнашган. Том маънодаги, бироқ ўта оддий шаклдаги фуқаролик жамияти белгиларини уруғ ва қабиллага

¹ Қаранг: Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йулида. —Т.: ТМИ, 2004, 45-50-бетлар.

бирлашган жамоа ҳаётида умумий ижтимоий-фойдали меҳнат билан шугулланишида, эркин жамоа аъзоларининг асосий мулк қорва ва ерлардан тенг фойдаланиш-ганлигида, эркаклар билан хотин-қизлар тенг ҳуқуққа эга бўлганлигида, қабилянинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган турли масалалар Оксоқоллар Кенгашида муҳокама этилганлигида кўришимиз мумкин.

Турк хоқонлиги (551-744) давлат бошқарувида мамлакатимизнинг бугунги кундаги Олий Мажлисига киёсланадиган - Курултой мавжуд бўлган. Давлат томонидан ҳар бир уруғ, элат, қавм ва уруғнинг тенглиги, мулкий дахлсизлиги, инсоний ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Туркий халқлар давлатчилиги тарихида Селен номи билан аталган Курултой бўлган. Хоразмшоҳлар давлатида Жалолиддин Мангуберди, Темурийлар давлатида Амир Темур, Бобурийлар давлатида Захириддин Муҳаммад Бобур, Хива хонлигида Муҳаммад Раҳимхон-Феруз ташкил қилган Курултой тажрибасини Осиё ва кейинчалик Европадаги бошқа давлатлар ўзлаштириб ўз Парламентини шу асосда тузганлигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Курултойда оддий фуқаро табақасидан тортиб мансабдор шахсларгача фаол қатнашган, унда давлат аҳамиятига, фуқаролар манфаатига молик муҳим масалалар кўриб чиқилган ва қарорлар қабул қилинган.

Курултой бугунги мустақил мамлакатимиздаги икки палатали Парламент вазифасини бажарган. Зеро, Курултойда қабул қилинган қарорлар мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун мажбурий кучга эга бўлган.

Шундай қилиб, Марказий Осиё цивилизациясида фуқаролик жамияти ва улус (давлат, жамият, фуқаро)нинг ижтимоий-иқтисодий ахvoli, унинг фаровонлигини ҳамма нарсадан устун қўйган. «Авесто», Куръони Карим ва Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Ғаззолий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Кошифий, Давоний ва бошқа мутафаккирларнинг «Ҳокими мутлоқ бўлмаслиги», «Инсон озодлиги ва эркинлиги» тўғрисидаги фикрлари нафақат ўша даврда, балки бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда демократия ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг бош ғояси бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Дарҳақиқат, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар даврида фуқаролик жамиятининг ўзига хос шарқона модели шаклланган эди. Зеро, бизнинг давлатчилигимиз, сиёсий-ҳуқуқий кадриятларимиз ўз ғилофига ўралиб қолгани йўқ. Унга Зардуштнинг «Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал» сиёсий-ҳуқуқий ғоялари, қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийнинг фуқаролик дунёсининг кадриятлари, юнон донишмандларидан Афлотуннинг идеал давлат, Арастунийнинг инсонни сиёсий мавжудот сифатида қадрлаши ҳам кириб келди. «Аналхяю» - «Мен Худо» деган тугёнкор ғояси учун Сукрот ўлимини топган Мансур Халлож ўз даврида адолатли фуқаролик жамиятининг маънавий-сиёсий чўккиси сифатида тарихга кирди.

¹ Қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. —Т.: Университет, 2003, 61-62-бетлар.

Муқаддас «Авесто», Куръони Карим ва Ҳадиси шарифларда эса Оллоҳ олдида *шоҳу гадонинг тенглиги, сахийлик ва бахиллик, ҳалол ва ҳарам, инсоф ва адолат* каби фуқаролик жамияти аъзоларининг ахлоқ қондалари ўз ифодасини топган бўлса, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Исмоил ал-Бухорий, аз-Замахшарий ва уларнинг издошлари ҳам фуқаролар манфаати йўлида ажойиб қадриятларни мерос қилиб қолдирдилар.

Шу ўринда «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари айнан бир хил эмаслигини тушунтириб ўтишни жоиз топдик.

Аввало, ўйлаб кўрайлик: «жамият» ўзи нима? Жамият бу - кишиларнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида, уларнинг ўзаро бирлашуви ва кишилар ўртасидаги иқтисодий, ахлоқий, маънавий ҳамда бошқа ижтимоий муносабатлари йиғиндиси.

Кишилик жамиятининг тараққиётига таъбир қилувчи кучлар бор: иқтисодий куч - бунга жамиятдаги ишлаб чиқариш қуроллари, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари киради; сиёсий куч - жамиятдаги ишлаб чиқариш қуроллари, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари киради. Демак, сиёсий куч - жамиятдаги сиёсий, ҳуқуқий, маънавий асослар ва қарашлар йиғиндиси.

Жамиятнинг субъекти бўлиб фуқаролар, миллатлар, элатлар, синфлар, гуруҳлар табақалар қатнашади. Унда биологик қонуңлар эмас, ижтимоий қонуңлар ҳаракат қилади ва қўйидаги учта назарий ҳулоса келиб чиқади: биринчидан, кишилик жамияти турли ижтимоий иқтисодий босқичларга бўлинади. Иккинчидан, ижтимоий турмуш иқтисодий, сиёсат ва маънавий каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади. Учтинчидан, ижтимоий муносабатнинг субъектлари шахс, оила, миллат, элат, синф ва турли табақалардир.

Кишилик жамияти ривожланиш тарихининг XX асрдаги буюк кашфиёти - бу фуқаролик жамияти қуриш бўлади. Бундан олдинги тарихий тузумларда инсон, яъни жамият аъзоларининг манфаатлари фуқаролик жамиятидаги каби ифодаланмаган. Чунки фуқароларнинг асосий манфаатлари бу эркин, озод яшаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган бўлиб, унда жаҳондаги барча давлатлар қайси ижтимоий тузумда яшашидан қатъий назар, инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини амалга ошириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришда тенг ҳуқуқли эканлиги қайд қилинган. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Италия сингари тараққий этган мамлакатлар ривожининг асосий сабаблари ҳам улардаги тузумнинг чуқур демократиялашганлиги, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этилганлигидадир.

Ўзбекистонда дунёвий демократик ҳуқуқий давлат заминда эркин фуқаролик жамияти қуришнинг бозор иқтисодиётига ўтиш назарий масалалари Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, жаҳонда демократик тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинди. «Ўзбек модели» республикамиз ҳаётида амалга оширилаётган иқтисодий,

Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилган ишлар бутун жаҳоннинг диққат марказида турибди. Чунки давлатимиз минтақада барқарорлик ва иқтисодий ривожланишда энг катта таянчдир. Демократиянинг аввалги мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Аввал демократия жамият сиёсий тизимининг бир қисми деб қараларди. Энди эса демократия Ўзбекистонда яшовчи барча табақа, гуруҳ ва халқ оммасининг иштирокини таъминлаб, давлат бошқарувининг асосий омилига айланди. Жамиятнинг ижтимоий қатламлари бошқарувчилар ва бошқарувчи бўлиб, кенг халқ оммаси ва барча ижтимоий қатламлар унда фаол иштирок этмоқда. Халқ - давлат ҳокимиятининг манбаига айланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 2-моддасида шундай дейилади: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».

Зеро, фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда қатнашиши керак. Иқтисодий имкониятлар ёрдамида ҳар бир фуқаро ўз оиласининг фаровон турмушини таъминласа, сиёсий жиҳатдан давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этади. Эркинлик - фуқаролик жамиятининг муҳим масаласи. Бунинг учун энг аввало, моддий база зарур. Моддий эркинликсиз маънавий эркинликка эришиб бўлмайди. Айниқса, фуқароларнинг шахсий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари қўлланганини жониз. Айни шу нуқтан назардан Конституциянинг 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» - деб белгила қўйилган.

Фуқаролик жамияти қуриш учун жаҳонда тараққий этган мамлакатларнинг ижтимоий-синфий тузилиш тажрибасини ўрганиш зарур. Ривожланган давлатларда асосан уч синф ташкил топган - бойлар, мулкдорлар, ўрта мулкдорлар ва камбағаллар. Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилиб (чет эл компаниялари билан бирга қўша корхоналар қурилиб) мулкдорлар синфи пайдо бўла бошлади. Ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл очилди. Давлат уларга барча зарур имкониятларни яратиб берди ва бермоқда. Чунки, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мулкдорлар синфи қанча кўпайса иқтисодий соҳада ўсиш шунча тезлашади ва фуқаролар турмуши яхшиланади. Бу мулкдорлар синфи пайдо бўлиши билан уларнинг фуқаролик жамияти шаклланишида маъкеи ҳам кучаяди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг иқтисодий базасини яратишда ўрта мулкдорлар синфи муҳим ўрин тутди. Бу синф фуқаролик жамиятининг фақат иқтисодий асосинигина ташкил қилмасдан, балки жамият ва давлат барқарорлигини ҳам мустаҳкамлайди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, сайловларда қайси партия ва табақалар шу синф билан келишолса, улар ғалаба қилади. Бу синфга жамиятдаги кичик ва ўрта тадбиркорлар, ўқитувчилар, шифокорлар, хизматчилар ва бошқа фуқаролар қиради.

Ўзбекистон тараққиётидаги энг муҳим вазифа - фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 22 январдаги иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган маърузасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш мақсадида белгилаб олинган стратегик йўл ва сиёсатнинг устувор йўналиш ва тамойидлари аниқ-равшан ифодалаб берилган.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш керак. Демократиянинг янги механизмини жорий қилиш, фуқароларнинг давлатни бошқаришда ҳуқуқ ва бурчларини мустаҳкамлаш лозим.

Иккинчидан, сиёсий соҳада кўппартиявийликни ривожлантириш зарур. Ҳар бир сиёсий партия муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиши керак.

Учинчидан, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш учун давлат вазифалари нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиб бориши жоиз.

Тўртинчидан, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, турли қарашлар ва уларни эркин ифода этиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама қилиш фаоллиги даркор.

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган давлат жамоат ташкилотлари тизимини такомиллаштириш керак.

Хулоса, Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил тараққиёт йўлига - бозор иқтисодиёти босқичига дадил ўтиб олди. Энди мақсад - Ўзбекистонда - адолатли фуқаролик жамияти қуришдан иборат.

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи ижтимоий ҳодисалардир. Фуқаролик жамияти - демократик ҳуқуқий давлат негизида шаклланган очиқ, адолатли жамият бўлиб, унда инсоннинг қамоли, ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошиши учун реал шароитлар яратилади, қонуңларга, инсоний фазилатларга юксак ҳурмат ҳисси билан қаралади, хусусий ташаббус ва шахснинг бошқа ижодий жиҳатлари юзага чиқиши учун тўла имконият мавжуд бўлади, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши таъминланади, жамиятнинг давлат фаолияти устидан оқилона назорати ўрнатилади, давлатнинг жамият ва хусусий шахс ҳаётига ортиқча аралашуви истисно этилади.

2-чизма. Фуқаролик жамияти

Фуқаролик жамияти – тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, яқса шахслар ёки жамоалар манфаатлари амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимидир.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

1. Инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топиб бориши.

4. Ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баландлиги.

2. Кўппартиявийлик сиёсий ҳаёт, сиёсий институтларнинг, мафсура ва фикрларнинг хилма-хиллиги.

5. Жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг катталлиги.

3. Жамоат бирлашмаларининг аҳамият ва фаоллиги ошиб бориши.

6. Маънавий ҳаётнинг умуминсоний кадриятлар асосида амалга оширилиши.

Фуқаролик жамиятида давлат имкон қадар жамият аъзоларининг ҳаётига камроқ аралашади, жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш асослари кенгайтишига ва чуқурлашувига ҳар томонлама қўмак беради. Жамиятда кўппартиявийлик, эътиқод эркинлиги, иқтисодий, сиёсий, маданий плюрализм, яъни хилма-хил қарашлар мавжуд бўлиши учун шароит яратилади, оммавий ахборот воситалари ошқораликни таъминлаш орқали жамият ҳаётида мутлақ юқори ўринни эгаллаш бошлайди ва шу тариқа катта ижтимоий кучга айланади.

Жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг турли уюшмалари, роли юксалиб, фуқаролар улар орқали интилиш ва қобилиятларини намоён этадилар.

Фуқаролик жамияти - шахснинг камол топиши учун барча шароитларни яратадиган жамият. Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўйбга чиқишига қўмаклашади». Бу эса ўз навбатида, фуқароларда юксак онг, ўз бурчини чуқур англаш, ижтимоий ва сиёсий фаоллик, ҳуқуқий хулқ бўлишини тақозо этади.

Матълумки, фуқаролик жамиятининг иқтисодий тизимида иқтисодий эркинлик, ривожланган бозор муносабатлари шаклланган бўлиши керак. Фуқаролик жамияти асосини хусусий мулк ташкил этиб, у жамият аъзоларига эркинлик ва инсоний қадр-қимматини сақлашга, иқтисодий жиҳатдан давлатга «боқиманда» бўлиб қолмасликка имкон беради. Бироқ, эркинлик бор жойда, албатта, мажбурият ҳам бўлади, фуқаролар қонунга мувофиқ тартибда ва шаклда тадбиркорлик билан шуғулланмоғи, белгиланган солиқларни тўлашлари зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, яъни прокуратура, суд, милиция, солиқ ва божхона органлари нафақат ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи, балки фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини муҳофаза этувчи кучли тузилмага айланиши лозим. Айниқса, суднинг фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя этишдаги роли юқори бўлиши керак.

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамияти моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш учун унинг давлат билан ўзаро муносабатини аниқлаш жоиз. Масалан, ҳар қандай давлат ўзаро бўйсунуш ва давлат интизоми орқали бир-бири билан боғланган органлар ва мансабдор шахсларнинг марказдан бошқариладиган поғонавий, вертикал тизимдан иборатдир. Давлатнинг бош мақсади - жамиятни бошқариш ва уни муҳофаза этишдир. Давлатнинг ўз вазифасини бажаришида керак бўладиган барча харажатлар жамият томонидан, аниқроғи, фуқаролардан йиғиладиган солиқлар, йиғимлар, давлат заёмлари ҳисобидан қопланади.

Давлатдан фарқ қилган ҳолда, фуқаролик жамияти фуқаролар ва уларнинг турли уюшмалари, тузилмалари ўртасидаги ҳар хил алоқадорлик,

боғлиқлик муносабатлари тизимини ўз ичига олади, бу муносабатлар ўзаро тенгликка, шахсий ташаббусга асосланган. Фуқаролик жамиятида фуқаролар қонунда маън этилган фаолият турларидан бовсқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Яъни, улар учун «қонунда маън этилмаган ҳар қандай ҳаракатни содир этиш мумкин» деган тамойил амал қилади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти - ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда яхлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг яъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали саклаб туриладиган ва қатъий қарор топган жамиятдир. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Зеро, давлат фуқаролар, қорхона ва муассасалардан олинадиган солиқлар ҳисобига мавжуд бўлади. Фуқаролик жамияти нафақат сиёсий, маданий ҳаётни, балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётни ҳам бошқариб туради.

Айни пайтда, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш в инсоннинг ўз қобилиятини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратишга, мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги адолатли сайловлар, очик ва ҳисобот берувчи ижро ҳоқимияти мавжудлиги, кўппартиявийлик муҳитининг қарор топишига, ҳар бир партия халқ манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлишига, унда партиянинг мақсад ва вазибалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топишига, нодавлат нотижорат тузилмалар, ҳукуматта қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демократик ва ҳуқуқий қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва билимига ишониб мустақил иш кўрадиган, ўз қобилиятига таяниб яшайдиган, дунё миқёсида ва мамлакатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ва ақлий теран муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан узвий олиб борадиган ёшларимизга зарур шарт-шароитлар яратишга эътибор берилиши очик демократик, адолатли фуқаролик жамияти қурилишининг маъноси, моҳияти ва тамойиллари ҳамда қонунларида ифодасини топади.

1.2. Махсус курс предмети ва объекти, илмий-услубий ва методологик асос-манбаеси

«Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари» махсус курс ҳам ижтимоий-гуманитар, сиёсий фанларда эътироф этилган ўзининг ўрганиш объекти, предметига эга. Бу

Ўрганиш объекти ва предметининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда айтадиган бўлсак, мазкур махсус курс очик демократик, адолатлик фуқаролик жамияти қуриш қонуниятларини, фуқаролик жамияти шаклланишининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий асослари ҳақида инсон манфаати, эркинлиги ва кадр-қимматига хизмат қилувчи тинчлик, меҳнат, озодлик, биродарлик, адолат ва бахт каби ҳуминсоний кадриятларни, Конституция ва қонун устуворлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш масалаларини ўрганади ва тадқиқ этади. Айни пайтда, мазкур махсус курснинг ўзига хос хусусиятлари, объекти, предмети ва қонунияти, тушунчалари борки, у мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти тўғрисида муайян билим, кўникмалар ҳосил қилишни ўзига асосий мақсад қилиб қўяди. Бу махсус курсни ўрганиш жараёнида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг назарий асослари, у тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан танишиш имкониятига эга бўлиши билан бирга, айни пайтда, қуйидаги учта асосий йўналиш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида ҳам яқлит тасаввурга эга бўлади:

- биринчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, мулкдорлар синфини шакллантириш;

- иккинчидан, фуқаролар ўртасида тинчлик, эркинликнинг қарор топиши, Конституция ва қонуннинг устуворлиги, яъни, қонуннинг ҳамма учун ягоналиги;

- учинчидан, давлатнинг устуворлик сиёсати. «Фуқаро – жамият-давлат» концепциясининг мақсад-вазифаларини асослаб берилиши ва ҳ.к.

Шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг конституциявий-ҳуқуқий негизлари ва асослари, босқичлари ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари билан танишадилар.

Бу махсус курсни ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ яқлит сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти ялми-услугий ва методологик асос-маибаи бўлиб хизмат қилади.

Махсус курсни ўқитишнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти шундаки, талабалар, магистрантлар ва малака ошириш курси тингловчилари Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг «Ўзбек модели»ни беш тамойиллини чуқур ўзлаштириш ҳамда Ўзбекистонда очик адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг назарий-амалий асосларини пухта ўрганиши жараёнида жамиятда кечаётган барча соҳаларни эркинлаштириш билан боғлиқ бош стратегик мақсадни тeraan англаб, унда онгли иштирок этиш кўникмасига эга бўлишади. Муҳими - уларни Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиш истиқболларини таъминлашда фидойи бўлишларига сафарбар этиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий таянч тушунчалар

Жамият – муайян эҳтиёж ва манфаатларига кўра, бирлашган кишиларнинг маълум тарзда таркиб топган мажмуасидир.

Давлат – жамиятнинг энг муҳим таркибий элементидир. У жамиятда асосан сиёсий функцияларни бажаради. Жамият билан давлат асло бир тушунча эмас. «Жамият» тушунчаси «Давлат» тушунчасидан кенгдир.

Фуқаролик жамияти – анча юксак даражадаги ижтимоий ривожланиш кўрсаткичидир. Фуқаролик жамияти инсонларда ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради.

«Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари» махсус курснинг предмети – фуқаро – жамият, эркин шахсни тарбиялаш, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларда фаол иштироки муаммоларини ўрганишдан иборат.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари махсус курснинг предмети, максади, вазифаси, услубий ва методологик асос-манбаларига нималар киради?
2. Маъмур махсус курс асосан нимани тадқиқ қилиб, нимани ўргатади?
3. «Фуқаро-жамият-давлат» деганда нимани тушунасиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари.
2. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти.
3. Давлат, ҳуқуқ ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги.

Тест топшириқлари

1. Фуқаролик жамиятнинг ибтидоий ва қайҳоний кўрinishлари ҳақидаги илк маълумотлар қайси манбада қайд этилган?
 - a) Хаммурапи қонунларида;
 - b) «Авесто» да;
 - c) Афлотуннинг «Давлат» асарида;
 - d) Конфуцийнинг «Сухбатлар ва мулоҳазалар» асарида;
 - e) Фирдавсийнинг «Шоҳнома» да.

2. «Авесто» да фуқаролик жамияти тўғрисидаги сиёсий гоялар қандай ахлоқ тамойиллари негизида ҳал этилган?
- a) «қабилавий демократизм» анъаналари;
 - b) уруғ-аймоқчилик негизида;
 - c) эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал;
 - d) ҳиммат ва жоҳиллик;
 - e) ақл-идрок ва адолат.
3. «Авесто» да тасвирланган фуқаролик жамиятининг биринчи хусусияти нимадан иборат?
- a) барча жихатлардан уйғун ва уюшган, гуллаб яшнаган адолатли жамиятни яратишдан иборат;
 - b) одамлар иродаси эркинлигини таъминлаш;
 - c) одамларнинг жамиятда ижтимоий фаоллиги;
 - d) ишлаб чиқариш жамоалари таркибини ташкил этиш;
 - e) жамоа диний урф-одатларни бажариш ва ахлоқий-ғоявий дунёқарашга амал қилиш.
4. «Авесто» да тасвирланган фуқаролик жамиятининг иккинчи хусусияти қайси?
- a) инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
 - b) қонунни муқаддас билиш ва тўраваликка йўл қўймаслик;
 - c) давлатнинг сиёсий ва қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш;
 - d) уруғининг қавм бошлиғига итоат этиш тартиблари;
 - e) фақат а ва b жавоблар тўғри.
5. «Авесто»да тасвирланган фуқаролик жамиятининг учинчи хусусиятини аниқланг?
- a) эркин жамоа аъзоларининг хусусий мулкка эга бўлиши;
 - b) жамоавийликни пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари;
 - c) умумманфаатли ишлаб чиқариш омили;
 - d) давлат ва унинг ҳудудий бошқарув тизими;
 - e) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг мажмуи.
6. «Авесто»да тасвирланган фуқаролик жамиятининг тўртинчи хусусиятини топинг?
- a) жамоа аъзоларининг умумий ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши;
 - b) ҳар бир қавм-жамоанинг ўз етакчилари бошчилигида давлатни бошқарув тизимида фаол иштирок этиши;

- c) ўзини ўзи эзгулик йўлида бошқариш;
- d) эзгулик қонун-қоидаларига асосланиб, тинч, фаровон ҳаёт кечириш;
- e) жамоавийлик асосида умумманфаатлар мақсадлари йўлида яқин муносабатда бўлиш.

7. «Гайта» атамаси қандай маънони билдиради?

- a) хусусий мулк;
- b) мулкчилик ҳуқуқи;
- c) мулк ижараси;
- d) хирож;
- e) мол-мулк солиғи.

8. «Авесто»да тасвирланган илк давлатчилик шаклланишининг кўринишларини асоси бўлиб нима хизмат қилган?

- a) қишлоқ ўтрок дехқончилиги;
- b) шаҳар-қўрғон, ички қалъа, аҳоли гузарлари, уй-жойлари, ҳунармандчилик устaxonалари, бозорлар, шаҳар маркази ва атрофи, уй-қурғонлар, қишлоқлар, экинзорлар ва ҳ.к.;
- c) хусусий мулк ва мулкый табақаланиш;
- d) диний ва дунсвий ҳокимият тажассумлаштирилиши;
- e) шаклланган қабилавий тизимнинг катъий тартибга мувофиқ бошқарилиши.

9. Авесто»да тасвирланган Марказий Осиё ҳудудда шаклланган илк давлатчилик, яъни фуқаролик жамиятининг ибтидоий ва қайҳоний кўринишлари асосларининг вужудга келиш жараёнининг уч даврга бўлинганини тўғри таърифини топинг?

- a) адолатли ва инсоний бахт-саодат ҳукмрон бўлган;
- b) яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасидаги адолат учун қураш давом этган;
- c) ақл-идрок ва адолат тантана қилган;
- d) жамоанинг «эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал» ғоясига итоат этиш тартиби ўз аксини топган;
- e) a, b, c.

10. Қуръони Каримнинг қайси сураси ва оятда адолатли фуқаролик жамияти ва барча инсонлар тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши тўғрисидаги ғоялар баён қилинган?

- a) «Бақара « сураси, 30-оятда;
- b) 17-сура, 70-оятда;
- c) 49-сура, 13-оятда;

- d) «Исро» сураси, 24-оятда;
- e) a, b ва c.

11. Фуқаролик манфаати ва тенглиги йўлида курашиб, Оллоҳ олдида шоху-гадоннинг тенглиги, сахийлик ва бахиллик, ҳалол ва харом, инсоф ва адолат каби сиёсий - ҳуқуқий қадриятларни мерос қилиб қолдирган Шарқ мутафаккирларини янгиқланг?

- a) Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино;
- b) Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек;
- c) Мансур Халлож, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аз-Замашарий;
- d) Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, Низом ул-Мулк, Хорин ар-Рашид, Али Яздий;
- e) Фитрат, Бехбудий, Аҳмад Дониш, Мунаввар Қори Абдирашидхонов, Мустафа Чўқоев.

12. «Доно бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади» деган фикрлар қайси мутафаккирнинг асарида баён этилган?

- a) Али Яздийнинг «Зафарнома» сида;
- b) Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» сида;
- c) Амир Темурнинг «Темур тузуклари» да;
- d) Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» да;
- e) Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билиг» ида.

13. «Инсон меҳнатини қадрлаш ва моддий рағбатлантириб туриш натижасида давлат мустаҳкам ва барқарор, ўлка маъмур, халқнинг турмуши эса фаровон бўлади...» - деган сиёсий ғоя қайси манбада қайд этилган?

- a) Абу Али ибн Синонинг «Рисолату тадбири манзил» ида;
- b) Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия» сида;
- c) Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» да;
- d) Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билиг» да;
- e) Амир Темурнинг «Темур тузуклари» да.

14. Абу Али ибн Сино қайси асарида жамият фуқароларининг табақаланиши, мулкий тенгсизлиги ва вазифасининг бир хил эмаслиги масалаларига алоҳида эътибор берган?

- a) «Рисолату тадбири манзил» асарида;
- b) «Донишнома» асарида;

- c) «Метафизика» асарида;
- d) «Саломон ва Иблос» асарида;
- e) «Тиб қонуллари» асарида.

15. «Эй бек, халқнинг сенда уч хил ҳақи бор, сен бу ҳақни тула ва уз жонингга жабр қилма...» -деган фикрни қайси Шарк мутафаккири ўз асарида ёзиб қолдирган?

- a) Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарида;
- b) Беруний «Ҳиндистон» асарида;
- c) Ибн Сино «Рисолату тадбири мазил» да;
- d) Алишер Навоий «Садди Искандарий» да;
- e) Низом ул-Мулк «Сиёсатнома» асарида.

16. «Ҳақ сени одил этгали султон қилиб, Зулм ила сен халқни вайрон қилиб», - мисралари қайси мутафаккирнинг қаламига мансуб?

- a) Алишер Навоий;
- b) Кошифий;
- c) Низом ул-Мулк;
- d) Амир Темур;
- e) Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

17. «Тарбия ва жазо ҳақида қонушларнинг булмаганлиги давлат фаолиятининг бузилишига ва инсон ҳуқуқларини камситилишига олиб келади», деган фикрлар қайси Шарк мутафаккирига тегишли?

- a) Кошифий;
- b) Алишер Навоий;
- c) Юсуф Хос Ҳожиб;
- d) Амир Темур;
- e) Низом ул-Мулк.

18. «...Қонунсиз жамиятда тартиб ўрнатиб бўлмайди»,-деган фикр қайси мутафаккир томонидан ёзилган?

- a) Давоний;
- b) Алишер Навоий;
- c) Низом ул-Мулк;
- d) Юсуф Хос Ҳожиб;
- e) Мирзо Улуғбек.

19. «Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузуқ асосида бажардим...», -деган фикрлар қайси мутафаккирнинг асаарида айтилган?

- а) Низом ул-Мулкнинг «Сийёсатнома» сида;
- б) Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки аҷам»да;
- с) Амир Темурнинг «Темур тузуқлари» да;
- д) Кайковуснинг «Қобуснома» сида;
- е) Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» да.

20. «Мубаййин» асарининг муаллифи ким?

- а) Алишер Навоий;
- б) Кошифий;
- с) Давоний;
- д) Заҳриддин Муҳаммад Бобур;
- е) Ҳумоюн.

21. Туркий халқлар давлатчилиги тарихида «Селен» атамаси нимани англатади?

- а) парламент;
- б) оқсоқоллар кенгаши;
- с) Халқ Мажлиси;
- д) Курултой;
- е) сенат.

22. Исмоил ал-Бухорийнинг «Шоҳона фойдалиқ» асааридаги ғоялар Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига уйғунлигини аниқланг?

- а) шариат асосида адолатли ҳокимият ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўллари;
- б) мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари қаттиқ ҳимояланган бўлиши кераклиги;
- с) фуқаролик жамияти моҳиятига доир фикрлар;
- д) қонун олдида шоҳу-гадонинг тенглиги;
- е) а ва б жавоблар тўғри.

23. «Фуқаро» атамаси қандай маънони билдиради?

- а) мустақил, тенг ҳуқуқли, кадр-қиммат;
- б) дахлсизлик, эркинлик, озодлик;
- с) эркин индивид, шахс, инсон, одам, киши;
- д) инсон, шахс, фуқаро, фақир одам;
- е) тадбиркор ва уддабурон эркин шахс.

24. Фуқаролик жамияти тушунчаси нима?

- a) фуқаролик жамияти-инсон социумининг мустикал тизими;
- b) фуқаролик жамияти-юксак маданиятта асосланган демократик тараққиётнинг олий шакли бўлиб, ўзига хос ижтимоий эркин макондир;
- c) ижтимоий муносабатлар мажмуи йиғиндиси;
- d) фуқаролик жамияти фуқароларнинг умумлашмасидир;
- e) фақат a ва b жавоблар тўғри.

25. «Давлат» билан «жамият» тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада?

- a) давлат жамиятнинг шаклланган сиёсий институти;
- b) жамият тараққиёти ривожланишининг маълум етук даврида давлат пайдо бўлган;
- c) жамият табиий жараён, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган тузум;
- d) давлат ихтиёрий, мажбурий, сиёсий тузилмалардан иборат ташкилот;
- e) a ва b жавоблар тўғри.

26. «Жамият» ва «фуқаролик жамияти» ибораси ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик ва фарқлар мавжуд?

- a) жамият инсонларнинг умумий манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари бирлиги асосида, уларни қондириш мақсадидаги бирикуви ва кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, алоқадорлик, ҳамкорлик ифодасидир;
- b) жамият шахснинг ривожланишини таъминлаш воситаси;
- c) фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаришга, омма (давлат ва жамият) ва шахс манфаатларини мақбул тарзда уйғунлаштиришга, шахс манфаатларининг устувор аҳамиятига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жамиятнинг олий қадрияти деб эътироф этишга асосланган янги сифат ҳолатини акс эттиради;
- d) фуқаролик жамияти-демократизм, инсон шахсига ҳурмат, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган тузумда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий муносабатлар ривожланиш имконини берадиган жамиятдир;
- e) a ва c жавоблар тўғри.

27. Абу Али ибн Сино жамият моҳияти ва мазмунини қандай таърифлаган?

- a) макон ва замонда мавжуд бўлган, турмуш тарзи ҳамда манфаатлари муштарак бўлган инсонларнинг ўзаро алоқадорлиги;

- б) жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққан ижтимоий тенгсизлик, табиий ҳолат, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши жамият тараққиётининг асосидир;
- с) жамият табиий тарихий жараён, мураккаб ижтимоий система;
- д) жамият муайян мамлакатда ҳаёт кечирувчи барча аҳолини қамраб олади;
- е) жамият шахсларнинг ўзи таркиб толтирувчи миллий, ижтимоий муассасалар тизими.

28. «Фуқаролик жамияти» иборасининг ҳам кенг, ҳам тор маънода қўлланишининг тўғри таърифини топинг?

- а) кенг маънода фуқаролик жамияти деганда жамиятнинг давлат ва унинг тузилмалари бевосита қамраб олмаган қисми тушунилади;
- б) кенг маънода фуқаролик жамияти деганда иқтисодий, оилавий, хўжалик юретиш, этник, диний, ҳуқуқий муносабатлар, кўппартияли парламент тизими, яъни плюралистик демократия, хусусий мулкчилик, эркинлик, адолат, тенглик тушунилади;
- с) тор маънода фуқаролик жамияти деганда бозор ва демократик ҳуқуқий - давлат шароитида эркин ватенг ҳуқуқли шахсларнинг давлат бегиламаган ўзаро муносабатларининг хилма-хиллиги тушунилади;
- д) тор маънода барча фуқароларда хусусий мулкдорлик негизида мустақиллик имкониятининг пайдо бўлиши, феодал-табақавий тузум ёки тоталитаризм сиёсий ҳокимиятнинг қаттиққўл тартиби бузилган даврда фуқаролик жамияти вужудга келиши тушунилади
- е) а ва с жавоблар тўғри.

29. Фуқаролик жамиятини ўрганувчи ижтимоий фанлар дифференциясини аниқланг?

- а) иқтисодиёт назарияси фуқаролик жамияти ташкилотларининг келиб чиқишидаги иқтисодий сабабларни, уларнинг молиявий фаолиятини ўрганеди;
- б) тарих фани фуқаролик жамиятининг маълум миллий шакллари, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда иштирокларининг тартиб-қоидалари, қонуниятларини ўрганеди;
- с) ҳуқуқшунослик фани фуқаролик ҳуқуқлари субъекти ҳамда ҳуқуқий бошқаришнинг субъекти сифатида; фалсафа ва социология фанлари эса фуқаролик жамиятини ижтимоий тизим, ижтимоий ташкил эгиш ва ўзаро муносабатлар шакли сифатида тадқиқ этади;
- д) сиёшатшунослик фанида фуқаролик жамиятининг сиёсий ва ижтимоий институтлари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларни характери ва шакллари муаммоларини ўраниш муҳим аҳамият касб этади;
- е) а, б, с ва д жавоблар тўғри.

Интеллектуал тренинг

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари махсус курснинг мақсади ва вазифаларини изоҳланг.

№	Махсус курсни ўрганишнинг зарурлиги	Махсус курсни мақсади ва вазифалари
1	2	3

2. Махсус курснинг предмети, объекти, илмий-услубий ва методологик асос-манбасини изоҳланг.

№	Предмети ва объекти	Илмий-услубий ва методологик асос-манбаси
1	2	3

3. Фуқаролик жамиятини ўрганувчи ижтимоий фанлар дифференциясини изоҳлаб бering.

№	Иқтисодиёт назарияси	Тарих	Ҳуқуқшунослик	Фалсафа	Социология	Сiyёsatшунослик
1	2	3	4	5	6	7

4. «Авесто»да ифодаланган фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланишига мос келувчи гоялари бирма-бир Ёзма равишда изоҳланг.

№	Эзгу сўз	Эзгу калом (фикр)	Эзгу амал
1	2	3	4

5. «Авесто»да ўз ифодасини топган фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос, ўта оддий шаклдаги асослари, белгилари ва хусусиятларини мухтасар шарҳланг.

№	Фуқароларнинг жамиятда ижтимоий фаоллиги	Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги	Фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиши
1	2	3	4

II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

2.1. Ҳуқуқий давлат: ғоялар тарихи ва ҳозирги замон

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш зарурати ҳақидаги чақириқлар, давлатлар ҳамма даврга ҳам бирдек хосдир. Лекин истибодда, зўравонликка асосланган бошқарув тарзи жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келди. Айни шу сабабга кўра буржуазиянинг феодаллар билан кураши даврида юқори табақа имтиёзлари, эски ҳужирон синф уйғунлаштирган ўзбошимчилик ва зўравонликка ҳуқуқий қадриятлар қарши кўйилди. Бироқ жамиятда мурасасизлик табдиларидан манфаатдор, демократик қайта қуришни истамаган таъсирли доиралар мавжудлиги сабабли ушбу жараён тўла ривожланиш имконидан маҳрум бўлди.

Қадимги дунё мутафаккирлари Сукрот, Демокрит, Афлотун, Полибий, Цицерон ҳуқуқий давлат хусусиятлари ва назарий асосларини биринчи бўлиб очиб беришга уринишган. Бинобарин, ҳуқуқни тан олувчи ва айни пайтда чекланган давлат ҳокимияти, қадимги мутафаккирлар фикрича, адолатли ҳуқуқий давлат ҳисобланади. «Қонун ҳокимияти йўқ жойда, - деб ёзган эди Арасту, - давлат тузумининг бирон бир шакли учун ҳам ўрин йўқ». Цицерон ҳуқуқий давлат, халқ иши, ҳуқуқий муомала ва умумий ҳуқуқ-тартибот сифатида гапирганди. Хуллас, қадимги Юнон ва Рим мутафаккирларининг ғоялари улардан кейинги тараккийпарвар сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг юзага келиши ва ривож топишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Илк буржуа инқилоблари даврларида ҳуқуқий давлат назарияси Европа тараккийпарвар мутафаккирларидан Н.Макиавелли, Ж.Боден, Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббс, Д.Локк, Ш.Монтескье, Д.Дидро, П.Гольбах, Т.Жефферсон, И.Кант, В.Гегель, Ж.Вольтер, Гельвеций, Руссо, Пейни ва бошқаларнинг қарашларида ўз аксини топди. Чунончи «Ҳуқуқий давлат шароитида, - деб ёзганди Локк, - одамлар озодлиги қонунчилик ҳокимияти томонидан ўрнатилган, ҳамма учун қатъий қондалардан иборат. Унинг моҳияти эса қонун таъқиқламаган ҳамма ҳолларда ўз майлига амал қилиш эркинлиги ҳамда бошқа одамнинг доимий мавҳум, номатълум якка ҳокимлик иродасига тобе бўлмаслиқдир».

Ш.Монтескье эса фуқаролик жамиятида сиёсий эркинлик зарурати ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг муҳим шарти, деб ҳисоблайди. Айни пайтда у сиёсий озодлик ғоясини фуқаролик эркинлиги билан боғлайди. Бу эркинлик ҳуқуқий давлат фуқароларининг хавфсизлигида ифодаланади. У, шунингдек, суиистеъмол қилишнинг олдини олиш учун ҳамма қонуларга бирдек қатъий риоя этиш зарур, деб ҳисоблайди: «Озодлик қонун йўл кўядиган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидан иборат. Мабодо фуқаро ушбу қонуларда таъқиқланган нарсаларни қиладиган бўлса, у озод бўлмасди, зеро, бошқа фуқаролар ҳам худди шундай қилган бўлардилар». Демак,

Монтескьенинг фикрича, ҳуқуқий давлатга сиёсий қонунийлик ва ҳавфсизликни қарор топтиришга, ҳокимиятни бир-бирини четлаб мувозанатга солиб турувчи қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиш йўли билан эришилади. Дидро ҳуқуқий давлат тушунчасини давлат ҳокимияти суверен бўлган халқнинг иродасига боғлаб, «Фақат миллат чинакам суверендир. Фақат халқгина чинакам қонун чиқарувчи бўла олади. Фақат халқ иродасигина сиёсий ҳокимият ҳисобланади», - деганди.

*«Мустақил Америка Қўшма Штатлари Декларацияси»*нинг муаллифи бўлган Томас Жефферсон ҳуқуқий давлат гоёсини амалда рўёбга чиқарди. У давлат бошқарувининг монархия шаклини рад этиб, халқ суверенитети тамойилини ҳимоя қилиб чиқди. Жефферсон Декларациясида инсоннинг тортиб олинмаган табиий ҳуқуқлари мавжуд, уларни таъминлаш учун давлат ташкил этилади, деб таъкидланади. Декларацияга киритилган инсоннинг табиий ҳуқуқлари яхлит бир бутунлик сифатидаги давлатга нисбатан алоҳида индивидларнинг субъектив ҳуқуқларига айланди. Зеро, одамларга ҳуқуқни давлат беради, деган илгариги ақидаларга қарама-қарши ўлароқ бу ғоя мутлақо янги эди.

И.Кант ишлаб чиққан ҳуқуқий давлат назариясида инсон, шахс марказий ўринни эгаллайди. Халқ ўз иродасини ифодаловчи Конституцияни қабул қилиш орқали ҳуқуқ-тарғиботни ўрнатишда қатнашиш аммавий ҳуқуқнинг мудим тамойили деб ҳисоблайди. Ҳуқуқнинг устуворлиги давлатда барча фуқароларнинг эркинлиги, тенглиги ва мустақиллиги учун шароит яратиб беради ва у «Ҳуқуқий қонунларга бўйсунувчи кўпчилик одамларнинг бирлиги» сифатида майдонга чиқади. Шундай қилиб, Кантнинг таърифича, конституциявий ҳуқуқ асосида фаолият юритадиган, халқнинг умумий иродасига жавоб бериладиган жойда ҳуқуқий давлат пайдо бўлиб, у ерда шахсий эркинлик, ор-номус, тафаккур, хўжалик фаолияти соҳаларида фуқаролар ҳуқуқларининг чекланишига йўл қўйиш мумкин эмас.

В.Гегель талқинида, ҳуқуқий давлат ижтимоий ҳаётнинг энг такомиллашган шакли бўлиб, ҳамма нарса рўёбга чиққан эркинлик салтанатидан иборат ҳуқуқий асосга қурилади. У шахс, оила ва жамият ҳуқуқларининг тан олинишини кафолатлайди.

Ҳуқуқий давлат қуриш тўғрисидаги гоёлар Германиянинг XIX-XX асрлардаги тарихига ҳам хос бўлиб, канцлерлардан Бисмарк ва Гитлер ҳам ўз республикаларини - ҳуқуқий давлат, деб эълон қилганлар.

Ҳуқуқий давлат гоёлари рус ҳуқуқшунослари ва файласуфлари Н.М.Коркунов, С.А.Котлярский, В.М.Гессен, Г.Ф.Шершеневич, Б.Н.Чичерин, Н.А.Бердяев асарларида назарий жиҳатдан кенг ёритилган.

Г.Ф.Шершеневичнинг фикрича, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг йўллари қуйидагилардан иборат:

1) зўравонликни бархам топтириш учун ҳар бир кишининг эркинлиги, чегараларини белгилаб, бир хил манфаатларни бошқалардан фарқловчи объектив ҳуқуқ меъёрларини қарор топтириш даркор;

2) агар шахсий ташаббус эркинликни талаб этса, давлатга субъектив ҳуқуқни муҳофаза этиш билан чекланиш кифоя қилади;

3) янги тартиб ҳокимият органларининг ўзлари томонидан бузилмаслиги учун мазкур ҳокимият ваколатларни каъгий белгилаб қўйиш зарур. Бунда ижроия ҳокимиятдан қонун чиқарувчи ҳокимиятни ажратиб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини тасдиқлаб, қонунчиликда сайлаб қўйиладиган жамоатчилик унсурларининг биргаликда қатнашишларига йўл қўйиш керак бўлади.

Г.Ф.Шершеневич ҳуқуқий давлатнинг аниқ қафолатларини шундай таърифлайди:

а) шахснинг узвий ҳуқуқлари;

б) ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили;

в) ҳокимиятнинг ҳуқуқий ўзини ўзи чегаралаши;

г) давлатнинг ўзи ҳуқуққа бўйсунishi. Ижтимоий фикрнинг тийиб турувчи кучи амалда шундай бўлади». Шунини айтиш керакки, ҳокимиятнинг нодавлат ва жамоат бирлашмалари, матбуот, радио, телевидение томонидан «тийиб туриш» ғоясини ҳозир ҳамма тан олади ҳамда у ҳозирги замон жамиятида ўз амалий ифодасини топмоқда.

В.М.Гессен ҳуқуқий давлатни шундай таърифлайди: «Ҳуқумат сифатида ўзи тамонидан қонун чиқарувчи сифатида яратиладиган юридик меъёрларни ўзи учун мажбурий деб биладиган давлат ҳуқуқий давлат деб аталади. Ҳуқуқий давлат ўз фаолиятида, ўзининг ҳуқумат ва судлов функцияларини адо этишда ҳуқуқий боғлиқ ва унинг тамонидан чеклаб турилади, зинҳор у ҳуқуқдан ташқарида ёки унинг устида туриши мумкин эмас». Гессен айти пайтда ҳуқуқий давлат тавсифи мазмунига аниқликлар киритиб, қонунлар жамиятнинг етуклик даражасига мос келиши, ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб борувчи иктисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа шарт-шароитларини акс эттириши, жамият ривожининг объектив эҳтиёжларига жавоб бериши керак, деб ҳисоблайди.

С.А.Котляровский ҳуқуқий давлат ва шахснинг бир-бирларига ўзаро боғлиқликни ва унинг қафолати ҳокимиятларнинг бўлинишидан иборат бўлади, деб ҳисоблайди. Унинг давлат ва жамият ўртасидаги масъулиятни таъминловчи асосий орган сифатида суднинг роли тўғрисидаги хулосаси ҳозирги замон ҳуқуқий давлат ва суд-ҳуқуқ тизими учун амалий аҳамияти каттадир. Бундай суд ҳаммадан мутлақо мустақил бўлиб, шак-шубҳасиз ҳақ ишончига сазовор бўлган Конституциявий суд бўлмоғи лозим. Ушбу судловни йўқотиш адолат ва ҳуқуқий давлат асосига путур етказиши мумкин!

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Ҳ.Бобоев умумий таҳрири остида. –Т.: ТДҶОИ, 2000, 420-428-бетлар.

Октябрь инкилобидан кейинги даврда Россияда ва у забот этган мустамлакалар ҳудудларида ҳуқуқий давлат гоёси реал ҳаётдан бутунлай сиқиб чиқарилган эди. Собиқ шўролар даврида эса «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган шиор амалийлигини таъминлашда доимо нимадир етишмасди. Расмий мафкурада умумхалқ давлати қурилгани эълон қилинсада ҳокимиятни танҳо бошқараётган КПСС жамият ҳуқуқини зўрлик билан тортиб олишга интилиб келди. Шахснинг давлат ва жамият олдидаги ўз ҳуқуқ ва манфаатлари, умуминсоний тартиб-қоидалари ҳеч қачон расман тан олинмади. Шунингдек, бу фуқароларнинг моддий эҳтиёжини қондириш ва ҳокимият бўлиниш муаммоларини ниқоблашга даъват этилган либериял назария сифатида шўролар даври илмий-назарий тадқиқотлари саҳифаларидан ўчиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси истисқолни қўлга киритиши муносабати билан, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, файласуф ва иқтисодчи-назарийтчилар ҳамда амалиётчилар олдида ҳуқуқий давлат тўғрисидаги концептуал тасаввурларни тавсифлаш вазифаси қўндаланг бўлиб қолди. Бинобарин, М.Шарифхўжаев, А.Саидов, Ҳ.Бобоев, М.Мирҳамидов, Т.Маҳмудов, О.Хусанов, З.Исломов, А.Эшонқулов, М.Усмонов, Қ.Холмўминов, Ҳ.Одилқориев, М.Қирғизбоев, Н.Жўраев, З.Ғофуров, А.Жўраев, Ш.Ниёзов, Б.Тожиқонов, С.Ҳасанов каби олимларимиз чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориб, ўтмиш илмий мероси ва ҳозирги цивилизациялашган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган демократик ҳолда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўл-йўриқларини ва истисқолларини таҳлил қилиб кўрсатиб бермоқдалар. Мамлакатимиз демократик тараққиётининг конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олган демократик ҳуқуқий давлатни қуриш концептуал қоидалари ва йўллари Президентимиз Ислам Каримовнинг асарлари, маърузалари ва нутқларида кенг баён этилмоқда.

«Биз ҳозир ўзгартираётган совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди, - деб ёзади И.Каримов. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди.

Ҳўш, бу тизим авваламбор кимга суянар эди? Бу тизим ўз халқининг тарихини, уни руҳи ва урф-одатларини ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган гоёлар амалдаги ишлардан ниҳоятда узоқда эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди. Яъни, инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал бошиданоқ истисқоли йўқ эди».

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти муаммолари бўйича тадқиқот ишлари олиб бораётган олимларимиз учун Юртбошимизнинг қуйидаги йўл-йўриқлари услубий дастуриламал ва методологик асос бўлиши керак: «Биз

яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча гоёни шиор қилиб олиб, бу назарияни доғмага, давлат ва ҳуқуқни эса, синфий кураш, синфий рақибларни енгим воситасига айлантирган эдик. Демократик шароитларда эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муроаси мадора билан бартараф этиш, воситасига айланади...»¹.

2. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг босқичма-босқич янгилашиш ва тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини танилаб, кучли ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришга киришди. «Ўзбекистон келажатги буюқ давлат, – деб ёзади И.А.Каримов. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қридаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устувлигини таъминлашдир»². Албатта, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги асосий белгиларини билиши шарт:

1. Ўзбекистон – суверен демократик давлат бўлиб, унда бирон синф, сиёсий партия, табақ ва гуруҳнинг диктатураси бўлмасдан, барча фуқароларнинг манфаатлари кафолатланади. «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», дейилади Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасида.

2. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси бу – жамиятда қонуннинг устуворлиги принципи, давлат, унинг органлари мансабдор шахслари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўз иш фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қилишлизидир.

3. Конституциянинг 56-моддасида кўрсатилганидек, ҳуқуқий давлатда, партиялар, турли жамиятлар, Хотин-қизлар, фуқаролар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалари, жамоат бирлашмалари тузилишига йўл қўйилади.

4. Конституциянинг 11-моддасида белгиланганидек, давлат ҳокимиятини демократик асосда ташкил қилиш ва ҳокимиятни суиистеъмол қилмаслик учун Республикада давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд

¹ Каримов И. А. Ваган саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 7-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 44-бет.

ҳокимиятига бўлиниш принципларига асосланган ҳолда ҳар бири мустақил ўз ваколати доирасида амал қилади.

5. Инсоннинг яшаш ва фуқароларнинг эркинликка, дахлсизликка ва ҳафсизликка эга бўлишдек асосий ҳуқуқлари, масъулият ва бурчлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

6. Давлат органларига сайлов тизими умумий, тенг, тўғридан-тўғри, эркин сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади, 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлов ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатлари учун хизмат қилади, давлат билан фуқаролар бир-бирлари олдида масъулдирлар.

7. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири — бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини ташкил этувчи турли хил шаклдаги мулкларнинг бўлишлигидир. Мулкдор ўз мулкига, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Давлат истеъмолчилар манфаатини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, хусусий мулк ва бошқа барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни қуриш йўлларини Президентимиз И.А.Каримов ҳуйидаги бешта тамойил асосида белгилаб берганди:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан устун қўйилиши, иқтисодий ислохотлар ҳеч қандай мафкурага бўйсундирилмаслиги;

- давлат асосий ислохотчи бўлиб, унинг бошқарув тизимини ққдан чиқармаслиги, бир томондан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиб, иккинчи томондан уларни ислохотларга тайёрлаб, ижобий ўзгаришлар қилиб жамиятни янгилаши, халқнинг осойишталигини таъминлаб, тинчликни мустаҳкамлашлиги;

- Конституция ва қонунларга барча баробар риоя этиши, қонунларнинг ҳамма нарсадан устун турмоғи ва ҳамма учун мажбурий бўлмоғи, давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар жамоат бирлашмалари ва барча фуқаролар қонунларга асосан иш кўришлиги;

- кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати юритиш, айни ўса, аҳолининг кам таъминланган ўатламлари, яъни кўп болали оилалар, пенсионерлар ва бошқа кам даромадли фуқароларга ёрдам бериш, очлик ва муҳтожликка йўл ққймаслик;

- бозор иқтисодига шоиша-шошарликсиз, босқичма-босқич ўтиш, одамлар онгида янги демократик жамиятнинг афзалликларига ишончни бунёд этиш.

Хуллас, «Ўзбек модели» асосида тараққиёт йўлимиз билан умуминсоний кадриятларни мутлақ тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини тан олиш асосида халқаро ва Шарқ миллий давлатчилик тажрибаларидан фойдаланиб, демократик ҳуқуқий давлат барпо

этишга замин ҳозирлаб мақсадга эришдик, десак янглишмаймиз. Моддий асоссиз, етарли даражада юқори умумий сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эришмай туриб, халқ иродасини изҳор этишнинг барча шаклларини фаоллаштирмасдан ҳуқуқий давлатни тасаввур этиш қийин. Бу демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун зарур бўлган биринчи замин бўлиши лозим.

1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президентлик ҳокимияти тузилмаси яратилиши билан вакиллик органлари родини оширип, мамлакатимиз Асосий Қонуни – Конституцияни қабул қилиниши ва янги қонунларнинг ҳаётга тағбиқ этилишини назорат қилишни такомиллаштириш сиёсий ҳуқуқий ислохотлар борасида дадил ва шахдам қадамлар бўлди. Булар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг иккинчи заминидир.

Табииyki, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этилиши даврида қонун устуворлиги билан боғлиқ вазифа кўндаланг туради, қонун ижодкорлари ҳам янглишлари, нотўғри қонунлар қабул қилишлари, ёхуд суд ва прокуратура органлари ўз функцияларини сунистеъмом қилиб фуқаролар бошига кўпгина кулфатлар келтиришлари мумкинлиги сир эмас. Шунинг учун барча фуқароларимиз ва депутатларимизга ҳам қонун лойиҳаларини эркин муҳокама этиш ва танқид қилиш ҳуқуқи берилиши лозим. Бу эса демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг қафолатларидан ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш таталитаризм даврининг сабоқларидан келиб чиқади. Зеро, СССРни расман адолатли қонунлари мавжуд бўлишига қарамай, 1937-1953 йилларда Ўзбекистоннинг юз мингдан ортиқ фуқаролари қамокка олиниб, 13 мингтаси ноҳақ отиб ташланди. 80-йилларда марказнинг «Ўзбек иши», «пахта иши» сценарийси асосида 58 мингдан ортиқ киши гуноҳкорларга айлантирилиб, ҳар хил уйдирма бухтонлар билан ишдан олиб ташландилар ёхуд жинойий жавобгарликка тортилдилар. Шу боис, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш зарурати жаҳон халқлари ижобий тажрибасини ўрганиш, жамият ва давлат ҳаётини янада демократиялаш талаблари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва манфаатлари қафолатларини янада кучайтириш, уларни муҳофаза этишни яхшилаш сиёсатидан келиб чиқади.

1-чизма. Ҳуқуқий давлат тушунчаси




2-чизма. Ҳуқуқий давлатнинг аҳамияти




3-чизма. ХУКУҚИЙ ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ



4-чизма. Ҳуқуқий даялат барқарорлигининг асослари



5-чизма. Ҳуқуқий давлатнинг асосий аломатлари



Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга ҳозирги замонда ҳаётий эҳтиёж низоҳатда катта. Чунки, у ҳуқуқий нормалар билан жисмоний ва юридик шахслар, давлат ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиған иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги жуда катта кенг муносабатларни тартибга солиди.

Мустақиллик ва бозор муносабатлари шароитида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш демократияни таъминлаш муҳим амалий, ижтимоий-сиёсий вазифадир.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий асослари ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида, шунингдек, «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат», «Буюк келажатимизнинг ҳуқуқий кафолати», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузмам», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» каби асарларида билдирилган фикрларига таянган ҳолда, демократик ҳуқуқий давлатни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Демократик ҳуқуқий давлат заминида фуқаролик жамияти шакллантирилмаётган ҳозирги паллада, умумий маданиятни юксалтириш ва тобора бойитиб боришга ҳаракат қилинапти.

2. Демократик ҳуқуқий давлат заминида фуқаролик жамияти сари бориш жараёнида ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланувчи давлат органлари жамиятнинг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни яхши билиши, бўлажак ҳуқуқий норманинг бажарилишини таъминловчи чораларини белгилаши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини олдиндан кўра билиши зарур.

3. Демократик ҳуқуқий давлатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ташқи муносабатларни тартибга солиб турувчи такомиллашган Конституция, қонулар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши, амал қилиши, уларга тегишли давлат органларининг назорат остида барча бошқарув субъектлари томонидан бажарилишини талаб этади. Ушбу мақсадда кейинги йилларда кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди ва амалиётга киритилди.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан демократик, адолатли, инсонпарвар бўлиб, давлат ва фуқаролар ўртасидаги барча муносабатларни, ҳокимиятнинг тақсимланиши принципи, Конституция ва қонуннинг устуности, давлат органлари ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатларини тобора аниқ белгилаб бораверади.

5. Фуқаролар ва мансабдор шахслар юксак ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга эришмоғи лозим. Шундагина қонунга ҳурмат ва унга амал қилиш одат қондасига айлана бораверади.

6. Юридик таълим-тарбия, ҳуқуқшунослик фани, шунингдек, ҳуқуқий билимлар ва амалиёт тарғиботининг юксак даражада ривож топиши кўзда тутилади.

7. Ҳуқуқий нормаларнинг халқаро андозаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда мавжуд ижтимоий муносабатларни Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб ҳаракат қилувчи қонун-қондаларни қабул қилиш талаб этилади.

Хуллас, демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, бу давлат Конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилади. Ўз навбатида давлатнинг жамият ва инсон билан бўлган барча муносабатлари ҳуқуқий нормаларга асосланади. Ўз навбатида ҳуқуқ ихтиёрий ва давлат таъсири орқали ижро этиб борилади. Шаклланиши ва фаолият кўрсатилишида давлат органлари, мансабдор ва юридик шахслар, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар бевосита иштирок қиладилар. Бунда Олий Мажлиснинг тобора кенг авж олаётган қонун ижодкор фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир.

Айнан шу сифатларга ва белгиларга эга инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий моҳияти ва йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасидаги Конституциявий тузум принципларининг қатъий белгилаб қўйилиши демократик ҳуқуқий давлат талабларидан келиб чиқади. Чунки, давлатнинг суверенитети, демократик табиати, ташқи сиёсати қонунлар устуворлиги каби жиддий масалаларни юридик меъёрларда белгиласдан ва уларга риоя қилмасдан туриб, ҳуқуқий давлатга эришиш мумкин эмас. Мазкур йўналишда Конституцияда белгиланган қўйидаги ҳолатлар демократик ҳуқуқий давлат моҳиятини бевосита характерлаб беради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 1-моддасига биноан «Ўзбекистон – суверен демократик республикадир». Бу норма мамлакатимизда давлат тузилиши ва бошқарув шаклини ифодалайди. Эндилликда Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлди, яна ҳеч бир давлат таркибига кирмайди ва бирон давлатга қарам ҳам эмас. Ана шу ҳолатнинг Конституцияда акс эттирилиши демократик ҳуқуқий давлатга хос ижобий хусусиятдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат экан, унинг вақолат доирасини Конституцияда белгилаб қўйиш ҳам демократик ҳуқуқий давлат эканлигини кўрсатади. Чунки давлат ҳуқуқий характерга эга бўлиш учун ўзининг сиёсий, маъмурий-худудий тузилишини ички ва ташқи масалаларни ҳал этишдаги суверен ҳуқуқларини Конституцияда белгилаб қўйиши лозим (3-модда).

Ўзбекистон Республикаси билан унинг таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг

Конституцияда белгилаб қўйилиши ҳам уларнинг демократик ҳуқуқий давлат сари бораётганликларини кўрсатади (70-75 моддалар).

2. Демократик ҳуқуқий давлат ўз ҳокимиятининг характерини халқ билан муносабатини, аввало, Конституцияда акс эттиради. Шу жиҳатдан қараганда Конституциямиздаги «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир», деган қонда (7-модда) муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз ўз ҳокимиятини бевосита (чунончи, муҳим масалаларни ва қонун лойиҳаларини муҳокама этиш, референдум ва сайловда иштирок қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш қабили) ва давлат органлари орқали амалга оширади. Чунки «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади» (2-модда).

Ўз навбатида ҳуқуқий давлат ўз ваколатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига тақсимлаш асосида амалга оширади (11-модда). Бу қонда давлат органлари тизимининг ҳуқуқ доирасида ва демократик тартибда фаолият кўрсатилишини билдиради. Конституциянинг 10-моддасидаги «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин», деган қонда муҳим сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга моликдир. «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган» (13-модда), деган ҳуқуқий норма халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондаларни давлатимиз тан олишини кўрсатади.

3. Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсадида Ўзбекистонда Конституция ва қонуннинг устуңлиги принципи ўрнатилган (15-16 моддалар). Бу принцип ўтмишдаги ягона Коммунистик партия ва иттифок давлатининг мафқураси ҳамда сиёсий ҳукмронлигига батамом барҳам беришга, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқнинг устувор маққенини таъминлашга қаратилган. Шунга кўра, «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (15-модда). Мазкур қонда санаб ўтилган субъектларнинг фақат ҳуқуқ доирасида фаолият кўрсатишини талаб этади. Конституция ва қонуннинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ижтимоий нормаларга нисбатан устуворлиги уларнинг демократик тарзда, кенг муҳокама асосида, коллегиял орган томонидан қабул қилиниши, алоҳида тартибда (масалан, Конституциявий суд орқали) назорат қилиниши билан ҳам белгиланади.

4. Ўзбекистонда давлат ўзининг ташқи сиёсатини Конституцияда белгилаб қўйилган йўналишларда амалга ошириши, унинг ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боришини намоён этади. Шундай экан, Асосий қонуннинг 17-моддасига мувофиқ халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти — БМТнинг аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида давлатнинг тенглик, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига асосланади. Шу билан бирга давлатимиз Иттифоклар тузиш, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Фуқаролар билан давлат муносабатларининг юридик меъёрларда ифодаланиши демократик ҳуқуқий давлатнинг ўта муҳим ва ҳал қилувчи белгисидир. Чунки бунда гап фуқаролар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ-бурч алоқалари ҳақида бораётир. Бу алоқаларнинг доираси ва ҳажмини ҳуқуқда белгилашда давлатнинг роли катта албатта. Бирок улар халқ хоҳиши-иродаси ва манфаатларидан келиб чиққани сабабли демократик, халқчил табиатга эга. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиши ва оғишмай амалга оширилиши жамяят томонидан уларга юкланган вазифа, функцияларни яхши адо этишга ҳам кўмаклашади.

Давлатимиз, аввало, барча фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллигини, қонун олдида тенглигини Конституциявий норма даражасида мустаҳкамлаб қўйган. Конституциямизнинг 18-52-моддаларини бирлаштирувчи иккинчи бўлимида фуқаролик масаласи, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгиланган. Улар инсон манфаатларини қондиришга, уни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ёрдамлашади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда жаҳондаги илғор тажриба инobatта олинган. Улар қаторига яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштироки, муҳолифатчи шахслар ҳуқуқи кафолатланиши, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва муҳофаза этилиши каби ҳуқуқларини киритиш мумкин. Бунда Олий Мажлисда инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил апрель) қувончли ҳолдир.

Конституциямизда фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, малакали тиббий хизматдан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш, моддий таъминот олиш каби анъанавий ҳуқуқлари, виждон, сўз, эътиқод эркинликлари реал тарзда белгиланган. Шунинг билан биргаликда давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама кафолатлашни ўз зиммасига олади. Конституциянинг X бобида шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ўз навбатида, давлатнинг бурчи — мажбуриятидир.

Демократик ҳуқуқий давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар тарафларнинг фақат ҳуқуқларидан иборат эмас, балки уларнинг ўзаро мажбуриятларидан ҳам ташкил топади. Конституциямизнинг «Фуқароларнинг бурчлари» номли XI боби ва фуқароларнинг Конституция ва қонуларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, табиат ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ватанини ҳимоя қилиш каби Конституциявий бурчлари қатъий белгилаб қўйилган.

Хуқуқий давлатнинг органлари тизими уларнинг органларининг юридик ҳолати ва тузилмаси ҳамда ваколатлари аниқ ифодаланишини талаб этади. Конституциямизнинг XVIII-XXIV бобларида белгиланган принцип ва нормалар ушбу талабларга жавоб бера олади. Чунки барча давлат органларининг ҳуқуқий табиати, жамият ва аҳоли билан муносабати юридик актларда батафсил ифодалансагина, у демократик ва халқчиллик характериغا эга бўлади. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат тушунчаси унинг моҳияти ва маъзини ифодалайди. Шу нуктаи назардан қараганда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати депутатлари, мамлакат Президентини сайлаш тартиби, номзодларга қўйиладиган талаблар, айниқса, уларнинг ваколатларини Конституцияда белгилаб қўйилиши демократик ҳуқуқий давлат мазмунини очик-ойдин ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даври учун давлат қурилиши ва бошқарувида юз берган ўта муҳим ўзгаришлардан бири мамлакатда Президентлик бошқарувининг жорий этилишидир. Президентнинг юридик мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Конституциямиз ва қонунаримизда очик равшан ифодаланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти «Давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир» (89-модда). Асосий Қонуннинг 93-моддасида Президентнинг ички ва ташқи масалаларни ҳал этишдаги ваколатлари 21-бандда белгилаб қўйилган. Ҳақиқатдан ҳам, давлат органларининг ҳаракат доирасини, муайян ҳуқуқ ва бурчларини қонунида, низомиларида акс эттириш ҳуқуқий ва амалий аҳамият касб этади.

Худди шундай ҳуқуқий норма ва қондалар Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия органларида, сайлов тизими, суд ҳокимияти, прокуратура органларига нисбатан ҳам Конституциямизда суд, хўжалик судлари, ҳокимлар, шунингдек, мустақил Давлат прокуратураси тўғрисидаги янги ҳуқуқий нормалар алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, СССР даврида прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган деярли барча масалалар Иттифоқ давлат органлари томонидан ҳал этиларди. Эндликда бу ваколат ва ҳуқуқлар мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ўзига ўтди. Булар ҳам демократик ҳуқуқий давлат рамзи бўлиб, унинг кўп киралли фаолиятида яққол намоён бўлди.

Давлат фаолиятининг асосий йўналишлари-функциялари ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилиши, унинг жамиятдаги родини, демократик ички ва ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмунини ифодалайди. Бунда гап ҳозирги даврда жамиятни бошқариш ва унинг ривожлантиришга давлатнинг таъсири ҳақида, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ташқи масалаларни ҳал этишда давлат қанчалик даражада иштирок қилиши тўғрисида бораётир. Шу нуктаи назардан қараганда мустақиллик ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда давлат иқтисодиётга, ижтимоий ҳаёт ва маданий ишларга раҳбарлик қилиш, ҳуқуқий тарғиботни ўрнатиш, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш каби ички функцияларни, шунингдек, мамлакатни муҳофаза қилиш ва бошқа давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик олиб боришдан иборат ташқи функцияларни бажармоқда. Конституциянинг 14-моддасига биноан «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб

ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», дейилади. Мазкур қоида давлатимизнинг демократик табиатини, ҳуқуқий хусусиятини кўрсатиб турибди.

Конституциямизнинг 17-, 42-, 53-, 55-, 63-, 65-, 78-, 93-, 98-, 100-, 118-моддаларида белгиланган ҳуқуқий нормалар давлат функцияларининг асосий мазмунини намоён этади. Шу нормаларга кўра бош ислохотчи бўлган давлат бозор муносабатларини ривожлантиришга, умуммиллий бойликларни, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза этишга, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқ белгилашга иқтисодийнинг, ижтимоий, маънавий соҳалари самарали фаолиятига раҳбарликни, халқнинг фаровонлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашга жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилишига, қонуларнинг аниқ бажарилиши устидан қатъий назорат олиб боришга интилиб, ижобий натижаларга эришмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида таҳлил этилган барча ғоявий, сиёсий ва ҳуқуқий принциплари ва қоидалари ҳамма субъектлар томонидан оғишмай бажарилиши, уларга риоя этилиши, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан қўлланилиши, ундаги дастурий вазифаларнинг ҳал этила бориши демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилаверади.

2.2. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий қонуниятлари

Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий қонуниятлари, демократик ҳуқуқий давлат мезони ва фуқаролик жамиятини ўзига хос жиҳатлари бир-биридан мазмунан-моҳиятан ажралиб туради. Зеро, фуқаролик жамиятида инсон, унинг ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий манфаатлари, кадр-қиммати, эркинликлари муқаддас саналиб, уларнинг ҳимояси давлат томонидан қафолатланади.

Фуқаролик жамиятида шахснинг иқтисодий ва сиёсий турмушини эркин, ихтиёрий асосда қуриш таъминланади, умуминсоний ҳуқуқларга алоҳида эътибор берилади, давлат органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилади. Вақти келиб қучли давлат функциялари аста-секин тадрижий равишда қучли жамият зиммасига ўтади.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини болқариш, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишдаги фасолликлари ҳозиргидан кўра анча қучлироқ бўлади.

Фуқаролик жамиятида ҳар қандай масала қонуний меъёрлар асосида адолатли ҳал этилади. Қонун фуқаролик жамияти ҳаётидаги барча

муносабатларни тартибга солиб туради. Демак, фуқаролик жамиятининг негизи, пойдевори – қонун ва қонунийликдир.

Фуқаролик жамиятида қонун устуворлигининг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти, асосий тамойиллари ва намоён бўлиш шакллари сингари долзарб масалалар Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» асарида чуқур таҳлил этилган.

Қонуннинг устуворлиги ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқ нормаларининг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутаяди. Қонунларни менсимасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Демократик ҳуқуқий давлат ва маданиятли фуқаролик жамиятида қабул қилинган қонунлар ва ахлоқий меъёрлар бузилса «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиб бўлмайди. Қонун устуворлиги фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, кадр-қиммати, эркинлиги ва ғурурини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни ўрнатиш ва мустақамлашга қаратилгандир.

Қонуннинг куч-қудрати, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳаққоний, одилона тадбиқ этилишига боғлиқ. Қонун ижодкорлари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари ўз бурчларига ҳолис ёндашиб тўғри йўлдан тоймай, эл-юрт, Ватан, мустақиллик манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад ҳисоблаб, қонунларимизни ҳаётга ҳаққоний жорий этсалар, бундан жамиятимиз ҳам, фуқаролар ҳам наф кўради, ғирромлик, ижтимоий адолатсизлик, порахўрлик, давлат мол-мулкни талаш, таниш-билишлик, уруғ-аймоқчилик мансаб, лавозимлардан фойдаланиб шахсий бойлик орттиришга уринишларнинг олди олинади, ҳақ жойида қарор топади. Бу эса ўз навбатида халқнинг руҳини кўтаради, адолатли фуқаролик жамияти ва қонунларимизга ишончни мустақамлайди.

Бинобарин, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқларининг орзу-ниятлари рўёбга чиқмоқда. Демократик инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этилиб, унинг негизига фуқаролик жамияти шакллантирилаётганлиги – бу йўлдаги қутлуг қадамдир. Фуқаролик жамиятини қуриш, унинг маънавиятини шакллантириш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, эркинликларидан тўлиқ, оқилона фойдаланишлари учун тинимсиз меҳнат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, янгича фикрлайдиган қомил инсонларни тарбиялаб вояга етказиш лозим. Президентимиз И.А.Каримов таърифлаб берганидек: «*Биз бундай жамиятни қуришни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга етишмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб ўз заминимизга тадбиқ этишимиз лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша имон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.*

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат мақомини яратиш йўлида фаол ишлар қилинмоқда ва аввалги тоталитар тузум

қусурларига кескин барҳам берилмоқда. Кўппартиявийлик амалда рўёбга чиқди, танҳо мафкура ҳукмронлигига чек қўйилди. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг тақсимланиши тамойиллари тобора изчил амалга оширилаяпти. Республика икки *палатали парламент* – *Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчилик фаолияти демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни* юридик жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган. Давлат бошқарувининг янги тизими шаклланимоқдаки, унинг ўзаги – Президентлик бошқарувдир. Жойларда ҳам бошқарув тизими қайта ташкил этилиб – вилоятлар, шаҳарлар, туманларда ҳокимлар институти таъсис этилган.

Қонунлар устуворлиги таъминланиб, суд ҳокимияти ислоҳ қилинаяпти.

Шундай экан, ҳозирги ва ўтда фуқаролик жамиятининг ғоят зарур бўлган ҳуқуқий нормаларини тараққиёт намунаси даражасига кўтариш биринчи даражали масаладир. Ушбу масаланинг қуйидаги уч жиҳати муҳим аҳамиятга моликдир:

1) хусусий мулкни ривожлантириш, уни ҳуқуқий тизимда юксак ва муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш;

2) умумэътирофга сазовор инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари асосини белгиловчи бўлганга аҳамият бериш;

3) жамиятимиз ҳаётида суд-ҳуқуқ ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.

Шундай қилиб, бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва қонунлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

2.3. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида этнофуқаровий барқарорликни таъминлаш

Бугунги кунда этнофуқаровий ҳамжиҳатлик масаласига ижобий қарашлар барча тараққиёпарвар давлатлар ва миллий тараққиётни ижтимоий ривожланишнинг таркибий қисми деб ҳисобловчи сиёсий етакчилар фаолиятида мустаҳкам ўрин олмоқда, устувор йўналиш сифатида миллий тотувликни таъминлашда сиёсий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг: «Мамлакат ижтимоий тараққиётидаги асосий устувор йўналишлардан бири миллатлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлашдан иборатдир»¹, деган фикрлари этник ва фуқаровий тотувлик ижтимоий сиёсатдаги асосий масалалардан бири сифатида эътироф этилганлигини тасдиқлайди. Маълумки, адолат тамойилларига асосланган инсонларвар, демократик ҳуқуқий давлат заманида адолатли фуқаролик жамияти қуриш

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 52-53-бетлар.

давлатимизнинг бош стратегик мақсади экан, бу озод, очиқ фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйган мамлакат фуқаролари манфаатига тўлиқ мосдир. Шу ўринда И.А.Каримовнинг «Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат томоғинини устувор принцип сифатида эътироф этамиз»¹, деган фикрлари мустақил давлатчилигимизнинг характерли қирраларини очиб беради.

Миллий мустақиллик ҳамда миллий ўзликни англаш бевосита бир-бирига алоқадор бўлган тушунчалар бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий ўзликни англаш орқали мустақиллик пойдеворига асос солинса, мустақиллик ўз навбатида миллий ўзликни англаш ва демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида этник манфаатларнинг ривожига сиёсий ҳамда маънавий замин яратади. Жамиятда миллий этник жараёнларнинг мақбул ривожига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг асосини ташкил этар экан, ҳар қандай мавжуд тизимдаги расмий сиёсат этник барқарорликнинг таъминланиши учун йўналтирилиши лозим. Чунки, этник барқарорлик сиёсий мувозанатнинг сақланишида муҳим ўрин тутса, сиёсий барқарорлик иқтисодий, маданий ҳамда маънавий тараққиётнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида этник бирдамликни таъминлашдаги устувор вазифалардан бири барча миллат вакилларининг маънавий кадрларини тиклаш ва шу асосда умумфуқаровий менталитетни ривожлантириш ва рағбатлантиришдан иборат.

Мамлакатимизнинг келажак тараққиёти, мақсад ва вазифалари Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий сиёсатда ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу сиёсат мамлакатимизда тинчлик-тотувликни асраш, халқ фаровонлигини ошириш, ўзликни англаш ва демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданият эгаси бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, миллий ва ижтимоий ҳамкорлик ҳамда бирдамликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу билан бир қаторда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётига этник омилларнинг таъсирини ўрганиш, миллатлараро муносабатлар йўналишини аниқлаш ҳамда аълоналий кадрларнинг миллатлараро ва этник тараққиётни таъминлашдаги роли ва ўрнини ўрганишда эмпирик тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг маънавий кадрларимизни демократик жамият тамойиллари билан уйғулаштириш юртимизнинг келажақда янада раванг топиши ва жаҳон ҳамжамятидан янада мустаҳкам ўрин эгаллаши гарови экани ҳақидаги фикрлари миллий ва фуқаровий ўзликни англаш орқали умумцивилизация ривожига Ватанимизнинг янги тарихи давомида ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга ундайди. Шу билан бир қаторда этник омиллар

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т.3. —Т.: Ўзбекистон, 1996, 10-бет.

ижтимоий тараққиёт жараёнида мамлакатнинг ривожланиш йўналиши, унинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари ҳамда умумий фуқаролик менталитетининг шаклланишида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ушбу масалани изчиллик билан амалга оширишда миллий ўзлик ҳамда фуқаровий бирликнинг намоён бўлиш шакллари динамикаси, унинг тузилиш ва ҳолати ҳам доимий эътиборда туради.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва янгилаш учун катта ишлар амалга ошириляётган бугунги кунда юртимизда маънавиятнинг мустабид тузум шароитида тақиқланган қудратли қатламлари очилиб, халқимиз ижтимоий тараққиётининг руҳий омили сифатида қайтадан яна ўз ўрнида қарор топмоқда. Улар эндиликда халқ руҳиятида маънавий меросга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ифтихор, ўзга этник ва конфессиял қатламларга нисбатан бағрикенглик (толерантлик) ҳамда очиққўнглилик каби ҳислатларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу руҳий қудрат шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у интеграциядан асло чўчмайди, аксинча, жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистонда яшайтган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ҳар бири этник ўзига хосликни сақлаган ҳолда, умумий фуқаровий бирлик сари интилмоқда. Бу эса мамлакатимиз халқларининг мустақиллик йиллари мобайнида қўлга киритган бебаҳо бойлиги, мамлакат ижтимоий тараққиётининг асосий манбаи бўлиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартидир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 1998-2005 йиллар давомида ўтказилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистондаги этник гуруҳлар ўртасида дўстлик-тотувликни сақлаш, бирдамликка эришишда этник омиллар қандай роль ўйнаётганини аниқлаш; ушбу гуруҳлар орасидаги ўзига хос томонларини кўрсатиб бериш; шунингдек, уларда ижтимоий менталитетни шакллантирувчи ва вужудга келтирувчи омил ва шарт-шароитларни ўрганиб, киёсий таҳлил қилиш; демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятда этник омилларнинг таъсири ҳамда мамлакатимиздаги барча этник гуруҳлар вакиллари ягона мақсад - Ўзбекистон тараққиётини таъминлаш йўлида ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришни мувофиқлаштириш борасида зарурий хулоса ва тавсиялар бериш муайян амалий аҳамиятга эга. Ушбу марказ томонидан Ўзбекистоннинг катор минтақаларида социологик тадқиқотлар ўтказилиб, жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида миллий ўзликни англаш, мамлакат фуқароларида фуқаровий менталитет ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароит ва омиллар тадқиқ этилади. Шунингдек, турли этноижтимоий гуруҳларни ўзаро солиштириш асосида ҳуқуқий-демократик жамият тараққиётини этник омилларнинг таъсирини ўрганиш, турфа этноижтимоий гуруҳларнинг миллий ва фуқаролик масалаларига оид саволларга муносабат даражасини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг умумий фуқаролик менталитетини шакллантириш прогнозини яратиш имкони туғилади.

Оммавий сўровлар орқали барча этноижтимоий гуруҳларда миллий ўзликни англаш ҳолати, бу борадаги ижобий ва салбий хусусият ҳамда ҳислатлар ҳам маълум бўлади. Шу билан бирга, бундай сўровлар пайтида респодентларнинг «миллат» тушунчасига муносабати асосида миллий ўзликни англашнинг субъектив аҳамияти ҳам кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, уруг-аймоқчилик, маҳаллийчилик муносабатлари, ўзбек респодентлар орасида ўз миллатига мансублик ҳиссининг шаклланиши ҳамда ўзга этник гуруҳлар вакилларининг умумфуқаровий дунёқараши шаклланиб, Ўзбекистонни ўзларининг тарихий Ватани деб билишлари ҳам эмпирик мисоллар воситасида кўрсатилиши мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ривожига миллат ва фуқаролик масалаларига кенг эътибор қаратадиган бўлсак, фуқаролик мавқеида бўлиш Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш асосида тушунчаларни турли этник, миллий гуруҳларга муносабатларни таққослаш, фуқаровий менталитетнинг асосий компоненти бўлган миллий рамзларга баҳо бериш ҳамда шу муқаддас Ватанда яшаш эҳтиёжини ўрганиш мамлакат этноижтимоий тараққиётини таъминлаш борасида назарий ва амалий хулосалар беради. Шу билан бир қаторда ҳалқимизда миллий ўзликни англаш туйғуларини янада камол топтириш жараёни ва фуқаролик мавқеининг қарор топишида ижтимоий институтларнинг ролини аниқлаш, давлат тилининг янада ривожини, шунингдек, турли миллий маданий марказларнинг этник қатламлар ҳаётидаги аҳамияти таҳлил этилиши ҳам, табиийки, ҳуқуқий-демократик жамият ривожини учун зарурий аҳамиятга эга. Миллий хусусият ва ҳислатларни тадқиқ этишда этник толерантлик (бағрикенглик), ижобий ва салбий миллий хусусият ва ҳислатлар даражасини аниқлаш ва уларнинг турли этноижтимоий гуруҳларга алоқадорлиги ва мансублиги миллатлараро алоқа ва ўзаро ҳамкорлик қўламини тасаввур этиш, сўнгра шунга қараб иш тутиш имконини беради.

Миллий ўзликни англашнинг асосий қирралардан бири - ўз тарихий илдизини ижтимоий-руҳий жиҳатдан ҳис этишдир. Ўзбекистон жамиятида миллий ўзликни ҳис этишнинг қай даражада экани, унинг динамик ривожини, шунингдек, ҳудудлардаги объектлар манзарани аниқлаш борасида ўтказилган сўров натижаларини муайян этносга мансублик барча фуқароларда фахр-ифтихор уйғотишини кўрсатди. «Қуйида келтирилган фикрлардан қайси бири сизнинг миллат ҳақидаги тушунчангизни тўлароқ ақс эттиради?» деган саволга берилган жавоблар умумлаштирилиб, «миллийлик» тушунчасига муносабат ифода этилган жавоблар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги аксарият жавобларда (54,3 фоиз) миллат ва миллийлик феноменига ижобий муносабат билдирилган. Биринчи гуруҳга мансуб респодентлар миллат феноменини мақон, давлат, тил, эътиқодни ўзига хос маданиятни сақловчи бирлик деб ҳисоблашган. Бу албатта, миллий онгнинг умумфуқаровий, умумдавлатчилик онги сари ривожланиб бораётганидан далолатдир. Сўралганларнинг қарийб 40 фоизи эса миллат – бу паспортдаги расмий белги эмас, инсоннинг маълум бир халққа мансублигидир деса; 24,4

фоиз сўралганлар миллатни инсоннинг муайян элатга мансублигини маънавий хис этиши деб ҳисоблайди.

Миллат ва миллий давлатчилик тушунчаларининг ўзаро яқинлашадиган – миллий дунёқарашнинг умумфуқаровий дунёқарашга айланиб бораётганини кўрсатади.

Халқимизнинг миллий ўзлиги ҳамда менталитетини ривожлантиришда она тили муайян аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатдан қараганда, туб миллат тили, айниқса муҳим ўринда туради. Сўровлар натижасига кўра, ўзбек тили турли жойларда миллатлараро мулоқот воситасига айланиб бораётгани маълум бўлди. Бу ҳақдаги саволга респондентларнинг аксарияти ижобий жавоб берган. Сўров натижалари, шунингдек, жамиятда ўзбек тилига бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани ҳамда уни ўрганишни кенг тарғиб қилиш заруригини кўрсатди. Шунинг билан бирга, юртимизда бошқа тиллар ривожига учун ҳам барча имкониятлар яратиб берилгани ҳам сўров жавобларида эътироф этилди. Мутлақ кўпчилик респондентлар (70,4 фоиз) ўзбек халқининг ҳақиқий тарихини билиш, буюк аجدодлар ҳаётини ўрганишга катта қизиқиш билдирган. Бу эса миллий тарихимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этади.

Сўралганлар Ўзбекистонда демократик ислохотларни жадаллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада кўпроқ қафолатлаш (59,5 фоиз), мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш (24,4 фоиз), суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш (19,2 фоиз) борасидаги ишларни янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди.

Мазкур тадқиқотлар натижалари ва ҳаётий кузатишларимиз асосида шунини айтиш мумкинки, мамлакатимизда барча этник қатламларнинг сиёсий ва фуқаровий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳар бир жамият аъзоси онгида «Мен – озод Ўзбекистон фарзандиман» деган туйғуни, ўз тарихи ва маданиятидан фахрланиш, миллий мустақиллик ғояларига содиқлик, ватанпарварлик, фидойилик хисларини шакллантириш маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий ишларнинг асоси бўлиши керак. «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат, - деб таъкидлаган эди Президент Ислоҳ Каримов, - ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги этник қатламлар орасида янги фуқаровий менталитет, миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ва ривожланиши фуқаровий яхлитликка асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг қафолатидир. Жамиятимизда миллатлараро ва фуқаролараро ҳамкорликни янада кучайтиришда катализатор (тезлатувчи) ҳамда бирлаштирувчилик вазифасини бажарадиган, юртимизда яшовчи барча фуқароларнинг фуқаровий интеграциясига таянадиган «Ўзбекистонликлар» этнофуқаровий бирлиги шаклланиши учун масъул бўлган туб миллат демак, ўзбек халқи бу борада бекиёс роль ўйнаши шубҳасиз.

Асосий таъинч тушунчалар

Ҳуқуқий давлат - ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва қонуннинг устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари самарали бўлган ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлатдир.

Ҳуқуқий давлат - учта муҳим тамойилга: қонун устуворлигига, ҳокимиятларнинг бўлинишига, давлат билан фуқароларнинг бир-бирлари билан ўзаро мажбуриятлар асосида боғланганлигига асосланади.

Ҳуқуқий давлат - ўз мазмун-моҳиятига кўра фуқаролик жамиятининг сиёсий ифодасидир.

Фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи қамол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Фуқаролик жамияти ва **ҳуқуқий давлат** уйғунлашиб, жамият ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамисиз (ёки аралашувисиз) ҳал қилади. Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатида, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

Фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий ва ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир.

Фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир.

Фуқаролик жамияти – эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолитга солишларидан қонунлар воситасида химояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари:

1) **иқтисодий соҳада:** нодавлат ташкилотлари, кооператив ширкатлар, ижара жамоатлари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорацияларнинг мавжудлиги;

2) **ижтимоий соҳада:** оила, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, ўзини ўз бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиксиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир;

3) **маънавий соҳада:** сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги, ўз фикрини очик билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа

уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминланганлиги.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Хуқуқий давлат моҳияти нимада?
2. Хуқуқий давлат белгиларини тушунтириб беринг?
3. Хуқуқий давлат барқарорлиги асослари нимадан иборат?
4. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий қонуниятлари қандай?
5. Фуқаролик жамиятининг белгилари ва мезонлари қандай?
6. Адолатли, очик фуқаролик жамияти тўғрисидаги тушунчангиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Хуқуқий давлатнинг мазмун-моҳияти ва унинг конституциявий принциплари.
2. Фуқаролик жамиятини шакллантириш - Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади.
3. Фуқаролик жамияти - ижтимоий тараққиётнинг олий ютуғи.
4. Фуқаролик жамияти: тушунча, моҳият ва мақсад.
5. Ўзини-ўзи ичдан ривожлантирувчи фуқаролик жамиятининг умумтан олинган қадриятлари.
6. Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида этник жараёнлар.

Тест топшириқлари

1. Г.Ф.Гегель қайси асаридя фуқаролик жамиятининг уч қонуний асос-белгиси ҳақидаги яхлит илмий-назарий таълимотини яратган?
 - a) «Политология»;
 - b) «Давлат»;
 - c) «Синёсат»;
 - d) «Хуқуқ фалсафаси»;
 - e) «Қонунлар».
2. Г.Ф.Гегель сиёсий ва хуқуқий, фалсафий таълимотида фуқаролик жамияти нечта фундаментал тамойилга асосланишини исбот қилиб берган?
 - a) индивидлар, яъни одамлар фақат ўз хусусий манфаатларини кўзлайдилар;
 - b) одамлар ўртасида ижтимоий алоқалар юзага келади, улар бир-бирларига муҳтожлик ҳис этипади;
 - c) одамларнинг қавм-қариндошлик, ижтимоий гуруҳ ва катламларнинг алоқаларидан иборат динамик тизим маҳсули;

- d) ижтимоий қонунлар устувор бўлган индивидлар муштараклиги ва бирлигидир;
- e) фақат а ва б жавоблар тўғри.
- 3. Г.Ф.Гегель таълимотида қайд этилган фуқаролик жамиятининг уч асосий белгиси қандай?**
- a) иқтисодий асос-белги;
- b) сиёсий асос-белги;
- c) маънавий асос-белги;
- d) конституциявий - ҳуқуқий асос-белги;
- e) фақат а, б, с жавоблар тўғри.
- 4. «Қонун ҳокимияти йўқ жойда давлат тузумининг бирон шакли учун ҳам ўрин йўқ»; деган фикр қайси мутафаккиргя тегишли?**
- a) Сукрот;
- b) Демокрит;
- c) Афлотун;
- d) Фрасту;
- e) Цицерон.
- 5. «Ҳуқуқий давлат шароитида одамлар озодлиги қонунчилик ҳокимияти томонидан ўрнатилган, ҳамма учун қатъий қоидалардан иборат...», деган фикр қайси тараққиётпарвар мутафаккиргя тегишли?**
- a) Н.Макиавелли;
- b) Ж.Боден;
- c) Б.Спиноза;
- d) Ш.Монтескье;
- e) Д.Локк.
- 6. Ҳуқуқий давлат «Озодлик қонун йўл қўядиган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидан иборат», деган фикрни ким айтган?**
- a) Г.Гроций;
- b) Ж.Боден;
- c) Ш.Монтескье;
- d) В.Гегель;
- e) И.Кант.

7. Қайси мутафаккир ҳуқуқий давлат тушунчасини давлат ҳокимияти суверен бўлган халқнинг иродасига боғлаган?

- a) Т.Гоббос;
- b) Д.Дидро;
- c) П.Гольбах;
- d) Ж.Вольтер;
- e) Ж.Гуссо.

8. «Мустақил Америка Қўшма Штатлари Декларацияси»нинг муаллифи ким?

- a) Д.Дидро;
- b) Гельвений;
- c) Пейни;
- d) Т.Жефферсон;
- e) И.Кант.

9. Қайси мутафаккир ишлаб чиққан ҳуқуқий давлат назариясида инсон, шахс марказий ўринни эгаллайди:

- a) Т.Жефферсон;
- b) В.Гегель;
- c) Д.Локк;
- d) Н.Макиавелли;
- e) И.Кант.

10. Қайси мутафаккир талқинида ҳуқуқий давлат шахс, оила ва жамият ҳуқуқларининг таян олинмишини кафолатлайди?

- a) И.Кант;
- b) Д.Локк;
- c) Пейни;
- d) В.Гегель;
- e) Т.Жефферсон.

11. Г.Ф.Шершеневич ҳуқуқий давлатнинг кафолатларини қандай таърифлаган?

- a) шахснинг узвий ҳуқуқлари;
- b) ҳокимиятларнинг бўлиеиши тамойили;
- c) ҳокимиятнинг ҳуқуқий ўзини ўзи чегаралаши;
- d) давлатнинг ўзи ҳуқуққа бўйсунishi;
- e) а, b, c, d жавоблар тўғри.

12. В.Г.Гессеннинг ҳуқуқий давлатга берган таърифини аниқланг?

- a) ҳукумат сифатида ўзи томонидан қонун чиқарувчи сифатида яратиладиган юридик меъёрларни ўзи учун мажбурий деб билладиган давлат ҳуқуқий давлат деб аталади;
- b) ҳуқуқий давлат ўз фаолиятида, ўзининг ҳукумат ва судлов функцияларини адо этишда ҳуқуққа боғлиқ ва унинг томонидан чеклаб турилади, зинҳор у ҳуқуқдан ташқарида ёки унинг устида туриши мумкин эмас;
- c) қонунлар жамиятнинг етуклик даражасига мос келиши, ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб боровчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа шарт-шароитларини ақс эттириши, жамият ривожининг объектив эҳтиёжларига жавоб бериши керак;
- d) сиёсий эркинлик зарурати ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг муҳм шарти, бу эркинлик ҳуқуқий давлат фуқароларининг ҳафсизлигида ифодаланади;
- e) a, b ва c жавоблар тўғри.

13. Қайси мутафаккир ҳуқуқий давлат ва шахснинг бир-бирларига ўзаро боғлиқликни ва унинг қафолати ҳокимиятларнинг бўлинишидан иборат бўлади, деб ҳисоблайди?

- a) В.М.Гессен;
- b) ГФ.Шершеневия;
- c) С.А.Котлярсий;
- d) Н.А.Бердяев;
- e) Б.Н.Чичерин.

14. Демократик ҳуқуқий давлат - бу.....

- a) Конституция ва қонун устуворлигига амал қиладиган давлат;
- b) фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳуқуқлари қафолатланган жамият;
- c) қонунлар муҳокамаси халқ эътиборига ҳавола этиладиган давлат;
- d) мулкдорлар синфини шакллантирувчи жамият;
- e) барча жавоблар тўғри.

15. Ҳуқуқий давлатнинг яқсий таснифи аниқ берилганини белгиланг?

- a) барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир;
- b) Конституция ва қонунларга барча баробар риоя этиши, ҳамма нарсдан устун турмоғи ва ҳамма учун мажбурий бўлмоғи, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва барча фуқаролар қонунларга ақосан иш кўришлиги;

- c) бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодийнинг негизини ташкил этувчи турли хил шаклдаги мулк бўлишлиги;
- d) ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва қонуннинг устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар иши самарали бўлган ҳақиқий халқ ҳокимияти, юридик юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлатдир;
- e) «Ўзбек модели» асосида тараққиёт йўлимиз белгилаб берилган, умуминсоний кадрлар мутлоқ тикланган, Ўзбек давлатчилигини барпо этишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш асосида халқаро ва Шарқ миллий давлатчилик тажрибаларига суянган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатдир.

16. И.А.Каримовнинг қайси асарларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий асослари ва амалий муаммолари белгилаб берилган?

- a) «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат», «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий қафолати», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик»;
- b) «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»;
- c) «Бунёдкорлик йўлидан», «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак», «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз»;
- d) «Барқамол авлод-Ўзбекистон тараққиёти пойдевори», «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин», «Маънавий юксалиш йўлида»;
- e) «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Эғали юрт эркини бермас», «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз».

17. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларини топинг?

- a) ҳуқуқий давлат-ҳокимиятнинг бош институти;
- b) ўзига хос давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, аҳолининг ҳудудий уюшганлиги, суверенитет, ҳуқуқ ижодкорлиги;
- c) ҳуқуқнинг ҳамкорлиги, Конституция ва қонунлар устувлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш, давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти;
- d) ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали ишлаши, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксак даражадалиги;
- e) c ва d жавоблар тўғри.

18. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг умуммуштарак сабаблари нимада?

- a) хусусий мулк фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим асоси ҳисобланади;
- b) эркин бозор иқтисодиёти ўз қонунлари асосида ривожланувчи хўжалик тизимига катта эркинликлар яратиб беради ва тадбиркорликка кенг йўл очади;
- c) гоъвий-сиёсий плюрализмни, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, ҳар бир фуқарога ўзи истаган жойда ишлаш кафолатини беради;
- d) демократик ҳуқуқий давлат заминида вужудга келган фуқаролик жамияти ўз фуқароларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама кондириш учун шарт-шароит яратиб беради;
- e) a, b ва d жавоблар тўғри.

19. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида этнофуқаровий барқарорликни таъминлашдаги устувор вазифалар нимадан иборат?

- a) барча миллат вакиллариининг маънавий кадриятларини тиклаш ва шу асосда умумфуқаровий менталитетни ривожлантиришдан;
- b) мамлакатимизда тинч-тотувликни асраш, халқ фаровонлигини ошириш, ўзликни англашдан;
- c) халқимизнинг миллий ўзлиги ва менталитетини ривожлантиришда она тили ўзбек халқининг ҳақиқий тарихини билишдан;
- d) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада кўпроқ кафолатлаш, мамлакат хавфсизлигини мутаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ва ҳ.к;
- e) барча жавоблар тўғри.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларини изоҳлаб беринг.

№	Ҳуқуқий давлатнинг таърифи	Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгалари
1	2	3

2. **Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳозирги замон таракқиётининг объектив тенденцияси қанақалигини таъкидланг.**

№	Ҳуқуқий давлат туғрисидаги таълимотларнинг қисқача тавсифи	Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барло этиш концепцияси
1	2	3

3. **Ҳуқуқий давлатнинг тарихий-назарий илдиэларини тушунтириб беринг.**

№	Мулкчиликнинг хилма-хиллиги ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий асоси	Ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий асоси	Ҳуқуқий давлатнинг ахлоқий асоси	Ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий табиати
1	2	3	4	5

4. **Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий асосини қайд этинг.**

№	Давлат суверенитети	Конституция ва қонунларнинг устуғлиги	Ҳокимиятларнинг бўлиниши	Шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари
1	2	3	4	5

5. Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойиллини изоҳланг.

№	Қонун чиқарувчи	Ижро қилувчи	Суд ҳокимияти
1	2	3	4

6. Ҳуқуқий давлат қурилиши учта муҳим тамойилга асосланишини изоҳланг.

№	Қонун устуңлиги	Ҳокимиятлар тақсимланиши	Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти
1	2	3	4

7. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тушүнчаси ҳамда унинг тузилишини қайд этинг.

№	Ҳуқуқий давлат	Фуқаролик жамияти
1	2	3

8. Жамият, давлат, ҳуқуқ ва шахс тушунчаларини бирма-бир изоҳлаб беринг.

№	Жамият	Давлат	Ҳуқуқ	Шахс

9. Давлат ва фуқаролик жамияти тизимини қандай тушунаси?

№	Давлат ҳокимияти	Халқ	Фуқаролик жамияти институтлари
1	2	3	4

10. Этнофуқаровий барқарорликни изоҳлаб беринг.

№	Этник ва фуқаровий тоғувлик	Халқимиз ижтимоий тараққиётининг рухий омили ва рухий қудрати	Фуқаровий менталитет
1	2	3	4

III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг объектив ва субъектив шарт-шароитлари, қонуниятлари, асосий босқичлари ҳамда «Ўзбек модели»га хос хусусиятлар

Зотан, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши давлатчилигимиз тарихида асрлар давомида шарқона демократия ва миллий анъаналари, ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг миллий ўзига хос ва мос моделининг интеграциявий стратегияси сифатида миллий – тарихий тараққиётнинг инсонпарвар ва цивилизациявий йўналишини ўзида акс эттиради.

Ҳозирги пайтда, демократик тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Фуқаролик жамияти ўзининг шаклланиши учун, аввало, қулай объектив ва субъектив шарт – шароитлар яратилишини талаб қилади. Биринчидан, унинг халқаро андозалар даражасида ҳуқуқий асослари бўлиши лозим. Иккинчидан, жамоатчилик давлат ва жамият бошқаруви ишига фаол иштирок эта олиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинган барча қонунлар халқаро андозалар даражасида бўлиб, фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилгандир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги тамойили, бир томондан, аввалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди, иккинчи томондан, иқтисодий ислох қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиш берди. Бу ислохот босқичларининг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида иқтисодий ислохотларни тубдан яслох қилишга доир бешта тамойилнинг бозор муносабатларига босқичма – босқич ўтишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди: «... бир босқични тамомлагандан кейингина зарур шарт – шароитларни яратиш, янги босқичга ўтиш мумкин. Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислохотларни охиригача ямалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий – муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз, ҳозир биз керакли ёндашуларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик. Дастлабки ақунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг

вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаш зарур». Шундай қилиб, Президент И.А.Каримов фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий босқичлари ва бу янги жамиятга хос сиёсий ислохотлар ўтказиш йўлларини, фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида бозор иқтисодиёти муносабатларини изчил амалга ошириш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш вазифаларини белгилаб берди.

Шунингдек, Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» асарларида ҳокимият ваколатларини нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма – босқич ўтказиш бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтириш вазифалари кўрсатиб берилди.

Кўришиб турибдики, Президент И.А.Каримов фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий босқичларини тавсифлашда жаҳон тажрибаси, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари, имкониятлари ва шарт – шароитларини асос қилиб олганлиги ҳақиқатдир. Доктор Л.Левитин ва доктор Л.Карлайл «И.А.Каримов – янги Ўзбекистон Президенти» асарида И.Каримов ўтиш даврининг объектив омилларини инobatта олиб ўзбек халқи цивилизацияси хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутди, Ўзбекистонда ислохотлар босқичма – босқич ўтказилиши ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Оқибатда бу ҳолни мустақил давлатлар тараққиёти учун хос бўлган ривожланишнинг «ўзбек модели» деган жаҳон тан олган йўлга олиб келди деб баҳолайдилар.

Бизга маълумки, бугунги кунга келиб Президент И.Каримов асослаб берган ва амалиётда ўзини оқлаган «ўзбек модели» тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи ва иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётимиздаги муваффақиятлар тасдиқлади¹.

Президентимиз И.А.Каримовнинг сиёсий таълимотида, хусусан, «Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» асарларида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос қонуниятлари ва «ўзбек модели»га хос хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Президент И.А.Каримов эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улуғвор мақсадларидан бири эканлигини таъкидлаб

¹ Қаранг: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Наврўз, 2005, 70-бет.

шундай деган эди: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз – ўзини қамол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмақлашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади»¹.

Демак, фуқаролик жамиятида – шу жамият фуқаросининг ҳуқуқи, шаъни, кадр – қиммати кадрланади, қонулар воситасида қаттиқ ҳимоя қилинади. Табиийки, бу ўз – ўздан ёхуд дарров пайдо бўлмайди. Бу аввало, «Халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик ҳабардорлиги, ҳукмат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишига боғлиқ. Фуқаролик жамиятини шу жамият фуқароларининг ўзлари шакллантирадилар»². Бу аввало, уларнинг ҳуқуқий билими ва тарбияси, ҳуқуқий маданияти ва онги қай даражада эканлиги билан белгиланади.

Шунинг учун фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив ва субъектив шарт – шароитлари ва қонуниятларининг «Ўзбек модели»га хос хусусиятлари биринчидан – фуқаролик жамиятининг моддий ишлаб чиқариш ривожланиши даражасига боғлиқлигини аниқлашни; иккинчидан – фуқаролик жамиятининг давлат ҳаётидаги ўрнини кўрсатишни ва ниҳоят, учинчидан – одатда уни инсон онгининг турли шакллари: илм – фан, дин, фалсафа, замонавий техника ривожини билан боғлиқ ҳолда тушунтиришни талаб қилади.

Бинобарин, фуқаролик жамиятини шакллантирувчи ва мустақкамловчи омиллардан бири иқтисодиёт тизимининг ҳолатига боғлиқдир. Бугунги куннинг асосий талабларидан бири иқтисодиётни эркинлаштириш экан, аввало, иқтисодиёт ўзига чекланган тизим эмас эканлигини доимо эсда тутиш лозим. Негаки, у ишлаб чиқариш муносабатларини яхлитлиги билан чегараланмайди. Аслини олганда одамларга яхши турмуш тарзини таъминлаш учун ҳаётини заруратдир. Унинг функционал вазифаси – инсон турмуши учун зарур бўлган шароит ва воситаларни яратишдан иборатдир. Шароитлардан бири эса Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» асарида таъкидлаганларидек, «...кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни янада ривожлантириш...» учун сунъий ғовларни олиб ташлаш лозим.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 37-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қанолатлари. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 156-157-бетлар.

Айтиш жоизки, эркин иктисодиёт фуқаролик жамияти билан битта нарса эмас, шунингдек, фуқаролик жамияти жамиятнинг иктисодий тузилишини англатмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш биринчидан, шахслар, турли этник қатламлар, миллатлар тенг ҳуқуқлиги, манфаатларнинг ранг – баранглиги билан боғлиқ кенг демократик жараёндир. Бу жараённинг ҳаётбахш хусусиятини таъминловчи омиллардан бири: демократия инсоннинг шахсий, индивидуал эркинлиги сифатида намоён бўлишидир. Иккинчидан, қонун устуворлиги, қонуннинг жамиятдаги муносабатларни бошқаришдаги ўзига хос воситага айланиши. Учинчидан, фуқаролардаги ижтимоий – сиёсий фаоллик кўрсаткичи: айрим индивид, айрим гуруҳ эмас, балки кўпчиликнинг (жамоанинг) биргаликдаги хатти – ҳаракати.

Фуқаролик жамиятининг яна бир хусусияти гарчи эркин тараққиётга асосланган бўлса – да, мавжуд давлат тизимига ва унинг рамзларига бўлган муносабати дир. Рамзлар ихтиёрий равишда ҳар бир фуқаронинг ички бир ҳиссий эҳтиёжига айланади. Негаки, давлатчилик тизими фуқароларнинг ўзларини – ўзлари бошқаришга томон ундайди ва бу эркинлик уларда давлатга томон талпинишини кучайтиради. Бу талпиниш рамзларда Ўз ифодасини топади.

Миллий мафкура, миллий ғоямиз тўғрисида кўп гапирамиз. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ривожланган мамлакатлар фуқароларида бу ҳиссиёт анча кучли. Лекин бизда – чи? Биз бу туйғу бизда сушт деган фикрдан йироқмиз. Аммо ўрни келганда уни янада кучайтириш зарурлигини айтиб ўтишни ўзимнинг бурчимиз деб биламан.

Зеро, ҳар тонг юртдошларимиз, боғча, мактаб, академик лицей, коллеж, университет ва институт, академия талабалари қалбига нур бўлиб кирувчи куйидаги сўзларда олам – олам маъно, ҳаётбахш маънавий озуқа мужассам:

Бағри кенг Ўзбекнинг ўчмас иймони!

Эркин ёш авлод сенга зўр қанот!

Истиқлол машъали, тинчлик посбони,

Ҳақсевар Она юрт, мангу бўл обод!

Давлат рамзларимиз, бир томондан, халқ руҳияти ва қалбида ардоқлаб келинаётган юксак идеаллар, эзгу ниятлар ва ўзбекона фазилатларни акс эттирса, иккинчи томондан, давлагимиз ҳар бир фуқаросини Она – Ватанга муҳаббат, халқ олдида масъуллик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий босқичлари билан боғлиқ асосий йўналишлар куйидагилар:

1. Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун деган принципдаги фуқаролик жамиятининг шаклланишига, бунда жамиятнинг барча қатламлари қонунчилик томонидан кафолатланган ҳуқуққа ва ўз манфаатларини амалда ифодалаш имкониятига эга бўлади. Бу Ўзбекистон

Республикаси Конституциясида кафолатланган бўлиб, амалиётга жорий этилаётганлиги бугун жамоатчиликка маълум;

2. Ҳуқуқий давлатчилик асослари мустақкамланади, яқка бир синф, партия, гуруҳ, бошқарув бюрократияси диктатураси барҳам топади;

3. Барча фуқароларга давлат ва жамоат ишларида шугулланиш учун, билим ва касбий малакасига қараб, ҳар қандай расмий лавозимларни эгаллашда тенг шароит яратилади;

4. Давлат ва фуқаролар демократик жараёнда қабул қилинган қонун устуворлигига тўла эришади;

5. Конституциявий доирадаги, конституциявий тизим, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва яхлитлигига таҳдид солмайдиган ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг эркин рақобатига айланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда беш партия ва демократик ҳаракатлар, профессионал ва маданий – этник уюшмалар, ёшлар, аёллар, фахрийлар ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда;

6. Ҳеч қандай ижтимоий назорат ёки устозликлар билан чегараланмаган умумий, бевосита тенг муқобил сўлов ҳуқуқлари бундан кейин янада қарор топаверади. Бу Парламент ва Президент сайловларидаги муқобиллик хусусиятларида эркин намоён бўлади;

7. Шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бирга, фуқаролар масъулияти, қонунга қатъий риоя қилиш ва ўзини – ўзи назорат қилишни кўзда тутувчи, миллий ўзини хосликни сақлаган демократияни ривожлантиришга бўлган эҳтишнинг ортиб бориши ва қарор топиши заруратга айланади;

8. Фуқаролик жамиятига хос эркин тадбиркорлик эҳтишлари майдонга келади;

9. Фуқаролик жамиятида барча миллатларнинг манфаатларини ифода этувчи миллий мафкура ва миллий ғоя – мақсад юзага келади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ислохотлардан кўриниб турибдики, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, халқнинг ҳар томонлама эркинлиги ва фаровонлиги Ўзбекистоннинг XXI аср бошида ривожланиш стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан биридир (5-чизмага қarang). Хуллас, демократик ҳуқуқий давлат негизда фуқаролик жамияти шаклланиб миллий мафкура ва миллий ғоя асосида миллий онг, гуруҳ юксалмоқда, давлат ва жамиятни бошқариш жараёнига фаол аралаштириш имконияти кенгайтирилмоқда.

3.2. Фуқаролик жамияти: кадриятлар, миллий-тарихий хусусиятлар

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ озод ва эркин тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш орқали одил кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга

интиломқда. Зотан, одил кучли фуқаролик жамият кучли давлат, яъни демократик ҳуқуқий давлат негизидагина шаклланади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов сиёсий ва ҳуқуқий таълимотининг маъно-мазмунини ташкил этадиган Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепцияси бугунги кунда ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Бу концепция жамиятимизни демократиялаштириш ва эркинлаштириш йўлининг, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг яхлит дастури ҳисобланади.

Ислоҳ Каримов иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасида халқ қамда жамият интилаётган орзу-мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг устувор негизларини етти мақсад - вазифаларини аниқ белгилаб берди.

«Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад - тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустақамлаш бўлиб қолавереди», деб Ислоҳ Каримов бу борадаги дастлабки вазифа эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимиз асоси бўлган истиқлол масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мустақиллик ўзбекистонликлар учун олий неъмат. У осонликча қўлга киритилгани йўқ. Не-не улуг аждодларимиз унинг учун азиз жонини тикмади.

Мустақилликка эришиш бир саодат, лекин уни асраб-авайлаш, қадрига етиб, янада мустақамлаш ўзгача саодатдир.

«Мустақиллик - ҳуқуқ», деган қараш тамоилга айланди. Сабаб - истиқлол ҳаммамиз учун ўзлгимизни таниш ва англаш, ўз тақдиримизга ўзимиз эгаллик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш, демакдир.

Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, «Мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир»¹.

Дарҳақиқат, маънавий қадриятлар ва анъаналарга, халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш, БМТ низоми талабаларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф эгилган талабаларига қатъий амал қилиб яшаш ҳам устувор вазифаларимиздан биридир. Маърифий тараққиётни айнан шундай тушуниш мамлакатни, жамиятни сиёсий жиҳатдан қайта қуриш, иқтисодиётни ислоҳ этиш, янгилаш бўйича олиб борилаётган туб ислоҳотлар асосига қўйилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. —Т.: Ўзбекистон, 2002, 16-17-бетлар.

Узоқ-яқин кўшнилар билан самимий дўстлик, манфаатли ҳамкорлик асосида яшаш, дунё ҳамжамиятида ўзимизнинг бетакрор ўрнимизни мустаҳкамлаш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Айнан ана шу стратегия мустақил давлатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодийetni модернизация қилиш жамиятни маънавий янгилаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб бораётган ялпи ислохотларимизнинг мезонидир.

Маълумки, тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларидан кўриниб турибдики, демократик жараёнлар қанчалик кенг ривожланган бўлса, фуқароларнинг ҳокимиятни бошқаришда иштироки максимал таъминланган шароитдагина мамлакат ривожланади, фуқаролар эркинлиги ва фаровонлиги ҳам шу даражада қафолатланиб бораверади. Шунинг учун демократик тамойиллар фуқаролик жамиятига хос асос-белги – умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилган.

Умуминсоний кадриятлар тизимида демократик тамойилларнинг ўзи унинг шаклланиши учун кенг шарт – шароит яратиб беради. Зеро, кадриятлар тизимида миллат, унга хос бўлган белгилар, жиҳатлар, миллий – тарихий хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳудуд, макон ва у билан боғлиқ туйғулар адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Миллий кадриятлар ва миллий – тарихий хусусиятлар шахс кадриятларини умуминсоний кадриятлар билан боғловчи занжирнинг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, миллат ҳар қандай миллий кадриятнинг объекти, унинг яратувчиси ва миллий кадриятлар тизимида асосий таянадиган ижтимоий таянч ҳамдир. Миллат бир томондан, ўзининг кадриятларини муттасил вужудга келтириб турганлиги билан ҳам яшовчанлик хусусиятига эга. Демак, миллий кадриятлар ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллаштириб, янги – янги қирраларини вужудга келтиради. Айнан ана шу жараён адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Демак, биринчидан, миллий кадриятларсиз ва миллий – тарихий хусусиятларни эътиборга олмасдан туриб, фуқаролик жамиятида демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир шахснинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас. Иккинчидан, демократик жараёнлар давомида мавжуд кадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб, ўзгариб боради. Учинчидан, миллат миллий кадриятнинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам, ўтмишдан келажакка томон яшashi ҳам, авлоддан – авлодга етказиб берувчиси ҳам, унинг асосий объекти ҳамдир. Тўртинчидан, миллий кадриятларнинг такомиллашмаганлиги миллатнинг йўқ бўлиб кетишининг бошланишидир. Чоризм мустамаклаши ва шўролар даврида миллатга бўлган ҳужум энг аввало, унинг кадриятларига бўлган ҳужумдан бошланганлиги тасодикий эмас эди. Бешинчидан, миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши шарт. Масалан, ўзбек зиёлиларининг ўз она тилларини ўрганишлари, ўзлаштириши ва ўз тилларида илмий – фалсафий ва

сиёсий китобларни ёзиши ўта мушкул бўлиб қолаётганлигининг сабаби – улар миллий руҳининг эркинлигига нисбатан узок йиллар ҳукмрон бўлган «қизил империя»нинг мафкуравий таъйинининг натижасидир.

Миллий қадриятларнинг Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрнини таҳлил этиш жараёнида энг аввало, миллатнинг ўзига ижтимоий қадрият сифатида қараш зарур. Негаки, миллат миллий қадриятларнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир. Демак, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашуви тараққиётнинг зарурий қонуниятидир. Бу ўринда демократия, плюрализм, фуқаролик жамияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари ва ижтимоий жавобгарлиги сингари қадриятлар ҳозирги замон сиёсий-ҳуқуқий маданиятидан мустаҳкам ўрин олиб, миллионлаб одамларнинг маънавий мулкига айланганлигини таъкидлаш лозим.

Фуқаролик жамияти ўзининг ривожланиши жараёнида миллий-тарихий ўзига хос янги қадриятлар билан бойиб боради. Янги тарихий даврда қадриятлар янги жамиятнинг беназир ютуқларини акс эттиради.

Демак, қадриятлар улкан кучга эга: улар одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларни ижобий ишларга сафарбар этади. Айтайлик, демократиянинг мустаҳкамланиши ва сиёсий-ҳуқуқий қадриятларидан бирига айланиши республикада фуқароларида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва ижтимоий – сиёсий тузумимиз учун ифтихор ҳиссини уйғотибгина қолмай, уларни давлат бошқарувида, муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайловларда фаол иштирок этишга, демократияни қўллаб – қувватлаш ва мустаҳкамлашга даъват этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўп қиррали ислохотлар даврида, жамият менталитети тубдан ўзгараётган, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир пайтда халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва сиёсий-руҳий эҳтиёжларига мос келувчи қуйидаги миллий-тарихий хусусиятлар билан қуроллантириш катта аҳамиятга эгадир:

а) демократик тамойилларни миллий қадриятларнинг узвийлиги асосида миллий қадрият сифатида шакллантириш;

б) фуқароларнинг тафаккури ва ижтимоий – сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасининг мутаносиб бўлишига эришиш;

в) жамиятдаги турли хил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий гоя асосида ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий – иқтисодий барқарорликни таъминлаш;

г) демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланишини таъминлаш;

д) сиёсий ва иқтисодий муносабатларда ҳам ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий, миллий қадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни ва қадриятларни мамлакат фуқаросининг турмуш эҳтиёжига айлантатириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар самараси халқ дунёқараши, миллий тафаккури, ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий қадриятлар ва миллий-тарихий хусусиятларга онгли муносабатда бўлиши билан боғлиқдир. Агар демократик янгиланишлар ва адолатли фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар халқимизнинг миллий тафаккури, қалби ва руҳияти орқали ўзини намойиш этса, у яшовчан ва самарали бўлади. Зеро, Ўзбекистонда давлатнинг янгиланишлар стратегияси сифат жиҳатдан ўзгараётган демократик ҳуқуқий давлат, янгича миллий тафаккур тарзи асосида шаклланаётган фуқаролик жамиятининг қадриятлари билан уйғуллашиб кетган.

3.3. Миллий ва диний қадриятларнинг асл мазмун-моҳияти

Ҳозирги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида дин никоби остида ҳокимият учун курашаётган турли сиёсий оқимлар гўё, ислом дини демократияни тан олмайди, давлат қонунлари илоҳий қонунларга зид, ислом — демократиянинг душмани деб тушунтирмоқдаларки, бу миллий ва диний қадриятларимизнинг асл моҳиятини билмаслик ёки билиб туриб, ҳақиқатни яширишдир. Пайгамбаримиз Муҳаммад расулulloх энг муҳим муаммоларни ҳал этишда, агар Қуръон оятларида бу ҳақда йўл-йуриқ берилмаган бўлса, кўпчилик саҳобалар билан маслаҳатлашар, ҳатто ёшларнинг ҳам фикрларини, маслаҳатларини қабул қилар эдилар. Бадр урушида мусулмонлардан енгилган Макка мушриклари Абу Суфён ибн Харб бошчилигида Уҳуд урушига қаттиқ тайёргарлик кўрадилар. Мушрикларнинг мақсади Мадина шаҳрини қамал қилиб, мусулмонларни қириб ташлаш эди.

Ана шу вақтда Муҳаммад алайҳиссалом саҳобалар ва ёш мусулмонлар билан маслаҳатлашиб, Мадинада қолиб, шаҳар атрофида тўсиқлар ясаб, мудофаа қилиш афзалми ёки Мадинадан чиқиб, Уҳуд тоғи этагида турган душман кўшини сари юриш афзалми? — саволини ўртага ташлади. Баъзи саҳобалар Мадинада қолиб, шаҳарни мудофаа қилишни афзал кўрдилар. Аммо, кўпчилик жангчилар, айниқса, Бадр урушида қатнашолмай, жангга ошиқаётган ёшлар «Уҳуд тоғига, душманга қараб юриш зарур», деб маслаҳат бердилар. Пайгамбар ўзи Мадинада қолиш тарафдори бўлса ҳам, кўпчиликнинг фикрини инобатга олиб, ислом лашкарини Уҳуд сари бошладилар. Бу жангда аввал мусулмонлар ғалаба қилаётган эдилар. Мушриклар жанг майдонини ташлаб қочган эдилар. Аммо, кўшин орқасини химоя қилиб турган камончилар нафсга берилиб, ўлжаларни териб олишга қизикдилар. Улар ўрнида йўқлигидан фойдаланиб мушриклар орқа тарафдан ҳужумга ўтдилар ва мусулмонларга қатта талофот етказдилар. Бу жангда душман ғолиб чикди. Тарихчилар Уҳуд жангидаги мағлубиятнинг сабаблари ҳақида турли фикрларни билдирадилар. Аслида ҳам пайгамбаримиз кўпчиликнинг фикрини инобатга олиб, мудофаани

ташлаб, душманга қарши ҳужумга ўтгани тўғри эди. Бу мағлубиятнинг сабаблари Қуръони карим оятларида яхши тушунтириб берилган.

Исломда демократия, халқни ҳурматлаш, халққа меҳрибон бўлиш, ҳатто айби борларга ҳам мулоийм муомала қилиш зарурлиги Қуръони каримда «Оли Имрон» сурасининг 159-оятида бундай баён қилинади: «(Эй, Мухаммад!) Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулоийм бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар. Бас, уларни афв эт. Уларга (уларнинг гуноҳи учун) истиғфор айт ва улар билан ишларда машварат қил. Азму қарор қилганингдан сўнг Аллоҳга таваккул қил. Албатта, Аллоҳ таваккул қилгувчиларни севади».

Тарихдан маълумки, Уҳуд ғазоти бошланиши олдидан мусулмон аскарининг учдан бири орқасига қайтиб кетди. Интизомсизлик, ҳатто, расулуллоҳга ҳурматсизлик қилди. Қизгин жанг вақтида камончилар ҳам, пайгамбарнинг «Жойингизни тарк этманг!» деган буйругини бўзиб, ўлжа, ғанимат талашиб, катта хатога йўл қўйдилар. Бу хато жуда қимматга тушди, мусулмон лашқари оғир йўқотишларга учради. «Пайгамбар ўлди!» — деган сохта хабар тарқалганида баъзилар ул зотни ёлғиз ташлаб қочиб кетишди. Натижада Уҳуд жангида расулуллоҳга оғир жароҳатлар етди.

Шу қилган хатоларига қарамай, пайгамбар сафарда йўлдан қайтганларга ғазаб қилмади, жазо бермади, аксинча, ширин сўзлар билан, яхши муомала қилди. Одамларга, кўпчиликка мулоийм бўлиш ислом демократиясининг энг гўзал хусусиятларидан биридир. Тангри таоло бундай бағридарёлик, кечиримлиликни Қуръон оятларида «Аллоҳнинг раҳмати» деб атайди. Кўпчиликка мулоийм, ширин сўз бўлиш катта бахт ҳисобланади. Чунки одамлар бир оғиз бўлса ҳам, яхши сўзнинг ғадоси. Одам яхши сўз эшитган жойига, мулоийм муомала кўрган шахсига меҳр қўяди. Ўша ерда, ўша шахс атрофида тўпланади. Пайгамбаримиз Мухаммад с.а.в.нинг сифатлари бу жиҳатдан энг аъло эди. У зоти бобаракотнинг энг жозибали кучлари ҳам шунда эди. Агар у киши қўпол ва қалби қаттиқ бўлганларида атрофларида ҳеч ким қолмай, тарқаб кетар эди. («Тафсири Хилол», с.15) Тангри таоло юкоридаги ояти каримада: «Бас, уларни афв эт. Уларга (гуноҳлари учун) истиғфор айт ва улар билан ишларда машварат кўш», Уҳуд уруши арафасида кўпчилик билан кенгашиб, ноқулай аҳволда қолган бўлсанг-да, яна кейинги ишларда ҳам улар билан бамаслаҳат, машварат қилиб иш олиб бор, дейди. Ушбу оят ҳукм юритишда, ислом нуқтан назаридан, кўпчиликнинг фикрини олиш, демократияга амал қилишга асос оятлардан бири ҳисобланади.

Кўпчилик билан бамаслаҳат, демократия усулида бошқаришга чакор ёрлар — ҳазрат Абу Бакр, ҳазрат Умар, ҳазрат Усмон, ҳазрат Али даврларида ҳам катта эътибор берилган. Ҳазрат Абу Бакр ҳаммомга тушганида қаттиқ шамоллаб, оғир касал бўлиб ётиб қолганида ҳазрати Умарни ўзига халифа қилиб қолдириш ҳақида атоқли саҳобалар билан маслаҳатлашди. У, Абдурахмон ибн Авфни чақириб, «Умар ҳақларида қандай фикрдасиз?» деб сўрадилар. Абдурахмон р.а. «У кишининг қаттиққўллигидан бошқа айби йўқ» деди. Абу Бакр «Умар мен юмшок

бўлганим учун шундай қаттиқлик қилади, агар ўзи иш бошига келса, албатта қаттиққўлликларидан анчасини ташлайдилар, деб ўйлайман», дедилар. Ул зот Усмон ибн Аффонни ҳам чақириб, фикрини сўради. Ҳазрат Усмон «Умарнинг ичи (қалби) ташқарисидан яхшироқ, бизнинг ичимизда у кишига ўхшаш одам йўқ» деб жавоб бердилар. Ҳазрат Абу Бакр яна бир қанча саҳобаларнинг фикрларини олди. Шундан сўнг Ҳазрат Умарни раҳбар этишга қарор қилдилар ва Ҳазрат Усмонни чақириб, шу мазмунида васият ёздирдилар: «Мен сизга (аҳли Сунна вал-жамоага) Умар ибн Хаттобни халифа этиб, тайинладим. Агар ишни тўзук юритса ва адолат ўрнида бўлса, жуда яхши. Агарда жабр ва зулм қилса, сийратини ўзгартирса, жавобгарлиги менга бўлмаяжқдир, чунки мен ғайбни билмасмен. Мен бу ишимдан (жамоага) фақат яхшилиқ истадим. Ҳар кимга ўзи қилган амалининг жазоси бўлажқдур. Золимлар не аҳволга тушишларини келажакда билурлар», деб аҳднома ёзиб, муҳр босдилар. (Ризоуддин ибн Фахруддин. «Хулафои рошидин».)

Ҳазрат Абу Бакр айрим атоқли саҳобалар билан бамаслаҳат иш тутса ҳам, янги раҳбарни шўро йигинида кўпчилик овози билан сайлаш ўрнига, яқка ўзи тайин қилганини баъзилар демократиянинг бузилиши деб билдилар. Бу иш баъзи гуруҳларда норозилик келтириб чиқарди. Аммо Ҳазрат Абу Бакр бу муҳим масалани атоқли саҳобалар билан бамаслаҳат ҳал қилди, ислом давлати турли душман гуруҳларга бўлиниб, ўзаро қирғин бошланмаслиги учун шундай иш тутган эди.

Ҳазрат Умар ибн Хаттоб ислом жамоасида ҳақиқий адолат, тенглик ўрнатиш учун, шариатга зид келмайдиган демократия талабларини бажаришда барча замонлар учун ибратли ишлар қилди. Ислом уламолари ҳаққоний ёзадики, «Ҳазрат Умарнинг идора услублари қаттиқлигидан (ул зот) мустабид ҳукмдор эканларда», деган фикр англашилмасин. Билгъакс, Ҳазрат Умар низоми ва қонун билан боғланган ҳукмдор эдилар. Ишни ўз билганича қилмай, кичкина иш бўлса ҳам бутун кибор асҳобни (атокли саҳобалар — Ҳазрат Али, Зубайр, Абдураҳмон ибн Авф, Салмон Форсий, Усмон ибн Аффон, Аббос ибн Абдулмуталлиб, Саъд ибн Абу Ваккос, Амр ибн Ос, Муовия ибн Суфён ва бошқаларни) йиғиб, кенгашар, агар каттароқ иш бўлса, бутун халқни йиғар, (халқ вакилларидан) маслаҳат сурар, ақли одамлар берган маслаҳатларга юрар эди.

Бир вақт Мадина ва бошқа жойларда қизлар турмушга чиқишида бериладиган маҳрни халқ орттириб юборганида Ҳазрат Умар уни камайтиришга қарор қилган. Минбарда бу фикрини халққа айтганида бир аёл ўрнидан туриб: «Сен бизни Аллоҳ эито этган ҳақимиздан маҳрум қилмоқчимисан? Аллоҳ таоло ўзи «Агар биронталарига тордек маҳр берган бўлсангиз ҳам қайтариб олмаг!» деганку?» — деб, Ҳазрат Умарга қарши сўз айтган. Шунда Ҳазрат Умар ўз фикри хато эканлигини, бояги аёл ҳақлигини айтган. Муҳим ишларда Ҳазрат Умар кексалар, аёллар ва ёшлар билан маслаҳатлашар эди. Ул зот баъзи хато ишларини халқ танқид қилишига кенг йўл очиб қўйган. Хатоларини тўғрилашса, раҳмат айтар эди.

Ҳаж мавсумидаги талотумда Ғассон қабиласининг амири Жаблаҳанинг чопони этагини бир саҳройи араб билмасдан босиб олади. Амир ортига қайрилиб, бадавий зиёратчини шапалоқ билан уради. Саҳройи зиёратчи ҳазрат Умарга бу ҳақда шикоят қилади. Ҳазрат Умар амир Жаблаҳани чақириб, «Оддий фуқародан кечирим сўрагин, акс қолда у ҳам сенга шапалоқ туширади», дейди. Амир кўнмайди ва эртасига ислом динидан чиқиб, қочиб кетади. Бу воқеадан кўринадики, ҳазрат Умар «Аллоҳ олдида амир ҳам, оддий фуқаро ҳам тенглиги» қондасига амал қилган. Бу эса, ислом шариати қонунлари нақадар демократик, халқчил, адолатли эканлигини яққол кўрсатиб турибди.


Бир куни ҳазрат Умарнинг ёшроқ ўғли Абдурахмон Мисрда тенгдошлари билан ароқ ичиб, тўполон қилганида, халқ уларнинг устидан волийга (ҳокимга) шикоят қилади. Водий бу йигитларни муҳокама қилиб, жазо беради — барчаларини дарра билан урадилар. Кейинроқ ҳазрат Умар бу воқеани эшитиб, ўз ўғлини кайтадан урдиради, чунки, Миср водийси уни аяб, яхши урмаган, деб ўйлайди.

Мана шу воқеа ҳам ҳазрат Умар ҳукмронлигининг халқчиллигини, демократия руҳида эканлигини исботлайди. Агар давлат сиёсатида ва жамиятни бошқарув маданиятида демократия — халқчиллик, адолат, қонун олдида барчанинг тенглиги деб тушунилса, ислом шариати қонунларида демократия кенг ўрин тутганлигини кўрамиз.

Ислолда демократияга кенг амал қилинишини билмайдиган ёки билишни истамайдиган «ҳизби таҳрир»чилар исломни демократиянинг душмани деб ёмонотлик қилганлари оқибатида АҚШ ва Овруподаги қудратли давлатлар Ироқни ҳам халқаро демократиянинг «асосий душмани» сифатида ракетапар билан бомбардимон қилишга овоз берган эдиларки, бу фожеа ҳам "ҳизби таҳрир"чиларнинг сохта ташвиқоти меваси эмасмикин? деган асосли шубҳа туғилади. Агар шундай бўлса, миллионлаб мусулмон фуқаролари ва барча этниклардаги фуқаролар билиб олишлари керакки, ислом шариати — демократиянинг душмани эмас, балки ислом давлатлари қадимги замонлардан ҳозиргача ҳам демократия тамойилларини адолатли ва қонуний деб, барча ишларида Куръонга, ҳадисга ва демократия талабларига амал қилиб келганлар.

Демак, халқимизнинг миллий ва диний қадриятлари қаторида, халқ руҳияти — менталитетида эса бағрикенглик, адолат ва тенгликни таъминловчи демократия, аввалдан ҳаёт талаби эди.

**1-чизма. ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАФАККУР ТАРЗИ,
АСОСИЙ ТАЯНЧЛАРИ ВА НЕГИЗЛАРИ**



2-чизма. ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



3-чизма. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ




4-чизма. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ҚАДРИЯТИ

Миллатлараро тотувлик - умумбашарий кадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади



XXI аср бошида Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси



Асосий таянч тушунчалар

Қадрият – инсониятга хизмат қилувчи, унинг эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи жамики моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади.

Ижтимоий қадриятлар – умумжамият манфаатларини, яъни жамият аъзолар бу манфаатларни қандай тасаввур этишини муайян даражада акс эттиради.

Бозор қадриятлари– бозор муносабатлари иштирокчиларининг аниқ манфаатларини акс эттиради.

Институционал–ҳуқуқий қадриятлар–сиёсий тизимда вужудга келган сиёсий–ҳуқуқий институтлари (Президентлик институтлари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Омбудсман институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва бошқалар)дан иборат.

Норматив–ҳуқуқий қадриятлар – қонунлар ва бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида, ҳуқуқий тамойилларида мужассамлашган, кишилар хулқ – аъворини ижобий мақсадлар сари йўналтирувчи қоидалар шаклида майдонга чиқувчи қадриятлардир.

Маънавий–ҳуқуқий қадриятлар – миллий ўзликини англаш, инсоний гурур, эзгу туйғулар, Ватан озодлиги, одил демократик фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат рамзлари ва ҳ.к.

Мафсуравий–ҳуқуқий қадриятлар – ҳуқуқий назариялар, концепциялар, ҳуқуқий қарашлар ва талабларнинг илмий тизимлаштирилган ифодасидир.

«Ўзбек модели»га хос хусусиятлар – мамлакатимизнинг миллий–тарихий хусусиятларини, географик ва демографик шарт–шароитларни ҳисобга олган ҳолда, республиканинг бош, стратегик мақсади сари йўналтирилган, ислохотларнинг ҳар бир босқичида ижодий ривожланиб борувчи дастуруламалдир.

Ўз - ўзини текшириш учун саволлар

1. Қадрият нималигини тушунтириб беринг.
2. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг миллий – тарихий хусусиятларини тушунтириб беринг.
3. Ҳуқуқий қадриятлар деганда нимани тушунасиз?
4. «Ўзбек модели»га хос хусусиятлар дегани нима?
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг тарихий босқичлари ҳақида нима дейсиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Ислом Каримов сиёсий таълимотида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг қонуниятлари.
2. Фуқаролик жамиятида кадриятларнинг ўрни.
3. Миллий ва диний қадриятларнинг асл мазмун-моҳияти.
4. Фуқаролик жамиятининг шаклланишида «Ўзбек модели»га хос хусусиятлар.
5. XXI аср бошида Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси.

Тест топшириқлари

1. Иқтисодиёт бу

- a) моддий ва маънавий бойликлар яратиш билан боғлиқ жараёнлар тизими;
- b) кишилар истеъмолини таъминлайдиган моддий нсъматлар;
- c) ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи;
- d) кишилар иқтисодий эҳтиёжини қондириш;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

2. «Иқтисодиёт» атамаси кенг маънода ишлатилганда

- a) бирор ижтимоий ишлаб чиқариш қучлари ривожининг ишлаб чиқариш муносабат-лариға мос келиши тушунилади;
- b) муайян ижтимоий тузумнинг баъзиси тушунилади;
- c) алоҳида субъектнинг иқтисодий муносабатларида қатнашиши тушунилади;
- d) иқтисодий тафақуур ва дунёқарашни ўзгартириш тушунилади;
- e) a ва b жавоблар тўғри.

3. Иқтисодий мустақиллик деганда ..

- a) мамлакатни иқтисодий нсъматлар билан ўзини-ўзи таъминлаш даражаси тушунилади;
- b) иқтисодий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг қафолатлан-ганлиги тушунилади;
- c) давлатнинг ички иқтисодиётда мустақил сиёсати, аммо ташқи мамлакатларға иқтисодий қарамлиги тушунилади;
- d) иқтисодни эркинлаштириш;
- e) a ва b жавоблар тўғри.

4. Маъмурий-буйруқбозлик тизимида иқтисодиётимизға хос бўлган салбий ҳолатлар нималардан иборатлигини аниқланг?

- a) хом ашё, пахта етказиб берадиган иқтисодиёт эди, асбоб-ускуна ва бутловчи қисмлар, асосан, четдан олиб келинарди;
- b) озиқ-овқатлар, ғалланинг четдан келтирилиши, олиб келини-ши;

- c) олтин ва бошқа қимматбаҳо ашёлар, ёқилғи Москванинг ихтиёрида эди;
 d) молиявий масалаларнинг тизгини «Марказ» қўлида эди;
 e) a, b, c ва d жавоблар тўғри.
5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели».....
- a) Ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, тарихий турмуш тарзини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилди;
 b) иқтисодий плюрализмга асосланиб, эркин рақобатни такозо этади;
 c) иқтисодиётда давлат ролини оширишга асосланган;
 d) мулкдорларни шакллантириш;
 e) a ва b жавоблар тўғри.
6. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати неча йўл билан юз беради?
- a) классик йўл;
 b) мустамлака иқтисодиётидан миллий бозор иқтисодиётига ўтиш;
 c) режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш;
 d) аралаш иқтисодиёт йўли;
 e) a, b, c жавоблар тўғри.
7. Бозорнинг демократик мақоми нима?
- a) савдо-сотиқ;
 b) эркин харид;
 c) олди-берди;
 d) иқтисодиёт демократияси;
 e) шартномалар туриз.
8. «Ўзбек модели»да бозор иқтисодиётига ўтиш нечанчи тямойил ҳисобланади?
- a) биринчи;
 b) иккинчи;
 c) учинчи;
 d) тўртинчи;
 e) бешинчи.
9. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш йўли қандай?
- a) инқилобий йўл;
 b) «фалаж терапияси»;
 c) босқичма-босқич тадрижий йўл;
 d) бозор тизимига ўтишнинг «Ўзбек модели» йўли;
 e) аралаш иқтисодиёт йўли.

10. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари ва қонуниятларининг «Ўзбек модели»га ҳос хусусиятлари нималардан иборат?

- a) фуқаролик жамиятининг моддий ишлаб чиқариш ривожланиши даражасига боғлиқлигини аниқлашдан;
- b) фуқаролик жамиятининг давлат ҳаётидаги ўрнини кўрсатиш-дан;
- c) илм-фан, дин, фалсафа, замонавий техника ривожини билан боғлиқ ҳолда тушунтиришдан;
- d) шу жамият фуқаросининг ҳуқуқи, шаъни, кадр-қимматини кадрлаш ва эрк-ҳуқуқларини қонун билан қаттиқ қафолатлаш;

11. «Қадрият», деганда нима тушунилади?

- a) «қадрият» деганда инсониятга хизмат қилувчи, унинг эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи жамики моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади;
- b) дунёнинг энг олий неъматини ва қадрияти инсондир;
- c) қадрият жамиятда давлат бошқарувини амалга оширишнинг қудратли воситасидир;
- d) қадрият маънавий ва миллий анъаналардир;
- e) қадрият – бу мустақиллик демакдир.

12. Миллий қадриятларнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни қандай?

- a) биринчидан – миллий қадриятларсиз ва миллий-тарихий хусусиятларни эътиборга олмасдан туриб, фуқаролик жамиятида демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш мумкин эмас;
- b) иккинчидан – демократик жараёнлар давомида мавжуд қадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб, ўзгариб боради;
- c) учинчидан – миллат миллий қадриятнинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам, ўтмишидан келажакка томон яшашни ҳам, авлоддан-авлодга етказиб берувчиси ҳам, унинг асосий объекти ҳамдир;
- d) миллий қадриятларнинг такомиллашмаганлиги миллатнинг йўқ бўлиб кетишининг бошланишидир;
- e) миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши шарт.

13. Ўзбек халқининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва сиёсий руҳий эҳтиёжларига мос келувчи миллий-тарихий хусусиятларни белгиланг?

- a) демократик тамойилларни миллий қадрият сифатида шакллантириш;
- b) фуқароларнинг тафаккури ва ижтимоий-сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасининг мутаносиб бўлишига эришиш;
- c) жамиятдаги турли хил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий ғоя асосида

- ҳамжихатлик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- d) халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш ва итоат этиш фазилатларига мос ривожланишини таъминлаш, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий, миллий кадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш;
- e) а, b, с, d жавоблар тўғри.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ

1. «Ўзбек модели»ни моҳияти нимадан эканлигини қайд этинг.

№	Таъкид

2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини, босқичлари ва хусусиятларини ёзма равишда қайд этинг.

№	Ҳуқуқий асослар	Босқичлар	Ўзига хос хусусиятлари
1	2	3	4

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий босқичлари билан боғлиқ асосий йўналишларни бирма-бир ёзинг.

№	Ўзига хос хусусиятлар	Тарихий босқичлари	Асосий йўналишлар
1	2	3	4

4. Мустақиллик ва маънавий кадриятларнинг санақалигини таъкидланг.

№	Мустақиллик	Маънавий кадриятлар
1	2	3

5. Миллий ва диний кадриятларнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

№	Миллий кадрият	Диний кадрият
1	2	3

IV боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

4.1. Конституция ва фуқаролик жамияти

Мустақилликка эришилгач, истиснонинг янги Конституциясига табиий эҳтиёж туғилди. Чунки Ўзбекистон ССР Конституцияси мустақил давлат, деб расман эълон қилиниши учун Конституциявий-ҳуқуқий асос бўла олмас эди. Шу боис Ўзбекистонни мустақил давлат, деб расман эълон қилишдан олдин мазкур мақомнинг конституциявий базасини яратилиш, кейин унинг асосидагина мустақилликни эълон қилиш ҳуқуқий жиҳатдан туғри ва қонуний бўлар эди. Шунинг учун ана шу қонуний эҳтиёж ўлароқ, Конституциявий-ҳуқуқий асослар яратила бошланди. Ижодий жараён 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Конституциявий Қонундан бошланди. Конституциявий Қонун Ўзбекистонни мустақил давлат мақомида расман эълон қилишнинг ҳуқуқий базасига айланди. Бу дастлабки босқич аслида мустақил Ўзбекистонда Конституция дойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш зарурати билан боғлиқ. Қолган бир-бири узвий муштарак босқичлар ва амалдаги Конституцияга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш билан алоқадор янги босқич ўз ҳуқуқий ташкилий ибтидоси айнан ана шу дастлабки Конституциявий қонундан бошланади.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз мақоми, тузилишига йўналиш ҳамда асосий тамойиллари, яхлит мундарижасига, яъни Муқаддимасидан бошлаб 128 моддасига қадар Мустақиллик ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш руҳи мазмуни билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, гарчи «фуқаролик жамияти» атамаси махсус ишлатилмаса-да, очиқ фуқаролик жамияти талаблари ва қадриятларига хос норма ва қоидалар «Халқ ҳокимиятчилиги», «Конституция ва қонуннинг устулиги» бобларида, «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», «Жамият ва шахс», «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» бўлимларида у ёқуд бу мазмунда аксини топган. Уларнинг яхлит мундарижаси конституционализм негизида конституциявий давлат барпо этиш, конституциявий жамиятни шакллантиришга қаратилган. Чунки конституциявий давлат ҳамиша ўз мақоми билан эркин, адолатли очиқ фуқаролик жамиятига асос бўлади. Фикримизни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни яна бир бор исботлади.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 63-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини мундарижаси конституционализм негизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ўзига хос хусусиятлар шундаки, **биринчидан**, у жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари борасидаги демократик ютуқларга таянади. Бу Конституция 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган **“Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”**даги барча муҳим қондаларни, инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи қондаларини қамраб олган.

Тоталитар тузумдаги давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшаш, мамлакат барча бойликлари, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаш принципига қарама-қарши ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига **“Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”**деган янги қонда киритилди. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг таъминланиши давлат томонидан қафолатланади.

Иккинчидан, Конституция иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-қиллигини, кўппартиявийликни мустаҳкамлаб, тегишли ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлат қурилишининг демократик принципларни ҳимоя қилишни таъминлашга, жамиятда бошбошдоқлик келиб чиқишига йўл қўймасликка, фуқаролар тинчлиги, сиёсий барқарорлиги, миллатлараро инноклик ва тотувликни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Конституция фуқароларга жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари тузиш ҳуқуқини берар экан, жамиятга нифоқ солиш, миллатлараро низоларни авж олдиришга, уруш ва зўравонликни тарғиб этишга қаратилган гайридемократик, гайрининсоний ҳатти-ҳаракатларга қарши чиқади. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган демократик тарғиботлар умумбашарий кадрятларни рўёбга чиқариши учун қумаклашишга, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини қафолатлашга, жамиятга, давлатга, фуқароларга зиён етказишига йўл қўймасликка қаратилгандир.

Учинчидан, Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга жиддий ҳуқуқий таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, жумладан, хусусий мулкчилик ҳам тенг ҳуқуқли ва бир хил ҳуқуқий ҳимодан фойдаланади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчи марта қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатлари аниқ фарқланиб ва пухта белгилаб берилди. Бу ҳол келгусида бутун давлат ҳокимияти битта орган ёки битта шахс қўлига жамланиб қолишига йўл қўймайди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси МДҲ таркибига кирган мамлакатларнинг Конституциявий қонунчилиги тарихида биринчи бўлиб, Конституция доирасида Қорақалпоғистон Республикаси билан шартномали муносабатларни мустаҳкамлаб қўйди.

Олтинчидан, Конституция ўзбек давлатчилигининг миллий хусусиятларини кенг ва асосли йўсинда акс эттирди. Бу ҳол ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигида ҳам, ҳокимият ва бошқарув органлари тузилишида ҳам (Олий Мажлис, ҳокимиятлар, оқсоқоллар) қолаверса, маъмурий-худудий бирликларнинг атамалари, вилоят, туман, қишлоқ ва овуллар номларида ҳам ўз ифодасини топди.

Еттинчидан, Конституция таърифларининг гоаят лўндалиги, таҳлилий-концептуал маънодорлиги ва ифодаларининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг учинчи босқичи сифатида тарихда қолди.

Ўзбекистон ўз миллий истиқлол тараққиётининг, давлатчилиқ ривожининг жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш билан боғлиқ ҳозирги янги сифат босқичида конституциявий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқур демократиялаштиришдек табиий эҳтиёжини қондиришга киришди. Бу босқич мамлакатимизнинг ривожланиш стратегиясида сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ гоаялар маҳсули сифатида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, уларнинг мақомини такомиллаштириш амалиётидан, умумхалқ референдумидан бошланди.

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида доимий ишлайдиган икки палатали профессионал Парламент барпо этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиш масалалари халқ томонидан қўллаб-қувватланди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги 10 моддадан иборат концептуал теран демократик мазмунга эга Конституциявий қонун сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг навбатдаги тўртинчи босқичини бошлаб берди.

Ушбу қонун “Ўзбекистон Республикасининг Референдум тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳолда 2002 йил 27 январь куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиш тўғрисидаги икки масала бўйича қорор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қондаларни амалдаги Конституция ва қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишларни белгилайди.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

Қонунда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг куйидаги бешта асосий принципи белгиланди:

- қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

- халқаро ҳуқуқларнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

- сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

- нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва ҳавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Ислом Каримовнинг “Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди” асарида баён этилган референдум яқунлари юзасидан қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари билан боғлиқ янги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар квинтэссенциясидан иборат, у Конституциявий қонуннинг илмий-назарий ва амалий профессионал шарҳи сифатида Конституциявий ислохотнинг навбатдаги бешинчи босқичига ҳуқуқий замин яратди.

Бешинчи босқич, мазкур қонунга асосан бевосита амалдаги Конституцияга, қабул қилинган қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, қабул қилиниши муқаррар қонунлар лойиҳаларини янги конституциявий талаб ҳамда ҳуқуқий нормалар, принциплар негизида пишиқ, мукамал тайёрлаш имконини беради. Келажакда Асосий Қонунга киритилажак ўзгартиш ва қўшимчалар бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мукамал Асосий Қонунига айланади.

4.2. Фуқаролик жамияти шаклланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Эркин, адолатли очик фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улуғвор максадларидан биридир. Конституциянинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият - демократия ва адолат принципларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: «Биз фуқаролик жамияти қуришга

интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир¹.

Биринчи жиҳати. Фуқаролик жамияти хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолият таъминланган шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулккий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юригишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу асосда шахс давлат ҳокимиятига нисбатан мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим. Президент И.А.Каримов айтганидек, «давлатнинг қонунилари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим». Бу талаб аввало иқтисодий ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик соҳасига оиддир.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий структура бўлмиш фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимидан иборатдир. Бундай муносабатларга ишлаб чиқаришдаги рақобат ва унда ҳокимиятнинг маъмурий аралашувини чеклаш орқали эришилади. Фуқаролик жамияти инсоннинг ижодий фаоллигини намоён этишга йўл очувчи муносабатлар шаклланган тақдирда зоҳир бўлади.

Ўзбекистонда ҳам хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими қарор топмоқда, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилиб, тегишли ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишини хусусий мулкнинг қатъий мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Шу асосда ҳозирги пайтда жамиятда кенг кўламда хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ислохотчи давлатнинг демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришдан манфаатдорлик сабаблари куйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари олға силжиш йўллари ва усуллари хусусида фуқаролар келишувига эришиш тўғрисида норасмий ижтимоий шартнома тузиш ва уни рўёбга чиқаришда ислохотчи давлат учун шерик вужудга келтирилади;

- фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахснинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаган ҳоҳда, давлатда вакиллик демократиясининг ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг асоси ҳисобланади;

- Ўзбекистон халқи фуқаролик институтлари ва механизмлари, аввало, сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағисида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 141-142-бетлар.

миллий манфаатларини ифодалаш учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда;

- фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳлар ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда қурилади;

- демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислохотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради.

«Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, - дейди Президент И.А.Каримов, - давлат иқтисодий эркинликларнинг қафолати бўлади. Айни шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солуви таъсирини мақбул равишда ўткази олади»¹.

Иқтисодий жихати. Сиёсий нуқтаи назардан баҳоланганда фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шарт ҳуқуқий давлатнинг мавжудлигидир. Ва, аксинча, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатнинг ўзаро нисбатини иқтисод билан сиёсатнинг нисбати тарзида изоҳлаш ўринли бўлади. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зеро, иқтисодий ислохотлар тегишли демократик сиёсий тузилмалар, институтлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда мулк шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишга қаратилган давлат тузилмалари вужудга келтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилиб (1992 йил), у мамлакатда хусусийлаштиришни амалга ошириш билан шуғулланиб келмоқда.

2005 йилда давлат корхоналарини бутунлай, шунингдек, давлат акция пакетларини асосан хусусий мулкдорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлантирилди. 2000-2005 йиллар давомида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 66-бет.

Масалан, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, «Охангаронцемент», «Бухорогипс», «Паркентсувқурилиш» акциядорлик жамиятлари каби йирик корхоналар тўлиғича хусусий мулкдорларга сотилди.

Хусусийлаштириш жараёнининг сўнгги йилларида ўзига хос жиҳати давлат активлари ва акция пакетларининг нолга тенг харид қиймати бўйича тўлиқ ҳажмда сотилаётганида намоён бўлмоқда.

Кейинги уч йил мобайнида 396 та корхона ва объект 43,2 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан нолга тенг харид қийматида сотилди. Низом жамғармасида давлат улуши бўлган хўжалик субъектлари сони 2001 йилдагига нисбатан уч баробар қисқарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиғи ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иқтисодийда банд бўлган кишиларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифланиши факат давлат тузилмаларининг ривожлантирилишидан иборат эмас. Демократия раванқ топиши учун фуқаролик жамиятида ҳурфикрлик, сиёсий плюрализм ҳам қарор топиши зарур. Бунинг учун жамиятда том маънодаги кўппартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг кенг кўламли тизими, тадбиркорларнинг иттифоқлари, уюшмалари, меҳнатқашлар мустақил бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими вазудга келтирилиши лозим, токи бу тузилмалар давлат идоралари билан тенг ҳуқуқли муносабатларга кириша олинсин.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаси инсон ва фуқаронинг юксак конституциявий ҳуқуқий мақомини таъминлаб беришдан иборат. Конституциянинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, деб ёзилган. Бунинг маъноси шуки, унинг идоралари аввало фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари лозим. Қонунда белгиланган фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун муқаддас бўлмоғи лозим. Ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаб бера олмаган давлат демократик ҳуқуқий давлат деб аталиши мумкин эмас. Фуқаролар қонун олдида тенг, ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида эътироф этилиши зарур.

Фуқаролар ва уларнинг уюшмалари давлат идоралари билан мулоқотда ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида муносабатта киришадилар. Башарти, бу тенг ҳуқуқий муносабатларда томонлардан бирининг ҳуқуқига, манфаатига путур етказилса, у судга мурожаат этиши ва қонуний асосларда суд тартибида ўз ҳуқуқини тиклашга эришиши лозим. Ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим тамойилларидан бири ана шундай. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат нафақат фуқаролик жамиятини бошқарувчи тизим, балки ўзини ўзи бошқарувчи фуқаролик жамиятига боғлиқ, унинг манфаат ва эҳтиёжларига бўйсунувчи тизим сифатида майдонга чиқади.

Учинчи жиҳати. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида

бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя даражада улугланади, умуминсоний қадриятлар эъозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгилловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Демократик ислоҳотлар даврида маънавиятнинг юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият - инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини ақс эттирувчи юксак ижтимоий қадриятдир. Инсоният ҳамisha эзгуликка, маънавий барқамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг яқин келажакдаги истикболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қанақа маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятларни шоир қилиб олишига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратилади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос инсонпарварлик, яъни инсоний-ахлоқий қондаси, маънавий маёғи бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатидаги мавқеи қуйидаги принциплар асосида бегиланади:

- 1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;
- 2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;
- 3) жамият ҳар аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчиликни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида беқиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб ижтимоий онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган эркин, адолатли фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда.

Биз шунчаки демократик ҳуқуқий давлат эмас, балки одил демократик фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат принципларига таянади. Ўртбошимиз таъбирича, «Адолатга интилиш - халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик гоёси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий қўмақлашув мезанизмида ўз ақсини топиши керак»¹.

Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик гоёлари устуворлик қилиши

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 399-бет.

лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тула таъминланишига умид боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг қуйидаги конституциявий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1) жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

2) жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

3) хусусий мулк барча мулк шакллари қатори раванқ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

4) фуқароларнинг юридик жиҳатдан бир хил мақомга эгаллиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши.

5) шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

6) шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкӣ ва иқтисодий мустақиллиги;

7) давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

8) фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

9) жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги; инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс кадрини эъозлаш асосига қурилганлиги.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти - ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний кадриятлар эъозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий кадриятларга таянадиган эркин, адолатли демократик ҳуқуқий жамият².

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 63-70-бетлар.

4.3. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари ва тузилмалари

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукаммал қарор топган жамиятдир. Бу жамият шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини ақс эттирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалар, бирлашмалар, нодавлат ташкилотлар ва идоралар мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида жадал фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётта катта аҳамият берилади. Унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак кадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти - тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, яқна шахслар ёки жамоалар манфаатларини таъминлашга кўрмаклашадиган жамоат ва нодавлат институтларининг тизими дур.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидагина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний аъналарсиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларсиз ва миллий кадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларни шакллантиришга ва уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алақалар тизимини ҳам камраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонуларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришининг муҳим омилдир.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи қамол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонуларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Президент И.А.Каримовнинг таъкидлашича, «Ўтмиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб кўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир»¹.

Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ички тизимларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи институтлар ва тузилмалар:

а) хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари;

б) ширкат ҳўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;

в) ижара асосида ишловчи жамоалар;

г) ҳиссадорлик жамиятлари;

д) молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар;

е) ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;

ж) тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

Иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодяловчи институтлар ва тузилмалар:

а) оила ҳамда унинг манфаатларини ақс эттирувчи махсус ташкилотлар;

б) таълим-тарбия муассалари (мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари);

в) жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

д) мустақил оммавий ахборот воситалари;

е) диний ташкилотлар;

ж) миллий-маданий марказлар;

з) ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;

и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари;

й) турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

Учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни ақс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ҳафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 174-бет.

- а) ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги;
- б) сиёсий партиялар;
- в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
- г) сиёсий муҳолифатнинг мавжудлиги;
- д) инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва хоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий институтлар ва тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

Кенг кўлямда ривож топган жамоат бирлашмалари тизимининг мавжудлиги - фуқаролик жамиятининг муҳим сифат белгиларидан биридир. Бундай ижтимоий институтлар воситасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушининг бошқа соҳаларидаги эҳтиёж ҳамда манфаатларини кондириниш ва ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Жамоат бирлашмалари давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва, айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўтказа оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётига, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асосиз аралашувидан муҳофазат қилишга йўналтирилган ташкилотлардир.

Жамоат бирлашмаларининг давлатга нисбатан мустақиллиги қуйидагилардан кўринади:

биринчидан, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятнинг йўналишларини мустақил белгилайдилар;

иккинчидан, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзоларига мажбурий бўлади;

учинчидан, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав (низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар;

тўртинчидан, ўз мулк ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга уюшиш борасидаги конституциявий ҳуқуқи ижтимоий институтларнинг, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ташкил топиши ва фаолият юритиши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмалари халқ ижодкорлиги ва ташаббусининг натижаси бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол ҳамда самарали иштирок этишининг ишончли воситасидир. Улар демократиянинг таркибий қисми ва фуқаролик жамияти ҳаётининг шакли сифатида намоён бўладилар. Конституция жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши эркинлигини кафолатлайди.

Яна бир муҳим конституциявий қондага мувофиқ, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини

таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради (58-модданинг 1-қисми).

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини аниқ белгилаш мақсадида конституциявий нормаларга таянган ҳолда алоҳида қонунлар қабул қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси парламенти 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонун қабул қилди.

Сийёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади¹.

Ўзбекистон фуқароларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги шарт-шароит яратилган. Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг давлат ишларида қатнашиш фаоллигини оширишда жамоат бирлашмалари катта аҳамият касб этади.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принципларига қуйидагилар киради:

- 1) ихтиёрлик;
- 2) тенг ҳуқуқлилик;
- 3) ўзини ўзи бошқариш;
- 4) қонунийлик;
- 5) инсонпарварлик;
- 6) ошқоралик.

Ихтиёрийлик принципи шунинг билдирадики, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири ўз хоҳиш-иродаси ҳамда кизиқишларини ўз майлига кўра амалга оширади. Жамоат бирлашмалари ёки сийёсий партияларга кириш ёки кирмасликни фуқароларнинг ўзлари ҳал этадилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

Тенг ҳуқуқлилик принципи республикадаги барча жамоат бирлашмалари тенг ҳуқуқ асосида фаолият кўрсатишини аниқлатади. Бирорта жамоат бирлашмасининг сон жиҳатдан оз бўлган бошқа жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки унинг ҳуқуқларини камситишига йўл қўйилмайди.

Ўзини ўзи бошқариш принципи шунинг билдирадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат, қонунда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. Худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди.

¹ Қаранг: Одиқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ, 2002, 172-177-бетлар.

Қонунийлик принципи барча жамоат бирлашмаларининг ўз Низомларида ва бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

Ошкоралик принципи жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очикдан-очик юритилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти тўғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш ҳуқуқини ҳам ошкоралик принципи асосида амалга оширадилар.

Инсонпарварлик принципига кўра, ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қоидалари асосида, инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигини, дахлсизлигини тан олган ҳолда олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадга эришиш учун ташкил этилади. «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида бу мақсадлар кўрсатилган. Унга кўра, жамоат бирлашмалари:

- фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;
- касбдор ва ҳаваскорлик манфаатларини қондириш;
- илмий, техникавий ва бадний ижодкорликни ривожлантириш;
- аҳолининг сифат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;
- маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;
- халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;
- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
- халқларнинг маданий мероси ва миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш;
- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни библиографик ҳамада кўпайтириш;
- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш мақсадида тузилади¹.

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ўз Низомларига мувофиқ халқаро жамоат бирлашмалари билан бевосита алоқа ўрнатишлари мумкин.

¹ Қаранг: Одиқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ, 2002, 172-177-бетлар.

Сўнгги йилларда жамоат бирлашмаларини **кодавлат ташкилотлар** ёки **ҳукуматга қарашли бўлмаган ногўжорат ташкилотлар (ХҚБНТ)** тарзида таърифлаш расм бўла бошлади. Улар фаолияти орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги рўёбга чиқарилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, устави уларни **ХҚБНТ** деб ҳисоблаш имконини берадиган 350 дан зиёд жамоат бирлашмаси бор. **ХҚБНТ**нинг адлия органлари томонидан рўйхатга олиниши уларга юридик шахс мақомини беради ва давлат идоралари ҳамда бошқа жамоат муассасалари билан муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда **ХҚБНТ** шаклланаётган фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган бу кўнгилли ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади.

Оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари. Фуқаролик жамияти ўзлигини намён этишда, муайян мақсад ва эҳтиёжларига эришишда оила ва мактаб каби ноёб ташкилий тузилмалар, ижтимоий муассасалар кўмагидан фойдаланади. Ойла ҳам, мактаб ҳам фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари бўлиб, муайян ижтимоий вазифани бажаради.

Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оилада одамларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади.

Шу муносабат билан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «**Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий олам**» мавзuida сўров ўтказди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад - Ўзбекистон фуқароларининг оила ва оилавий муносабатларга қарши, миллий кадриятлар ва маҳалланинг оила ҳаётидаги ўрна, бу борада барқарор анъаналарни тиклаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини аниқлаш ва ўрганишдан иборат эди. Сўровда 10 вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри камраб олинди. Унда эркаклар ва аёллар, шаҳар ва кишлок аҳолиси иштирок этди.

«**Замонавий оила жамият ҳаётида қандай асосий вазифани ўтайди?**» деган саволга сўралганларнинг 47,5 фоизи оила жамият ва давлат асоси, дея жавоб берди. Сўров иштирокчиларининг 21,2 фоизи оила ёш авлодни тарбиялаш фазифасини бажаради, деган фикр билдирди, 11,2 фоиз сўров иштирокчиларининг фикрича, оила мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. 7,9 фоиз одамлар эса оила вазифасини насл қолдиришда, деб билади.

Оиланинг ҳар бир инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўралганлар куйидаги фикрларни билдирди: «**у наслни давом эттириш, болалар туғилиши ва тарбияси учун зарур**» /63,2 фоиз/, «**оила - инсон кўрғони, унга ҳаётда ишонч бағишлайди**» /28,8 фоиз/, «**оила одам қариганда уни таъминлаш учун зарур**» /4,9 фоиз/. Айни пайтда пойтахтликлар - сўралганларнинг 52,6 фоизи - оила улар учун, авваламбор, ҳаётда ишонч бағишловчи кўрган эканлигини кўпроқ таъкидлашди.

Оиладаги мухит унинг ҳар бир аъзоси шахсий хусусиятлари шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва унинг ижтимоийлашуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бола оила ичидаги муносабатларни ўзлаштиради а бу нарса унинг ўзи муваффақиятли оила қуришига таъсир қилади. Сўровдан кўринадики, кўпчилик оилаларда руҳий мухит анча яхши - сўралганларнинг 79,1 фоизи шундай жавоб берган. Сўралганларнинг қарийб ярми /49,3 фоиз/ оиласидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқат, учдан бирдан кўпроғида эса (28,4 фоиз) муҳаббат ва бир-бирини тушуниш тамойилига асосланади. Оилаларнинг 8 фоизида улар ҳурмат ва отанинг ҳал қилувчи сўзига, 7 фоизида ёши катталарнинг обрўсига, 4,2 фоизида оила аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш тамойилиги асосланади. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, сўралганларнинг 44,6 фоизи оиласида муҳим масалалар юзасидан сўнгги қарорни одатда ота чиқаради. 30,9 фоиз оилаларда улар ота ва она томонидан бирга, 11,7 фоиз оилаларда ҳамма билан келишган ҳолда чиқарилади. 4,8 фоиз сўралганлар ҳаммаси муайян вазиятга боғлиқ эканлигини айтишган.

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, она /хотин/ болалар билан кўпроқ вақт ўтказди, уларнинг тарбияси билан шуғулланади. Буни сўралганларнинг жавоблари тасдиқлайди. Уларнинг 63,1 фоизи болалар тарбиясида она асосий ўрин тутишини кўрсатган. 25 фоиз сўралганлар уларнинг оилаларида она ва ота болаларга бир хилда эътибор қаратишини таъкидлайди. Айни пайтда сўралганларнинг ярмидан кўпи /59,9 фоиз/ улар тарбияси билан ота ва она бирга шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайди. Уларнинг фақат учдан бирининг фикрича, бу авваламбор, онанинг вазифаси. Сўров иштирокчиларининг фикрича, бола тарбиясида оиланинг бошқа аъзоларининг роли катта эмас. «Фарзандлари имон-эътиқодли шахс бўлиб шаклланиши, ҳаётдан рози бўлиши учун ота-оналар уларда қандай фазилатларни тарбиялашлари лозим?» деган саволга жавоб берар экан, сўралганлар аввало меҳнатсеварликни /19,4 фоиз/ биринчи ўринга қўйишди. Иккинчи ўринни рўстўйлик /18,2 фоиз/, учинчи ўринни ақлий ривожланиш, яхши билимларга эга бўлиш ва тўртинчи ўринни ота-онага меҳрибонлик ва ҳурмат эгаллайди.

Сўров маҳалла жамиятимизда маънавият ва ахлоқ шаклланишида муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Маҳалла ўзининг муайян, одатга айланган ахлоқ меъёрларига эга. «Ўз хатти-ҳаракатларинингизни маҳаллада қабул қилинган меъёр ва қоидаларга мослаштириш керак, деб ҳисоблайсизми?» деган саволга 44,6 фоиз сўралганлар ижобий жавоб берди. 34,8 фоиз одам ўз ҳаракатларини айрим ҳолатларда мослаштиришга тайёр. 15,8 фоиз одам эса маҳаллада қабул қилинган қоидалардан мустақил ҳаёт кечириш ниятида эканлигини маълум қилади. Шундай бўлса-да, сўров катнашчиларининг 34,6 фоизи ўз оиласи ҳаёт тарзи, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни мазкур меъёр ва қоидаларга мувофиқлаштиришни ўзининг бурчи, деб билади.

Ўтказилган тадқиқотда қатор саволлар замонавий жамиятда аъёнларнинг долзарблигини, баъзи удувларнинг ҳаётлиги ва

бошқаларининг йўқ бўлиб кетиши сабабларини ўрганиш ҳамда мамлакатимиз аҳолиси кўпроқ ёктирадиган байрамларни аниқлашга бағишланган эди.

Халқ анъаналарига муносабат одамларнинг малум расм-русум ва удумларни бажаришга интилишида ифодаланади. Сўров натижалари кўрсатдики, фуқароларимизнинг ярмидан кўпроғи /55,2 фоиз/ халқ анъаналарига риоя этишга, урф-одатлар ва удумларни доимо бажаришга ҳаракат қилади. Сўралганларнинг чорагидан кўпи урф-одатларга амал қилади, аммо доимий равишда эмас. Сўралганларнинг 64,7 фоизи аждодлар мероси бўлган халқ анъаналарини сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш зарур, деб билади ва шу боис нга амал қилади. 11 фоиз фуқаролар эса анъаналарга амал қилишни шу халққа мансублик ифодаси деб билади. Бундан ташқари кўпгина оилаларнинг /43,9 фоиз/ ўз анъаналари ҳам мавжуд бўлиб, улар оилани мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатлар янада самимий ва сермазмун бўлишига хизмат қилади.

Анъаналар ва миллий қадриятлар ҳамда уларнинг оилавий муносабатларда тутган ўрни ҳақида сўз кетар экан, замонавий одамлар ҳаётида байрамлар алоҳида аҳамиятга эгаллигини, уларнинг оила ички ҳаётига ва ижтимоий ҳаётга таъсири катта эканини қайд этиш жоиз. Мамлакатимизда Мустақиллик куни, Наврўз, Янги йил ва Ҳайит байрамлари энг сеvimли байрамлар ҳисобланади.

Тадқиқот давомида республика фуқароларининг ақсарияти /85,2 фоиз/ Ўзбекистон тарихига катта қизиқиш билан қараши аниқланди. Эътиборли томони шундаки, кишлоқ аҳолиси Ватан тарихига шаҳарликлардан кўра кўпроқ қизикади. Умуман олганда, Ўзбекистон тарихини ўқув муассасаларида ўрганаётган 18-20 ёшдаги ўсмирларнинг мазкур мавзуга қизиқиши, айниқса кучли.

Умуман, ижтимоий сўров жамоатчилик фикрида оила ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатди. Бахтли оилани таърифлашда ахлоқий ва моддий омилларнинг уйғулиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилавий қадриятлар орасида эса фарзандларни маънавий етуқ қилиб тарбиялашга устувор аҳамият берилмоқда. Кўпчилик ўз оилаларидаги муносабатларни яхши деб ҳисоблайди, бунинг бош сабабини ўзаро ҳурмат ва сабр-қаноатда деб билади. Энг муҳими, демократлаштириш ижтимоий жараён сифатида оилада ҳам мустаҳкам ўрни эгалламоқда. Сўралганларнинг кўпчилиги оилавий ҳаётга оид муҳим масалалари бўйича қарор болаларни биргаликда тарбиялаши лозим бўлган ҳам ота, ҳам она томонидан қабул қилиниши керак деган фикрда. Ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларидан кўранадики, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини оила институти тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Оила фуқаролик жамиятининг таянч тузилмаларидан бири, десак муболаға бўлмайди. Зеро, бу муқаддас масканда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбияланади, шаклланади ҳамда камол топади. Унинг шахс ўзлигини намоён этишидаги аҳамияти бениҳоя каттадир.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик ва болалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида эътиборга молик чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётида оиланинг тутган ўрни хусусиятлари орасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий механизмлар, масалан, ижтимоий ёрдам, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, жамоат тартибини таъминлашнинг самарали ишлаши оиланинг қўллаб-қувватлашига муҳтож. Негаки у давлат фаолиятини инсонийлаштиришга қаратилган кўпгина жамоат талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини келтириб чиқаради;

иккинчидан, мамлакатни ислоҳ қилишнинг ва давлат фаолиятининг энг муҳим муаммоларини оилада норасмий баҳолаш, оилавий бирдамлик, шунингдек, ахборот билан (электрон ахборот воситалари кенг тарқалиши эвазига) таъминлаш даражасининг ўсиши, бир томондан, жамоатчилик фикрини ва, айниқса, ёшлар ахлоқини барқарорлаштирилади: иккинчи томондан, ислохотларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини самаралироқ йўлга қўйиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви етакчилар ва депутатлар, жамоатчилик фикри орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсир кўрсатади.

учинчидан, давлат янги шароитларга ижтимоий-иқтисодий ва руҳий мослашишга қаратилган қонунлар, давлат бошлиғининг фармонлари, ҳуқуқат қарорлари орқали оилаларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига беvosита боғлиқ ҳолда иш олиб бориши ижтимоий кескинлик нисбатан паст бўлишини ва ижтимоий портлашларнинг олдини олишини таъминлайди.

Фуқаролик жамиятининг интеллектуал, ақлий салоҳиятини таъминлаш ва мугтасил юксалтириб боришда мактабнинг аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, деб таъкидланган. Билим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунга, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ мамлакатда кўп босқичли узликсиз таълим тизими вужудга келтирилган. Мамлакатда таълим ва тарбия инсонпарвар ва демократик хусусиятга эга.

Ҳар бир шахсга жинси, тили, ёши, ирқий ҳамда миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар, билим олишда тенг ҳуқуқлар қафолатланади (Қонуннинг 4-моддаси).

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситалари, журналистлар давлат ҳокимияти идоралари билан халқ оммаси ўртасида алоқа боғловчи асосий бўғин сифатида майдонга чиқади. Жамият аъзоларини кундалик ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ҳаёт воқеликларидан тезкор, мунтазам ҳамда рўйи рост хабардор қилиб туриш уларнинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистонда ислохотлар орқали фуқаролик жамияти таркибий тузилмаларни шаклланаётган ҳозирги шароитда оммавий ахборот

воситаларининг ўрни ва аҳамиятини белгилаш жуда долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда... оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилди»¹, - деб таъкидлайди.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида баён этилган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрлиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди».

Мазкур қондининг Конституцияда мустаҳкамланганлиги, биринчидан, фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда, радио ва телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқини кафолатласа; иккинчидан, оммавий ахборот воситаларининг беназир аҳамиятига берилган юксак эътибордир. Ушбу конституциявий битикда учта муҳим принцип: оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, улар фаолиятида қонуннинг устуңлиги ҳамда цензура қилишга йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топган. Айни вақтда, ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият юкланиб, юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Бундан қўзланган мақсад оммавий ахборот воситалари томонидан эҳтиросга берилиш оқибатида ноўрин ахборот тарқатилишининг олдини олиш, уларга чек қўйишдир.

Белгиланган конституциявий мезон асосида барча зарурий чоратadbирларни амалга ошириш орқали оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятининг мустақил ва самарали институтига айлантириш лозим. Албатта, бунинг учун, аявало, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш зарур бўлади. Табиийки, республикамиздаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар оммавий ахборот воситалари олдига муғлоқ янги бўлган вазибаларни қўймоқда. «Бугунги кунда», - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурилиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократиялаш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти»².

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг самарали ишлашига кўмак берувчи механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 176-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 176-177-бетлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1996 йил 30 августда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги 1997 йил 24 апрелда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 25 декабрда эса «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди¹.

Шубҳасиз, яратилган қонунлар давлат ҳамда нодавлат шаклдаги телевидение каналлари ишини ташкил қилиш, шунингдек, журналистларнинг профессионал жиҳатдан камол топишига кенг қўламда ёрдам бериш, матбуот ва ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, жамиятда демократик муҳитни қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда ноширлик фаолиятининг эркинлиги қонун билан кафолатланган. Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан, ноширлик йўналишларини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари доирасида мустақилдир.

Мустақиллик, эркинлик зарурият ҳамда масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқдир. Матбаа маҳсулотида мавжуд конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошқор қилиш, уруш, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб қилиш, аҳоли орасига диний ва миллий нифок солиш, инсон ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини камситиш, тўхмат қилиш ман этилади. Шунингдек, ноширлик фаолиятида монополияга ҳамда ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига эид максадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг сўз, матбуот ва ижод эркинлигини таъминлашда муаллифлик ҳуқуқининг қонун муҳофазасига олинганлиги муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган, унга соҳиблик мазмунидан келиб чиқадиган ҳуқуқдир. Қонунга мувофиқ, адабий, драматик (сценарий), мусика, мусикали-драматик, хореография, аудиовизуал (кино, теле ва видеофильмлар), теле-радиосарлар, шунингдек, тасвирий санъат, архитектура, фотография ва бошқа асарлар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари саналади. Асарлар ёзма, оғзаки шаклда ва уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланиши мумкин. «Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан, «асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуалифларга биргаликда тегишли бўлади».

Муаллифлик ҳуқуқини бузганлик, асардан ноқонуний фойдаланганлик учун юридик жавобгарлик қўлланилади. Муаллифлик ҳуқуқининг эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қондабузар муаллифлик ҳуқуқи эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 йил 1,4,5,9-сонлари.

берилган фойдани қоплаши шарт. Муаллифлик ҳуқуқи эгаси қондабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қондабузарлиги оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли (Қонуннинг 46-моддаси). Ихтиёрий келишувга эришилмаган тақдирда, низоли вазият суд орқали ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида 2002 йил 13 июлида «Матбуот ва ахборот соҳасида ботқарувни такомиллаштириш тўғрисида» фармон қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди¹.

4.4 Конституция ва қонун устувлиги - фуқаролик жамияти кафолати

Конституция ва қонуннинг устувлиги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аввало давлатнинг Асосий Қонуни - Конституциянинг устувлигини таъминлаш муҳимдир. Конституция нормалари бирламчи ҳисобланади. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмас. Конституцион нормалар бошқа қонунлардан юқори туради. Чунки давлатнинг барча жорий қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида унинг ижросини бажариш учун чиқарилади².

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг асосий белгиси - қонун ҳамма нарсадан устувлигининг таъминланишидир, бунда барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг: «Қаерда қонун ҳужумронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»- деган ўғитлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини асоси ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва унинг заминида фуқаролик жамиятини шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чиннакам ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантанани қилмоғи шарт. Қонуннинг олий мавқеи давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий-сиёсий

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Одиқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ. 2002. 172-209-бетлар.

² Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тартиқиёт йўлида. -Т.: ТМН, 2004.64-бет.

турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади.

Қонуннинг олий кучини таъминлаш бугун пайдо бўлган янги муаммо эмас. Бу гоё бир неча асрлардан буён инсоният сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари хазинасидан ўрин олиб, ўз кадрини умумбашарий кадрият сифатида ҳурматловчи давлатлар тажрибасида қўлланиб келмоқда. Масаланинг кадр-қиммати тоталитар тузумдан воз кечиб, миллий истиқлол йўлига кирган Ўзбекистон давлати учун алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамма гап қонуннинг олийлиги принципини Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий воқелигига изчил сингдиришдадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида вужудга келганлигини дунёга эълон қилувчи “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонундаёқ (1991 йил 31 август) ўзининг умуминсоний кадриятларга содиқлигини, демократик давлатчилик йўлидан боражагини, Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва қонуни устун эканлигини баён этган. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳам халқимизнинг олий мақсади – инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги ўз ифодасини топган. Шу олий мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизда ҳуқуқий давлат зоҳир бўлишининг асосий принциплари мустақамланган. Хусусан, Конституцияда “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”¹, деган раҳбарий қоида битилган.

Бу давлат, унинг барча органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари, уларга оғишмай ҳамда қатъий амал қилишлари лозимлигини билдиради. Қонунлар, биринчи навбатда, Конституция, ҳуқуқий муносабат соҳиблари фаолиятининг олий мезони бўлиши шарт.

Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили орасида қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши ва қонунга итоаткорлик принципи алоҳида ўрин тутди: “Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ”².

Қонуннинг олийлиги масаласи анчагина серқирра бўлиб, у ижтимоий, ҳуқуқий ва ғносеологик жиҳатларга эга. Бироқ бу ўринда асосан унинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизимида қонун олийлигини таъминлаш ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг реал жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари қонунда белгилаб қўйилган ваколат доирасидагина фаолият кўрсатадилар, улар

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003, 5-бет.

² Қаримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.З. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 10-бет.

Ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам энг олий ҳакам қонун ва ҳақат қонундир. Қонун ҳатто уни яратувчи ҳокимият органлари учун ҳам муқаддасдир.

Қонуннинг устунлигини таъминлаш ниҳоятда демократик мазмундаги ишдир.

Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади.

Қонуннинг олийлиги хусусида гап борганда, аввало давлатнинг Асосий Қонуни ҳисобланган Конституциянинг олийлигини, устуворлигини таъминлаш муҳимлигини эътироф этиш лозим. Конституция мамлакат ҳуқуқий тизимининг пойдеворидир. У – халқимизнинг давлат донишмандлиги ва сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули. Асосий Қонунда халқ руҳияти, маданияти ҳамда ижтимоий онги айниқса яққол намоён бўлади. Бинобарин, Конституция халқ билан бевосита мулоқотда, кенг маслаҳатлашиш ва унинг манфаатли муҳокамаси натижасида яратилган. Ўзбекистон халқи ўз Конституциясининг чинакам ижодкоридир.

Конституция нормалари бирламчи, таъсис этувчи хусусиятга эга бўлиб, улар бевосита ҳаракат қилади. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда). Конституциянинг қондалари жорий қонунлар ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида аниқлаштирилмаганлиги туфайли уларни бажармаслик ва уларга риоя этмасликка йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида (8 декабрь 1992 йил) шундай деб таъкидлаган эди: “Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси-барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади”¹.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар ва муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун Конституция ва қонунларнинг ўзи ниҳоятда адолатли, инсонпарвар, демократик ва оқилона бўлиши жамиятнинг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига мос келиши лозим.

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакатдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида устунлик қилади, “ҳукмрон” мавқеини эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қондаларидан юқори, олий юридик кучга эга. Қолган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ ва унинг ижроси учун чиқарилган. Бу сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксак тараққий этган мамлакатнинг қатъий қондасидир.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 38-39-бетлар.

Конституция – Ўзбекистон давлатидаги ҳуқуқнинг бош манбаи. У турли қонунчилик соҳаларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини, бошланғич принципларининг умумийлигини таъминлайди. Шу туфайли бутун ҳуқуқ тизимига батартиблик ва барқарорлик бахш этади.

Дикқатга сазовор яна бир нарса – Конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим томонларини тартибга солади. Шу жиҳатдан Конституция бошқа жорий қонуничилик ҳужжатларидан фарқ қилади.

Ҳуқуқий давлатда Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланади. Зеро, қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик, демократия бўлади.

Конституция ва қонун устунлиги принципнинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларнинг катъий ҳукмронлиги, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишида;

- иккинчидан, ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганлиги, мамлакат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганлигида;

- учинчидан, ҳуқуқ бузилиш ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос вазифасини бажаришида.

Мустақил давлатчилигимиз даврида эришилган муҳим ютуқлардан бири шуки, Конституция ва қонуннинг устунлиги ғояси ижтимоий онгтимизнинг таркибий қисмига айланди. Қонунни четлаб ўтиш эмас, аксинча, қонун талаблари асосида, унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги тобора шууримизга сингиб бормоқда. Мазкур ғоянинг яна шундай қирраси борки, бунга кўра давлат ҳуқуқ (қонунлар) билан боғлиқ бўлиб, бу, ўз навбатида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг кафолатини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг изчил ҳуқуқий механизми яратилди¹.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимида Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолати, яъни бу мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг реал жорий этилганлигидир. Бунга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституцияда, қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Улар ўртасида ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришда энг олий ҳакам қонун ва фақат қонундир.

Қонун нафақат фуқаролар, уни қўлловчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун, балки қонуларни яратувчи ва тасдиқловчи Олий

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Наврўз, 2005, 161-бет.

1-чизма. Конституция ва қонун устуңлиги



Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати учун ҳам муқаддас ва мажбурийдир. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши-давлат тузилмаларининг самарали ишлашнинг, суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалда таъминланиши умуман, демократия ва қонунийлик ҳукм суришининг муҳим гаровидир. Бундай муҳитда ҳокимият шахобчаларининг ҳар бири қолган ҳокимият шахобчаларининг фаолиятини назорат қилади, уни қонун доирасидан четга

чикишдан тийиб туради. Шундай муҳитнинг мавжудлиги Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиниши учун сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир” (93-модда). Президентнинг бу борадаги фаолияти катта сиёсий-юридик аҳамиятга эга. У ўз фармонлари билан ҳукумат қарорлари билан Конституциявий принципларнинг, қонунлардан мустаҳкамланган қондаларнинг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни яратади. Президентнинг ўзи Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиши билан давлат идоралари ва мутасадди мансабдор шахслар учун ибрат-намуна кўрсатади. Шу билан бирга, ўз ваколатлари доирасидаги ташаббускор ташкилий фаолияти билан давлат идораларини, айниқса, ижроия ҳокимият таркибига кирувчи (Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат Қўмиталари, Маҳаллий ҳокимликлар) тузилмаларни Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этишга сўфарибар этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2001 йилнинг 4 январида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” фармойиш қабул қилганлиги ҳам жамиятда Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтарилганга қаратилган муҳим тадбирдир. Гарчанд, фармойишнинг асосий мақсади аҳоли орасида Конституциявий-ҳуқуқий билимдонликни, маданиятни оширишдан иборат бўлса ҳам бу пиروвардида Конституциянинг эъзозланиши, унга қатъий амал қилинишига пухта замин яратади.

Учинчидан, қонун устунлиги ҳақида гал борганда, аввало, Конституциянинг олий кучини устунлигини таъминлаш ҳуқуқий тизимнинг пойдевори қонунчиликнинг ўзаги эканлиги кўзда тутилади. Конституция нормалари бирламчи таъсис этувчи стратегик йўналиш берувчи хусусиятга эга. Жорий қонунлар ва барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга тамомила мос, унга мувофиқ яратилиши шарт.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар неъмат ҳамда муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун, аввало, Конституция ва қонунларнинг ўзи том маънода адолатли, инсонпарвар, демократик фуқаролик жамиятининг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига тўла мос келиши лозим.

Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофазат механизми бўлишини такозо этади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўлишини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳужжатларининг Конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал қилади.

Тўртинчидан, қонуннинг олийлигини таъминлаш, унинг қонунчилик соҳаларидаги устунлигини мустаҳкамлаш воситаларидан бири кодекслаштиришдир. Кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги

нормаларни мужассам ифода этувчи, мажмуий қонундир. Кодексдаги ҳуқуқий нормаларнинг жойлашуви тегишли ҳуқуқ тармоғи ички тузилишини, тизимини акс эттиради.

Кодекс ўз юридик кучига кўра оддий жорий қонундан устун саналади. У оддий қонундан ўзининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, ички барқарорлиги, мантикий мутаносиблиги билан фарқ қилади.

Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида Конституция принципларини ривожлантириш йўлида яратилади ва улар Конституция, Конституциявий қонунлардан кейинги мавқеини эгаллайди. Кодекслар ўз ички мантигининг пишиқлиги нормаларнинг ўзаро мувофиқ ҳамда мутаносиблиги билан ажралиб туради. Кодекс яратилаётган чоғда тегишли ҳуқуқ ёки қонунчилик тармоғидаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар ва қоидалар янгитдан **“тафтишдан”** ўтказилади, тадбиқ ва таҳлил этилади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади. Ҳаёт синовидан ўтган ҳуқуқий қоидалар Кодексдан жой олади. Шу боис Кодекс нормалари ҳаётда ўзининг амалини осон топади.

Бешинчидан, қонун устунлигини таъминлашнинг қуйидаги омилларни эътироф этиш мумкин:

а) қонун чиқарувчи жараёни муттасил демократлаштириб бориш. Бу омил инсонпарвар, адолагли, ҳалқчил қонунлар яратилишининг гаровидир;

б) қонуннинг сифатини мукамаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан беникусон бўлишига эришиш;

в) қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда **“қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади!”** (фуқаролар учун), **“фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина рухсат берилади!”** (мансабдор шахслар ва давлат идоралари учун), принципларига катъий амал қилинишига эришиш;

г) қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва естикболга мўлжалланган стратегиясини яратиш (режалаштириш ва прогнозлаштириш); қонун устунлигини таъминлаш концепциясини яратиш;

д) қонунлар амал қилишининг ижтимоий (социал) механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги ижтимоий омиллар (таъсир этувчи кучлар) воситаларини синчиклаб ўрганиш. Шу максадга йўналтирилган социологик тадқиқотларни йўлга қўйиш;

е) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳақозо.

Олтинчидан, мамлакатдаги барча норматив-ҳуқуқий (айниқса, идоравий ҳужжатлар) ҳужжатларнинг қонунга тўла-тўқис мос бўлишини таъминлаш. Идоравий ҳуқуқ ижодкорлигини чеклаш.

1997 йил 9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 469-сонли Қарорини қабул қилди. Қарорнинг моҳияти шундаки, у умуммажбурий тусдаги идоравий норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш вазифасини Адлия вазирилиги зиммасига юклаб, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини

талаб этди. Шунга мувофиқ, идоравий норматив ҳужжатларнинг, яъни вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа бошқарув идоралари чиқарадиган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. 1993 йилдан то ҳозирги кунгача Адлия вазирлиги 1000 дан зиёд идоравий ҳужжатни рўйхатдан ўтказди. 1100 дан зиёд умуммажбурий норматив ҳужжатлар, талабга жавоб бермаслиги сабабли, тегишли идораларга қайтарилган. Расмий тарзда рўйхатдан ўтмаган идоравий норматив ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайдди, уларни жорий этиш мумкин эмас.

Еттинчидан, шир, яъни декларация тарзидаги нормалар бўлишини бартараф этиш зарур. Шунингдек, унда қонуности, идоравий норматив ҳужжатларга ҳаволалар ҳаддан зиёд бўлишининг олдини олиш зарур. Бундай ҳаволалар кўп бўлиши кейинчалик ҳаётда қонун четда қолиб кетиб, унинг ўрнини идоравий ҳужжат эгаллаб олиши хавфини келтириб чиқаради.

Саккизинчидан, қонуларнинг барқарор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўйимча, ўзгартиш ва тўлдиришлар киритавериш, пировардида, қонуннинг аҳамияти ва нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Тўққизинчидан, Конституция ва қонуларнинг устунлигини таъминлашда Адлия вазирлиги ва прокурор назоратининг аҳамияти ҳам каттадир. Мазкур вазифа доирасида Адлия вазирлиги ва прокуратура идоралари муайян қонулар ижросини бевосита бажарувчи вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг масъулиятларини ошириш қонун бузилишининг олдини олиш, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораталбирларини кўришлари керак. Қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида Адлия вазирлиги ва прокуратура органлари умумий назорат тартибда жойларди текширувлар ташкил этади. Мутасадди ташкилот ва раҳбарларнинг эътиборини қонуларнинг қатъий бажарилишига жалб этади. Баъзи камчиликлар зикланган тақдирда масъул шахсларга прокурорлик талабномалари, амирномалари ва огоҳлантириш хатлари йўлланади. Қонунни кўпол бузиш ҳоллари аниқланганда эса маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат заминиди фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида Конституция ва қонуларнинг устунлигини таъминлаш учун комплекс ташкилий-ҳуқуқий қафолатлар яратилган. Албатта, мазкур қафолатлар ва юридик механизмларни муттасил такомиллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим. Юқоридаги баёнимизда Конституция ва қонулар устунлигини таъминлаш фуқаролик жамияти қафолатлари хусусида фикр юритилди. Конституция ва қонулар устунлигини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, руҳий ва бошқа қафолатлари ҳам мавжудлигини ёдда тутиш зарур¹.

¹ Қаранг: Конституция ва қонуларнинг устунлиги- Ўзбекистон тараққиётининг қафолати. Т.: Адолат, 2000, 3-70-бетлар.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституция ва қонуннинг устуңлигини таъминлашнинг қуйидаги устувор йўналишларини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ:

1. Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо қилади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўлишини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идоралари ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб, ҳулоса чиқаради. Ўзбекистонда Конституциявий суднинг қорор топishi мамлакатда реал суд ҳокимияти вужудга келишидан ва биз ҳуқуқий давлатчилик сари бораётганлигимиздан ёрқин далолат беради. Мазкур суд Конституцияга тўла содиқлик, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, ишларни кўриш ва қорор қабул қилишнинг коллегиялиги, судьяларнинг фақат қонунга бўйсунishi, ошқоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги каби принципларга таяниб иш олиб боради.

Конституциявий суднинг асосий функцияси мамлакатимиз Конституциясининг жамият ҳаётида реал устуңлигини таъминлашдан иборат. Унга давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларда Конституция ва қонунларга алоҳида ҳурмат ҳамда одил судловга юксак эътиром шаклланишига эришишдек масъулиятли, айна вақтда, шарафли вазифа юклатилган.

Суд ҳокимияти қонун нуфузини таъминлаш тизимида муҳим ўрин тутувчи бўлган сифатида қуйидаги уч жиҳатда намоён бўлади: биринчидан, қонунни татбиқ этиш ва шарҳлаш негизида ҳуқуқни муҳофаза этиш функциясини бажаради; иккинчидан, вақиллик ва маъмурий идоралар ҳужжатларининг қонунийлиги, ҳуқуққа мувофиқлиги устуңдан назоратни амалга оширади; учинчидан, қонун чиқарувчи идора ҳужжатларининг конституциявийлиги ҳусусида назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Конституциявий суди фаолиятининг юксак мақомини таъминлаш учун, биринчидан, Конституциявий суднинг, қолаверса, бутун суд ҳокимиятининг моддий заминини кучайтириш талаб этилади. Давлат бюджетида Конституциявий, умумий ва хўжалик судлари эҳтиёжлари учун харажатлар алоҳида моддаларда мустақамланиши ҳамда тегишли маблағлар уларнинг мустақил тасарруфига берилиши лозим. Иккинчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, судлар беш йил муддатга тайинланади. Хоринжий мамлакатларда судьялар: а) умрбод, б) пенсия ёшигача, в) ўн-ўн беш йилгача сайланади (тайинланади). Ўзбекистонда рўй бераётган суд-ҳуқуқ ислохотлари даяомида судьяларнинг ваколат муддатини хориж тажрибаси асосида қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Учунчидан, Конституциявий суд ваколатлари доираси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият шахобчаларига, реал мувозанат (баланс) ташкил эта оладиган даражагача кенгайтириш ўринли бўларди. Ҳусусан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши юзасидан берган шикоятлари ҳамда судларнинг қонунларни Конституцияга мувофиқлигини аниқлаб бериш бўйича сўровлари юзасидан текширув ўтказиш ҳуқуқини

2-чизма. Конституция ва қонун устулиги принципини амалга ошириш кафолатлари.

Конституция ва қонун устулиги демократик фуқаролик жамияти кафолати

1. Конституция ва қонулар устулигини таъминлашнинг муҳим кафолати, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституция ва қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаоллик юретадилар.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 93-моддаси ва мувофиқ мамлакат Президентли фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонуларига риоя этилишининг кафолатидир.

3. Конституция нормалари асос бўлиб, жерий қонулар ва барча норматив-ҳуқуқий актлар Конституцияга тамомла мос, унга мувофиқ яратилиши лозим.

Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳужжатларининг конституциявийликни тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал қилади.

4. Қонуннинг устулигини мустақимлаш восителарида бири кодекслаштиришидир.

Кодекслар Конституция принципларини риоялантириш шўлида яратилади ва улар Конституция, конституциявий қонулардан кейинги маънасини ташкил қилади.

5. Қонун чиқариш жараёнини муттасил демократлаштириш, қонуннинг сифатини мустақимлаштириш, қонуinchиликни ислоҳ қилиш, қонунчилик фаолиятининг йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш концепциясини яратиб, қонулар амал қилишининг иктамий механизмга таътибор қаратиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва мадааниятининг оқсалигини.

6. Мамлакатдаги барча норматив-ҳуқуқий (ийнисса, идоравий ҳужжатлар) актларининг қонунга тўла-тўқис мос бўлишини таъминлаш.

7. Қонуности норматив ҳужжатларга иловалар, яъни иловалар (шпор ва декларация тарзидаги нормалар) қабул бўлишини барқарор этиш зарур. Чунки бундай иловаларнинг ўринини идоравий ҳужжатлар эгаллаб олиши билан қонун устуворлигига зиён етиши мумкин.

8. Қонуларнинг барқарор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўшимча, ўзгартиш ва тўлдиришлар киритавериш қонуннинг аҳамиятини ва нуфузини тушиб кетишига олиб келади.

9. Конституция ва қонуларнинг устулигини таъминлашда прокурор назоратининг роли каттадир. Прокурорлик назорати фаоллиги қўллаяндаги оғохнома, амринома, қарор ва аризаларнинг сифати ҳамда таъсирчанлиги инда юқори бўлишида 2001 йил 29 августда қабул қилинган инги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда қўзда тутилган қонунийлик, одиллик, мустақиллик, ошқаралик принциплари ҳуқуқий асос бўлиб ижмат қилмоқда.

бериш мумкин. Сиёсий тизимда ва ҳокимиятлар тақсимланиши механизмида Конституциявий суднинг мавқеини мустақамлаш, пировард натижада демократияни раванк топтириш Конституция ва қонун устуңлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чинакамига қафолатлаш имконини беради.

2. Қонун устуңлигини таъминлашнинг муҳим қафолатларидан бири ягона давлат ҳокимиятининг демократик тарзда чинакам тақсимланишидир.

Зотан, бу принцип жорий этилган мамлакатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қонунда белгиланган ваколатлар доирасидагина фаолият курсатадилар. Мазкур ҳокимият шаҳобчаларининг ҳар бири учун қонун олий ҳакамдир.

Ҳокимиятлар тақсимланиши-демократик ҳуқуқий давлатнинг моҳиятига дахлдор принцип. Ҳокимиятнинг бирорта орган ёки шахс қўлида мужассамланиши жамиятнинг умумий манфаатларига, инсон ҳуқуқларига жиддий путур етказилишига олиб келиши мумкин. Ҳокимият суиистеъмом қилинган тақдирда қонунлар завол топади, демократия барбод бўлади, инсон ҳуқуқлари поймол этилади. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига зарар еткази. Борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан ҳам шуғуллансалар, инсонлар ҳаёти ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин.

Ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилдаги диққатга сазовор асосий нарса шуки, учала ҳокимиятнинг ваколатлари қонунда (Конституцияда) белгиланган бўлиб, улар ўзаро тенг бўлиши, бир-бирларининг ҳуқуқ – ваколатларига дахл қилмасликлари лозим. Ҳокимиятнинг учала бўгини қонунга итоат этади ва қонун олдида тенг мавқега эга бўлади. Мазкур таълимотдаги яна бир муҳим жиҳати – ҳокимиятларнинг тенглигини таъминлаш учун уларнинг “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими” мавжуд бўлишидир. Ҳокимият идораларининг ҳар бири, ўзлари учун қонунда белгиланган давлат функцияларини мустақил ўташ билан бирга, ўз ҳуқуқий воситалари (ваколатлари) ёрдамида бир-бирини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларининг бир муассаса (шахс) томонидан қонунсиз равишда тортиб олинishi (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши – бу нафақат юридик ва ташкилий принцип, балки инсон қадри нуқтан назаридан ижтимоий ҳаётнинг ҳокимият ва эркинлик, қонун ва адолатли ҳуқуқ, давлат ва жамият каби қарама-қарши жиҳатларини уйғунлаштирувчи ижтимоий сиёсий принципи ҳамдир. Ҳокимиятлар тақсимланиши сиёсий ҳаёт, давлат тузуми демократиклигининг ўлчови, меъёридир.

3. Қонуннинг устуңлигига эришиш унинг қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида юксак мақомини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Одатда қонун ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида, шунингдек, тегишли ҳуқуқ соҳасида унга қирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасида системали алоқаларни вужудга келтирувчи

Ўзак, фаол марказ вазифасини бажаради. Қонуннинг ҳуқуқ соҳаси, шу жумладан, қонунчилик тармоғи доирасидаги устунлигини мустаҳкамлаш воситаларидан бири кодекслаштиришдир. Кодекс - муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги асосий юридик қоидаларни жамловчи, тартибга солувчи, мустаҳкамловчи ётакчи қонун. У катта миқдордаги турли хил норматив қоидаларни камраб олса-да, ички мантқиқий мувофиқлик ва мутаносибликка эга бўлган ягона норматив ҳужжатдир. Деярли барча қонунчилик соҳаларида кодекс бошқарувчи ва уйғунлаштирувчи негиз бўлиб, шу тармоққа оид барча бошқа норматив ҳужжатлар кодексга мос, ҳамоҳанг бўлиши лозим. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар мажмуи қайта кўриқдан ўтказилади, қоидалар умумлаштирилиб, ихчам ҳолга келтирилади, улар ўртасидаги зиддият ва номувофиқликлар (агар улар мавжуд бўлса) бартараф этилади, эскирган нормалар чиқариб ташланади ва шу тариха мантқиқий уйғунлик ва батартибликка эришилади.

Кодекслар юридик кучи бўйича оддий қонунларга нисбатан устун туради. Шу сабабли кодекс шаклидаги қонунларнинг яратилиши ҳуқуқий тартибга солиш механизмида қонуннинг устун бўлишини кафолатлайди. Қабул қилинган юридик аксиомага мувофиқ, башарти, бир соҳада айни бир вақтда ҳам кодекс, ҳам жорий қонунлар мавжуд бўлса, кодекс ва унинг нормалари устувор мавқега эга бўлади. Ҳуқуқий – норматив ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар келиб чиққан тақдирда кодекснинг қоидалари амал қилади.

Парламентимиз фаолиятида 1992-1994 йилларда айрим соҳаларда кодекслардан воз кечиб, оддий қонунларга қайтиш тенденцияси кузатилган эди. Бу номаъқул таърибга кейинчалик рад этилди. Қуйидаги раҳамлар ушбу манзарани яққол ақс эттиради. Агар ўн иккинчи қақриқ Олий Кенгаш (1990-1994 йиллар) атиги 4та кодекс қабул қилган бўлса, биринчи қақриқ Олий Мажлис (1995-1999 йиллар) 10та кодекс қабул қилди. Қонунчилигимизнинг сўнгги йиллардаги ривожини унинг юқоридаги тенденциядан ҳалос бўлганлигини кўрасади. Шундай қилиб кодекслаштириш ҳуқуқий тизимни барқарорлаштиради, қонунларнинг узок муддат амал қилишини кафолатлайди, айниқса, қонуннинг юридик амалиёт ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасидаги устунлигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади.

4. Қонун инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтан назаридан энг муҳим деб ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Қонунда халқнинг давлат ҳокимиятига доир олий иродаси ақс эттирилганлиги, унинг ижтимоий қадр-қимматини оширади. Лекин, у ҳуқуқни ифодалашнинг биргина шаклидир, ҳолос. Ҳуқуқ мазмунини ифодаловчи бошқа манбалар, яъни турли-туман норматив ҳужжатлар (фармон; ҳукумат қарорлари; вазирилик, давлат кўмиталари ва идораларнинг ва маҳаллий ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари) мавжуд. Қонуннинг устунлиги муаммоси унинг мана шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан нисбати, ўзаро муносабатида намоён бўлади.

Қонун ва қонун ости ҳужжатларнинг миқдорий нисбати ҳам уларнинг нуфузи ва юридик мавқеидан далолат беради. Зеро, қонун, фармон ва қарорлар орқали аниқлаштирилади, улар воситасида ҳаётга жорий этилади. Бошқача айтганда, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга асосан, унга мувофиқ чиқарилиб, уни ижро этиш ва амалга ошириш механизмнинг муҳим таркибий бўғинлари сифатида майдонга чиқади.

Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нисбати уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш “қудрати”да, юридик кучида кўринади. Қонуннинг обрўсини кўтаришда муҳим қадамлардан бири – қонун билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг доирасини, яъни қонунлар предмети аниқ белгилаб олинишидир. Масалан, илгор демократик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда имтиёзлари, шунингдек, мажбуриятларига оид барча масалалар фақат қонун воситасида мустаҳкамланади, юридик расмийлаштирилади. Бундай масалаларни қонун предмети даражасига кўтариш нафақат қонун нуфузини оширади, балки, энг аввало, инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ижтимоий қадрият сифатида эъозланишига, улар қонундек қудратли восита ёрдамида муҳофаза қилинишига имкон беради.

Қонун ва қонуности ҳужжатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши алоҳида кўмак беради, деб ҳисоблаймиз. Зотан, мазкур қонун мамлакатда амал қилувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик мақомини, мазмун-моҳиятини, таъсир доираси ва кучини, ҳуқуқий тартибга солинишидаги мавқеи ва имкониятларини, уларнинг ўзаро нисбати ва ички итоат мантиғини белгилаб бериши лозим. Амалда юридик ва миқдорий нисбат идоровий ҳужжатлар фойдасига эмас, балки қонун фойдасига ўзгариши шарт. Ана шунда реал ҳаётий муносабатларда “идоровий йўриқнома” устулигига чек қўйилиб, қонун устулигига эришиш мумкин бўлади. Фақат қонун орқали фуқаронинг, инсон шахсининг юксак ҳуқуқий мақоми таъминланади.

5. Ҳуқуқий тизимни, шу жумладан, қонунчиликни ислоҳ қилиш жараёнида қонуннинг демократик табиатини чуқурлаштириш, унинг юридик жиҳатдан пухта, мазмунан баркамол ва юқори сифатли бўлишига эришиш асосий мақсаддир. Қонуннинг сифатини яхшилаш, ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси. Кейинги пайтларда қонунларимиз мазмунида декларатив, шиор тарзида ният ва истак билдириш услуби пайдо бўлиб қолди. Уларда ҳуқуқ ва мажбуриятларни қатъий ифодалаш, шунингдек, ҳар бир ҳуқуқий норманинг тегишли санкциясини мустаҳкамлаш амалга оширилмапти. Бундан ташқари, ҳуқуқий нормаларнинг кўплиги ҳам қонунни бевосита татбиқ этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бир сўз билан айтганда қонунларда аниқлик, лўндалик, раволик ва фикр тиниқлиги етишмаяпти.

Шу боис, қонун қандай талабларга жавоб бериши керак, унинг юридик мезонлари, асосий кўрсаткичлари нималардан иборат деган саволга жавоб излаш лозим. Афсуски, бугунги кунда бу саволларга на ҳуқуқшунослик фаннимизда, на қонунчилик амалиётимизда жавоб топ

олмаймиз. Ниятимиз ҳуқуқий давлат заминида Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, бундай давлатда қонун ўзи қандай бўлиши керак, бу қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солиди, деган масалаларда аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Чамаси ҳозирги қонуннинг долзарб вазифаси идеал маънода ҳуқуқий қонуннинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш, қонуннинг умумий илмий-назарий моделини вужудга келтиришдан иборат. Қонуннинг сифатини яхшилаш ҳақида гап борганда, аввало, қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Айнан демократик принциплар адолатли, халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир. Қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришнинг муҳим талаби – мазкур фаолиятнинг ҳар бир босқичида, айниқса, қонун лойиҳаларини умумхалқ ва Сенат муҳокамасини ўтказишга жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Зеро, бу босқичда халқнинг иродаси аниқланади ва қонун мазмунига сингдирилади. Қонунлар қанчалик халқ эҳтиёжлари ва манфаатларини мутаносиб, тўлиқ акс эттирса, уларнинг ижроси ҳамда самараси шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, адолатли, ҳуқуқий қонунларнинг устуңлиги – демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим белгисидир. Қонунлар қанчалик халқчил ва барқарор бўлса уларнинг аҳамияти ва нуфузи шунчалик сарбаланд бўлади. Қонунлар матнига тез-тез (айниқса, бунга ижтимоий ва илмий зарурат бўлмаган ҳолларда) тузатиш ва қўшимчалар киритавериш, уларнинг ҳурмати ва таъсирчанлиги тушишига олиб келади, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий ингилизм, яъни қонунга нисбатан менсимаслик кайфияти пайдо бўлишидан сақланиш керак. Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар қонунларга риоя этишда халқ оммасига ва оддий фуқароларга ўрнатилган бўлишлари лозим. Шахсий намуна кучи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти адолатли қонунларга қатъий риоя этиб, уларга таянган ҳолда жамиятни бошқарган тақдирда инсон эркинлиги таъминланадиган демократик фуқаролик жамияти қорор топади¹.

4.5. Фуқаролик жамияти ва хотин-қизлар ҳуқуқлари

Мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамияти қуриш ҳар бир фуқародан ижтимоий фаолиқни талаб этади. Ижтимоий фаолият ва ҳуқуқ эса бир-бирига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ барча фуқаролар, жумладан, хотин-қизлар ҳам меҳнат қилиш, ўз соғлиғини муҳофаза қилиш, қариганда, касал бўлганда, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганда, боқувчисини йўқотганда моддий таъминотга эга бўлиш, уй-жой билан таъминланиш ва илмий ижод билан шугулланиш ҳуқуқлари билан бирга кенг сиёсий ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ, 2002, 262-277-бетлар.

Улар эркаклар билан бир қаторда давлат бошқаруви тизимларидаги лавозимларга, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатига депутатликка сайланиш, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш, хусусий корхоналар очиб, тадбиркорлик билан шугулланишлари мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, яъни эркаклар билан хотин-қизлар ҳуқуқий нуқтаи назаридан тенг эканликларидан далолат беради. Улар ўз қизиқишлари ва ҳаётий эҳтиёжларига қараб у ёки бу фаолият тури билан шугулланишлари, давлатни ва жамиятни бошқаришда иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 21-моддасига мувофиқ мамлакатимизда ягона, ҳамма учун тенг фуқаролик ўрнатилган.

Маълумки, собиқ Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иштирок этган хотин-қизлар умумий ишчи-хизматчиларнинг 46,5 фоизини ташкил этган.

Бошқа республикаларда бу кўрсаткич оилада фарзандлар кам бўлганлиги боис 70 фоизгача кутарилган эди.

Республикамиз хотин-қизлари эса камида 3-4 фарзандли бўлсаларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳам фаол иштирок этганлар. Лекин шу нарсани эсдан чиқармаслигимиз керак: ўша даврда хотин-қизлар фаоллиги кўпинча сунъий бўлган.

Шундай лавозимлар мавжуд эдики, уларга фақат аёлларни қўйиш одат тусига кириб қолган эди. Масалан, мафкура бўйича туман партия кўмиталари учинчи котиблари асосан аёллардан тайинланар эди. Социологик кузатишлар натижаларига кўра, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигида ўзгаришлар содир бўлгани кузатилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳозирги кунда 42 фоизга тушиб қолган. Ижтимоий ҳаётда рўй берадиган туб ўзгаришлар энг аввало, хотин-қизлар ҳаёти ва психологиясига таъсир этади. Аёллар ожизлигини сезганларида ҳимояни оиласидан кидирадилар, кўпинча оила ҳам-ташвишлари билан чекланиб яшашни афзал кўрадилар. Тошкент вилояти хотин-қизлар ўрасида ўтказилган социологик кузатишлар жараёнида сўралганларнинг 72,5 фоизи «бугун хотин-қизлар кўпроқ уй юмушлари, бола тарбияси, эркаклар учун муҳим бўлган оилавий муҳит, шароит яратиш билан шугулланишлари зарур», деб жавоб беришган. Ушбу аёлларнинг ичида олий ва ўрта махсус маълумотли аёллар 47 фоизни ташкил этади. Олинган жавоблар таҳлилининг кўрсатишича, «уйга қайтиш» фикрини асосан гуманитар маълумотга эга бўлган хотин-қизлар қўллаб-қувватлайди. Иқтисодий, юридик, қишлоқ хўжалиги, транспорт сохалари бўйича махсус маълумотга эга бўлган аёллар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга интилади.

Бугун хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда машғуллиги масаласи маълум бир талабларни қўяди. Масалан, бугун республикамиз sanoatida ишлаётганларнинг 44,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Хотин-қизлар қишлоқ хўжалигидаги асосий ишчи кучи ҳисобланадилар. Бу ҳолат аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада тақилолаштиришни тақозо этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 мартда чиқарилган «Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги фармонидан кейин аёлларимиз республика, вилоятлар, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, бош вазир ўринбосари, ҳоким муовинлари мавқеига кўтарилди бошлади. Эндиликда аёллар муаммолари билан шуғулланиш бир тизимга солиниб, жамиятда уларнинг фаоллиги ошгани кузатиляпти.

Хотин-қизлар томонидан нодавлат ташкилотлар тизими ташкил этилганлиги, («Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Аёл ва саломатлик» ва ҳ.к.) уларнинг фаолиятига кўплаб ишсиз аёллар жалб қилиниши, бизнес асосларини ўрганиш йўлга қўйилгани ҳам хотин-қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб бораётганлигидан далолатдир.

Республикамиз хотин-қизлари ўртасида транспорт, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларида меҳнат қилиши интилиши ошиб бормоқда. Масалан, кейинги 8 йил ичида транспорт ва алоқа соҳасида ишлаётган хотин-қизлар 5 фоизгача, савдо соҳасида ишлаётганлар эса 18,5 фоизга кўпайган. Бозор муносабатларининг энг фаол иштирокчилари ва тарғиботчилари аёллар эканлигини пайқаш қийин эмас. Аммо ҳаётий кузатишлар савдо соҳасидаги аёллар сони икки-уч мартаба кўпчилигини кўрсатади. Масалан, социологик кузатишлар натижаларига кўра, хотин-қизларнинг деярли 71 фоизга яқини у ёки бу савдо-сотик тури билан шуғулланыш экан.

Бугун хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолият турларига бўлган қизиқишларида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини кузатамиз. Агар собиқ СССР пайтида қишлоқ аёлларида механизатор, сут соғувчи каби касбларга интилиш етакчилик қилган бўлса, ҳозир улар хусусий корхона очишни, дипломат, ҳуқуқшунос, шифокор бўлишни орзу қилишади. Масалан, социологик кузатиш натижаларига кўра, 24 фоиз қишлоқ қизлари шифокор, 7,2 фоизи дипломат, 16 фоизи ҳуқуқшунос, 2,2 фоизи чевар, 1,1 фоизи эса ўқитувчи бўлишни истади. Хотин-қизлар орасида қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиш истаги деярли йўқ. Бундай муносабатнинг объектив ва субъектив сабаблари бор бўлиб, улар махсус социологик тадқиқ қилишни талаб этади, албатта. Аммо энг муҳими шундаки, қишлоқ хотин-қизлари бугун ҳуқуқий маърифатга ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Бу фикрни қуйидаги мисол билан тасдиқлашимиз мумкин:

«Сиз хусусий корхона очмоқчи бўлсангиз энг аввало кимга мурожаат этасиз?» деган саволга респондент хотин-қизларнинг 18 фоизи - «ҳокимиятга», 31 фоизи - «тадбиркорларга», 10 фоизи - «банкка», 7 фоизи - «дўстларимга», «таниш-билишларимга», 34 фоизи эса «билмайман» деб жавоб берган. Олган жавобларимиздан маълум бўладикки, сўралган хотин-қизларнинг ярмидан кўпи ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан яхши хабардор эмас, ҳатто уларнинг 34 фоизи бундай ҳуқуқларидан бутунлай беҳабар эканлигини эътироф этади.

Фуқаролик жамияти ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида гап кетар экан, хотин-қизларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1990 йил барча аъзо давлатлар учун ишлаб чиққан ягона андоза кўрсаткичга биноан етти нафар эркак депутатга битта аёл депутат (30 фоиз) тўғри келиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутатлари орасида хотин-қизлар 9%ни ташкил этади, вахоланки, иккинчи чақириқ Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизлар қарийб 50% ни ташкил этган эди. Зеро, 2004 йил 24 декабрь куни икки палатали парламентга ўтказилган сайдов натижалари бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини кўрсатади.

Шундай қилиб, аёллар ўз ҳуқуқларини яхши билишлари учун тинмай ўз устларида ишлашлари, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолиши зарур.

Нафақат халқаро конвенциялар, балки фуқаролик жамияти ишларига ва хотин-қизларнинг шахсий ҳаётига, тадбиркорлик фаолиятига давлатни ортиқча аралашинишга йўл қўймасликни билиши, миллий қонунчилигимизни ҳам муқаммал ўзлаштириши давр талабидир.

Демак, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқларидан тўла хабардор бўлишини, улардан тўла фойдалана билишини тақозо этади.

Асосий таянч тушунчалар

Конституция (лотинча «Constitutio» - тузилиш, тартиб) - давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий институтлари ва нормаларнинг ўзаро алоқасида намоҳанг бўладиган асосий ижтимоий муносабатларни мустаҳкамловчи Асосий Қонундир.

Конституциявий ҳуқуқ - ҳуқуқнинг кўплаб ҳуқуқий манбалар, шу жумладан, конституциядан таркиб топувчи бутун бошли бир тармоғи эканлигида намоён бўлади. Ҳуқуқ тармоғи сифатида конституциявий ҳуқуқ мамлакатда жамият тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув тузилишини, давлат органлари ваколатларини, айни давлат ҳудудида яшаб турган фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи юридик нормалардан иборат.

Конституциявий давлат - мамлакатнинг бутун ҳудудида ва давлат фаолиятининг барча соҳаларида Конституция ва жорий қонунларнинг устунлиги таъминланган давлатдир.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги - барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Устувор - мустаҳкам, етакчи, муҳим йўналишларни, ғояларни ифода этувчи сўз.

Қонунга иттифоқлик - бу таъмин қонун олдида барчанинг баробарлиги, қонунга риоя этиш ҳамма учун шартлигини билдиради. Бозор иқтисодиёти қаттиқ интизомга ва қонунчиликка таянади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили – давлат бошқаруви демократик асосда ташкил этишнинг асосий тамойили кишиларнинг эркин раванг топиши ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ниҳоятда муҳим шарти. Ҳокимиятларнинг тақсимланиши демократик ҳуқуқий давлатга ҳос хусусият ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳокимиятларни тақсимлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлиги ва ҳукмронлигини амалга ошириш воситасидир. Мазкур тамойилларнинг қўлланиши ҳокимият суниетъмоқ қилинишига жиддий тўсиқ қўяди.

Ҳуқуқий давлат – давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Ҳуқуқий давлатда қуйидаги шартлар албатта бўлиши керак: халқ ҳокимиятининг амалга ошириши, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан ҳар қандай ҳолда бузилмаслиги; Конституция ва қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилади. Судларнинг мустақиллиги, ҳуқуқий давлатда энг олий кадрият шахс ҳисобланади.

Ҳуқуқий нигилизм - қонунга нисбатан менсимаслик.

Ўз – ўзини текшириш учун саволлар

1. Конституция нима учун Асосий Қонун деб аталади?
2. Конституциянинг Муқаддимасида қандай конституциявий мақсадлар ифодасини топган?
3. Конституциядаги асосий принциплар қайсилар?
4. Ҳокимият бўлиниши тамойиллари қанақа?
5. Конституция ва қонун устуворлигини тушунтириб беринг?
6. Кодекслаштириш деганда нимани тушунасиз?
7. Ҳуқуқий нигилизм нима?
8. Фуқаролик жамияти шаклланишининг конституциявий – ҳуқуқий кафолатини тушунтириб беринг?

Мустақил нш мавзулари

1. Ўзбекистон - конституциявий давлат.
2. Конституциявий давлатчилик фуқаролик жамиятининг асоси.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.
4. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилмалари.
5. Конституция ва қонун устуворлиги фуқаролик жамиятини бошқаришнинг бош тамойили.
6. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари.
7. Фуқаролик жамиятида хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатланиши.

Тест топшириқлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қайси моддасида «Фуқаролик жамияти» атамаси ишлатилган?

- a) Муқаддимада ўз ифодасини топган;
- b) Конституцияда «Фуқаролик жамияти» атамаси махсус ишлатилмаган;
- c) Конституциянинг 13-моддасида ёзилган;
- d) адолатли ва очик фуқаролик жамияти талаблари ва кадриятларига ҳос норма ҳамда қондалар «Конституция ва қонуннинг устунлиги» бобларида, «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», «Жамият ва шахс», «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» бўлимларида ўз аксини топган;
- e) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг Конституциявий-ҳуқуқий асослари Конституциянинг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши (тўртинчи бўлим) ҳамда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (бешинчи бўлим) бўлимларида мустаҳкамланган;

2.

3. Фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий асос-белгисига ҳос хусусиятлар қайсилар?

- a) Конституция ва унинг негизда қабул қилинган қонунларнинг устунлигини таъминлаш;
- b) демократик ва ҳуқуқий кадриятларга садоқат;
- c) иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар орқали қафолатланган кенг доирадаги демократик ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши;
- d) иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, маънавий, оилавий, диний муносабатларни мувозанатга келтириб турувчи жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамият ҳаётини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади;
- e) қонунчилик асосини шакллантириш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни вужудга келтириш ва янада мукамаллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қайси моддаларида Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳамда бирорта қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган?

- a) 11-моддасида;
- b) 15-моддасида;
- c) 16-моддасида;
- d) 120-моддасида;
- e) b ва c жавоблар тўғри.

5. Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш нима учун керак?

- a) Конституция ва қонун устунлигининг моҳияти, жамият ҳаётининг қатъий ҳукмронлигини билдириб, барча давлат органи, масабдор шахс ва фуқароларнинг қонунларга сўзсиз буйсуниши ва унга қатъий риоя этишидир;
- b) Конституция ва қонунлар жамият ҳаётини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади;
- c) ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракатлари, шунингдек, ҳуқуқ нормаларини бузганликлари учун қонун ҳужжатларидида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос вазифасини бажаради;
- d) қонун устунлиги Конституция ва ҳуқуқий муносабат соҳиблари фаолиятининг олий мезони бўлиши шарт;
- e) a, b ва c жавоблар тўғри.

6. Конституциянинг қайси моддасида оила фуқаролик жамиятининг бирламчи таянч тузилмаларидан бири эканлиги алоҳида қайд этилган?

- a) 63-моддасининг 1-қисмида;
- b) 34-моддасининг 1-қисмида;
- c) 24-моддасининг 1-қисмида;
- d) 13-моддасининг 2-қисмида;
- e) 63-моддасининг 1-қисмида.

7. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қандай халқаро ҳуқуқий нормаларга мос равишда тузилган?

- a) оиланинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- b) оила-жамиятнинг таянч тузилмаси;
- c) оила манфаатларини таъминлаш;
- d) она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш;
- e) оила фаровонлиги миллий фаровонлик.

8. Конституциянинг қайси моддасида фуқаролик жамиятининг интеллектуал, ақлий салоҳиятини таъминлашда мактабнинг аҳамияти бекиёслиги таъкидланган?

- a) 41-моддасида;
- b) 4-моддасида;
- c) 14-моддасида;
- d) 17-моддасида;
- e) 16-моддасида.

9. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Миллий дастур»га мувофиқ мамлакатда вужудга келтирилган кўп босқичли таълим тизими қандай хусусиятга эга?

- а) таълим-тарбия инсонпавар ва демократик хусусиятга эга;
- б) саводхонлик, таълим-тарбия демократияси;
- с) «Куч билим ва тафаккурда» тамойилига асосланган;
- д) шахс-давлат ва жамият–узлуксиз таълим-фан ишлаб чиқариш муштараклиги;
- е) а ва б жавоблар тўғри.

Интеллектуал тренинг

1. Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини бирма-бир изоҳлаб беринг.

№	Фуқаролик жамияти белгилари	Фуқаролик жамияти мезонлари	Фуқаролик жамияти институтлари
1	2	3	4

2. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асосларини таъкидланг.

№	Қонун устуворлиги-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг асоси	Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда Омбудсман институти	Суд ҳокимиятининг мустақиллиги-қонун устуворлигининг асосий белгиси
1	2	3	4

3. Фуқаролик жамиятининг моҳияти хусусидаги умумий ҳоғлар ва тамойилларни қайд этинг.

№	Умумий ҳоғлар	Тамойиллар
1	2	3

4. Фуқолик жамиятида фуқароларнинг эркинликлари нимадан боғланади?

№	Фуқаро эркинлиги	Мустақиллиги	Тенг ҳуқуқлиги	Қадр-қиммати

5. Фуқаролик жамиятида устуворлик қиладиган икки тамойилни изоҳлаб беринг.

№	Биринчи тамойил	Иккинчи тамойил
1	2	3

V боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНИ

5.1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва унинг тизими

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилмоқда.

Ҳокимиятнинг бўлиниш принципини амалга татбиқ қилиш натижасида суд ҳокимиятини мустақил ҳокимият сифатида шакллантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Суд ислохотининг асосий мазмуни ҳам шунга қаратилган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунушини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак”¹.

Мустақил, кучли ва адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш борасидаги чора-тадбирлар Республикаимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг ўзагини ташкил этади.

Республикада мустақил, бир-бирига бўйсунмайдиган, қонунчилик ҳокимияти, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти вужудга келди.

Давлат ҳокимияти тизимининг учга бўлиниши, ҳокимиятни ўта марказлаштиришдан, яқка сиёсий партиянинг ёки ягона юқори мансаб эгасининг қўлида бўлишидан сақлайди ва зўравонлик ҳамда ўзбошимчалик билан иш юритишга йўл қўймайди.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоқларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилган.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосан суд ҳокимиятига одил судловни жиноят, фуқаровий ва ҳўжалик ишлари бўйича амалга ошириш билан биргаликда чиқариладиган қонуний актларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос бўлиши устандан назорат олиб бориш вазифаси юкланган².

Суд ҳокимиятига қуйидаги хусусиятлар хос:

¹ Каримов И.А. Озод ва обод вятан ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 344-бет.

² Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 145-бет.

-биринчидан, судлов фаолияти давлат номидан амалга оширилади;
-иккинчидан, судлов махсус тартибда ташкил этилган (сайланган ёки тайинланган) муассасалар томонидан амалга оширилади;

-учинчидан, судлар ўз фаолиятида фақат конунга бўйсундилар ҳамда фуқаролик, маъмурий, жиноий, хўжалик ва бошқа ишларни қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этадилар;

-тўртинчидан, судлар бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритадилар;

-бешинчидан, суд танҳолик билан таърифланади, яъни давлатнинг бошқа ҳеч кайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди; фақат суд давлат номидан мажбурлов ваколатларини амалга оширади;

-олтинчидан, суд ҳокимияти тўлақонли ва қатъийдир, яъни суднинг қонуний қарори (ҳукми) барча учун мажбурий.

Конституциянинг 107-моддасига кўра - Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқуллодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Конституцияга асосан ўз ҳокимиятини қонун асосида мустақил равишда амалга оширади.

Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиши ва фаолият тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 108-моддаси ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуни билан белгиланган.

Конституциявий суд Республика Конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ҳудудида Конституция устуңлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб қучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Зотан, Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради, чунки Конституцияда мазкур судга нисбатан тегишли эътибор мавжуддир.

Конституциянинг 83-моддасига биноан, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаларини тақдим этиши мумкин. Республика Президенти Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, Конституциявий суднинг маслаҳати қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари, сиёсий мойиллиги ва бошқа ташқи таъсирларидан холи бўлган ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар.

Умумий юрисдикция судлари

Одил судлов ўз моҳиятига кўра давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳофама этиб, ҳал қилади.

Одил судлов ўзининг махсус белгилари билан ажралиб туради. У давлат номидан, қонунда белгиланган процессуал шаклда ҳамда фуқаровий, жинсий ва бошқа ишларни суд мажлисларида кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик жинсий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг Олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради. Биринчи инстанцияси сифатида ишларни кўриш Олий суднинг таркибида бўлган учта судьялар томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимиятининг олий органи таркиби унинг раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов хайъатлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат бўлиб,

куйдаги таркибда иш олиб боради: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати; Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати; Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати; ҳарбий хайъат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (110-модда) ва янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун (13-модда) талаблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларни олиб бориш ҳуқуқига эга. Бинобарин, судларнинг судлов фаолиятлари устидан бошқа бирон-бир органнинг назорат олиб бориши мумкин эмас.

Конституцияда ифодаланган бу қоида суд ҳокимияти — давлат ҳокимияти тизимига кирувчи мустақил ҳокимият эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов хайъатлари таркибда иш олиб борадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар судлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартиби ва назорат тартибда кўради, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг суд фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради ва қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьялардан иборат бўлади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди эса раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборатдир.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ўз ваколатлари доирасида фуқаролик ишларини кўрса, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари қонун билан ўз ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий хайъати, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.


Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий хайъати лавозим бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ҳисобланган ҳарбий хайъат раиси, ҳарбий хайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида иш олиб боради, ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Округ ва ҳудудий харбий судлар туман суди ҳуқуқида иш олиб борадилар ва раис, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса раис ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.

Ҳарбий судлар конун бўйича ўз ваколатлари доирасидаги жиноят ва фуқаролик ишларини кўрадилар.

1-чизма. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ



2-чизма. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг вазолати

Қонуларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради.


Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларининг нормаларига шарҳ беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қарорлари билан берилган вазолат доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

3-чизма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди



4-чизма. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди



Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари

Хўжалик судларининг фаолияти бошқа судлар каби одил судловни амалга оширадиган суд ҳокимияти қаторига киришлиги Конституцияда ифодаланган. Бу қоидага кўра, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодий соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва жойлардаги хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Суд ҳокимияти, хўжалик низоларини ҳал қилишни амалга ошириш йўли билан Конституцияда кафолатланган иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик, тенг ҳуқуқлик ва барча мулк шаклларининг ҳуқуқий ҳимоясига бевосита алоқадордир.

Демак, хўжалик судида фуқаролар ўртасида ҳал қилинадиган низолар иқтисод доирасида, тадбиркорлик фаолияти жараёнида вужудга келиши лозим. Қоидага кўра бундай низолардаги томонлар мулк субъекти бўлиб, уларнинг фаолиятлари товар ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишга ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам бу хил низолар хўжалик низолари деб номланиб, мустақилликнинг қисқа даврида қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий меъёрлар бу суднинг ваколатини кенгайтиришга асос бўлади. Шу туфайли хўжалик суди одил судловни амалга оширадиган орган қаторидан ўрин олди.

Хўжалик судлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари ва Тошкент шаҳар хўжалик суди қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. У томонидан қабул қилинган актлар қатъий бўлиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бажарилиши мажбурийдир. Ушбу суд Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида Пленум, Раёсат, Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати, Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати амал қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат бўлади. Зарур бўлса, уларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

Мазкур хўжалик судлари ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида, апелляция ва кассация тартибида кўради, суд амалиётини умумлаштиради, қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳарларининг ҳудудида амалга оширади.

5.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида суд ҳокимиятининг ўрни

Ўзбекистонда ва демократия асосида эркин ва очиқ адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жаҳоннинг илғор ва ривожланган мамлакатлари сафидан ўрин олиш, суд-ҳуқуқ тизимида қонун устуворлигини таъминлаш жамиятда адолат тамойилини қарор топтиришга олиб келади.

Жамиятда ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асоси, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир.

Асосий Қонунимизда белгиланган тамойиллар ва қондалардан маълумки, инсонларар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш жамиятимиз олдига қўйилган бош стратегик мақсаддир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, аввало, ҳуқуқий давлатнинг ўзи нималигини тушунмоғи лозим. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг кўпчилиқ ривожланган давлатларда эътироф этилган ёки тан олинган асосий белгиси - бу ҳар бир фуқаронинг эркин ва мустақил судда давлат ёки бошқа бирон шахс томонидан бузилган ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятининг тўлиқ таъминланганидир.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлган ушбу тамойил Асосий Қонунимизнинг 44-моддасида ўз ифодасини топган. Унда: «*Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайри-қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади*» дейилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи ҳақирик олтинчи сессиясида қилган маърузасида жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш дастури хусусида, шу дастурнинг муҳим таркибий қismi бўлган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: «*Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини қўчайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларнинг қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш - бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафқат мақсади, балки унинг воситаси энг муҳим шарт ҳисобланади*».

2000 йил 14 декабрда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлиб, жамият ҳаётини ҳаракатга келтирувчи ҳуқуқий муносабат-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002, 28-бет.

ларни тартибга солиш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятининг замон талабларига мувофиқ тарзда шакллантириш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ишларини ривожланган давлатлар даражасига етказиш учун шарт-шароит яратди.

«Судлар тўғрисида»ги янги Қонуннинг ҳуқуқий моҳияти қуйидагилардан иборат:

- давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилларига мувофиқ суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг мустақкам ҳуқуқий механизми яратилганлиги;

- судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлигининг ваколатидан чиқарилганлиги;

- судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш Республика Президенти ҳузурда тузилган судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юклатилганлиги;

- умумий юрисдикция судлари ихтисослашувининг қонуний мустақкамланганлиги, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинганлиги;

- судларнинг ихтисослашуви натижасида ишларни кўриб чиқиш сифати ошаётганлиги ва суд жараёнларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолати кучайганлиги;

- судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган – Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилганлиги, бу департаментга судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниш тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилганлиги;

- «Судлар тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали, демократик ҳуқуқий механизми яратилганлиги.

2001 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жамиятда суд тизимини янада ислоҳ қилиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлашни юқори босқичга кўтариш, суд амалиётида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишни тобора такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорлари ижросини ўз вақтида сифатли таъминлаш ҳамда судья лавозимларига муносиб номзодларни танлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалардан мустақил ҳолда иш юритиши», дейилган.

Асосий Қонунимизнинг 107-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси

Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳужалик судидан шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳужалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга қиради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди – фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва бажарилиши мажбурий. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳужалик низоларини ҳал этиш Олий ҳужалик суди ва ҳужалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашкишлар қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий ҳужалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлис депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан, туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина судьялик вазифасидан озод этилиши мумкин.

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишларини олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлашиш ҳуқуқи таъминланади.

Айбланувчи ҳимоялиниш ҳуқуқ билан таъминланади. Тергов ва суд ишлари юритилишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Шундай қилиб, суд ҳокимияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ажралмас зарур таркибий қисмидир. Демократия, суд ҳокимияти ва одил судловни амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

Шунингдек, суд ҳокимиятининг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Суд – ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлиқ мос қилишига бевосита боғлиқдир.

Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд ҳокимият коммунистик тизимнинг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгида суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Ҳозирги ҳуқуқий ислохотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Бу масалага тўхталиб Президент И.А.Каримов шундай фикр билдиради: «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиш керак».

Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиш керак»¹. Бунинг учун

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: 1997, 127-бет.

судлар қонундан оғишмай иш тутиб, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, бу йўлдан собит-қадамлик билан қатъий бориб, халқнинг ишончини қозонишлари зарур бўлади.

Шундай экан, суд ислохотини чуқурлаштириш, бутун одил судлов тизимини демократлаштириш - ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тарикасида суднинг аҳамияти ва мавқеи жиддий ошиб бормоқда. Ислохотлар жараёнида суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада «Конституциявий суд тўғрисида»ги (1995 йил 30 август), «Судлар тўғрисида»ги (2000 йил 14 декабрь), «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги (1998 йил 25 декабрь), «Ҳақамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги (1991 йил 20 ноябрда қабул қилиниб, 1992 йил 1 январдан кучга кирган), 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2003 йил 24 апрель) Қонулларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги (1992 йил 28 февраль), «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги (1990 йил 23 сентябрь), «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1996 йил 25 июль), «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги (1998 йил 4 март), «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияларини тузиш тўғрисида»ги (2001 йил 19 март), «Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги (2004 йил 26 сентябрь), «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги (2005 йил 1 август), «Қамокка олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга бериш тўғрисида»ги (2005 йил 8 август) Фармонларининг қабул қилиниши қонунчиликни инсонпарварлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда одил судлов тизимини демократлаштирилишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида фаол, мустақил, кучли ва адолатли суд тизимининг шаклланиши жамиятимизда қонунлар устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Чунки фақат унинг воситасида мамлакат Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган қонуний меъёрлар ва демократик тамойиллар талабларидан келиб чиққан ҳолда адолатли суд қарорларини чиқаришга эришилади.

Ўзбекистонда суд - ҳуқуқ соҳасида кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла-тўқис таъминланадиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва адолати фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти каби мустақил тармоқлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида инсон, давлат, жамият ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилади. Бу тамойил - ҳар қайси ҳокимият тармоғининг ҳокимият ваколатлари доирасидан четга чиқиш ва унинг суиистеъмол қилиш имкониятига йўл қўймаган ҳолда бошқасини тийиб туриш учун зарур.

Бизнингча, ҳозирги кунда ҳокимиятларнинг бирортаси ҳам бошқасининг фаолиятига аралашмаслиги шарт деган қоида мазкур бир-бирини тийиб туриш механизмини шаклланишига анчагина тўққинлик қилмоқда. Чунки судларнинг Конституция ва қонунлари-мизни амалга ошириш, уларни инсон манфаатларини инobatга олган ҳолда таякмилаштириш сари олиб бораётган фаолиятлари сустрок бормоқда. Улар ўз ваколатлари доирасида қонуларни амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилишга доир кенгрок фаолият олиб боришлари лозим.

Бу масалага тўхталиб, Президентимиз Ислон Каримов шундай фикр билдирадилар: «... биз судлариямизни мустақил деб атаймиз. Ваҳоланки, ҳали бунга тўла эришганимиз йўқ. Қонуларимиз қанчалик муқаммал бўлмасин (ҳақиқатда ҳам улар энг замонавий талабларга жавоб беради), лекин мустақил суд тизимига эга бўлмасдан туриб, бу қонуларни тўлақонли равишда қўллаш амримас. Ҳатто бугунги кунда Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан махбуслар сонин (жами 39 минг киши) бўйича МДХ давлатлари орасида энг яхши-охирги ўринни эгаллашни инobatга олган тақдирда ҳам бунга эришиш қийин»¹.

Президентимиз И.А.Каримов яна ўз фикрини давом эттириб: «Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислох этиш керак»² деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва мустақил фаолият юртишининг қонуний меъёрлари ва демократик принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сини XXII боб, 106-116-моддаларида ва 84 моддадан иборат 2004 йил 14 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган.

Зеро, суд-одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг родини ошириш демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги

¹ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. // Халқ сўзи, 2005, 19 январь.

² Каримов И.А. Озод ва обод ватан ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз. Т.8. —Т.: Ўзбекистон, 2000. 344-бет.

қонуний жараёндр. Фуқаролик жамиятида одил судловни амалга ошириш принциплари қуйидагилардан иборат (6-чизма).

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳаси-даги ислоҳотларнинг моҳияти суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини судлар орқали ўз вақтида ҳимоя қилишга қаратилган. Шундай экан, биринчи навбатда, суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллигини таъминлаш масаласига эътиборни қаратиш лозим. Бу масалага Президентимиз Ислоҳ Каримов иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасида қилган маърузасида (2002 йил 29-30 август) суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси «Суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлгандагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳуқуқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда Қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»¹ эканлигини таъкидлаб ўтганлари суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириб, бу соҳада белгилаб олинган вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги кунда давлатимиз бу масалага катта эътибор бериб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири - қонун устуворлигини таъминлаш бўйича бошлаб юборилган ишларни жадал суръатлар билан амалга ошириб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди»².

Бундан кўриниб турибдики, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар барпо этилаётган фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган ва улар ўз моҳиятига кўра инсон манфатларининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, Президент И.А.Каримовнинг иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг VII сессиясида (2001 йил 29 августда) сўзлаган «Адолат - Қонун устуворлиги» номли дастурий маърузасида «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти концептуал жиҳатдан аниқ баён этилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002, 25-бет.

² Уша жойда, 25-бет.

Биринчидан - давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилда.

Жумладан, жинсий жазоларни эркинлаштириш, суд фаолиятининг ташкилий шаклларини демократик такомиллаштириш, яъни иккига – жинсий ва фуқаролик ишларини кўрувчи суд тизимга ўтганлиги бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳуқуқий тенглиги ва ўзаро тортиша олиши учун яратилган шароит, айниқса, иқтисодий соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли даражада енгиллаштириш имконининг юзага келгани, даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштирилгани шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш (2008 йил 1 январдан);

5-чизма. Фуқаролик жамиятида одил судловни амалга ошириш принциплари



жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаш-тириш; суд-ҳуқуқ идоралари ходимларининг масъулиятини кучайтириш; тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларининг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш, уларнинг эркин ва мақсад билан меҳнат қилиши учун имтиёз ва кафолатлар тизими яратилганлиги фикримиз исботидир.

Президентнинг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қароридан суд ҳокимиятининг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, чинакам мустақиллигини таъминлашга асосий эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Маълумки, мамлакатимизда бир неча йиллардан буён жиноий қонунчилиқни либераллаштириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар қатъий ва изчил амалга оширилиб келинмоқда. Жиноят учун жазо тайинлашда янгича демократик ёндашувлар реалликка айланди ва улар янада адолатли ва инсонпарварлик тамойилларига уйғунлашиб бормоқда.

Президент И.А.Каримов таъкидлайдики: «Тарихимизга назар ташласяк, кўрамиз, узоқ қилган одамни жазолашдан кўра, кўпроқ қўлчилик ўртасида муҳокама қилиш, изза қилиш, яъни унга авваламбор, тарбиявий чоралар қўлланилган. Иккинчи марта жиноят қилдирмаслик бу биринчи вазифа. Иккинчи вазифа шундан иборатки етказилган зарарни қайтариб олиш. Турмаларда, колонияларда ётган одамларнинг сонини камайтиришимиз керак... Менинг фикрим шундай, одамни қамаш эмас, аввало, у етказган зиённи қандай қилиб ундириб олиш ҳақида ўйлаш керак».

Бу борада жиноят қонунчилиқини либераллаштирув масаласига тўхталадиган бўлсак, 1994-1998 йилларда қабул қилинган Жиноят кодексига 86 та ёки 18,7 фоиз жиноят қатга ижтимоий хавфи бўлмаган жиноятлар сирасига киритилган бўлса, либераллаштириш даврида бу турдаги жиноятларга яна 110 турдаги жиноятлар киритилди.

Агар Жиноят кодексининг ўлим жазоси қўлланиши билан боғлиқ талабларидаги либераллаштирув масаласига келсак, 1994 йил Жиноят кодекси қабул қилинганда 13 тур жиноят бўйича фақулудда жазо тури назарда тутилган эди. 1998 йилга келиб 5 та моддадан бу тур жазо чиқариб ташланди. Ҳозир эса фақат 2 та жиноят тури – терроризм ва оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирганлик учун мазкур жазо тайинланиши мумкин. Илгари фақат вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан қўлланилган ўлим жазоси қўлланилмаслик қондаси 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан ҳам жорий этилди. Бу эса қонунларимизда инсонпарварлик ва одиллик принциплари устувор эканлигидан далолат беради.

Президентимиз бу масалага тўхталиб шундай фикр билдирадилар: «Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна

бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир»¹.

Жиноят қонунчилигида акс этган либераллаштиришнинг янги қоидалари кўплаб жараёнларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жиноят кодексига 66¹-модданинг қўшимча тарзда киритилиши ва 26 жиноят тури бўйича ўзгартиришлар илова қилиниши бунинг далилидир. Агар тарафлар ярашиб, ўртадаги зарар бартараф этилса, шахс ўз қилмишига қаттиқ пушаймонлик билдирса, у жинойий жавобгарликдан озод этилиб, иш суд томонидан тугатилиши қондасининг жорий этилиши бунинг амалдаги самарасидир. Мазкур ҳолат жамиятда сунъий равишда судланганлар сафини камайтиради, унинг узок давом этувчи, ҳатто авлодлар тақдирига таъсир этувчи оқибатлардан химоя қилади.

Бу каби мисоллар кўплаб инсонларнинг тақдирларида акс этаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Бу масалага тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримов шундай фикр билдирадилар: «Шуни таъкидлаш лозимки, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларида бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди».

Халқимизнинг табиатига мос келадиган мана шундай усулдан фойдаланиш ўтган давр мобайнида 26 мингдан ортиқ кишини жинойий жавобгарликдан озод қилиш имконини берди»².

Умуман, Президентнинг 2004 йил 26 сентябрдаги «Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги ва 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонлари қонунчиликни инсонпарварлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда жинойий қонунчиликка мувофиқ ўзгартишлар киритишда, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, Президентимиз Фармони билан 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигида ўлим жазоси бутунлай бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод қамок жазоси ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланиши Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сини 14-моддасидаги «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб белгиланган қонданинг амалдаги исботи дейишимиз мумкин.

Қонунчиликка бундай янгилик киритиш ўз-ўзидан ҳал этилгани йўқ, албатта. Ушбу тадбирий чора халқаро тажриба сабоқларини, хусусан, БМТнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Конвенцияси, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясида ўлим жазоси ҳар бир инсоннинг яшаш учун бўлган фундаментал ҳуқуқига

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. //Ўзбекистон овози, 2005 йил 29 январь.

² «Ўзбекистон овози» 2005 йил 29 январь.

зидлиги эътироф этилганлигини инобатга олган ҳолда пухта ўйланган сиёсат самарасидир.

Ҳозирги пайтда сўнги маълумотларга кўра, дунёнинг 118 давлати қонуний тартибда ўлим жазосини амалда қўлламайди. Шу жумладан, 23 давлат ўлим жазосига ҳукм этилишига мараторинг қўйган.

Бирок дунёнинг 78 давлатида ўлим жазоси сақланиб қолган ва амалда қўлланмоқда. 1985 йилдан буён Қонуний тартибда 50 та давлатда бу жазо бекор қилинган. Ўрта ҳисобда ҳар йили учта мамлакат жазолаш тизимидаги ўлим жазосидан воз кечмоқда.

Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа ошишга санкция бериш ҳуқуқини судларга бериш тўғрисида»ги Фармони ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим босқичини бошлаб берди. Ҳеч бир муболагасиз айтишимиз мумкинки, мазкур фармон билан белгилаб қўйилган чора амалқатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор яна бир поғона юқори кўратилганидан гувоҳлик беради.

Агарда жиноий жазолар либераллаштирилишига қадар, яъни 2000 йилдан жиноят содир этган 31 миңдан зиёд шахс ёки ҳар икки айбланувчидан биттаси дастлабки тергов даврида қамоққа олинган бўлса, 2005 йилнинг биринчи ярмида бундай чора 7,5 миң нафар шахсга ёхуд айбланувчининг атиги биттасига нисбатан қўлланилган, ҳолос.

2000 йилда судланувчларнинг қарийб ярмига озодликдан маҳрум этиш жазолари қўлланган бўлса, 2005 йилнинг олти ойида суд ҳукми эълон қилинганларнинг 70 фоизга яқинига жамиятдан ва оиладан ажратмаган ҳолда жазо тайинлаш чоралари қўрилди.

Сўнги тўрт йил мобайнида иктисодиётга етказилган қарийб 160 млрд. сўмлик ёки аниқланган зарарнинг 75 фоизидан ортиги суд ҳукми билан айбдорлар томонидан тўланди.

Хулоса шуки, либераллаштириш бўйича қабул қилинган қонунлар, у бўйича қилинган чора-тадбирлар амалиётда ўзини тўла оқланганлигини инобатга олиб, келажакда либераллаштиришни нафақат жиноий ҳаракатларга, балки маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа қилмишларга ҳам татбиқ қилиш масаласини кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан ҳам томонлар ярашуви муносабати билан ишни тугатиш мумкинлиги муаммоси ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Енгил тан жароҳати етказиш, оз миқдорда талон-тарож қилиш, майда безорилик ёки шу каби ҳуқуқбузарликларни биринчи бор содир этган шахслар ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган моддий зарарни бартараф этса, бундай шахсларга нисбатан юритилган маъмурий ишлар тугатилиши қонунда назарда тутилса – жазони либераллаштириш ва уни демократлаштириш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлар эди. Бундан жамият, давлат ва барча фуқаролар ҳам бирдек манфаатдор бўлар эди.

5.3. Демократик жараёялар ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари устувор йўналишлари

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу соҳадаги ислоҳотлар демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг замонавий стратегиясини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ижтимоий, сиёсий ва давлат-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Пировард мақсади ҳуқуқий давлатчиликни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлган ушбу ислоҳотлар Республиканинг судлов тизимини ҳам қамраб олмоқда. Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас зарур таркибий қисмидир. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилidir.

Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юқсак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг тақсимланиши амалда жорий этилиши билан чинакам суд ҳокимиятининг қарор топишига том маънода йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим нарса — суднинг давлат ҳокимиятининг бир бутуни сифатида тегишли қатъий ваколатлар соҳиби эканлигини тан олишдир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимияти ташкил этувчи, уюштирувчи, жамият ҳаётининг махсус соҳасини бошқарувчи ҳокимиятдир. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғли мос келишига бевосита боғлиқдир.

Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тўқмоғига айлантилган эди. Одамлар кўз ўнгиде суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида

гадаланди. Эндиги ислохотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўзгариб, унга ҳурмат шаклланиши лозим¹.

1-чизма. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва ислохотлар замирида қутилаётган натижалар



¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003.

Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари муҳим мето-дологик, йўналтирувчи аҳамиятга эгадир: “Халқ судни факат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак.

Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак”¹. Бунинг учун жуда катта ишлар қилиниши лозим. Судлар қонундан оғимай иш тутиб, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, бу йўлдан собитқадамлик билан қатъий бориб, машаққатли меҳнат қилиб, қайтадан халқнинг ишончини қозонишлари зарур бўлади.

Суд ислохотини чуқурлаштириш, бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тарикасида суднинг аҳамияти жиддий ошиб бормоқда. Ислохотлар давомида суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлмоқда. Республикада ўтказилаётган суд ислохотлари босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада қатор қонунларнинг қабул қилиниши ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган, суд ҳокимияти ҳақидаги қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий меъёрлар суд ҳокимиятини мустаҳкамлашга, уни такомиллаштиришга қаратилган.

1992 йил 8 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга қиритиш тартиби тўғрисида”ги қонунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун қабул қилиб, Конституциявий суд сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қолиши кўрсатилган эди. Конституциянинг ўзида ҳам Конституциявий суднинг мақоми, таркиби, судьяларнинг дахлсизлиги, мустақиллиги ва ваколатлари ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинди. Бу суд соҳасида қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири ҳисобланиб, Конституциявий суд фаолиятининг барча жабҳаларини ўзида мужассамлаштирган. Ушбу қонуннинг 1995 йил 30 августда қабул қилинган янги таҳрири Конституциявий суднинг фаолиятини лозим даражада мукамаллаштирди.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ ислохотларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини шакллантириш жараёни бошланди. Қонунга биноан янги суд тузилмалари, жумладан ҳарбий судлар, Олий

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 186-бет.

судда эса харбий ҳайъат ташкил этилди, маъмурий ишларни курувчи судьялар лавозимлари жорий этилиши кўзда тутилди.

Бундан ташқари мазкур қонунда айбсизлик презумпцияси, ҳимоя ҳуқуқи, тортишув, ошқоралик каби тамойиллар, судьяларнинг мақоми, дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминловчи меъёрлар ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “**Харбий трибуналлар ва харбий прокуратура органлари тўғрисида**”ги Фармони билан собиқ Туркистон харбий округи харбий трибунали ўрнида Ўзбекистон Республикаси қуролли қучларининг харбий суди ташкил этилган. 1992 йил 3 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида (Олий Кенгаш қарори) харбий ҳайъат тузилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 23 сентябрдаги “**Ўзбекистон Республикаси харбий судини ташкил қилиш тўғрисида**”ги Фармон билан эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучларида олиб борилаётган ислохотларни ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегарасини ҳимоя қилувчи кўмита, Ички ишлар вазирлиги ички ва қоровул қўшинлари Бош бошқармалари ҳамда Мудофаа вазирлигининг харбий округлари тузилиши муносабати билан, харбий судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти самарадорлигини юксалтириш, қуролли қучларда, харбий идораларда ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилаётган бошқа харбий тузилмаларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида Қуролли Қучлар харбий суди негизида Ўзбекистон Республикаси харбий суди ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси “**Ҳакамлик суди ва ҳўжалик низомларини ҳал этиш тартиби тўғрисида**”ги қонун (1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган, 1992 йил 1 январдан қучга кирган)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларидаги ҳакамликлар тугатилиб, ҳакамлик судлари ташкил этилди. Ҳакамлик судлари тизими — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳакамлик суди ва вилоятларнинг ҳакамлик судларидан иборат эди.

Қонунга кўра, ҳакамлик суди тадбиркорлик фаолияти жараёнида вужудга келадиган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари (иқтисодий низолар)дан ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 1992 йил 8 декабрдаги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳакамлик судлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳўжалик судлари сифатида қайта ташкил этилиши кўрсатилган.

Ҳўжалик судларининг мақоми кейин қабул қилинган қонунлар билан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1993 йил 2 сентябрда ва 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган

«Судлар тўғрисида»ги қонун ҳамда 1993 йил 2 сентябрда ва 1997 йил 30 августда янги таҳрирда қабул қилинган Хўжалик-процессуал кодекси билан мустаҳкамланган.

Хўжалик судларининг шаклланиши ва ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги, шунингдек, хўжалик судларига иктисодиёт соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида қўшимча ваколатлар берган 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юридувчи субъектларнинг иктисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонлари катта аҳамиятга эгадир.

Суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини қадам-бақадам тақомиллаштириб бориш зарур. Бу ҳуқуқий асос суд ва судьяларни ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунилишни таъминлаш лозим. Бу ҳуқуқий асос демократияни, холисликни, суднинг ҳаммабоб бўлишини, суднинг доираси кенгайишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида (1996 йил 29 август) суд-ҳуқук ислохотларининг боришига янада жиддийроқ эътибор қаратилди. Жумладан, давлатимиз бошлиғи куйидаги сўзларни айтди: «Суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тарикасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак»¹.

1997 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ташкил топди. Таъсис мажлиси Ассоциациянинг Уставини қабул қилди. Уюшма Устави 1997 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси судьяларининг ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Ассоциациянинг асосий мақсади ва вазифалари — суд-ҳуқук ислохотини ўтказишда фаол иштирок этиш; одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида судьяларни қўллаб-қувватлаш, уларни турли таййиқлардан ҳимоя қилиш; судьяларни тайинлаш (сайлаш) масалалари юзасидан таклиф киритиш; судьяларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий таъминотини яхшилаш ва рағбатлантириш масалалари юзасидан ваколатли органларга таклиф киритиш ва ҳоказолардан иборат.

¹ Каримов И.А. Янги таҳрирда қабул қилинган Хўжалик-процессуал кодекси билан мустаҳкамланган. Т.5. —Т.: 1997, 127-бет.

Ассоциацияни ташкил бўлганлигига салкам беш йил бўлган бўлсада, лекин бугунги кунда бу жамоат бирлашмасининг фаолиятини тўлақонли деб бўлмайди. Ассоциациянинг Уставида баён этилган вазифалар ҳаёлий ёки амалга оширилиши мумкин бўлмаган нарсалар эмас.

Ассоциация суд фаолиятига аралашининг ҳар қандай ҳолларига қарши курашмоғи, судларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳақида ҳукуматга тегишли таклифлар билан чиқиши, кадрларни тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишларида нафақат демократия нуқтаи назаридан, балки бу ташкилий масалани ҳал қилишнинг муҳим бўғини сифатида қатнашиши лозим.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ жамиятимиз олдида амалдаги судни ислоҳ қилиш вазифасини қўйди. Шу ўринда суд ислоҳоти масаласи давлатимиз раҳбарининг эътиборида эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Парламентимизнинг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган XIV сессиясида мамлакатдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш масалалари таҳлил этилди. Асосий эътибор суд жараёнида адвокатларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилди.

Сессияда илгари сурилган вазифаларни тез ва самарали ҳал этиш, суд ислоҳотини жадаллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш туғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Бу Комиссия хусусан, судларни ихтисослаштириш ҳамда судда апелляция тартибида иш кўриш ҳақида таклифлар киритди. Бу таклифлар 2000-2005 йиллар давомида қонунчиликка киритилган қўшимчаларда ўз амалини топди.

Жамиятни ислоҳ қилишнинг муваффақияти кўпинча суд тизимини ислоҳ қилишга боғлиқ. Суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қудратли қуроли, шахс ва жамият ҳавфсизлигининг кафолатидир.

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар туғрисида»ги қонунга мувофиқ Адлия идоралари судларнинг ташкилий ишларини текширадидлар, уларнинг ҳисоботларини эшитардилар, одил судловга баҳо берардилар.

Бундан ташқари, адлия бошқармаларининг бошлиқларига судьяларга нисбатан интизомий иш кўзгаатишдан тортиб, то унинг ваколатини тўхтатиш, ҳатто лавозимидан бўшатиш масаласини қўйиш ҳуқуқи берилган эди.

Бу ҳолатлар судьяларнинг мусгақиллиги туғрисидаги конституциявий тамойилига зид эди.

Бирок ҳар қандай қонун ҳужжати ижтимоий турмушнинг ўзгариб бораётган шароитларига мувофиқ равишда такомиллашиб боради.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг янги таҳририда (63-модда) вилоят судлари, туманлар, туман (шаҳар) судлари судьялари, ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши белгиланди.

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида умумий юрисдикция судлари негизида 2001 йил 1 январдан алоҳида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг амалга киритилиши билан суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали, демократик ҳуқуқий механизми яратилди, суд ишларини кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди.

Республика Президентининг 2001 йил 19 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Фармон, «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш масалалари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Олий малака комиссияси ва судьяларнинг жойлардаги малака ҳайъатлари ваколатларига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони суд органларини мустақиллиги кучайтириш, суд кадрлари захирасини ташкил қилишда ва суд кадрларини танлашда демократик принципларни кучайтириш борасида яна бир қатта қадам бўлди. Қонунга киритилган янгилıklarдан яна бири — Адлия вазирлиги ҳузурида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича департамент тузилди. Департамент директори ўз лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

Инсон ижтимоий муомалага киришар экан, улар ўртасида баҳс, низо, мунозаралар бўлиб туриши табиийдир. Уларни ҳал этиш учун демократик давлатларда кучли ва мустақил суд тизими яратилган.

Судлар низоларни ҳал этишда қонунларга асосланганлиги учун фаолияти мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятга боғлиқдир. Суд ҳақиқий маънода одил бўлиши учун, аввало у таянадиган қонунлар мукамал ва адолатли бўлмоғи лозим.

Республикамиз Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессияси суд-ҳуқуқ ислохотининг навбатдаги босқичини бошлаб берувчи таянч нуқтаси бўлиб қолди.

Ушбу сессияда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Қонунга биноан Жиноят кодексига жами жазоларга нисбатан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят турларининг улуши 42,8 фоизга ўсганлиги (илгари бу кўрсаткич 18,7 фоизни ташкил қилган), мол-мулкни мусодара қилиш каби қўшимча жазо тури чиқариб ташланганлиги, Жиноят кодекси аёлларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан янада инсонпарварлик билан ёндошувни кўзда тутадиган қисмлар билан тўлдирилганлиги, ўлим жазоси қўланиши мумкин бўлган жиноятлар сони 8 тадан 4 тага қисқартирилганлиги, Жиноят процессуал кодексига инсон манфаатларини, шарқона кечиримлилик, юз-хотирлик кадриятларини тўлақонли амалга оширишга имконият берувчи ярашув ишлари бўйича алоҳида бобнинг киритилганлиги ва ҳоказолар, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган бир қатор ўзгаришлар инсонпарварлик давлатимизнинг ижтимоий сиёсатидаги марказий тамойил эканлигини янада кенгрок эътироф этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Бугун бизнинг ҳуқуқий докторинамиз муғлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди.

Қонун ҳужжатларини демократлаштирилганлиги ва либераллаштирилганлиги фуқароларни жамиятдан батамом ажратиб қўювчи шафқатсиз жазолардан воз кечиляётганлигининг навбатдаги далилидир. Бинобарин, жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш жазоларнинг оғирлигига эмас, балки қонунни бузишга йўл қўйган шахснинг жазо муқаррар эканлигини онгли равишда тушуниб етишига боғлиқ. Президентимизнинг: “Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади”, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимизда амалга ошириляётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар маълум муддатга мўлжалланган вазифалар бўлмасдан, балки ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлари йўлидаги босқичма-босқич бажариладиган узлуксиз жараёндир.

Олий Мажлис қошида ташкил қилинган суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссияси аъзолари турля-туман рояларни илгари суриб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб баҳс юритишяпти. Фикрларнинг хилма-хиллиги жуда зарур. Zero, ҳақиқат ана шундай баҳсла аниқланади.

Фикримизча, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга, мустақил суд ҳокимиятининг шаклланишига ҳалакият бераётган сабаблар ҳам мавжуд. Сир эмаски, айрим юристлар ва раҳбарлар онгида совет тузумига ҳос давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги коммунистик ақидалар сақланиб қолмоқда.

Кўпчилик сўздагина судларнинг мустақиллиги ҳақидаги ғояларни маъқуллаганлари ҳолда, аслида, жамиятимиз бундай даражага ҳали етишмаган, судьялар тайёр эмас, кўп хатоларга йўл қўймоқдалар, шунинг учун уларни бошқариш ва устидан назорат олиб бориш зарур, деган эски ёндошувдан воз кечолмай келяпти.

Бундай маъмуриятчилик билан мутлақо келишиб бўлмайди. Аслида эса, бундай шахслар судларнинг устидан ҳукмронлик ваколатларини қўлдан беришни хоҳламаяптилар, мустақил суд эса фақат қонунга бўйсунди.

Назарий жиҳатдан ўйлаб кўрилиши ва амалий жиҳатдан ҳал этилиши керак бўлган бошқа масалалар ҳам бор. Жумладан, ихтисослашувини янада такомиллаштириш мақсадида янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунда (36-модда) белгиланган маъмурий ишлар бўйича судьялар масаласини, шунингдек, солиқ, транспорт, божхона ва бошқа соҳаларнинг ихтисослашган судларини ташкил қилиш масалалари ҳал қилиниши лозим.

Суд мустақиллигини таъминлашда коллегиаллик, яъни халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларни суд муҳокамасидаги иштироклари билан боғлиқ муаммо мавжуд. Сир эмас, халқ маслаҳатчилари жиноят ишининг суд муҳокамасида судьянинг хоҳиш-иродасига мувофиқ иштирок эттирилади. Айрим халқ маслаҳатчилари бутун сайланган ваколати муддати мобайнида санокли ишда қатнашади ёки умуман иштирок этмайди. Айримлари эса, судьянинг “донмий” маслаҳатчисига айланиб қолади. Сабаби, қайси маслаҳатчиларни тақдиф этиш субъектнинг хоҳишига боғлиқ.

Халқ маслаҳатчилари жиноят ишлари бўйича судлев жарғғида судья билан тенг қатнашсаларда, лекин улар иш натижаси бўйича ҳеч қандай жавобгар бўлмайди. Келгусида халқ маслаҳатчилари институтини тугатиш ёки уни моҳият жиҳатдан янгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Судлар томонидан адолатли ҳукм чиқаришга эришишда яна муҳим масала — суд процессида томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тенглаштириш орқали тортишув ва музокараларнинг бўлишини таъминлашдир. Хусусан, суд процессида прокурор ва адвокатларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тенглаштирмасдан туриб, судда адолат қилиш мумкин бўлмайди.

Масалан, суд муҳокамасида прокурорнинг бор-йўғи тараф эканлигини на суд, на прокурорнинг ўзи маъқул кўрмаётганлиги фикримизни тасдиқдайди, деб ўйлаймиз.

Бунга прокурорнинг назорат тартибида келтирган протестлари Олий Суд Писнумидан тортиб, то вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларида ҳам кўрилиши мажбурийлиги ҳақида процессуал тартиб мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу тартиб сўзсиз, суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиши лозим бўлган прокурорга, суд қарорлари устидан “назорат” қилишни процессуал тарзда мустаҳкамлайди. Ваҳоланки, суд муҳокамасида тенг ҳуқуқли тараф деб эътироф этилган ҳимоячига бу ҳуқуқ берилмаган. Ҳимоячининг норозилик билдириш ҳуқуқи таъминланган ҳолда, бу ҳужжат мажбурий тарзда назорат инстанциясида кўриб чиқилиши белгиланмаган. Бу камчилиқни бартараф этиш вақти етди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида (34-модда) белгиланишича, суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишга прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлса-да, лекин ҳимоячига бу даражада ҳуқуқ берилмаган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Республикаимиз Президенти таъкидлаганидек: “Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”¹.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотлари муваффақиятли кечмоқда, олинган мўлжалнинг тўғри эканлиги амалиётда тасдиқланмоқда. Ҳозирги вақтда Республикаимиз ислохотининг муҳим босқичига — жамиятнинг юридик механизмини янада такомиллаштириш босқичига қадам қўйди. Эришилган натижани яхлит тарзда таҳлил қилиш ва ислохотларнинг бўлғуси истикболларини белгилаш вақти етди.

5.4. Суд мустақиллиги ҳақида ҳолис ахборот етказишда матбуотнинг роли

Судьялар мустақиллиги ва матбуот эркинлиги - бу муштарак тушунчалар бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳаётинда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бирининг мустақиллигига раҳна солаётган омил иккинчисининг ҳам эркинлигини чегаралаб қўяди. Шу маънода, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайиб бориши бежиз эмас. Бироқ бу манфаатлар йўлидаги эмас, балки демократия, қонун устуворлиги йўлидаги ҳамкорлик деб баҳоланиши лозим¹.

Негаки, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири суд мустақиллиги ва матбуот эркинлигидир.

¹ Қаримов И.А. Озод ва обод ватан ва фаровон ҳаёт—пиروвард мақсадимиз. Т.8. —Т.: Ўзбекистон, 2000, 344-бет.

² Бу ҳақида баянфилроқ қаранг: Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йулида. —Т.: ТМИ, 2004, 152-бет.

Яъни, бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкоралик ва жамиятда ўтказилаётган ислохотлар очиклигини таъминлашда ифодаланади. Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент И. Каримов «Бизнинг бош» мақсадямиз - жамиятни демократлаштириш ва ингилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир» (2005 йил 28 январь) маърузасида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Юртбошимиз, хусусан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда демократик андозаларни жорий этиш ва энг асосийси, давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан жамоат назоратини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ҳуқуқий онига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялайдиган қонун ва нормаларни, суд ҳокимияти қарорлари ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишдек кенг миқёсда ўзгаришлар тарғиботини «стўртинчи ҳокимият»нинг фаолиятсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Конституциямизнинг 67-моддасида қайд этилганидек «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар...» Бош қонусимизнинг шу ва бошқа нормалари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш эркинлиги ва қафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолигини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги қонунлари журналистларнинг ҳуқуқ доирасини жаҳон андозаси даражасида кенгайтирди. Шу билан бирга, улар зиммасига қатор бурч ва мажбуриятлар ҳам юкланди. Зеро, ҳуқуқ соҳасида, хусусан, изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мавзусида қалам тебратадиган журналистдан алоҳида ҳуқуқий савия — масъулият талаб қилинади.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, «...муайян иш бўйича суд қарори чиқмай туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарты билан маълумот берган шахснинг номини ошқор қилиш тақиқланади». Аммо қундалик матбуотимизда чоп этилаётган айрим мақолаларда қонун тилини билмаслик юридик теминларни нотўғри қўллаш, масаланинг моҳиятига етмасдан «ҳуқуқий хулоса» чиқариш, юқори инстанция судининг ҳал қилув қарори чиқмасдан туриб, муайян иш юзасидан тахминлар эълон қилиниши ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат икки масалада алоҳида ўрин тутади:

-биринчиси, судларнинг транспарентлиги, маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш бўлса, иккинчиси оммавий ахборот воситаларининг вазифаси жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилганлигини инобатга олсақ журналистлар томонидан суд жараёнига аралашувга йўл қўймаслик суд қарорига таъсир этувчи негатив ҳолатларнинг олдини олиш. Масаланинг назарий жиҳатдан мураккаблиги шундаки, бир вазифанинг бажарилиши иккинчисининг бажарилишини хавф остида қолдиради.

Албатта, бу ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммоларни вужудга келтиради. Чунки айтиш мумкин бу масалада амалиётчилар ва назарийчилар икки хил фикрда. Баъзи олимлар ОАВ суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши зарур, деб ҳисобласа, бошқалари суд фаолияти устидан ҳеч ким назорат ўрнатиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай назорат суд мустақиллигига раҳна солади, деган фикрни билдиришади.

Ҳар икки фикрни ҳам инкор этмаган ҳолда, мавжуд муаммони бартараф этиш борасида баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Бизнингча, оммавий ахборот воситаларининг суд маълумотларидан фойдаланишлари — суд органлари фаолияти устидан фуқаролик назоратининг шакли бўлибгина қолмай, балки бундай фойдаланиш эркинлиги суд ҳатолари эҳтимолини камайтиради. АҚШда чоп этиладиган «Журналистлар ва ҳуқуқшунослар» журналининг 1976 йил 2-сонида таниқли журналист ва ҳуқуқшунос Х.Симонс ва Д.Калифано ўз мақоласида бундай ўзаро ҳамкорлик зарурлигини қуйидагича асослаганлар: «Суд қарорларини қўллаб-қувватлашнинг асоси инсонлар ҳисобланади. Шундай қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг энг самарали усули оммавий ахборот воситаларидир».

Суд фаолиятига оид маълумотлардан оммавий ахборот воситалари вакиллари эркин фойдаланиши — демократик жамиятнинг долзарб масалаларидан бири. Шу боис демократия қарор топган илғор Фарб давлатларида судлар транспарентлигига алоҳида эътибор қаратилади. «Транспарентлиги» умумжаҳон ҳуқуқий атамашунослигида одил судловнинг очкилиги, ошқоралиги ва оммавийлиги маъносини англатади. Одил судловнинг транспарентлиги эса, шунчаки истак эмас, балки халқаро ҳужжатларда белги-ланган талабдир. Бу вазифани фақат ОАВ орқали амалга ошириш мумкинлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, авваламбор, айбисизлик презумпциясига амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш, судьялар мустақиллигини такомиллаштириш зарурлиги билан чегараланган ўзига хос хусусиятга эга.

Аввало, суд ишларининг очик юритилиши конституциявий тамойили суднинг ҳатоларга йўл қўйиш эҳтимолини камайтирувчи, иш ҳужжатларини текширишда ҳуқуқнинг моддий ва процессуал нормаларига аниқ амал қилишнинг кафолати сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, суд ишларининг очик юритилиши ва суд қарорларининг оммавий тарзда ўқилиши — фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва цивилизациялашган ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Қолаверса, суд органлари фаолияти устидан фуқаролик назорати — ҳуқуқий демократик давлатнинг зарур шартидир.

Буларнинг барчаси кенг жамоатчиликка суд тўғрисида объектив маълумотга эга бўлиш имконини бериш билан бирга, унинг халқ орасида ҳокимият тармоғи сифатида обрўсининг ўсишига, натижада мустақиллигининг мустаҳкамланишига замин яратади.

Энг муҳими, суд тўғрисида бўлар-бўлмас гап-сўзларга чек қўйилади. Одамларда судга нисбатан ишонч уйғотади. Фақат кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган суд ҳокимиятигина ҳақиқий мустақилликка эришиши мумкин.

Бирок судда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи нормаларнинг йўқлиги бу борадаги ошқораликни сустлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 113-моддасига асосан, қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, судда ишлар ошқора юритилади, демак, журналистлар ҳар қандай суд жараёнида иштирок этиши мумкин. Аммо амалдаги процессуал қонунчилик (ЎЗР ЖПК 375-модда) ОАВ вакилларини иш ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига киритмайди, яъни судья ОАВ вакиларини процессга қўйиш ёки қўймаслиги мумкин, қўйган тақдирда эса, уларнинг ҳаракатларини чеклаш ҳуқуқига эга (аудио ёки видео тасмага туширмаслик) ва х.к.

Шу ўринда журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, авваламбор, айбисизлик презумпциясига амал қилиш ҳақида икки оғиз сўз. Юридик атамашуносликда «диффамация» деган тушунча мавжуд бўлиб, у фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш, деган маънони англатади. Яхши биламизки, инсон шаъни, кадр-қиммати конституциявий кафолатлар билан мустаҳкамланган олий кадрият саналади. Тўғри, сўз ва матбуот эркинлиги ҳам Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган. Бирок жониз бўлганда инсон шаъни ва кадр-қиммати масаласи сўз ва матбуот эркинлигини ҳам маълум маънода чегаралаб қўяди. Журналист суд жараёнларини ёритаётган чоғида асло буни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Ҳатто айрим демократик давлатларда шахснинг фикрини, суратини унинг розилигисиз ОАВда чоп этиш тақиқланади. Бу унинг фотоҳуқуқи ҳисобланади.

Яна шунини таъкидлаш керакки, ОАВ судлар фаолиятини ёритишни яхшилаш учун кўп ишларни амалга оширишлари мумкин.

Биринчи навбатда, ОАВ судларни ўзига хос институт сифатида тан олиши ва шунга муносиб равишда суд фаолиятини ёритишлари зарур. Газеталар доимо қонун чиқарувчи ва яқро этувчи ҳокимиятлар институционал масалаларни хал қилиши тўғрисида ёзадилар. Судлар фаолиятининг институционал соҳаси масалаларида эса ОАВ маълум ҳодиса жамиятда номувофик келганда «ташланадилар». Бу билан репортёр ва бош муҳаррирлар ўзига нотаниш соҳага

киради ва бу ерда етарли даражадаги тайёргарликка эга бўлмаганлиги панд бериб қўяди. Натижада масаланинг муҳим ҳаққатлари очилмай қолади. Зеро, ҳар бир суд процесси - ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ва ОАВ шу нукта назардан масалага ёндашиши лозим бўлади

Шундай экан, муҳаррирлар журналистларнинг ҳуқуқий масалаларга ихтисослашувига барча имкониятларни яратиб бериши, журналистика факультетларида ҳуқуқ журналистикаси бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилиши, ҳуқуқий соҳада қалам тебратадиган журналистларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида муайян ишларни амалга ошириш, олий таълим муассасалари магистратурасида «суд-ҳуқуқ журналистикаси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш бугунги кунда катта аҳамият касб этади.

Яна бир гап. Журналистлар суд тизими ва судьялар бошка ҳокимият бўғинлари томонидан қўлланиладиган ёки улар билан таққослаганда одатий бўлмаган нормаларга асосланишини англашлари лозим. Хизмат вазифаси маълумотларни излаб топишдан иборат бўлган журналистлар маълум чекловларга дуч келишлари табиий ва буни тушунишлари зарур.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Бизнингча, бу борада матбуот хизматининг фаолиятдан самарали фойдаланиш керак. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок судларда матбуот хизматлари ташкил этилди.

Америкалик Маргерит Х.Салливаннинг фикрича, матбуот хизмати икки асосий вазифани бажарди. Улар ОАВ билан муносабатда бўлиб, ўзи ишлаб турган идора фаолият йўналишини тушунтиради, унинг адвокати роляни ўйнайди. Улар хато ахборотни тўзатишда ҳамда мавжуд ахборотнинг тушунилиши ва талқинини осонлаштиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, репортёрларнинг талаб-эҳтиёжларини, дейлик, раҳбарлар муҳокама қилишга тайёр, хатто тайёр бўлмаган мавзуда репортаж ёзиш истагини ўз раҳбарига етказиб, унинг олдида ОАВнинг адвокати бўлиши ҳам мумкин.

Сўз ва матбуот эркинлигининг конституциявий тамойилидан келиб чиқсақ ҳар бир шахс, жумладан, журналист исталган вақтда, исталган ташкилотдан маълумотлар сўраб олиш ҳуқуқига эга Журналистларнинг саволларига матбуот хизмати томонидан «бизда бундай маълумотлар йўқ» ёки «бундай маълумотларни бера олмайман» кабилида жавоб қайтариш қонунга зид ҳаракатдир Бу эса ўз-ўзидан ахборот очиклигини — судлар транспарентлигини англатади.

Оммавий ахборот воситаларида ҳамонки нотўғри маълумотлар чоп этилаётган экан, демак матбуот хизмати журналистларни етарлича ахборот билан таъминлай олмаган.

Ҳолатни баҳолаш мақсадида халқаро тажрибага мурожаат қиламиз.

Германияда суд фаолиятининг очиклиги ва ошкоралиги принципига риоя қилиниши мантик жиҳатидан, суд жараёни ва унинг натижаси халқ назорати остида амалга оширилиши лозим, деган қондага қатъий амал қилишдан келиб чиқади.

Англия ва АҚШда суд қарорлари тўғламлари чоп этилади. Махсус нашрлар орқали халққа ҳисоботлар бериб турилади. Бу ишдан ҳатто хусусий нашрлар ҳам четда эмас.

Канада олий судида суд раиси қошида ҳуқуқий масалалар бўйича бош қотиб лавозимини бажарувчи «ижро этувчи қонун вакили» ОАВни суд томонидан чиқарилган қарорлардан доимо хабардор қилиб туради У қабул қилинган қарорларга баҳо бермасдан чиқарилган қарор моҳиятини тушунтириши, саволларга жавоб бериши, шунингдек, суд томонидан амалга оширилган ишнинг аҳамиятини тушунтириши мумкин. Шуниси қизиқки, Канадада «ижро этувчи қонун вакили» қўрилаётган иш бўйича келиб чиққан саволларга ишни кўришдан ва қарорни ўқишдан олдин матбуот конференцияси ўтказиб, жавоб беради, лекин барча маълумотлар тасмага ёзилмаслик шарти билан тақдим этилади. Журналистлар ушбу маълумотлардан расмий ахборот сифатида фойдаланмаслиги керак...

Ўзбекистонда судлар транспарентлигини таъминлашда Президент И. Каримовнинг иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги тарихий маърузаси муҳим аҳамият касб этди. Юртбошимиз мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берад экан, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласига алоҳида диққат-эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг халқаро Интернет тармоғида ўз веб-сайти ташкил этилди. Эндиликда нафақат ОАВ вакиллари, балки ҳар қандай шахс дунёнинг исталган нуқтасида хоҳлаган вақтда, яъни 24 соат мобайнида Интернетдаги WWW.SUPCOURT.GOV.UZ манзили бўйича мамлакатимизда кенг кўламда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, Олий суд ва умумюрисдикция судларининг одил судловни амалга оширишдаги фаолияти ҳақида тезкор, янги, энг муҳими, ишончли маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Омавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот оляш эркинлиги ва қафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги қонунларига қўшимча ва ўзгартишлар киритишни, «Давлат ҳокимиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби тўғрисида»ги, «Оммавий коммуникациялар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар асослари тўғрисида»ги, «Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришлари тўғрисида»ги, «Жамоат телевидениеси тўғрисида»ги, «Кабель кўрсатувлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш устида кизгин иш олиб борилмоқда. Ўйлаймизки, мазкур қонун лойиҳаларини қабул қилиш жараёнида Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодексининг тегишли моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Албатта, бундан кўзда тутилган асосий мақсад ОАВнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини янада кенгайтириш, фаолиятини либераллаштириш ва мустақиллигини амалда таъминлашдан иборатдир.

5.5. Одил судловни амалга оширишда судьялар ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мустақиллик йилларида суд органларининг мақоми, функциялари ва тузилиши тубдан ўзгарди. Улар ўз фаолиятини демократик нормалар ва принциплар асосида кураётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмнинг муҳим элементига айланди¹.

Маълумки, давлат ва жамиятнинг обрўси ўша давлатда мавжуд бўлган суд ва судьяларнинг қонун талабларига оғишмасдан амал қилишларига, қабул қилинган ҳар қандай қарорлар қонун меъёрларига нечоғлик мос келишлигига бевосита боғлиқ. Ш.Монтескье таърифлаганидек: **“Исон учун одил судловдан муҳимроқ нарса йўқ”**.

Судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати жамиятда тутган мавқеи, ҳуқуқ ва бурчлари, фаолиятининг конституциявий қондалари Ўзбекистон Республикасининг **“Конституциявий суд тўғрисида”**ги, **«Судлар тўғрисида»**ги қонунларида, **“Харбий судларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом”**да, Жиноят кодекси, Жиноят процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик. процессуал кодексларида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Меҳнат кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Қонунга мувофиқ, одил судлов фақат махсус ваколат берилган судьялар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга, судларнинг раислари, раис ўринбосарлари, айна вақтда, судьялардир. Бошқача айтганда, суд раиси (ўринбосари) фақат бошқарув ва ташкилий ишлар билан шуғулланувчи малакали маъмуриятчи эмас, асл касби судьяликдир, улар ҳам зарур вазиятларда суд ишларини кўраверадилар.

Судьяларнинг юксак мақомидан келиб чиқиб, қонун судьяликка номзодларга муайян талабларни қўйган.

Жумладан, **“Конституциявий суд тўғрисида”**ги қонунда (12-модда) сиёсий ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

“Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсуншга таянганли қасамёд қиламан...”.

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 161-бет.

Конституциявий суднинг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилдиради (13-модда).

«Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ эса йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоидага кўра, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу моддадаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек, ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади (61-модда).

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ва тайинланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида тантанали вазиятда қасамёд қиладилар.

Судга одил судловни амалга оширишда давлат номидан қарорлар қабул қилиб, ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиққан низоли ҳолатларни муҳокама этиб, ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. Бу ҳолат судьяларни чуқур билимга, юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлишларини тақозо этади. Шунинг учун суд тизимида кадрларни танлашда уларнинг соҳа бўйича малакасига эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, умумий судларда жиноят ишларини кўрувчи судьялар захираси тергов идоралари, судда иш кўришда прокурор ваколатини таъминлашда маълум тажрибага эга юқори малакали прокуратура ходимлари ёки судларда жиноят ишларини кўришда тажриба орттирган адвокатлар ҳисобига тўлдирилиши, мисол учун, қонда тарикасида судьяликка номзод номи зикр этилган идораларда камида 5 йилдан ортиқ ишлаган ҳуқуқшунос мутахассис бўлиши лозимлигини қонунда ақс эттириш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунга ўхшаш, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўришга ихтисослашган судьялар ўринни халқ хўжалигидаги юридик хизматда ишловчи, шунингдек, соҳа бўйича амалий тажрибага эга прокуратура ва адвокатура ходимлари ҳисобига тўлдирилиши ҳам қонунда ақс эттирилса, ўринли бўлар эди. Чунки, судьялик лавозимига тайинла-наётган тажрибасиз судьялар соҳа бўйича амалиётда ишламаганликлари сабабли ишни ҳал қилишда тез-тез хато ва камчиликларга йўл қўйишлари, “бошқалар маслаҳатига” муҳтожлик сезишлари оқибатида қонунсиз қарорлар қабул қилаётганлиги амалиётда учраб турибди.

Ривожланган давлатларда номзодларнинг йиққан тажрибалари ҳисобга олиниб, судьялик лавозимига тавсия этишга кенг йўл берилган.

Масалан, АҚШда олий ўқув юртларида бакалавр дипломини олган ёшлар магистрлик даражасига эга бўлиш учун ўқийдилар ва магистр 10-15 йил давомида юрист, адвокат ва бошқа соҳаларда ишлагандан кейингина судьяликка лицензия олиш учун Олий суд ҳузурида ташкил этилган махсус комиссияга мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Энди судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиблари тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси яққа тартибда сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс судья этиб сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд таркибида камида тўртта киши сайланган тақдирда суд ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир. Судья Конституциявий суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда Олий Мажлис белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик судининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва хўжалик судининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Ташкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан; хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланади.

5-чизма. ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон Республикасида одил судловнинг конституциявий - ҳуқуқий принциплари ва асослари

Биринчи принцип - одил судловнинг фақат суд томонидан амалга ошириладигандир. Бу принцип суд фаолияти чегараларининг Конституцияда белгиланганлигида, яъни конституциявий, фуқаролик ва жиноий судлов ишларини амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилишида, шунингдек, суд тизими нормаларининг қонуний мустаҳкамланганлигида ўз ифодасини топади.

Иккинчи принцип - одил судловни амалга оширишда суд докимватинияг ва судьяларнинг мустақиллигидир. Конституциянинг 112-моддаси ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига биноан судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қону билан қафолатланади.

Учинчи принцип - суд ишларини юритишнинг ошқоралигидир. Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Уларда судланувчиларнинг қариндош-уруғлари, яқинлари, истаган фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, журналистлар иштирок этишлари мумкин. Конституциянинг 113-моддасига мувофиқ, давлат сирини ёки харбий сирлар билан боғлиқ ишлар ёпик мажлисда кўрилади.

Тўртинчи принцип - Конституциянинг 114-моддасига кўра, суд докимватини чиқарган ҳужжатларнинг мажбурийлигидир.

Бешинчи принцип - одил судловни амалга оширишда тил тўғрисидаги конституциявий принцип қатъи аҳамиятга эга. Конституциянинг 115-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қирақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб боряётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Олтинчи принцип - айбисизлик презумпцияси. Конституциянинг 26-моддасида кўрсатилишича, жиноят содир этганида айбланаётган ҳар бир шахснинг яши судди қонуний тартибда ошқора кўриб чиқилади. унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Еттинчи принцип - ҳар қанчанг суд ҳимоясида бўлиши ҳуқуқидир. Конституциянинг 44-моддасида: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳагги-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади», деб ёзиб қўйилган.

Сиккизинчи принцип - фуқароларнинг қонуни ва суд олдига тенглигидир. Конституциянинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, ётиқлиги, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонуни олдига тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонуни билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий алоқат принципларига мос бўлиши шарт».

Ҳарбий судларнинг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Демак, судьялар тайинланиши ёки сайланиши мумкин. Албатта, сайлаш демократик аъёналарга кўпроқ мос келган бўлади. Аммо судьяни сайланиши, овоз бериш жараёни судьяларни халқнинг воқеа-ҳодисаларга мувофиқ ўзгариб турадиган кайфиятига боғлаб қўяди. Қолаверса, судья сайлов яқинлашгани сари сиёсийлашиб, турланиб бораверади, чунки қайта сайланиш учун кўпроқ овоз олиш керак. Судьянинг сиёсатчига айланиши одил судлов учун хавfli ҳолатдир. Судьяларни тайинлаш орқали танлаш шу нуқтаи назардан ўзини оқлайди.

Кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра (МДҲда ҳам) судьялар Адлия вазирлиги тавсиясига биноан давлат бошлиғи томонидан тайинланади. Муайян мамлакатларда шу давлатлар қурилиши тизимига мувофиқ, судлар танлов (Греция, Бразилия), Магистратура Олий Кенгаши тавсиясига кўра (Франция, Италия), ёхуд лордканцлер (Буюк Британия), сенатор розилиғи (АҚШ, Бельгия) асосларида танланади. Россия Федерацияси, Украина, Молдова, Қирғизистон, Литва, Эстония каби давлатларда судьялар Президент томонидан тайинланади.

Судьялар мақомини асосий мазмунини ташкил этувчи масалаларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари йиғиндисидир. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддасига мувофиқ, судьялар:

1. Мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

2. Мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;

3. Уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва jisмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳар бир судья суд ҳокимиятини намоён этувчи ваколатли соҳибдир. Судьяларнинг манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилиш учун улар муайян жамиятларга уюшишлари мумкин. Бундай жамиятлар каторига Ўзбекистон Республикасининг судьялар Ассоциацияси киради.

Мазкур юксак ва масъулиятли ҳуқуқлар тегишли мажбуриятлар билан ҳамоҳанг майдонга чиқади. Конституция ва қонун судьялар зиммасига муайян мажбуриятларни юклайди.

Судьялар фукаролик, хужалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларга сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлиши шарт.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг ҳолислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши, шунингдек, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судьяларнинг ваколатлари тегишлигига қараб амалдаги муайян процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг регламенти” (64-модда)да Конституциявий суд судьясининг ваколатлари кўрсатилган бўлиб, бунга мувофиқ Конституциявий суд судьяси:

Конституциявий суд мажлисини чақиришни талаб қилиш, уни кўриб чиқиши учун масалалар таклиф этиш, Конституциявий суднинг тўхтами юзасидан алоҳида фикр билдириш ҳуқуқига эга;

Конституциявий суднинг барча мажлисларида ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан иштирок этади;

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда ва ушбу Регламентда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади ҳамда мажбуриятларни зиммасига олади.

Конституциявий суд ваколатига кирадиган барча масалаларни ҳал этишда судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Масалаларни кўриб чиқишда Конституциявий суд тарафларнинг далил-исботларига боғланган эмас. Конституциявий суд тақдим этилган материаллар, тушунтиришлар ва кўрсатувлар билан чекланиб қолмай, иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текширилиши, тарафларнинг, бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришлари учун барча чораларни кўриши шарт.

Конституциявий суднинг судьяси суд мажлисида овоз беришда бетараф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас. Суднинг тўхтамига қўшилмаган судья ўз фикрINI ёзма тарзда баён қилиш ва уни Конституциявий суд мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир.

Умумий юрисдикция судларининг ваколатларига: жиноий, фуқаролик, маъмурий ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм (қарор) чиқариш ёки бошқа ҳужжат қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукм, (қарор)ни ижро эттириш киради. Бу ваколатларни судья яқка ўзи ёки суд таркибида амалга оширади.

Суд таркиби ёки судья томонидан ишнинг моҳиятига қараб қонунга биноан ҳукм, ажрим ва қарор чиқарилади.

Суд ҳукми суд ҳокимиятининг энг муҳим ҳужжатиدير ва бу суд мажлисида суд томонидан чиқарилган ва судланувчининг айби бор ёки йўқлиги ҳамда унга нисбатан жазо чораси қўллаш ёки ундан озод этиш масалалари билан боғлиқ қарор ҳисобланади.

Ҳукмнинг қонунийлиги — бу ҳукми барча талабларга амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилганлигидир (ЖПКнинг 455-моддаси).

Жиноят ишлари бўйича суднинг ажрими — бу кассация ёки назорат тартибидаги суд инстанцияси томонидан чиқарилган ҳужжат бўлиб, унда суднинг ҳулосасини тўғри ёки хато эканлиги ҳақида, айбнинг исботланганлиги ва унинг ҳажми ҳақида, қилмишнинг квалификацияси ҳақида, ҳукм бўйича тайинланган жазонинг қонуний ва одилона эканлиги ҳақида ёки фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ҳулосаларининг тўғри ёки хато эканлиги ҳақида мантиқий тартибдаги қарори мавжуд бўлади.

Судьянинг яқка ҳолдаги ҳаракатлари ишни суд терговига ўтказиш, иш бўйича терговни тўхтатиш, жиноят иши бўйича терговни тўхтатиш билан боғлиқ бўлса, қарор шаклида амалга оширилади.

Моҳияти бўйича жиноят ва фуқаролик ишини ҳал қилмайдиган, ammo суд тергови жараёнида тегишли чоралар ва процессуал воситалар қўллашни талаб қиладиган қарор биринчи инстанция судининг ажрими сифатида тан олинади. Суд ажрими, агар у тегишли ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг диққатини ишни кўриб чиқиш бузилишига олиб келган сабаб ва шароитларга жалб қиладиган бўлса, хусусий ажрим деб юрнтилади.

Фуқаролик процессида биринчи инстанция суди бир-бири билан боғлиқ бир қатор процессуал ҳаракатларни содир этади.

Суднинг ҳаракатлари унинг давлат органи сифатидаги фармойишларида акс этиб, давлат иродасини ифодалайди. Суднинг иродасини билдириш орқали фуқаролик процессида даъво тарзида ва бошқа талаблар сифатида қўйилган масалалар ва шу билан боғлиқ процессуал саволлар ҳам ҳал этилади. Биринчи инстанция судининг барча ҳаракатлари процессуал ҳужжатлар (актлар) сифатида Қайд этилади. қандай саволларни биринчи инстанция суди ҳал қилганига асосан унинг тўхтамлари қарор ёки ажрим шаклида чиқарилади. Қарорлар ва ажримларнинг предметларига оид бўлган фарқлар бир қатор белгилар асосида ажратилади: уларни чиқариш тартиби бўйича, суд таркибига, шикоят қилиш тартибига ҳуқуқий оқибатлар бўйича.

Биринчи инстанция судининг тўхтами асосида иш моҳияти жиҳатидан ҳал қилинади ва у қарор шаклида чиқарилади.

Даъво иш юригувида қарор асосида тарафларнинг моддий-ҳуқуқий баҳси ҳал этилади. Шунинг учун, суд қарорининг аҳамияти энг аввало шундан иборатки, фуқаролар ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликлари давлат номи билан муҳофаза қилинади.

Қарорнинг мазмуни ва реквизитларнинг кетма-кетликда қайд этилиши қонун талаблари доирасида бўлиши шарт. ФПКнинг 225-моддасида суд чиқарган қарорларнинг ҳуқуқий кучга кириши, 226-моддада эса қарорларни бажарилиши, 227-моддада зудлик билан бажарилиши қайд этилган.

Ҳўжалик ҳуқуқий соҳада ҳўжалик суди процессуал масалалар бўйича ажрим чиқаради. Ҳўжалик суди ажримни алоҳида акт сифатида даъвои кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тўxtатиб туриш, иш юритишни тугатиш ва ХПКда кўрсатилган ҳолларда чиқаради. Моддий-ҳуқуқий масалалар эса суд буйруғи асосида ҳал қилинади. (ХПКнинг 102-м.) Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги аризаси бўйича суд чиқарган ҳужжатдир. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳўжалик суди низои мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак.

Ҳўжалик судида апелляция инстанциясининг тўхтами қарор шаклида қайд этилади. Кассация инстанцияси суди қарор чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди назорат тартибда қарорни қабул қилади.

Ишни кўраётган ҳўжалик суди бошқа вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ҳудудидаги далилларни олиш зарур бўлиб қолган ҳолларда тегишли ҳўжалик судига муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг юқорида қайд этилган ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Суд ҳокимиятининг ҳужжатларини ижро этмаслик қонунда белгиланган жавобгарликни юзага келтиради.

5.6. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” деб номланган асариди суд-ҳуқуқ соҳасига даҳлдор ислоҳотларни

чуқурлаштириш "...аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши кераклигини алоҳида қайд этган эди.

Ҳақиқатан ҳам судьянинг мустақиллиги амалда тўла таъминланса, суд тизими ҳокимиятнинг мустақил учинчи тармоғига айланади. Суд зиммасига жамият томонидан юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириши, судьянинг мустақиллигининг қай даражада таъмин этилганлигига бевосита боғлиқ¹.

Судьяларнинг мустақиллиги — суд ҳокимияти тўсиқсиз эркин рўёбга чиқиши ва обрў билан ҳаракатланишининг муҳим шартидир. У канчалик мустақил бўлса, қонун асосида фаолият юритса, одил судловни ҳолис амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиши шунчалик самарали бўлади. "Судлар тўғрисида"ги қонун судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатларини белгилайди:

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

- 1) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;
- 2) уларнинг даҳлсизлиги;
- 3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;
- 4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошқор қилишни талаб этишнинг таъқиқланиши;
- 5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни хал қилишга аралашганлик, судьялар даҳлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;
- 6) судьяга давлат ҳисобидан унинг кўсак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 67-моддаси).

Суднинг мустақиллиги ижтимоий заруриятдир. Бу мустақиллик биринчидан, жамият аъзоларининг ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги ҳаётий тажрибаларида ҳамда давлат ва жамоат институтларининг фаолиятларида суднинг фаол мавқега эгалитидан иборат. Иккинчидан, суднинг қонун кучига кирган қарорлари барча мансабдор шахслар, ташкилот, муассаса ва идоралар ҳамда фуқаролар томонидан сўзсиз ижро этилишини билдиради. Судьянинг мустақиллиги у ёки бу даъвои ҳал этиш жараёнида ўз функциясини даъво қилувчи ва ундан ҳимояланувчи тарафлардан ҳолис, мустақил амалга оширилишини таъминлайди.

Суднинг мустақил бўлиши — бу ҳали етарли шароит эмас. Суд органлари кенг камровли ҳуқуқларга эга бўлган ҳолдагина жамиятга хизмат қилиши мумкин. Суд ҳокимияти қонунга тегишли ҳар қандай низони хал қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Мустақил судлар кенг камровли ҳуқуқлардан фойдаланишлари ҳамда уларнинг ваколатлари чегараланмаслиги лозим. Суд кенгрок ваколатларга эга бўлса, суд ҳокимиятнинг сиёсий таъсирига камроқ дучор бўлади...

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳуриш йўлида. —Т.: Университет, 2003, 169-бет.

Судларнинг мустақиллиги, уларни назорат қилинмайди дегани эмас. Жамият томонидан олиб бориладиган назорат, суд ҳокимияти мустақил бўлиши кераклиги ҳақидаги ижтимоий ақидага зид келмайди.

Судьяларни мустақил бўлиши талаби суд ҳаётига оид бўлган муносабатларда (судьялар ўртасида бўлган тенг ҳуқуқлилиқни ҳисобга олиб), судлов жараёнининг қатнашчилари билан бўлган муносабатларда, суднинг бошқа муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар билан бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 68-моддаси).

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўришга тўққинлик қилиш ёки гайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин, бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритувидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибдан ташқари, қимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича хал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 68-моддаси).

Суд ҳокимияти амалга оширадиган функция жамиятда ўзига хос хусусиятга эга. Унинг фаолияти бевосита инсонлар тақдирини ҳан этиш билан боғлиқ. Суднинг ягона қуроли-адолатдир. Жамият ҳаётида адолатнинг қарор топишида эса, суд юритувини мустақил ва ҳолис амалга оширилишининг аҳамияти каттадир.

Судьянинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган кафолатлардан бири — судьянинг шахсий дахлсизлигидир. Дахлсизлик - судьяга гайриқонуний таъсир этишдан сақлайди, одил судловни амалга ошириш борасида унинг ҳуқуқларини чеклашга имкон бермайди.

Судьяларнинг дахлсизлиги улар мустақиллигининг кафолатларидан бири сифатида тан олинади. Дахлсизлик — судьяга нисбатан бирон-бир таъсир кўрсатишнинг бартараф этилишини зарурий шарт бўлиб, одил судловни амалга оширганда унинг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўймайди.

Судьянинг шахси дахлсиз, судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат қонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланиладиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг Олий суди судловига тегишлидир.

Судьяларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органлари судья ва унинг oilаси учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жинoий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олинishi мумкин эмас.

Судьяни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишга судьянинг тегишли малака ҳайъати розилиги билангина йўл қўйилади.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

Конституциявий суднинг судьялари ҳам дахлсиздир. Конституциявий суднинг судьяси Олий Мажлиснинг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жинoий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олинishi ёки унга суд томонидан маъмурий жазо чоралари берилиши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жинoий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Конституциявий суднинг судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек, шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмас.

«Судлар тўғрисида»ги қонун судьяларнинг ваколатларини тўхтатиш ва бекор қилишнинг муайян вазиятларини, шунингдек, уларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолларининг ўзига хос тартибини қайд этган.

Судья жинoий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколатлари тўхтатилади.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдим-

номасига биноан, хўжалик судлари судьяларининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан қуйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан тўхтатилади, агар:

- судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;
- судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;
- судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.

Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади.

Судья конун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Судьялик ваколатларининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўланиши тўхтатилишига ёки унинг иш ҳақи миқдори камайтирилишига, судьянинг таъминоти даражасини пасайишига ва судьяни ушбу конунда белгиланган даҳлсизлик қафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан ҳибсга олиш чораси танланган ҳоллар бундан мустасно.

Конституциявий судни судьясининг ваколатлари эса қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- у жиноий жавобгарликка тортилганида;
- у судья лавозимига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланганида;
- суднинг қонуний кучга кирган қарори билан у бедарак йўқолган деб ҳисоблаганида.

Судьянинг ваколатларини тўхтатиш, судьяни эҳтиёт чораси сифатида қамокка олиш ҳолларини истисно этганда, унга иш ҳақи тўлашининг тўхтатилишига сабаб бўлмайди ва уни ушбу конунда белгиланган даҳлсизлик қафолатларидан маҳрум этмайди.

Шунингдек, Конституциявий судни судьясининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Олий Мажлис қарори билан муддатидан илгари тугатилади:

- у судьялик қасамёдини бузганда;
- у истеъфога чиқиш тўғрисида илтимос қилганида;
- унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса;

- судья огоҳлантирилганидан ёки унинг ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам ўз вазифасига тўғри келмайдиган фаолиятни давом эттирганида;

- тиббий комиссиянинг ҳулосасига кўра судья узоқ давом этадиган касалликка учраган бўлса;

- у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганида.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни тайлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- 1) судьянинг қасамёдини бузган тақдирда;
- 2) ёзма ариза берган тақдирда;
- 3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишини давом эттираверган тақдирда;
- 4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;
- 5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- 6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- 7) суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- 8) соғлиги ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узок вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмайдиган тақдирда.

Судьялар ҳуқуқий мақомининг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Бу уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун масъуллиги, шу жумладан, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш мумкинлигидир.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда катнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўйган бўлмаса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Суд фуқаролар кўз олдида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланиши шарт-бу ўта муҳимдир. Ҳақиқатдан ҳам кишиларимизнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатларини ўзгартириш борасида ҳали анча ишлар қилишимиз лозим. Биз суд маданиятини кўтаришимиз, ҳар бир суд жараёни фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришишимиз шарт. Суд адолат посбонига айланмоғи зарур. Суд ва судьялар фуқароларда ўзига нисбатан ишонч туғдиришининг улдасидан чиқиши, бу ишончни ҳар кун, ҳар доим амалий ишлар билан исботлаши лозим. Судьяларнинг ўзлари зиёли, ахлоқ-одобда, юриш-туришда, оилада, турмушда бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишлари, судлов ишларини билимдонлик билан олиб боришлари, ишларни беғараз кўриб, одиллик билан қарор ёки ҳукм чиқарсаларгина халқ ишончига сазовор бўлардилар.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг IV сессиясида (2000 йил 14-15 декабрь) “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги, “Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида”ги, “Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида”ги, “Ҳарбий фаолиятни ташкил этиш тўғрисида”ги Низомларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. “Судьяларнинг

малака хайъатлари тўғрисида”ги низомда алоҳида бўлим бўлиб - “Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўриш тартиби” деб номланади. Низомда таъкидланишича, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 73-моддасига мувофиқ, судья фақат судьялар малака хайъатининг қарорига асосан:

1) одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

2) суд ишини ташкил этишдаги бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек, хизмат соҳасидаги ёки обрўсига доғ туширадиган бошқа хатти-ҳаракати учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Қуйидагилар интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳуқуқига эга:

1. Олий суд раиси — Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари судьяларига нисбатан;

2. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлар раислари — шу судлар судьялари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар судьялари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан;

3. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси — шу суд судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьяларига нисбатан;

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди раиси — хўжалик судлари судьяларига нисбатан.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақида тегишли судларнинг раҳбарлари қарор чиқарадилар, унда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатишга сабаб бўлган асослар кўрсатилиши шарт.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатган шахс судьяни жавобгарликка тортиш асосига дахлдор бўлган маълумотларни олдиндан текширади ва ундан ёзма тушунтириш талаб қилади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш материаллари судьялар малака хайъатига юборилишидан аввал устидан иш кўзгатишга судья улар билан таништирилиши шарт. Бунда судья қўшимча тушунтиришлар тақдим этиши ёки қўшимча текширув ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Судья, ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб, хизмат текширувларига кетган вақт, судьянинг малака хайъатида интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга кетган вақтни ҳисобламаганда, кечи билан бир ой ичида, ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб эса-кечи билан олти ой ичида интизомий жазога тортилиши мумкин.

Зарур ҳолларда, ишни кўриб чиқиш бошлангунга қадар судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асослари қўшимча равишда текширилади. Бундай текширишни ўтказишни судьялар малака хайъатининг раиси

судьялар малака ҳайъати аъзоларининг бирига топширади. Бундай пайтда қўшимча ҳужжат ва материаллар, шунингдек, кўриб чиқиш чоғида, судья қонун бузилишига йўл қўйган суд ишлари ҳам талаб қилиб олинishi мумкин.

Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қуйидаги қарорларнинг бирини чиқариши мумкин:

1) интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида;

2) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш тўғрисида;

3) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материалларини судьянинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган органларга юбориш ҳақида.

Судьялик ваколатлари эмин-эркин амалга оширилишининг кафолатларидан бири судьяларнинг моддий таъминоти, судьяларнинг ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоялашдир. Бу борада қонун қўйидаги ҳолатларни назарда тутлади:

- судьяларнинг иш ҳақи лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

- судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш қунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади;

- судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда Республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда сугурта қилинади.

5.7. Ўзбекистон Республикасида судьялар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштиришдаги айрим муаммолар

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали химоя қилиши биринчи навбатда, суд орқали химоя қилишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқни тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Қонунларимизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини суд орқали химоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва инсоний қадр-қимматини, давлат ва жамоат манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан химоя қилишда судьяларнинг мустақиллиги ва уларни фақат қонунга бўйсунishi алоҳида аҳамият касб этади.

Суд ҳокимиятига эга инсонлар маъмурий ва шахсий томондан мустақил бўлишлари ўта муҳимдир. Бундай мустақиллик суднинг адолатли бўлиши гаровидир, чунки мустақиллик бўлмаса, суд ҳокимиятининг одил бўлиши амри маҳол — у низо, можароларни қонунга мувофиқ ечишга қодир эмас. Бирон бир сиёсий партияни қўллаб-қувватлайдиган, пулга ўч ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаган судья қонуний суд қарорларини қабул қилолмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ақс эттирилган “Судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ тарзда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади” дейилган принцип “Судлар тўғрисида”ги қонунда, Процессуал кодексларда ривожлантирилган, аммо қонунчилигимиздаги судьянинг мустақиллигини таъминловчи баъзи нормаларни ҳаётий ва амалиётга хизмат қилишини бекаму кўст таъминлаш чорасини кўриш, баъзи бирларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.¹

Аввало, ҳар бир судьянинг тизимидаги, яъни идора ичидаги мустақиллигини таъминлаш зарур. Бу суд амалиётида судьянинг ўзи таркибига кирган туман, шаҳар, вилоят судлари ҳамда судья назоратида бўлган юқори судларнинг раҳбарлари-раис ёки ўринбосари, хайъат раислари ёки аъзоларининг “маслаҳатиси”, “хўрсатмасиси” ёки “топшириғиси” фақат қонунга итоат қилиб, ўз ички ишончи билан жиноят, фуқаролик ёки хўжалик иши юзасидан қонуний ва асосли қарор қабул қилишга журъат эта олиш даражасида ишлашига шароит яратиб берган бўларди.

Бунга эришиш учун қуйи судларнинг судьясидан тортиб барча бўғиндаги суд ходимларининг онгига қонунларда ёзиб қўйилган “судьянинг фаолиятига аралашиниш таъқиқланади” деган нормани сингдириш, айниқса, судлар раҳбариятида судьялар фаолиятига аралашинишдан ўзини тийиш ҳиссини уйғотиш лозим. Қонунда ёзилганидек, ишлаш амалда ташкил этилса, судьянинг мустақиллиги таъминланган бўлур эди.

“Судлар тўғрисида”ги Қонун ва Процессуал кодекслардаги (ЖПК, ФПК, ХПК) баъзи бир нормаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, юқори бўғин, жумладан, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ҳамда Олий суд, Олий хўжалик судлари таркибидаги судьяларнинг мустақиллиги ҳам бирмунча чегаралангандек туюлади. Масалан, ЖПКнинг 511-моддаси, ФПКнинг 349-моддасида қуйи судлар ва олий судлар томонидан қабул қилинган қонуний қучга кирган ноқонуний ҳукм, ҳал қилувчи қарори, баъзи қарор ва ажримлар юзасидан судлов босқичида киритилиши лозим бўлган протестларни фақат шу судларнинг раиси ёки ўринбосари томонидан

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. —Т.: Университет, 2003, 178-бет.

имзоланиши шарт деган қатъий нормалар мавжуд. Худди шунга ўхшаш ҳолат ХПКнинг 193-моддасида ҳам акс эттирилган.

Суд амалиётида бундай аҳвол ҳукм сураб экан, акс эттирилган “судья мустақилдир” деган принципнинг ишлаши қийин кечади. Фақат ўзининг ички ишончига мувофиқ бирон расмий ҳужжат — протестга ўз номидан имзо қўя олмаётган судьянинг мустақиллиги таъминланармикан?

Очигини тан олиш керак: суд амалиётида назорат протестини фақат суд раҳбарлари имзолаши собиқ тоталитар тузумдан қолган мерос. Бизнингча, бундай аҳволни бартараф этиш чорасини излаш керак. Бунинг учун Фуқаролик, Жиноят ва Хўжалик процессуал кодексларининг тегишли моддаларига “назорат тартибидagi протестни тайёрлаган, суд таркибидagi судья ушбу протестни имзолайди”, деган мазмунда қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир кишининг ҳимоя ҳуқуқи кафолатланган. Қондага кўра, шахснинг ушбу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади. Адвокат ҳар бир ҳуқуқий масала юзасидан малакали ёрдам бериб, жиноий, фуқаровий ва хўжалик судлов ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Суд жараёнида иштирок этувчи адвокатларнинг мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур. Бусиз судьяларни чинакам мустақиллигига эришиб бўлмайди. Чунки суд жараёнида тараф бўлиб қатнашаётган прокурорнинг процессуал ваколатлари адвокатликка қараганда юқори. Бу эса адвокатга нисбатан прокурорнинг талабларига судьяни “алоҳида эътибор” билан ёндошишга мажбур қилади. Ваҳоланки, прокурорнинг суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқда эканлиги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида (33-модда) белгилаб қўйилган.

“Судларнинг ижро этувчи ҳокимият ва энг аввало, жойлардаги ҳокимиятлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш фурсати етди, - деб таъкидлайди Президент, - ҳокимият судларни камситишга, ҳар қандай усуллар билан уларга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган ҳоллар ҳам маълум. Бундай фактларнинг қатъият билан пайи қирқилиши керак”¹.

Шу билан бирга юрист кадрлар, айниқса, адвокатлар кескин етишмаётган шароитда (бизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган адвокатлар сони ривожланган мамлакатлардагига қараганда ўн баравар кам) давлат адвокатлар ҳуқуқий маъқени, унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг кафолатини таъминлаш учун фаол чоралар кўриши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини такомиллаштириш

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999,390-391-бет.

тўғрисида”ги Фармонига кура умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил қилинганлиги умумий юрисдикция судларининг одил судловни амалга ошириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим қадам бўлди.

Агар хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган демократик давлатларда, МДХда судлар турлича кўринишларда, тизимларда ташкил этилган. Ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Франция, Германия, Италия)да фуқаролик, жиноий, маъмурий, черков судларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб суд тизими мавжуддир.

МДХда суд тизими ўзида идораларнинг икки шахлни мужассам этган. Биринчи — жиноий, фуқаролик маъмурий ишларни кўрувчи судлар, иккинчиси-маҳсус судлар.

Судлар таркибига масалан, Россия Федерацияси Олий суди, Федерация таркибидаги Республикалар Олий суди, ўлка ва вилоят судлари, туман судлари, ҳарбий ва ихтисослашган судлар, келиштирувчи судлар қиради.

Маҳсус судлар РФ Конституциявий суди, РФ субъектлари Конституциявий судлари, РФ олий арбитраж-ҳакамлар суди ва унинг раҳбарлигида бўлган РФ субъектлари арбитраж-ҳакамлик судлари тизимидан иборат.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлишлиги кўрсатилган (бу тўғрида 1993 йилги “Судлар тўғрисида”ги қонунда ҳам белгиланган эди). Афсуски, ушбу масала ҳанузгача ҳал этилган эмас.

Суд ислохотларини амалга ошириш жараҳида маъмурий ишлар бўйича ихтисослашган судьялар штатларини жорий қилиш билан бирга... “Судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш зарур. Шу мақсадда транспорт ва солиқ судларини тузиш ҳолис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим”.

Маълумки, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг сайланиш ва тайинланиш муддатларига ҳам боғлиқ. 1991 йил декабрь ойигача судьяларнинг ваколат муддати 10 йилдан иборат бўлган. Афсуски, бу муддат 5 йилга қисқартирилди ва бу ўзгартиришни асословчи ҳеч қандай далил ҳам келтирилмади. Депутатлик муддати судьяларни тайинлаш муддати билан бир хил бўлиши керак, деган мулоҳаза билан эса келишиб бўлмайди, чунки давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари тизимида суд органи алоҳида хусусий давлат фаолияти билан шуғулланиши алоҳида эътиборга олинishi керак.

Бу ерда гап бизнинг Республикамиз қурилишига қатъият билан киришилган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятига

мос бўлган одил ва мустақил иш юритувчи суд тизимини яратиш устида кетапти.

Бу муаммони ҳал қилишнинг бошқа давлатларнинг тажрибаси кўрсатиб турган энг мақсадга мувофиқ йўли судьянинг чекланмаган муддатга тайинланишидир. Мабодо, кенг жамоатчилик бундай қарорга етарли даражада ҳали тайёр бўлмаса, у ҳолда судьяларнинг ваколатини 10 йиллик муддатга белгиланиши қондасини тиклаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, судьяларни лавозимдан четлатишни чегаралаш суд мустақиллигининг муҳим қиррасидир. Судларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларни беҳудага лавозимдан четлатавериш имкони бўлмаслиги лозим. Лавозимдан четлатиш сабаблари ва усуллари аниқ белгиланган ва чегараланган бўлиши, масалан, коррупция каби оғир жиноятларни назарда тутиши лозим. Судьянинг чиқарган беғараз, аммо хато қарори туфайли лавозимдан четлатишга йўл қўйилмавермаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Яқка тартибда иш кўрувчи судьяларнинг ваколатини ҳам ошириш лозим, яъни уларга ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин бўлган жиноят ишларини кўришга имкон бериш керак.

Бу ўринда ўз-ўзидан халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги масалага эътиборни қаратиш лозим. Авваламбор, халқ маслаҳатчилари институти-нинг илжобий таъсири анча сустлашган. Халқ маслаҳатчиларини тайинлаш ёки сайлаш масаласини ҳал қилиш, халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий онги ва савиясини, масъулиятини ошириш зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган масаладир. Нега энди ҳукми бекор бўлган судья ҳукм учун жавоб беради-ю, ҳукмга судья билан имзо чеккан судьянинг ваколатланадиган, ўртача иш ҳақи ҳисобидан моддий манфаатдор бўлган халқ маслаҳатчи-сида ҳеч қандай масъулият йўқ.

Юқорида бу тўғрисида қайд этганимиздек, халқ маслаҳатчиси институти масаласини жиддий мулоҳаза қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ту ҳокимияти хавфсизлигини таъминлаш, судлов ишларидаги айрим ташкилий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Суд департаменти ёки ички ишлар бўлимларида суд милициясини ташкил этиш назаримизда зарурга ўхшайди.

Судда тартибни таъминлаш учун улар судни фармойишига асосан, шахсинг олиб келиш бўйича кўрсатмасини бажариши, озодликдан маҳрум этилмаган судланувчиларни назорат қилиши, суд жараёнида судьяларни, суд хизматчилари ва иштирокчиларини қўриқлаши, бир сўз билан айтганда, судларнинг мўътадил фаолиятини таъминлаши лозим бўлади.

Бундан ташқари суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва обрўсини таъминлашга интизомий чоралар кўриш тартиби, судьяларнинг ахлоқ кодекси мавжудлиги, суд қарорларининг сифати, судьяларнинг иш фаолиятини яхшилаш, жамиятда судларга бўлган муносабат, судьянинг қасамёди, оммавий ахборот воситалари билан муносабати каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, судлар мустақиллигининг ўзаги-конунларни улар томонидан самарали қўлланишидир. Суд мустақиллиги қондаси жамиятнинг ҳар бир аъзосига қонунларни малакали қўллани-лишини талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бу эса қонунларни самарали ишлата оладиган чуқур билимли ходимларни мавжуд бўлишини тақозо этади. Судьялар иш фаолиятларининг бутун даврида ўқиб, изланиб, касбий мажбурият ва вазифаларини аъло даражада бажаришлари лозим.

Шу билан бирга суд мустақиллиги, суд ҳокимиятига эга шахсларни судда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ахлоқли бўлишини тақозо этади. Лавозимга тайинланган шахс учун одоб-ахлоқ туйғуси зарурдир, чунки суд мустақиллигини қўллаб-қувватланиши учун судьялар жамият ишончига сазовор бўлишлари лозим.

Маълумки, давлат ва жамият обрўси ўша давлатда мавжуд бўлган суд ва судьяларнинг қонун талабларига оғишмасдан амал қилишларига, қабул қилинган ҳар қандай қарорлар қонун меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқ. Дарҳақиқат, яхши қонунларимиз бўлса-ю, суд тизимида ишловчилар унинг ҳар бир нормасига мос қарор қабул қилмаса ёки бошқача татбиқ қилса, йўл қўйилган нуқсонлар, аввало, ўша суд тизимининг обрўсига путур етказиши, суд обрўсига путур етказилиши, давлат ва ўша давлатдаги жамият обрўсига путур етказилиши деб қаралиши керак.

Агар суд томонидан тўғри қарор қабул қилиниб, фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланса, у жамиятдаги адолат, ҳақиқат борлигига ишонч ҳосил қилади, аксинча унинг ҳуқуқларини поймол қилувчи ноқонуний қарор қабул қилинган тақдирда эса, у шу қарорни қабул қилган суддан ва ундан ташқари жамиятдан ҳам норози бўлади. Бу масъулиятли вазифанинг талаб даражасида бажарилиши эса кўп жиҳатдан одил судловни амалга ошириши лозим бўлган судьяларнинг свиясига боғлиқдир. Бу ерда гап беихтиёр судьянинг шахси-га, дунёқарошига, ҳалол-поклигига бориб тақалмоқда.

Бу эса, ўз навбатида судьядан юқори даражадаги билимдан ташқари бир канча ижобий ва инсоний хусусиятларга эга бўлишликни ҳам тақозо этади. Судьяларга хос бўлган юриш-туриш, ахлоқ-одоб умуммаданият мезони бўлган. Судьялар, аввало, ана шундай хусусиятларга эга бўлмоқлари лозим. Чунки одил судлов учун ниҳоятда зарур бўлган адолат заминиди ҳам инсонлардаги энг ижобий фазилатлардан бўлмиш ҳалоллик поклик иймон-эътиқодли бўлиш ва юксак ирода ётади. Бундай фазилатларга эга бўлмасдан туриб, одилликни тақозо этувчи судьялик вазифасини адо этиш қийин, албатта.

Шундай экан, ҳар бир судья ўз ваколатларини давлат ва фуқаролар олдида ўз масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда билим ва тажрибасини ишга солиб бажаришлари лозим. Ана шунда мустақил Республикамизда ҳеч бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ноҳақ чекланганлигидан озор чекмайди. Бунга эришиш судьяларнинг бурчидир. Бу бурчга содиқлик эса ҳар бир судья учун муқаддас шарафдир.

Юқоридагиларга умумий хулоса қилиб, айрим фикр-мулоҳазаларни ва тақлифларни билдириш мумкинки, биринчидан, жамиятни ислоҳ қилишнинг муваффақияти кўпинча суд тизимини ислоҳ қилишга боғлиқ

Суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қудратли қуроли, шахс ва жамоат ҳавфсизлигининг кафолатидир. Мустақиллик йилларида суд органларининг мақоми, функциялари ва тузилиши тубдан ўзгарди. Улар ўз фаолиятини демократик нормалар ва принциплар асосига қураётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмининг муҳим элементига айланди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг суд тизими субъектив ва функционал предмет белгисига кўра уч тармоққа бўлинди: **Конституциявий суд, умумий юридик ваколатга эга судлар ва хўжалик судлари.** Лекин ушбу белги бўйича суд органларини турларга ажратиш охиригача изчил эмас: умумий юридик ваколатга эга судлар тизимига киритилган **ҳарбий судлар** бошқа судлардан айнан кўрсатилган белги бўйича фарк қилади. Бошқа томондан, шундай савол туғилади: нега **солиқ, транспорт** ва бошқа соҳаларнинг судлари тузилмаган? Кўришиб турибдики, муаммо бир қараганда оддий кўринсада, аслида мураккаброк. Суд тузилиши масалалари одил судни амалга оширишнинг самарадорлиги жиҳатидан ҳам, унинг ҳақиқатда мустақиллигини таъминлаш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, суд органларининг тузилиши масаласини кўриб чиқиш ҳам зарур. Масалан, қонунга кўра, Олий суд бир вақтнинг ўзида учта инстанция судидир (яъни биринчи, кассацион ва назорат суди), Олий хўжалик суди эса тўртта инстанция судидир (юқоридагиларга апелляция инстанцияси ҳам кўрилади). Суд тизимининг ҳар бир бўғини ваколатларини аниқ белгилаб олиш муайян ишларни кўриб чиқишдаги сансалорликлардан қутулишга имкон беради. Мустақил апелляция-назорат инстанциясини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ кўринади. Судларнинг мустақиллигини таъминлашнинг жиддий омили уларни бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминлашдир. Улар ижроия органларидан, биринчи навбатда, молия органларидан мустақил бўлишлари керак. Суд округларини яратиш яна бир омил бўлар эди.

Учинчидан, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш -долзарб муаммо. Бошқа ҳокимият тармоғи тизими кирадиган адлия органлари судьянинг номзодини таҳлил этадиган бўлсалар, қандай қилиб судьяларнинг мустақиллиги ҳақида гапириш мумкин. Фикримизча, судларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан, кадрлар билан ва моддий техникавий таъминлаш учун Олий суд органларида мустақил хизматлар ташкил қилиш керак. Бу хизматлар ушбу масалалар билан пуғулланиши ва тузилиши жиҳатидан судларнинг аппаратига киритилса маъқул бўларди. Юқорида таъкидлаганимиздек, судьяларнинг ваколат муддатини 10 йилга узайтириш орқали уларнинг мустақиллигини таъминлаш масаласи ҳам жиддий ўрганишни талаб қилади. Бу судьяларнинг алмашиши принципи билан бирга судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга имкон беради.

Тўртинчидан, судьяларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам муҳим. Уларга махсус имтиёзлар ва ҳуқуқлар бериш керак. Шунингдек, агар судья ўз лавозимидан обрўсини тўкадиган ҳолатлар

натижасида кетмаган бўлса, уни иш билан таъминлаш мажбуриятини қонунда мустақамлаб қўйиш ҳам судьялар мустақиллигининг кафолати бўлади.

Бешинчидан, назарий жиҳатдан ўйлаб кўрилиши ва амалий жиҳатдан ҳал этилиши керак бўлган кўпгина бошқа масалалар ҳам бор: халқ маслаҳатчилари институтини тугатиш ёки уни моҳият жиҳатдан янгилаш; суд тизимида судьяларнинг малакаси ва интизомий жавобгарлиги масалаларини ҳал қиладиган (Олий малака комиссияси) ва судьялар корпусининг профессионал-корпоратив муаммоларини ҳал қиладиган мустақил органларни тузиш (балки Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг мақоми ва вазифаларини биров ўзгартириш керакдир).

Олтинчидан, халқаро ҳужжатларда суд ҳимоясидан фойдалана олиш имкониятига катта аҳамият берилади. Умуман олганда, қонун ҳужжатлари фуқароларнинг суд ҳимоясидан фойдалана олишини таъминлайди. Аммо фикримизча, шу ерда ҳам одил судловнинг сифатини ошириш имконлари бор. Масалан, Конституциявий судда иш кўзгатиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар доирасини анча кенгайтириш зарур. Ҳар қандай киши ушбу органга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Вазифаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлган институтлар ва органлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Конституциявий назоратнинг жорий масалалари аниқ тартибга солиниши керак.

Еттинчидан, суд қарорларини ижро этиш масаласи алоҳида мавзунини ташкил этади. Суд-ижроия муносабатларини тартибга солувчи ва суд ижрочиларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунларнинг лойиҳалари парламентда биринчи ўқишда қабул қилинди ва матбуотда эълон қилинди. Суд қарорларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик даражасини ошириш лозим.

Сяккизинчидан, назаримизда, суд тизимини шакллантириш чоғида бу масаланинг муҳим жиҳати, яъни ўзбек халқининг тарихий анъаналари ва миллий менталитети эътибордан четда қолган. Қадимдан ўзбекларда турмушдаги, оиладаги кўпгина майда келишмовчиликлар уруғ, маҳалла даражасида ҳал қилинган. Ҳакамлар суди давлатга қарашли бўлмаган, ихтиёрий институтдир. Шу боис бошқа даражалардаги суд органларининг ишини анча "камайтира" оладиган "мировой" судьялар институтини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тўккизинчидан, судлов жиноят, фуқаролик ва бошқа ишларни белгиланган тартибга мувофиқ равишда кўриб чиқишга қаратилган муносабатлар ва тартиб-қоидалар тизимидир. Ушбу тартиб анча мураккаб бўлиб, муфассал белгиланган; умуман олганда буни окласа бўлади. Шу билан бирга, кўпинча оддийлаштирилган судловдан фойдаланиладиган вазиятлар ҳам бўлади (масалан, томонларни яраштириш). Фуқаролик процессида бу ҳол ишларни юриштишни тўхтатадиган "муроса битими" тузиш орқали расмийлаштирилади.

Ўнинчидан, ҳозир республикамизда тергов қилишнинг анча мураккаб тизими қарор топди: суриштирув - дастлабки тергов - ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш вақтидаги суд терговини. Кўпгина процессуал

ҳаракатлар бир неча бор такрорланади, шу муносабат билан “гувоҳ бўлсанг, оворай-сарсон қилишади”, деган фикр қарор топган, чунки уни камида уч марта тегишли органларга чақирадилар. Шунинг учун ҳам ушбу тартибни соддалаштириш зарур, деб ўйлаймиз. **Биринчи босқичда** - балки жамият учун катта хавф туғдирмайдиган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича, башарти шахс айбини бўйнига олса, жиноят иши қўзғатишдан воз кечиш ва ҳужжатларни судга тайёрлашнинг баённомали (протоколли) шакли билан чекланиш мумкиндир. Бунда мазкур ишларни ваколатли суд мажлисида эмас, балки судья, айбловчи прокурор, айбланувчи ва адвокат иштирок этадиган келишув комиссиясида қараб чиқиш лозим.

Иккинчи босқичда бундай тартибни оғир ва ўта оғир жиноятларга ҳам татбиқ этиш керак. Аммо бунда жиноят содир этган шахснинг ўз айбига иқдор бўлиши зарурий шартдир. Бундай ҳолда судья ажрим чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига белгиланган муддатнинг энг кам даражасидан то учдан икки қисмигача бўлган чегарада жазо белгиланади. Масалан, АҚШда жиноят ишларининг 94% келишув комиссияларида ва фақат 6% игина маслаҳатчилар иштирокидаги (“**присяжныйлар**”) судда кўриб чиқилади.

Жиноят процессида айбни тан олиш ҳақида битим тузиш (АҚШ, Германия, Италияда кенг тарқалган), айбловнинг хусусий-ҳуқуқий хусусияти амал қилишини кенгайтириш мумкин, бунда жабрланувчининг мурожаат қилиши жиноят ишини қўзғатиш ва тўхтатишнинг шarti бўлиб хизмат қилади. Ошқора айблаш соҳасидан чиқарилган қилмишлар даражасини кенгайтириш эътиборга молик. Тарафларни, аниқроғи, айбланувчи билан жабрланувчини яраштириб қўйиш жиноят процессини оддийлаштиришнинг асоси бўлиши мумкин. Жиноят процессига суд буйруғини киритиш ҳам самарали бўлиши мумкин.

Бундай муаммоларни ҳал этиш учун “Судлар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи таттиқ-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”га Қонулар, шунингдек, Фуқаролик процессуал ва Жиноят-процессуал кодексларнинг мазмунини ва қўлланиш тажрибасини танқидий ўрганиб чиқиб, уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; яхшиси - уларни янги тахрирда қабул қилиш зарур. Албатта, бу масалаларни ортиқча шошқалоқликларсиз ҳал этиш лозим. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳақида тактифлар тайёрлаш бўйича амалдаги парламент комиссияси қошида алоҳида блоклар бўйича бир неча ишчи гуруҳлари тузиш мақсадга мувофиқ кўринади. Бу гуруҳлар жамият юридик механизмининг муайян элементларини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиққан бўларди. Бу концепция асосида эса ҳуқуқий ислохотларнинг миллий концепциясини тайёрлаш мумкин. Ҳуқуқий ислохотларнинг миллий концепциясининг лойиҳаси кейинчалик республика парламенти муҳокамаси ва тасдиғига қўйилиши мумкин.

Табиийки, бу мулоҳазаларни охириги ҳақиқат деб ҳисобламаслигимизни таъкидламоқчимиз. Олдимиздаги вазифа – илмий жамоатчилик ва амалиётчилар эътиборини жамиятнинг давлат-ҳуқуқий ташкилотини ислоҳ қилишининг энг муҳим, яъни суд тизими ҳуқуқий ислоҳотининг энг заиф, кўпинча “огриқли” нуқталарига қаратишдан, ушбу долзарб ва муҳим масалани фикрлаб кўриш ва янада тадқиқ этиш учун илмий-назарий ва амалий йўналиш беришдан иборат.

Асосий таянч тушунчалар

Юридик жавобгарлик - ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзга ташланган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади.

Айбсизлик презумпцияси – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Суд ҳокимияти – Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда республиканинг ягона тизимини ташкил этади.

Конституциявий суд – мустақил ва ташкилий жиҳатдан қонун чиқарувчи ва ижрония ҳокимиятларидан алоҳида туради. Конституция бўйича Конституциявий суд аъъанавий ваколатлари қонунлар, халқаро шартномалар ва битимларнинг Конституцияга мос келиши, ваколатлар тўғрисида ҳокимият гармоқлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш ва ҳоказолардан ташқарч яна бир муҳим натиёз – Конституция ва ҳуқуқнинг умумий тамойилларини талқин этиш ҳуқуқини тан олади.

Олий суд - Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноят ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳарлар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий хўжалик суди – иқтисодий соҳасида юзага келадиган низоларни ҳал этади.

Ҳарбий судлар тизими - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

Апелляция - ҳали қонун қучига кирмаган суд ҳукмлари устидан шикоят бериш. Апелляция суди ишдаги мавжуд исботларни тафтиш этиб, янги исботларни кўриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради.

Биринчи суд инстанцияси – суд мажлисида иш ҳолатларини бевосита ўрганиб чиқиш, аниқлаш ва унинг асосида қарор ёки ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилган суд поғонаси.

Давло - бузилган ёки чекланган ҳуқуқни ёхуд қонун томонидан муҳофаза этиладиган манфаатни суд орқали ҳимоя қилиш воситаси.

Жабрланувчи - Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига асосан, етарли далилларга асосланган ҳамда жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс.

Жавобгар - фуқаролик процессуал қонунларига мувофиқ, фуқаролик ишининг тарафларидан биридир.

Жиноят - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан айбли, ижтимоий қавfli қилиниш (ҳаракат ёки ҳаракатсиз) содир этиш ҳолати.

Жиноят учун жавобгарлик - юридик жавобгарликнинг бир тури. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишининг ҳуқуқий оқибатидир.

Маъмурий жавобгарлик - жиноий жавобгарликка нисбатан бироз енгил ҳуқуқий жавобгарлик шакли. Маъмурий жавобгарлик фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан содир этган маъмурий тартибсизликлари учун тайинланади.

Одил судлов - давлат бошқарувини ташкил этишнинг бир шакли. Содир этилган жиноятлар, фуқаролик, хўжалик ишларига оид масалалар одиллона, қонун асосида кўриб чиқиб ҳал этилади.

Суд - муайян давлат қонуни билан мустаҳкамланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа категориядаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни амалга оширувчи давлат органи.

Судьялар - қонунга мувофиқ одил судловни амалга ошириш ваколати берилган шахс.

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.

Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир.

Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби - Ўзбекистон Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судьялари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

Судьяларнинг ҳуқуқлари – Судьялар:

- мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;
- мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;
- уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Судьяларнинг мажбуриятлари – судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий-ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари химоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик – давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиш ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд ишларини ҳал қилишга аралашинишга йўл қўйилмаслиги – судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмайди.

Судларнинг мустақиллиги принципи – судлар ишларини фақат қонун асосида мустақил ўз ҳуқуқий онига таяниб иш кўришларини аниқлатади. Судлар ўз фаолиятларида давлат ҳокимияти органларидан, сиёсий партиялардан ва бошқа органларидан, сиёсий партиялардан ва бошқа сиёсий кучлардан холи бўлиши, уларнинг аралашуви, тазйиқ ўтказиши ва уларда кўшилишдан холи бўлишлиги қонунлар билан кафолатланган бўлиши лозим.

Фуқаролик даъвогар – жиноятдан моддий зиён кўрган ва унинг қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилган фуқаро ёки ташкилот.

Фуқаровий жавобгар – жиноят процессида етказилган зарарни ундириш мақсадида фуқаровий даъво қилинган айбланувчининг ҳаракатлари учун моддий жавобгарликка тортиладиган орган.

Фуқаролик иши – фуқаролик судида фуқаролик ҳуқуқий қонунларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиладиган ҳар қандай иш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва унинг тизими тушунтириб беринг?

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколат доирасига нималар кирази?
3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатлари нимадан иборат?
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ваколатларини тушунтириб беринг.
5. Суд-хуқук ислохотлари дегани нима?
6. Одил судловни амалга ошириш деганда нимани тушунаси?
7. Судьяларнинг хуқук ва мажбуриятлари нимадан иборат?
8. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари деганда нимани тушунаси?
9. Суд мустақиллиги ва матбуот эркинлиги, яъни либераллаштириш жараёнлари деганда нимани тушунаси?

Мустақил иш мавзулари

1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва унинг тизими.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ваколатлари.
5. Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг конституциявий асослари.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва суд ҳокимияти тизими ислохотлари.
7. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида суд ҳокимиятининг ўрни.
8. Суд мустақиллиги ва матбуот эркинлиги – фуқаролик жамиятининг муҳим шарт.
9. Одил судловни амалга оширишда судьяларнинг хуқук ва мажбуриятлари.
10. Суд-хуқук ислохотлари ва инсон хуқуқи ҳамда бурчлари.

Тест топшириқлари

1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими қандай судлардан ташкил топган?
 - а) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди;
 - б) Қорақалпоғистон республикасининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;
 - с) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари; жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари; ҳарбий судлар;
 - д) Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

2. Конституциянинг қайси моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонуни чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади” деб қайд этилган?

- а) 106 – моддасида;
- б) 109-моддасида;
- с) 110-моддасида;
- д) 111-моддасида;
- е) 116-моддасида.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг асосий принципларини аниқланг?

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига содиқлик;
- б) мустақиллик;
- с) коллегиялик;
- д) ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги;
- е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

4. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари ваколатлари доирасида қандай вазифаларни бажаради?

- а) ҳўжалик судлари ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида, апелляция ва кассация тартибда кўради;
- б) суд амалиётини умумлаштиради;
- с) мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодийёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш олий ҳўжалик суди ва жойлардаги ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади;
- д) суд ҳокимияти, ҳўжалик низоларни ҳал қилишни амалга ошириш йўли билан Конституцияда қафолатланган иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик, тенг ҳуқуқлилик ва барча мулк шаклларининг ҳуқуқий ҳимоясига бевосита алоқадордир;
- е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

5. Фуқаролик жамиятида қандай одил судловни амалга ошириш принципларига амал қилинади?

- а) қонунийлик; коллегиялик ва жиноят ишларини яқка тартибда кўриб чиқиш; жиной иш қўзғатишининг шартлиги; шахснинг шаъни ва кадр-қиммати хурмат қилиш; жиной ишларни судда кўриб чиқиш; жиноят ишларини юретишда жамоатчиликнинг иштироки; айбсизлик презумпцияси; судда иш юретишининг баҳслашуви;

б) одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши; судьяларнинг мустақиллиги ва қонунга бўйсунлиши; одил судловнинг фақат фуқаролар қонун ва суд олдида тенглигига асосланиб амалга оширилиши;

с) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланиши; миллий тилдан фойдаланиш; ҳақиқатнинг ўрнатилиши;

д) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суд ҳимояси ҳуқуқи билан таъминланиши; далилларни ўрганишнинг бевоситалиги ва оғзакилиги; процессуал ҳаракатлар ва қарорлардан шикоят қилиш ҳуқуқи;

е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

6. “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар – барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, ..., .., ... ва фуқаролар учун мажбурийдир” деган фикрни тўлиқ ифодалаш учун нуқталар ўрнига Конституцияни 114-моддасидаги тушириб қолдирилган қайси сўзлар мос тушади?

а) муассасалар, ҳокимлар, ташкилотлар;

б) муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар;

с) муассасалар, фирмалар, концернлар;

д) муассасалар, фуқаролар, ҳокимият ходимлари;

е) корхоналар, амалдорлар, тadbиркорлар.

7. Конституциявий суднинг қарорлари қайси пайтдан бошлаб кучга киради?

а) президент имзолагандан кейин;

б) матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб;

с) қарор қабул қилингандан кейин 1 ой ўтиб;

д) қайта кўриб чиқилган кундан;

е) қабул қилинган якуний тўхтамдан кейин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қайси судларнинг судлов фаолиятини устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга?

а) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди;

б) вилоятлар;

с) шаҳар;

д) туман;

е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари қандай низоларни кўриб чиқадилар?

а) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар (иқтисодий низолар) жараёнида келиб чиқадиган низоларни;

б) оилавий доирада келиб чиқадиган низоларни;

с) бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар натижасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этади;

д) никоҳ масаласига оид ва мерос билан боғлиқ низоларни;

е) а ва с жавоблар тўғри.

10. Қуйидагилардан қайси бири Олий Мажлис депутати ёки сиёсий партияларга аъзо бўла олмайд?

а) судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас;

б) судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас;

с) судьялар тадбиркорлик билан шугулланиши мумкин эмас;

д) судьялар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бирон-бир фаолият турлари билан шугулланиши мумкин эмас;

е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

Интеллектуал тренинг

1. Суд ҳокимиятига хос хусусиятларни бирма-бир ёзинг.

№	Биринчидан	Иккинчидан	Учинчидан	Тўртинчидан	Бешинчидан	Олтинчидан
1	2	3	4	5	6	7

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатлари нимадан иборатлигини таъкидланг.

№	Биринчидан	Иккинчидан	Учинчидан	Тўртинчидан
1	2	3	4	5

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатлари нимадан иборат?

№	Таъкид
1	2

4. «Қонун олдида ҳамма баробардир, деганда нимани тушунаси?

№	Жавоб
1	2

5. Фуқаролик жамиятида одил судловни амалга ошириш принципларини таъкидланг.

№	Фуқаролик жамиятида одил судловни амалга ошириш принциплари - суд тизими фаолиятининг тузилиши ва мазмунини белгиловчи бошланғич асослар
1	2

6. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатларини қайд этинг.

№	Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатлари
1	2
1.	
2.	
3.	
4.	
5.	

7. Ўзбекистон Республикасида судьялар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини таъкидланг.

№	Таъкид
1	2

VI боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

6.1. Миллий истиқлол ғояси ва иқтисодий тафаккур

Маълумки демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиёти бир-бири билан чамбарчас боғланган кўплаб омилларнинг бирлигидан ташкил топади. Оддий одамлар учун бу омиллар яшашдан мақсад сифатида намоён бўлиб, кундалик турмуш тарзи сифатида давом этаверади. Ҳаёт уммонида кимдир чуқурроқда, кимдир юзароқда, кимдир чап кирғоқ бўйлаб, кимдир ўнг кирғоқ бўйлаб сузади, кимдир инон-ихтиёрини шу оқим ҳукмига бериб кўяди, кимдир оқимга қаршилик қилиб, ўз мақсадига қараб сузишга ҳаракат қилади.

Ҳаётнинг жўпкин оқим мавжларида инсоннинг иқтисодий, социал, маънавий орзу-мақсадлари, кураш ва интилишлари ақс этиб туради. Бу оқим гирдобида фарқ, бўлиб кетмасдан омон-эсон манзилга етиш учун инсон ақл-идроқи ва қобилияти, онг ва тафаккури ривожини ҳамда йўналишини катта роль ўйнайди. Бунда иқтисодий тафаккурнинг аҳамияти алоҳида қимматга эга.

Иқтисодий тафаккур нима? Иқтисодий ҳаётнинг моҳиятини, иқтисодий ривожланишнинг қонун-қоидаларини, ўзига хос томонларини тушуниб етиш, бу иқтисодий назарияларни билиш ва улардан самарали фойдаланиш қобилияти иқтисодий тафаккурни вужудга келтиради. Иқтисодий ривожланиш учун жуда кўпларнинг ҳаракати, куч-ғайрати зарур.

Иқтисодий тафаккурнинг моҳияти ва хусусиятларига қараб унинг уч хил турини кўрсатиб ўтиш мумкин. 1. Оддий кузатиш ва англаш тамойилларига асосланган иқтисодий тафаккур. 2. Чуқур билимлар ва ғояларга асосланган иқтисодий тафаккур. 3. Глобал муаммолар, мураккаб жараёнлар таҳлили билан боғлиқ иқтисодий тафаккур.

Оддий иқтисодий тафаккур аҳолининг аксарият қисми онг-тушунчаларида шаклланган бўлиб, асосан шахсий тажрибалар, фаровонроқ яшашга бўлган интилишлари билан боғлиқ. Дехқон дехқончилик сир-асрорларини яхши билиши учун асрлар давомида ривожланиб аялловдан-аялловга ўтиб келган тажриба ва анъаналарни ибтидоий тарзда дехқонларнинг ўзаро фикр алмашувлари асосида у ердан, бу ердан эшитган фикр-мулоҳазалар асосида маълум хулосаларга келиши бир зарурият тарзида рўй беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини ҳар томонлама ривожлантиришнинг миллий истиқлол ғояси ишлаб чиқилди. Жумладан, қуйидаги жараёнлар устувор деб ҳисобланади:

1. Одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда мулкдорлик туйғуларини ривожлантириш.

2. Хусусий мулкчиликка эркинлик бериш, тадбиркорликка кенг йўл очиш.

3. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган тамойилларини қарор топтириш.

Биз ҳозир иқтисодий томон маънавий томонсиз ривожлана олмаслигини таъ олган ҳолда, мавзумиз моҳиятидан келиб чиқиб асосий эътиборни иқтисодий тафаккурнинг шаклланишига ва намоён бўлишига қаратамиз.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши ва чуқурлашиб боришида миллий гоёнинг роли катта. Иқтисодий тафаккур жамият иқтисодий ривожланишининг энг муҳим тенденцияларини ўзлаштириш, энг замонавий техника ва технология асосида юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига раҳбарлик қилиш, иқтисодий ва маънавий омилларни уйғунлаштира олишда намоён бўла олса, миллий гоё худди мана шу иқтисодий тафаккурга муҳим назарий асос бўлиб иқтисодий ривожланишнинг истиқболларига илмий, аниқ равшан йўналиш беради.

Миллий истиқлол гоёси иқтисодий ва маънавий томонларни боғловчи, уйғунлаштирувчи муҳим бир восита сифатида иқтисоднинг маънавиятга таъсири маънавиятнинг иқтисодга таъсири меъёрларини ўзида ифодалаб, иқтисодий ривожланишни ҳаракатга келтиради, олға силжитади. Миллий истиқлол гоёси иқтисодий фаровонлик сари интилувчи барча кучларни ягона мақсадни амалга ошириш учун курашга жалб этади. Натижада ҳар бир инсон қалби ва шуурида келажакка ишонч уйғонади. Бу омилларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш учун аҳамияти катта. Шахсий манфаатдорлик туйғусига эркинлик берилиши натижасида миллий гоё реал мақсадга айланади.

Юқорида баён этилган умумназарий фикрларни республикамиздаги иқтисодий ислохотлар жараёнларига тадбиқ этиб кўрайлик.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг иқтисодий тафаккурни шакллантириш энг муҳим масала бўлиб қолди. Шуниси ҳақиқатки, иқтисодий тафаккур шаклланиши ва ривожланиши учун меҳнат ҳар қандай тазйиқдан озод этилиб, эркин фаолиятга айланиши зарур. Худди шунингдек, иқтисодиёт ҳам ҳар қандай сиёсат ва мафкура тазйиқидан халос бўлиб, ўз ички ривожланиш қонунилари асосида тараққий этиб бориши зарур. Бундан ташқари ҳар бир инсонда мулкчилик туйғулари шаклланиб, хусусий мулкка эркинлик берилиши зарур. Мана шу энг муҳим омиллар мавжуд бўлгандагина иқтисодий тафаккурни ривожлантириш мумкин.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юқорида биз санаб ўтган иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан илк бора томорка ерлари бир неча марта кенгайтирилди. «соғлом танда - соғ ақл» дейди халқимиз. Бошқачароқ айтсак, фаровонлик тафаккур ривожига катта туртки беради.

Бозор иқтисодиёти янгича иқтисодий тафаккурни ривожлантиришни тақозо этади. Аммо хали халқимиз сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришган бўлсада,

аммо рухий жиҳатдан карамлик давом этарди. Неча ўн йилликлар ичида одамларимиз мутлақо бошқача тузумда яшади. Меҳнатта муносабат бошқача, мулкка муносабат бошқача, ташаббус асоратда, тадбиркорлик кайфияти ва руҳ занжирланган, давлат берганига шукур қилиб, «боқимандалию» эса яшаш турмуш тарзининг асосий нормаси бўлиб қолганди.

Бундай шароитда миллий ғоянинг ҳам, иқтисодий тафаккурнинг ҳам ривожланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Бу асоратлар шунчалик кучли бўлиб, улардан руҳни тозалаш энг машаққатли иш эди. Руҳни тозаламасдан, янги ғоялар билан қуроолантирмасдан иқтисодий тафаккурни ривожлантириб бўлмасди.

Одамларни рухий асоратлардан халос этиши, уларнинг онг-тушунчасини ўзгартириш учун бошланган кураш мана ханузгача давом этмоқда. Янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг қийинчилиги ҳам мана шунда.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши тадбиркорлик маданиятини оширади. Тадбиркорлик маданияти, аввало, виждон ва диёнатни талаб қилади, ёлгончилик, фирибгарлик, кингир-кийшик йўллар билан иш битказиш, таъмагирлик ва бошқалар тадбиркорлик маданиятини йўқка чиқаради. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик маданияти жуда юксак, шундан келиб чиқиб иқтисодий тафаккур ҳам замон талабларини ўзида акс эттирган ҳолда намоён бўлмоқда.

Бунда тадбиркорлик маданиятининг пастлиги жумладан, иқтисодий тафаккур шаклланишининг қийинчиликлари, юқорида айтганимиздек, одамлар онг-тушунчасида қатъий ўрнашиб қолган нотўғри ғояларнинг манжуллигидир.

Совет ҳокимияти йилларида бойлик ва виждон бир-бирига мутлақо зиддир, деган ғоя онгимизга обдон сингдирилди, бойликка ҳирс қўйсанг виждон, инсоф, диёнатдан воз кечиш керак. Бойлик орттириш дегани бировни алдаш, бировнинг мулкига қўз олайтириш, таъмагирлик билан шугулланиш деганидир, ҳалол меҳнат билан бойиб бўлмайди деган ғоя онгимизга шунчалик ўрнашиб олганки, ҳозир ҳам кўплаб тадбиркорлар бу касалиқдан қутулолмаётганлар.

Дарҳақиқат, виждон, инсоф, диёнатни йўқотмай, бойиб бўладими? Албатта, бўлади, бўладигина эмас, шундай бўлиши керак, ривожланган мамлакатларда, хусусан, Японияда ва Кореяда тадбиркорлик маданиятининг иқтисодий маданиятнинг, иқтисодий тафаккурнинг юқорилиги ҳам худди мана шу омил билан, яъни меҳнат билан, чакконлик, уддабуронлик, ташаббускорлик, ақл-идрокни ишга солиш, чинакам миллий ғояни байроқ қилиб олиш орқали жуда катта иқтисодий юксалишларга эришилмоқда.

Иқтисодий ривожланиш жараёнида адолатсиз меъёрларга таяниш, виждон ва инсоф йўлидан эмас, фирибгарлик йўлидан бориш, бир томондан, тадбиркорлик маданияти, иқтисодий тафаккур ривожига ўта салбий таъсир қилса, иккинчи томондан, инсон онг-тушунчасининг аста-секин ривожланиб бориши, қобилият ва истеъодининг шаклланишига катта зарар етказди.

Бозор иқтисодиёти инсон олдига шундай талаблар қўяди: елиб-югур, ҳаракат қил, бошни ишла, етти уйлаб бир кес, қўлнигдан катта ишлар келишига ишон, чуқур фикр қил, фаросат билан иш тут, инсофни йўқотма, бойлик кетидан

қувма, одамларга маъқул бўладиган моддий неъматлар етиштириш сир-асрорларини эгалла.

Бизда кўп одамлар ўз-ўзини ривожлантириш йўлларини билмайди, айримларда бунга ишонч йўқ: «Қўлимдан нима ҳам келарди, бориға шуқур қилиб юраверайлик», деган ўй-хаёлдан қутулолмаслик кўзга ташланади. Ўзига-ўзи ишонмаган, ўзини чинакам шакллантириб, катта натижаларга эришиш мумкинлигини билмаган одамлар осон йўл билан мўмай пул топиш йўлини танлайдилар, натижада фирибгарлик, чайқовчилик авж олиб кетади, чинакам тадбиркорликдан узоқ бўлган олди-сотди кенг тарқалади.

Шунинг учун ҳам биз иқтисодий тафаккурнинг ривожланишини миллий гоё билан боғлаб характерлашга ҳаракат қиляпмиз. Миллий истиқлол гоёси иқтисодий тафаккур ривожига қайси йўллар билан таъсир қилади?

Биринчидан, миллий истиқлол гоёси келажак ҳақидаги, фаровон ҳаёт ҳақидаги фикрларни инсон онгига сингдиради, буюк мақсадларни амалга оширишнинг реаллигини кўрсатиб беради. Бироқ ҳалол тадбиркорларни қийнаб, юлғичлик қилаётган расмий идораларнинг баъзи вакиллари миллий гоёга, халқ ишончига жуда катта зарар келтиради.

Аммо миллий истиқлол гоёсининг бунёдкорлик кучи ўз-ўзидан намоён бўлавермайди. Миллий гоёнинг мохиятини тўғри тушуниш, унинг амал қилиш доирасини ва оқибат-натижаларини тўғри белгилаш, бу масалани ҳис қилишнинг биринчи босқичидир. Масаланинг иккинчи босқичи ундан ҳам мураккаброқ жараён бўлиб, бунда миллий истиқлол гоёсини одамлар онги ва қалбига сингдириш вазифаси туради.¹

Хуллас, ҳозирги пайтда давлатимиз, жамиятимиз, бутун зиёлилар, раҳбарлар, тадбиркорлар олдидаги энг муҳим вазифа худди шундан иборатдир.

6.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини иқтисодий асосларини шакллантиришда ижтимоий муҳофаза сиёсати

Мустақилликнинг дастлабки даврдан Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий ислохотлар бошланган йиллардаёқ кучли ижтимоий ҳимоя тизими яратилишдан мақсад, аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш борасида қўрилган чора-тадбирлар ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири бўлди. Мамлакат Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистоннинг ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир»².

Албатта, адолатли ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожини Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга тўғридан-

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Миллий истиқлол гоёси. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. 224-315-бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 322-бет.

тўғри боғлиқдир. Аввало, мамлакат иқтисодийётининг барқарорлиги нодавлат секторининг муайян даражада тараққий этиши, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маъқсининг мустаҳкамланиши фуқаролик жамиятини шакллантириш учун таянч ва асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида, ижтимоий муҳофаза сиёсатининг амалга ошиши учун замин яратади, ижтимоий ҳимоя тизимининг янада такомиллашиб, замон талабига мос бўлиб боришига олиб келади. Бу ҳол Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ижтимоий сиёсатнинг тадрижий шаклланишида муҳим аҳамияти касб этади. Демак, ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсатидаги ўрни ғоят муҳимдир. Ана шундан келиб чиқиб, Президентимиз И.Каримов: «Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири аҳолининг кам таъминланган табақаси, боғларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир»¹, деб айтган эди.

Шунга биноан, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Ойла маркази» ва «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, бир қатор нодавлат ношижорат ташкилотлар ва жамиятлар, айрим мулк эгалари, сармоядорлардан иборат кўнгилли хомийлар, халқро ташкилотлар, инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган хорижий хомийлардан иборат ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги, демократик тамойилларга асосланган, фуқаролик жамиятининг илгор тизими шакллантирилди. Ўтиш даврида жамиятдаги мулкнинг тенгсизлик меъёрларини адолатли мувофиқлаштириш механизми яратилди.

Албатта, инсоннинг жамиятга фойда келтириши кўп жиҳатдан унинг ҳаёти қандай таъминланганлигига боғлиқ. Даставвал, ҳар бир оила ўз турар жойига эга бўлиши керак. Аҳолининг тоза ичимлик суви ва эҳтиёжига яраша озик-овқат маҳсулотлари, турмуш учун зарур моллар билан таъминлаш, қишлоқ жойларини газлаштириш каби мураккаб муаммоларнинг ҳал қилиб берилиши инсонга муносиб ҳаётни таъминлашга, унинг ўз қобилияти ва имкониятларини намоён қила олиши учун тўлиқ шарт-шароитлар яратишга, унинг фаровон турмуш кечиришига эришишига қаратилгандир.

Иқтисодий ислохотлар ва эркинлаштириш жараёнилари, бир маромда ва маиший хизмат соҳасининг бир маромда хусусийлаштириб борилиши ҳам инсон манфаатларига зид келмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим. Истеъмол молларининг кўпини ўзимизда етиштиришни таъминлаш учун маҳаллий ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ жойларда савдо шохобчалари ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб барпо этиш ана шу мақсадларга олиб борадиган йўлдир. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёниларининг бориши ва ҳўжалик юритувчи субъектларининг мулкчилик шакллари бўйича

¹ Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ваган қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 309-бет.

таркиби, истеъмомол молларини ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ана шундай йўналишга эга.

Биринчидан, мамлакатимизнинг адолатли ижтимоий ҳимоя, мулкни хусусийлаштириш ва янги иқтисодий тизимни жорий этиш борасидаги фаолияти жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Иккинчидан, давлатнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати билан боғлиқ маҳаллий идоралар, корхоналар, жамоат ташкилотлари ва ширкат хўжаликлари ҳамда бошқа тадбиркорлик ва хайрия ташкилотларидан фуқаролар пенсиясига қўшиб берилаётган моддий ёрдам, шунингдек, муҳтожларга кўрсатилаётган оталиқ ёрдамлари, байрам ва ҳайит кунлари беморларни зиёрат қилиш, турли хайр-эҳсонлар ҳам фақат маҳалла ва оила орқали етказиб берилмоқда. Чунки давлатнинг ижтимоий муҳофаза сиёсатида маҳалла ва оила асосий мавқега эга. Бундай ёндашув умуминсоний кадриятларга, миллий анъаналарга ва халқимиз руҳиятига мос келади. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга бундай ёндошув мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти талабларига, бу жамиятда маҳалла ва оила институти эгаллаши лозим бўлган муносиб мавқега айна мувофиқ келади.

Учинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий мезонлар нуқтаи назаридан пухта ҳисобга олинганлиги билан ажралиб туради. Чунки, ўтиш даврида қонунчилигимизнинг ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги, айрим ҳолларда эса, мавжуд қонунларга ҳам ҳали бўйсуниб яшашга одатланмаганимиз натижасида турли хилдаги суинистеъмомликлар юз бермоқда. Натижада иқтисодий қонунбузарликлар (фойдани яшириш, солиқдан бўйин товлаш) ва бошқа кўзбўямачиликлар туфайли кимлардир ортикча бойиб кетиб, кимлардир қашшоқлашиб қошиши мумкин. Ана шундай пайтда қонун устуворлигини таъминлашда, аҳоли турли табақалари турмуш тарзида адолатли мувозанатни сақлаб туришда давлатнинг ижтимоий муҳофаза сиёсати муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, Президентимиз И.Каримов мамлакатни адолат тамойилларига таянган ҳолда инсон ҳақ-ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш йўлидан собитқадамлик билан илгари бошламоқда. Аҳолини турли сиёсий-иқтисодий бўҳронлардан асраб қолиш, уни ижтимоий муҳофазалаш, табақаларга кескин бўлинмаслиги, яшаш ҳуқуқи каби олий ҳуқуқларни мукаддас тутиш Ўзбекистонда барпо этилган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни ва унинг негизида шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг инсонпарварлик сиёсатининг туб мазмунини ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти иқтисодий асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохотларнинг ғоят муҳим шarti бўлмиш ижтимоий муҳофаза қилиш узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида, қуйидаги омилларни белгилаб беради:

- кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати истиқлол ва Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлига ишончини мустаҳкамлайди, бу ишонч эса аниқ моддий замин асосида ҳосил бўлади;

- кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратади;

- кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати фуқароларнинг мамлакатимизда ислохотларнинг изчил кечишидан манфаатдорлигини ошиб боришини таъминлайди ва бу янгиланиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Хулоса, Ўзбекистонда кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати жамиятда янгича фикрлаш асосларини яратишга қодирлигидан ҳам демократик фуқаролик жамияти барпо этишга кўмаклашади.¹ Зеро, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик юзага келгач, фуқаролар фикрлашга, фуқаролик жамияти тартибларини тузишга иштиёқ билан интиладилар. Чунки фикрловчи одам фуқаролик жамиятига таъсир ўтказиш қобилиятини мумкин қадар кўпроқ рўёбга чиқара олган тақдирдагина, кучли ва барқамол, тартиб-интизоми, эътиқоди ва маънавияти юксак бўла олади. Бунда инсон - жамият - давлат муносабатлари, инсон омилида юксак мавқеда туради. Шу маънода, мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш учун барча имкониятлар мавжуд ва улар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

6.3. Фуқаролик жамияти иқтисодий асосларининг замонавий мазмун-моҳияти ва хусусий мулк

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти иқтисодий асосларининг замонавий мазмун-моҳияти² чекланган ишлаб чиқариш захираларидан оқилона фойдаланиш орқали катта натижаларга эришиш ҳамда моддий захира самараларидан фойдаланиш усулларини танлаш ва нарх-наво даражасини ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритиш тизимини шакллантиришни ўзида мужассам этади. Шундай хўжалик тизими, одатда, бозор иқтисодиёти тизими деб аталади.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф муносиблигидан келиб чиққан ҳолда муайян бир товарни ишлаб чиқаришда чекланган захиралардан фойдаланиш, бошқа шароитда ишлаб чиқариладиган товарлардан воз кечиш тақозо этилади. Бозор иқтисодиётидаги ушбу товарни истеъмол талаблари эҳтиёжларидан ва товарнинг тақчиллигидан келиб чиққан ҳолда захираларнинг эгалари амалга оширади.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларининг мазмун-моҳияти фақат бозор тамойиллари орқали тўлик очиб берилади.

Биринчидан, фаолият хиллари ва шаклларини эркин танлаш. Гарчи иқтисодий эркинлик ва фуқаролик жамияти кўп моҳиятли тушунчалар

¹ Қаранг: Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Наврўз, 2005, 301-бет.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: М.Шарифхўжаев. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятини шакллантириш. -Т.: Шарқ, 2003, 48-65 бетлар.

бўлишса-да, уларнинг бош белги-аломати бу - хўжалик фаолиятининг эркинлиги тамойилдир.

Бу бош тамойил исталган хўжалик субъектига иқтисодий фаолиятнинг ўзи исталган, мақсадига мос келадиган, фойдали ва истиқболли турларини танлаш, конун рухсат берадиган ҳар қандай шаклда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради. Қонун эса одамлар ҳаёти ва эркинлигига, жамият барқарорлигига реал хавф соладиган ахлоқ нормаларига зид келувчи иқтисодий ҳамда хўжалик фаолияти турларини чеклаш ёхуд ман қилишга сафарбар бўлиши шарт.

Иккинчидан, мулк шаклларининг тенглиги. Фуқаролик жамиятининг ҳал қилувчи иқтисодий тамойили турли мулк шаклларига эга бозор субъектларининг тенглиги ҳисобланади. Ушбу тамойилга кўра, мазкур субъектлар ҳар бирининг иқтисодий фаолиятлари имкониятлари чекланганлиги, солиқ, имтиёзлар, санкциялар билан қўшилган ҳолда, барча субъектлар учун бир хил бўлиши ҳамда субъектлар мулкнинг қандайдир аниқ бир шаклига боғлиқ бўлмаслиги зарур.

Бу аслида мулкнинг хилма-хил шакллари ўртасидаги табиий ҳалол рақобатга асос бўлиши лозим.

Учинчидан, хўжалик юртишнинг мустаҳкамлиги. Бозор иқтисодига, наинки, корхоналарни бошқаришга, шу билан бирга уларни янгидан ташкил этиш ҳамда тугатишга дахлдор ўзини ўзи бошқариш жараёнлари ҳосдир. Дарҳақиқат, бозор ва фуқаролик жамияти доираларида корхоналар ҳар хил давлат кўрсатмаларидан холи булади. Идеалда эса корхоналар фақат ўзларининг молиявий имкониятларига боғлиқдир.

Тўртинчидан, фуқаролик жамиятида бозор хўжалигининг мавжудлиги товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасидаги рақобатга асосланади. Айнан улар товарлару хизматларга бозордаги талаб ва таклиф мувозанатидан келиб чиққан ҳолда нарх белгиланади. Лекин корхоналар фойда олиш, яъни зарар кўрмаслик учун ҳаракат қилади ва фақат фойда олиб келадиган товарларгина ишлаб чиқаради. Бу асосан захира бозори орқали амалга оширилади. Чунки кенгайдиган истиқболли соҳалар захираларга катта эҳтиёж сезади. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараён захиралар оқимини қисқарадиган соҳадан кенгайдиган соҳага табиий равишда ўтишини таъминлайди. Фуқаролик жамиятининг ана шу механизмида фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим устувор кадрияти мужассамлашган.

Албатта, инсонпарварлик ва цивилизация истиқболи нуқтаи назаридан фуқаролик жамияти асосларидан бўлган бозор иқтисодиётининг моҳияти ҳар хил баҳоланади.

Бозор тизимига ҳос асосий иқтисодий омил шундаки, у ресурс-захираларни самарали тақсимлаш имконини беради. Ушбу ҳақиқатга кўра, рақобатбон бозор тизими жамият катта эҳтиёж сезадиган ресурс-захираларни зарур товарлар ишлаб чиқаришга ва хизмат соҳаларига йўналтиради. У ресурслардан унумли фойдаланишнинг нисбатан

самарали усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг янада самарали янги технологияларини яратиш ва қўллаш имконини беради.

Жамиятни ташкил этишнинг фундаментал муаммоларидан бири корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштиришда намоён бўлади. Мувофиқлаштиришнинг икки усули мавжуд: бири - мажбурлаш турларидан фойдаланишнинг марказлаштирилгани, иккинчиси - бозор тизими воситачилигида кўнгилли ҳамкорлик.

Айнан бозор тизимигина иқтисодий фаолиятни мажбурловсиз мувофиқлаштириш имконини беради. Табиийки, айнан ана шу жабҳада бозор тизими фуқаролик жамияти моҳиятига нисбатан мос келади.

Фуқаролик жамияти ривожига хусусий мулк алоҳида аҳамият касб этади. У: а) мулкка эгаллик қилишни; б) мулкдан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини; в) мулкни бериш ҳуқуқини; д) қонун томонидан мулкни ҳимоя қилишни кўзда тутади.

Хусусий мулк иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг рағбатлантириш тизимини яратади. Бу эса бевосита қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- биринчидан, хусусий мулк мулкни оқилона бошқаришни рағбатлантиради. Мабодо, хусусий мулкдорлар ўз мулкни асраш ва уни даромадли таъминлашнинг иложини қилишолмаса ёхуд мулкига лоқайдларча муносабатда бўлишса, унда улар ўз мулкларининг кадрсизланишига, охиросида, банкротликка сабаб бўлишади. Аксинча, агар мулк яхши сақланса, ишласа, фойда келтирса, унинг қадри ошади. Бу эса зарурат тугилганда мулкни катта фойда эвазига бошқалар томонидан сотиб олинишига қафолат беради.

Агар мулк давлатга дахлдор бўлса ёки унга катта бир гуруҳ биргаликда эгаллик қилса мулкни асраш тартиби пасаяди. Шу боис ҳаммага маълум факт - давлат мулки бўлмиш уй-жойларнинг ҳолати тараққий этган давлатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ҳаммиша яхши сақланавермаслиги барчага маълум. Бундай хўжасизлик давлатнинг мулкка эгаллиги тугдирган рағбатлантириш тизимининг инъикоси, холос;

- иккинчидан, хусусий мулк одамларни ўз моддий имкониятларини ошириш ва ундан самарали фойдаланишга рағбатлантиради. Хусусий мулк шароитида одамлар ўз малакаларини оширишга, яхши, самарадор ишларга интилишади. Зеро, одамларда ўз маблағларини янада кўпайтириш хоҳиши кучаяди;

- учинчидан, хусусий мулкдорлар ўз захираларидан бошқалар манфаати учун фойдаланишга ҳаракат қилишади. Гарчи қонун уларга ўз мулкларидан қандай фойдаланиш ҳуқуқини берсада, хусусий мулкдорлар ўз мулкларини бошқалар учун суву хаводек зарурлиги, яъни харидорлиги ҳақида ўйлаганда, шубҳасиз, манфаатли устунликка эга бўлишади. Агар улар хатти-ҳаракатлари, интилишлари бошқа одамлар томонидан маъқулланса, улар мулкнинг қадри ошади, маъқулланмаса - пасаяди;

- **тўртинчидан**, хусусий мулк захираларидан келажак учун оқилона фойдаланиш ва уларни асраш имконини беради. Захиралардан бугун учун фойдаланиш шу кеча-кундуз манфаатларига хизмат қилади. Бироқ, захиралар нархининг ошиши билан боглиқ аниқ фойда ўзида эртанги кун манфаатлари талабларини акс эттиради. Хусусий мулкдорларда ана шу икки талабни ўзаро муносиблаштириб, мувофиқлаштириб туриш рағбати бор.

Хусусий мулкнинг бош афзалликларидан бири унинг иқтисодий ҳокимиятни кам соғли мулкдорлар қўлида хаддан ташқари тўпланиб қолишини чеклаш имкониятидир. Кўплаб одамлар қўлида бўлган мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи бу - зўравонлик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш воситаси ва омилidir.

Шундай қилиб, хусусий мулк бу, нафақат, иқтисодий ривожланиш ва шахс эркинлиги, айни пайтда, фуқаролик жамияти шаклланиши ҳамда такомилнинг муҳим шarti ҳамдир.

Маълумки, бозор таксимоти - ҳамманинг тенг, пропорционал вакилликдир. Бозор шароитида ҳар ким ўзи истаган нарсани сотиши ва сотиб олиши мумкин. Бу иқтисодий самарадорликни ижтимоий ҳимоянинг ривожланган тизими билан уйғунлаштириш имконини беради. Унинг ижтимоий бозор иқтисодиёти деб аталишининг сабаби ҳам шунда.

Мазкур иқтисодий тизим муайян тамойил ва элементларга асосланган. Асосий тамойил - юксақ ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи иқтисодий эркинлик бўлиб, ўзида қуйидаги элементларни акс эттиради:

- истеъмол эркинлиги: истеъмолчилар ўзлари истаган товарни ёки хизмат турларини танлаши ва олиши мумкин;

- ишлаб чиқариш ва савдо эркинлиги: корхона истеъмолчилар хоҳлаган товар ҳамда хизматларни ишлаб чиқариши мумкин;

- иш ўрнини эркин танлаш;

- хусусий мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш эркинлиги.

Ушбу тамойил ва элементлар бозор иқтисодиёти учун асос ҳисобланади. Мабодо бозор механизмлари фаолияти ижтимоий жиҳатдан номақбул бўлса, унда давлат томонидан каттик назорат талаб этилади. Унда иқтисодий эркинлик тамойили ижтимоий давлат ёки одамлар фаровонлигини қўллаб-қувватловчи давлат учун хос бўлган бошқа тамойиллар билан туғдирилади. Ижтимоий бозор иқтисоди турли элементларни ўзида тажассум этган фавқуллодда мураккаб тизим экаңлиги эса ҳаммага маълум.

Демократия тамойилларига асосланган ва фуқаролик жамиятида амалга ошадиган иқтисодий ҳуқуқлар қуйидагиларни ўзида қамраб олади:

- хусусий ва жамоа тарзида мулкка эга бўлиш, ундан фойдаланиш ҳамда таксимлаш;

- эркин ракобат шароитида қонун ман қилмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, тенг меҳнати учун одил, тенг даромад олиш ҳуқуқи;

- хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси, ишда руй берган фалокат, шунингдек, касаллик, меҳнатга лаёқатини йўқотганлик, ишсизлик туфайли ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи;

- корхона ва компания бошқарувида ишчиларнинг иштирок этиш, олинган фойдани адолат асосида тақсимлаш жараёнига қатнашиш ҳуқуқлари;

- одамларнинг иқтисодий ёхуд малакавий фаолиятига алоқадор касоба уюшмалари, тadbиркорлик уюшмалари, истеъмолчилар жамияти ва бошқа ташкилотлар тузиш ҳуқуқи.

Шу билан бир қаторда иқтисодий фаолият захиралардан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан бош захира - инсон захирасининг сўнгги натижаларига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамиятини ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи омиллар ижтимоий тараққиётни тан олинган ва жамиятнинг барча институтлари ҳамда тузилмалари фаолиятига аниқ йўналиш берувчи қуйдаги айрим тамойиллардан иборат: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуңлиги; жамиятнинг кескин табақалашуви, яъни йирик бойлар - сармоядорлар ва ўрта камбағалларга бўлиниб кетишининг олдини олиб, меҳнат, иқодий ҳамда тadbиркорлик фаолияти нуқтаи назардан аҳоли турмуш фаровонлигининг муқобил табақаланишини таъминлаш (иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатнинг оптимал уйғунлиги тамойили); ижтимоий ҳимоялаш, таълим, соғлиқни сақлашнинг ўзгариб турувчи энг кам иш ҳақидан паст бўлмаган ўртача даражасини етакчи мамлакатларга қараб белгилаш (турмуш даражасини етакчи гуруҳлар таъминлаш тамойили); ҳар бир кишининг ҳозир ва келажакда хавф-хатарсиз, беҳавотир яшашини таъминлаш (келажакка ишонч ва хавфсизлик тамойили) ва бошқалар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётида фуқаролик жамиятининг иқтисодий асос-белгилари билан боғлиқ ялпи талабларга қатъий риоя этиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бундай изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг асл мақоми ва моҳиятига айнан мослиги билан эътиборлидир. Бу эса демократик жараёнларни амалга оширишда мустхакам асос бўлиб хизмат қилади.¹

Фуқаролик жамияти иқтисодий асосининг яна бир муҳим томони бу - иқтисодий тенглик муаммосидир. Иқтисодий тенглик қонун олдидаги тенглик тамойили орқали рўёбга чиқарилади. Бунда фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси демократик институтларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар, натижада ўзаро ижтимоий муроа қарор топади ва эркин бозор иқтисодиёти ақидаси шаклланишига имкон яратади.

Эркин бозор иқтисодининг асосий белгиларига кўра, барча сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам бозорда бир хил ҳақ-ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Ҳеч ким ва ҳеч нарса бунга мутлоқ монелик қилолмайди. Демак, эркин бозор иқтисодиёти шароитида барча истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар бозордаги ҳолатларига қараб тенгдилар. Барча хилдаги захираларни ҳар


¹ Қаранг: С.Тоғиев. Хусусий мулк ва фуқаролик жамияти. // Фуқаролик жамияти. 2004 йил 1-сон, 18-20 бетлар.

томонлама ишга солиш бозор тенглиги қатнашчиларининг имкониятларини тенглаштиради. Бозор ахборотлари тарафларга бир хил даражада тарқатилса, ҳар иккала томон ҳам старли маълумотга тенг эга бўлишади. Ахборотдан тула хабардор бўлмаслик турли хатоликларни келтириб чиқаради. Бозорда бир хилдаги, бир турдаги товарлар сотилаётганда товар эгалари бир хил имкониятларга эга бўлишади. Истеъмолчилар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Рақобатчилардан бирортаси бошқаларига ҳукмини ўтказма олмаса, унда улар ўртасида тенглик қарор топади. Қабул қилинадиган қарорларнинг ўхшаш бўлиши табиий ҳол. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсак, эркин бозор иқтисодиёти ва унда қатнашувчи томонлар тенг имкониятларининг ягона модели ҳисобланади. Яъни, эркин бозор иқтисодиёти шароитида бозор тенглиги қатнашчиларининг имкониятлари тенглигини англатади. Жумладан, бизнес хилининг ўзгариши, тўла бозор ахборотига эга бўлиш, бир хилдаги товарларни ишлаб чиқариш ва сотиб олиш, бир тарздаги қарорлар қабул қилиш ҳолларида бу тенглик кўзга тапланади.


Шулардан келиб чиққан ҳолда, умумий ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, эркин бозор иқтисодиёти шароитида иштирок этувчи агентларнинг тўлиқ тенг имкониятлари моделидир. Яъни, эркин бозор иқтисодиёти шароитида бозор тенглиги бозорда иштирок этиш, бизнес турини ўзгартириш, тўлиқ бозор ахборотига эга бўлиш ва қарорлар қабул қилиш нуктаи назардан бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир қатнашчининг имкониятлари тенглигини ифодалайди.

Демак, эркин бозор - бу имкониятлар тенглиги тизимидир. Табиийки, бозор эркинлигини амалда таъминлашга фақат бозор мувозанати шароитидагина, яъни ушбу тенгликнинг барча имкониятларидан тула фойдаланилганидагина эришилади. Чунки эркин бозор иқтисодиёти бу - бор йўғи назарий конструкция, демак, эркин бозор иқтисодиёти шароитидаги бозор тенглиги ҳам фуқаролик жамиятига интилиши лозим бўлган идеал ҳолатдир.

1-чизма. Фуқаролик жамиятининг асоси бўлган эркин бозор иқтисодиётининг туб белгилари



2-чизма. Бозор иқтисодиёти белгилари.



6.4. Мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий кафолати

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос «Ўзбек модели» талабларидан келиб чиқиб, хусусийлаштиришда, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашда, тадбиркорлик фаолиятини конституциявий-ҳуқуқий кафолатлашда ҳам ўзига хос йўл тутилади.

Биринчидан, давлат мулкни бошқа мулк шаклига айлантириш учун мулкни текинга бериш эмас, балки мулкдорларга сотиш дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Иккинчидан, давлат мулкни сотиб олишда ҳамма фуқароларга бир хил тенглик ва имкониятлар ҳратиш, давлат мулкни сотиб олаётган жамоаларга давлат ёрдамини уюштириш, уларни турли адолатсизликлардан сақлаш кафолати йўлга қўйилди.

Учинчидан, хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга оширишнинг давлат дастури ишлаб чиқилди. Хусусийлаштиришни босқичма-босқич олиб бориш бозор иқтисодиётга ўтиш жараёнларига қараб белгиланди ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар эътиборга олинди.

Тўртинчидан, корхоналарни хусусийлаштирганда қарор топган ишлаб чиқариш ва бошқарув таркибини монополиядан чиқариш ҳамда корхоналарни йириклаштиришга катта эътибор берилди. Агар шундай қилинмаганда, хусусийлаштирилган корхоналар тоталитар тизимдан қолган монополия шаронтида бир қадам ҳам олға силжий олмади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда хусусийлаштириш аввал бошидан ҳар бир фуқарога ўзининг мулкига эга бўлишдек, табиий ҳуқуқни амалга ошириш учун имконият яратиб беришга қаратилди. Шу мақсадда 1996 йил сентябрида Хусусийлаштириш Инвестиция Жамғармаси (ХИЖ) ташкил

этиш дастури қабул қилинди. Бу дастур халқаро молиявий институтлар тавсиялари асосида тайёрланди ва ўз қафолатлари нуқтан назаридан МДХда ягона эди. Дастурнинг асосий мақсади - аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш, қимматли қоғозларга қўйилаётган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш ҳамда акциядорларнинг фонд бозорларида фаол янғ кўрсатишлари билан боғлиқ хавф-хатарни камайтиришга қаратилган эди.

Режали иктисодиётдан бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим бўғинларидан бири - давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнини самарали олиб боришдир. Бу жараён янги мулкдорларнинг шаклланишига қўмаклашади. Хусусийлаштириш - бозор муносабатлари шаклланишининг негизи, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни оёққа турғизишнинг чинакам асосини ташкил этади. Хусусийлаштириш туфайли мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топади.

Хусусийлаштиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

- давлат корхоналарини хиссадорлик жамиятларига айлантириш ва унинг акцияларини очик сотувга чиқариш;
- акцияларни ким ошди савдоси йўли билан сотиш;
- давлат корхоналарини хусусий инвестрлаш, яъни айрим шахслардан ихтиёрий равишда маблағ йиғиш йўли билан таъминлаш;
- корхоналарнинг мулкни сотиш ва кейинчалик мавжуд қарзларни тўлаш йўли билан давлат корхонасини тугатиш;
- корхоналарни раҳбарлар ва меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш;
- давлат корхонасининг хусусий шахс томонидан ижарага олинishi ёки давлат ва хусусий корхоналар ўртасида корхонани бошқариш тўғрисида битим тузиш.

2005 йилда мамлакатимизда давлат корхоналарини бутунлай, шунингдек, давлат акция пакетларини асосан хусусий мулкдорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлантирилди. 2000-2005 йиллар давомида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорлага сотилди.

Масалан, Самарканд чой қадоклаш фабрикаси, «Охангаронцемент», «Бухорогипс», «Паркентсувуқурилиш» акциядорлик жамиятлари каби йирик корхоналари тўлиғича хусусий мулкдорларга сотилди.

Хусусийлаштириш жараёнининг сўнгги йилларидаги ўзига хос жиҳати давлат активлари ва акция пакетларининг нолга тенг харид қиймати бўйича тўлиқ ҳажмда сотилаётганида намоён бўлмоқда.

Кейинги уч йил мобайнида 396 та корхона ва объект 43,2 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан нолга тенг харид қийматида сотилди. Низом жамғармасида давлат улуши бўлган хўжалик субъектлари сони 2001 йилдагига нисбатан уч баробар қисқарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фозидан ортиғи, қишлоқ хўжалиғи ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари

нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иктисодиётда банд бўлган кишиларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иктисодиётнинг ўсиш сураётларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бақдлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иктисодитёнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилётгани туфайли эришилди. 2005 йилнинг ўзида кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингтадан ортди.

Ҳозирги кунда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Бугун иктисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юрнмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

2005 йили кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва биринчи гада кишлоқда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз фермер хўжалиklarида бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хомашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжалиklари томонидан етиштирилди.¹

Кишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизими тубдан ўзгариб, бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар — деҳқон, фермер ва ширкат хўжалиklари фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида истиқболда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори ўсиш сураётларига эришининг асосий омилларидан бири сифатида фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш ва уларни кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айлантириш ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ушбу вазифани самарали ҳал этиш фермер хўжалиklarининг фаолият юритиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларга ер-сув ресурсларини ажратиб бериш, моддий таъминот ҳамда хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, бозор инфратузилмасини барпо этиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш билан ўзвий боғлиқдир.

Айниқса, зарар қўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжалиklarига айлантириш жараёнининг қатъий назоратга олинishi

¹ Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим (2006 йил 10 феврал кўни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисига оид материаллар), -Т.: Ўзбекистон, 2006, 3 -9-бетлар.

бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Президентимиз табири билан айтганда «ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошқора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим».

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда қишлоқда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим масаласи бу мамлакатимиз фуқаролари ҳаётининг асоси саналмиш ерни ҳақиқий эгасига - ундан тўғри ва самарали фойдалана оладиган фидойи деҳқонларга топширишдир. Хўш, бунга қандай асослар ва имкониятларимиз бор?

Мамлакатимиз жами ер майдонининг атиги 9,6%, яъни 4283 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. Улардан 4072 минг гектари ёки 9,1% экин экиладиган ерлар. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, бутун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир кишига 0,16 гектар экин экиладиган ер тўғри келмоқда. Аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва саноатнинг хомашёга бўлган талаби эса муттасил ортиб бораётганини ҳисобга олсак ерни асраш, ундан ўта юқори самара билан фойдаланишимиз зарур. Бундай мураккаб ва ўта масъулиятли вазифани бугун қишлоқда қим ўз зиммасига олади? Бу масала келажак ҳаётимизни ҳал этувчи омил сифатида, Ўзбекистонда яшовчи ҳамма аҳоли қатламларига, каттаю-кичикка бирдек тааллуқли, деб ўйлаймиз.

Аграр соҳани тартибга солишдаги асосий ҳужжат бўлмиш Ер кодексининг 16-моддасида ер давлат мулки — умуммиллий бойлик эканлиги ҳамда ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Уни олди-сотди қилиш, айирбошлаш, ҳада этиш, гаровга қўйиш мумкин эмас. Яъни ер хусусийлаштирилмайди. Лекин юридик шахслар доимий эгалик қилиш, муддатли фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида, жисмоний шахслар эса шунингдек, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ер участкаларига эгалик қилишлари мумкин.


Жаҳон тажрибаси ер давлат мулки бўлган шароитда ундан ўзоқ муддатли ижара шартлари асосида фойдаланиш самарали йўл эканлигини кўрсатади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, деҳқон ўзига ажратилган ер участкасининг сифат даражаларига қараб, ижара ҳақини тўлаган ҳолда етиштирилган маҳсулотига ўзи эгалик қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар қандай хўжалик юритиш субъектининг маълум ер участкасига эгалик қилиши остида, ундан амалдаги қонунчиликка асосан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, яъни моддий манфаат олиш ётади. Демак, ерга эгалик ҳиссини уйғотишда ушбу ердан олинаётган даромад, етиштирилган маҳсулотга эгалик қилиш асосий роль ўйнайди. Яъни ерга эгалик қилиш умумий тарзда бўлиши, ундан олинadиган даромадни ўзлаштиришнинг хусусий бўлишига тўсик бўлмайди. Жаҳон тажрибаси учун ҳам айнан ўзлаштиришнинг хусусий бўлишига қучли эътибор қарағиш ҳосдир.

Ўзбекистонда аграр соҳада амалга оширилаётган ер ислохотларида айнан шу жиҳатлар ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида ўзига ажратилган ерга умрбод мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи

билан эгалик қиладиган деҳқон хўжаликлари ҳамда 50 йилгача, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ердан ижара усулида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фермер ва ширкат хўжаликлари фаолият юрита бошлади.

Ушбу хўжалик юритиш субъектлари орасида фермер хўжалиklarининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлигини таъкидлаш лозим. Агар 1999 йилда фермер хўжалиklarининг сони атиги 23 мингтани ва улар ихтиёридаги ер майдони 665,7 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг сони 103,9 мингтани, ер майдони эса 2935,3 минг гектарни ташкил этди (1-чизма). Ўртача бир фермер хўжалигига 28,3 гектар ер майдони, 1 ишловчига эса 3,8 гектар ер майдони тўғри келади. Ўртача бир деҳқон хўжалигига 0,15 гектар ер майдони тўғри келса, ширкат хўжалиklarида бу кўрсаткич 998 гектарни ташкил этади.

1-чизма. Турли хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги ер майдонининг ўзгариши, (мингга)



Фермер хўжалиklarининг ялпи кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам муттасил ортиб бормоқда. 2005 йилда бу кўрсаткич 20,4 фоизни ташкил этди. Бу фермерларнинг улуши 1999 йилдагига нисбатан 4,4 мартага ўсганлигини билдиради.

Юқорида тилга олинган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг таҳлили шунини кўрсатдики, аксарият ширкат хўжалиklари қутилган даражадаги самарадорлик кўрсаткичларига эриша олмадилар.


Кейинги уч йил мобайнида асосий экин турлари бўйича ширкат хўжалиklarида эришилган ҳосилдорлик кўрсаткичи деҳқон хўжалиklarига нисбатан 1,2-2,2 марта паст бўлди. Фермер хўжалиklarига айлантирилган ширкат хўжалиklари ерларида эришилган ҳосилдорлик эса ширкат хўжалиги даврда эришилган ҳосилдорликка нисбатан 30 % юқори бўлган.

Ширкат хўжалиklarида пахта етиштириш рентабеллиги ҳам паст даражада. 2004 йил якуяларида кўра республикамиз ширкат хўжалиklarида 1393 минг гектар ерда пахта етиштирилган бўлиб, 1 гектар ерда пахта етиштириш учун 458,8 минг сўм ҳаражат қилинган. 1 тонна пахтанинг таннари 222,7 минг сўмни ташкил қилган бўлса, сотиш нархи 193,2 минг

сўм бўлди. Натижада рентабеллик кўрсаткичи манфий бўлиб, — 13,2 % ни ташкил қилди. Фермер хўжаликларида ўртача 1 ишловчи ҳисобига дон етиштириш кўрсаткичи ширкат хўжаликларига нисбатан 1,6 марта юқори бўлган. Фермер хўжаликларида 2001 йилда 1 ишловчи ҳисобига 399,3 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 1008,4 минг сўмни ташкил этган. Бу ширкат хўжалигига нисбатан 1,4 марта, деҳқон хўжалик-ларига нисбатан 1,6 марта кўпдир (2-чизма). Ширкат хўжаликларидаги ердан фойдаланиш самарадорлиги эса деҳқон хўжаликларига нисбатан 11,3 марта паст бўлди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларининг фаолияти ширкат хўжаликларига нисбатан самаралироқдир. Ширкат хўжаликларининг самарасиз фаолиятига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири — уларда ҳақиқий мулкдорларнинг шаклланмаганлигидир. Ширкат хўжаликларининг 1,1 миллиондан ортиқ мулкый пай эгалари расман қишлоқ мулкдорлар сафига қўшилсаларда, уларда мулкдорлик ҳиссининг уйғониши, ташаббускор меҳнатта интилишининг пайдо бўлишига эришилмади. Нафақат оддий аъзолар, балки ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам пайчилик усули мазмун-моҳиятини тўла англаб етмадилар. Лоқайдлик қайфияти бартараф этилмади ва ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам ушбу ҳолатдан жиддий ташвишга тушмадилар. Бошқарув фаолияти устидан хўжалик аъзоларининг кучли назорати ўрнатилмаганлиги, ўзлаштиришининг умумийлиги ва мулкдан келадиган даромаднинг деярли мавжуд эмаслиги натижасида ширкат хўжаликлари фаолиятининг асосига қўйилган механизмлари яхши ишламади.

2-чизма. Турли хўжалик юритувчи субъектларда 1 ишловчи ишлаб чиқарган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (минг сўм)



Фермер хўжаликларида эса мулк эгалари қариндош-уруғлик ришталари билан боғланган кишилар гуруҳи эканлигини кўришимиз мумкин. Улар биргаликда меҳнат қилиш билан бирга хўжаликни бошқариш,

режалаштириш ва хўжалик фаолиятдан олинган даромадни тақсимлаш қарорларини ҳам биргаликда қабул қиладилар. Лекин ширкат хўжаликларидан фарқи равишда фермер хўжаликлариди ягона, самарали қарорга келиш осон. Фермер хўжалигининг фаолият натижалари унинг аъзолари учун аниқ ва равшан бўлиб, улар хўжалик фаолиятини тўла ўз назоратига оладилар. Фермер хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотни тўлақонли эгаси бўлиб (шартнома бўйича давлатга топширилиши лозим бўлганларидан ташқари) уни тасарруф қилиш йўлларини ўзи белгилайди.

Юқоридагилар шундан далолат берадики, фермер хўжаликлариди адолат тамойиллари яхшироқ таъминланганлиги билан бирга, манфаатдорлик ҳам юқори. Шу боис ҳукумат қарорларига асосан паст рентабелли, зарар билан ишлаётган ҳамда истикболсиз ширкат хўжалиklarини босқичма-босқич тугатиш ва улар ўрнида янги фермер хўжалиklarини ташкил этиш жараёнини муваффақиятли ўтказишнинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжалиklarига айлантиришга онд чора-тадбирлар тўғрисида»ги 215-қарори ушбу йўналишда илгари қабул қилинган ҳукумат қарорларининг манتيқий давоми сифатида, фермер хўжалиklarининг жадал ривожланишига зарур шарт-шаронتلарни яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қарорда ширкат хўжалиklари негизиди ташкил этилаётган фермер хўжалиklarига даъвогарларни аниқлашда ҳолисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасиди очик ва ошқора танловлар ўтказиш, фермерларга хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва уларни телевидение ва оммавий ахборот воситалариди ёритишга катта эътибор қаратилган.

Фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг ташкилий жиҳатларига бундай чуқур эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Чунки бугунги кунда ўзок муддатли ижарага ер участкасини олиб фермер хўжалигини ташкил этиш ва мулкдорлар сафига қўшилиш истагини билдирганлар талайгина. Юқоридаги қарорга мувофиқ 2006 йилда 428 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган истикболсиз ширкат хўжалиklarини тугатиб, улар ўрнида 20 мингдан ортик фермер хўжалиklари тузилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимликлариди ширкатларни фермер хўжалиklarига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияларига 30 мингдан ортик даъвогардан ариза тушган. Демак, барча даъвогарларни фермерларга айлантиришнинг имкони йўқ. Лекин уларнинг барчаси учун тенг шаронтлар яратиб, адолат тамойиллари асосиди уларнинг энг муносибларини танлаб олиш жуда муҳим.

Олдинги йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, жойларда фермер хўжалиklarини ташкил этишда даъвогарлар ўртасиди ошқора танлов талабларига риоя қилмаслик ғолибларни аниқлашда ҳолисликни таъминламаслик ҳолатлари ҳам учради. Бунинг натижасиди фермерлар орасига деҳқончилик сирларини билмайдиганлар ҳам қўшилиб колди. Ачинарлиси шундаки, бундай «тасодифий фермерлар» унузли ерларга эга чиққани ҳолда

шартнома мажбуриятларини бажаришга мутлақо бефарқлик билан қараб, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарасиз фойдаландилар. Бу мамлакатимизнинг экин майдонлари чекланганлиги шароитларида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат. Ваҳоланки ер участкалари ўзининг ҳақиқийсини топганида эди, қайта ишловчи саноат хомашёси янада ортган ва ҳалқимиз дастурхонига янада кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб берилган бўлур эди.

Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш нафақат иқтисодий аҳамиятга молик, балки ижтимоий натижалари билан ҳам муҳимдир. Ушбу жараён натижасида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ва қишлоқ мулкдорларининг таркибий ўзгариши юз беради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ўртача бир тугатилаётган ширкат хўжалигининг ерларида 35 та фермер хўжалиги ташкил этиш имкони бор. Ширкат хўжаликларида ўртача 759 та мулкрий пай эгаларининг мавжудлигини инобатга олсак фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан ҳар бир хўжалиқдан ўртача 724 кишини, 2006 йилда фермер хўжаликларига ўзгартирилиши лозим бўлган жами хўжалиқлардан эса 309 мингдан ортиқ кишини янги иш жойлари билан таъминлаш керак бўлади. Уларнинг бир қисми ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил этилажак фермер хўжаликларига ёлланешлари табиий ҳол. Демак, бўлажак фермернинг тадбиркорлиги, ўз касбини яхши билиши, билими, тажрибаси ва уқуви, хуллас, унинг фермер деган номга қай даражада муносиблигидан нафақат ўз оиласи ва яқинлари, балки кўп сонли ёлланма ишчилар ҳам манфаатдордир. Ундан ташқари фермер хўжаликлари қишлоқдаги ижтимоий инфратузилманинг ривожланишида ҳам ўз ўрнига эга.

Кўриниб турибдики, фермер хўжалиги дегани ҳавасмандлик билан ер участкасини ва фермер деган номни олиш эмас, балки катта масъулият ва жавобгарликни олиш демакдир.

Шундай экан, бугунги кунда фермерликка даъвогарлар ичидан муносибларини танлаб олиш учун қандай, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

Жойларда ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил қилиш комиссиялари билан бир қаторда жамоатчилик Кенгашлари ҳам тузилган. Ушбу Кенгашлар таркибига қишлоқ фуқаролари йиғинлари, оқсоқоллар ва деҳқончиликда юқори тажрибага эга бўлган фаоллар киритилган. Улар танловга бевосита алоқадордир. Комиссия суҳбатидан ўтган даъвогарлар тўғрисида жамоатчилик Кенгашларининг фикри ҳам инобатга олинади. Кенгаш аъзолари таркибига эътибор бериб, айтиш мумкинки, улар ҳар бир даъвогарнинг шахси билан у ёки бу даражада таниш бўлиб, ҳаққоний хулоса чиқаришга қодирдир. Шуларни ҳисобга олганда Комиссия ва ундан сўнг жамоатчилик Кенгашининг ижобий хулосасини ололмаган даъвогарда норизолик кайфияти қолмаслиги аниқ.

Ундан ташқари ушбу жараённинг қандай амалга оширилишини жойларнинг ўзида кузатиш учун жамоатчилик гуруҳлари шакллантирилди. Ушбу гуруҳлар таркибига тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг юқори мансабдор шахслари киритилган бўлиб, улар танловларнинг мазмун-моҳиятини маҳаллий аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш

билан бирга, унинг устидан бевосита назоратни таъминламоқдалар. Улар қайта ташкил қилиш комиссиялари фаолияти билан яқиндан танишиш, танловга тайёргарлик жараёнининг боришини кўзатиш, унга масъул шахсларнинг сидқидилдан ёндашувини баҳолашга ваколатлидирлар.

Кўриниб турибдики, фермер хўжалиklarини ташкил этиш бўйича танловларнинг тўлақонли ўтиши учун зарурий чора-тадбирлар кўрилмақда. Шу билан бирга ушбу жараёнининг юқори савия ва адолат тамойиллари асосида ўтказилиши учун қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Авваломбор танловнинг барча босқичлари даъвогарлар учун маъхум бир жараён эмас, балки ошқора, ҳаққоний танлов бўлишига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун комиссия аъзоларидан жамоатчилик билан ишлаш учун керакли малака ва тажрибага эга бўлган алоҳида масъул шахс белгиланиши ва унинг ихтиёрида танловдан манфаатдорларни қизиқтириши мумкин бўлган барча ахборотнинг мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ушбу танловларда иштирок этишга ҳақли бўлган хўжалик ҳудудида яшовчи барча шахсларни ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун зарур шароитларни яратишга маҳаллий ҳокимият томонидан барча чоралар кўришни кучайтириш керак. Танловга даъвогарлардан ҳужжатларни қабул қилишда ортиқча расмиятчиликка йўл қўймаслик зарур. Шу билан бирга қабул қилинаётган ҳужжатлар савияли, ундаги маълумотлар ҳуққоний ва тўлиқ бўлишига эътибор қаратиш ва бундан биринчи навбатда даъвогарларнинг ўзлари манфаатдор эканликларини тушунтириш лозим.

Комиссия аъзоларидан бирининг бирор бир даъвогарга зимдан хайрихоҳлик билан қарор қабул қилишига ҳам йўл қўйиб бўлмади. Ҳужжатларнинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши мобайнида ва тегишли қарор чиқаришда аъзоларнинг овоз беришда тўлиқ катнашишини таъминлаш зарурий шарт ҳисобланади.

Айниқса жамоатчилик кенгашлари ушбу масалаларга бефарқ қарамасликлари керак. Кенгаш аъзолари маҳаллий аҳолининг танлов жараёнига муносабатини ўрганиши, қолаверса уларни ушбу жараёнда фаол иштирок этишга жалб қилишлари муҳим. Шу билан бирга аввалги йиллар тажрибаси шунини кўрсатадики, қайта ташкил қилиш жараёнини шошма-шошарлик билан, расмиятчилик учун ўтказиш ҳолатларига йўл қўйиш салбий оқибатларга олиб келади. Шу боис танловнинг сони эмас, балки унинг савияси бу иш учун мутасадди бўлган раҳбарлар диққат марказида туриши лозим.

Олиб борилаётган чора-тадбирларни тўғри ташкил этиш ернинг ҳақиқий эгаси бўладиган фермерга танлов жараёнининг ҳаққоний тарзда муваффақиятли якунланиши, охир оқибатда, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада жадал ўсиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва ва биринчи галда кишлоқда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш масаласига

катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда фермер хўжаликларида бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги хомашёнинг 66 фоизи, галланинг 55 фоиздан ортиги фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараллари нагжасида мулкчиликнинг хусусий, жамоат (ширкат), давлат, аралаш шакллари вужудга келади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, бошқа мулк шакллари хусусий мулк замирида пайдо бўлади. Хусусий мулк миллийлаштирилганда давлат мулки, у қирилган равишда бирлаштирилганда жамоа мулки юзага келади. Мулккий хилма-хиллик мулк шакллариининг тенглигини, улардан ҳеч бири сунъий равишда чекланмаслигини билдирса-да, барибир бу хусусий мулкнинг устуворлигини талаб қилади. Устуворлик хусусий корхона ва хўжаликларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишда, уларнинг олди-сотди қилинишида етакчи бўлишини билдиради. Булар биргаликда иқтисодиётнинг хусусий секторини вужудга келтириб, хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва хусусий капиталнинг ҳиссаси катта бўлган акционерлик жамиятларидан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришни ва мулкчилик шакллариини жадал ривожлантириш учун мустақкам пойдевор яратишда, биринчидан, бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизimini соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юқини янада камайтириш лозим.


Бу мақсадга эришиш учун 2006 йилда даромад солиғи ставкалари сезиларли даражада – 15 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 25 фоизгача камайтирилди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорига қизқиқини орттириш ва унинг иштирокчилари даромадларини кўпайтириш мақсадида дивидендлар ва фоизлар бўйича даромад солиғи 15 фоиздан 10 фоизга туширилди. Экология солиғи ва савдо қилиш ҳуқуқи учун ойлик йиғим бекор қилинди. Бундан ташқари, солиққа тортилдиган базадан ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор харажатлар чиқариб ташланди.

Бу соҳада кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, корхоналар ва хўжалик тузилмалари ихтиёрида кўшимча 250 миллиард сўм маблағ қолади. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, инвестиция мақсадлари ҳамда ходимлар иш ҳақини оширишга йўналтирилиши тавсия қилинади.

Солиқ юқини сезиларли равишда енгиллаштириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим вазифа – ишлаб чиқаришни фаоллаштиришнинг муҳим омили бўлмиш харид талабининг жадал ўсишини таъминлашдир.

Бу корхоналар ва тадбиркорлик тузилмалари айланма маблағлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига харид талабининг ўсишини таъминлайди. Умумий талабининг ўсиши деярли барча товарлар, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ошириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратади. Бу эса аввало ишчиларнинг иш ҳақи, аҳолининг даромадлари ўсишини таъминлайди.

3-қизм. Мулкчилик шакллари



Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантиришга уч асосий йўл билан ёндашилди ва бу жараян ҳозирда ҳам давом этмоқда:

Илгари танҳо собиқ шкро давлати тасарруфида бўлган мулк меҳнат жамоалари ва фуқароларга берилди;

Давлат корхоналари ва хўжаликлари очик ва ёпик турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, ишчи, хизматчи ва деҳқонлардан (акция эгалари) иборат мулкдорлар шакллантирилмоқда;

Давлат ва тижорат банклари, турли жамғармалардан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали хусусий тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес вакиллари хунурмаллари, фермерлар, томорқачилар, ижарачилар, пудратчилар сафи кенгайтирилмоқда.

Чиниякам мулкдорлар синфи:

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига;

- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш;

- қимматли қоғозлар бозорини яратиш ҳисобига;

- кўп укладли иктисодий ва вужудга келтириш йўли билан шакллантирилмоқда.

2006 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг икки босқичда оширилиши кўзда тутилган.

Бунинг натижасида ўртача ойлик иш ҳақининг 1,4 маротаба ошиши таъминланади. Худди шундай миқдорда нафақа, пенсиялар, стипендия ва бошқа ижтимоий кўмаклар ҳам кўпаяди.

Кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, шунингдек, қасаначиликни кенгайтириш аҳоли даромадларини ўсишида муҳим омил бўлади.

Ҳозирги босқичда фермерлар томонидан ўзи ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, аввало, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперациянинг турли шакллари яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга.

Буларнинг барчасини инобатга олганда, аҳолининг реал пул даромадлари, ҳисоб-китоблар бўйича, камида 20 фоизга ўсади.

Тадбиркорликнинг мана шу йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўришимиз, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг механизмлари ва ҳажмини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Шу мақсадлар учун хизмат қиладиган «Микромолиялаш тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур.

Мазкур вазифани амалга оширишнинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил қилиниши ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаш ва микролизинг бўйича турли хизматлар кўрсатиши даркор.

Бу борада ечилиши зарур бўлган энг муҳим масала – банкнинг устав фондини ташкил қилиш учун унинг манбаини топиш, кредит процентини 5 фонддан оширмаслик ва бериладиган кредитларни қайтариш кафолатларини аниқлаш ва ишга солишдан иборат.

Ҳарид талабини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида ўзоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига кредит ажратишни кескин кўпайтириш керак. Ҳозирги вақтда фақат энгил автомобиль ҳарид қилишни кредитлаш кенг қўлланилмоқда, холос.

Айни пайтда мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари, мураккаб маиший ва бошқа электрон техникани сотиб олиш учун кредит ажратишнинг талай имкониятлари мавжуд. Шу боис банкларнинг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтириш зарур.

Бугунги кунда банклар фаолияти хўжалик субъектлари, кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Банк тизимида пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъминлашнинг замонавий воситалари, шунингдек, бошқарув механизмларининг бозор ва монетар агрегатларидан суғул фойдаланилмоқда.

Банкларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасидаги вазифалар етарли даражада бажарилмапти.

Марказий банк ва тижорат банклари биринчи навбатда миқозларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пулларининг ҳеч қандай қийинчиликсиз бемалол берилиши, нақд ва нақд бўлмаган пул муомаласини тўлиқ унификация қилиш ҳисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этмоғи зарур.

Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилиши даркор.

Банклараро бозорда рақобат муҳитини яратиш, банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур.

Таркибий ислохотлар ва иқтисодийни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг қўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жорий этиш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Янги қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгиланишга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг қўламда жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хукукий базани янада мустаҳкамлаш, белгиланган имтиёз ва қулайлик қўллашнинг аниқ ва ошқора Механизмини яратиш, чет эл ишбилармон доиралари ва салоҳиятли ҳамкорларга иқтисодийтимизнинг муайян тармоқларидаги инвестиция имкониятлари хақида ҳар томонлама кенг ахборот етказиш зарур. Энг асосийси, бюрократик тўсиқ ва ғоялар, амалдорларнинг лоқайдлиги ва коррупцияга берилиш ҳолатларидан ўзил-кесил ҳалос бўлиш лозим.

Қимматли қоғозлар бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган самарали стратегияни ишлаб чиқиш, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошқоралик тамойилларини кескин кучайтириш керак.

Зеро, Ўзбекистон шароитида эса хусусийлаштириш қимматли қоғозлар бозори ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан ушбу бозор орқалигина корхоналарнинг акцияларини харид қилиш имконияти пайдо бўлади. Аҳолининг маълум қатлами, инвесторлар, хўжалик жамиятларининг меҳнат жамвалари, шунингдек, жисмоний шахслар кўпгина корхоналарнинг мана шу бозорда иштирок этишига шароит яратади.

Агар соҳанинг ривожини аниқ рақамлар мисолида кузатадиган бўлсак, 2004 йили қимматли қоғозлар бозорини умумий қиймати 146,3 млрд. сўмга тенг бўлган акция ва корпоратив облигациялар сотилди. Бозордаги валюта умумий айланмасининг 80 фоизга яқинини акциялар сотишдан тушган маблағ ташкил этди. Шу йили сотилган акцияларнинг умумий ҳажми 115,0 млрд. сўмга тенг бўлди.

Шу тариқа Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни бир томондан акциялар бозорининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятларининг ташкилий-хукукий жиҳатидан шаклланишига ёрдам беради. Бу келажакда нафақат акция ва корпоратив облигациялар эмиссияси, балки опцион ва фьючерс каби қимматли қоғозларнинг эмиссиясига ҳам йўл очиб, корпоратив қимматли қоғозлар айланмасини кенгайтиради. Демак, хусусийлаштириш жараёни қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат этса, иккинчидан, уларни кенг аҳоли қатлами фойдалана оладиган самарали молиявий воситага айлантиришнинг бошланғич босқичи, деб тушуниш мумкин. Галнинг нафсламрини айтганда, хусусийлаштириш – иқтисодий ҳаёт истиқболда муҳим омил бўлиб, давлат аҳамиятига молик жараёндир.

Шундай қилиб, хусусийлаштириш иқтисодий тараққиётимизнинг барқарор суръатлар билан юксалишига, одамларнинг дунёқарashi, менталитетини ўзгаришига, улардаги ижтимоий боқимандалик ва фақат давлатдан ёрдам кутиб яшаш кайфиятини барҳам топishiга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Хусусийлаштириш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш ҳисобидан мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф амалда шаклланмоқда.

Биринчи навбатда бу - ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқайтган ва давлатга ҳам катта наф келтирайётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлардир.

Айнан аша шундай мулкдор-тадбиркорлар фуқаролик жамиятининг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади. Чунки айнан шулар демократик ва бозор ислохотларини давом эттириш ва чуқурлаштиришдан, мамлакатни барқарор ва изчил ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдор эканини таъкидлаш зарур.

Халқ манфаатларига мос мустақил иқтисодий сиёсат юритиш тараққиётнинг муҳим шартидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, факат уюшган бозоргина халқнинг ижодий имкониятларини очиб, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, жамият аъзоларида эл алик туйғусини уйғотади. Хусусий мулкка қонун билан рухсат этилиши ва унинг дахлсизлигининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатланиши хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш имконини берди. Улар мулк эркинлигидан фойдаланиб, ўзининг йиққан-терган хисобидан хусусий мулк ҳосил этиб, тадбиркорликка қўл урдилар.

Хусусий мулк эгасининг тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари бир вақтнинг ўзида иккита муҳим вазифани бажаради.

Биринчидан, хусусий мулк эгаси тадбиркорнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси одил судлов томонидан таъминланади. Бу шуни англатадики, тадбиркорлар ўз ҳуқуқ ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Конституция ва қонун нормаларига таянади.

Иккинчидан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияда белгиланган кафолатлар қонунларни қўллашни, қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятининг асосларини белгилайди. Бу ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиши фуқаролик, тадбиркорлик, молия, солиқ ва бошқа қонун ҳужжатларида юридик кафолатлаш тизимини ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 111-моддаси тадбиркорлик ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилишнинг кафолагини назарда тутган ҳолда, мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодийёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш, Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилишини белгилайди. 114-моддада эса «суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», деб ифода этилган.

Конституциянинг VII боби шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, VIII боби сиёсий ҳуқуқлар, IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни назарда тутувчи нормалар фуқаро (жисмоний шахс) сифатида тадбиркорлик субъекти

мақомига эга бўлган товар-пул муносабатлари иштирокчилари учун муҳим бўлиб, унинг кафолатлари мустаҳкамлаб берилган. Конституциянинг 43-моддасига асосан, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. 44-моддада «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Конституциянинг жамият иқтисодий негизларига бағишланган XII боби тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан кафолатлашда асос бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, унинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Шунингдек, унинг 54-моддасига кўра, мулкдор мулкига кэ хохишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан ққриқланидиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги белгиланган. 55-моддада эса «ер, ер ости бойликлари сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган. Конституциянинг ушбу нормалари жамиятнинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашда, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг заруриятини белгилайди. Айниқса, иқтисодиётнинг негизини ташкил қилган хилма-хил шаклдаги мулк ҳуқуқий ҳолатини кафолатлайди. Энг муҳими, биринчидан, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини, иккинчидан, иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, учинчидан, барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини назарда тутади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг асослари яратилган бўлиб, улар ҳозирги пайтда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, «Фуқаролик кодекси», «Ер кодекси», «Солиқ кодекси», «Божхона кодекси», «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Хўжалик

ширкатлари тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, амалиётда қўлланилаётганлиги конституциявий кафолатларнинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллаштирилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришни чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юртиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги, 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг қўшимча кафолатларини яратди.

Масалан, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга қара, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Бундай ҳимоя тизимининг белгиланиши, тадбиркорлик субъектларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатини яратади. Утмишдан фарқли ўлароқ, бундай тартибнинг ўрнатилиши тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга замин яратиш билан бир каторда, улар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг аралашуви ва асоссиз таъсир чораларини қўллашнинг олдини олади.

Бинобарин, тадбиркорлик субъектларининг молия хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади. Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар қўзғатишга ишончли ҳимоя жавобгар, ҳатто жинсий жавобгар ҳам бўладилар. Шунингдек, фақат қўзғатилган жинсий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни қўзғатиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори

мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган ҳужжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларни муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади. Энг муҳими, муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиши ман этилади.

Бундан ташқари, «Тадбиркорлик субъектларининг ҳужжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонга кўра, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан, фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Бундан ташқари, материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан, пеня тўлаган тақдирда молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этиладилар.

Шу билан биргаликда, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорда белгиланганидек, тадбиркорлик субъектларидан давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга ққшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан тасвасно) ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан, ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайди. Тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни, шунингдек, бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқарарлиги белгиланди. Бундай хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар. Тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрни суд қарорига биноан айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан жавобгарлик тизимида рўй берган янгиликлар улар фаолиятини эркинлаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш имкониятини яратди.

Шуни кайд этиш лозимки, «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-

қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги қарорга ккра, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш мақсадида 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қонун ҳужжатларнда белгилаган фаолият турлари билан шугулланиш учун лицензиялар қаида 5 йил муддатга берилиши назарда тутилди.

«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарор асосида бир қатор чора-тадбирлар, хусусан, микрофирмалар, кичик қорхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолиятини ҳар тўрт йилда қўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда қўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши; янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик қорхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

2005 йилда давлат ва назорат тузилмаларининг қорхоналар молия-хўжалиқ фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалиқ субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада қенгайтириш бўйича саямоқли ишлар амалга оширилди.

Текширувлар сони 2001 йилдагига нисбатан 2,5 баробардан қўпроқ камайди.

Илгари хўжалиқ субъектлари томонидан топширилган давлат статистик ҳисоботларининг умумий сони икки баробар, ойлик ҳисоботлар сони эса 5 баробарга қисқарди, рухсат бериш билан боғлиқ 12 та процедура бекор қилинди, ҳисобот маълумотларини ноқонуний талаб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ягона солиқ тўловларининг жорий этилиши муносабати билан солиқ идораларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоб-китоблари бўйича ҳужжатлар сони 10 баробар қисқарди.

Назорат идораларининг хўжалиқ субъектлари ва тадбиркорлик объектларини текшириш натижалари бўйича қабул қилинган барча қарорларини суд идоралари орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилди.

Бундай тартиб ўз-ўзича маъмур субъектларга нисбатан турли санкцияларни қўллашни ҳам тубдан ўзгартириш, яъни уни суд қарори билан ўрнатишни белгилаб беради.

Шундай қилиб, хўжалик субъектлари фаолиятидаги ўзаро масала ва талабларни турли даражадаги давлат бошқаруви идораларида кўриш ва ҳал қилиш каби ўз умрини ўтаб бўлган амалиётга бутунлай барҳам бериш борасида қатъий қадамлар қўйилди. Бугун бундай масалалар, ҳуқуқий демократик давлатларда бўлганидек, истисносиз равишда суд орқали ҳал этилади.

Сўнги йилларда хўжалик судларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2001-2005 йилларда улар томонидан кўрилган ишлар сони 3,7 баробар, жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ишлар сони 4 баробардан кўпроқ ошгани ҳам шундан далolat беради.

Кўрилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик субъектлари фаодаси а ҳал қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақат 2005 йилнинг ўзида уларнинг фойдасига 45 миллиард сўмдан ортик маблағ ундирилди.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашувни чеклаш масалаларини ҳал этишда оиз маъмурий ислохотларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш масалалари эски замон иллати бўлган бюрократик бошқарув тизимини бартараф этиш билан бевосита боғлиқ эканини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Тан олиш керакки, республикада амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар марказ ва жойлардаги бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштиришга сезиларли таъсир қилди, бошқарув ходимлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳаражатларни анча қисқартириш имконини берди. Мисол учун 2001-2005 йиллар мобайнида бошқарув ходимларининг умумий сони 75 млнг кишига ёки 35,5 фоизга, жумладан, республика органлари бўйича 21 фоиз, маҳаллий бошқарув органлари бўйича 63,5 фоиз, хўжалик бошқарув органлари бўйича 30,5 фоизга қисқартирилди. Маъмурий ислохотларнинг натижалари авваламбор, бошқарув тузилмаларининг маъно-мазмун ва мақсадларининг ўзгариши, уларнинг бошқарув ва назорат ваколатларининг кескин қисқартирилиши, шунингдек, хўжалик субъектларининг ишига ноқонуний аралашувига, уларнинг фаолиятини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик билан ўзвий боғлиқдир. Шу боис хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодийнинг барча соҳаларида хусусий мулк мижёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг маъқен ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

6.5. Иқтисодий ислохотларнинг «ўзбек модели» ва эркинлаштириш жараёнлари

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ўз иқтисодийини барқарорлаштириш ва эркинлаштириш йўлидан бориб, янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда.

Эндиликда Илом Каримов ишлаб чиққан ва муваффақият билан амалга оширилаётган «Ўзбек модели» халқаро миқёсда тан олинмоқда.¹

Иқтисодий ислохотларнинг «Ўзбек модели» ҳали тқлик фойдаланилмаган жуда катта имкониятларга эга. Ана шу имкониятларни тқла амалга ошириш қлароқ, Ўзбекистон ХХІ аср жаҳон ҳамжамиятида кзига хосу мос қонуний ўрнини топиши муқаррар. Албатта, бунинг учун бутун халқ якдилу яқтан бўлиб, тинимсиз самарали меҳнат қилиши зарур.

Президент И.А.Каримов Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ХІV сессиясида сқлаган «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» дастурий нутқида Ўзбекистонда ХХІ аср бусағасида ва янги юз йилликнинг дастлабки йилларида ислохотларни амалга оширишнинг қуйидаги олти устувор стратегик йўналишини белгилаб берди.

1. Мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштириш;

2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш;

3. Жамиятимиз, халқимизнинг келажagini белгилаб берувчи кадрлар тайёрлаш сиёсати;

4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада қучли ижтимоий ҳимоя қилиш;

5. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва қорхоналарни техникавий жиҳозлаш ҳамда модернизация қилишга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий қзгаришларни таъминлаш;

6. Жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини ва мамлакатимиз ҳудудий аҳлитлигини таъминлаш.

Пировардида бу барча устувор йўналишлар туб стратегик янгиланишларнинг қалити бўлиб, шубҳасиз, қучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек олий мақсадга хизмат қилади.

Унда иқтисодиётни либераллаштириш, яъни эркинлаштириш тамойилини қуйидаги уч соҳада мақсадга мувофиқдир ва улар қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади:

1. Сиёсий соҳани эркинлаштириш;

2. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш;

3. Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш.

Кўриниб турибдики, ушбу уч соҳани эркинлаштириш жараёнининг энг асосий омилларидир, улар нафақат бир-бирларини тўлдирибгина қолмай, балки бири иккинчисини, иккинчиси учинчисини, учинчиси эса ўз навбатида биринчисини фаоллаштирувчи қучлар мажмуасидир (1-чизмага қаранг).

¹ Қаранг: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Наврўз, 2005, 219-240-бетлар.



**1-чизма. Эркинлаштириш соҳаларининг
мантисий алоқадорлиги.**

Хар бир соҳани республикамызда эркинлаштириш жараёни бошланган даврдан ҳозиргача босиб ўтилган йўллар билан таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, бошқарув, маънавий ва маданий ҳаётида янгиланиш, ислохотларга қонуний асос барпо этиш ва уларни изчиллик билан давом эттириладиганлигини гувоҳи бўламиз.

Чиндан ҳам иқтисодийимизда йил сайин эришилаётган ютуқлар туфайли халқимиз турмуш тарзи яхшиланиб бормоқда. Бунда, аввало бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ўзок мuddатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб бориладиган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар борлигини таъкидламоғимиз жоиздир. Ана шундай оқилона иқтисодий сиёсатнинг самараси ўлароқ, Президент Ислом Қаримовнинг 2005 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» (2006 йил 10 февралдаги) дастурий маърузасида таъкидланишича, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси эса 7,8 фоизи ташкил этди. Саноят ишлаб чиқиши 7,3 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,2 фоизга ўсди.

2005 йил давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан қутилган 1 фоиз тақчиллик ўрнига 0,1 фоиз профицит билан бажарылди, унинг даромад қисми эса прогноз кўрсаткичларидан 39 фоиз зиёд бўлди.

Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор суръатда ўсиб бораётгани, сўнгги икки йилда бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан ортаётгани айниқса диққатга

сазovor. Иқтисодийнинг ўсиш кўрсаткичи 2000 йилга нисбатан 30,1 фоизни, 1991 йилга таққослаганда эса 28,2 фоизни ташкил этмоқда.¹

Хуллас, мамлакатимизда эркинлаштириш жараёнларини амалга оширишда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва тадбиркорлик тўзимларини фаолиятига аралашувни чеклаш масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодийтни эркинлаштириш масалалари эски замон иллати бўлган бюрократик бошқарув тизимини бартараф этиш билан бевосита боғлиқдир.

Эркинлаштириш жараёнини мамлакатимизда кенг қулоқ ёйиши учун сиёсий соҳани эркинлаштиришда ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Сиёсий соҳани эркинлаштириш билан боғлиқ масалалар баён этилган. 2002 йил 27 январда ўтказилган икки палатали парламентни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалаларига бағишланган умумхалқ референдуми натижалари, Ўзбекистон Олий Мажлисининг 2002 йил 4-6 апрелда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Референдум ақунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуни, Олий Мажлисининг «2002 йил 27 январдаги Ўзбекистон Референдуми ақунлари юзасидан қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Президент Ислом Қаримовнинг Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги (2002 йил 29 август) «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузаси муҳим аҳамият касб этди. Зотан, сиёсий соҳани эркинлаштириш замирида Ўзбекистон тараққиётининг ўзоқ йиллик стратегик йўналишини белгилаб берувчи долзарб масалалар ва ечиш қондалари ўз ифодасини топган. Референдум натижалари парламент ислохотини ўтказиш учун шароит яратиб берди. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрда) Конституциявий қонунларни қабул қилди. Шу ўринда, ушбу қонунлар қабул қилиниши қандай стратегик аҳамиятга эга, деган савол туғилиши табиий.

Авалло шунини айтиш керакки, парламентнинг иш хусусияти шаклан ва мазмунан ўзгаради, яъни қонун қабул қилиш жараёни профессионал фаолият асосида амалга оширилади. Бу ўз навбатида ижроия ҳокимияти устидан парламент назоратини ўрнатади. Гап шундаки, ҳозирги пайтгача қонунларни ишлаб чиқишда ижроия ҳокимиятининг фаолияти устувор эди. Энди

¹ Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим (2006 йил 10 феврал куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида оид материаллар), -Т.: Ўзбекистон, 2006, 3 -бет.

қонунларни доимий ишлайдиган депутатлар корпуси ишлаб чиқади. Бошқача айтганда, қонунлар қабул қилишда ҳаётийликка, яъни реал ижтимоий-сиёсий қонуниятларни ўрганишга эришилади. Бу парламентнинг обрўи тобора очиқшига ва ҳокимият бўлинишининг муҳим тармоғига айланишига олиб келади. Қолаверса, парламентта сайлаш тартиби, яъни сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кескин ўзгаради. Табиийки, бу орқали фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлади, яъни сиёсий партиялар парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий омилига айланади. Ўз-ўзидан тушунарлики, парламент сиёсий илоҳотлари орқали Қонунчилик палатаси ва Сенат ўзаро бир-бирини тўлдиреди, бир-бирини назорат қилади, бу эса ўз навбатида, қонунлар сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Икки палатали парламент мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг манфаатларини ҳисобга олади, қонун чиқариш амалиётида учрайдиган тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи механизм воситасини ўтайди.

Сиёсий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимиздаги тарихий шарт-шароит, сиёсий иқтисодий ва ижтимоий вазият шуни тақозо этди. Гап шундаки, Ўзбекистон давлат мустақиллиги сақланиб қолинишининг ҳамда ислохотлар бир маромда боришини таъминлаётган, тинчлик ва барқарорлик қафолатига айланган давлат бўлиб қолаётганлигининг асосий сабаби – бу мамлакатимизда кучли ижроия ҳокимияти мавқеининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Одатда, давлат ислохотларининг бўсағасида ёки ислохотлар жараёни билан боғлиқ даврда ҳукумат ва давлат раҳбарига ўзок муддатли қафолат даври берилади ва шу йўл билан ижроия ҳокимият мустақамланади. Бу эса бошланган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, маърифий ислохотлар дастурини охиригача етказишга имконият яратади.

Авваламбор, бугунги кунда республикаимиз икки палатали тизимини шакллантириш учун алоҳида зарур қонунлар, ҳуқуқий нормалар яратилганлигини профессионал фаолият олиб бориш учун сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, ҳокимият бошқарувида иштирок этувчи сиёсий партиялар, ҳукуматга қаршли бўлмаган жамоат ташкилотларни, ҳаракатларнинг, шунингдек, ҳокимиятга билвосита таъсир этувчи мулк эгалари ва ўрта синф шаклланди. Давлат бошқаруви, унинг органларининг замонавий шакли пайдо бўлди ва ривожланмоқда. Давлат ҳокимиятини бошқаришда, давлат бошқаруви сиёсатини шакллантиришда кўмаклашувчи илмий аҳамиятта молик инфратўзилма ҳам шаклланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат ҳокимиятини шакллантириш учун бизда ҳеч қандай қўлланма ёки тайёр модель йўқ эди. Борлари ҳам бизнинг халқимиз руҳиятига, давлатчилик тажрибамизга, олдимизга қўйган мақсад-муддаога мос келмас эди. Шунинг учун босқичма-босқич ривожланиш принципи асосида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти конституциявий тарзда мустақамланди. Ҳокимиятнинг турли тармоқларида олиб борилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, маърифий ислохотлар адолат ва тўғри сўзчилик муҳити

хукмрон бўлишда жамият барча катламларини, айниқса, мутасадди ва раҳбар шахсларни жалб этишга шароитлар яратди.

Умуман олганда, мамлакатимизда ҳокимиятнинг ҳар икки тармоғини тенг, босқичма-босқич ислоҳ қилиниши, тизимли тарзда янги босқичга олиб чиқиши учун сиёсий, ҳуқуқий механизмларни яратди. Табиийки, бундай қарорлар стратегик аҳамиятга эга ва бутун миллатнинг тақдирини белгилаб беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ жараёнларга янгича ёндашув туфайли мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида ўз ҳукуматининг сиёсий фаолиятига нисбатан чуқур кизикиш туйғулари, ижтимоий назорат унсурлари қайта жонланмоқда. Юртбошимизнинг асосий мақсади — Ўзбекистон сиёсати ва тафаккурига ўзига хос жозиба, жўшқинлик бахш этиш, жамиятни янада ривожлантириш, ижтимоий адолат, адолатли ҳокимият, иқтисодиёт соҳасида янада фаолроқ тартиб ўрнатиш, давлат хизматида, ислохотларга ишончни чуқурлаштириш ва энг, муҳими, бунга одамларни, кенг жоматчиликни, жамиятнинг илгор катлами — зиёлиларни, ёзувчиларни, журналистларни жалб этишдир. Жамиятдаги дардни бошқалардан олдин қалбан ҳис этадиган, нуқсонларга, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлган ёзувчи ва журналистларнинг кескин танқиди, қолаверса, барчанинг фаоллиги мансабдор шахсларнинг тизгинини тортиб қўяди, уларни амалий чоралар кўришга мажбур қилади.

Бундай сиёсий фалсафанинг стратегик аҳамияти шундаки, биринчидан, жамият ўзини олдинга етакловчи механизмларини ишлаб чиқади. Бу ҳол жамиятнинг ҳали очилмаган барча илгор кучлари қобилиятини, гажрибасини ишга солишга олиб келади, ҳар бир кишининг кадр топишига, пиروвард натижада эса жамиятнинг анча илгарिलाшига, кадрланишига сабаб бўлади. Иккинчидан, давримизнинг деярли барча олийжаноб арбоблари, хоҳ сиёсатда, хоҳ фалсафада, илм-фан ёки адабиётда бўлсин, ислохотлар жараёни ҳақида баҳолиқудрат бош қотирсинлар.

Президентимиз Ислам Каримов бу масалага янгича ёндашувни таъкидлаб, фуқаролик жамиятининг муҳим қондаси бўлган жамоатчилик фикри, унинг хилма-хиллиги, уни акс эттиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнини алоҳида кўрсатиб беради. Ундаги стратегиянинг ўзига хослиги ва ҳалқчиллиги шундаки, бу стратегия буйруқ фармойиш ёки қонун тарзида эълон қилинмай, кўпчиликка, айниқса журналистларга, уларнинг жамиятда тутган ўринлари, машаққатли меҳнатлари эътироф этилган. Бу ҳам демократик қарор қабул қилишда жамоатчиликнинг фикрини инобатга олишнинг бир кўринишидир. Бошқача айтганда, матбуот ходимларига берилган йўлланмалар бўлса-да, аслида у миллатнинг энг илгор катламига йўналтирилган. Шарқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳали бизда жамоатчилик фикрини шакллантиришда зиёлиларнинг ўрни бекиёс. Оммавий ахборот воситалари эса уларнинг асарларини - қарашларини кенг жамоатчиликка етказди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш бир томондан, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш борабарида жамиятдаги барча кучларни,

барча инсонларни ҳаракатта келтиришни, уларнинг яшириниб ётган имкониятларини рўёбга чиқаришни, ягона мақсад йўлида бирлаштиришни ҳаётий заруратга айлантиради. Табиийки, жамиятда қанча аҳоли бўлса, демак, шунча фикр, қараш мавжуд. Бу қарашлар, фикрлар асосида ҳаётий интилишлар, манфаатлар пайдо бўлади. Албатта, бу фикрлар бир-бирига қарама-қарши руҳда ҳам бўлиши мумкин. Демократик жамиятнинг қонуниятга шундайки, жамият ҳамма фикрларни эшитиши керак. Лекин давлат жамият учун қарор қабул қилганда, жамиятнинг мутлақ кўпчилиги манфаатига мос фикрлар, қарашлар, манфаатларни эътиборга олади. Иккинчи томондан, фикрлар қанчалик хилма-хил бўлса, улар одамларни, жамиятни олдинга қорлайди, бунинг тағ-замирида олдинга интиштирувчи кураш жараёни ётади.

Ҳаққоний, очиқчасига мавжуд муаммоларни тан олиш асосида, ижтимоий ҳаёта сўз эркинлиги тамойилини тўла жорий этиш, жамиятда турли қарашлар, ўзаро қарама-қарши фикрларнинг оммавий ахборот воситаларидан ўрин олиши, эскича (коммунистик) фикрларнинг асорат ва таъсиридан қутулиш, одамларни маълумотлар ва гаплардан ҳолис хабардор қилиш, жамиятнинг ютуқ ва камчиликлари ҳолисона аксини топиши каби стратегик масалаларни ҳал этиш гоёт муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий фикрда, айниқса, уни жамоатчиликка етказишда кескин ўзгаришлар бошланганининг гувоҳи бўламиз. Фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фикрлаш жараёни воқеаларга, давр талабига мос равишда кечмоқда. Айниқса, бу борада оммавий ахборот воситаларида анча силжишлар рўй берди. Бундай ёндашув ижтимоий фикрга ўзоқ вақтдан буён котиб қолган андозалардан қутулиш имконини бермоқда. Фуқароларда ижтимоий фаоллики ошириш, ҳар бир инсонга, ҳар қандай воқеага муносабат билдира олиш ҳуқуқининг мавжудлигини, давлат томонидан қаролатилганлигини кўрсатмоқда. Пирвардида ҳар бир фуқарони фуқаролик жамияти қонуниятларини ўз манфаатлари даражасида идрок этишига ва ўзига ҳос қарашлари шаклланишига ёрдам бермоқда. Лекин ҳали бу борада қилинадиган ишлар жуда кўп.

Бугунги кунда лоқайдлик, бефарқлик, иккиюзламачилик, товламачилик, фирибгарлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик каби иллатлар ҳали-ҳамон учраётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Янада аянчлиси, ўрта бўғинда ўйи бошқоқ сўзи бошқа, сўзи бошқоқ иши бошқа амалдору раҳбарчалар ҳалиям борлигини айтмайсизми?! Ҳа, эндиликда уларга нисбатан жамоатчилик назоратини қучайтириш зарур. Бунинг учун, айниқса, оммавий ахборот воситаларида эркин фикрга кенг ўрин бериш мақсадга мувофиқдир.

Бугун шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Юртбошимиз томонидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб берилган сиёсий соҳани эркинлаштиришдаги янгича ёндашувлар нечоғли амалга ошириш маънавий баркамол, сиёсий зийрак, ҳуқуқий билимли ва маданиятли

фуқароларга боғлиқ бўлади. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз англаб етишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.


Бинобарин Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунидан бошлаб ҳозирги вақтгача босиб ўтган давр оралиғидаги сиёсий, иқтисодий ва давлат қурилиши соҳаларидаги жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қиладиган бўлсак, соҳалар ўртасидаги нисбий кўрсаткичларнинг салмоғи турлича ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай ўзгариш нисбий таснифга эга бўлса ҳам, лекин анча сезиларли (2-чизмага қаранг).

Чизмадаги шаклларнинг жойлашувига қараб, қуйидаги хулосага келиш мумкин. Бунинг учун аввало, ушбу 2-чизмани 1-чизма билан солиштирадиган бўлсак, бири иккинчисининг мантқий давоми эканлиги яққол кўриниб турибди. 2-чизмадаги А, В, С, D квадратнинг юзаси ҳозирги давргача соҳалар бўйича эришилган ютуқларнинг юзасини ёки шартли равишда ҳажмини ифодалайди.

1-ватар, иқтисодий соҳанинг зарурий ривожланиши;

2-ватар, сиёсий соҳанинг зарурий ривожланиши;

3-ватар, давлат қурилиши ва бошқарув соҳасининг зарурий ривожланиши.



2-чизма. Эркинлаштириш жараёнининг соҳалар бўйича ривожланишининг зарурий чегаралари.

Фақатгина А С D учбурчак юзаси давлат ҳокимияти эгаллаган ҳажми кўрсатиб турибди. Q P S учбурчак юзаси эса нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари соҳасидаги фаолияти ҳажмини кўрсатмоқда (ҳозирга даврдаги ҳолат). А В ватар ёки 1-сектор иқтисодий соҳанинг ривожланиш заруриятлигини англатади, В С ватар эса, яъни 2-сектор сиёсий соҳадаги ривожланиш заруриятлигини билдиради, ва ниҳоят С D ва D А ватарлар, яъни 3-сектор давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ривожланиш заруриятлигини англатади. Q P

пунктир чизиги эса, ўз навбатида, ўзунлигини А С кесма ўзунлигига етказиши назарда тутилган, ёки, бошқача қилиб айтганда, Q P S учбурчакнинг юзаси нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаолият ҳажми бўлса, бу юза А С S учбурчак юзасигача кенгайиши назарда тутилган, яъни бу кенгайиш ҳокимият ваколатларини босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиб бориш жараёни назарда тутилган.

Демак, яқин келажакка нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатиш ҳажми А С D учбурчак юзасидан ташқари 3-сектор билан биргаликдаги йигиндисига тенг бўлиши назарда тутилмоқда. Энди, 2-чизмада M N S учбурчакнинг юзаси, ҳамда ундан ташқари доира чегарасигача бўлган M N, N S ва S M ватарларнинг ҳажми ҳам кўзга ташланиб турибди. Буларнинг барчаси давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларининг фаолият кўрсатув ҳажмидир. Бу органларнинг ҳам ўз ватарлари ҳажмида (зарурий чегаралари) ривожланишини таъминлаш зарурлиги кўриниб турибди. Лекин бу ерда бир ҳолатни албатта ҳисобга олиш зарурлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Ҳокимият ўз ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига бера борган сари иқоридаги уч органларнинг (*Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд*) ўзаро нисбий фаолият кўрсатиш доиралари ёки ҳажми ҳам бевосита боғлиқ равишда ўзгариб бориши назарда тутилади. Яъни, уларнинг бири кучаяди, иккинчиси унинг ҳисобига пасаяди, лекин барибир уччаласининг фаолият ҳажми доира юзасининг, зарурий ҳажми ичида сақланиб қолади (360^д). Энди табиийки, доира юзаси ҳажми, айлана узунлиги, диаметр узунлиги нимани ифодалайди деган савол туғинади. Буларнинг барчаси жамиятда яшаб, ижод ва меҳнат қилиб келаётган инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мужассамланган ҳажм. Бошқача қилиб айтганда, унинг онги, тафаккур қилиш чегараси. Чунки ҳар қандай соҳадаги, хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий, хоҳ давлат қурилиши бўлмасин, уларнинг барчаси инсон онги қабул қила олиш даражасида шаклланади, ривожланади, инсонлар онгида ўз аксини топади. Чизмадаги 1,2,3 секторларнинг ўсиш тезлиги, ҳажми ва усулларининг барчаси инсон онгининг қабул қила олиш тезлигига, даражасига боғлиқ. Жойларда, яъни маҳаллада барча соҳа билимларини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш ишлари амалга оширилиши зарур, иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, умуман бозор иқтисодиёти ривожланиш ҳажмидаги билимларни эгаллашга боғлиқ. Ушбу ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролари йигилишининг ўрни беҳиёсдир.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилган иқтисодий ислохотларнинг мақсади қуйидаги уч ижтимоий-иқтисодий ҳолатга эришишни тақозо этади: **биринчиси** — барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эришиш; **иккинчиси** — очик ташқи иқтисодий сиёсатга эришиш; **учинчиси** — чуқур демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуриш. Булар пировард мақсадга эришиш учун шароит яратиб берувчи иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятлардир. Қайсики, уларни давлатимиз бош ислохотчи сифатида яратиб бермоқда. Амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади эса жамиятимизнинг, ҳаётимизнинг асл

негизи бўлмиш - ҳар бир оила (уй хўжалиги) ёки шахс ўз қобилиятига ва қилган меҳнатига яраша ушбу уч фаолиятларнинг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдир.

Ҳозирги даврга келиб, давлатимизни бош ислохотчи сифатида тан олган ҳолда босқичма-босқич, чуқур демократик ҳуқуқий негизлар асосида аҳолини кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга ва қонун устуворлигини таъминлаган ҳолда озод ва обод Ватан қуришга эришилди. Эркин ва фаровон ҳаётни юзага келтириш эса шахс билан давлат, инсон билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд мазмунига, шаклига боғлиқдир, яъни, ҳар бир оила ва шахснинг ўз қўлидадир. Фақат пировард мақсадга эришиш учун меҳнат, шижоат, фидоийлик зарурдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «одамзот бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт ҳузур-ҳаловатидан воз кечишига тўғри келади».

Иқтисодийetni эркинлаштириш бизни фаровон ҳаётга олиб чикувчи поғонанинг бир қисmidир, яъни – биз буунги эркинлаштириш жараёнига – жамиятимизни демократлаштириш йўлида эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз. Шу боис, эркинлаштириш жараёнининг амалга ошириш усуллари, йўллари ва суръати оила фаровонлиги учун кўп муаммоларни ҳал қилувчи мезондир.

Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги эркинлаштириш ҳокимият ваколатларини нодавлат ноижорат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарурлигини такозо этади.

Бозор иқтисодийетининг пировард мақсади, оила фаровонлиги учун қаратилган экан, оила учун энг яқин бўлган нодавлат органи, бу жойлардаги маҳалла фуқаролари йигинидир. Улар ўз ҳудудидаги ҳар бир оиланинг, шахснинг моддий аҳолини, турмуш шароитини, меҳнат қобилиятини ва илмий салоҳиятини яқиндан билувчи нодавлат органидир. Шу сабабли, эркинлаштириш жараёнининг айнан ушбу нодавлат органлари орқали амалга оширилиши пировард мақсадга олиб боровчи истиқболли йўллардан бири деб ҳисоблаймиз.

Эркинлаштириш жараёнини амалга ошириш учун, биринчи навбатда, иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни «ҳокимият - оила» шаклида эмас, балки «маҳалла фуқаролар йигини - оила» шаклида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, хусусий тадбиркорлик учун ҳуқуқ бериш масалалари билан маҳалла фуқаролар йигини шугулланса бўлади. Уларнинг патент тўловини ҳам маҳалла ҳудуди ихтиёрида қолдириш лозим. Бу молиявий маблағ эса, маҳалланинг ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишда кўшимча манба бўлур эди. Шунга ўхшаш, қўйидаги иқтисодий фаолиятларни ҳам шу усулда қилса бўлади:

- ишсизларни рўйхатга олиш, уларни нафақа билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш;

- савдо шохобчалари турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли турдаги дори-дармон билан таъминланганлигини назорат қилиш;

- деҳқон фермер хўжаликлари ва хунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг тайёр маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш масаласи бўйича транспорт муаммоларини ҳал қилиш;

- транспорт воситаларига эгалик қилганлик учун ва автомобиль йўлларини маъмурий маҳалла ихтиёрида қолдириб, ҳудуд йўлларини таъмирлаш учун сарфлаш;

- рухсатсиз ва ўзбошимчалик билан қуриб олиш ҳолатларини маъмурий жазолашдан тушган жарима тушумларини ҳам маҳалла ихтиёрида қолдириш;

- пенсия ва турли хил нафақаларни тақсимлаш;

- марказлашган ва маҳаллий солиқларни ҳамда бошқа тушумларни тақсимлаш технологиясини қайта қўриб чиқиш;

- нақд пул муомаласини тўғри йўлга қўйиш мақсадида халқ банклари ўрнига ихчам ва маҳаллий шароитга тез мослаша оладиган маҳалла банкларини ташкил қилиш;

- ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳолатларини олдини олиш.

Шубҳасиз, юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни қўшимча ва ўзгартишлар билан янги таҳрирда қабул қилишда киритилса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини молиявий ҳуқуқий фаолиятининг кафолатларини кенгайтиради, албатта.

Табиийки, Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг стратегик йўлларида бири – фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи ичдан уюштиришга уни ташкил этишнинг давлат шаклларини қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларнинг барқарор ва динамик ривожланишини таъминловчи ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»ни амалиётда ижросини таъминлаш билан боғлиқ мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш тўғрисида илгари сурилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, мамлакатимизнинг демократия тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат негизда эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаши ва унга ўтиши объектив қонуниятдир.

Иккинчидан, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг «Ўзбек модели» концепцияси аҳоли сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш заруратига асосланган сиёсий соҳани эркинлаштириш, аввало, демократиянинг умумтан олинган тамойилларига, жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратишга асосланади.

Учинчидан, энг аввало, давлатнинг бошқарув ролини чегаралашга, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ҳамда ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштиришни реалликка айлантириш демократик тамойиллар ривожланишининг муҳим механизми ҳисобланади.

Тўртинчидан, эркинлаштириш ва унинг амалга ошиши нағижасида вужудга келадиган демократик жараёнлар ривожланиши учун яратилган моддий ва маънавий-маърифий салоҳиятини, ҳуқуқий асосларини аҳолининг фаол иштироки билан реал амалий ҳаётга татбиқ этиш учун ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришдан иборат.

Академик М.Шарифхўжаев таъкидлаганидек, «Эркинлаштириш имкониятлари ҳақидаги мушоҳадаларимиз сўнггида мамлакатимиз фуқаролик жамияти ривожланиши имкониятларининг муаммоларига бевосита тўхталадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти негизларини хусусий ишлаб чиқаришга асосланган эркин тадбиркорлар белгилайди. Шунинг учун Ўзбекистон бозор иқтисодилтига қтиш босқичидаги бошқа давлатларнинг мулкчилик муносабатларини кзгартириш билан боғлиқ устувор силсатларига алоҳида эътиборни қаратаётганлари табиий ҳолдир. Айнан ана шу масалани демократик ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига дастлабки ғишт бўлиб хизмат қилади.

Бозор ислохотларининг дастлабки йилларидалқ, Ўзбекистонда мулкка муносабатни ўзгартириш ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Ҳуқуқий база бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонушар хизмат қилди ва хизмат қилмоқда. Ана шу қонушчилик ҳужжатларига ососан республикада хусусий мулк ҳуқуқини яна бир бор тан олинди.

Мулкдорлар синфи бир пайтнинг ўзида икки йўл билан шаклланади. **Биринчи йўл** - давлат мулкни хусусийлаштириш, жамоа хўжаликлари ва истеъмол кооперацияси тузимини ислох қилиш. **Иккинчи йўл** - кичик ва ўрта бизнеснинг давлат томонидан рағбатлантирилиши.

Хуллас, мулкдорлар синфини тўлиқ шакллантириш сари ташланган кадам самарасида эркинлаштириш имкониятлари ва фуқаролик жамияти ривожини мужассамлашган»¹.

¹ М.Шарифхўжаев. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. -Т.: Шарк, 2003, 284-288-бетлар.

Ўзбекистон эркин бозор иктисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйган ҳолда «Ўзбек модели» концепцияси асосида жамиятнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ислохотлар олиб борилмоқда. Энг муҳими инсон ислохотлар учун эмас, балки ислохотлар инсон учун ғояси асосий тамойил сифатида қаралмоқда. Лекин бу мақсадга осонгина зоришиб бўлмайди. Бунинг учун фуқароларимизнинг сиёсий, иктисодий, ҳуқуқий, маънавий ва ахлоқий онгини янада юксалтириш орқали жамиятда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларнинг марказида турган инсон омили родини ошириб бориш муҳимдир.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир» маърузасида (2005 йил 28 январь) таъкидлаб шундай дейди: «Бизнинг асосий узоқ муддагли стратегик вазифамиз – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғинмай, изчил ва қатъият билан боришдир»¹. Демократик жамиятда ислохотлар инсон учун хизмат қилиб, инсон, давлат ва жамият ўртасида диалектик алоқадорлик механизми вужудга келади, бу эса ўз навбатида давлатнинг тинчлиги, барқарорлиги ва инсон ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш имконини кенгайтиради. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва икки палатали парламентта ўтказилган сайловлар республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтганлиги, мамлакатимизда демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил қадамлар билан илгариб бораётганимизни яна бир ёркин далили бўлганлиги диққатга сазовордир. Таъкидлаш жоизки, жамиятни иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислох қилишда устувор вазифа ва йўналишлар сифатида бир қанча чора-тадбирлар илгари сурилган, парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўтрасида янада мутаносиб ва барқарор муносабатга эришиш: сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш вазифалари шулар жумласидандир.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда ғов бўлиб турган ижтимоий -сиёсий, иктисодий-ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш ва янги устувор вазифаларни ҳал этишга бағишланганлиги фуқароларимиздан сиёсий фаолликни, ҳуқуқий маданиятни, иктисодий салоҳиятни юксалтириш талаб

¹ Каримов И.А, Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005, 177-бет.

этилади: «Одамлар онгида демократик кадриятларни, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир». Демак, давлат томонидан ўтказилаётган ислохотлар, бу жараёнда фуқароларнинг фаоллиги ва шунинг оқибатида жамият фаровонлигини яратилиши бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим. Шундагина демократик тамойилларга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни анча тезлашади. Бундан мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси манфаатдордир.

6.6. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда меҳнат бозорини шакллантириш ва тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотлар бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган ўзгаришлар бутун бир тизимдаги иқтисодий-ҳуқуқий асосларга эгаки, бу конун устуворлиги тамойилининг рўёбга чиқиши билан намоён бўлади. Умуман олганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солишни такомиллаштиришда давлат функциялари ривожланиб бормоқда. Бу функцияларни асосан ҳуқуқий муносабатларни ҳамда конун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкинлиги амалда ўз ибратини топмоқда¹.

Бозор муносабатлари шаклланиб бораётган ҳозирги утиш даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам ижтимоий-иқтисодий муносабатларда жиддий ўзгаришлар юз бераётгани, уларнинг характери ва кўлами қатор соҳаларда аниқ-равшан намоён бўлмоқда. Улардан бири Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиб бориши бўлиб, меҳнат бозори - ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий мураккаб муносабатлар доирасида шаклланивчи бозор механизмидир. Унинг бевосита амал қилиши – давлатнинг фуқаролик жамиятини шакллантирувчи ва тартибга солувчи фаолият сифатида кўринишини тақозо этади.

Маълумки, жаҳон ривожланган давлатлари тажрибасига кўра, замонавий меҳнат бозорида иштирок этувчи субъектлар учта бўлиб, улар – давлат, иш берувчилар (мулк эгалари) ва ёлланма ишчилар ҳисобланади.

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қараг: Исломов Э. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон, 2005, 80-24-бетлар.

Манфаатлар асосида уюшганлик даражасига кўра иш берувчилар ва ёлланма ишчиларнинг вакиллари ташкилий жиҳатдан алоҳида бирлик бўлиб иштираётгани мумкин. Булар, ўз навбатида иш берувчилар уюшмаси (палатаси) ва касаба уюшмалари шаклида намоён бўлади. Хуллас, бозор муносабатлари ривожланиши билан бирга меҳнат бозорига сифат ҳамда миқдор ўзгаришлари содир бўлиб туради. Улар ўз навбатида бозордаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни талаб қилади.

Меҳнат бозорига, энг аввало аҳолининг иш билан бандлиги, ижтимоий муҳофазаси ва ишсизлик масалалари ҳал қилиниши кўзда тутилади. Бу масалаларнинг ижобий ҳал қилиниши иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Меҳнат бозорининг хусусиятига биноан шундай хулоса қилиш мумкин: бу ерда инсон бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ресурс (яъни захира) сифатида намоён бўлади. Инсоннинг иқтисодий ресурс эканлиги унинг яратувчанлик қобилиятида намоён бўлса, ижтимоий ресурс бўлиб - мавжуд ижтимоий фаровонликнинг истеъмолчиси (демак қайта тикловчиси) сифатида намоён бўлади. Шунинг учун меҳнат бозорига содир бўладиган жараёнларни тартибга солиш давлат сиёсатида мураккаб иқтисодий ва ҳуқуқий нормалар мажмуи сифатида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда меҳнат бозорини шакллантириш ва уни иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари яратилган бўлиб, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амал қилиши меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Меҳнат бозори асосан «Меҳнат кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида»ги қонун ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади ҳамда бошқарилади. Шу билан бирга, ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабларидан, ҳалқаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий муносабатлар тараққиётидан келиб чиққан ҳолда амалда жорий этиш механизмини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Меҳнат бозорига кўриладиган асосий учта масаланинг энг муҳими - аҳолини иш билан бандлиги масаласидир. Республикамиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек: «...аслида, бу вазифани биринчи қилиб қўйиш ҳам мумкин, меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш керак... Вазирлар Маҳкамаси бярча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда 2000-2005 йилларда аввало қишлоқ жойларда, ислохотлар давомида қишлоқ ҳўжалигидан бўшаб қолаётган ортикча ишчи қучларини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда молиявий манбаалар билан мустаҳкамланган янги иш жойларини барпо этиш Дастурини ишлаб чиқиши лозим» Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, амалдаги қонунчиликка асосланиб янги иш жойларини барпо этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш - давр талаби. Ҳўш, бу тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қандай иқтисодий-ҳуқуқий асосларга таяниш керак? Авваломбор, иқтисодиётни эркинлаштириш

соҳасида бажарилиши назарда тутилган ишларда аҳолининг иш билан бандлиги масалалари қай даражада ҳал этилиши мумкинлигига эътибор қаратилиши лозим. Маълумки, биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессияси ва иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида иқтисодийнинг эркинлаштириш соҳасида чора-тадбирлар мажмуи аниқ кўрсатиб ўтилган. Бу ҳар бир чора-тадбирларнинг бажарилиши - у ёки бу даражада меҳнат бозорининг амал қилиш механизми ўз таъсирини кўрсатади. Лекин, бизнинг фикримизча меҳнат бозорида рўй берадиган жараёнларнинг шундай жиҳатлари мавжудки, аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш ва бошқариш бевосита, айнан меҳнат бозорини эркинлаштириш орқали амалга оширилади. Гап, рақобат муҳитини яратиш хусусида бормоқда. Рақобат муҳитининг аҳамияти ҳақида Президентимизнинг «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шарты, айтиш мумкинки, унинг қонунидир» - деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Меҳнат бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ишчи кучи тақлифи ва ишчи кучига бўлган талабнинг иқтисодий характери, моҳияти, мазмуни ва ижтимоий хусусиятлари мажмуини инobatга олган ҳолда инсон ресурсларидан (чет мамлакатларда меҳнат ресурслари шундай аталади; буни иқтисодий ресурс сифатида қаралганда тўғри деб ҳисоблаймиз) оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлайдиган иқтисодий-ҳуқуқий асосларни яратишни тақозо этади. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда бундай рақобат муҳитини тўғридан-тўғри шакллантиришга қаратилган моддалар мавжуд эмас. 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда амалга ошириладиган ўзгаришлар, монополиядан чиқариш ва эркин рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Олий Мажлис томонидан 1996 йил 27 декабрда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, ишчи кучи тақлифини шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам бевосита рақобат муҳитини шакллантиришни назарда тутувчи модда ва тадбирлар берилмаган. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Миллий дастур ҳақида сўзлаганда Юртбошимиз таъкидлаганки: «Иккинчи босқич - 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инobatга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ҳоаялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритиладиган».

Энг асосий масала, ишчи кучига бўлган талабнинг шаклланиши жараёнида рақобат муҳитининг элементлари мавжудлигига эътибор бериш керак. Бу ерда шундай ҳолат ҳукм сурадики, бир томондан ишчи кучи

таклифи доирасида рақобатнинг элементлари, яъни турли касб ва малака эгаларининг ўзлари меҳнат бозорига таклифлари билан кириб, рақобатни кучайтиришлари ёки сусайтиришлари мумкин, иккинчи томондан, ишчи кучига талаб истеъмол бозори конъюнкту-раси ва иш берувчиларнинг техник ҳамда, технологик жиҳатдан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланганлик даражасига қараб шаклланиб, рақобат муҳитига таъсир кўрсатади. Гал шундаки, рақобат у ёки бу даражада бизнинг икhtiримиздан ташқари ҳолатда ҳар доим мавжуд. Мақсад - рақобат муҳитининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини янада кўтариш йўналишида шакллантиришдир.

Юқоридага фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, меҳнат бозори мураккаб макроиқтисодий механизм бўлиб, у биз шакллантирмоқчи бўлган рақобат муҳитининг қўп қиррали омилларига боғлиқ.

Демак, бизнинг фикримизча, рақобат муҳитининг самарали ишлашида иш ҳақи масаласи муҳим омил ҳисобланади. Чунки, ишчи кучи таклифи ва талаби ўртасидаги номутаносиблик ҳам айнан иш ҳақи даражаси орқали тартибга солинади. Шу муносабат билан аҳолининг иш билан бандлиги масаласини ҳал қилишда рақобат муҳитини иш ҳақи, яъни иқтисодий восита орқали ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида яратишнинг куйидаги бир йўналишини кўрсатишимиз мумкин:

- мамлакат иқтисодиётини жаҳон андозаларига мос суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни ва кафолат ҳамда имтиёزلарни кучайтиришни, инвестиция фаолияти учун кулай муҳитни шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган. Бу қонун ҳужжатлари меҳнат бозори, хусусан, аҳолини иш билан бандлиги масалаларини ҳал қилишда ва рақобат муҳитини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бунинг сабаби, мамлакатимиз иқтисодиётига янги хориж техникаси ва технологияларининг кириб келиши ва фаолият кўрсатиши аҳолининг иш билан бандлиги тизимида ўзгартириш-ларни келтириб чиқаради. Иқтисодиётнинг самарали таркибини шакллантириб, ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайди, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтиради ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда сифатли хизмат турлари ривожланишини таъминлайди. Шу билан бирга, мамлакатда асосий ишлаб чиқарувчи куч - инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласида қатор муаммолар ҳам туғилади. Масалан, Ўзбекистон меҳнат бозорида чет эл инвестицияларини жалб қилиш билан содир бўлган ўзгаришлар нафақат иқтисодий муносабатларни, балки ижтимоий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий - умуман олганда турмуш тарзимизни маълум даражада ўзгаришига олиб келади.

Энди масаланинг иккинчи томони: ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганлигини инобатга олсак, чет эл инвесторларнинг иқтисодиёти-мизда таркиб топиши ҳам фойда олишга қаратилган. Аммо, бу

фойда даражасининг қандай қисми мамлакатимиз иқтиёрида қоляпти ва қандай қисми чет эл иқтисодиётида қайта тақсимланяпти? Бу саволга аниқ жавоб топиш жуда мушкул. Сабаби шундаки, биз низоом жамғармалари миқдори ва улушига нисбатан томонлар (ёки чет эл) олган фойда миқдори ҳақида ва унинг бўлиниш тартиби ҳақида эмас, балки фойда меъёрининг даражаси ҳақида фикр юритмоқдамиз. Айнан ана шу кўрсаткич доирасида чет эл инвесторлари жуда катта имкониятларга эга бўладилар.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда чет эл сармоялари иштирокида ишлаётган корхоналарда ишчи кучига сарфланаётган харажатлар умумий харажатларнинг шундай фоизини ташкил этадики, бу фоизлар чет эл сармоядорлари ўз мамлакатларидаги худди шу ишлаб чиқаришнинг умумий харажатларидаги ишчи кучига тўғри келаётган харажатлари фоизидан бир неча баробар кам. Айни шу фарқ чет эл инвесторларига иқтисодий манфаатларни таъминлайди, яъни уларнинг мамлакатларида шаклланган иқтисодий таркибнинг кенгайиши, сифат жиҳатдан ижобий ўзгариши ва унинг ҳисобига фойда меъёри даражасининг ўсиши – бевосита ишчи кучига бўлган талабнинг кам харажатлар билан қондирилиши орқали рўёбга чиқади. Бу билан биз, мамлакатимизда ишчи кучи «арзон» демокчи эмасмиз. Балки, унинг нархини чет эл инвесторлари манфаатлари билан мамлакатимиз манфаатларини уйғунлаштириш даражасида бўлишини назарда тутмоқдамиз. Демокчимизки, айни шу фикр қонун ҳужжатларида қайд этилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, инсон ресурслари умумий иқтисодий ресурс сифатида намоён бўлади ва унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида қаралишига айнан қонун доирасидагина эришиш мумкин.

Манфаатларни бундай тарзда уйғунлаштиришнинг стратегик аҳамияти устувор деб қаралиши керак, бу билан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда биз шунга эришмоқчимизки, биринчидан, иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши натижасида ва уни такомиллаштириш орқали жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида эришилган табиий хомашё ресурслари ишлатилишининг самарадорлиги даражасига етиш. Иккинчидан, мамлакатимизда инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда айнан ривожланган давлатлар тутган йўлдан боришдир. Ҳозир Ўзбекистонда маълум даражада мақсадга эришиш йўлида бир қатор иқтисодий-ҳуқуқий масалалар ечилган ва ечилмоқда. Қолаверса, ҳали ўз ечимини топиши керак бўлган масалалар ҳам мавжуд. Уларнинг характери ва моҳияти шундан иборатки, бир вақтнинг ўзиде инсон иқтисодий ресурсина бўлиб қолмасдан, бу ресурсларни қайта ишлаб чиқарувчи ва маънавий-руҳий негизга эга бўлган ҳамда бу негизни ўз турмуш тарзида ифода этувчи миллат, халқ манфаатларини келтириб чиқарувчи ҳамдир. Айни шу манфаатларнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодий қудрати ва имкониятларидан келиб чиқиб, қун тартибига қўйилиши инсон ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг гарови ҳисобланади.

6.7. Демократик фуқаролик жамияти: интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари, иқтисодий эркинлаштириш ҳамда номарказлаштириш муаммолари ечимлари

Ҳозирги кунда илмий адабиётларда ва оммавий ахборот воситаларида «глобаллашув», «глобал дунё», «иқтисодий-молиявий глобаллашув», «иқтисодий интеграциялашув», «инвестиция», «антиглобал ҳаракатлар», «маданий глобаллашув» каби иборалар кўп қўлланадиган бўлиб қолди.

Ушбу масалага бунчалик катта эътибор берилётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бунинг боиси шундаки, XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида жаҳон тараққиётида янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашуви, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янгича вазиятнинг вужудга келиши, этроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик ҳуружлар хавфининг ортиб бориши, ҳуллас, жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодий, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараёни билан боғланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур жараён глобал коммуникация тармоғининг вужудга келишига имкон яратган информацион инқилоб, капиталнинг интернационаллашуви, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, табиий захиралар тақчиллиги ва уларга эгалик қилиш учун курашнинг кескинлашуви, оммавий қирғин қуроолларининг тарқалиши, умумсайёравий, фалокат хавфи каби омиллар билан белгиланади. Ана шу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бири билан тутшиб кетишида глобаллашув жараёнининг зиддиятли ҳамда мураккаб моҳияти намоён бўлади.

XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда чегаралари билан ажратилган ривожланиш босқичлари ёхуд воқеа-ҳодисалар алмашинуви, дея талқин этилар эди.

Глобаллашув даврида эса инсоният тарихига ўзгача қараш ҳукмронлик қила бошлади: бунда воқеа-ҳодисалар замондан ажратилмаган, синхрон тарзда талқин этилади. Шу маънода глобаллашув жараёни учун тарихий вақт ҳам, макон ҳам йўқ. Назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъий назар, халқаро меҳнат тақсимоти тизимига уйғуллашиш, хорижий сармояларни жалб этиш ҳамда замонавий технологиялар сари интилган ҳар қандай мамлакат учун глобал-лашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилади. Аммо унинг салбий жиҳатларидан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди.

Ҳўш, глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

«Глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. У йирик трансмилий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашуви жараёнини шундай деб атаган.

Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара ҳамон давом этаётган ҳамда бу масалада ягона нуқтаи назар шаклланимаган бўлса-да, гуманитар илмнинг турли соҳаларида муайян концепция ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, иқтисодийёт фани назарийётчиларининг диққат-эътибори асосан молиявий глобаллашув, глобал трансмилий корпорацияларнинг (ТМК) шаклланиши, иқтисодийётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдонинг жадаллашуви каби масалалар таҳлиliga қаратилган. Тарихий асарларда эса бу жараён капитализмнинг кўп асрлик тараққиёти боскичларидан бири сифатида талқин этилади. Сиёсатишунослар трансмилийлашув жараёнини тезлашуви, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида янги умумсайёравий тартибнинг шаклланишини тадқиқ этмоқда.

Социология соҳаси мутахассислари маданиятнинг универсаллашуви таъсирида турли мамлакат ва минтақа халқлари турмуш тарзининг яқинлашуви ва бир хиллашувини тасдиқлайдиган далилларни изламоқда. Файласуфлар эса Қавтнинг яхлит абадий дунё ҳамда умумдунёвий ҳукумат ҳақидаги ғоясига таяниб, турли миллат ва халқлар қадриятларининг уйғунлашувини асослашга интилмоқда. Маълум бўладикки, глобаллашув жараёнининг ягона таърифи ҳам, унинг мазмун-моҳиятини ақс эттирадиган яхлит концепция ҳам яратилмаган. Шундай бўлса-да, мазкур жараённинг энг умумий жиҳатлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

-**биринчидан**, ХХ аср иккинчи ярмига хос технология ядро қуролини ишлаб чиқариш билан боғлиқ эди. Глобал давр технологиялари эса телевидение, реактив самолёт, космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет каби алоқа воситалари билан белгиланади;

-**иккинчидан**, инсониятнинг глобаллашув даврига қадам қўйгани коммунистик ғоя, мафкура ва сиёсатнинг таназзули ва шунинг борабариди либерал-демократик қадриятлар ғалабасини англатади. Аммо бу қадриятлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қарор топаётган бўлса-да, уларнинг шакл-шамойили ва баъзан моҳияти ҳақиқий демократик ғоя ва тамойиллардан фарқ қилаётгани ҳам сир эмас. Бинобарин, муайян мамлакатда демократик институтларнинг жорий этилиши ҳали жамиятнинг туб манфаатларини ифодалайдиган тузум шаклланимайди. Дейлик, Белоруссия, Украина, Грузия, Қирғизистон ёки Туркменистонда АҚШ Конституциясини тарғиб этиш билангина демократик тузумни қарор топтириб бўлмайди. Қолаверса, муайян мамлакатта оғир шартлар асосида кредит ажратиш ёки бошқа тазйиқ усулларини қўллаб, унинг ички сиёсатига аралаштиш тескари натижа бериши ҳам мумкин. Шу боис Шарқий Европа ва Болтиқбўйи давлатлари иқтисодийётнинг либераллашуви ҳамда халқаро ташкилотлар (Европа Иттифоқи) билан уйғунлашуви ҳар бирининг туб

миллий манфаатлари, халкнинг менталитети ва кадриятлари билан белгиланади;

-учинчидан, глобаллашув билан бир вақтда, баъзан унга тескари бўлган минтақавийлашув жараёнининг, жумладан, минтақавий савдо-иктисодий ҳамда сиёсий ташкилотлар фаолияти доираси ва обрў-эътиборнинг кучайиши кузатилмоқда;

-тўртинчидан, глобаллашув жараёнининг олдинги сафларида бораётган (асосан йирик тараққий этган) мамлакатлар ҳамда ривожланаётган давлатлар ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги тафовутнинг кучайиб кетаётгани кўзга ташланмоқда. Жаҳон Банкнинг расмий маълумотига кўра, ҳозирги вақтда дунё аҳолиси ярмининг кунлик сарф-харажати 2 долларга, 1,2 млрд кишиники эса 1 долларга тўғри келар экан.

Таъкидлаш жоизки, кейинги ўн йилликда, саноати ривожланган мамлакатларда аҳолининг юқори ҳақ тўланувчи қатламининг даромадлари сезиларли тарзда кўпайиб, оилаларнинг аксарияти эса кам ҳақ тўланадиган, хавфли иш ёки ижтимоий нафақа билан боғлиқ ҳолда кун кечирмоқда.

Глобаллашув – турли, ўзаро боғланган жараёнларнинг ҳосиласи — яъни, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари, молиявий бозорлар, савдо ва инвестиция киришини бошқариш ва либераллаштириш, жамоат сектори ҳамда технологиялардир. Буларнинг барчаси глобаллаштиришга олиб келиб, ходимлар ва уларнинг касаба уюшмаларини дунёда бўлаётган ўзгаришларга эътиборли бўлишини даъват қилмоқда. Иш берувчининг ўзгарувчан табиатини касаба уюшмалари доимо ёдда тутмоқлари лозим. Жаҳонда сармоя қайси жойда ходимларга қараганда сезиларли равишда ҳаракатчан бўлса, турли шаклдаги бизнес ташкилотлар ва муносабатлар барпо этилиб, улар жамоа шартномаларини бузган ҳолда бандликни у ёқдан бу ёққа кўчириши мумкин. Кейинги йилларда трансмилий компанияларнинг чуқур ишлаб чиқилмаган ҳаракатлари натижасида ккп нарса ўзгарди. Рақобат ва уддабуронлик корхоналарнинг глобал вазифалари сифатида эълон қилинмоқда. Улар ходимларни шиддатли рақобат шариоитига бир-бирига рақбар қилмоқда, ижтимоий сугурта тизимига тазйик кўрсатмоқда, ккп йиллик курашлар жараёнида кўлга киритилган ходимларнинг ҳуқуқларига зарар етказмоқда. Аҳолини қатламларга бўлинишининг кучайишига, ходимлар ҳимоясини пасайишига олиб келмоқда.

Айтиш лозимки, кейинги вақтларда МДХ давлатларида жаҳон бозорига, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилишлар билан боғлиқ ишсизликнинг кучайиши ҳам кузатилмоқда. Сир эмаски, бу ҳудудга инвестициялар олиб кираётган чет эл фирмалари ўз жамоаларида касаба уюшма ташкилотини тузишга қатъиян қарши. Бу эса, МДХни арзон ва итбаткор ишчи кучини етказиб берувчи ҳудудга айланиб қолиш хавфини келтириб чиқаради.

Глобаллаштириш борасида жаҳондаги касаба уюшмаларининг вазифаси — бу ҳолатга чек қўйиш ва гўёки бундай ҳолат мавжуд эмасдек ўзини тутишдан иборат эмас. Ўзгаришларни, глобаллаштиришни бошқариш ва структуралаш, асосий ҳуқуқларни таъминлаш, одамларнинг имкон қадар

қўпроқ қисмини гуллаб-яшнашига шароит яратиш — умумий интилишларнинг омили бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, ривожланган ғарб мамлакатларида глобаллашув жараёнларини ўрганиш марказлари, тадқиқот институтлари, университетларда глобаллашувнинг турли аспекти бўйича янги курслар ташкил этилди.

Глобаллашув ҳақидаги киритмалар АҚШ конгресси кутубхонаси библиографик каталогига 1994 йили 34 тадан 1999 йил 603 тага етган. Қатъиян турли-туман, баъзан мутлақо карама-қарши таърифлар, бундан ташқари глобаллашув масштабини турлича баҳоланиши, антиглобалист ҳаракатларнинг жонланиши бу ходисани диққат билан ўрганишни талаб қилади. Глобаллашув жараёнлари таҳлили фундаментал тарзда бир-биридан фарқ қилади. Ғарбда глобаллашувни информационал жамият, капитализмни замонавий босқичи, пост ёки гипермодернизм ва ёки машҳур «тарихнинг охири» ва шунга ўхшаш концепциялашувлар мавжуд. Шу муносабат билан ғарб олимларининг глобаллашув ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишиш қизиқарлидир. Америка олими Френсис Фукуяма собиқ СССРнинг кулаши, коммунизм ғояларини барҳам топиши, деб таъкидлайди, яъни «биз нафақат совуқ урушнинг тугашини, балки инсоният ғоявий ривожланиш тарихи тугашининг гувоҳи бўлаяёмиз, чунки ғарбча либерал демократия бошқарувининг сўнгги ва энг афзал кўринишидир» деган фикрни олға сурди. Глобаллашувнинг ягона таърифи ёки маъноси йўқ. уни турли манфаатлар турлича ифодалайди ва қабул қилади. Глобаллашув Давид Хелд ва Антони Макгрю томонидан қуйидагича таърифланади: «глобаллашув шундай жараёнларки, унда ижтимоий муносабатлар нисбатан масофасиз ва чегарасиз сифатларга эга бўлади ва натижада инсоният ҳаёти учун Ер шарни ягона тақдирга ва имконга айланади». Ва яна бир пунга ўхшаш фикр Уилям Колеман ва Тони Портер томонидан олға сурилади: «глобаллашув шундай жараёнлар гулламини, унда ижтимоий муносабатлар чегараси ва кўриниши жойлашувдан, мақсаддан автоном хусусиятга эга бўлади, вақт ва масофа эса мана шу пайдо бўлган янги муҳитда инсоний (ижтимоий) муносабатларга тўсқинлик қила олмайди». Найер Вудснинг таъкидлашича, глобаллашув уч ўзаро бир-бирига боғлиқ элементлардан иборат: жаҳон бозорларининг кенгайиши сиёсатнинг ўзгариши ва янги ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши. Робертсон учун эса, глобаллашув «дунёни бир бутунлигини ҳис қилиш туйғусининг интенсивлашиши».

Юқоридаги таърифларда бир неча умумийликларни (ўхшашликларни) кўришимиз мумкин. Булар вақт, масофа ва макон тушунчаларини ўзгарганлиги, яъни уларни зичлашувини таъкидлангани ва Ер юзи ягона макон ва тақдир сифатида қабул қилиниши. Ҳақиқатан ҳам бугун мана шу тушунчалар замонавий телеалоқа, транспорт ва ишлаб чиқариш технологиялари таъсирида кескин тарзда ўзгармоқда, бу ўзгаришлар инсоният учун иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда янги мақсад ва вазифаларни қўймоқда.

Глобаллашув инсон яшаётган мухитни кескин тарзда ўзгартирмоқда. Кишиларнинг яшаш йўллари ва тарзлари ўзгармоқда. Умуман олганда, глобаллашувнинг табиати ва оқибатлари ҳақидаги баҳсларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: глобалистлар (оптимистлар), скептиклар ва мўътадиллар. Глобалистлар (хуйидаги олимларни шу оқимга киритиш мумкин. К.Охмас, В. Уристон, Р. Рейх ва Э. Луард) фикрича, глобаллашув мавжуд. Улар ҳозирги замонавий ижтимоий алоқалар тўлалигича глобаллашди ва глобаллашув ҳозирги тарихнинг энг муҳим факти дейдилар. Мана шу жараёнларда давлатнинг глобал сиёсий иқтисоддаги ўрни ва ролига жаҳон иқтисодида (ишлаб чиқариш, савдо ва молия) юз берган трансмилий тармоқлар яратилиши туфайли катта путур етди. Глобал иқтисоднинг янги кучлари ижтимоий ташкиллаштиришни янгича кўринишларини яратмоқда ва натижада глобал сиёсий омиллар ва механизмлар аста-секинлик билан мавжуд глобал ҳокимият тизимини алмаштиради. Глобалистларнинг ўзини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ глобаллашув жараёнларини мақтовчилари, табиийки, улар глобаллашув инсонларга ҳали тарихда учрамаган имкониятлар яратяпти, деб мактаса, иккинчи гуруҳ, яъни глобаллашув танқидчилари глобаллашувни вестернизация (ғарблашув), америкалашув ва ёки неокOLONиализм сифатида тушунишади. Бу фойдаланишда ғарбча (биринчи навбатда америкача ҳаёт тарзини) бутун жаҳон бўйлаб тарқалишини тушунилади. Уларнинг фикрича, глобаллашув ғарб давлатларининг ривожланаётган давлатларга нисбатан илгаридан давом этиб келаётган колониализм сиёсатининг замонавий кўриниши сифатида баҳоланади. Яъни, глобаллашув баъзи қудратли давлатлар томонидан ўз манфаатларини олға суриш сифатида тушунилади.

Скептиклар (Б. Барбер, П. Хирст ва Г. Томсон) фикрича, глобаллашув йўқ нарса. Жаҳон иқтисоди XIX аср охири XX аср бошларида (1870—1914 йиллар оралиғида) бутунгига қараганда юқорирок эди. Давлат эса ҳокимиятни йўқотмаяпти, балки юз бераётган янги интернационаллашувда асосий ўйинчидир.

Оптимистлар ва скептиклар ўртасида мўътадиллар (М.Кастелл, М. Манн, Ж. Рагги, Ж. Розенау каби муаллифлар) жойлашган. Улар нуқтан назаридан глобаллашув замонавий жаҳон тарихидаги муҳим ва алоҳида бўлган ривожланиш, тезлик билан юз бераётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни ва ҳозирги жамиятни ва жаҳон тартибини кескин ўзгартираётган жараёнлар ортида турган марказий куч эканлигини тан олишса-да, лекин унинг масштаби ва оқибатлари эҳтиёткорлик билан ўлчаниши ва баҳоланиши лозим, дейишади. Ва ёки глобаллашув бугунги куннинг ягона ёки энг аҳамиятли тенденцияси эмас. Шу билан бир қаторда ва у билан боғланган ҳолда бошқа ижтимоий кучлар ҳам ишлаб чиқариш, бошқарув, жамият ва билим тизимидаги сиёжишлар каби мавжуд деб тан олишади. «Глобаллашув янги сўз, лекин бу дегани глобаллашув жараёнлари яқинда пайдо бўлди, дегани эмас. Глобаллашув ҳозирги давримиз ривожининг ягона энг катта характерли белгиси бўлиши билан бир қаторда бошқа йирик ривожланиш анъаналари ҳам мавжуд. Масалан, миллий

давлатчиликнинг ривожланиши ва этник шаклланиш», дейди Робертсон. Нима бўлганда ҳам номи қандай бўлишидан қатъий назар, ҳозирги давримиз ўзининг алоҳида тақрорланмас хусусиятларига эга.

Глобаллашувнинг тарқалиши ҳамма жойда бир хилда эмас. Масалан, АҚШ ва Ғарбий Европа Афғонистон ва Африкага нисбатан кўпроқ бошдан кечиришмоқда, шаҳарлар эса қишлоқларга қараганда кўпроқ. Глобаллашув ҳақидаги баҳслар унинг таърифи ва масштабидан ташқари унинг хронологияси ҳақида ҳамдир. Қуйидаги қарашлар бор. Биринчи хил қарашларга кўра глобаллашув тақрорланувчи жараён. У инсоният тарихида бундан олдин ҳам бўлиб турган. Масалан, Пол Хирст. Иккинчи хил қарашларга кўра, глобаллашув ўзук тарихга эга, лекин у такоорланувчи жараён эмас, балки чизикли тарзда ривожланади. Бу гуруҳга кирувчи мутахассислар унинг пайдо бўлиш санасини бундан 100 йилдан 500 йилгача оралиқда баҳолашади. Учинчи оқим вакиллари глобаллашув давримизнинг бутунлай янги жараёни, у компьютер ва реактив самолётлар эраси билан пайдо бўлди, дейишади.

Глобаллашув иқтисодий фаолият табиатини ўзгартирди. Жаҳон бозорлари, глобал рақобат ва глобал менежмент фундаментал тарзда фирмалар ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни, иш фаолиятини ва ҳатти-ҳаракатини ўзгартирди. Авваламбор, 1970 йилдан бери технология, ишлаб чиқариш, савдо ва инвестиция соҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди. Молия глобаллашув жараёнларининг энг биринчи индикатори сифатида тушунилади. Молия бозорининг эркинлашуви, яъни молиявий воситаларнинг ривожланиши ва янги рақамлар технологияларнинг яратилиши билан бир қаторда бутун дунё бўйлаб алоқаларнинг мисли кўрилмаган даражада бўлиши ягона глобал капитал бозорини вужудга келтирди. Кундалик ўртача хорижий валюталар операцияси қиймати 15 миллиард АҚШ доллардан (1973 йилда) 1,2 триллионга (1995 йилда) ўсди.

Иккинчи хил ўзгаришлар (глобаллашув таъсирида) сиёсат оламида юз бермоқда. Масалан, минтақавий институтлар Европа Иттифоқи, НАФТА (Шимолий Америка Эркин Савдо Келишуви) каби ва сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларида фуқаролик жамиятининг фаол иштироки кузатиляпти. Глобаллашув таъсирида жаҳон сиёсатининг трансформацияси миллий ва халқаро даражада бир қанча ўзгаришлар рўй бермоқда.

Кўпчилик маданий синхронизация (ёки вестернизация) жараёни юз бермоқда деса, бошқалар маданий хилма-хиллик давом этмоқда, дейишади. Лекин нима бўлганда ҳам замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялари ва инглиз тили воситаларида миллий маданиятлар баъзи ўзгаришларга учрамоқда. Глобаллашув маданий империализмни келтириб чиқараяпти, шунинг учун альтернатив глобализация зарур, деган қарашлар ҳам мавжуд. Глобаллашув томонидан пайдо бўлган глобал маданият бу глобал истеъмолчилар маданиятидир.

Демак, бугун телекоммуникация, транспорт ва компьютер технологиялари соҳаларидаги ўзгаришлар натижасида глобаллашув деб ном олган ҳодисанинг гувоҳимиз. Глобаллашув кўпчиликл томонидан XX аср охири

ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишини ифодаловчи жараён сифатида тушунилади. Глобаллашув баҳс-мунозараларга тўла мавзу. Бир оқим вакиллари (оптимистлар) биз тулалигича глобаллашув эрасида яшашимиз дейишса, иккинчи томон (скептиклар) глобаллашув — миф, у йўқ нарса, дейишади. Уларнинг ўртасида бошқа таҳлилчилар глобаллашувни етарли даражадаги таъсирчан йўналиш, лекин бошқа йўналишлар каби, дейишади. Хронология жиҳатидан эса баъзилар глобаллашув XV асрдан бошланади десалар, бошқалари унинг ёшини бир неча ўн йилларга тенг дейишади. Трансмиллий корпорациялар глобаллашувни олға сураётган, янги конун-қодалар, янгича яшаш ва ишлаш усулларини, янги орзу-умидларни яратмоқдалар.

Глобаллашув одамлар учун ёки уларга қарши бўлиши мумкин. Бу унинг бошқариш жараёнларига боғлиқ. Ҳмон бошқарилганда глобаллашув янада кўпроқ тенгсизликка олиб боради. Машҳур олим Поланий ўзининг 1944 йилги «Улкан ўзгаришлар» асарида таъкидлаган «бозор механизмлари инсоният ва у яшайтган муҳит тақдирини ҳал қилувчи ягона воситага айланишига йўл қўйиш жамиятнинг таназзулига сабаб бўлади», деган фикри ҳали ҳам долзарб. Демак, инсоният тарихидаги аграр ва саноат инқилоблари каби глобаллашув жуда муҳим даврдир. Глобаллашув вақтининг ўзида кўпчиликка имконият берди ва кўпчиликни имкониятлардан маҳрум қилди. Демак, глобаллашув афсона ва ёки инсоният учун бирор фалокат эмас, балки ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва инсоният олдига янги вазифаларни қўяётган жараёнлар тўпламидир. Бу жараёнларни муносиб кутиб олиш учун ва унда мос равишда иштирок этиш учун замонавий илм-фан ютуқларини билиш талаб қилинади.

Кўринадики, глобаллашув ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жамият ҳётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши натижасида бир мамлакатда содир бўлаётган жараённинг олашумул ахамият касб этишидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, турли мутахассислар, оқимлар турлича таърифлайди. Бу таърифларнинг ҳозирги кунда энг кенг тарқалганларини келтириб ўтамиз:

- глобаллашув — миллий ишлаб чиқаришни трансмиллий корхоналарнинг халқаро инвестицияга жалб қилинишидир;

- глобаллашув - нафақат ишлаб чиқариш жараёнлари ва етказиб берувчилар билан муносабатдаги ўзгаришларга, балки хизмат тармоқларига — хусусий ва жамоатчилик секторидagi сотув ҳамда етказиб берган сари трансмиллий компанияларга боғлиқ бўлади;

- глобаллаштириш, кўп ҳолларда сармоянинг мисли қўрилмаган ва барча нарсани ўз ичига қамраб олувчи ҳаракатини англатади. Янги технологиялар, хусусан, ахборот алмашиш ўзаро боғлиқ ва интеграция жараёнига қўмақлашади, халқаро алоқаларнинг кучайишига, ривожланишига, мафкуравий унсурларга ҳам жиддий таъсир қилади;

- глобаллашув ижтимоий ва сиёсий характерга эга бўлиб, у ер шари аҳолисининг кўпгина қисмини ишсизликнинг жиддий муаммоларига дучор этиши ва иш ҳақи ҳамда даромадлар диспаратетининг ўсишига олиб келиши

мумкин. Бу эса демократик институтларнинг тараққий ва иқтисодий сиёсат устидан назоратини йўқотиш хавфини келтириб чиқаради;

- ташкилотларнинг халқаро микёсда кенгайишга ва халқаро майдонда тобора каттарок ўрин эгаллашга қаратилган стратегияси;

- товарлар, хизматлар, меҳнат, технология ва капиталнинг халқаро майдонда ҳаракатланиши;

- савдо, инвестиция, молия-иқтисод, маданият ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳукуматлар, ташкилотлар ва халқларнинг ўз мамлакатлари чегараларидан чиқиб, очиқликка интилиши;

- инсон капитали молиявий ва интеллектуал капиталнинг дунёнинг энг катта иқтисодий нуқталарига интилиши;

- иқтисодий фаолият учун мамлакат чегаралари ва унинг жуғрофий жойлашиши каби жисмоний омилларнинг ўз аҳамиятини йўқотиб бориш жараёни.

Глобаллашувнинг бугунги кунга келиб, катта аҳамият қозонишига бир қанча сабаблар бор: технологиянинг тез ривожланиши натижасида коммуникация ва ахборот алмашувининг осонлашиши, коммунизмнинг сароб бўлиши каби сиёсий жараёнлар, транспортнинг тараққий этиши оқибатида мамлакатлараро юк ташиш ҳажмининг ортиши ва туризмнинг ривожланиши. Бу ўз навбатида, коммуникацияларга ривожланиш имкониятини яратди, кўшимча бозорлар очилишига олиб келди, маданият ва кадрларнинг интеграцияси натижасида истеъмол турлари кенгайди, халқаро бозорда рақобатни кучайтирди, янги хомашё манбаларини очиб берди ва инвестиция жараёнини кенгайтди.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир қилиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига боғлайди. Натижада, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, сугўрта бозори ва ҳақозо), янги воситалар пайдо бўлади (турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа ва ҳ.к.). Булар эса ўз навбатида, янги назорат воситаларини галаб этади. Бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлик интеллектуал мулк интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги халқаро норматив, ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашувнинг қуйидаги асосий белгилари мавжуд: халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши, халқаро капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши, электрон коммуникация инқилоби натижасида молиявий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар, трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг ташкил топиши. Глобаллашув барча мамлакатларнинг иқтисодиётига таъсир ўтказди ва бу таъсир ишчи кучидан фойдаланиш, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва инсон капиталига инвестицияларни жалб этиш, уларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиши каби омилларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, рақобатнинг ривожланишини таъминлайди.

Иктисодий глобаллашув бир қанча йўналишларга эга: халқаро-савдо, халқароинвестициялар, молиявий, технологик глобаллашув ва ҳоказо. Уларнинг амалга оширишда иктисодий эркинлаштиришнинг роли бекиёс. Иктисодни эркинлаштириш ҳар қайси мамлакатнинг глобаллашув жараёнига қўшилиши ва ундан манфаат топишининг асосий шартларидан биридир. **Иктисодий жиҳатдан эркин жамиятгина юқори даражали демократик фуқаролик жамиятига айланиши мумкин.** Ҳозирги кунда бунга муқобил йўл тутган мамлакатлар умумжаҳон иктисодий жараёнларига қўшилиш ва эркинлашиш йўлидаги илк қадамларини ташламоқда. Ҳатто ҳалигача социалистик деб ҳисобланган Шимолий Корея, Куба каби давлатларда ҳам иктисодий ва сиёсий ислохотлар аста-секин бошланмоқда. Бундай ўзгаришлар иктисодий ўсиш ва турмуш даражасининг яхшиланиши шароитидагина содир бўлади. Шундай экан, эркинлаштириш ҳаракатлари биринчи кринда мафқуравий бидъатларга эмас, балки мантиққа ва аниқ иктисодий натижаларга қаратилиши зарур.

Иктисодий эркинлаштириш ҳукумат, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, давлат муассасалари ва хусусий сектор ўртасидаги иктисодий муносабатларда мавжуд бўлган мажбурийликни бартараф қилади. Яъни барча шахслар ўртасидаги иктисодий муносабатлар ихтиёрий шаклда ўрнатилади ва олиб борилади. Албатта, стратегик хусусиятга эга бўлган баъзи муносабатлар бундан мустасно. Масалан, солиқ органлари даромад олувчи шахслар устидан қонунда белгиланган даражада молиявий назоратга эга бўлиши зарур. Эркинлаштирилиши мумкин бўлмаган яна бир соҳа - бу муҳофаза ва қонунни сақлаш органлари устидан назорат. Глобаллашув сабабли Ўзбекистонда қўйдаги йўналишларда эркинлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди:

1. Нарх тизими ислохоти, яъни ҳар қандай товар нархининг тўлалигича бозордаги талаб ва таклифнинг мувозанати орқали белгиланиши. Бундай сиёсат ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга. Назарий жиҳатдан ҳар қандай фирма сифатли, рақобатбардош товар ишлаб чиқариб, унга нарх белгилаб, бозорда ўз ўрнини эгаллаши ва гуллаб яшнаши мумкин. Амалда эса, бу сиёсат йирик ишлаб чиқариш ресурсларига эга бўлган, катта миқдорда ва паст нархда товар таклиф қилишга қодир компанияларга катта устунлик беради ва улар кичик ва ўрта фирмаларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Муаммонинг яна бир томони шундаки, нархларнинг тўла эркинлиги шароитида арзон импорт мамлакат ичида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига катта тўсқинлик қилиши мумкин.

2. Давлат мулкнинг хусусийлаштирилиши. Бу ўз-ўзидан жуда ҳам мантиқий чора, чунки мулк аста-секин хусусий секторга ўтиши ва асосий иктисодий масалаларни ечиш хусусий компаниялар зиммасига юклатилиши керак. Лекин шовима-шошарлик билан амалга оширилган хусусийлаштириш сиёсати ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Тез хусусийлаштириш натижасида мулк йирик монополиялар ёки жинойий гуруҳлар қўлига ўтиб кетади. Бунинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ўзига хос тамойиллар ишлаб чиққан: бепул

хусусийлаштиришдан воз кечиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларига кучли ижтимоий кафолатлар бериш, босқичма-босқич хусусийлаштириш, хусусийлаштириш билан биргаликда ишлаб чиқариш ва бошқарувни номарказлаштириш ҳамда монополияларга қарши сиёсат олиб бориш сингари.

3. Солиқ божхона тизимлари ислоҳоти. Мазкур чора тадбиркорларга кўпроқ даромад олиш имконини яратиш ва бу орқали уларни фаолроқ бўлишга қизиқтириш учун зарур. Ҳар қандай солиқ сиёсати баъзи бир асосий тамойилларга амал қилиши керак:

- тадбиркорларни даромадларини яширмасликка рағбатлантириш;
- солиқ имтиёзлари беришда бизнесни ривожлантиришга интилиш ва тенг ҳуқуқлилини таъминлаш;
- солиқ ундиришда қонунга тўла асосланиш;
- тадбиркорларнинг солиқ ва божхона органларининг ноқонуний ҳаракатларидан тўла ҳимояланганлиги.

4. Саноат ва қишлоқ хўжалигида бевосита давлат назоратидан воз кечиш. Яъни халқаро бозор ва ундаги тенденциялар саноат ва қишлоқ хўжалигининг йўналишини белгилашда асосий омил бўлиши керак. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар халқаро қишлоқ хўжалиги бозорларидаги кескин тебранишлардан ҳимояланган бўлиши шарт.

Ўзбекистонда бундай ислоҳотларни амалга оширишга муайян ўзига хос тўсиқлар мавжуд:

- мустақилликка эришиш натижасида этник муаммоларнинг келиб чиқиши. Ўрта Осиё минтақасини олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда 90-йилларнинг бошида йирик эмиграция жараёни бошланди. Бунинг асосий сабаби шуки, минтақадаги барча давлатларда миллий тилларига давлат тили мақоми берилганидан кейин кўпчилик аҳолининг ушбу тилларни билмаслиги, ўрганишга тайёр эмаслиги ёки ўрганишни хохламаслиги натижасида юқори ва ўрта лавозимларни эгаллаб турган ходимлар ўз иш жойларидан маҳрум бўлди. Эмиграция жараёни ҳалигача давом этиб келмоқда. Бу эса, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан катта таъсирга эга;

- анъанавий уруғ-аймоқчилик, Бутун тарих бўйлаб, Ўрта Осиё миллатлари кичик-кичик кланларга бўлиниб келган. Улар ўртасида барқарорлик ва мувозанатни сақлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кланлар ўртасидаги тортишувлар, ҳатто коммунистик бошқарув даврида ҳам мавжуд бўлган ва бу феномений ҳисобга олмасдан, Ўрта Осиё мамлакатларидаги иқтисодий ривожланиш ва институционал ислоҳотларни тўғри баҳолаш қийин;

- мавжуд қонуний база ва амалдаги жараёнлар ўртасидаги жиддий фарқлар. Турли анъанавий ва норасмий муносабатлар барча турдаги ташкилотлар фаолиятига кучли таъсир ўтказди. Бошқача айтганда, мавжуд институционал тизимда унинг тўғри ишлашига ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи норасмий муносабатлар алоҳида ўрин тутди.

Бундай шароитда иқтисодни эркинлаштириш учун фақатгина нархлар ёки савдо эркинлиги каби иқтисодий жараёнларни эркинлаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилиш билан чекланиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Иқтисодий эркинлаштириш маъмурий ва институционал муносабатларнинг тўла эркинлаштири-лишига боғлиқ. Ислохотлар натижасида қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкин?

1. Хусусий сектор иштирокчиларининг хулқ-атвор ўзгариши мумкин. Эркинлаштириш оқибатида фирмаларнинг очилиши ва эркин фаолият кўрсатишидаги тўсиқлар бартараф этилади. Фаолият кўрсатиш учун рўйхатдан ўтиш жараёни осонлашади, кўглаб лицензия ва сертификатлар олиш зарурати йўқ бўлади. Бошқа бир томондан эса, рақобат кучаяди, бозорда истеъмолчининг аҳамияти ҳамда таъсири ортади. Фирмалар истеъмолчини ўзига жалб қилишга интилади ва улар учун сифат кафолати энг муҳим омилга айланади. Молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун фирмалар ўзлари молиявий назорат органлари ва молия-кредит муассасалари билан қонуний алоқалар ўрнатишга, ўз ҳисоботларини тўғри олиб боришга ва ҳатто бу ҳисоботларни эълон қилишга интилади. Эркин равишда ўз зиммасига маълум мажбуриятларни олган фирмалар ўз бизнес-ҳамкорларини йўқотиб қўймаслик, шунингдек, қонуний жавобгарликка тортилмаслик учун ҳам бу мажбуриятларни тўла бажаришга ҳаракат қилади.

2. Давлат корхоналарининг хулқ-атвори ўзгариши кутилади.

Давлат корхоналарининг фаолияти хусусий фирмаларникидан деярли фарқ қилмай қолади. Давлат корхонаси деб номланса ҳам корхонанинг асл эгаси унинг жамоаси бўлиб, мустақил бошқаруви, низоми, таъсисчилари, кредиторлари ва қарздорларига эга бўлади. Хусусий ва давлат корхоналари ўртасида битта катта фарқ сақланиб қолади, у ҳам бўлса, мулк эгасининг ноаниқлигидир. Корхона таъсисчилари ўртасидаги мулк муносабатлари давлат томонидан назорат қилинмайди. Бунда корхонада кадрлар сиёсатини белгиловчи орган ёки шахс маълум маънода мулк эгаси вазифасини бажаради. Яъни кредиторлар ва акция эгалари ҳам даромад олади, лекин мулкни сотиш, фаолият турини ўзгартириш, директорни алмаштириш тўғрисидаги қарорларни фақат ўша орган қабул қилади. Бундан ташқари, мустақил давлат ташкилотларида бошлиқ тайинлаш муаммоси юзага келиши мумкин. Ҳозирги кунгача бу вазифани юқори ташкилотлар, яъни вазирлик ва бошқа органлар бажариб келмоқда. Бу ерда муқобил йўл бошқарув хайъати ёки барча ходимлар томонидан бошлиқ сайлаш ҳисобланади. Умуман олганда, мустақил ташкилот кучли ва сифатли бошқарувдан манфаатдор ва бундай эҳтиёжини энг тўғри йўл билан қондира олади.

3. Қонунларнинг роли ўзгаради.

Эркин иқтисодда мажбурловчи қонунлар сони ва ролининг кескин қайиши кутилади. Бошқача айтганда, давлат манфаатларини ҳимоялаб, субъектларни маълум фаолиятга ундовчи қонунлар ўрнини келишув ва шартномалар эгаллайди. Турли чеклаш ва мажбуриятлар шартномалар

матнига киритилиши лозим ва ана шу мажбуриятларнинг бузилиши қонун томонидан жазоланиши керак.

4. Ҳукумат назорати органларининг ўрни ўзгариши мумкин.

Эркинлаштириш натижасида бу органларнинг ҳақиқий малакаси ва хизматларининг керак ёки керак эмаслиги аниқланади. Бундай назорат вазифаларини бажариш ёрдамида орттирилган малакаларга бозор шароитида ҳам талаб бўлади деб тахмин қилиш мумкин. Масалан, тажрибали солиқ органлари ходимлари хусусий секторга аудит ва иқтисодий маслаҳат каби хизматлар кўрсатиши мумкин.

Албатта, иқтисодий эркинлаштириш маълум сиёсий муҳитни ҳам такозо қилади. Сиёсий ислохотлар ислохотларни амалга ошираётган Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига жиддий туртки бўлиши мумкин. Уларнинг энг муҳимлари:

- номарказлаштириш - марказий ва маҳаллий ҳукуматларнинг ҳокимиятдаги ролини аниқ белгилаш ва кўпроқ бошқарув вазифаларини ҳокимиятнинг қўйи табақаларига топшириш. Зеро, марказий давлат ҳокимиятининг бир қанча ваколатли вазифаларни маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосидир. Шунингдек, молиявий номарказлаштириш орқали маҳаллий бюджетлар бошқарувини эркинлаштириш ва молиявий ресурслар тақсимланишининг самарасини ошириш;

- иқтисодий фаолиятни соддалаштириш. Маълумки, тадбиркорнинг иқтисодий фаолият бошлашида ва олиб боришида турли-туман маъмурий тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Айнан шу соҳадаги ислохотлар кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кенг йўл очади;

- ҳокимиятнинг турли табақаларида ходимларнинг бошқарув малакаларини ошириш. Бу нарса турли хорижий лойиҳалар ёрдамида маълум даражада амалга оширилмоқда ва ўз самарасини бермоқда. Бирок фаолиятнинг кўламини янада кенгайтириш ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг ўрта ва қўйи табақа бошқарув ходимлари малакасини оммавий равишда ошириш зарур.

Умуман, номарказлаштиришга функционал ва сиёсий томондан ёндашганда, фуқаролик жамиятининг бошланғич асоси сифатида қаралади. Бу йўналиш устувор ҳисобланади, чунки вазифаларни номарказлаштириш қуйидагиларга хизмат қилади:

- ўтиш даврида ҳукуматнинг маҳаллий даражадаги эмас, балки умумдавлат стратегик масалаларига диққатни қаратишига имконият яратади. Бу давлат бошқарувининг ва стратегик режалаштиришнинг самарадорлигини оширишга, давлат бошқарувининг марказий органлари миқдори ва тузилишини оптималлаштиришга хизмат қилади, хўжалик субъектларини уларнинг иқтисодий фаолиятига аралашувдан ҳоли қилади;

- ваколатларнинг ўтказилиши маҳаллий ҳокимият органларининг жавобгарлиги ва масъулиятини оширишга, хизмат кўрсатадиганларни

истеъмолчиларга яқинлаштиришга, демакки, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлиги ва поклигини оширишга кўмак беради;

- маҳаллий шарт-шароитлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ресурсларни тақсимлаш ва устувор вазифаларни мустақил ҳал қилишга маҳаллий органларнинг демократик роли оширилади;

- қатор давлат назорати вазифаларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлари кнефасидаги жамоат назоратига ўтказилиши учун замин яратилади;

- кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тезлашади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ташаббусларини амалга оширишда иштирок этиш, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, маҳаллий ҳокимият фаолиятининг мониторингини ўтказиш, манфаатдор гуруҳлар ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини қарор топтириш — номарказ-лаштиришни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилidir.

Ҳозирда дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш амалга оширилмоқда. Ўтмишда ҳокимият ва бошқарувнинг марказлашган тизимга эга бўлган Ўзбекистон ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишга интилаётгани боис, давлат бошқарувидаги мазкур йўналишни ривожлантириш ўта муҳимдир. Жаҳон тажрибасида мустақил бўлиш даражасига кўра номарказлаштиришнинг қуйидаги асосий турлари ажратилади:

1) *горизонтал номарказлаштириш* — ҳукуматнинг айрим вазифалари алоҳида вазирлик ва идораларга ўтказилганида, улар ҳукумат томонидан белгиланган стратегия, меъзонлар ва бюджет доирасида фаолият юритадилар, бироқ ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда уларга мустақиллик берилади;

2) *вертикал номарказлаштириш* — марказий ижро ҳокимиятининг айрим вазифалари маҳаллий бошқарув органларига ўтказилганида рўй беради. Бунда маҳаллий бошқарув органлари қонунчиликка асосан хизматларни тақдим этиш, молиявий масалаларни ҳал қилиш, ҳудудни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда тўлиқ ёки қисман мустақилликка эга бўладилар.

Ваконатларни марказий ҳокимият органларидан қуйи бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш давлат бошқарувининг ихчам ва самарали шаклини яратишга хизмат қилади. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг шаффоқлигини ошириб, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин алоқаларнинг ўрнатилиши зарур. Ўзбекистонда бугунги кунгача амалга оширилган ислохотларни таҳлил қиладиган бўлсак, улар номарказлаштиришнинг асосан икки усулида амалга оширилган, деб ҳулоса ясашимиз мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бошланган кенг кўламли ислохотлар номарказлаштиришнинг **биринчи усули** — деконцентрализациялаш усулига мисол бўла олади. Бу усулда давлат ҳокимияти ўзига

юклатилган бурч ва вазифаларни самаралироқ ижро этиш мақсадида маҳаллий органлар тузади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифасининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилишини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки Ўзбекистонда самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг яратилмаслиги утиш даврида беқарорликлар келтириб чиқариши мумкин эди. Иккинчи томондан, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун махсус, янги ташкилотларнинг тузилиши катта сарф-харажатларни талаб этар эди. Бундан ташқари янги тузиладиган ташкилотларнинг ҳеч бири бу вазифани маҳаллалар бажаргани каби уддасидан чиқа олмас эди.

Иккинчи усул — ваколатлаш орқали номарказлаштириш айрим ваколатларни марказий давлат ҳокимияти доирасидан ташқаридаги органларга ёки агентликларга топширишни кўзда тутати. Мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ислохотлар айнан шу усулнинг ёрқин мисолидир. Бу жараён натижасида вазирилик агентлигига айлантирилди, унинг ташкилий тузилишида бир қатор туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Давлат билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги вазифаларни ажратиш ва самарали бошқарувни амалга ошириш учун зарур ҳажмдаги масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқини бериш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг муваффақиятли фаолиятининг шартларидан биридир. Мустақил Ўзбекистонда ҳам бу соҳада қатор ислохотлар амалга оширилган бўлиб, истиқлолнинг қиска тарихи давомида вазифаларни ўтказишга оид тизимни ишлаб чиқиш вазифаси долзарблигини йўқотгани йўқ. Бунинг учун давлат ҳокимиятининг айрим ваколатли функцияларини маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш билан боғлиқ жаҳон тажрибасини ўрганиш зарур. Бунда жамоатчилик фикрига таяниш, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг барчасини номарказлаштириш жараёнига жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Маълум жараёни босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилиши ҳамда жаҳият мувозанатини издан чиқармаган ҳолда Ўзбекистонни мустақкамлашга ва кучли фуқаролик жаҳиятини барпо этишга хизмат қилиши лозим.

Умуман, жаҳондаги турли мамлакатлар иқтисодларининг интергақцияси табиий жараён ҳисобланар экан, Ўзбекистон ҳам глобаллашув жараёнларига қўшилмасдан иложи йўқ. Олимлар кузатувиға кўра, бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистон ҳам бу жараёнда катта фойда кўриши мумкин. Шу билан бирга, юқорида келтирилган глобаллашувнинг салбий оқибатларини ҳам инобатга олиш керак. Демак, глобаллашув жараёнида Ўзбекистон Республикаси учун икки вазифа борлиги аён: биринчиси, глобаллашувдан самарали фойдаланиб, дунё бозорларига чиқиш; иккинчиси, юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий хавфларни иложи борича камайтириш.

Мамлакатимиз дунё бозорларига чиқиш учун халқаро рақобатга дош бериши керак бўлади. Бунинг учун эса юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш талаб қилинади.

Мустақилликка эришганимиздан буён миллий иқтисодимизнинг рақобатбар-дошлигини ошириш устувор вазифа бўлиб келаётир. Бу жаҳон бозорининг ўзгариш тенденциясини, бу бозорда устунлик қилаётган мамлакатларнинг иқтисодий соҳада олиб бораётган ислохотларини жиддий ва мунтазам ўрганиб боришни талаб қилади. Мамлакатимизда бунинг имкониятлари мавжуд.

Ҳозирда жаҳон иқтисодининг ўсиши йилига ўртача икки-икки ярим фоизни ташкил этмоқда. Келажакда бу кўрсаткич уч фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодларининг ўсиш даражаси беш фоиздан юқори бўлиши башорат қилинмоқда. Иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бўлган халқаро савдо ва халқаро капитал оқими ўртача ўн-ўн беш фоиз миқдорида бўлиши тахмин қилинмоқда.

Жаҳон бозорларида тайёр маҳсулотлар нархи, ярим тайёр ва хом-ашёларнинг нархидан анча баланд бўлганлиги сабабли, ушбу бозорда тайёр истеъмол маҳсулотлар ҳажми тобора ортиб бормоқда. Халқаро савдода саноат маҳсулотлари ва хизматларнинг улуши кўпаймоқда. Аксинча хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши камайиб бормоқда.

Жаҳон бозорининг бундай ҳолати саноатта иқтисослашган мамлакатларга иқтисодий катта даромад, хомашё етказиб берувчи мамлакатларга эса катта зиён етказмоқда. Шу билан бирга, хомашё етказиб берувчи мамлакатларнинг иқтисоди тўла ҳолда улар етказиб бераётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш учун, авваламбор, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш мақсадида иқтисодимизнинг асосий таркиби бўлган саноат, транспорт, агросаноат комплекслари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида таркибий ўзгаришлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, соҳалардаги янги таркибни ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий таркибига яқин ҳолда тузиш ижобий самара беради. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий таркиби эса қуйидагичадир. Статистик маълумотларга кўра, ушбу мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўттиз икки фоизини саноат, қишлоқ хўжалиги уч-тўрт фоизни, қурилиш соҳаси олти-саккиз фоизни, хизмат кўрсатиш соҳаси эллик беш фоизни ташкил қилади.

Иқтисодчи олимларимизнинг фикрига кўра эса, Ўзбекистоннинг табиий шароити ва жуғрофий имкониятлари ЯИМ таркибидаги саноат улушини йигирма-йигирма беш фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қирк беш фоизгача, қурилишнинг улушини эса ўн-ўн бир фоизгача кўтариб, қишлоқ хўжалиги улушини ўн беш-йигирма фоизгача тушириш имконини беради, ҳолос.

Иқтисодчиларимизнинг фикрига кўра, мамлакатимизнинг ички имкониятларини инобатга олган ҳолдагина олдимизга қўйган мақсадимизга эришишимиз мумкин. Иқтисодчи олимларимиз таъкидлашча, Ўзбекистон глобаллашув жараёнида иқтисоднинг саноат соҳасини тақомиллаштиришга эътибор бериши керак. Ўрта муддатли даврда мамлакатимиз халқаро савдода

устунликка эга бўлиши учун нисбий афзалликка эга бўлган анъанавий соҳаларини ривожлантириш керак.

Ўзбекистонда самарали иқтисодий таркибни шакллантиришда қуйидаги эътиборни қаратиш керак:

- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- газни қайта ишлаш асносида синтетик смола ва пластмасаларни ишлаб чиқариш;

- калийли ва фосфорли ўғит ишлаб чиқариш;

- керамика ва заргарлик анжомлари ишлаб чиқариш.

Ўрта муддатли босқичнинг асосий вазифаси мамлакатимизга кейинги - саноатлаштириш босқичини амалга ошириш учун керакли маблағ жамлаш ва жаҳон бозорига кириб боришга йўл очишдан иборат.

Кейинги босқичда эса, ўрта муддатда қўйилган вазифаларни давом эттирган ҳолда, Ўзбекистоннинг таркибий сиёсатини қайта ишлаш саноатининг юқори технологик соҳаларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай соҳаларга самолётсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, мураккаб технологик радио-электрон ускуналар, пластмасса маҳсулотлари саноати, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда доридармон тайёрлаш ва ҳоказолар кириши кўзда тутилмоқда.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон глобаллашув жараёнида ўзининг рақобатбардошлилигини ошириш учун структуравий ўзгаришларни амалга ошириши қуйидаги натижаларни бериши кутилмоқда:

- мамлакатимиз учун иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

- минерал хом ашё ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни оширади. Натижада иқтисоднинг хомашё етказиб беришда йўналтирилганлиги пасаяди;

- экспортга йўналтирилган иқтисодни шакллантириш кучаяди.

Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида (2006 йил 10 февралда) маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоиз ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодийetni модернизация қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси эканлигини қайд этди.

2005 йилда, шунингдек, республикаимизнинг ташқи савдо айланмаси 9,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фонддан ошди. Бу ташқи савдода мустақиллик йилларида эришилган энг юқори кўрсаткич – 1,3 млрд. доллар миқдоридagi ижобий сальдога эришиш ва мамлакат олтин-валюта захирасининг 1,3 марта кўпайиши учун тегишли шарт-шароит яратди.

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятда эришган натижаларини аввалги йиллар кўрсаткичлари билан таққослайдиган бўлсак, қуйидаги вазият кўзга ташланади. Мисол учун, 2000 йилда мамлакат ташқи савдо айланмаси 3,2 млрд. долларни ташкил этиб, унинг ижобий сальдоси 317,3 млн. долларни ташкил этган. Экспорт

таркибининг 27,5 фоизи пахта толасидан, 11 фоизи энергетика ресурсларидан, 7 фоизи қора ва рангли металллардан, 14 фоизи турли хизмат ва бошқа маибалардан иборат эди. Демак, экспорт таркибининг асосий қисмини хомашё ва қисман кўрсатилган хизматлар ташкил этган, холос. Таҳлиллардан кўринадики, 2005 йилда эса ташқи савдо ҳажми 2000 йилга нисбатан 3 марта, ижобий сальдо 4,1 марта ошганини кўрамиз.

Қувонарлиси, бултур экспорт таркиби ҳам ўзгариб, унда пахта толаси ҳиссаси 27,5 фоиздан 19 фоизгача камайди ва 50 фоиздан ортигини тайёр маҳсулот ҳамда кўрсатилган хизматлар ташкил этди.

Шу ўринда «Экспорт соҳасида бундай юқори натижаларга нималар ҳисобидан эришилди?» деган мантикий савол тутилади.

Аввало, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилан ислохотлар тактикаси ва стратегиясининг тўғри танлангани эришилган натижаларга пойдевор бўлди. Шунингдек, иқтисодий ислохотларни ўтказиш тамойилларига таянган ҳолда иқтисодиётнинг мутаносибли ва мувозанатли ривожланиш тенденциясига амал қилинганлиги ҳам муҳим омил бўлади. Чунончи, кишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларига устувор аҳамият берилгани, кишлоқ хўжалиги билан саноат, ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги окилона мутаносиблик таъминлангани катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда йилдан-йилга инвестицион муҳитнинг тобора яхшиланиб, жозибадорлиги ошиб бораётгани ва миллий иқтисодиётимизнинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига шитоб билан кириб бораётгани ҳам ташқи савдо ҳажмининг кўпайишида муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, экспорт салоҳиятининг ошиши сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, у мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Чунки мамлакат олтин-валюта захирасининг ошиши миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти ўзгаришларига таъсирчанлик ва боғлиқлик даражасини пайсайтиради, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспорт салоҳиятини кескин оширишга ижобий таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа, яъни «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти билан Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг қўшилишига тўхталиб ўтиш жоиз. Табиийки, ўзаро ҳамкорлик миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, жумладан, унинг экспорт салоҳиятини кескин оширишга ижобий таъсир қилиши шубҳасиз. Чунки, бир томондан, бизда бу ҳамжамият таркибидаги давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик борасида, шунингдек, экспорт бўйича катта тажриба тўпланган, иккинчидан эса, кўпгина кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Ўзбекистон бу мамлакатлар ичида олдинги ўринларда туради.

Мисол учун, «Российская газета» Россия федерациясида 2006 йил кишининг қаттиқ келиши натижасида кўпгина боғларни совуқ урганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, Россия ҳукумати кишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини асосан Марказий Осиё давлатларидан харид қилиш лозимлигини инобатга олиб, 2006 йилнинг 1 мартидан бошлаб ушбу ҳудудларда етиштирилладиган мева-сабзавотларни ташишга ихтисослашган вагон-рефрижераторларнинг тарифини 50 фоизга камайтирди. Мутахассисларнинг фикрича, бу тадбир Россия бозорларида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар экспортининг ҳажми 35-40 фоиз ошишига, нарх-навоининг эса 15-20 фоизга пасайишига хизмат қилади. Демак, бундай ҳамкорлик ҳар иккала давлат учун ҳам манфаатлидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга караганда, биргина Россиянинг ўлкамизда етиштирилладиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжи 15,0 млрд. доллардан ортиқроқдир. Шунинг ўзиёқ экспорт салоҳиятимизни қисқа вақт ичида кескинэ ошириш учун қулай вазият юзага келганлигини кўрсатмоқда.

Экспорт оламида муайян давлатларда у ёки бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда мутлақ ҳамда nisбий устунликка эгаллик тушунчалари нуктаи назардан ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистонга хос яна шундай устунлик борки, улар қуйидаги соҳаларда намоён бўлади.

Республикамизнинг энгил саноати шиддат билан ривожланиб, жаҳон бозорида янги-янги марраларни забт этмоқда. Мисол учун, 1995 йилда Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар импорти таркибида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг салмоғи 0,35 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 9 фоиздан ошди.

1995 йилдан буён тармоққа 900,0 млн. долларлик инвестиция киритилиши бу тизимдаги корхоналарнинг асосий фондларини қисқа вақт ичида янгилаш ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тегишли шароит яратди. Натижада экспорт миқдори 8 баробар ошиб, унинг ҳажми 33,9 млн. доллардан (1995) 239,4 млн. долларга (2005) етди. Агар 1995 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 12 фоизи қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, энгил саноат тармоғида 2004-2005 йилларда чет эл инвесторлари иштирокида 29 та қўшма корхона ишга туширилгани ҳам яқин истиқболда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада оширишга пухта замин яратди.

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тармоғининг бугунги кундаги салоҳияти ва соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳам экспорт борасида ғоят катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Юртимизда ўтган йили 4,0 млн. тоннага яқин пахта хомашёси, 7,0 млн. тоннага яқин мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди. Мазкур маҳсулотларни янада кўпроқ четга сотиш - қисқа вақт ичида экспорт ҳажмини кескин ошириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинаётганда унинг товар кўринишига, тараси ва дизайнига жиддий

эътибор қаратиш зарур. Чунки улар, бир томондан, маҳсулотимизга бўлган талабни кўпайтиришга, иккинчи томондан, айнан шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи бошқа давлатлар билан рақобатлашувда катта роль ўйнайди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчи жисмоний ва юридик шахслар маҳсулотини ташқида транспорт воситалари билан таъминлаш ҳам экспорт ҳажмини оширишнинг таъсирчан воситасидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда етиштирилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилади. Агар 1999 йилда мазкур тизимда 1,8 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 15,2 млн. долларни ташкил этди, яъни экспорт ҳажми 8 баробар ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши, айниқса, мазкур тизимда янада самарали таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатдан кўзланган асосий мақсад боғлар ва узумзорларни ҳақиқий эгаларига бериш, халқаро миқёсда Ўзбекистон боғдорчилигининг мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда саховатли заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш, уларни қайта ишлаш орқали экспорт таркибини турли консервалар, қурук мевалар ва узумчилик маҳсулотлари билан бойитишдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги кунда экспорт борасидаги энг муҳим вазифа эса амалдаги маъмурий, божхона, банк процедураларини чуқур таҳлил қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатта бардошли маҳсулотларни экспорт қилиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортта маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёз ва қулайликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги кескин халқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортни кредитлаш ҳамда суғурталаш механизмларини жорий этиш масаласини ҳал этишдан иборат.

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимизнинг кун сайин юксалиб бораётган экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодий тизимнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий майдонда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритиш учун тегишли шарт-шароит ва моддий асос яратади.

6.8. Бозор иқтисодиётига асосланган шароитда инсон ижтимоий қиёфаси

Мафкуравий жараён самарадорлигини янада оширмоқ учун, унинг ҳар бир ташилотчиси, ҳар бир тарғиботчиси ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига кўрсатаётган таъсири тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи зарур.

Энг, аввало, шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги замон цивилизацияси инсоннинг инсондек яшаши, ишлаши учун турли қулайликлар яратди. Ўз навбатида, ушбу мўъжиза инсон ижтимоий қиёфасига, айниқса ундаги мустақиллик туйғулари шаклланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатаётганлигини илғай олмаслик нодонлик бўлур эди. Инсон онги ва фаолиятида, кундалик турмуш тарзида вужудга келган турли ижтимоий иллатлардан тезроқ кутулмоқ учун жаҳон цивилизацияси яратган барча қулайликлардан мохирлик билан фойдаланишни ўрганиш зарур. Ўз навбатида, ҳозирги замон цивилизациясининг салбий оқбатларини кўра билиш, уни бартараф этиш йўлларини ҳам излашимиз даркор. Бунинг учун эса ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятларини зукколик билан илғаб олиш лозим.

Ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг ўзига хос энг муҳим хусусияти фан ва техника ютуқлари инсон турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётганлиги билан ўтмишдан ажралиб туради. Фан ва техника ютуқларининг инсон турмуш тарзига кириб келиши, кишиларнинг фан ва техникага бўлган эътиқодини орттириб юборди. Худди шу ҳолат бир томондан одамларнинг яшаши, ишлаши учун қулайликларни яратган бўлса, иккинчи томондан, инсоннинг мустақил шахс бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни заифлаштириб юборди.

Илмий-техника тараққиёти таъсирида инсон турмуш тарзи минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятларга дарз кетди. Миллий қадриятларнинг емирила бориши, Француз социология мактабининг асосчиси, ижтимоий онг муаммоларининг зукко тадқиқотчиси Эмиль Дюркгейм айтганидек, ҳам капиталист-тик, ҳам социалистик Жамият аъзоларини «аномия»га гирифтор этди. Жамиятни ҳаракатга келтириб турувчи қон томирлардан бенасиб килиб қўйди. Оқибатда ахлоқий қондалар, ҳуқуқий нормалар кундан-кунга емирилиб бораверди. Меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат кўтарилди. Одамлар бир-бирига адоват билан қарай бошладилар. Дўсту биродарлик, хайрихоҳлик, олийжаноблик туйғулари ўрнини худбинлик эгаллай бошлади. Қонунни назар-писанд қилмайдиган кишилар сони узлуксиз кўпая бошлади. Бундай номаъқулчиликлар, табиийки, инсон онгидаги муқаддас қондаларни сўндираёттир. Ижтимоий онгдаги бундай тубанлашишни ҳозирги замон психоаналитиклари онгнинг фрустрацияси деб баҳолаёттирлар.

Инсоннинг руҳий ҳолати билан кундалик амалий фаолияти орасидаги алоқадорлик механизмини ҳар томонлама ўрганган, австриялик олим Конрад

Лоренц таъкидлаганидек, ижтимоий онгдаги фрустрация одамларнинг амалий фаолиятида тушқунлик, нажотсизлик, лоқайдлик, агрессивликда яққол намоён бўлади. Оқибатда одамлар онги ва фаолиятида маданий-маънавий таназзул бошланади. Маданий-маънавий ўпирилишнинг бошланиши билан худоба ҳам, бандога ҳам, давлатга ҳам, ҳатто ўзига ҳам ишонмайдиган, мустақил фаолият кўрсатиш малакаларидан бенасиб бўлиб қолган, фақат топшириқни бажарадиган одамсимон одамчалар сони кўпайиб кетди. Эътиқодсизлик, иймонсизлик, авжига чиқа бошлади. Инқирозга юз тутган, чўкиб-емирилиб бораётган кишини бундай ижтимоий деградациядан, маънавий автаркиядан фақат мустаҳкам ғоявий-ахлоқий гуманистик эътиқод кутқаради. Худди шунинг учун ҳам маъмурий-буйруқбозлик туфайли турли ижтимоий деградация, маънавий автаркияга гирифтор бўлган эски мустабид тузумдан бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти томон бораётган Ўзбекистон шароитида одамларни ягона ғоявий-ахлоқий маслак, замонлар ва заминлар, миллатлар ва элатлар синовидан ўтган, аждодларни авлодларга боғловчи прогрессив миллий кадриятлар атрофида бирлаштирувчи ягона умуммиллий ғояга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Илмий-техника тараққиёти ахлоқий ўлчовлар, стандартлар, эталон ва шаблонларга ҳам жиддий тузатишлар киритди. Натижада одамларнинг орзу-умидлари, истак-хоҳишлари, эҳтиёж ва манфаатлари тез-тез ўзгариб бораверди. Бундай ҳолат машҳур америкалик олим Эльвин Тоффлер таъкидлаганидек, одамлар ўртасидаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Инсоннинг инсоний муносабатларига дарз кетди. Аста-секин кишиларнинг реал воқелик ҳақидаги тасаввурларига фикрлаш маданиятига путур етди. Бундай муносабатлар таъсирида шакланган инсон боласида тайёрга айёрлик, ҳеч нарса тўғрисида кайғурмаслик, бошқалардан кўпроқ юлиш, уларга озрок бериш кайфиятлари ҳосил бўлди. Турли фантазиялар ўйлаб топиш, фикр-мулоҳаза юритиш, бир сўз билан айтганда ақл-заковат қуввати пасайиб кетди. Уларнинг юриш-туришлари, хулқ-атворлари, машҳур немис олими Герберт Маркузе айтганидек, бир қолипга, бир андозага кира бошлади. Аниқроқ қилиб айтганда, кишиларда стандартлашган характер, хулқ-атвор, хатти-ҳаракат вужудга келди. Оқибатда ҳар бир кишининг ўзига хос хусусиятлари емирилди. Шахс ўзининг мустақаллигини йўқота бошлади.

Деперсонификация — инсондаги инсонийликнинг емирилиши, унинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини йўқола боришидир. Бошқача айтганимизда инсон шахсининг йўқола боришидир. Инсондаги ўзига хос шахсий хислатлар, ҳосиятларнинг емирила бориши билан унда худбинлик аломатлари ошиб боради. Худбинликнинг ошиб бориши инсоннинг оила, жамоа, жамият олдидаги масъулиятини сундириб юборади. Натижада инсон «нарсалар олами»га ғарк бўлиб бораверади. Молпараст, нарсалараст кишилар сонининг кўпайиб бориши бутун бошли жамият ижтимоий институтларини «корпоратив руҳ»га бўйсундиради. Жамиятда «корпоратив руҳ»нинг ҳукмрон бўлиши фуқаролардаги, бошқалар ҳақида кайғуриш, бошқаларга яхшилик қилиш кайфиятларини синдиради. Натижада бундай кишилардан

бошқа бировларга ҳамдардлик, ҳамкорлик, ёрдам қўлини чўзиш каби туйғулар бегоналашади.

Тарихдан бизга яхши маълумки, Ўзбекистон халқларининг кўпчилиги ўтроқ яшаши билан жаҳоннинг бошқа халқларидан ажралиб туради. Аҳолининг аксарият қисми ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам қишлоқларда, шаҳарларда бир қаватли уйларда, алоҳида ҳовлиларда истиқомат қилишади. Бундай шароитда яшаган кишилар, ҳар бир қўшни хонадонда камол топган инсоннинг нафақат ўзини, нафақат унинг ота-онасини, балки бутун аждоди ва авлодининг шажарасини, насл-насабининг кимлигини, уларнинг инсоний хислатлари, фазилатларини яхши билишади. Бундай ҳолат ҳар бир оиланинг ўзига хос инсоний кадриятларини умумлаштириш, ғайрининсоний одатлари, қилиқларини эса тугатиш учун реал имкониятларни вужудга келтиради. Кузатишлар шундан далолат берадики, худди ўша турмуш тарзидаги ўтроқлик, бошқача айтганимизда, маҳалла, гузар муҳити инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида ҳар бир оила учун бирининг иккинчиси устидан назорат қилишдек ишончли механизми яратилган эди. Бошқача айтганимизда, Ўзбек қишлоқларида, шаҳарларида яшаган ҳар бир киши, бундан 30—40 йил аввал маҳалланинг, гузарнинг узлуқсиз назорати остида бўлар эди. Инсоннинг кундалик амалий фаолияти устидан ўрнатилган ижтимоий назорат ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос расм-русумлари, урф-одатлари, байраму сайиллари, турли маросимларига асосланарди. Худди шу анъаналар урбанизация жараёни туфайли озор топди. Чинакам инсоний қондаларга уруғ-аймоқчилик, қавм-қариндошлик анъаналари ҳам қадрсизлана бошлади. Қадимий шарқона-ўзбекона турмуш тарзига урбанизация ўз таъсирини ўтказа бошлади. Урбанизация жараёнининг кучайиб бориши билан шарқона ижтимоий назорат механизмига дарз кетди. Оқибатда ота-боболаримиз турмуш тарзига мос ишлаш, яшаш норма ва принциплари емирила бошлади.

Ҳозирги замон цивилизациясининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири одамлар турмуш тарзига бозор муносабатларининг кириб бориши билан ажралиб туради. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг бозор муносабатлари доирасига кириб кетиши кишилар хулқ-атворида, хатти-ҳаракатларидаги мустақиллик туйғуларини камайтириб юборди. Бошқача айтганимизда, бозор муносабатларининг ривожланиб бориш билан депрессонификация жараёни ҳам ўсиб бораверди. Бундай ҳолатни бозор муносабатларига асосланган янги жамият сари жадаллик билан одимлаб бораётган Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган янги жамият қурилиши бошланиши билан тадбиркорлик, ишбилармонлик ниқобига бурканиб олган, халқ, миллат, давлат манфаатини бир чеккага суриб қўйиб фақат ўз манфаати йўлида, ҳарому ҳариш, алдамчилик ва товламачилик билан молу-дунё тўплашга ҳирс қўйган баъзи уддабуронлар ҳамма нарсени, ҳатто инсон шахсининг кадр-қимматини ҳам бозор қаричи билан ўлчай бошладилар. Ўша уддабуронлар ва уларнинг устоз «назарийгчилари» бозор иқтисодига ўтиш шароитида инсон шахсида вужудга келган депрессонификацияни бозор

муносабатларининг ўзи бартараф этади, деб башорат қила бошладилар. Бизнинг фикримизча, бозор муносабатлари ҳеч қачон инсон шахсида ҳосил бўлган деперсонификацияни бартараф эта олмайди. Чунки, иқтисодий манфаатлар ҳар қанча жозибали бўлмасин, бундан қатъий назар мустақил шахсни қарор топтириш имкониятига эга эмас. Бозор муносабатлари ҳеч қачон фуқароларни миллий ва умуминсоний қадриятлар атрофида бирлаштира олмайди. Ҳатто капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида ҳам бозор муносабатлари инсон шахсига мустақиллик туйғуларини мустақамлай олмаслиги, одамларни маънавий-ахлоқий инқироздан сақлаб қола олмаслиги ҳаммага аён. Худди шунинг учун ҳам, жаҳон цивилизацияси таъсирида инсон шахсидаги сўниб кетиш арафасида бўлган мустақиллик туйғуларини тикламоқ учун миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлигига асосланган қудратли миллий мафқурани концепциясини яратишга бўлган эҳтиёж юзага келди.

Ўзбекистонда барпо этилаётган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятнинг иқтисодий асосини ташкил этган бозор муносабатлари шарқона ахлоқ-одоб, инсоф ва диёнатга асосланганлиги билан Европа бозор иқтисодиётидан тубдан фарқ қилмоғи лозим. Чунки қадим-қадимдан шарқ бозорлари расталаридаги маҳсулотларга кўз олайтириш, харидор ҳақиқа хиёнат қилиш, тарозидан уриш гуноҳи азим ҳисобланган. Бозор дуконларида темир панжаралар бўлмаган, отнинг калласидек қулфлар илинмаган, эшигига итлар борланмаган. Афсуски, баъзан бозор иқтисодиётини ҳозирги шароитида шарқона бозор расм-русумларидан чекиниш ҳолатлари содир бўлаёттир. Тарозидан уриш, олувчининг ҳаққига хиёнат қилиш, ёлғон сўзлаш, алдамчилик ҳолатлари учраб туради.

Хуллас, инсон жаҳон цивилизацияси, хусусан фан ва техника ютуқлари бозор муносабатларининг ривожланиб бориши юзга келтириши мумкин бўлган ижтимоий оқабатларни тўла тасаввур қилмасдан туриб, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш малакатларига эга була олмайди. Худди ана шу хавф-хатарни пайқаш инсоният учун янги давр, янги замон бошланаётганлигидан, жаҳон цивилизациясида буюк бурилиш вужудга келаётганлигидан, ўз навбатида, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган инсонпарвар, баркамол инсон шахси тарих саҳнасига кириб келаётганидан далолат беради

Асосий таянч тушунчалар

Бозор иқтисодиёти – ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар ёки иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Босқичма – босқич ўтиш – жамият тараққиётининг, яъни унинг бир сифат ҳолатига ўтишининг асосий турларидан бири.

Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизи - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Стратегия - бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.

Давлат бош ислохотчи - бу тамойил замирида давлатнинг иқтисодий таркибан ўзгартириш режаларини тузиб уни изчиллик билан амалга ошириш лозимлиги ётади.

Иқтисодий эркинлаштириш - давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдир.

Иқтисодий сийсатдан устуворлиги – Ўзбекистон Республикасида давлат қурилишини ва иқтисодий ислох қилиш ва бозор муносабатларига ўтишдаги муҳим тамойиллардан бири бўлиб, унда иқтисодий сийсатдан халос этилганлиги, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувининг ҳамда давлат назоратининг камайиб бориши назарда тутилган.

Кучли ижтимоий сийсат – иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати.

Мулқдорлар синфи – бирон – бир турдаги мулкка (кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхона, дўкон ва шу кабилар) нисбатан тўлиқ ёки қимматбаҳо қозғалар (акция, пай, сертификат ва ҳақозо) орқали соҳиблик ҳуқуқини амалга ошираётган кишилардир.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини чеклашни ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш мақсадларида давлатнинг фаолият соҳасининг торайиши.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Бозор иқтисодийнинг ижобий ва салбий жиҳатлари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодий нима?
3. Бозор иқтисодийга ўтишнинг “Ўзбек модели” нима ва у қандай шарт-шароит ва омилларга асосланган?
4. Бозор иқтисодийга ўтиш тамойиллари, унинг моҳияти турлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Давлатнинг бош ислохотчилиги тамойили унинг қайси жиҳатларида кўринади?
6. Бозор иқтисодийга ўтишнинг эволюцион йўли қандай йўл ва ўзига хос хусусиятлари нима?
7. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришнинг моҳияти нима?
8. Мулкдорлар синфини шакллантириш ҳақида гапиринг?
9. Иқтисодий соҳани эркинлаштириш деганда нимани тушунаси?
10. Иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ҳақида гапиринг.

Мустақил иш мавзулари

1. Миллий истиқлол қояси ва иқтисодий тафаккур.
2. Фуқаролик жамияти ва «бозор демократияси».
3. Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш — бош устувор йўналиш.
4. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий тамойиллари.
5. Мулкдорлар синфини шакллантириш — фуқаролик жамияти тақозоси.
6. Хусусий мулк ва фуқаролик жамияти.
7. Маъмурий ислохотлар ва фуқаролик жамиятининг иқтисодий тараққиёти.
8. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви: ваколатларни чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш.
9. Глобаллашув ва Ўзбекистон иқтисодиёти.
10. Ўзбекистон Республикасига инвестицияларнинг жалб қилиниши ва унда хорижий корхоналарнинг роли.
11. Интеграция ва глобаллашув жараёнлари: муаммо ва ечимлар.
12. Эркин бозор иқтисодиёти белтилари.

Тест топшириқлари

1. Мафкура нима?

- а) турли ғоялар йиғиндиси;
- б) ақида;
- в) сиёсат;
- д) ғоя;
- е) ҳукмрон сиёсат.

2. Қандай мафкурага давлат мафкураси мақоми берилади?

- а) жамиятда нуфузли бўлган партиянинг ҳаракат дастурида илгари сурилган ғоялар мажмуига;
- б) ҳеч қандай мафкурага давлат мақоми берилмайди;
- в) демократик жамият куриш тамойиллари акс эттирилган мафкурага;
- д) онгли мақсадларни кўзлаган миллий мафкурага давлат мақоми берилади;
- е) тўғри жавоб берилмаган.

3. Миллий истиқлол мафкураси нимага асосланади?

- а) турли ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий партиялар мафкурасига;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний кадриятлар, демократик тамойилларга;

- c) фуқароларнинг бунёдкорлик фаолиятини шакллантиришга;
- d) давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида бизга мададкор рухий-маънавий кучга;
- e) барча жавоблар тўғри.

4. Миллий истиқлол мафқурасининг бунёдкорлик функцияларидан бири.....

- a) илғор ғояларни амалга ошириш учун кишиларни сафарбар этишдир;
- b) миллатлараро тотувликни таъминлашдир;
- c) турли сиёсий партияларнинг мафқураларини тарғибот этишдир;
- d) миллатни ватанпарвар қилиб тарбиялашдир;
- e) сиёсий тасаввурни шакллантиришдир.

5. «Миллий мафқура - миллатни бирлаштирувчи байроқдир», деган фикр кимга тегишли?

- a) И.А.Каримов;
- b) Ф.Хўжаев;
- c) М.Бехбудий;
- d) А.Фитрат;
- e) А.Иқромов.

6. Миллий истиқлол ғояси иқтисодий тафаккур ривожига қайси йўллар билан таъсир қилади?

- a) миллий истиқлол ғояси иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг истиқболларига аниқ йўналиш беради;
- b) миллий ғоя иқтисодий фаровонлик сари интилувчи барча кучларни ягона мақсад сари жалб этади;
- c) иқтисодий онг - тушунчани ўзгартириш, меҳнатга ва мулкка ижобий муносабатни шакллантириш;
- d) фаровон ҳаёт ҳақидаги фикрларни инсон онгига ва қалбига сингдиради, буюк мақсадларни амалга оширишнинг реаллигини кўрсатиб беради.
- e) миллий истиқлол ғояси ва иқтисодий тафаккурнинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг амал қилиш дорасини тўғри белгилаш ва ҳ.к.

7. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти иқтисодий асосларини шакллантиришда қандай ижтимоий муҳофаза қилишнинг узлуксиз омиллари белгилаб берилган?

- a) кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати истиқлол ва Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлига ишончни мустаҳкамлайди, бу ишонч аниқ моддий замин асосида ҳосил бўлади;
- b) кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратди;

- c) кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати фуқароларнинг мамлакатимизда ислохотларнинг изчил кечишидан манфаатдорлиги ошиб боришини таъминлайди;
- d) кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати жамиятда янги фикрлаш асосларини яратишга кўмаклашади;
- e) а, б, с жавоблар тўғри.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги Конституциявий-ҳуқуқий қондалар мазмуни билан миллий истиқлол мафқураси гоъларининг уйғушлигини аниқланг?

- a) халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш;
- b) ижтимоий адолат мезонларини қарор топтириш; демократик тузум барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини устувор таъминлаш;
- c) миллий кадриятларимиз ва маданиятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- d) шахснинг эркин ривожланиши ва маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашдан иборат;
- e) а, б, с ва d жавоблар тўғри.

9. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асос-белгиси нимадан иборат?

- a) бозор иқтисодиёти демократияси, эркин бозор жараёнларида хусусий мулкнинг турли шакллари фаол иштирок этиши;
- b) моддий ва маънавий неъматлар истеъмолчисининг эҳтиёжини қондириши;
- c) мустакил харидорбоп товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- d) ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни барқарорлаштириш;
- e) хусусийлаштириш, эркин бозор муносабатларини шакллантириш ва ҳ.к.

10. Фуқаролик жамиятида мулкчиликнинг асосий шакллари қайсилари?

- a) хусусий мулк шакллари-якка тартибдаги мулк, ширкат хусусий мулк, оилавий мулк, маҳалла мулки, ширкат мулки, ижара мулки;
- b) жамоа мулки-хиссадорлик мулки, жамоа корхоналари мулки, концернлар мулки, ижтимоий ва диний ташкилотлар мулки;
- c) давлат мулки-республика ихтиёридаги мулк, Қорақалпоғистон Республикаси мулки, маъмурий-ҳудудий (коммунал) мулк;
- d) аралаш мулк-чет эл фуқаролари, ташкилотлар мулки, кўшма корхоналар мулки;
- e) а, б, с ва d жавоблар тўғри.

11. Утилитаризм ва либертаризм иқтисодий-сиёсатининг асосий мақсади нима?

- a) утилитаризм иқтисодий сиёсатининг мақсади-жамият аъзоларининг ўртача самарали бўлишини максимал таъминлашдан иборатдир;
- b) утилитаризм талабига кўра, давлат жамиятининг ҳар бир фуқароси турмуш фаровонлигини максимал оширишга эътиборни қаратиши лозим;
- c) либертарианизм иқтисодий сиёсатнинг мақсади-инсон ўртасида имкониятлар тенглигини таъминлаш, бозор тенглиги ва дискриминацияни олдини олишдир;
- d) либертарианизм қуйидаги тамойилга асосланади: жиноятчиларни жазолаш ва кўнгилли шартномаларни амалга ошириш учун давлат тегишли шарт-шароитлар яратиб бериши шарт. Аммо зинҳор даромадларни қайта тақсимлаш билан давлат шугулланмаслиги лозим;
- e) a, b, c ва d жавоблар тўғри.

12. Ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи иқтисодий эркинлик ўзида қандай тамойил ва элементларни акс эттиради?

- a) истеъмол эркинлиги: истеъмолчилар ўзлари истаган товарни ёки хизмат турларини танлаши ва олиши мумкин;
- b) ишлаб чиқариш ва савдо эркинлиги: корхона истеъмолчилар хоҳлаган товар ҳамда хизматларни ишлаб чиқариши мумкин;
- c) иш ўрнини эркин танлаш;
- d) хусусий мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш эркинлиги;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

13. Демократия тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятида амалга ошадиган иқтисодий ҳуқуқлар ўзида нималарни қамраб олади?

- a) хусусий ва жамоа тарзида мулкка эга бўлиш, ундан фойдаланиш ҳамда тақсимлаш, эркин рақобат шароитида қонун ман қилмаган ҳар қандай фаолият билан шугулланиш, тенг меҳнати учун тенг даромад олиш ҳуқуқи;
- b) хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси, ишда рўй берган фалокат, касаллик, меҳнатга лаёқатини йўқотганлик, ишсизлик туфайли ёрдам олиш ҳуқуқи;
- c) корхона ва компания бошқарувида ишчиларнинг иштирок этиш, олинган фойдани адолат асосида тақсимлаш жараёнига қатнашиш ҳуқуқи;
- d) одамларнинг иқтисодий ёхуд малакавий фаолиятига алоқадор касоба уюшмалари, тадбиркорлик уюшмалари, истеъмолчилар жамияти ва бошқа ташкилотлар тузиш ҳуқуқи;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

14. Бозор фундаментализми нима?

- a) бозордаги индивидуал иштирокчиларнинг муаммоларини акс эттиради;
- b) бозордаги «ички» ахборотдан хабардор кишилар, яъни «инсайдерлар»га савдо-сотик билан шуғулланишни тақиқловчи тартиб-қоидаларни белгилаш;
- c) юксак ракобат шароитларида бошқа кишилар билан муносабатга киришиш масаласи билан овора одамлар ахлоқий мезонлар билан ҳисоблашмайдиганларга нисбатан кам даромад кўради ва принципи бўлмаган одамларнинг кўли ракобатда устун келиши;
- d) бозор фундаментализми демократик сиёсий жараёнларни бузади ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг такомиллашиб боришини тўхтади;
- e) c ва d жавоблар тўғри.

15. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни фуқарога қандай ҳуқуқни амалга оширишга имконият беради?

- a) мулкни текинга олиш ҳуқуқини;
- b) мулкни сотиб олиш ҳуқуқини;
- c) ҳар бир фуқарога ўзининг мулкига эга бўлиш ҳуқуқини;
- d) табиий ҳуқуқни амалга ошириш учун имконият яратиб бериш ҳуқуқини;
- e) c ва d жавоблар тўғри.

16. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий кафолати қайси қонунларда аксини топган?

- a) фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Божхона кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси;
- b) «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги;
- c) «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришни чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рабатлантириш борасидаги қўшимча сора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида»;

- d) «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва ҳ.к.
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

17. «Ўзбек модели» неча тямойил қондасига асосланади?

- a) иқтисодиётнинг устуворлигини таъминлаш;
 b) давлат бош ислохотчи бўлиш;
 c) қонулар ва уларга риоя этишнинг устуворлигига эришиш;
 d) фаол ижтимоий сиёсат юргизиш;
 e) бозор иқтисодиётга аста-секин, ижтимоий ларзаларсиз ва босқичма-босқич ўтиш.

18. Замонавий меҳнат бозориди иштирок эгувчи субъектлар неча?

- a) давлат, иш берувчилар (мулк эгалари) ва ёлланма ишчилар;
 b) иш берувчилар, ёлланма ишчиларнинг вакиллари, иш берувчилар палатаси, касаба уюшмалари;
 c) истеъмолчилар, ишчилар, рақобатчилар;
 d) чет эллик инвесторлар, мулк эгалари, меҳнат ресурслари;
 e) рақобатчилар, иқтисодий ресурслар, истеъмолчилар.

19. Интеграциялашув тушунчаси нимани англатади?

- a) хўжалик алоқаларининг байгизланилашуви;
 b) халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
 c) умумжаҳон фан-техника революцияси;
 d) миллий иқтисодиёт очиклигининг кучайиши;
 e) мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларининг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги тақсимот асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёни.

20. Глобализация тушунчаси нимани билдиради?

- a) бу халқаро сиёсат бўлиб, иқтисодий ресурслар, яратилган товар ва хизматларни дунё мамлакатлари ўртасида тақсимлаб, улардан самарали фойдаланишни мақсад қилиб қўяди;
 b) глобал иқтисодий сиёсатда четга капитални инвестиция сифатида чиқариб, уни керакли серфойда соҳаларга жойлаштириш учун ўзаро келишилган солиқ, банк фоизлари, бож тўловлари, кредит квоталари каби воситалар ишлатилади;

- с) глобал иқтисодий сиёсатни трансмиллий, яъни миллатлараро корпорациялар, халқаро ташкилотлар, етакчи давлатлар ҳукумати, давлатлараро ҳукумат ва парламент белгилайди;
- д) глобал иқтисодий сиёсат давлатлараро меҳнат миграциясига ҳам тааллуқли бўлади;
- е) а, b, с, d жавоблар тўғри.

21. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ижтимоий қиёфасига хос хусусиятлар нимада?

- а) инсонийлик, биродарлик, хайрихоҳлик, олижаноблик туйғу-лари;
- б) инсоннинг мустақил шахс бўлиб шаклланиши;
- с) ҳамдардлик, ҳамкорлик, виждонлилик, ёрдам қўлини чўзиш;
- д) меҳр-мурувват, саховат, тadbиркорлик, ишбилармонлик, баркамоллик ва ҳ.к.
- е) а, b, с, d жавоблар тўғри.

Интеллектуал тренинг

1. Миллий истиқлол мафқурасининг мазмун-моҳияти нимадан иборатлигини таъкидланг.

№	Миллий мафқуранинг асл мазмун-моҳияти
1	2

2. Миллий истиқлол ғоясининг иқтисодий тафаккурга таъсирини ифодаланг.

№	Миллий истиқлол ғояси	Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланиши
1	2	3

3. Иқтисодий тафаккур нима?

№	Иқтисодий тафаккурнинг хусусиятлари
1	2

4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини иқтисодий асосларини яратишда кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатининг ўрнини изоҳланг.

№	Ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга оширишнинг стратегик йўналишлари	Иқтисодий ислохотларнинг муҳим тамойиллари

5. Фуқаролик жамиятининг уч асосий белгисини қайд этинг.

А. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий –асос белгисини таъкидланг.

№	Эркин хусусий мулк	Эркин мулкдор ва тадбиркор	Эркин рақобат
1	2	3	4

6. Эркин бозор иқтисодиёти асосий белгиларини изоҳланг.

№	Эркин бозор иқтисодиётининг туб белгилари	Бозор иқтисодиётда қатнашуви томонларни имкониятлари тенглиги
1	2	3

7. Бозор иқтисодиётининг қонуя-қондаларини таъкидланг.

№	Бозорнинг зарурлиги	Бозор инфра-тузилмаси	Бозорнинг функциялари	Бозорнинг таркибий тузилиши
1	2	3	4	5

8. Хусусийлаштириш асосида қандай икки асосий вазифа ҳал этилишини таъкидланг.

№	Биринчи асосий вазифа	Иккинчи асосий вазифа
1	2	3

9. Хусусий мулк эгасининг тадбиркорлик фаолиятлари бир вақтнинг ўзида иккита муҳим вазифани бажаришини қайд этинг.

№	Биринчи муҳим вазифа	Иккинчи муҳим вазифа
1	2	3

10. Тадбиркорлик ва унинг шакллари ни изоҳланг.

№	Тадбиркорлик фаолияти	Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари
1	2	3

11. «Ўзбек модели» ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш очик фуқаролик жамияти шакллари нишнинг муҳим омилли эканлигини ёзма қайд этинг.

№	Фуқаролик жамиятига хос ўзини-ўзи бошқарадиган иқтисодиёт тизими	Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш	Глобаллашува жараёни	Фуқаролик жамияти ривож
1	2	3	4	5

12. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда меҳнат бозорини шакллантириш ва тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини изоҳланг:

№	Меҳнат ресурслари	Меҳнат бозори	Меҳнатга талаб ва меҳнат таклифи	Бандлик	Ишсизлик ва унинг шакллари
1	2	3	4	5	6

13. Интеграциялашув ва глобаллашувни қандай тушунасиз?

№	Интеграциялашув	Глобаллашув
1	2	3

14. Иқтисодий ва ижтимоий сиёсат мақсадларини мувозиёлаштириш билан bogлиқ қандай ижтимоий муаммолар фуқаролик жамияти ривожда ўз таъсирини кўрсатишини батафсил тушунтириб беринг.

№	Макро иқтисодий сиёсат	Постиндустриал ва ижтимоий йўналтирилган бозор талабларига тўлиқ ўтиш иқтисодий-сиёсий стратегияси	Корпоратив ижтимоий масъуллик	Ижтимоий уюшганлик назарияси
1	2	3	4	5

15. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини босқичлари ва хусусиятларини ёзма равишда қайд этинг.

№	Ҳуқуқий асослар	Босқичлар	Узига ҳос хусусиятлар
1	2	3	4

16. «Ўзбек модели»нинг беш тамойилини ёзинг.

№	Тамойиллар
1	
2	
3	
4	
5	
6	
7	
8	

17. Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти қуришнинг миллий, тарихий, маънавий-ахлоқий асос-манбаларини қайд этинг.

№	Тамойиллар
1	2

VII боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

7.1. Фуқаролик жамиятида шахснинг сиёсий субъект сифатида шаклланиши

Жамият ва шахс муносабатлари яхши ва ёмонлиги сиёсатнинг адолатли, инсонпарвар даражасига боғлиқдир. Шахс фуқаролик жамиятида, ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатади. У жамият аъзолари билан ўзаро алоқада бўлиш эвазига маънавий-интеллектуал савияси шаклланади. Шахс сифатида моддий ва маънавий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришда, ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқаришда фаол қатнашадиган субъект тарикасида намоён бўлади. Шу маънода шахс нафақат ижтимоий, балки сиёсий моҳият ҳам касб этади.

Ҳар бир индивид ижтимоий ҳаётда озод, эркин яшашга интилар экан, жамият, давлат, халқ, миллат, Ватан олдидаги бурчларини ҳис этиши лозим. Бурчни ҳис этиш, биринчидан, ҳар бир киши ўзининг қундалик амалий фаолияти устидан доимой назорат қилиб бориши; иккинчидан, жамият, давлат равнақи ва халқ фаровонлиги учун фидойи бўлиши лозим.

Моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш учун меҳнат қилувчи инсон нафақат жисмонан соғлом, балки маънавий-сиёсий жиҳатдан ҳам етук бўлиши зарур. Чунки ҳар бир шахс сиёсий ҳаётдан ташқари яшай олмайди. У муайян муҳитда ҳукм сураётган ижтимоий бошқарувдан, ҳокимият томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда яшashi ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, шахснинг фуқаролик жамияти сиёсий ҳаётида қатнашиши фаол ёки суст бўлиши мумкин. Бунинг объектив ва субъектив сабалари бор. Шундай шахслар ҳам учрайдики, улар фақат иқтисодий ҳаётини яхшилаш мақсадида фаоллик кўрсатиб, аммо жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини яхшилаш ишига бепарволик билан қарashi натижасида оммадан ажралиб қолади.

Фуқаролик жамиятида шахснинг сиёсий субъект сифатида намоён бўлиши биринчи навбатда, унинг сиёсий онги, дунёқарashi қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари ва иқтисодни эркинлаштириш шароитида, демократик ҳуқуқий давлат заминида эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида эски яққа маъмурий-буйруқбозлик мафқурасидан тамоман холи бўлган ва демократик тафаккурга асосланган мафкура асосида сиёсий онгни, дунёқарашни шакллантириш долзарб масалалардан бўлиб қолди.

Президентимиз И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» асарида таъкидлаб ўтганидек: «Миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, миллий ғоя ва

мафқурани шакллантириш ва уларни ҳар бир фуқаронинг ояғига сингдириб бориш истиқлол маънавиятининг асосини ташкил этади.¹

Мафқура, миллий ғоя умуминсоний кадриятлар билан уйғунлашиб боргандагина ижтимоий ҳаётда барқарорлик, ҳамжихатлик, тотувлик, биродарликка замин яратиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатиб келаётган ҳар бир шахсни умуминсоний кадриятларга асосланган истиқлол мафқураси, ҳурфикрлик руҳида тарбиялаш муҳим сиёсий-ижтимоий, маданий-ахлоқий аҳамият касб этади. Шундай экан, шахс қайси соҳа бўйича мутахассис бўлишидан қатъий назар, ижтимоий-сиёсий тузумнинг моҳияти, мазмуни ва тузилишини, тараққиёт қонуниятларини, зиддиятларини, ҳуллас, инсонни эъзозловчи истиқлол мафқураси тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади.

Бундай ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятга молик бўлган масалаларни ҳал этиш Президентнинг юқоридаги асарида уқтириб ўтилганидек, «Энг аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим».² Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир шахснинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишини тақозо этади. Чунки, шахс ҳуқуқий томондан конституционал йўл билан ҳимоя қилинмаган бўлса, унда у барча интеллектуал-жисмоний қобилиятларини рўёбга чиқара ололмайди ва натижада жамиятнинг ривожланишига ижобий ҳисса қўшиши чекланиб қолади.

Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётганлиги шахснинг ҳар томонлама камол топиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилишига замин ҳозирламоқда. Чунки адолатли фуқаролик жамиятининг моҳияти ва мазмуни бевосита шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш тизимини яратиш орқали унинг сиёсий фаоллиги такомиллашиб камол топиб боради. Лекин бундай сиёсий жараённинг нормал қолатда боришига эски тоталитар тузум дунёқарашининг қолдиқлари салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Президент И.А.Каримов бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун мувозанат механизмини ишлаб чиқиш кераклигини алоҳида қайд этдилар: «Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор мустаҳкам тараққиётини мукаммал қафолатлаган бўлар эдик».³

Агар сиёсат билан шуғулланувчи шахс маълум ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиб, кенг халқ оммасининг эҳтиёжларини қондиришни эътибордан четда қолдирса, ёки иккинчи даража қилиб қўйса, унда сиёсий бюрократияни келтириб чиқаришга замин ҳозирлаган бўлади.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 341-бет.

² Ўша жойда, 332-бет.

³ Ўша жойда, 332-333-бетлар.

Чунки бундай носоғлом шароитда сиёсий ҳокимият тепасида турган шахс кенг халқ оммасини таъйиқ остига олиб ўзларига қарашли бўлган ижтимоий қатламни моддий ва маънавий томондан имтиёзлар билан таъминлаш учун барча имкониятларни сафарбар этадилар.

Халқ оммасининг манфаатини ҳимоя қилмаслик, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олмаслик ижтимоий ҳаётни демократик принциплар асосида бошқаришни барбод қилиш демакдир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда инқироз рўй бермаслик учун биринчи навбатда, халқнинг моддий ва маънавий ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, инсон сифатида ҳурмат қилиш, эъзозлаш, ҳуқуқларини поймол қилишга йўл қўймаслик учун барча воситаларни сафарбар этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришгандан кейин Президент И.А.Қаримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида шундай деб таъкидлаган эди: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли» тўрғта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик.¹

Шу кунларда мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар натижасида шахс нафақат жисмоний ва маънавий жиҳатдан қамол топиб бормоқда, балки сиёсий онги, маданияти, дунёқараши ҳам демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти талабларига мос равишда шаклланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, шахснинг сиёсий субъект сифатида шаклланиб бориши учун ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётни барқарор динамик ривожланиб боришида фаоллик кўрсатиш учун замин яратди.

7.2. Фуқаролик жамияти сиёсий асосларини шакллантиришда демократик мезонлар ва сайлов маданияти

Президентимиз Ислам Қаримовнинг «...биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини кучайтирсак амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади»², деган фикрлари демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун амалий аҳамиятга моликдир.

Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, сабр-тоқат, вазминлик каби кадриятларга садокат билан фаолият олиб

¹ Қаримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 65-бет.

² Қаранг: М.Шарифхўжаев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиети. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2004, 255-бет.

борадиган давлат ҳокимияти демократик жараёнлар ривожланишининг иштирокчисига айланади ва айна пайтда ўз мавқеини маърифат тамойилига мос равишда мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Энди демократия ривожланиши масаласига қайтиб шуни алоқида таъкидлаш лозимки, у фақат халқнинг ҳокимиятни бошқарувдаги кенг қамровли иштироки бўлиши билан бир вақтда, фуқароларнинг қонунларга сўзсиз амал қилиши, керак бўлса, улар билан яшашини ҳам ўз ичига олади. Аммо, оддий фуқаролар қонунларга амал қилса-ю, уларнинг ижросини таъминлашга дахлдор бўлган амалдорлар унга амал қилмаса, демократия ўз аҳамиятини йўқотади ва қуруқ шиорлардан иборат бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам оддий фуқаро ва қонунлар ижросини таъминлаб боровчи амалдорнинг ҳам қонунларга амал қилиш тенглиги таъминланиши - демократия ривожи учун белгиловчи аҳамиятга моликдир. Керак бўлса, қонунларга амал қилишда уларнинг ижросини таъминловчи амалдор оддий фуқаро учун ўрнак бўлиши лозим бўлади. Чунки, қонунлар қайси мақсадда бўлишидан қатъий назар унинг ижросини таъминловчи томонидан бузилишини оддий фуқаро қабул қила олмайди. Адолат бузилади ва шу тариқа бу жараён демократия кадриятларига мутлоқ зид бўлиб қолаверади.

Демократия ривожланишидаги яна бир йўналиш сиёсий кучлар ўртасида ҳокимиятнинг қўлга киритишда бўладиган курашлар билан боғлиқдир. Агар сиёсий партиялар ўртасида ҳокимият учун бўладиган курашда зўравонликка мойиллик пайдо бўладиган бўлса, у қайси томондан бўлишидан қатъий назар, демократиянинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўртасида ҳокимият учун бўладиган курашдаги бош йўналиш қайси партия ўзининг фаолиятида умумий тараққиётга қандай хисса қўша олади ва оддий фуқаро турмуш ҳаётининг яхшилланишига қаратилган қандай аниқ дастурга эга, уни амалга ошириш имкониятларига эгаллиги мезон ҳисобланади. Албатта, бу имкониятни қўлга киритиш осон иш эмас. Бунинг учун жамият муаммоларини яхши биладиган, фуқаро қалбига йўл топа оладиган сиёсий партиягина бундай шарафли имкониятни қўлга киритиши мумкин.

Юқорида, демократия фуқароларнинг ҳокимиятдан тортиб олган ҳокимияти, - деган гояни илгари сурган эдик. Аммо, бу фуқаронинг ҳокимиятни барбод қилиб, унинг ўрнини ўзи «эгаллаши», - деган маънони англатмайди. Чунки, ҳокимият қонун устуворлиги асосида фуқароларнинг тенглиги, эркинлиги, ҳуқуқлари ва ҳавфсизлиги учун кафолат институти ҳисобланади. Демократиянинг реал амал қилишдаги асосий муаммо, ҳокимиятнинг қандай бўлмасин (гарчанд бу унинг моҳияти ва табиати билан боғлиқ бўлсада) ўзининг «хуқуқронлиги»дан воз кечмаслиги, турли баҳоналар билан жамият ва фуқаролар «ожиллов»ни ўз қўлида ушлаб туришга интилишида ва бунинг оқибатида фуқароларнинг «эркин» ҳаракат қилиш имкониятларининг чекланиши билан боғлиқдир. Бу чекланишларга қонунларда барҳам берилган бўлса ҳам, фуқаронинг ўз манфаатининг барча йўналишда эркин фаолият кўрсатиши қонунларда кафолатланган бўлса-да, амалда унга эришиш мурраккаб кечади.

Ана шу мураккабликдан келиб чиқадиган бўлсак, демократик жамият учун бугун халқаро миқёсда эътироф этилаётган юқоридаги мезонларга мувофиқ, фуқаро улардан қандай фойдаланиши лозим ёки унга ўз орзу-умидлари, эркинлиги ва жамиятда яйраб-яшнаб яшаши учун қанча демократия керак бўлади?

Бу меъёр Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган бўлса-да, аммо унинг реал амал қилиши билан қилмаслиги ўртасидаги муносабатлар фуқаро сиёсий-ҳуқуқий онги ва руҳиятида қониқмаслик ҳолатида ҳамоханг бўлиб келаверади. Ана шу «қониқмаслик» демократияни такомиллаштиришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Демократия нисбатан кенгрок адолатли фуқаролик жамиятида амал қилади. У мамлакатнинг фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида шаклланиб, ривожланиб келади ва такомиллашиб боради. Фуқаролик жамияти ўз номи ва мақоми билан фуқароларнинг бошқарувини ўзида акс эттиради. Шу маънода демократиянинг у ёки бу элементларига амал қиладиган жамият ҳали фуқаролик жамияти эмас, балки уни шакллантириш томон қўйиладиган қадам ҳисобланади. Уларни бирини иккинчисидан фарқлаб турадиган ва айни пайтда ўзаро боғлаб турадиган бир қатор мезонлар мавжуд. Ана шулар қаторида ҳуқуқ ва эркинлик омиллари асосий ўринни эгаллайди.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, фуқарога қанча демократия керак, деган савол фуқаролик жамияти олдидан турадиган масала эмас, балки унга шакллантириш томон олиб борувчи демократик жамият учун ҳосдир. Улар ўртасидаги фарқлар қуйидагилардан иборат:

-биринчидан, демократик жамият фуқаролик жамиятининг қуйи босқичи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унда демократик қадриятларнинг шаклланиш жараёни амалга ошади. Масалан, *қонун устуворлиги, сўз, фикрлар ва эътиқод эркинлиги ва бошқаларни шакллантириш* демократик жамиятни қуриш жараёнида амалга оширилади;

-иккинчидан, агар демократик жамиятда унга хос бўлган қадриятларни шакллантириш вазифаси турадиган бўлса, фуқаролик жамиятида уларнинг табиий ишлашини ташкил қилиб турувчи тизим шаклланади. Бунинг натижасида фуқаро билан ҳокимиятга нисбатан фуқаронинг маъқеи устуворлик даражасига кўтарилади. Бундай шароитда ҳокимият ҳокимият учун эмас, балки халқ учун тамойили қарор топади;

-учинчидан, фуқаролик жамиятида ҳокимиятга нисбатан фуқароларнинг маъқеи устуворлик даражасига кўтарилиши натижасида ҳокимиятга нисбатан фуқароларнинг жамиятда бўладиган ўзгаришлар, унинг тараққиёти билан боғлиқ бўлган барча жараёнларда фуқароларнинг маъсуллиги ҳам ошади. Чунки, унинг ҳокимият фаолияти устидаги назорати таъминланади. Шу маънода ҳам жамиятни бошқариш фуқаролар зиммасига ўтади, демократик жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминланганлигини белгиловчи мезон бўлса фуқаролик жамиятида фуқароларнинг жамиятни бошқарувида иштирок қилиши, эркин фаолият кўрсатиши ҳаётий жараён даражасига кўтарилади;

-тўртинчидан, фуқаролик жамияти демократик кадриятлар шаклланган жамият демократик ҳуқуқий давлат заминда юзага келади. Шунинг учун ҳам улар ўртасида уйғунлик мавжуд бўлади. Агар демократик жамиятда унга хос бўлган кадриятлар шакланса, фуқаролик жамиятида уларнинг табиий ишлаш жараёни амал қилади. Сайлов, номидан кўриниб турибдики, бир неча номзод ичидан танлаб олиш асосида ўтказиладиган тadbир ҳисобланади. Аммо, танловни халқ амалга оширмас экан, у ҳокимиятнинг ўз хоҳиш-иродасини халқ номи билан амалга оширишнинг энг қулай имкониятига айланиб қолаверади.

Сайлов бўлгани учун ҳам танлов имконияти бўлиши, бунинг учун эса битта эмас, бир неча номзоди кўрсатилиши сайловнинг асосий шarti ҳисобланади. Шунинг билан бирга сайловнинг ўтказилишида ҳокимиятнинг асосий вазифаси ўзи танлаб, ўзи уни ўтказиши эмас, балки унинг халқ томонидан улар аъзо бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларида номзодларнинг кўрсатилган ва улар ичидан энг мақбулини танлашига шарт-шароит таъминлашдаги масъуллигига амал қилиши демократиянинг муҳим мезони ҳисобланади.

Амалда жаҳон мамлакатлари тажрибаларидан маълумки, кўпчилик ҳолларда ҳокимият сайловни ўзининг жамиятни бошқаришдаги етакчилигини мустаҳкамлашнинг имконияти сифатида қарайди. Уни амалга ошириш демократияни «қарор топтиришнинг» турли механизмларини ишлаб чиқади. Шу жумладан, ишлаб турган ҳокимиятнинг барча механизмларини ишга солади, парламентнинг икки ёки бир палаталик шаклини қилишга ёки яна бошқа қулай механизмни ишлаб чиқади ва уларни ўз манфаатини кўзлаб амалга оширади. Аслида ҳали парламентнинг икки ёки бир палаталик кўриниши демократия амал қилиши учун кафолатнинг мустаҳкамланганлиги белгиловчи мезон эмас.

Бугун дунёда бир ёки икки палаталик парламентлар фаолият кўрсатаётган мамлакатлар мавжуд бўлиб, улар демократия кадриятларини самарали ривожлантирмоқдалар. Демак, демократиянинг амал қилиши бир ёки икки палатали шакли билан эмас, балки ҳокимиятнинг ўз ваколатининг аксарият кўпчилик қисмини халқ қўлига ўтишига «қаршилик» қилмаслик тамойилига мойиллиги билан боғлиқдир.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, фуқаролик жамиятининг фундаментал базасини яратиш учун энг аввало фуқароларни унинг сиёсий ва ҳуқуқий даражасига мувофиқ равишда «тайёрлаб» бориш зарур бўлади. Бу вазифани амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш жараёнида энг аввало, фуқароларнинг демократиянинг юқорида кўрсатилган кадриятларидан баҳраманд бўлишига реал эришиш барча мамлакатлар учун устувор вазифа бўлиб қолаверади. Буни амалга оширишда биринчи навбатда фуқароларни демократияга «ўргатиб», керак бўлса уни «ҳазм» қилиш маданиятини шакллантириб бориш зарур бўлади. Чунки, зўравон тоталитаризм шароитида яшаган, унинг мураккаблигини ўз бошидан кечирган фуқаролар ундан озод бўлганларидан кейин ҳам анча давргача ўша давр дунёқарашининг иллатлари билан яшайдилар. Уларни юзага келган янги

шароитга «ўргатиб» бориш зарур бўлади. Яъни, у янги шароитда демократия берадиган барча имкониятлардан самарали фойдаланиши учун ўзи фидойилик кўрсатиш даражасига эришиш лозим бўлади. Айни пайтда ҳокимиятнинг демократияга мойиллик салоҳиятини ошиб бориши ҳам талаб этилади.¹

Шундай қилиб, инсоният ҳар доим тараққиётга интилиб яшаган ва у ҳеч қачон пассив кузатувчи бўлмаган, ўзининг эркинлиги ва озодлигини таъминлаш йўлида фаоллик кўрсатиб келган. Демократик жамият қуриш ва унинг заминида эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш унинг пировард мақсади экан, унга албатта эришади. Аммо, бугун инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ва сиёсий фаоллиги юксак даражага кўтарилган шароитда унга эришишда кам куч ва маблағ сарфлаб жамиятда барқарорликни таъминлаб қутилган натижага эриша оладими? Буни вақт ва жаҳон мамлакатларида шаклланаётган демократик жараёнларнинг натижалари кўрсатиб беради, албатта.

7.3. Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳокимият

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда давлатчиликнинг конституциявий ва сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида улкан қадамлар қўйилди, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг янги тизими қарор топди. Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта мамлакат Парламенти - Олий Мажлис ва вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларига кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида демократик сайловлар ўтказилди. Давлат ҳокимиятининг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан ташкил топган қонун чиқарувчи органлари фаолият кўрсата бошладилар.

Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «Давлатнинг куч - қудрати бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазйик ўтказувчи орган сифатидаги вазифаларни қучайтириш билан белгиланмайди. Давлатнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларини ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади».

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг сиёсий манфаатларини поймол этган бир партияли тизимга чек қўйилиб, жамиятда мавжуд бўлган барча сиёсий эҳтиёж ва манфаатларни ифодалаш, қондириш имконини берадиган кўппартиявийлик тизими қарор топтирилди. Зотан, турли сиёсий партияларнинг мавжуд бўлиши фуқаролик жамияти учун зарурий ҳолдир.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар учун миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар сиёсий партияларга

¹ С.Огамуродов Демократик мезонлар вас сайлов // Фидокор, 2004 йил 28 сентябр.

бирлашиш ҳуқуқи берилган. Сиёсий партияларнинг фаолияти учун мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилди. Масалан, ушбу институт ўзининг сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этмоқда. Республика Парламентининг қонун чиқариш фаолиятида, ҳокимиятнинг сайлаб қўйиладиган органларидан ўрин олиш учун курашда сиёсий партияларнинг иштироки ошиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ва вилоятлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида ҳам сиёсий партиялар ўз вакиллари орқали муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Бу вакиллар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда, турли комитетлар ва комиссиялар таркибини белгилашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Жамиятнинг сиёсий тизимида энг оммавий институтлардан бири маҳаллий давлат ҳокимият органларидир. Ушбу органлар ўз ҳудудида давлат, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш ишлари билан шуғулланадилар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ муаммоларни ҳал этадилар. Ўзларига бўйсунган корхона ва муассасалар ишига раҳбарлик қиладилар, қонун устуворлигини таъминлайдилар.

Маҳаллий ҳокимият тизимида асосан учта катта ўзгариш амалга оширилди. Биринчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари кенгайтирилди, уларнинг фаолияти эркинлаштирилди. Эндиликда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай муаммо юзасидан давлат ҳокимиятнинг олий органлари билан келишиб олиш зарурияти йўқолди. Боз устига, маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент Фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга ошириш билан бирга республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнаша бошладилар. Ҳолбуки, собиқ тузум Конституцияси давлат ҳокимиятнинг маҳаллий органларига бундай ҳуқуқлар бермаган эди.

Маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орасидаги муносабатлар мувофиқлаштирилди, демократлаштирилди. Маҳаллий кенгашлар ваколатлари бир қисмининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши кейингиларини нуфузининг ортишига, ҳуқуқларининг кенгайишига олиб келди. Шунингдек, ушбу тадбирлар маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан қолган ижтимоий руҳиятга катъий зарба беради.¹

Мустақиллик йилларида сиёсий тизимнинг муҳим институтларидан бири - нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига янги мазмун бахш этилди. Уларнинг бугунги кундаги биринчи вазифаси, Президентимиз таъкидлаганидек, аввало демократик кадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эриқликларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб қолмоқда.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2005, 3001-314-бетлар.

Бугунги кунда беш мингдан ортик нодавлат ва жамоат ташкилотлари ана шу вазифани бажариш йўлида фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистонда «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши уларнинг фаолиятини янада фаоллаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши оммавий ахборот воситаларининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар энг аввало миқдорий характерга эга. Жумладан, 1988 йилга келиб оммавий ахборот воситалари сони 700 дан ошиб кетди. Эътиборли жойи шундаки, оммавий ахборот воситалари якка мафкурага хизмат қилиш заруриятидан халос бўлдилар. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган салкам 500 газетанинг 277 таси давлат ташкилотларига, 74 таси жамоат ташкилотларига тааллуқли, қолганлари тижорат, реклама ва диний нашрлар ҳисобланади. Демак, мустақиллик оммавий ахборот воситаларига аҳамиятли сиёсий институт сифатида фаолият кўрсатиш учун имкон яратди.

Хуллас, жамият сиёсий тизими ранг-баранг ва турли-туман сиёсий институтларни ўз ичига олади.

Маҳаллий давлат ҳокимият органлари - энг оммавий сиёсий институтлардан бири ҳисобланади. Ушбу органлар ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий мафкуравий вазифаларни ҳал этиш билан шугулланадилар. Ушбу вазифалар ҳам тактик, ҳам стратегик характерга эга бўлиши мумкин. Стратегик жамиятнинг тараққиёти ва фаровонлиги билан боғлиқ бўлади. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда фаол иштирок этиш - маҳаллий ҳокимият органларининг ана шундай стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифалардан биридир.

7.4. Кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм-фуқаролик жамияти эҳтиёжи

Бугунги дунёдаги сиёсий воқеалар жуда тез ўзгармоқда. Ўзгарган дунё эса ўзгача ёндашув, ўзгача ечимларни тақозо этиб, сиёсий партиялардан замон билан ҳамнафасликни, кишиларнинг орзу-истакларини тез илғаб олиш ва уларни рўйбга чиқариш чора-тадбирларини белгилашни талаб қилади.

Зотан, сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми ва унинг асосий бўғинларидан бири бўлган сиёсий партиялар жамиятда кишиларни бирлаштиради ва уларнинг мақсад-муддаоларининг бирлигини таъминлайди, вакиллик органлари учун курашиб, сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини химоя қиладилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатни шакллантиришда улар энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқадилар ҳамда ўз номзодларининг сайланиши билан Қонунчилик палатаси ва Сенатда иштирок этадилар.

Том маънодаги демократия фаол сиёсий партияларнинг бўлишини тақозо этади. Сиёсий партия - мукамал ташкилот бўлиб, демократик бошқарув жараёнида муҳим бўлган бир қатор ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Шулардан энг асосийси, давлат муассасалари ва органлари

устидан маълум бир даражадаги назоратни қўлга киритиш мақсадида сайловларда қатнашиш ва галаба қозониш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийликка мустақиллик эълон қилинган асос солинган. Маълумки, илгари кўппартиявийликни Компартиянинг сиёсий монополизми кўтармасди, Ўзбекистон мустақилликка эришган эса кўппартиявийлик феномен сифатида фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини, қонунчилик, барқарорлик ва демократияни таъминлаш, сайлов ҳуқуқининг конституциявий мезъери сифатида эътироф этилди.¹

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 12-моддасида белгиланганидек, мамлакат ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Бу эса ўз-ўзидан жамиятда сиёсий плюрализмнинг вужудга келишини кафолатлайди. Конституциямизнинг 34-моддасида фуқароларга сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилган.

Асосий Қонунимизнинг XIII бобида: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сиёсий партиялар мавжудлиги мақомини аниқлайди ва уларнинг рўйхатга олиншини таъкидлайди (59-модда); уларни ҳуқуқ ва манфаатларини қўзлайди; мамлакат жамият ҳаётида иштирок этиш учун ҳуқуқий имкониятлар яратди; улар фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахслар аралашмаслигини (58-модда) белгилайди каби қондалар ақс этган. Уларнинг ҳар хил ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг сиёсий хоҳишини билдириш ваколати, ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда қатнашиши мумкинлиги (60-модда); ўз фаолиятини чеклаш ёки таъкиклашни суд қарори билан амалга оширишни (62-модда) мустаҳкамлайди, деб белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 10-моддасида белгиланганидек, сиёсий партияларга Ўзбекистон халқи номидан иш юритиш ҳуқуқи берилмаган; 57-моддага мувофиқ уларнинг «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитет, яллитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъжовуз қилувчи» ҳаракатлари таъқиқланади. Шунингдек, миллий ва диний белгилар бўйича сиёсий бирлашмалар уюштириши ман этилади (57-модда); партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашуви таъқиқланади (58-модда); партияларнинг ўз фаолиятининг ҳаражат манбалари ҳақида ҳисобот бериш шарҳлари белгиланади (60-модда). Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, 1994 йил охири 1995 йилнинг бошида давлат ҳокимияти ташкилотлари учун биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар жамиятимиз учун ҳам, сиёсий партиялар учун ҳам дастлабки имтиҳон вазифасини ўтади. Шунингдек, 1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 126-131- бетлар.

Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун ҳам қатта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонунда сиёсий партияларни фаоллигига омил яратиш билан бирга, сиёсий партияларнинг демократик қонунлар асосида эркин фаолият юритишлари учун меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳам қафолатланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз Конституциясида ўрнатилган ҳуқуқий нормалар ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ҳамда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар асосида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий Тикланиш» демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолият юритиб келмоқдалар.

Сиёсий партияларнинг мақсад ва йўналишлари аслида уларнинг номларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриш, халқ онги ва қалбига демократик қадриятларни сингдириш, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитлари ва унинг фаровонлигини таъминлай оладиган сиёсат олиб боришни ўз фаолиятининг бош вазифаларидан деб ҳисоблайди.

Фидокорлар миллий демократик партияси миллий демократия анъаналарини жамиятда қарор топтиришга, мулкдорлар синфининг иқтисодий ва сиёсий маъқеини ошириб боришга интилади; «Адолат» социал-демократик партияси ижтимоий демократияни қўллаш ва тиклашни, барқарорликни ва Ўзбекистон бозор ислохотлари «Ўзбек модели»ни рўёбга чиқаришнинг қафолати сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришни асосий мақсад, деб таълаган; «Миллий Тикланиш» партияси жамиятда демократияни қарор топтиришда миллий тикланиш ғояларига асосланган ҳолда халқ маънавиятини, тарихий хотирасини тиклашни; Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси – дастури жамиятни иқтисодий эркинлаштиришда демократик қадриятларга асосланиш, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгрок фаолият олиб боришлари учун янги имкониятлар яратиш, истиқболли мақсадларни амалга оширишдан иборат.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Қаримов 2003 йил 7 октябрда O‘zLiDeP ташаббускорлари гуруҳи аъзолари билан учрашувда «Кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия жамият ва халқ орасида обрў-эътибор топиши учун, авваламбор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзинга эргаштира олиши ва кўпроқ овоз тўшлаши, бунинг эвазига қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва ўз олдига қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириши таъбий» эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бундан кўриниб турибдики, демократия жамият ҳаётида сиёсий партиялар фаоллиги қай даражадалигига боғлиқ. Зеро, Конституция ва 1991 йилда қабул қилинган ва 1993, 1995, 1997, 1999 йилларда тегишли

Ўзгартишлар киритилган, дунё андозаларига мос янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида»ги, 1993 йилнинг декабрида мамлакат парламенти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги, 1994 йилда қабул қилинган давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларини ташкил этишнинг асоси бўлган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга, 1997 йил 26 декабрда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида юқоридаги 3 та сайлов қонунларига, «Сайлов тизимлари талқаро жамғармаси»нинг тақлифлари инобатта олинган ҳолда бир қатор демократик қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Бундан асосий мақсад – самарали, ишчан вақилик органларини сайлаш ҳамда фуқаролик тўғриси, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга сайловчиларни шакллантиришдир. Хусусан, 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, Қонунчилик палатаси бир муддатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Шунга кўра, фуқаровий демократик жамият қуриш талаблари нуктаи назаридан ўз дунёқарашлари ва йўналишларига эга оқим сифатида кўппартиявийликнинг шаклланишини қўллаш билан бирга, сиёсий партиялар ва унинг сайланган депутатлари эса қабул қилинажак ҳар бир қонун бўйича ўзининг аниқ фикрларига, муқобил қонун лойиҳаларини Олий Мажлис муҳокамасига киритиш салоҳиятига эга сиёсий куч сифатида фаоллик кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон - демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга астойдил бел боғлаган эркин юрtdир. Бундай адолатли жамият тақдир ҳар бир фуқаронинг сиёсий-ҳуқуқий оғи ва сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасига, қонунчилигимизга муносабатига боғлиқдир.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, биринчи навбатда, аҳоли кенг қатламлари сиёсий фаоллигининг оширилиши, сиёсий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши сиёсий партияларнинг фаолияти билан узвий боғлиқдир. Бу борада ҳар бир партиянинг парламент демократияси доирасидаги алоҳида фаоллиги, ижобий сиёсий рақобат муҳитининг қарор топтирилиши ҳамда сиёсий майдонда конструктив йўналишдаги оппозиция яъни муҳолифатнинг пайдо бўлиши сезиларли самара беради, деб ўйлаймиз. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5 та сиёсий партиянинг шижоаткорлик билан ҳаракат қилишига эришиш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш мақсадида 2004 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари ва принципларини белгилаб берди.

Бу қонунга мувафиқ, башарти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия

тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, яъни 9 нафар депутатдан кам бўлса, олган маблағини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига қайтариши шарт.

Демак, конунинг бу нормаси сиёсий партияларни фаол бўлишга, сайловларда депутатлик ўринлари учун астойдил курашга чорловчи, пухта ва самарали юридик механизмни расмийлаштирган десак бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий партиялар сайловларда ғалаба қозониб, ҳокимият тепасига келмас экан, у ҳеч қачон халқ хизматчисига айлана олмайди. Балки бундай партия ўзининг сиёсий дунёқарашлари, маслаги муштарак бир гуруҳ аъзоларининггина йўлбошчиси бўлиб қолаверади. Ҳокимият тепасига келган партия эса ўз дастурини амалга ошириш орқали халқ хизматчиси даражасига айланади.

Шу боис «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари», «Олий Мажлис сайловлар», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги янги Қонунларда сиёсий партияларнинг янада фаоллашуви учун қандай имкониятлар яратилган? - каби саволларга жавоб излаш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, сиёсий партияларнинг янада фаоллашуви учун авваломбор, улар халқ ишончини қозонишлари, ўзлари ҳақида ижобий, ижтимоий фикрни шакллантиришлари зарур.

Партия электоратсиз, электорат ортида турувчи халқнинг кўмагисиз фақат ўз аъзоларига суянган ҳолда нима қилиши мумкин?

Жавоб аниқ, деярли ҳеч нима. Энг кўп сонли, ярим миллион аъзога эга бўлган ХДП ҳам 12 миллиондан ортиқ сайловчи олдида, уларнинг кўмагисиз ҳеч нима қила олмайди. Шундай экан, партия ўз электоратига эга бўлиши, «ижтимоий фикр» учун курашиши керак. Назаримизда, биз «ҳокимият учун кураш» деган тушунчани кўпинча, расмий ҳокимиятга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ёки унинг марҳаматидан баҳраманд бўлиш, унга яқинлашиши маъноларида тушунаемиз. Бундай талқин эса албатта ҳодисани моҳият, шаклни мазмун билан алмаштириш кабиридир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи - Ўзбекистон халқи» эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, сиёсий партиялар реал ҳокимиятнинг расмий ҳокимиятдан эмас, балки ҳокимиятнинг эгаси бўлган халқдан олади. Шундай экан, партиялар «ҳокимият учун кураш» тушунчасини халқ ишончи, сайловчилар овози учун кураш маъноларида талқин этишлари лозим.

Тўғри, халқ ишончини қозониш, уларнинг овозига эга бўлиш осон нш эмас, ammo ўзгача йўл ҳам йўқ.

Ҳўш, сиёсий партиялар ислохотларнинг ҳозирги босқичида «халқ ишончини қозониш», «сайловчиларнинг кўпчилик овозига эга бўлиш» учун қандай муаммоларни ҳал этишлари лозим бўлади. Назаримизда, улар куйидагилардан иборат:

-биринчидан, халқнинг, энг аввало, сайловчиларнинг, партиялар фаолиятига нисбатан бефарқ муносабатига чек қўйиш даркор. Бу йўналишда

«халқ бизни тушунмаяпти», «халқнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги етарли эмас» ёки «бизга йўл беришмаяпти» қабилда фикр юритиб, «кутиб туришлик», «кузатувчилик» позициясидан воз кечиб сукунатга, маълум бир маънодаги сиёсий бўшликка барҳам бериш лозим. Акс ҳолда, халқ манфаатларидан йироқ ўзга сиёсий кучлар ушбу бўшлиқни эгаллаб оладилар. Бу эса халқ манфаатларининг ҳимоячилари бўлган сиёсий партиялар учун кечирилмас ҳолатдир.

Шу боис, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни ҳокимият эгаларига айлантириш, англаб олинмаган нарсаларини англайтиш, юзга келган муаммоларини биргаликда ҳал этиш партиялар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиши даркор;

-*иккинчидан*, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти устидан ижтимоий назоратни амалга ошириши ва бу ишга ўз фаолиятининг таркибий қисми сифатида қараши лозим. Чунки, сайловчилар давлат ҳокимияти фаолиятига доир норасмий фикр-мулоҳазаларга қизиқувчан бўладилар. Бирок, партия нашрлари ўз саҳифаларида расмий ахборотларни қайта эълон қилиш, шарҳлаш каби ҳолатларга чек қўйиб, биринчи навбатда, ижро билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида муносабат билдиришса, аини муддао бўлар эди. Партия нашрлари объектив ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланиб, улар омманинг кайфиятини, хоҳиш-иродасини ифодаловчи минбари бўлсагина халқнинг хамсуҳбатига ҳамфикрига айланиши мумкин;

-*учинчидан*, сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини шакллантириш, қонун чиқариш жараёнидаги фаолиятни янада мустаҳкамлаш устида тинимсиз изланишлар олиб боришлари зарур. Партияларнинг бу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлари сайловчиларга рўй-рост айтилиши керак. Акс ҳолда, партиялар сайловчилар ишончини йўқотади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги янги Қонунлар сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириши шубҳасиздир. Янги Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонунда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи - фақат иккита субъектга - сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббус гуруҳига берилган. Демак, қуйи палата депутати мандати учун рақобат асосан сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган партиялар ўррасида бўлади. Сайловлар сиёсий партиялар фаолиятига ҳақиқий баҳо берувчи мезон, ҳакам ролини ҳам ўйнайди. Сайловлар натижасида кўпчилик депутатлик маъддатини қўлга киритган партия ғолиб келса, қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида кенг имкониятга эга бўлади. Қонуннинг яна бир афзаллиги шундаки, қуйи палата деярли сиёсий партия номзодлари томонидан ташкил топади. Бу эса қонунларни ишлаб чиқиш жараёни билан бевосита сиёсий партиялар шуғулланади, деганидир. Демак, «қонун» орқали давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этадилар. Бу эса партияларга билдирилган катта ишонч, масъулиятдир.

Фуқаролик жамияти ривожининг манғиғи, ички қонуниятлар давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг сиёсий партиялар ва жамоат

бирлашмалари билан ҳар томонлама якин алоқалари ва ҳамкорлигини тақозо этади. Бошқача айтганда, ҳақиқий демократия фуқароларнинг Президент ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларида қатнашишидангина иборат бўлмай, балки уларнинг мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг боришига, давлат ва жамиятнинг барча ишлари бошқарувига бевосита, шунингдек, ҳар қуни таъсир этишини ҳам билдиради.

Партия ва ҳаракатлар ҳар доим жамият ижтисмоий-сиёсий инфраструктурасининг тузлиш қисмини ташкил этади. Улар халқни ҳокимият таркиби билан, давлатни жамият билан боғлаб турувчи муҳим сифатларга эга.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида давлатимиз раҳбари, И.А.Каримов: «Агар шу кўппартиявийлик тизими ишламас, ҳаётда ўз ўрнини топмас, партиялар бир-бири билан ҳалол баҳсга киришмас, аҳвол яна эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади», деб таъкидлаган эди. Партиянинг ижтимоий идеали - бу инсоннинг ўз-ўзини камол топтириш, шахс манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқариши учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитларни кафолатловчи кучли фуқаролик жамиятини барпо этишидир. Бинобарин, жамиятда сиёсий плюрализм мавжуд бўлсагина, партия фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмига айланади.

Фуқаролик жамияти йўқ экан, унда сиёсий келишувчилик ҳам бўлмайти ва мавжуд партиялар монополия натижасида пайдо бўлган сиёсий «комбор»га эга бўлиб қолади. Кейинги ўзларини муҳолифат деб эълон қилишиб, экстремизм тарафида туриб, конструктив бўлмаган гаплар билан шуғулланади. Бундай ҳолатни фақат жамиятда мавжуд сиёсий ва ижтимоий муҳитгина енга олади. Партиялар аввало, кенг аҳоли манфаатларини, турли ижтимоий гуруҳлар ва албатта, биринчи галда инсон манфаатини химоя қилиши керак. Партиялар агар тўлақонли фаолият кўрсатмоқчи ва узоқ яшамоқчи бўлса, инсон манфаатидан келиб чиқиши керак ва яна инсонга бориб тақалиши лозим. Биз «инсон» деганда, бирон-бир ижтимоий гуруҳ лидерини эмас, балки алоҳида индивидни тушунамиз. Жамият барқарорлигини таъминлашда давлат ҳокимиятлари билан бир қаторда сиёсий партиялар ҳам муҳим ўрин тутати.

Бизда кўппартиявийлик тизими энди-энди ривож топмоқда. Шунинг учун турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини мувозанатлаб туриш давлат юқори органларига бир қадар мушкулроқ сезилмоқда.

Бу эса куч сарф қилиш каби жамиятда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислохотларни амалга ошириш учун бироз кўпроқ вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатга кўппартиявийлик асосидаги сайловлар бизнинг фикримизча, ўз вақтида қўйилган қадам бўлди. Бу эса республикани ижтимоий-иқтисодий ислоҳ қилишнинг янги босқичини юзага келтирди. Бундай назарий-методологик ҳуқуқлар республикамизда турли сиёсий партияларнинг вужудга келиш генезисини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - мустақил давлатимизнинг демократик йўл билан сайланган биринчи парламенти дир. Ўзбекистонда қарор топаётган кўппартиявийлик сиёсий партияларнинг бўлиши ва иш олиб бориши шундаки оддий, қандайдир тақлидпарастликдан иборат нарса эмас. Улар амалда, деярли барча даврларда ва мамлакатларда мавжуд бўлган, яъни жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг вужудга келиши билан бирга юзага келган. Ҳокимиятга таъсир ўтказиш ва унинг таянчи ёки муҳолифи бўлиш ҳамма вақт бундан манфаатдор хилма-хил кучлар учун зарур бўлган. Жамият тараққиётида демократик тартиботларнинг ўрнатила бориши билан ушбу ижтимоий вазифаларнинг шакллари маърифий тус ола бошлаган. Шу маънода сиёсий партиялар жамиятни демократик тамойиллар асосида қайта қуришнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Зеро, Ўзбекистонда сиёсий партиялар барпо этилишидан кўзланган асосий мақсад - ғоявий жиҳатдан уюшган кишилар томонидан, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш йўлида биргаликда кураш олиб бориш воситасига эга бўлиш дир.

Кўпмиллатли давлатда миллатлараро муҳолифат масаласи, ички вазият қандай ўзгаришидан қатъий назар, қайсидир даражада доимо мавжуд бўлади, демак уни мудом эътибор марказида тутиш зарур. Мавжуд сиёсий партиялар томонидан ватанпарварлик, байналмилал тарбия борасидаги ишларда фойдаланилаётган шакл ва услубларда аниқ вазиятнинг кўп омилга эга эканлиги, аҳолининг ижтимоий миллат тартиби ва ҳоқозоларни ҳисобга олишга интилишмоқда. Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг асосий йўналиши - қонун ва фақат қонун ҳукмрон бўладиган демократик жамият барпо этишдан иборат. Мустақилликка эришганимиздан буён бир талай, жумладан, фуқаронинг давлат олдидаги, шунингдек, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосини инсон ташкил этар, унга ғамхўрлик кўрсатиш, инсон манфаатини ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти вазифаси экан, бу ишда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигини, кўппартиявийлик, сиёсий партияларнинг жамиятдаги турли тоифа ва гуруҳларнинг манфаатларини ифодалашини, уларнинг ҳокимият учун сайловларда қатнашишини, ўзларининг унга сайланган вакиллари орқали давлат идораларини тузишлари, бошқаришлари ёки шу ишларда иштирок этишларини демократик жамиятнинг меъёрий ҳолати, деб баҳолаш лозим.

Сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигига амал қилиниши фуқароларнинг барча йўналишлар бўйича мавжуд бўлган ички имкониятларининг юзага чиқишига, уларнинг жамият ҳаётида мавжуд бўлган муаммоларнинг счимида фаоллигини оширади. Шунинг билан бир қаторда, улар ўзининг инсон ва жамият фуқароси сифатидаги мақомини англаб етади. Бу эса фуқаролик жамияти тараққиёти учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Чунки, жамиятда муаммоларнинг ортиб бориши ва чигаллашиб боришига



нисбатан фуқаролардаги бепарволикнинг пайдо бўлиши амалда фикрлар хилма-хиллигининг амал қилмаслиги оқибатида келиб чиқади. Фикрлар хилма-хиллигининг бўлмаслигининг асосий сабаби, фуқароларнинг ҳокимият «таъсиридан» «ҳадиксираш» оқибатидир.

Зотан, фуқаролик жамияти учун фикрлар хилма-хиллиги ҳаво билан сувдек зарур бўлган қадриятдир. Унинг амал қилиниши фуқаролик жамияти ҳаётида хавфсизликни таъминлаш имкониятини беради. Чунки, жамиятда мавжуд бўлган муаммоларга ва унинг ечимини топишига билдирилаётган турли фикрлар, мақбул андозаларни танлаш, адашмаслик имконини беради. Фикрлар хилма-хиллигининг амал қилинмаслиги жамиятда ва муаммоларни ҳал қилишда ягона фикр ҳукмронлигининг таъминланишига ва барча муаммоларнинг тўпланиб қолишига олиб келади. Бу эса охир оқибатда қутилмаган «портлаш»нинг содир бўлишига замин тайёрлайди ва жамиятни муқаррар равишда боши берк кўчага олиб боради. Бу ўта хавфли зиддиятларнинг зимдан шаклланиб келишига олиб келади. Шу маънода ҳам фикрлар хилма-хиллиги муаммолар тўпланишининг олдини олиш имконияти ва тараққиёт хавфсизлиги фикрлар хилма-хиллигидадир. Шундай қилиб, сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги фуқаролик жамияти тараққиёти учун ўта муҳим бўлган демократиянинг мезони сифатида амалий аҳамият касб этаётган қадрият ҳисобланади. Унга амал қилмаслик авторитаризмга олиб келади.


Фуқаролик жамиятини қуриш ғоясини ҳаётга татбиқ этиш истиқболлари мақсадларимизни барча сёсий партиялар аъзолари, ҳар бир фуқаро онгига чуқур сингдиришни тақозо этади. Бунинг учун аввало, ҳар бир партия аъзосини назарий жиҳатдан қуроллантириш, сиёсий етуқлигини таъминлаш талаб этилади. Ушбу вазифани амалга ошириш, ўз навбатида, партиянинг моҳиятли сиёсий ўқувлар тизимини ташкил этишини кун тартибига қўймоқда. Қолаверса, ҳар бир партия ўз ғояларини омма ўртасида кенг тарғиб этиш, унда оммавий-сиёсий ишларнинг тажрибада синалган шакл ва воситаларидан ҳамда ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи тегишли давлат муассасалари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш даркор. Бу мақсадларда партия матбуоти, давлат, жамоат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радио муҳим ўтин тутади. Бинобарин, ҳар бир партия юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларга баҳоли-қудрат кўмак бериши ва унинг фаол иштирокчисига айланиши учун астойдил ҳаракат қилиши лозим.¹

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2005, 340-346-бетлар.

**1-чизма. СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА
УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ**



2-чизма. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТ



7.5. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий онгнинг роли ва уни юксалтириш муаммолари

Демократиянинг кудрати қоғозда битилган қонунлар қабул қилинганлиги билан эмас, балки уни ҳаётга татбиқ этишда асосий омил бўлган кишиларнинг юксак сиёсий онги билан белгиланади.

«Сиёсий онг» деганда, субъектнинг, муҳитнинг сиёсат билан боғлиқ бўлган қисмини идрок этиши натижалари, шунингдек, унинг сиёсат билан боғлиқ ҳаракатлари андозасининг мияда ҳосил бўладиган нийикоси тушунилади.

Сиёсий онг кишиларнинг турли хил сиёсий ҳиссиётлари, сиёсий манфаатлари, қарашлари, ғояларининг йиғиндиси бўлиб, улар орқали жамиятдаги сиёсий муносабатлар ифодаланади. Умуман олганда, сиёсий онг - кишилар сиёсий онг ва сиёсий муносабатлар, сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг киши онгига таъсир этиб, шу аснода унинг онгида шаклланган руҳияти, қарашлари, фикр ва туйғулари бўлиб, улар асосида унинг сиёсий ҳаётда иштироки ҳамда давлат томонидан юргизиладиган сиёсатга, содир бўладиган сиёсий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириши у ёки бу даражадаги фаолияти десак ҳам бўлади.

Инсонлар ўз сиёсий онги даражасига кўра ҳеч қачон бир хилда бўлмайди. Улар суғлиқ ёки фаол сиёсат онг даражасига эга бўладилар, шу тўғрисида улар сиёсий ҳаётда турлича қатнашадилар.

Сиёсий онглилик инсоннинг сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини англаши, сиёсий тафаккур ва сиёсий идрок қила олиши, сиёсий жараёнларда ўз мавқеига эга бўлиши орқали жамиятда ўз қадрига етиб яшашидир.

Сиёсий онг тузилиши ва даражасига кўра иккига бўлинади: сиёсий руҳият ва сиёсий мафкура. Сиёсий руҳият бу сиёсий онгнинг шундай даражасидирки, бунда кишиларнинг сиёсий онги ҳар хил сиёсий руҳий кайфиятлар, эҳтирослар, ҳиссий кечинмалар тарзида намоён бўлади.

Сиёсий мафкура эса сиёсий онгнинг қарашлар, ғоялар, тасавурларнинг илмий-назарий ва дунёқарашнинг сиёсий эътиқодига айланган даражасидир. Кишилар маълум билимлар, концепциялар, докториналар, дастурлар, ғоялар ва эътиқодлар асосида сиёсий фаолият кўрсатадилар.

Сиёсат – сиёсий онг ва сиёсий ҳаракатнинг узвий бирлигидир. Жамиятдаги тараққиёт, ундаги сиёсий муносабатларга боғлиқдир. Сиёсий ҳаракатлар сиёсий муносабатлар тарзида намоён бўлади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда то XIX асрнинг биринчи ярмигача феодал-уруғчилик муносабатлари, ислом мафкураси ҳукмрон эди. Булар маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва руҳиятига, онгига таъсир қилмасдан қолмасди, албатта. Бу даврнинг турмуш тарзи – авторитар ҳукмронлик, бошқаришнинг патриархал шакли мавжуд бўлиб, ҳатто, демократиянинг элементар қоидалари, кишилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштирувчи оддий

механизмлар ҳам йўқ эди. Одамлар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий-синфий кўринишлар асосида ажратиларди. Амир, хон, ҳукмдорнинг хоҳиши сўзсиз бажарилар ва у доимо ҳақ эди. Суд ишлари ислом шариатига, ижтимоий-синфий позициядан туриб юритиларди. Оддий қундалик турмушда жинсига ва ёшига қараб муносабатда бўлишга қаттиқ амал қилинарди. Ота, эр ва ёш жиҳатдан «катта»нинг хоҳиши устун қўйиларди. Бу «мен ҳақман, чунки мен каттаман» деган ақида одамларимиз онгида ўрнашиб қолган. Афсуски кейинроқ, айниқса, совет даврида бундай «катталиқ» фақат ёшга нисбатан ҳам қўлланиб келинди.

Собиқ совет жамиятида эса ҳукмрон бўлган Компартиянинг яқка ҳокимлик мафқураси ва сиёсати сиёсий онгилиликни шаклланишида фақат умумийликка асосланиб келинди. Бу даврда умумий тил, умумий тақдир, умумий дунёқараш (коммунистик), умумий Ватан ва умумий эътиқодни яратиш давлат сиёсати даражасида эди.

Истиқлолни қўлга киритишимиз халқимиз, миллатимиз сиёсий ҳаётида оламшумул тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик йилларида жамиятимиз сиёсий ҳаёти ва фуқароларимиз сиёсий онгида ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт йўли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, инсон онги ва қалби, кишиларнинг маънавий-руҳий ҳолатини ислоҳ қилиш йўлидан бормоқда. Бу ҳар қандай давлат фуқароларидан катта сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий ирода талаб қилади.

Жамиятнинг сиёсий тизими, ундаги демократик жараёнлар фуқароларнинг сиёсий онги даражаси билан узвий боғлиқ бўлади. Фуқароларнинг сиёсий онг даражаси қанча юқори бўлса, мамлакатнинг демократлашув жараёни, шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини билиш билан бирга уни англаш масъулияти шунча ошиб боради.

Сиёсий онгнинг шаклланишида ва ривожланишида киши томонидан ўз-ўзини ёки ўзлигини англаш хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини англаш кишиларда сиёсий онгнинг шаклланишига фаол таъсир кўрсатади ва уларнинг ижтимоий етуқлик даражасини белгилайди. Ўз-ўзини англаш миллат учун сиёсий онглиликнинг ўсишигина эмас, балки амалий натижаларга ҳам олиб келади. Бундай натижалардан энг муҳими – истиқлол, озодлик, миллий мустақилликни қўлга киритиш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашдир. Ўзбек миллатининг буюк маърифатчиси Абулхамид Чўлпон «Миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси» деган масалани зиёлилар олдига қўйган эди. Демак, инсон сиёсий онгининг муҳим бир бўлаги бу – миллий онгдир. Ҳозирги даврда асосий вазифамиз миллий онгни яратувчилик мақсадларига йўналтиришдир.

Сиёсий онг шаклланиши ва ривожланишида оммавий-ахборот воситаларининг ўрни бениҳоят каттадир. Демократик фуқаролик жамиятда оммавий-ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда кучли восита ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғига айлангандагина фуқароларнинг сиёсий онги ва онглилигини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари

жамоатчилик фикрини шакллантирар экан, унда кишиларнинг турли манфаатлари, кайфиятлари ётади. Шу билан бирга бунда аҳолининг сиёсий онг даражаси, сифати аниқланади. Шу боис демократик давлатларда жамоатчилик фикрини билишга тўсқинлик эмас, балки амалда уни қўллашга имконият яратадилар. Ҳар қандай давлат ҳокимияти жамоатчилик фикрига асосланиши, таяниши керак. Жамоатчилик фикрига қарши туриб узоқ вақт жамиятга бошқариш мумкин эмас.

Фуқароларнинг сиёсий онгининг ривожланишида ва жамиятимизнинг демократлашувида – сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳам бекиёсдир. Чунки сиёсий партияларнинг асл мақсади ҳокимият учун Конституция доирасида курашар эканлар, улар албатта, мамлакат фуқароларининг марказдан бошлаб республикамизнинг чекка қишлоқларигача, сайловчилар овози учун доимо курашишлари лозим. Бунинг учун улар аниқ гоё ва қарашлар орқали уларнинг сиёсий тарбиясини ошириб боришлари зарур.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий онги ва онглилигининг юксалишида қонун устуворлигига эришиш муҳим аҳамиятга моликдир. Қонун устуворлигига эришиш учун авваламбор, фуқаролар ўз ҳуқуқларини, ўзларининг оила, жамоа, миллат, давлат ва жамият олдидаги бурчларини билишлари, англаб олишлари керак.

Сиёсий онгни етуклашувида яна бир муҳим жиҳат инсоннинг иқтисодий эркинлигига эришишидир.¹ Иқтисодий эркин бўлмаган шахс ҳеч вақт сиёсий эркин бўлолмайди. Демократик кадрлардан ҳисобланган бу тамойил унинг тамал тошидир. Ўз мулкига эга бўлган инсон, ҳар томонлама мустақил бўлади ва у давлат ҳокимиятига таъсир қилиш кучига эга бўлади.


Ўзбекистонда шакллантирилаётган демократик фуқаролик жамияти тадрижий асосларга эга бўлган кучли ислоҳотчиликни ҳисобга олди. Мутлақо янги бўлган эркин ва адолатли фуқаролик жамияти демократик тараққиёт йўлига қирмоқда.

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 131-бет; Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. –Т.: ТМИ, 2004, 120-бет; Одилқориев Ҳ, Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. –Т.: 2004, 114-бет.

3-чизма. Ижтимоий онг шакллари



4-чизма. СИЁСИЙ ОНГНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ



5-чизма. Сиёсий онг функциялари даражалари



СИЁСИЙ ОНГ ДАРАЖАЛАРИ	
Субъект нуқтаи назаридан	Воқелик теран ақс этиришга кўра
<p>Оммавий Оммавий бирлиқнинг реал таъсир кўрсатувчи сиёсий онги</p> <p>Жамoавий Сиёсат билан боғлиқ катта ва кичик гуруҳлар: синфлар, сиёсий элитанинг онги</p> <p>Индивидуал Шахснинг сиёсатни билишини таъминловчи асослар ва кадритлар тизими</p>	<p>Оддий Инсоннинг ҳаётий тажрибаси негизда шаклланади</p> <p>Илмий Ижтимоий гуруҳлар сиёсий жараёнларни ўрганиш асосида шакллантиради</p>

7.6. Сиёсий ва иқтисодий маданиятнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар кўлами нихоятда кенг бўлиши билан биргаликда тадқиқ этишга ва ўрганишга муҳтож муаммолар ҳам жуда кўп. Неча-неча асрлардан бунё халқимизнинг эзгу ишларига хизмат қилиб келаётган аجدодларимиз яратган улкан ахлоқий ва сиёсий, миллий кадриятларимизни ўрганиб, жамият аъзоларига, айниқса, ёшларимизга етказиш ана шундай хайрли ишлар жумласидандир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, сиёсий жараёнлар натижасида янгича муносабатларнинг таркиб топиши билан тилимизда янги иборалар, турли атамалар ва тушунчалар турмушимизга кириб келди. Бундай янгиликлар тезда идрок этиш, англаш ва бу фалсафий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш маънавий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланмоқда. Қисқаси, сиёсий маданият иборасининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Ислохотлар даврида сиёсий маданият ва унинг ўрни қандай бўлиши керак? Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий-маънавий кадриятларнинг ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлиги нималардан иборат?

Сиёсий маданият кишиларнинг хулқ-атвор кўриниши, сиёсий ҳокимиятни идрок этиш, уни англаш ва қадрлаш туйғуси, сиёсий жараёнларда улар маънавий дунёсининг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир.

Сиёсий маданият бу кеча пайдо бўлган тушунча эмас. У умуминсоний маданиятнинг асосий шаклларида бири сифатида ўз тарихи, ўрни ва катта салоҳиятга эга бўлган сиёсий тафаккур, қолаверса, инсонни энг оғир, қийин, чигал вазиятлардан қутқара оладиган ва турли бўҳронлардан эсон-омон олиб ўтадиган сиёсий донишмандликдир. Шунинг учун ҳам сиёсий маданият ҳар қандай жамиятнинг барқарорлиги ҳамда давлатнинг мавжудлиги учун зарур бўлган омилларнинг бири эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сиёсий маданият фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий тараққиётини белгиловчи асосий мезонлардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг сиёсий онгини ошириш борасида бир қатор назарий ва амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу ўз навбатида жамият фуқароларининг фаоллиги, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини англаб етиши, бўлаётган сиёсий жараёнлардан тўғри хулоса чиқара олиш қобилиятининг намоён бўлишида ўз аксини топмоқда.

Айни шу ҳолат жамият аъзоларининг сиёсий маданият шаклланаётганлигидан ва унинг юксалаётганлигидан далолат беради.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўртабизнес субъектлари фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш мингини фермер

хўжаликлари ташкил этади. Ана шу тadbиркор ва ишбилармонлар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини тузишди. Бу партия эса уларга фаолиятларида яқиндан ёрдам кўрсатишига шак-шубҳа йўқ.

Бундан уч-тўрт йил мақаддам кўпчилик одамлар тadbиркор ва ишбилармонларни фақатгина олди-сотди билан шугулланувчи, пул-бойлик орттирувчи кишилар деб ҳисоблашарди. «Вақт улуг ҳакам» - дейди доно халқимиз. Жамиятдаги ўзгаришларни, амалга оширилаётган туб ислохотларни тўла англаб етган, тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий қарашлари юксак даражага кўтарилганбу қатлам бугунги кунга келиб сиёсий куч сифатида майдонга чиқди. Айнан мана шунинг ўзи мамлакатимизда муайян ижтимоий гуруҳ ва қатламларда сиёсий маданиятнинг ривожланиб бораётганлигининг муҳим белгисидир.

Сиёсий маданият юксак бўлган жойда одамлар давлат ишларида ва жамият ҳаётида фаолроқ иштирок этади. Уларнинг фаолиятида сиёсий маданият етакчилик қилса, ҳар қандай муаммони ижобий ҳал этиш имконияти туғилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий маданият ва миллий-маънавий кадриятларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг бир-бирига боғлиқлик жиҳатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, сиёсий маданият муаммосини ўрганиш масаласи назарий ва амалий жиҳатдан нисбатан кам ўрганилган. Айни пайтда сиёсий маданият билан миллий-маънавий кадриятлар уйғун ривожлантирилиши зарур.

Ўзбекистонда кучли демократик фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга ошириш демократиянинг умумий қонуниятларига амал қилиш билан бирга, турли халқлар ва мамлакатларнинг миллий-маънавий кадриятлари билан боғлиқ хусусиятларини ҳам ҳисобга олинишини тақозо этади.

Шу нуқтан назардан ёндошилганда турли халқлар ва миллатлар сиёсий маданиятининг намоён бўлишида ҳам шундай қонуният мавжудлигини кўриш мумкин. Жамиятнинг сиёсий маданияти умумэътироф тушунча сифатида умуминсоний ижтимоий кадрият ҳисобланади. Аммо турли халқлар сиёсий маданияти шу халқларга хос бўлган урф-одатлар ва анъаналар ёки бошқача айтганда миллий-маънавий кадриятларда ўз аксини топади.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи азалдан миллий-маънавий кадриятлари шаклланган, ўзига хос хусусиятларга эга урф-одатлари, анъаналари мавжуд бўлган миллатлардан бири ҳисобланади. Афсуски, аждодларимиз қолдирган миллий-маънавий кадриятларимиз истибод йилларида бир томонлама ўрганилди. Ҳатто, баъзи анъаналаримиз таъқиқлаб ҳам қўйилди.

Истиқлол туфайли халқимиз бой маънавий меросини ўрганиш имкониятлари яратилди.

Бу миллий-маънавий бойликларни ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳали кўп вақт ва катта меҳнатни талаб этади. Урф-одатларимиз, анъаналаримиз миллатнинг моддий ва маънавий тақомилига, миллий

давлатчилик манфаатларининг ривожига кўрсатадиган таъсирини, ўрни ва моҳиятини ҳамда бу миллий-маънавий қадриятларнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг раванк топишидаги аҳамиятини тушуниш, англаш ва тушунтириш жамият маънавий тараққиётининг таркибий қисми ҳисобланади.

Биз, йўқотган қадрини ва қадриятларини қайта тиклаётган халқмиз. Аждодлар мероси, удумларимиз, муқаддас китобларимиз, миллий-маънавий қадриятларимиз қадр топаётган ва дунёга юз тутаётган бир даврда яшайпмиз. Қадриятлар ҳалқимизнинг бебаҳо бойлиги, миллатимизнинг кўрки ва тугунмас мулки. Ота-боболаримиздан қолган қадриятларга амал қилиш, уларни ҳозирги замон анъаналари билан бойитиш ҳамда давом эттириш, мустақл мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилдириш, фуқароларнинг сиёсий маданиятини таркиб топтиришда улардан оқилона фойдаланиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, бу вазифа демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилишида муҳим омил эканлигини ислохотларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Эркин ва адолатли фуқаролик жамиятининг ҳар бир фуқароси ўзининг фуқаролик туйғусини англаши, идрок этиши, шунингдек, унинг ортиб бориши ва жамият қурилишидаги кўпгина муҳим вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг иштироки даражаси, яъни улар сиёсий маданиятининг ўзига хос мезонидир.

7.7. Сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омили сифатида

Юқорида таъкидлаганимиздек, сиёсий маданият мураккаб тизим бўлгани боис, ўзи ҳам фуқаролик жамияти маданиятининг узвий бўлаги ҳисобланади. Сиёсий маданият ягона яхлит тизимнинг элементи сифатида умуман маданиятнинг бошқа қисмлари билан чамбарчас боғлиқдир.¹

Мазкур ўзаро алоқадорликни бир қатор жиҳатлар бўйича кузатиш мумкин.

Биринчидан, сиёсий маданият, умуман маданиятнинг тизим ҳосил қилувчи ўзаги бўлгани ҳолда, маданиятнинг қолган барча турларига таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, жамият маданиятини ўзлаштириш уч юксак сиёсий маданият зарурдир.

Иккинчидан, сиёсий маданият норматив тизим сифатида ҳуқуқий маданият билан узвий боғлиқ. Гарчи бутун маданият норматив бўлса-да, маданиятнинг юқорида зикр этилган икки тури унинг норматив «ўзаги»ни ташкил этади, зеро у шахснинг жамиятдаги хулқ-атвор нормаларини, унинг жамиятта, давлатта ва бошқа одамларга муносабатини белгилаб беради.

Учинчидан, сиёсий маданият умумий маданиятнинг бошқа турлари билан умумий жиҳатларга ҳам эга. У маданиятнинг қолган турларига ўз таъсирини ўтказadi. Масалан, дунёқараш сиёсий маданиятнинг элементи

¹ Одилокриев Х, Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. –Т.: 2004. 100-113-бетлар.

сифатида маънавий маданиятнинг ҳам муҳим қисми ҳисобланади. Шундай қилиб, маданият турлари бири-бирига сингиб кетади, бири иккинчисида ўз «ози»ни қолдиради.

Маданиятнинг бошқа турлари билан сиёсий маданиятнинг алоқасини муайян таҳлилдан ўтказишда бу жиҳатларни назарда тутиш лозим. Табиийки, маданиятнинг барча турлари билан сиёсий маданиятнинг алоқасини тўлатқис кўриб чиқиш мушкул. Шу боис сиёсий маданиятнинг иқтисодий маданият ҳамда ҳуқуқий маданият билан ўзаро таъсирини қисқача таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг ўта муҳим қисмлари ҳисобланади. Сиёсий маданият нормалари ҳуқуқий маданият нормалари билан кўп жиҳатдан кесишади, зеро, улар одамлар хулқ-атворини, уларнинг жамиятга муносабатини ҳар томондан (чунончи, сиёсий ва ҳуқуқий томондан) тартибга солади. Уларнинг узвийлиги шу билан изоҳланади.

Сиёсий ва иқтисодий маданиятларнинг яқинлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Уларнинг бирлиги сиёсат ва иқтисоднинг диалектик ўзаро алоқаси билан боғлиқ. Маълумки, сиёсат — иқтисоднинг мужассамлашган ифодасидир. Иқтисодий муносабатлар соҳасидаги фаолият маданияти сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий маданиятсиз юсак иқтисодий маданият бўлиши мумкин эмас, худди шунингдек, иқтисодий маданиятсиз сиёсий маданият ҳам мавжуд бўлмайди.

Мамлакатимиз XXI асрга катта иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳият билан қадам қўйди. Иқтисодий салоҳият беқиёс даражада ортди, биз бозор иқтисоди сари фаол ҳаракат қилмоқдамиз, эски маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди (режали иқтисод) сарқитлари асосан бартараф этилди.

Бозорга ўтиш шароитида ишлаб чиқариш ходимига, унинг умумий, сиёсий ва иқтисодий маданиятига нисбатан талаблар ҳам ортиши табиий. Шу маънода биз иқтисодий маданият ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Шунга қарамай, «иқтисодий маданият» тушунчаси ҳали илмий адабиётда таҳлил қилингани, сиёсий ва иқтисодий маданиятларнинг узвий алоқадорлиги муфассал кўрсатиб берилганича йўқ. Юсак сиёсий ва иқтисодий маданиятсиз ишлаб чиқариш маданиятини, бинобарин, унинг самарадорлиги ва унумдорлигини фақат маҳаллий миқёсда эмас, балки республика миқёсида ҳам қийин ошириб бўлмаслиги аён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, иқтисодий билимларни, иқтисодий таҳлил кўникмаларини, иқтисодий тафаккур ва ўзига хос ижтимоий сезгиларни (масалан, мулк эгаллиги ҳиссини) ўзлаштириш даражасини таърифловчи бу билимлар, кўникмалар, ижтимоий сезгиларни инсоннинг амалий фаолиятида рўёбга чиқариш даражасини очиб берувчи бошқа бирон-бир маданият тури борми? Иқтисодий маданият инсон ижтимоий фаолиятининг ана шу томонларини ақс эттиради. Иқтисодий маданиятни ўзлаштирамасдан иқтисодий муносабатларни онгли, изчил ва илмий ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш мумкин эмас.

Умуман олганда, иқтисодий маданият қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) иқтисодий билимлар, яъни иқтисодий назария асосларини, ходимнинг иқтисослиги билан узвий боғлиқ бўлган муайян иқтисод соҳасини, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосларини билиш. Бунда гап «китобий», юзаки билимлар ҳақида эмас, балки шахснинг эътиқодига айланган билимлар ҳақида бормокда;

б) тижорат юритиш билими ва кўникмаларининг ривожланганлиги. Юксак иқтисодий маданиятга эга бўлган ходим зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда баъзан юзага келадиган ностандарт вазиятларда мақбул иқтисодий ечимни топиш, ташаббус кўрсатиш, меҳнат шароитларини такомиллаштириш юзасидан оқилона таклифлар киритиш кабиларга қодир бўлади;

в) ташаббускорлик ва тadbиркорликка, масъулиятни оширишга, кам харажат қилиб, катта иқтисодий натижаларга эришиш имконини берувчи йўллارни ижодий излашга йўналтирилган иқтисодий тафаккурнинг янги типи. Иқтисодий тафаккур иқтисодий билим ва кўникмаларнинг оддий йиғиндисини эмас, балки уларнинг янги тизимини акс эттиради. Ривожланган иқтисодий тафаккур инсонга воқеликнинг у ёки бу ходисаси ёки ҳолатини иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуктаи назаридан баҳолаш имконини беради. Ривожланган иқтисодий тафаккур ходисаларга нисбатан мақсадга мувофиқлик нуктаи назаридан ёндашишни одатга, кундалик хулқ-атворга айлантиришни назарда тутди. Чинакам ишбилармонлик, мулкка, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишга тежамкорона муносабат ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг муҳим жиҳатларидир. Иқтисодий тафаккури ривожланган одамда мулкка нисбатан бундай муносабат одатга, турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланади;

г) тежамкорлик, омилкорлик, хужасизликка нисбатан муросасизлик каби ижтимоий хислатларни шакллантириш. Бу ижтимоий хислатлар ўз ишининг билимдони бўлган шахс онгида уйғунлашади. Эгалик ҳиссининг ривожланганлиги факат ўз меҳнати учун эмас, балки бутун жамоа меҳнати учун ҳам катта масъулиятни ҳис этишни, жамоа ишларини бошқаришда шахсан иштирок этишни назарда тутди;

д) иқтисодий билимлар, кўникмалар ва маҳоратни кундалик амалиётда — меҳнатда, оилавий-маиший муносабатларда, ижтимоий-сиёсий, бошқарув фаолиятида қўллаш. Ривожланган иқтисодий тафаккурга эга инсон ўз билимлари, кўникмалари ва маҳоратидан ишда энг яхши натижаларга эришиш учун фойдаланади.

Шундай қилиб, иқтисодий маданиятни ўзлаштириш билимдан эътиқодга, ундан эса, ўз навбатида, реал амалий ҳаракатлар сари юксалишни назарда тутди. Кўриб турганимиздек, иқтисодий маданият тузилиши ва сиёсий маданият тузилиши ўз таркибий қисмларига ва алоқаларининг типига кўра бири-бирига жуда яқин бўлиб, бу уларнинг ҳамкорлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон иқтисодий маданияти мулк ва ишлаб чиқариш муносабатларини тартиблаштирувчи норматив тизим демакдир. У ижтимоий субъектнинг иқтисодий тайёргарлигига ҳамда иқтисодий билим ва кўникмаларни амалда қўллашга маълум талаблар қўяди. Ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи,

яъни ўз жамоаси ва умуман, жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш бурчини иқтисодий маданиятсиз тулик рўёбга чиқариб бўлмайди.

Ҳозирги давр иқтисодий маданияти бўш жойда вужудга келгани йўқ. У инсоният иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш борасида тўплаган кўп асрлик тажрибанинг энг яхши, қимматли жиҳатларини ўзида жамлаган.

Иқтисодий маданият умумий маданиятнинг бошқа қисмлари билан ўзаро муносабатларга киришади. Табиийки, биринчи навбатда, унинг меҳнат маданияти, авваламбор, ишлаб чиқариш маданияти билан алоқаси кўзга ташланади. Маданиятнинг иккала таркибий қисми ҳам умумий мақсадни - иш самарадорлиги ва сифатини, меҳнат унумдорлигини оширишни кўзлайди.

Меҳнат маданияти ва иқтисодий маданият ўзаро кесишади, аммо айнан бир нарса эмас. Иқтисодий маданиятта меҳнат маданияти ёки ишлаб чиқариш маданиятнинг бир қисми деб қараш унча тўғри бўлмаса керак. Иқтисодий маданият ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалар – турмушда, оилада, дам олиш соатларида ҳам намоён бўлади. Фақат ишлаб чиқариш эмас, истеъмол қилиш ва тақсимлаш ҳам унинг ўзига хос соҳаларидир. Аммо меҳнат маданияти, иқтисодий мезонлардан ташқари, маълум физиологик, санитария-гигиена ва бошқа жиҳатларга ҳам эга. Буларнинг барчасини эътиборга олиб, иқтисодий маданиятсиз меҳнат маданияти ҳам, ишлаб чиқариш маданияти ҳам бўлиши мумкин эмас, деб қайд этиш мумкин.

Иқтисодий маданият сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Жамиятда сиёсий муносабатлар сақланар экан, иқтисодий маданият муқаррар равишда сиёсий хусусиятга эга бўлади. Иқтисодий ва сиёсий маданиятнинг фаолияти билимдан эътиқодга ва мазкур билимларни амалиётга татбиқ этишга ҳаракат тарзида содир бўлади. Сиёсий маданият ҳар қандай ижтимоий фаолиятга сиёсий нуқтаи назардан қарашни талаб этса, иқтисодий маданият ҳаёт ходисаларига бозор нормалари ва қоидалари нуқтаи назаридан қарашни талаб этади. Сиёсий маданият иқтисодий маданиятнинг «ўзаги»дир.

Шу билан бирга, иқтисодий, сиёсий маданиятнинг амал қилиш соҳалари бир-биридан фарқ қилади. Сиёсий маданият, иқтисодий сиёсат масалаларидан ташқари, иқтисодий манфаатлар доирасидан анча четга чиқадиган соҳани (давлатларнинг халқаро сиёсий муносабатлари, миллий, маданий сиёсат масалалари кабиларни) қамраб олади. Иқтисодий маданият масаласига келсак, у сиёсий муаммоларга бевосита тааллуқли бўлмаган соҳани (масалан, оилавий бюджетнинг тақсимланиши ва ҳ.к.ни қамраб олади. Бу маданият турларининг ҳар бири шаклланиши ва фаолият кўрсатиш хусусиятларига, ўз кадрият ва нормалари тизимига, уларни ривожлантириш ва татбиқ этишни назарда тутувчи ўзига хос ижтимоий институтларига эга.

Инсон иқтисодий маданиятнинг субъекти ва объектидир. Одамлар иқтисодий маданиятни яратадилар ва ўзлари ҳам унинг таъсирида шаклланадилар. Иқтисодий маданият - ҳар бир фуқаро маданиятнинг зарур таркибий қисми.

Усиз шахс ҳар томонлама ўсиши мумкин эмас. Иқтисодий саводсиз одамни - маълумоти, эстетик, жисмоний ривожланиши қандай бўлишидан қатъи назар - маданиятли деб бўлмайди. Юқсак иқтисодий маданият инсонга фақат ўзининг меҳнат, ишлаб чиқариш мажбуриятларини муваффақиятли бажариши учунгина керак эмас. У инсонга жамоа ва бутун жамият ишларини бошқаришда онгли, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан саводли иштирак этиш имконини беради. У болаларни тарбиялаш, мустақкам оила қуриш, турмушда тежамкорлик тартибини сақлаш қабилар учун ҳам зарур. Шу боис иқтисодий маданиятнинг амал қилиш соҳаси инсоннинг бутун ҳаётини фаолиятини, турмуш тарзини қамраб олади. Сиёсий маданият сингари, у ижтимоий субъект (жамият, гуруҳ, кичик гуруҳ ва шахс)нинг бутун ижтимоий ҳаёти ва фаолиятига чуқур сингади.

Бинобарин, иқтисодий маданиятни ҳар хил босқичда - умумий (умуман жамият), алоҳида (гуруҳ, кичик гуруҳ), хусусий (шахс) даражаларда ўрганиш мумкин. Бунда шахс босқичида хусусийлик ва умумийлик ўртасида зиддиятлар вужудга келиши ҳам мумкин.

Эркин, адолатли фуқаролик жамиятини, авваломбор, шахсни иқтисодий маданият субъектига, унинг яратувчиси ва ижодкорига айлантириш ҳозирги замон иқтисодий маданиятининг муҳим хусусиятидир. Бунда сиёсий ва иқтисодий маданиятларнинг чуқур ички алоқадорлиги ва бирингини кузатиш мумкин.

Шунингдек, ҳозирги кунда сиёсат ва ҳуқуқнинг умумий ўзаро боғлиқлиги ҳуқуқшуносларда ҳам, сиёсатшуносларда ҳам эътироз тугдирмайди. Зеро, ҳуқуқ жамият ҳаёти негизлари, ижтимоий тузум ва тартибни қонунда мустақкамлайди; сиёсат эса, ўз навбатида, ҳуқуқни ривожлантиради ва уни мустақкамлаш воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият ижтимоий онг шаклларида бири, жамият умумий маданиятининг ажралмас, ўзига хос қисмидир. Умуман олганда, ҳуқуқий маданиятни инсон ҳуқуқ соҳасида тўплаган барча қадриятлар мажмуи деб таърифлаш мумкин. Аммо «ҳуқуқий маданият» кўп жиҳатдан инсоннинг ҳуқуқий қадриятларини ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи киёсий тушунча ҳамдир.

Ҳуқуқшунослик фанида, сиёсатшунослик ва маданиятшуносликда бўлгани сингари, умуман «маданият» атамасини, хусусан, «ҳуқуқий маданият»ни тушунишда яқдиллик йўқ. Собик совет давридаги юридик адабиётларда ҳуқуқий маданиятнинг у ёки бу жиҳатлари қайд этилган ва уни таърифлашга ҳаракатлар бўлган. Жумладан, «ҳуқуқий маданият деганда, ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасига тегишли бўлган моддийлаштирилган ва идеал элементлар тизимини ҳамда уларнинг одамлар онги ва ҳулқ-атворидаги инъикосини тушуниш тақлиф этилади».¹

Россиялик ҳуқуқшунос олимлардан В.И.Каминская ва А.Р.Ратиновнинг фикрича, ҳуқуқий маданият таркибига қуйидаги йирик маданий комплекслар қиради:

¹ Каминская В.И., Ратинов А.Р. Правосознание как элемент правовой культуры // Правовая культура и вопросы правового воспитания. - М.: 1974. - с. 43.

давлат иродасини ифодаловчи нормалар тизими бўлмиш ҳуқук;

- ҳуқуқий муносабатлар, яъни ҳуқуқ билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлар тизими;

- ҳуқуқий назорат, тартибга солиш ва ҳуқуқ ижросини таъминловчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари тизими бўлмиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар;

- ҳуқуқий онг, яъни жами ҳуқуқий воқеликни маънавий акс эттириш тизими; ҳуқуқий хатти-ҳаракат, яъни ҳам қонуний, ҳам ғайриқонуний ҳулқ-атвор (фаолият).

Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар У.Таджихонов, А.Сайдовнинг таъкидлашича, бу рўйхатга ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳулқ-атворни сиёсий баҳолаш мезонларини, ҳуқуқ ижодкерлиги фаолияти ва ҳуқуқ фанини ҳам киритиш лозим. Мазкур «маданий комплекслар»нинг ҳар бири ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос жihatлариян ажратиш учун аниқлаштиришни талаб этади. Давлат ва ҳуқуқ умумий назариясининг мутахассислари бу йўналишда қонунийликни мустақамлаш ва ҳуқуқий тарбияни кучайтиришга йўналтирилган фаол тадқиқотлар олиб бормоқдалар.¹

Ҳуқуқий маданиятнинг таърифлари хилма-хил. Жумладан, Т.В. Синокованинг фикрича, ҳуқуқий маданият — инсон амалиёти-нинг «муайян жамиятда (цивилизацияда) одамларни ижтимоий-ҳуқуқий йўналтириш функциясини бажарувчи нормалар, қадриятлар, юридик институтлар, жараёнлар ва шаклларни ўзқ ичига олувчи»² соҳасидир. Профессор А. Б. Венгеров ҳуқуқий маданиятни «ҳуқуқий онгнинг нисбатан юксак ва кенг кўламли шакли»³ сифатида эътироф этади. Бизнингча, охириги талқинни илмий деб эътироф этиб бўлмайди, чунки ушбу ҳолда ҳуқуқий маданият фақат идсаал соҳага тааллуқли бўлиб, ҳуқуқни онгли субъектлар фаолияти ва бу фаолият натижаларини инкор этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онг, муайян маънода, ҳуқуқий маданиятнинг таркибига кирувчи ҳодисадир.

Ҳуқуқий маданиятни унга таъсир этувчи омилларни ва унинг элементларини санаб ўтиш йўли билан таърифлашни ҳам тўғри деб бўлмайди. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назариясига доир дарсликлардан бирида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Ҳуқуқий маданият деганда, жамият ҳуқуқий ҳаётининг маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузум билан белгиланувчи, ҳуқуқий фаолият, юридик ҳужжатлар ва, умуман, ҳуқуқий онгнинг эришилган ривожланиш даражасида, субъектнинг ривожланиш даражасида ўз аксини топган сифат ҳолати тушунилади»⁴.

В. П. Сальниковнинг фикрича, ҳуқуқий маданиятни «шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам муайян асосларга кўра структуралаштириш лозим бўлган

¹ Қаранг: *Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томли. — Т.: 1998.*

² *Синокова Т.В. Правовая культура// Теория государства и права. — Саратов, 1995. — с. 473*

³ *Венгеров А.Б. Теория государства и права. — М.: 1998. — с. 585.*

⁴ *Русинов Р.К. Правосознание и правовая культура// Теория государства и права. — М.: 1997. — С. 150-151.*

алоҳида ҳуқуқий ҳолати деб идрок этиш мумкин»¹ Шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам ҳуқуқий маданиятига умуминсоний қадриятларнинг категорияларидан бири, тараққийпарвар инсоният қўлга киритган умуминсоний қадриятларнинг демократик ютуқларнинг муҳим натижаси деб қаралади.

Профессорлар У. Таджиханов, А. Саидов ва Қ.Холмўминовларнинг талқинига кўра, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни камраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир туридир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти эса жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий қисмидир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти — жамият ҳуқуқий маданиятнинг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир.²

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий маданиятга шундай таъриф бериш мумкин: *ҳуқуқий маданият* — одамларнинг ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик ижодий фаолият шаклларида бири. У ҳуқуқ нормалари, институтларида ва мазкур ходисаларни баҳолаш қобилиятида ўз ифодасини топган. Ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, муайян ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг давлат-ҳуқуқий тажрибасини уларнинг юридик аҳамиятга эга ҳулқ-атворига таъсир кўрсатувчи ҳаётий фаолиятнинг моддий ва маънавий маҳсуллари, кўникма ва қадриятларидаги ифодаси деб ҳам таърифлаш мумкин. Муҳтасар айтганда, ҳуқуқий маданият шахсий эътиқодларга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Шунинг учун ҳам маданиятсиз ҳулқ-атвор, ҳуқуқ нуктаи назардан, шахслар ёки гуруҳларнинг юридик нормаларга нисбатан салбий муносабати, амалдаги қонунларни менсимаслиги ёки бузиши демақдир.

«Ҳуқуқий маданият» тушунчаси кенг қўлам бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳуқуқий тафаккур ҳамда ҳуқуқий воқеликни ҳиссий идрок этишнинг муайян даражаси;
- аҳолининг қонунларни билиш даражаси;
- ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурматнинг, уларнинг нуфузи эътироф этилганлигининг ифодаси;
- ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш жараёнларининг ҳолати;
- ҳуқуқ фаолиятининг ўзига хос усуллари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши, конституциявий назорат ва ҳоказолар);

¹ Сальников В.П. Правовая культура// Актуальные проблемы теории права. – Уфа, 1995. – С. 150.

² Қяранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томли. – Т.1. – Т.: 1998. – 30-31-бетлар; Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолят, 66-бет.

- ҳуқуқий фаолиятнинг одамлар яратган моддий ва маънавий неъматлар кўринишидаги натижалари (қонунлар, қонунчилик тизимлари, суд амалиёти ва ҳоказо).

Ҳуқуқий маданият ўзининг ички тузилишига ва ижтимоий алоқаларининг бойлигига кўра ўта мураккаб ҳодисадир. У фақат қонунлар, ҳуқуқ нормаларини билишнинггина назарда тутмайди. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгдан ташқари, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳуқуқни ижро этиш фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқий маданият кўп қиррали ҳодиса сифатида илмий адабиётда унинг энг муҳим жиҳатлари, белгилари, мезонлари ва сифат хусусиятлари мажмуини аниқлаш йўли билан очиб бериллади. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз.

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг маълум тарихий босқичдаги гоёвий-ҳуқуқий ҳолатини акс эттиради; ҳуқуқий онг, ҳуқуқни билиш ва қонунларни ҳурмат қилиш даражасини ифодалайди. Баъзи бир муаллифлар ҳуқуқий маданиятни юридик устқурманинг барча таркибий қисмлари мажмуи деб тушунадилар. Бу ўринда ҳуқуқ соҳасининг олий ютуқлари ўз табиатига кўра норматив эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, зеро, улар ҳуқуқни ижро этиш, қонунни, ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш фаолиятининг энг самарали шаклини ифода этади.

Ижтимоий манфаатларни англаш ва руёбга чиқариш ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишида ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади. Ҳуқуқда акс эттириладиган манфаат объектив хусусиятга эга, аммо бунда реал мавжуд манфаат билан унинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ нормаларидаги ифодасини фарқлай билиш керак. Масалан, «манфаат ҳақида тасаввур», «ҳуқуқда мустаҳкамланган манфаат», «объектив манфаат» — бир хил тушунчалар эмас, улар ўртасида ижтимоий тараққиётдаги объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири диалектикаси билан белгиланувчи фарқлар ва ҳатто зиддиятлар мавжуд.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбатига ўтар эканмиз, сиёсат ва ҳуқуқ - умумий принциплар, ўзаро мос келувчи мақсадлар, тарихий тақдирларнинг умумийлиги билан бир қаторда — ҳар хил ижтимоий функцияларга ҳам эга эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг сиёсий маданиятдан фарқи, авваламбор, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ижро этиш фаолияти, шахс ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг хусусиятларида, ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хосликларида кўринади.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан узвий боғлиқдир; юксак ҳуқуқий маданиятсиз, қонунийлик принципига қатъий риоя этмасдан туриб юксак сиёсий маданиятга эришиш мумкин эмас.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ижро этиш фаолиятини таърифлабгина қолмай, балки фуқароларга қўйилган сиёсий ва ҳуқуқий талаблар мажмуини ҳам ўз ичига олади, қонунга мувофиқ хулқ-атвор намуналари ва идеалларини саклайди, уларни тинимсиз бойитиб боради.

Фуқароларнинг сиёсий маданият нормаларига мувофиқ фаолияти ҳуқуқий маданият намунаси ҳам бўлиши шарт.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўзаро таъсир этиш жараёнида бир-бирини бойитиб боради. Сиёсий маданият принциплари ва нормалари ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир этади. Сиёсий маданиятнинг нормативлигига алоҳида нормативлик деб қараш лозим, зеро сиёсий принциплар ва нормалар ижтимоий ҳаётда алоҳида ўрин тутади.

Сиёсий маданият билан ҳуқуқий маданият аксарият ҳолларда айнан ҳар бир маънавий-ахлоқий ва маданий кадриятларга таянади. Ўзбекистонда халқ кадриятларини тиклаш ва раванқ топтиришга алоҳида эътибор бериши ҳозирги шароитда юртимизда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари» асарида «Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзлиқни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Халқнинг маданий кадриятлари... Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган»¹ — деб таъкидлайди.

Кадриятлар, ҳеч муболағасиз, халқ тарихи, миллат киефасидир... Миллий кадриятлар сўзсиз ҳар бир миллатнинг мавжудлик белгисидир. Маданий кадриятлар кишилар ўртасидаги ўзаро маънавий-маърифий муносабатларни бошқаради, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жиҳатини мустаҳкамлайди.²

«Кадрият» тушунчаси маъно жиҳатидан («этикод») тушунчасига яқин. О. Г. Дробницкийнинг фикрича, «кадрият» тушунчаси бирон-бир объектнинг ижобий ёки салбий аҳамиятини, ижтимоий онг ҳодисаларининг норматив-нисбий томонини ифодалайди.³

Жамиятдаги кадриятлар ижтимоий гуруҳларнинг манфаат-лари ва позицияларига, шунингдек ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, нормалар ва қоидаларга нисбатан муайян муносабатларига қараб кичик тизимларга бўлинади.

Ижтимоий фанларда одатда ижтимоий ҳаётнинг икки — моддий ва маънавий соҳалари, мазмуни ва функцияларига қараб эса — ишлаб чиқариш-истеъмолчилик (утилитар), ижтимоий-сиёсий, тарихий, эстетик, ҳуқуқий, маънавий, маърифий каби соҳалари ажратилади.

Ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихи кадриятларнинг табияти ва мазмунини уларга таъсир кўрсатувчи ижтимоий ва сиёсий механизмларга нисбат бермасдан тўғри баҳолаб бўлмаслигини кўрсатади. Сиёсий ва ҳуқуқий

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. —Т.: Ўзбекистон, 1998, 125-бет.

² Қаранг: Қирғизбосов А. Кадриятлар: тарбия ва муаммо// Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. — Т.: 1998. — 146-147-бетлар.

³ Қаранг: Дробницкий О.Г. Мир оживших предметов. Проблема ценности и философия. — М.: 1967. — с. 24.

кадриятларга ижтимоий макон ва замондан ташқаридаги боқий нарсалар деб қараш ҳам ҳақиқатдан узоқ; кадриятларни абстракт талқин этиш мазмунсиз таърифлашларга олиб келади.

Инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларига қараб кадриятлар тубдан ўзгариб боради. Маълумки, тарихий шароитларнинг ўзгариши тарихий тараққиёт жараёнида мазкур объектив ҳолатлар таъсирида шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларга ҳам таъсир кўрсатади. Буржуа инқилоблари даврида унинг мафқурачилари феодал тузумни, жумладан, унинг сиёсий ва маънавий кадриятларини аёвсиз танқид қилганлар. Буржуа инқилоблари маълум даражада чекланган хусусиятга эга эканлигига қарамай, феодализмнинг ағдарилиши тарихан ижобий ҳодиса бўлиб, янги кадриятлар тизимининг вужудга келишига туртки берди.

Инглиз социологи К. Ходжинсон бошқарувнинг фалсафий-методологик масалаларига бағишланган асариде асариде бошқарув масалаларига алоҳида эътибор қаратади ва субъектив идеализм билан сугорилган кадриятларга шундай таъриф беради: биз бирор нарсани кадрли бўлгани учун эмас, ўзимиз уни кадрли деб ҳисоблаганимиз учун шундай баҳолаймиз.¹ Бундай қарашларга кўра, кадрият фақат баҳоловчининг ақлидагина мавжуд ва амалий асога эга эмас, зеро исталган, афзал кўрилган ёки мақбул нарса ҳақидаги тасаввурларга тааллуқлидир.

Америкалик профессор Ч. Р. Фостер Сиёсий фанлар халқаро уюшмасининг XI бутунжаҳон конгрессида (Москва, 1979 йил) қилган маърузасида сиёсий маданиятни айни жамиятдаги сиёсий фаолиятга сингиб кетган ижтимоий анланган ва теран хис этилган кадриятлар ва тегишли эътиқодлар (қарашлар) йиғиндиси, ижтимоий тизимнинг алоҳида аъзоларига хос хусусиятлардан кўра кўпроқ бутун ижтимоий тизимга хос хусусиятларини ўзида жамлаган концепция сифатида таърифлаган. Аммо бу концепция индивидуал қарашлар ва кадриятлардан келиб чиққан. Сиёсий маданият микродаражада мавжуд хусусиятларга таяниб, макродаражани ўрганеди. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятни ўрганиш мазкур жамиятда ҳуқуқат институтлари ва сиёсий механизм қандай ишлашини тушунишга ёрдам бериши мумкин.

Ғарб олимлари сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни таълим тизими амалга оширувчи «ижтимоийлашув», мактаб ва бошқалар билан боғлайдилар². Бундай алоқа чиндан ҳам мавжуд. Аммо сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари тизими ва табиийки, ижтимоий тараққиётнинг объектив шарт-шароитлари ҳамда сиёсий вазият сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантирувчи қудратли, ҳал қилувчи омиллардир.

¹ Қаранг: Hodkinson C. Toward a philosophy of administration. – Oxford, 1978. – P. 100.

² Масалан, қаранг: Hyman H. Political socialization. – New York, 1959; Hess R., Torney J. The Development of Basic Attitudes and Values toward Government and Citizenship. During School Years. – Chicago, 1965; *Vienni R. Political socialization*// Handbook of Political Psychology. – San Francisco, 1973; Political theory and political education/Ed. Be Richter M. – New York, 1980.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият кадриятларини муайян одамлар рўёбга чиқарадилар, ammo бу уларни индивидуалистик талқин қилиш учун асос бермайди. Инглиз олими Р. Хиггинс инсониятнинг аҳоли кўпайиб кетиши, очарчилик, ресурслар танқислиги, атроф муҳитнинг ифлосланиши, харбий ва ноҳарбий фаолиятда ядро энергиясини сунистеъмом қилиш, фан ва технологияларнинг назоратсиз ривожланиши» сингари душманлари қаторига яна бир, еттинчи «душман»ни — инсон табиатининг хоссаларини, яъни жамиятнинг ривожланишида одамларнинг иштирок этишига халақит берувчи сиёсий локайдлик, мурасасизлик, демагогия сингари сифатларни киритади.¹

«Нормативлик» тушунчаси сиёсий ва ҳуқуқий маданият кадриятларини тушунишни фарқловчи муҳим жиҳатдир. Муаммонинг моҳияти нормативлик билан реал воқеликнинг (фактининг) ўзаро нисбатини аниқлашдан иборат бўлиб, бунда мазкур тушунчалар мавжуд ва мақбулни норматив ва экзистенционал (идеал ва реал) қарашлар нуқтаи назаридан муайянлаштиришни назарда тутди. Норматив соҳа Ғарб аксиологиясида жуда кенг талқин қилинади; кадриятларнинг норматив тизими деганда, баъзан нормаларни асослаш, оқлаш ва танлаш механизми, норматив функция сифатида эса — ҳар хил вазиятларда бир хил ҳулқ-атворни таъминлаш тушунилади. Америкалик социолог Т. Парсонс «нормалар тизими уларни тартибга солувчи кадриятлар билан бирикishi», улар маданият соҳаси билан боғланишини кайд этади, бунда «кадрият билан норма ўртасидаги алоқани тушуниш уларга қўшилувчи барча одамлар мазкур кадриятларни рўёбга чиқаришини фаоллаштиради»². Табиийки, кадриятларни бундай тушуниш уларни функционал, ижтимоий нормалар, шу жумладан, ҳуқуқ ва ахлоқ билан яқинлаштиради.

Собиқ совет илмий адабиётларида кадриятлар иерархияси мавжудлиги, бир ёки бир нечта муҳим кадриятлар қолган кадриятларни белгилаб бериши қайд этиб ўтилган³. Табиийки, кадриятлар эҳромининг чўққисида ҳаёт кадрияти турган бўлса, тинчлик, саломатлик, тугилиш кадрлидир; агар чўққида *ижод* турган бўлса, демак, янгилик ва кашфиёт кадрлидир.

Аслида, сиёсий ва ҳуқуқий маданият сиёсий ва ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, кадриятлар ҳамда уларни умумий қондага айланган ҳулқ-атвор нормасида рўёбга чиқариш амалий фаолиятнинг бирлиги таъминланадиган жойда бошланади. Бунда бир неча жиҳатлар фарқланади. Авваламбор, алоҳида шахснинг ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий нормаларга доимий ва изчил риоя қилиши барча фуқаролар юксак онглилик даражаси, айнан шундай ҳаракат тарзининг мақсадга мувофиқлигига ишонч асосида риоя қилувчи умумий нормалар хусусиятини касб этиши лозим.

Сиёсий маданиятнинг, шунингдек, ҳуқуқий маданиятнинг нормативлиги ижтимоий манфазтларни акс эттирувчи барча соҳаларга: онг соҳасига, сиёсий ва ҳуқуқий мафкура, кадриятлар, ижтимоий-сиёсий амалиёт соҳаларига,

¹ Қаранг: Higgins R. The seventh enemy. The human factor in the global crisis. — London, 1978.

² Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. — М.: 1972. — с. 368-369.

³ Қаранг: Любимова Т.Б. Социальные исследования. Теории и методы. — М.: 1970. — с. 72-73.

турмуш тарзига, тарихий ва ижтимоий тажрибанинг ворисийлиги ҳамда уларни ўтказиш механизмларига сингиб кетади. Бу эса сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг кўринишларини социологияда ишлаб чиқилган турли кўрсаткичлар, мезонлар ва методикалар бўйича ўрганиш имконини беради.

Ҳуқуқ асосларини билиш ва унинг асосий қадриятларини ўзлаштириш маданиятли одам шахсининг муҳим жиҳатидир. У аҳоли барча табақаларининг ички, маънавий эҳтиёжига, уларнинг турмуш тарзи элементига, авлоддан авлодга ўтказилувчи аёнанага айланиши лозим. Ҳуқуқий ва умумий маданиятда нормалар ва қадриятларнинг мустаҳкамланиши одамлар хулқ-атворини ҳуқуқ орқали самарали тартибга солишнинг ишончли омилidir.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Бундай алоқа, аваламбор, одамлар турмуш тарзи сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларнинг аҳамияти билан белгиланади. Аммо муаммонинг моҳияти фақат шундагина эмас. Сиёсий, ҳуқуқий маданият ва турмуш тарзи битта умумий жиҳатга эга — улар одамларнинг амалий ҳаётий фаолияти жараёнини акс эттиради, яъни ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари, моддий ва маънавий замин тушунчаларини ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳалари ва кўринишларига татбиқан янада муайянлаштиради.

Одамларнинг турмуш тарзи сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, ғояларнинг «моддийлаштирилганлиги» даражасини акс эттириб, ҳаётий фаолиятнинг изчил ва мулғазам қайта тузилувчи нормаси бўлиб хизмат қилади. Анча жадал кечадиган сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқий ривожланиш пировард натижада тарихий тажриба ва ижтимоий амалиётдан ўтган нарсалар сифатида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг барқарор институтларида ўз ифодасини топади. Бу шахс, ижтимоий гуруҳ, жамоат ташкилотлари ва, умуман, ижтимоий тизим сиёсий ва ҳуқуқий ривожланишининг норматив натижасидир.

Р.Г. Яновский шундай деб ёзади: «Сиёсий маданиятнинг ўзаги маълум билимларнинг шунчаки йиғиндиси, мафкуравий кўрсатмалар, сиёсий фаолият кўникмалари, барқарор хулқ-атвор андозалари эмас. Сиёсий маданият шахс ривожланишининг маълум сифат босқичини ифодалайди. Бу босқич куйидаги поғоналарни ўз ичига олади: *мафкуравий поғона* (сиёсий билиш ва фикрлаш маданияти, ижтимоий тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш, янги сиёсий ҳодисаларни илгари ўзлаштирилган билимлар асосида ижодий англаб етиш қобилияти), *эмоционал-психологик поғона* (сиёсий билимларнинг ҳаққонийлигига бўлган ишонч), *фаол хулқ-атвор поғонаси* (сиёсий билимлар ҳақиқийлигига ишонч) ва *фаолиятли* (сиёсий идеалларни кундалик фаолиятда рўёбга чиқаришга тайёрлик ва кодирлик)»¹.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва демократиянинг ривожланиши шароитида ахлоқий принциплар, ҳуқуқий ва маънавий мажбуриятларнинг бирлиги конституциявий нормаларда мустаҳкамланади.

¹ Яновский Р.Г. Политическое сознание личности// Проблемы политических наук. К итогам XI Всемирного конгресса МАПН. - М.: 1980. - с. 155.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар», деб белгилаб қўйилган. 47 ва 48-моддаларга мувофиқ, барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар. Шунингдек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. 49-52-моддаларнинг мазмуни ҳам ҳуқуқий ва маънавий мажбуриятларнинг шундай теран ва узвий бирлиги билан сугорилган. 49-моддага биноан, фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. 50-моддага асосан, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда булишга мажбурдирлар. 52-моддага кўра, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросини бурчидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг негизлари вужудга келиши жараёнида «эзгулик ва бурч», «адолат ва ҳалоллик», «инсонийлик ва ишонч», «инсоннинг шаъни ва диёнати», «масъулияти ва кадр-қиммати» тушунчалари билан сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқаси тобора уйғунлашиб боради.

Шундай қилиб, ҳозирги замон шароитида сиёсий ва ҳуқуқий маданият кўпроқ фалсафа, сиёсатшунослик ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари махсус курсини ижтимоий адолат нуктаи назаридан ўрганиладиган объектига айланиб бормоқда. Сиёсатшунослик ва ҳуқуқшуносликни танқидий ўрганиш бундай тамойилнинг мавжудлигини тасдиқлайди. Олимлар адолатни ижтимоий, маънавий кадрият, сиёсий қарорлар ва ҳуқуқий кўрсатмаларни баҳолашнинг идеал мезони деб тушуниб етишга ҳаракат қилмоқдалар¹. Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга асосланувчи ижтимоий адолат мезонлари барча ижтимоий ҳодисаларни жамият манфаатларига мувофиқлик нуктаи назаридан баҳолашни талаб этади. Давлат жамиятнинг барча қатламлари ўртасида келишувни таъминлайдиган ва ўз сиёсатини амалга оширишда жамият манфаатини ҳар томонлама эътиборга оладиган эркин, очик фуқаролик жамиятидагина чинакам ижтимоий адолат ҳукм суриши мумкин.

7.8. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий ва сиёсий менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистоннинг мустақиллиги шарофати туфайли босиб ўтган йўлимизни ҳолисона баҳолаб, буюк маънавиятимиз ва кўҳна бой меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги жозибали турли удум ва анъаналаримизни янги жамият қурилишига тадбиқ этишимиз лозим. Шу

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Мальцев Г.В.* Социальная справедливость и право. – М.: 1977.

боисдан истиқлол мафкураси концепциясини кўп минг йиллик миллий кадриятларимиз ҳамда ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлашган ҳолда яратиш ва авлодлар, хусусан ёш авлод тафаккурига кўпроқ сингдириш сиёсатшунос олимлар, умуман илмий жамоатчиликнинг энг асосий вазибаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқининг аждодлари икки дарё - Сирдарё ва Амударё оралиғида азалдан тургун яшаб келиб, ўзига хос кўп қиррали бой моддий ва маънавий-маданий мерос яратганлар. Бу мероснинг таркибий қисми бўлган ўзбек халқи менталитети асрлар давомида бошқа қўшни ва қардош халқлар билан ўзаро этник-маданий алоқаларда шаклланган. Кўҳна ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзи ҳам асрлар оша вужудга келган. Ўзбеклар турли халқлар билан ўзаро муносабатда бўлган ва табиийки, бунга ўша халқлар менталитетлари ҳам ажойиб таъсир қилган. Миллий хусусиятларимиз, умуминсоний кадриятлар билан уйғунлашиб кетган.

Менталитет – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонувларини таҳлил қилиш кучи, қобилияти, руҳий қуввати. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

Хуллас, менталитет сўзи ақл, фахм, зехн, идрок маъноларини англатади. Ҳар бир миллатнинг ақли, идроки, фахм-фаросати, унинг яшаб турган шарт-шароитлари, тарихи қайси халқлар билан баҳамжиҳат умргузаронлик қилиши, ижтимоий фаоллиги ва бошқа қатор омиллар билан боғлиқдир. Ўзбек халқи асрлар давомида муҳим савдо-сотик, илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик марказлари, халқларни ва мамлакатларни бир-бирлари билан боғлаб турган йўл чорраҳасида яшаганлиги сабабли менталитети, ақли, фаросати ва зехни доимо ўсиб борган. Шу боисдан юртимиздан жаҳонга жуда ҳам донғи кетган кўплаб машҳур мутафаккирлар ва давлат арбоблари етишиб чиққан.

Аммо халқимиз XVI—XX асрлар оралиғида узоқ турғунлик даврини бошидан кечирган. Буюк географик кашфиётлар, мисли кўрилмаган назариялар ва техникавий ихтиролар сабабли Ғарб мамлакатлари ўз тараққиётида биздан анчагина ўзиб кетди. Хонлар, амирлар, мустамлакачилар, истибодчилар айби билан халқимиз азалий тадбиркорлиги, салоҳияти, мустақил фикрлаш қобилияти ва бошқа кўплаб кадриятларидан ажралиб ўзбек миллати менталитетига жиддий зиён етди. Табиийки, халқнинг ўзига хослиги, феъл-атворини, хуллас, менталитетини ҳисобга олмасдан, турли «экспорт» қилинган тавсиялар асосида иш юритиш оқибатида мамлакат таназзулга юз тутди.

Манбаларга кўра ўзбек миллати менталитети шаклланиш жараёни қарийб 3,5 минг йиллик тарихга эгадир. Халқимиз инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналари билан бойитган. Турмуш тарзидаги ўзаро ҳамкорлик илмий билимлар, тажриба, кўникма юксак ахлоқий кадриятларнинг вужудга келишига замин бўлган.

Менталитетни аниқлаш учун жуда кўп омилларга эътибор бериш лозим. Бошқа миллатлар билан қиёслаш, мазкур миллат яшаб турган шарт-шароит,

тарихий давр, миллатнинг ўтмиши руҳияти ва бошқа қўллаб жихатлари анча чуқур илмий тадқиқ этилиши керак.

Халқимиз миллий менталитетида анъаналар ва удумлар алоҳида ўринда туриб, улар инсонларнинг ўзаро алоқаси, меҳнат муносабатларидан келиб чиққан ҳолда асрлар оша вужудга келган одатлар ҳисобланади. Удум ва урф-одатлар турмуш синовларидан ўтиб шаклланган. Халқнинг кадр-қиммати, миллийлиги, ақл-заковати, урф-одатларида мужассамдир. Анъана шаклига айланиб келган урф-одатлар асрлар давомида яшаб, кишиларнинг турмуш тарзига сингиб кетади.

Маълумки, ўзбек халқи турмуш тарзининг асосий хусусиятларидан бири Шарқ халқларига хос бўлган руҳий-психологик ҳаёт тарзидир. Халқимиз ҳаётида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шарқона турмуш тарзининг ўзи ниҳоятда эъзозли бўлиб, бунга инсонлардаги қаноат ва шукроналик, сермулоҳазалик ва андиша, она табиат билан яқинлик, инсонийликка хос садоқат, кадр-қиммат, ор-номус каби олижаноб (ҳис-туйғу) хислатлар киради. Жозибадор расм-русумлар ва урф-одатларнинг туб маънида ҳам одамоҳунлик ва саҳоват мужассамдир.

Инсон жамоада туғилиб, ўсиб, камолга етар экан, унинг таваллуд топган давридаги расм-русумлари, ирим-сиримлари, шод-хуррамлиги, тўй-томошалари, ўсмирлик даври урф-одатлари, байрамлар, ҳашар қўмак юмушлари, дафн ва таззия маросимлари, хуллас, ҳаётнинг барча яхши-ёмон кунларидаги турфа қаримас қондалари жамоанинг фаол иштирокчида ўтган. Халқимиз азалдан жамоа бўлиб яшаб қўни-қўшничилик удумига қатъий риоя қилган. Оилада туғилган ҳар бир гўдакка яхши ният билан исм қўйилган ва саводини чиқариш учун устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларни хунарни ва уй-жойли қилиш ҳам ота-оналар ҳаёт фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Кундалик юриш-туриш, салом-алиқдан тортиб инсонийликнинг барча тамойиллари жамоа назарида бўлган. Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетақрор фазилатлар ва халқимизнинг кўп жихатдан ажралиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик хусусиятлари ҳам жамоа турмушида камолга етади. Хуллас, жамоа турмуш тарзини комил инсонни вояга етказишнинг ўзига хос тарбия мактабига киёс қилиш жоиздир.

Одатда инсонлар халқ урф-одатларини ҳурмат қилишлари ва бошқаларга ибрат кўрсатадиган амалий фаолият юритишлари лозим. Чунки удум ва урф-одатларга амал қилувчи жамиятда қонунни қўллаш эҳтиёжи тобора камаяди. Зеро, ўзбек халқи урф-одат ва анъаналари элимизнинг кўп минг йиллик тарихий тажрибасида синалган барқарор «темир қонунлар»дир.

Ҳозирги даврда маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органлари вазифаларини кенгайтирувчи уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш нодавлат ва жамоа тузилмалари ҳуқуқи ва мавқеининг оширилишини кўзда тутадиган «**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**» сиёсий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу боисдан халқимизнинг тарихий ва миллий табиатига мос

бўлган фукаролар ўзини ўзи бошқарувининг энг муҳим жамоатчилик ўрнатиш — маҳаллачилик мақоми тўлақонли тарзда қайта тикланди. Жамият ҳаётидаги тинчлик, барқарорлик, осойишталик ва инсон тарбиясининг асосий таянчи маҳалла муҳитида бағрикенглик ўзаро меҳр-оқибат сингари инсоний фазилатлар шаклланди. Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Шу маънода маҳаллани ўзини ўзи бошқариш манбаи, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин».

Хуллас, кўп минг йиллик анъана ва тажрибалари сўнмас хотиралари ва буюк туйғулари билан яшаб келаятган бамисоли улуг ва шарафли истиқлол йўлида залворли сахий қадамлар ташлаб бораётган дунёда катта қарвон ўзбек халқи миллий менталитети туб негизидagi жамоа турмуш тарзининг умрбоқий удум ва анъаналарини қайта тиклаш, янада бойитиш ва кундалик ҳаётда улардан самарали фойдаланиш ҳозирги мустақиллик даврининг энг асосий талабидир.

Шу ўринда миллий менталитет билан сиёсий менталитет уйғунлашиб кетганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

-Ҳозирги кунда сиёсий менталитетнинг ҳар хил таърифлари мавжуд. Мана, уларнинг айримлари:

-сиёсий менталитет - маълум ижтимоий табақага хос тасаввурлар, фикрлаш тарзи ва эътиқодлар мажмуи;

-сиёсий менталитет - ҳам алоҳида ижтимоий табақа ҳам унинг субъектлари даражасида мавжуд воқеликнинг фаол идрок этилишини назарда тутадиган қарашлар мажмуи;

-сиёсий менталитет - ҳокимият муносабатлари жамоа онгида акс этишининг ўзига хос маҳсули.

Сиёсий менталитет тажриба ва кундалик ҳаёт билан бевосита боғлиқ бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) сиёсий воқелик ҳақидаги тасаввурлар;

2) онгли ва онг таъсирсиз шаклланган сиёсий қарашлар. Улар ҳокимият, сиёсий партиялар ва уларнинг пешкадамлари ҳаракатларининг мақсад ва воситаларига нисбатан одамларнинг эътиқодлари билан боғлиқ. Бундай эътиқодларга асосланиб одамлар сиёсий йўлни қўллаб-қувватлаш ёки бартараф қилиш, сайловда иштирок этиш ёки иштирок этмаслик, маълум сиёсий партия ёки номзодни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарорга келадилар.

Сиёсий қарашларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- мафкуравий (маълум қарашлар тизимига йўналтирилган);

- партиявий (сиёсат майдонидаги маълум позицияга йўналтирилган);

- шахсий (маълум сиёсий хулқ-атвор намуналарини ўзида мужассамлантирган пешкадам раҳбарларга йўналтирилган);

3) сиёсий вазиятта алоҳида йўсинда муносабат билдиришга стихияли мойиллик.

Ўзбекистонда ҳар хил ижтимоий табақалар ўз сиёсий менталитетига эга. Аммо жамиятимизнинг катта қисмига кундалик даражада хос бўлган баъзи бир асосий тасаввурлар, қадриятлар ва қарашлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг сиёсий менталитетида давлат ҳокимиятининг образи етакчилик қилади¹. Агар Ғарбда ҳокимиятнинг асосий метафораси «битим» бўлса ва жамият маълум шартларда ҳокимиятга битимда келишилган функцияларни бажаришни топширса, Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг асосий метафораси «онла»дир. Халқ ҳокимиятга маълум функцияларни бажаришдан ҳам кўра кўпроқ ўз тақдирини ишониб топширади. Бу муносабат давлат ҳокимияти томонидан ҳомийликнинг «назорат», «ғамхўрлик» ва «йўл-йўриқ кўрсатиш» сингари элементларини ўз ичига олади. Мана шу негизда патернализм Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг сиёсий менталитетида асосий қадрият сифатида шаклланди.

Давлатнинг ҳомийлигига «неъмат» деб ва ҳокимиятнинг жамият (халқ) олдидagi мажбурияти деб қаралади. Шу билан бир вақтда, патернализм жамиятда боқимандалик кайфиятларини уйғотиб ва аҳолини пассив кутишга ўргатиб, хусусий шахсларнинг эркин ғайратини сусайтиради. Бу бизга собиқ совет тузумидан ўтган салбий мерослардан биридир. Бизнинг менталитетимиз - авваламбор, яқкабошчилик асосидаги кучли, адолатли ва маънавий ҳокимиятга давлат ҳокимиятининг идеали деб қараш. Ҳокимиятнинг бу «образини» ҳамиша жамоавий демократизм билан уйғунлашувчи мўтаъдил идеалга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам сиёсий менталитетда нуфузли одамга нисбатан икки хил муносабат вужудга келган. Бир томондан, нуфузли одамга каттиқ ишонилса ва ундан «мўъжиза» кутилса, уни хурматлашга ҳамиша тайёр турилса, иккинчи томондан, нуфузли одам ўз «умумиши»га, миллий давлат гоёсига хизмат қилиши керак, деган қараш ҳукм суради.

Давлат ҳокимиятнинг нуфузли эътирофи, унга куч ва ҳукмронлик тимсоли деб қараш Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида ҳосдир.

Давлат ҳокимиятини бундай идеаллаштириш этатизмни - ғарбий маънода эмас, балки шарқий маънода - вужудга келтиради. Этатизм давлатга ғайритаъбий хоссаларга эга тузилма деб қарашга, уни ҳаётий воқеликнинг асоси ва негизи деб идрок этишга асосланади.

Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида давлат катта ошлага тенглаштирилади. Умумхалқ бирдамлигини маънавий қардошлик деб тушуниш айрим ҳуқуқ нормаларини маънавий қадриятлар билан алмаштиришга интилиш шундан келиб чиқади. Бу нуқтан назардан, давлат ва шахс муносабатлари Ўзбекистонда, айтайлик, Ғарб мамлакатларидан фарқли ўларок, фуқаролар ва давлат ҳокимиятининг ўзаро битимидан ҳам кўра кўпроқ давлатнинг ҳал қилувчи мавқеи ва фуқароларнинг уни қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ.

Ўзбекистон сиёсий менталитетида давлат ҳокимияти қонунга тенглаштирилади. Давлатнинг қонун билан айнанлаштирилиши, бир

¹ Одилқориев Х, Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. –Т.: 2004, 164-168-бетлар.

томондан, ҳуқуқий нигилизмга йўл қўйса, иккинчи томондан, фуқароларнинг тартибни сақлашга мойиллигини кучайтиради. Бу ўринда биз маълум «сиДДият»га тўқнаш келамиз: бир томондан, ҳуқуқий давлат тамойилларининг ўз-ўзидан эътироф этилиши кузатилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг қонуқларга итоткорлигини таъминлашда мураккаблиқлар кузатилади.

Фуқароларнинг қонун ва давлатга муносабати, ижтимоий адолат ҳамда ўз шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини тушуниши мана шундан далолат беради. Ўтказилган тадқиқотларга қараганда, аҳолининг учдан икки қисми умумий қондалар зарурлигини тушунган ҳолда, «башарти бу қонуқларга ҳокимият органларининг вакиллари ҳам риоя қилса, ҳатто эскирган қонуқларга риоя қилишга ҳам тайёрдир»; фуқароларнинг ярмидан ортиги «қонунга риоя қилиш-қилмаслик муҳим эмас, муҳими - бу адолатдан бўлса, бас», деган фикрга қўшилади. Аҳолининг ярмига яқини «қонун устувор бўлиши керак» деб ҳисоблайди.

Бу маълумотлар фуқароларнинг бир қисми давлатчиликнинг ҳуқуқий эмас, балки патерналистик шаклига яширинча мойиллигини кўрсатади.

Ўзбекистон фуқароларининг ярмидан кўпи фуқаролик ҳуқуқий онгига, қарийб учдан бир қисми - эътиборли ҳуқуқий онгга, бешдан бир қисми - «юридик» ҳуқуқий онгга эга деб хулоса қилиш мумкин.

Ҳуқуқий онг, аслида, жамиятда мавжуд ҳуқуққа берилган баҳо бўлиб, у амалдаги ҳуқуққа танқидий муносабатни акс эттиради ҳамда ҳуқуқ соҳасига, ундаги ўзгаришларга нисбатан маълум умидлар ва истақларни ифода этади, нимани қонуний ва нимани гайриқонуний деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқлайди. Бу, шунингдек, ижтимоий онг ҳолатининг янги босқичи ҳамдир.

Фуқаролик ҳуқуқий онгига ҳуқуқий нигилизм таъсирида ҳуқуқий давлат принципларини расмий тан олиш ҳосдир. Ҳуқуқий нигилизм, биринчидан, ҳуқуқий онгнинг маълум салбий таърифи бўлиб, у ҳуқуқни менсимаслик ва унга итот этмаслик муносабатида бўлади. Иккинчидан, ҳуқуқий нигилизм ва унинг антиподи бўлиши қонунийлик фақат жамиятнинг маънавий ҳаёт, ҳуқуқий онг соҳасигина эмас, балки жамиятдаги реал аҳволга берилган таъриф ҳамдир. Ҳуқуқий нигилизмнинг сабаблари ҳар хил: у ёки бу қонуқларга нисбатан асосли қаршиликлардан тортиб умуман ҳуқуқни кераксиз ижтимоий институт сифатида қабул қилмасликкача. Ҳуқуқий нигилизмга ва ҳуқуқий онгдаги бошқа тубанликларга мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган сиёсий ва ҳуқуқий маданият қаршилик кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда тегишли маданияти даражасини юксалтиришга йўналтирилган савий-ҳаракатлар амалга оширилди ва бу борада собитқа-дамлик намойиш этилмоқда. Республика Президенти Ислон Қаримов 1997 йил 20 майда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, юридик олий ўқув юрғларининг ректорлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашув ўтказиб, аҳолини сиёсий ва ҳуқуқи жиҳатдан

фаоллаштириш, маданиятни кўратиш масаласини ўртага кўйди. Шундан келиб чиқиб, Президент 1997 йил 25 июнда «**Хуқуқий тарбияни яхшилаш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш тўғрисида**» Фармон чиқарди. Бу долзарб масала юзасидан 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «**Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури**»ни қабул қилди. Мазкур дастурий ҳужжатларни ҳаётга жорий этишга қаратилган ҳуқуқат қарорлари қабул қилиниши жамият ҳаётида сиёсий ва хуқуқий маданиятни юкори даражага кўтаришга хизмат қилди.

Этастик хуқуқий онгли шахсларда патернализмга интилиш, нафақат ҳаётий муҳим масалаларни, балки шахсий муаммоларни ҳал қилишда ҳам давлатдан ёрдам кутишга мойиллик кучли бўлади. Улар ўз тақдирлари учун масъулиятни ҳамisha давлат зиммасига юклайдилар. Этакстик хуқуқий онг хуқуқ ҳақидаги анъанавий тасаввурга асосланади. Бу тасаввурга кўра, хуқуқ давлат идорасининг маҳсули, давлат ҳокимиятининг кўрсатмасидир. Бундай хуқуқий онгни давлат ижро этиш мажбурий бўлган кўрсатма сифатида чиқарган ҳар қандай конун эътироф этади.

«Юридик» хуқуқий онг фақат мавжуд хуқуқ тизими доирасидаги конун ижодкорлиги фаолиятини тан олади. Шунинг учун ҳам у хуқуқий ва нохуқуқий конунларни тафовут этади. «Юридик» хуқуқий онгли шахсларга ўз муаммоларини ҳал қилишда энг аввало ўз кучига таяниш, ўз тақдирини киш ўзи ҳал қилиш керак, деган эътиқод, ижтимоий табақаланишга хотиржам муносабат ва ҳар қил табақаларга, умуман олганда, ижобий муносабат хосдир. Ижтимоий адолатни улар «кимқониятлар тенглиги» деб талқин қиладилар. Бу нуқтан назардан, уларнинг хуқуқий онги Фарбдаги хуқуқий онга яқин. Улар орасида демократлар, радикал бозор ислохотларнинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида мустақкам тартиб асосида қадрият ҳисобланади. Бу кўпчилик фуқаролар нимани қандай қилиш кераклиги ҳақида муайян кўрсатмалар мавжуд бўлган мўътадил шароитларда ўзларини қулай ҳис қилишлари билан боғлиқ. «**Қонун билан тақикланмаган ҳамма нарсага руҳсат этилади**» деган ноаниқ вазиятга жамият ҳали тайёр эмас, шу боис унга «**тартибсизлиқ**» деб қарайди. Бу ҳамма нарсада «**тартиб**» ўрнатган, фуқаролик жамияти институтлари инкор этиб келган мустақил шўролар тузумининг натижасидир. Шунинг учун ҳам фуқароларда фуқаролик маданияти, фуқаролик фаоллиги ва оммавий маданият сифатлари шаклланиши учун муайян вақт керак.

Ўзбекистон сиёсий менталитетида «**тартиб**» деганда, ҳануз қандай яшаш кераклиги ҳақидаги ижтимоий кўрсатмалар тушунилиши юкорида кўрсатилган ҳолатлар билан изоҳланади. Ижтимоий кўрсатмалар ёки нормалар ҳар қандай жамиятда бўлади, аммо собик Иттифокда улар ялпи ва универсал хусусиятга эга эди. Бу кўрсатмаларга сиёсий маъно ҳам юкланарди: у ёки бу ҳаётий фаолият усулига йўриқномалар, стандартлар, конунлар ва бошқалар «**юкоридаю**» руҳсат этилиши керак эди. Ижтимоий-сиёсий кўрсатмалар инсон ҳаётининг барча

соҳаларига тааллуқли эди. Кўрсатмалар қанча кўп, уларнинг амал қилиш доираси қанча кенг бўлса, улар ҳар бир кишини қанча кўп чекласа, унда танлаш эркинлиги қанча кам бўлса - жамиятда ижтимоий тартиб шунча кўп бўлади, деган қараш ҳукм сурарди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон сиёсий менталитетида ижтимоий тартиб вазифаси барча ижтимоий муносабатларни «тартибга келтириш»дан иборат бўлган давлат билан узвий боғланади. Давлат ҳар хил қонунлар ва йўриқномаларни қанча кўп чиқарса, қарорлар қабул қилса, улар шахс ва жамият ҳаётининг барча томонларини қанча муфассал тартибга солса, фуқароларга тартиб шунча қаттиқ ва ишончли бўлиб туюлади. Аммо бу сифатлар ҳаммага эмас, балки фуқароларнинг маълум қисмигагина хос.

Шундай қилиб, кўпчилик фуқаролар ҳозирги кунда фаол фуқаролик позицияларини эгаллаганлар ёки эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Давлатнинг эркин, адолатли ва очик фуқаролик жамияти билан нисбати, бажарадиган ижтимоий вазифаси ва функциялари кўлами, давлатнинг жамиятнинг ижтимоий хизматкори бўлишдек асосий мақоми тобора тегизлашиб бора бора етишмоқда. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий фикр давлат ҳокимияти устидан кенг қамровли назорат ўрнатишини таъминловчи механизмларни вужудга келтириш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Шунинг билан таъсирчанлик, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти эртага барпо этилиб қоладиган воқеалар эмас. Бу демократик ислохотлар воситасида сабот ва собитқадамлик билан вужудга келтириладиган ижтимоий макондир. Бунинг учун муайян вақт ва тарихий даврнинг зарурлиги табиий қонуниятдир.

7.9. Соғлом сиёсий муҳолифат - фуқаролик жамиятини шакллантириш омили

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳақида гапирганимизда, соғлом сиёсий ва амалий муҳолифатнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни, унинг зарурати тўғрисида ҳам фикр юритишимиз лозим. Муҳолифат сони, ташкилий тизим, мувофиқ ҳақ-ҳуқуққа эгалиги ва Конституциявий қароқарорлиги, ўзининг фаолиятида давлат ва жамият қурилишининг барқарорлигига масъуллиги — бу жамиятдаги шарт-шароитнинг яхшилигидан далолатдир. Бу ўринда бизнинг «муҳолифат» тушунчасини чуқур аниқлашимиз, унга қандай маъно-мазмун юклашимиз муҳимдир.

Биз сиёсий муҳолифатни амалий куч сифатида тушунамиз. Ҳаётнинг барча соҳаларида муқобиллик танлаш эркинлиги бўлиши лозим. Шу боис, биз сиёсий муҳолифат тўғрисида гапирганда, амалий муҳолифатни назарда тутамиз, ислохотларнинг муқобил намуналарини тақлиф эта оладиган,

жамиятни тараққист ва янгиланиш йўлига торта биладиган мухолифатни кўзда тутамиз.¹

Афсуски, биз яқин ўтмишда мамлакатимизда мухолифатликка уринганларнинг беҳуда хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлдик. Бу кимсалар олдимизда турган муаммоларни ҳал этишда жамиятни бирлаштириш, ёш мустақил республикамиз учун оғир бўлган дастлабки йилларда янги давлатчилигимизни шакллантириш ва мустақкамлашда иштирок этиш ўрнига сохта демократик йўлдан кетишди, бузгунчилик шнорлари билан чиқишди ва шундай ҳаракатларга бош қўшишди.

Бундай йўл эса охир оқибатда фақат сиёсий, ижтимоий, этник ва диний қарама-қаршиликларга, тартибсизлик, тўполонга, давлатни бошқаришда таназзулга олиб келган бўлар эди. Энг хавfli томони – бу ҳаракат ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, жуда кўп йўқотишларга сабаб бўлардики, шунинг ўзи бизнинг жамиятимиз тараққийтини орқага суриб юборарди. Бунга мисол ахтариб, узоққа бориш шарт эмас, Тожикистонда, Тошкентда талабалар шаҳарчасида, Фарғона, Бўка, Ўш ва бошқа айрим янги мустақил мамлакатларда мухолифат фитнаси рўй берган воқеа-ҳодисалар ана шундан далолатдир.

Бундай йўл мустақил Ўзбекистон учун мутлақо яроқсиздир. Бундай йўл ўзбек халқи табиғатиغا, урф-одатларига буткул зид, зеро, халқимиз, ўзининг келажагини тинчлик ва яратувчилик, ижодий меҳнат барқарор бўлган шарт-шароитда кўради.

Ҳар қандай жамиятда янгиланиш жараёнини таъминлашга уринадиган мухолифат ўша жамиятдаги аҳолининг аниқ бир ижтимоий қатлами манфаатларининг ифодачиси ва ҳимоячиси бўлмоғи лозим. Конституциявий нормалар доирасида ҳаракат қиладиган бундай мухолифат ўзининг аниқ дастурига эга бўлиши ва унда белгилаб олинган мақсадлардан келиб чиқиб, аҳолини, айниқса, сайловлар чоғида ишонтира олмағи керак.

Амалий фаолият кўрсатадиган мухолифат бўлиш кийин йўл. Халқ гоёвий ва амалий жиҳатдан расмий ҳокимият билан мусоҳабалашадиган соғлом сиёсий мухолифатнигина тан олиши мумкин. Соғлом сиёсий мухолифатни бугунги кунда кишилар фуқаролик жамиятининг шаклланиш омили сифатида тушуна бошладилар ва улар соғлом сиёсий мухолифат сифатида Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлайдиган, унинг гуллаб-яшнаши учун курашадиганларни кўришни хоҳлайди.

Албатта, Ўзбекистонда сиёсий мухолифатнинг бўлиши ва сиёсий жараёнларда эркин, фаол иштирок этиш учун Конституцияда халқаро меъёрларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида *«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт институтлари, мафқуралар ва фуқароларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч*

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 136-бет; Дўстжонов Т., Хасанов С. Ўзбекистон демократик тарқиёт йўлида. –Т.: ТМИ, 2004, 125-бет.

қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб белгиланган бўлса, 34-моддада: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас», дейилган.

Президентимиз Ислам Каримов «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» асарида сиёсий муҳолифатнинг жамиятдаги ўрни ва унинг зарурияти тўғрисида тўхталиб, туб моҳиятини қуйидагича ифодалайди: «Ҳақиқий демократик жамиятни шакллантириш тўғрисида сўз юритар эканмиз, табиийки, сиёсий муҳолифат зарур эканлигини айтиш лозим. Маълумки, тегишли юридик маънавий-маърифий мақомга ва Конституциявий кафолатларга эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарор ҳолати учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган муҳолифатнинг бўлиши – жамият ҳолатининг нормал аҳволини кўрсатади. Цивилизациялашган жаҳонда, умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатаётган ва ривожланиб бораётган жамият учун, бу одатдаги ҳолдир... Муҳолифат деган тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий муҳолифатни муқобил муҳолифат сифатида тушунамиз. Шу сабабли муҳолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислохотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориши бўйича муқобил дастур турларини таклиф этишга қодир, амалий муҳолифатни назарда тутамиз».

Маълумки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятнинг асосларини барпо этиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, муҳолифат сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришда 2002 йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг IX сессияси янги бир даврни бошлаб берди. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги маърузасида эътироф этилишича, мамлакат парламентини икки палатали қилиб ташкил этиш, унинг қуйи конунчилик палатаси, асосан, сиёсий партиялар вакилларидан иборат бўлишиги жамиятимиз сиёсий жиҳатдан ўз фаолиятларини янада жонлантиришга туртки бериши билан бирга уларни Ўзбекистонда, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида, ўз ичига демократик соғлом сиёсий муҳолифатни оловчи парламентаризм тизимини шакллантириш асослари яратилди.

Сиёсий партия учун мамлакат парламентидаги «муносиб ўрни» дегани нима ўзи? Маълумки, сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: 1997, 122-бет.

устунларини ташкил этадилар. Уларни тузишдан асосий мақсад – демократик йўл билан, яъни эркин сайловлар орқали давлат ҳокимияти идораларини шакллантириш ва уларни самарали фаолиятини таъминлашдан иборат. Бундай ҳуқуқни, одатда, парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фонддан ортигини эгаллашга эришган сиёсий партия қўлга киритади.

Парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фонддан камрогини эгаллаган сиёсий партия эса, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини демократик асосда ташкил этишнинг ажралмас қисми сифатида идора этувчи сиёсий партия нуфуздан кам даражада эътиборли бўлмаган, сиёсий муҳолифат маънавий-маърифий мақомига эга бўлади.

Табиийки, мамлакатимизда ҳар бир сиёсий партия фақатгина мафкураси кучли, ўз электоратининг манфаатларига таянадиган конструктив дастурига эга бўлсагина, (2004 йилдаги сайловлар натижалари бўйича), парламентнинг таъсирчан сиёсий кучи маънавий мақомини олиши мумкин. Айни вақтда, парламентнинг бу мақомини қўлга киритолмаган сиёсий партиялар эса «сиёсий муҳолифат» мақомига эга бўладилар.

Сиёсий муҳолифат уч хил бўлиши мумкин:

- а) парламент доирасида;
- б) ундан ташқарида;
- в) сиёсий партиялар ичида.

Ички партиявий муҳолифат муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. «Парламент муҳолифати» олий қонун чиқарувчи давлат органига сайланган аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибига кирмайдиган депутатлар ёки сиёсий партиялар фракцияларидан таркиб топади. У ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг муҳим масалалари юзасидан давлат раҳбарияти ва ҳукуматнинг стратегик йўлидан фарқ қилувчи истиқболли тараққиёт йўлини тутиши мумкин.

Амалий, яъни соф сиёсий муҳолифат, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашда йўл қўйилган камчилик, хато ва нуқсонларни танқид қилиш билан бир қаторда, миллий тараққиёт ва ислохотларнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлни қўллаб-қувватлайди, унинг рўёбга чиқарилишининг муҳобил дастурларини илгари суради. «Биз, - дейди Президентимиз Ислоҳ Каримов, - расмий ҳокимият билан гоёвий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган муҳолифатни қўришни истаймиз. Мустақил мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган демократик ислохотлар мантиқи айнан шундай сиёсий муҳолифат шаклланишини тақозо этмоқда».¹

Шу боис ҳам жамиятда сиёсий муҳолифат бўлиши шартми, деган саволга ҳеч иккиланмасдан шарт, деб жавоб қайтариш лозим. Чунки сиёсий

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: 1997, 123-бет.

мухалифатнинг мавжудлиги жамиятнинг ич-ичдан емирилишига олиб келадиган ёвуз гоёлар ва ички зиддиятларга олиб келувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларнинг тўпланиб боришининг олдини олади. Сиёсий мухалифат жамиятни ҳалокатга олиб келувчи зимдан шакллантириладиган ёвуз гоёларнинг юзага келмаслигини ишончли имконияти ҳисобланади. Ҳокимиятни доимо ўз фаолиятида огоҳ бўлишини таъминлайди. Аммо сиёсий мухалифатни бўлиши ҳокимиятни барбод бўлишига, жамиятда гуруҳбозлик, бебошлик ва беқарорликнинг юзага келишига хизмат қилмаслиги шарт. Унинг Конституция ва қонундан ташқари ҳар қандай фаолият салбий хатти-ҳаракатларга олиб келади. Айниқса, бугун инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ривожланиб борган сари муросамдорга тамойили тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилига айланаётган шароитда мухалифат фаолиятида унинг амал қилиши устувор аҳамият касб этмоқда. Айрим сиёсий мухалифатлар табиатига хос бўлган зўравонлик йўли билан ҳокимиятни эгаллашга уриниши, қарама-қаршилиқни тараққиётга олиб келувчи ягона йўл сифатида қараш каби салбий ҳолатларнинг намоён бўлиши аста-секинлик билан тугаб бориши кўзга ташланмоқда. Бу ижобий ҳолатни инсониятнинг бугунги цивилизациясига қўшаётган муҳим ҳиссаси сифатида баҳолашга арзийди. Агар ана шу ижобий йўналишда фаолият кўрсатишга мойил бўлган сиёсий мухалифатлар шаклланидиган бўлса, бу жамият тараққиёти учун амалий аҳамият касб этади. Ана шундай соғлом сиёсий мухалифатга ҳар дони эҳтиёж ортиб боради.

Маълумки, сиёсий ва иқтисодий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги турли қарашлар орқали намоён бўлади. Сиёсий мухалифат ҳокимиятнинг жамият тараққиётида мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги салоҳияти етмай қолиши шароитида уларни ҳал қилишнинг муқобил вариантларини таклиф қилиши ва ўз позициясини дадил ҳимоя қилиши билан алоҳида ажралиб туради. Унинг бундай хатти-ҳаракатлари билан ҳокимиятнинг самарасиз фаолият кўрсатишининг олди олинди ва бу ўз навбатида, жамиятнинг умумий тараққиётига ижобий таъсир ўтказди. Ҳокимиятнинг соғлом сиёсий мухалифатни ўзининг душмани сифатида қараши унинг ўз фаолиятидаги ожизлик амалиётини кўрсатувчи белгиси ҳисобланади. Соғлом сиёсий мухалифатни ўз ҳамқори сифатида қарайдиган ҳокимиятгина мустаҳкам бўлади. Чунки, соғлом сиёсий мухалифат томонидан билдириладиган ижобий фикрлардан ўз фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлади.

Соғлом сиёсий мухалифат ҳокимият ҳаётида бўладиган бюрократияга, амалдорларнинг манманлигига барҳам беради. Аммо ижтимоий-сиёсий ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳал қилишда соғлом сиёсий мухалифатнинг аҳамиятини кўрсатиш зарур. Унинг Конституция ва қонунларга иттиҳ қилмаслиги, уларни менсимаслиги, уларни паймол қилишга ҳаракат қилиши ўзига нисбатан нафрат туйғуларининг шаклланишига олиб келади. Бундан унинг ўзи ҳам огоҳ бўлиши - соғлом сиёсий мухалифатнинг эркин фаолият кўрсатиши учун қафолат ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг сиёсий муҳолифат масаласида олиб бораётган сиёсати алоҳида ўрганилишига сазовордир. Бу сиёсатнинг тарихий, анъанавий илдизларини, унинг ўзбек халқи менталитети, яъни аклий салоҳиятининг ўзига хослиги билан боғлиқлигини тадқиқ этиш энг долзарб ва муҳим назарий масалалардан биридир. Шуниси диққатга сазоворки, Шарқ эса минг йиллар давомида муҳолифатга эмас, ақл билан адолатли, бамаслаҳат иш юритадиган давлат ва жамият раҳбарига суянган. Бунинг учун Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридagi адолатли фуқаролик жамиятига оид гоёларини, Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» ва бошқа тарихий ҳамда адабий асарларни таҳлил этмок бизга соф сиёсий муҳолифатни мустақил Ўзбекистон шароитида тушуниш учун бой фикрий ва рухий озука беради.

Шундай қилиб, юқорида қайд этиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, *фуқаролик жамияти давлат ва сиёсатдан ташқари муносабатлар(иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, ахлоқий, маънавий, оилавий, диний муносабатлар) йиғиндиси деб таърифлаш мумкин. Бу муносабатлар эркин шахсларнинг ўзига хос манфаатлари махсус соҳасини ташкил этади.*

Мазкур ҳолатда «давлатдан ташқари» ва «сиёсатдан ташқари» каби иборалари уларнинг мутлоқ тарқоқлиги маъносида эмас, яъни ижтимоий-сиёсий фаоллигига қараб иштирак этади. 2002 йил 27 январда мамлакатимизда икки палатали парламентга ўтиш, Президентнинг ваколатлари муддатини 7 йил қилиб белгилаш бўйича бўлиб ўтган умумхалқ Референдуми мамлакатимиз фуқаролари ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бораётганининг яққол далили бўлди.

Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий фаоллик сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг бунёдкорлик фаолиятида ҳам намоён бўлади. Партиялар фуқаролик жамияти сиёсий тизимининг зарур элементи ҳисобланади. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ёшлар, зиёлилар ва тадбиркорлар каби турли ижтимоий тоифалар манфаатини ифода этади. Юртимизда сиёсий партиялар вакиллари мамлакат қонун чиқарувчи олий ҳокимияти – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлар корпусининг ярмини ташкил этади. Парламентдаги сиёсий партиялар вакиллари бевосита давлатимизнинг қонунчилик сиёсатини белгилаб беради. Шу тариқа, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида сиёсий партиялар орқали фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги мамлакатимиз сиёсий ҳаёти омилига айлантираётганлигини тўлиқ ишонч билан гапириш мумкин.

Асосий таянч тушунчалар

Партия - латинча сўз бўлиб, «қисм», «бўлак» маъносини билдириб, дастлаб қадимги Юнонистонда ва Римда пайдо бўлган. Аммо том маънодаги партиялар ҳаракати Европада буржуа инқилоблари оқибатида шаклланди. Сиёсий партиялар фаолияти XX асрда Ўрта Осиёда мустамлакачилик

сиёсатига қарши озодлик ҳаракатига боғлиқ ҳолда: «Турон», «Иттиҳоди тараққиёти», «Бирлик», «Шарқ озодлиги», «Эрк», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» сиёсий партиялари фаолият кўрсатган.

Плюрализм - сиёсий қарашлар, сиёсий ғояларнинг хилма-хиллиги.

Парламент - французча сўз бўлиб, «сўзламок, расмий сўзлашиш» маъносини билдиради.

Сиёсий онг - кишиларнинг сиёсий тизим ва ҳаёт, сиёсий муносабатлар тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар, маслақлар, эътиқодлар, ўзи яшаб турган тузумга баҳо беришлари йиғиндисидан иборатдир.

Сиёсий маданият - сиёсий ҳокимият ва сиёсий маданиятга бўлган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир.

Ҳуқуқий онг - жами ҳуқуқий воқеликни маънавий акс эттириш тизимидир.

Ҳуқуқий маданият - фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, қонуларни яхши тушуниши, уларни ҳурмат қилиши ва қонун олдида ҳамма баробарлигидир.

Ҳуқуқий инфантилизм - ҳуқуқий онг чалалигининг нисбатан юмшоқ шакли. Бу ҳуқуқий билим ва кўрсатмаларнинг шаклланмаганлиги, яхлит эмаслиги билан боғлиқ.

Ҳуқуқий нигилизм - ижтимоий нигилизмнинг моҳияти ҳуқуққа, қонуларга, меъёрий тартибларга негатив-салбий, беҳурмат муносабатда бўлинишида. Сабаблари - юридик жиҳатдан ғофилликда, саводсизликда, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясизлигида намоён бўлади.

Бузилган ҳуқуқий онг - қонунни онгли равишда инкор этади, балки буни ғаразғўйлик, шафқатсизлик, очкўзлик ва бошқа гайриқонуний мақсадларда қилади.

Референдум - лотинча сўз бўлиб, эълон қилиниши лозим бўлган хабар маъносини билдиради.

Муҳолифат - арабча сўз бўлиб, бир-биридан фарқ қилувчи, алоҳида сиёсий йўл демакдир ҳамда демократиянинг муҳим белгисидир.

Соғлом муҳолифат - ислохотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориши бўйича муқобил дастур турларини тақлиф этишга қодир, амалий муҳолифотчи.

Ўз - ўзини текшириш учун саволлар

1. Кўппартиявийликнинг фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни ва роли қандай?
2. Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ҳаракат дастурлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Сиёсий плюрализм деганда нимани тушунасиз?
4. Сиёсий онгни сиёсий маданиятдан фарқи нима?
5. Ҳуқуқий маданиятнинг фуқаролик жамиятида тутган ўрни қандай?

6. «Соғлом сиёсий муҳолифат»нинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли нималардан иборат?

Мустақил иш мавзулари

1. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш - бош устувор йўналиш.
2. Кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм - фуқаролик жамияти талаби.
3. Сиёсий-ҳуқуқий онг ва сиёсий тафаккурни шакллантириш муаммолари ҳамда сиёсий-ҳуқуқий дунёқараш.
4. Сиёсий ва иқтисодий маданиятнинг бирлиги.
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзбек менталитети.
6. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратининг роли.
7. Фуқаролик жамиятида сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш - демократия омили.
8. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти.
9. Соғлом сиёсий муҳолифат - фуқаролик жамиятини шакллантириш омили.

Тест топшириқлари

1. Фуқаролик жамиятида шахснинг сиёсий субъект сифатида шаклланиши нималарга боғлиқ?

а) шахсни жамият аъзолари билан ўзаро алоқада бўлиш эвазига маънавий-интеллектуал савияси шаклланади;

б) шахс сифатида моддий ва маънавий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришда, ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқаришда фаол қатнашадиган субъект тартиқасида намоён бўлади;

в) шахснинг сиёсий субъект сифатида намоён бўлиши, унинг сиёсий субъект сифатида намоён бўлиши, унинг сиёсий онги, дунёқарashi қай даражада шаклланганлигига боғлиқ;

д) умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

е) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ватанпарварлик ва ҳ.к.

2. Фуқаролик жамияти вужудга келишининг зарурий шартини ва муҳим белгисини қайсылар?

а) фуқаролик жамияти эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ўртасидаги рақобат ва бирдамлик, оилавий-қариндошлик муносабатлари натижасида вужудга келиши зарурий шартини ва муҳим белгисидир;

b) барча фуқароларда хусусий мулкдорлик негизда иқтисодий мустақиллик имкониятининг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг зарурий шартидир;

c) инсониятнинг тарихий маҳсули сифатида фуқаролик жамияти феодал-табақавий тузумнинг ва тоталитар сиёсий ҳокимиятнинг қаттиққўл тартиби бузилган ҳуқуқий давлат шаклига бошлаган даврда пайдо бўла бошлайди;

d) табақавий имтиёзларнинг тугатилиши ва шахс, инсон аҳамиятининг ортиб бориши, унинг табадан тенг юридик ҳуқуқларга эга бўлган фуқарога айланиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг муҳим белгисидир;

e) b ва d жавоблар тўғри.

3. Фуқаролик жамиятининг сиёсий негизи ва шаклини, учта сифат хусусиятини ажратиб кўрсатинг?

a) шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат...;

b) фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий хусусияти адолат ва эркинликнинг олий талабларига унинг мувофиқлигидир;

c) фуқаролик жамиятининг функционал мазмунига эга хусусияти шундаки, жамиятнинг ўзи ўз тарраққиётининг янги даражасига кўтарилиб, тегишли функцияларни давлатнинг аралашувисиз, мустақил амалга ошириш имкониятига эга бўлади;

d) мулкий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий манфаатларни таъминлашга хизмат қилувчи муносабатлар;

e) табиий эҳтиёжлар ва манфаатлар, плюрализм, ижтимоий бирдамлик.

4. Фуқаролик жамиятининг олий қадриятини аниқланг?

a) демократия, ҳуқуқ, сиёсат, хусусий мулк;

b) инсонни ҳаёти ва соғлиғи, сиёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий мустақил шахснинг кадр-қиммати, ижтимоий бирдамликни англаб етиш ва ҳ.к.

c) эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, рақобат ва бирдамлик, ўзаро муносабатлар;

d) мулкий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий манфаатларни таъминлашга хизмат қилувчи муносабатлар;

e) табиий эҳтиёжлар ва манфаатлар, плюрализм, ижтимоий бирдамлик.

5. Фуқаролик жамиятининг бош мақсади нима?

a) инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, шахснинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан иборатдир;

- b) давлатни ва давлат органларини назорат қилишдир;
- с) аҳоли турли табақаларининг қўплаб манфаатлари ва эҳтиёжларини эътиборга олиш ва мувофиқлаштириш йўли билан умумфуқаровий муросага эришиш, зиддиятларни бартараф этиш ёки юмшатишдан иборатдир;
- д) мулкдорликнинг турли шаклларини, эркин шахснинг идеалларини рўёбга чиқаришдир;
- е) шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини таъминлашдир.

6. Фуқаролик жамиятининг тузилиши деганда нима тушунилади?

- а) жамиятнинг ички тузилиши, жамият элементларининг хилма-хиллиги ва ўзаро таъсири, ривожланишнинг яхлитлиги ва суръатининг ўсиши;
- б) ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг турли ихтиёрий ташкилот-лари, уларнинг уюшмалари, хайрия жамғармалари, ижодий, спорт, матлубот жамиятлари, ижтимоий-сиёсий, диний ва бошқа ташкилот-лари ва х.к. уюшмалар;
- с) фуқаролик жамияти ташкилий институтларининг таркибий тузилиши ва функциялари;
- д) одамларнинг ихтиёрийлик асосида ташкил топган бирламчи жамоалари;
- е) нодавлат нотижорат муносабатлар мажмуи, одамларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ва шахсий ҳаёти, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, диний эътиқоди, ахлоқи;

7. Фуқаролик жамиятининг асосий элементлари қайсилар?

- а) фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти;
- б) фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти;
- с) фуқаролик жамиятининг асосини бозор муносабатлари ва ижтимоий гуруҳларни моддий имкониятларининг мувозанатини саклаш;
- д) фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти;
- е) а, б ва д жавоблар тўғри.

8. Фуқаролик жамиятининг негизини қандай муносабатлар ташкил этади?

- а) сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, кўппартиявийлик;
- б) иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, диний муносабатлар мажмуи;
- с) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, хусусий мулк дахлсизлиги муносабатлари;
- д) инсон юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларда сиртдан ифодаланган ўзининг табиий эҳтиёжлари ва манфаатлари билан жамиятнинг интеллектуал

энергияси ва иродасини ўзида жамланган тизим фуқаролик жамияти негизи ҳисобланади;

е) иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг етуклик даражаси, ҳуқуқий нормалар ва юридик миқёслардаги муносабатлар мажмуи ташкил этади.

9. Фуқаролик жамиятининг асосий функцияси билан ижтимоий функциясига нималар киради?

а) ўз аъзоларининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш;

б) шахс ва фуқаронинг шахсий ҳаёти соҳаларини давлат ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг асоссиз каттиққўллик билан тартибга солишидан ҳимоя қилиш; жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш механизмларини вужудга келтириш ва ривожлантириш;

с) нодавлат ташкилотлари, ҳар хил бирлашмаларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига давлатнинг ноқонуний аралашшидан ҳимоя қилиш ва бу билан демократик фуқаролик жамияти сиёсий тизимининг вужудга келиши мустақамлланишига кўмаклашиш;

д) фуқаролик жамияти институтлари ва ташкилотлари шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини реал кафолатлаш, фуқаролар ўртасида ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий алоқа боғлаш, барчага давлат ва жамият ишларида иштирок этишда тенг имкониятлар яратиб бериш, ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назоратни, яъни ўз ихтиёридаги воситалар ва санкциялар ёрдамида шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий нормаларга риоя қилишга мажбурлаш, фуқароларни табиёлаши ва ижтимоийлаштиришни таъминлаш, жамият ҳаётини барқарорлаш-тириш функцияларини бажаради;

е) а, б, с ва д.

10. Сайлов маданияти нима?

а) сайлов жараёнларида фуқароларнинг ўз салоҳиятларини ишга солишлари, ҳаёт фаровонлигини яхшилаш учун яратилаётган шароитлар ва истиқболга бўлган ишонч руҳиятининг шаклланган-лигидир;

б) сайлов маданияти сайловчиларнинг Конституция талабларига биноан бир неча номзодлар ичидан мамлакат ва унинг барча фуқаролари манфаатларини кўзлашга, умумдавлат донрасида тафаккур қилишга, истиқболни аниқ кўра билишга салоҳияти етарли бўлган депутатларни сайлаш маърифатидир;

с) сайлов маданияти номзодларнинг муносабатларида ўзаро ҳурмат ва эътиборнинг мавжудлиги.

д) сайлов ўтишида Конституция ва Қонун талабларига амал қилиниши сайлов маданиятининг даражаларини ва мезонларини ҳам белгилаб беради;

е) сайлов компаниясининг вазминлик, ўзаро хурмат ва энг асосийси, умумдават мафавларининг устуворлиги руҳида ўтиши сайлов маданиятининг асосий мезони ҳисобланади.

11. Фуқаролик жамиятининг сиёсий асос-белгиси тизимида қайси вазибалар устувор ҳисобланади?

а) оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ни эркинлаштириш, сиёсий-ижтимоий ва гоъвий ташвиқоти кучайтириш, фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш;

б) аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш;

с) одамларнинг сайлов ҳуқуқини, хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш учун қонуний-ҳуқуқий замин яратиш, кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализмни йўлга қўйиш;

д) «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий ижросини таъминлашга киришиш;

е) а, б ва с жавоблар тўғри.

12. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклланиши ва ривожланишида қайси хусусиятлар етакчилик қилади?

а) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бир вақтда демократик ҳуқуқий давлат ҳам ривожланиб боришини, шахс ва давлат ҳокимияти ҳуқуқининг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишини тақозо этади;

б) демократик тузумнинг зарур шарт ҳисобланган ҳуқуқий давлатнинг аста-секин ривожланишида ҳокимиятнинг анъанавий тарзда уч бўғинга тақсимланишигина эмас, балки уларни тўлдирувчи ҳокимиятнинг тақсимланиши ҳам намоён бўлади;

с) фуқаролик жамияти негизини кучайтириш ва давлат патернализминини камайитириш, ўзини узи тартибга солиш механизмини шакллантириш, иқтисодни монополиядан чиқариш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, бюрократия аппаратини қисқартитириш ва мўътадиллаштириш, кўппартияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш;

д) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятни шакллантиришда бағрикенглик ва ҳамкорликда иш олиб бориш ўзбек халқининг менталитетига хос хусусиятлар етакчилик қилади;

е) фуқаролик жамияти ишларига ва фуқаронинг шахсий ҳаётига давлатнинг ортқча аралашини йўл қўймаслик, давлатнинг фуқаролик жамияти олдидан бурчларини қонулар асосида қайд этиш, ҳуқуқий давлат

тўғрисидаги конституциявий қондаларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат.

13. «Фуқаролар маданияти» билан «ҳамкорлик маданияти»нинг фарқи нимада?

а) фуқаролар маданияти патрихал (ўзини ўзи бошқариш), табаалик (бўйсунуш) ва оқилона активистик (иштирокчилик) маданиятларининг элементларини ўзида бирлаштиради;

б) фуқаролар маданияти деганда элита ва оддий фуқароларнинг сиёсий онги, хулқ-атвор, таълими тушунилади;

с) вакиллик демократиясига мос келадиган иштирокчилик демократияси, яъни «ҳамкорлик маданияти» эркинлик ва ҳамкорлик, ўзаро тақиқлаш ва муроасага келиш, мутаносиблик ва устуворлик сингари ҳар хил қадриятларнинг уйғунлигига асосланади;

д) «фуқаролар маданияти» давлат, жамият ва шахснинг ўзаро ҳамкорлиги ва етакчилиги билан «ҳамкорлик маданияти» дан фарқланади;

е) а ва с жавоблар тўғри.

14. «Маданият» атамасини илк бор қайси мутафаккир фанда қўллаган-лигини аниқланг?

а) Марк Порций Катон «Агрикола» («Дехқончилик ҳақида») асарида;

б) Эдуард Бернетт Тейлер «Ибтидоий маданият» асарида;

с) Марк Тиллий Цицерон «Нутқ маданияти» асарида;

д) Эркин Юсулов «Маънавият ва жамият тараққиёти» асарида;

е) Жондор Туленов «Ҳаёт фалсафаси» асарида.

15. Сиёсий маданиятнинг рамзий қисми деганда нимани тушунасиз?

а) сиёсий-маданият қадриятлар, мифлар, хулқ-атвор андозалари;

б) дунёқараш ва фуқаролик даражаси;

с) давлат рамзлари (герб, мадҳия, байроқ), миллий байрамлар ва давлат маросимлари (Наврўз байрами, Президент қасамёди ва х.к.);

д) меъморчилик мажмуалари (Оқсарой), тарихий шахслар (Амир Темур);

е) с ва д жавоблар тўғри.

16. Сиёсий маданиятнинг функцияларини аниқланг?

а) мослаштириш (идентификация), йўналтириш ва ихтимоийлаштириш функцияси;

б) инсонни шакллантириш, фуқаролик ва қонунга ҳурмат ҳис-туйғусини тарбиялаш функцияси;

с) сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш, бирлаштириш, алоқаларни таъминлаш, жамиятнинг сиёсий тизими ва сиёсий ҳаётини янгилаш, сиёсий тузилишда ва сиёсий ҳаётда ворисликни таъминлаш;

д) норматив, тарбиявий, сафарбар этиш, бирлаштириш, репродуктив (такроран яратиш), мафкуравий, ижтимоий тажрибани ўтказиш;

е) а ва с жавоблар тўғри.

17. Сиёсий маданият категорияларини аниқланг?

а) умумий маданият тизимининг муҳим асосий элементи;

б) омманинг давлат сиёсатини билиши, тушуниши, ўзлаштириши ва ҳаётта талбиқ этишининг даражаси;

с) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билим ҳамда ундан фойдаланиш даражаси, сиёсий эътиқод ва онгликнинг теранлик даражаси;

д) сиёсий институтларнинг ривожланганлик даражаси, мавжуд сиёсий тизим, унинг халқчиллиги ва самарадорлигининг даражаси;

е) а, б, с ва д жавоблар тўғри.

18. Сиёсий маданият кадриятларига берилган тўғри таърифни топинг?

а) сиёсий маданият кадриятлари улкан амалий кучга эга: улар одамларнинг сиёсий фаоллигини оширади ва уларни ижобий ишларга сафарбар этади;

б) сиёсий маданият кадриятлари жумласига демократия, плюрализм, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, инсоннинг мажбуриятлари ва ижтимоий жавобгарлиги, унинг ўз қобилияти даражасида умумфойдасига ҳалол меҳнат қилиши сингари кадриятлар қиради;

с) одамларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжини ақс эттирувчи сиёсий кадриятлар ўзига хос жиҳатларига эга;

д) инсон ва унинг дунёқараши, маънавиятини бойитиши, сиёсий билимларни ўзлаштириши, сиёсий тафаккурини шакллантириши;

е) а ва б жавоблар тўғри.

19. Сиёсий маданият нормалари ва жамият ижтимоий институт-лари қандай вазифаларни бажаради?

а) сиёсий маданият нормалари шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг психик жараёнлари ҳамда ҳулқ-атворини шакллантирувчи, ижтимоий жамоанинг тарихий тажрибасини ўзида мужассамлаштирувчи, жамоа аъзоларига нисбатан императив, ижтимоийлаштириш ва назорат механизмлари мажмуи билан таъминланадиган, нисбатан турғун (стереотип) намуналардир;

б) сиёсий маданият нормалари шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади, сиёсий ҳулқ-атвори ва сиёсий фаолиятини акс эттиради;

с) сиёсий маданият институтлари одамлар маънавий-сиёсий ҳаёти ва фаолиятининг сиёсий билимлар, қарашлар, эътиқодлар, ижтимоий фаоллик ва хусусияти, ҳамда сиёсий фаолият даражасини ифодаловчи сиёсий маданият кадриятлари ва нормалари тизимини ўз ичига олади;

д) сиёсий маданият кадриятлари ва нормаларини ҳаётга сингдириш, тадбиқ этиш учун давлат ва унинг идоралари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, маданий оқартув муассасалари ҳамда никоҳ, мерос қолдириш, хусусий мулдорлик, меҳнат тақсмоти каби сиёсий маданият нормалари жамиятнинг ижтимоий институтлари вазифасини бажаради, улар ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғлиқ; аҳолининг барча ижтимоий табақаларига таъсир кўрсатишга интилади; жамиятни бошқариш, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш вазифалари билан бевосита боғланган;

е) а ва д жавоблар тўғри.

20. «Патриархал», «табаалию», «иштирокчилю» сиёсий маданиятларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг?

а) «патриархал» сиёсий маданият аҳолининг сиёсий тизимдан буткул узилиб қолганлиги, у ҳақда ҳеч қандай билимга эга эмаслиги билан ажралиб туради;

б) «табаалик» сиёсий маданиятига хос хусусият одамларда сиёсий тизимга нисбатан ўзига хос боқимандалик патерналистик муносабат устунлик қилади: жамият аъзолари сиёсий тизимдан неъматлар кутади ёки жазодан қўрқади;

с) «иштирокчилик» сиёсий маданиятга фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан саводхонлиги юксаклиги ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши ҳосдир;

д) «патриархал», «табаалик» ва «иштирокчилик» сиёсий маданиятларига индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг маҳаллий ва аънавий сиёсий ҳулқ-атвори сиёсий тизимларининг фаолият кўрсатиш хусусиятлари ҳосдир;

е) а, б ва с жавоблар тўғри.

21. Тоталитар, авторитар ва демократик сиёсий маданиятга хос белгиларни аниқланг?

а) тоталитар сиёсий маданиятда бошқача фикрга, турмуш тарзига нисбатан бағрикенгликнинг мавжуд эмаслиги, келишиш имкониятини инкор қилиш ва можароларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга таяниш, дохийларни илоҳийлаштириш ва уларнинг шахсига сиғиниш, жамият онгида

мифларнинг етакчилик қилиши, ҳокимият билан бирдамликни ҳис қилиш каби белгилар етакчилик қилади;

б) тоталитар, авторитар ва демократик сиёсий маданиятларга хос бўлган хусусиятлар сиёсий жараёнлар давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш шароитларида кечиш ва ривожланишни назарда тутадн, рақобатга асосланган кураш ва ижтимоий можаролар зарур ҳолда куч ишлатиш йўли билан тартибга солинишни тақозо этади;

с) авторитар сиёсий маданият негизда аҳолининг патриархал ёки табаалик қарашлари ётади;

д) демократик сиёсий маданиятта хос бўлган белгилар бошқача қарашларга нисбатан бағрикенглик, можароларни ҳал этишда муроасага келиш йўлларини излашга мойиллик, шахс эркинлиги ва ҳуқуқларнинг дахлсизлигини тан олиш;

е) а, с ва д жавоблар тўғри.

22. Иқтисодий маданият нима?

а) иқтисодий маданият иқтисодий билимлар, тўжорат юритиш билими ва кўникмаларининг ривожланганлиги, иқтисодий таҳлил кўникмаларини, иқтисодий тафаккур ва ўзинга хос ижтимоий сезгиларни (мулк эгаллиги ҳиссини) ўзлаштириш даражасини таърифловчи билимлар, ташаббус-корлик ва тадбиркорлик кўникмалари, ижтимоий сезгиларни инсон-нинг амалий фаолиятида рўёбга чиқариш даражасини очиб берувчи маданият туридир;

б) сиёсий маданият иқтисоднинг мужассамлашган ифодасидир;

с) иқтисодий маданият хусусий мулк ва ишлаб чиқариш муносабатларини тартиблаштирувчи норматив тизимдир;

д) иқтисодий маданият ҳаёт ҳодисаларига бозор нормалари ва қоидалари нуқтаи назардан қарашни талаб этади;

е) иқтисодий маданият, меҳнат маданияти сиёсий маданиятнинг «ўзаги»дир.

23. Ҳуқуқий маданиятнинг тўғри таърифини сннқланг?

а) ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқ соҳасида тўпланган барча қадриятлар мажмуи;

б) ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгнинг нисбатан юксак ва кенг кўламли шаклидир;

с) ҳуқуқий маданият-инсон амалиётининг жамиятда олимларни ижтимоий-ҳуқуқий йўналтириш функциясини бажарувчи нормалар, қадрият, юридик институтлар, жараёнлар ва шакллари ўз ичига олувчи соҳасидир;

д) ҳуқуқий маданият-одамларнинг ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик ижодий фаолият шаклларида бири бўлиб, у ҳуқуқ нормалари, институтларида ва мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилиятида ўз ифодасини топган;

е) ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқий тафаккур, аҳолининг қонунларни билиш даражаси, ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурмат, ҳуқуқ ижодкорлиги, қонунлар, қонунчилик тизими, суд амалиёти ва ҳақозоларни ўз ичига олади.

24. Демократик кадриятларга нималар қиради?

а) бошқарувнинг демократик принциплари ва нормаларининг давлат томонидан эътироф этилиши;

б) асосий сиёсий институтларга нисбатан ишонч, бағрикенглик ва шахслар ўртасидаги ишонч;

с) инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

д) сиёсий ва ижтимоий фаоллик;

е) а, б, с ва д жавоблар тўғри.

25. Сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг тоталитар турининг таърифини топинг?

а) жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётининг принципиал бир хил бўлишига асосланади;

б) турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос мақсад ва манфаатларини очик намоён қилишга йўл қўймайди, уларнинг сиёсий ҳаётдаги танлаш имкониятларини, мулкчилик турини чегаралаб қўяди, муқобилликни инкор этади;

с) ҳар бир фуқаронинг аниқ масала асосида эркин фаолият юритишини, ўзлигини, муқаддас аъёналарини англаш туйғуларини, эзгу орзуларини камраб олади;

д) демократик кадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилади, шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатларидан устун қўяди;

е) а ва б жавоблар тўғри.

26. Сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг плюралистик тури жамиятда қандай шарт-шароитлар яратилганда пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин?

а) мулкчилик турли шакллари, хўжалик юритиш турли усулларининг амал қилиши, иқтисодий фаолиятнинг мустақил субъектлари сиёсий плюрализм учун шарт-шароит ҳозирлайди;

б) жамият ўз ижтимоий структураси ва турли манфаатлари бўйича қанчалик ранг-баранг сиёсий-ҳуқуқий маданият шаклланиши учун шунчалик кўп замин пайдо бўлади;

с) фуқаролик жамияти институтларини шакллантиради, давлатга ўзи зарур, деб ҳисоблаган меъёрлардаги ваколатларни беради, давлат ҳокимиятини тақсимлаш сайловлар асосида амалга ошади, ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳнинг, ҳеч бир сиёсий партиянинг ҳокимиятини на амалда, на юридик

жихатдан ўз монополиясига айлантиришга йўл қўймайди, ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жихатдан шахс эркинлигини таъминлайди;

д) плюралистик сиёсий-ҳуқуқий маданият шароитида демократик мақсадлар фақатгина демократик воситалар, механизмлар ва воситалар ёрдамида амалга оширилади, сиёсий партиялар, гуруҳлар ва жамиятнинг бошқа ижтимоий қатлам анъаналари шаклланади;

е) а, б, с ва д жавоблар тўғри.

27. Сиёсий муҳолифат нима?

а) сиёсий муҳолифат ислохотларнинг муқобил намуналарини таклиф эта оладиган, жамиятни тараққиёт ва янгиланиш йўлига торта биладиган сиёсий кучдир;

б) соғлом сиёсий муҳолифат-фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг омили;

с) сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида ва оммавий ҳаракатларда ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчилар муҳолифатчи шахслардир;

д) сиёсий муҳолифат муқобил муҳолифатдир;

е) парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фойздан камрогини эгаллаган сиёсий партиялар «сиёсий муҳолифат» мақомига эга бўладилар.

28. Сиёсий муҳолифатнинг неча тури мавжуд?

а) ички партиявий муҳолифат муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат.

б) парламент муҳолифат олий қонун чиқарувчи давлат органига сайланган, аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибига қирмайдиган депутатлар ёки сиёсий партиялар фракцияларидан таркиб топади;

с) амалий, яъни соф сиёсий муҳолифат, Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашда йўл қўйилган камчилик, хато ва нуқсон-ларни танқид қилиш билан бирга миллий тараққиёт ва ислохотларнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлни қўллаб-қувватлайди, унинг рўёбга чиқарилишининг муқобил дастурларини тайёрлаб тақдим этади;

д) сиёсий муҳолифат парламентдаги «муносиб ўрин» мақомини олиши мумкин;

е) а, б ва с жавоблар тўғри.

29. Сиёсий партиялар нима?

а) сиёсий ташкилотлар;

б) сиёсий уюшмалар;

с) нодавлат ношароит ташкилоти;

д) жамоатчилик ташкилоти;

е) а ва в жавоблар тўғри.

30. Сиёсий плюрализм нима?

- а) сиёсий партия;
- б) сиёсий уюшма;
- с) сиёсий ташкилот;
- д) сиёсий қарашлар, сиёсий ғояларнинг хилма-хиллиги;
- е) кўппартиявийлик.

31. Иқтисодийёт бу.....

- а) моддий ва маънавий бойликлар яратиш билан боглиқ жараёнлар тизими;
- б) кишилар истиъмолини таъминлайдиган моддий неъматлар;
- с) ишлаб чиқариш билан боглиқ муносабатлар мажмуи;
- д) кишиларнинг иқтисодий эҳтиёжини кондириш;
- е) барча жавоблар тўғри.

32. «Иқтисодийёт» сўзи кенг маънода ишлатилганда

- а) бирор ижтимоий ишлаб чиқариш кучлари ривожининг ишлаб чиқариш муносабатларига мос келиши тушунилади;
- б) муайян ижтимоий тузумнинг базиси тушунилади;
- с) алоҳида субъектнинг иқтисодий муносабатларида катнашиши тушунилади;
- д) иқтисодий тафаккур ва дунёқарашни ўзгартириш тушунча-лари;
- е) а ва в жавоблар тўғри.

33. Иқтисодий маданиятли шахс деганда қандай кишини тушунаси?

- а) иқтисодий билимларга, кенг дунёқарашга эга киши тушунилади;
- б) бойликка, шухратпарастликка берилмаган инсон ҳақида тасаввур пайдо бўлади;
- с) иқтисодий жараёнларни олдиндан кўра биладиган, тажбиркор, ҳалол ва ҳаромни ажрата оладиган кишилар тушунилади;
- д) иқтисод ва сиёсатни тушунадиган кишини;
- е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

34. Сиёсий фаолият деганда.....

- а) давлатнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро, иқтисодий, сиёсий, маъ-навий алоқалари йиғиндиси тушунилади;

b) турли партияларнинг омма олдидаги тарғибот-ташвиқот иш-лари тушунилади;

c) давлатнинг халқ манфаати, юрт тинчлиги учун юритадиган фаолияти тушунилади;

d) сиёсий фаолият қудратли кучдир;

e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

35. Ҳуқуқий онг деганда

a) фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ҳис эта олиши тушунилади;

b) ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳужжатлари муҳокамасида ўз фикрини билдириши тушунилади;

c) ҳуқуқий нормалар мажмуи тушунилади;

d) маънавиятни, ҳуқуқнинг юксаклиги тушунилади;

e) a ва b жавоблар тўғри.

36. Ҳуқуқий тарбия.....

a) фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир;

b) ёш авлодга Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларни ўргатиш;

c) фуқаролар ўртасида ҳуқуқий нормаларни тарғиб қилиш жараёни;

d) қонун-қондани ўрганиш;

e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

37. Ҳуқуқий маданият бу

a) фуқароларнинг ҳуқуқий онглилик даражасини ошириш;

b) амалдаги ҳуқуқий нормаларга риоя этиш;

c) давлатни фуқаролар ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлар мажмуи;

d) ҳуқуқий онг ва тафаккурни юксаклиги;

e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

38. Ҳуқуқий онг даражаси кўпроқ нималарга боғлиқ?

a) ўз ҳуқуқларини билишга;

b) қонунларга итоаткорликка;

c) қонунларни билишга;

d) ҳуқуқий атамаларни билишга;

e) ҳуқуқий маданиятга.

Интеллектуал тренинг

1. Фуқаролик жамиятининг сиёсий-асос белгисига изоҳ беринг.

№	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш сиёсати	Кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, ОАВни эркинлаштириш ва ҳ.к.

2. Демократик фуқаролик жамияти қуришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрнини изоҳланг.

№	Ҳуқуқий онг	Ҳуқуқий нормалар	Ҳуқуқий таълим-тарбия
1	2	3	4

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг долзарб масалалари билан боғлиқ қуйидаги тушунчаларнинг лугавий маъносини изоҳланг.

№	Демократия	Демократия меъёрлари	Демократик тамоиллар	Фуқаролик жамияти	Маҳалла	Ўздавлат нотажорат ташкилотлари	Жамоат бириктирилари	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9

4. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг hozirgi bosqichida demokratiyaning kandaй asosiy tamoyillariga tayanilishini taъkidlang.

№	Тамойиллар
1	2

5. Жамиятда демократия кай даражада эканлигини белгилловчи мезонларни таъкидlang.

№	Демократик мезонлари
1	2

6. И.А.Каримовнинг «Мустақиллик - бу ҳуқуқдир» деган ғоясини ёзма равишда изоҳлаб беринг.

№	«Мустақиллик - бу ҳуқуқдир ...»
1	2

7. Фуқаролик жамиятининг барча йўналишлари билан боғлиқ сиёсий тизим ва сиёсий етакчи вазифаларини изоҳlang.

№	Бош вазифа	Интегратив ва регулятив вазифалар	Сиёсий маданият	Сиёсий етакчилик фаолияти	Сиёсий етакчи вазифалари таснифи
1	2	3	4	5	6

8. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ёзинг.

№	Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти мақсад-вазифаси	Миллий истиқлол мафқураси	Умуминсоний демократик тамойиллар	Миллий руҳ, онг ва тафаккур, сиёсий ва ҳуқуқий маданият
1	2	3	4	5

9. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантириш-да сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамиятини ёзма равишда тушунтириб беринг.

№	Сиёсий рақобат ва демократик сайловлар	Сайлов ва ОАВ	Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари	Сайлов маданияти	Сайловлар устидан жамоатчилик назорати
1	2	3	4	5	6

10. Фуқаролик жамиятида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.

№	Сиёсий онг моҳияти ва мазмуни	Ўзбекистон фуқароларининг онгида эски шўро қадриятлари ва янги демократик қадриятларнинг ўзаро нисбати	Ўзбекистон жамиятининг сиёсий онги ва менталитети
1	2	3	4

11. Ўзбекистон фуқаролари сиёсий онгини юксалтиришга оммавий ахборот воситаларининг таъсирини қайд этинг.

№	ОАВнинг таъсири: имкониятлар ва чеклашлар	ОАВнинг бугунги аҳоли: таъсир салоҳияти	Аҳоли ОАВ ҳақида: идрок ва ишонч муаммолари
1	2	3	4

12. Фуқаролик жамияти шакллантириш Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг асосий омили эканлигини ёзинг.

№	Сиёсий ва иқтисодий маданиятнинг бирлиги	Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбати: қадриятлар ва қарашлар	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва истиқболлари
1	2	3	4

13. Сиёсий соҳадаги манфаатларни аёқ эггирувчи институтлар ва тузилмаларни бирма-бир қайд этиб, изоҳланг.

№	Ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги	Сиёсий партиялар	Ижтимоий - сиёсий ҳаракатлар	Соғлом сиёсий муҳолифатнинг мавжудлиги	Инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар
1	2	3	4	5	6

14. Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий маданиятнинг ўрнини таърифланг.

№	Ҳуқуқий маданиятга ҳос ҳусусиятлар	Шахс ҳуқуқий маданиятини тавсифловчи жиҳатлар	Ҳуқуқий кадриятлар	Ҳуқуқий нормалар
1	2	3	4	5

15. Ижтимоий-ҳуқуқий маданиятнинг таснифини ёзма қайд этинг.

№	Парламент маданияти	Қонунчилик маданияти	Қону ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш маданияти	Одил судлов маданияти	Фуқаронинг ҳуқуқий маданияти
1	2	3	4	5	6

16. Миллий рух, онг ва тафаккур, дунёқараш, сиёсий ва ҳуқуқий онг ўзгариши фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг бош омили эканлигини изоҳланг.

№	Миллий рух	Миллий онг	Тафаккур	Дунёқараш	Сиёсий ва ҳуқуқий онг	Ўзбек менталитети
1	2	3	4	5	6	7

VIII боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

8.1. Мафқуравий-маънавий ва ахлоқий тарбия асослари


Маълумки, ҳар бир шахс ўз Ватанининг бир парчаси, ўз миллатининг вакилидир. Ижтимоий ҳаётда шахс бўлишнинг ўзи бир қобилият, яъни шахс деган талабга жавоб бера олиши лозим. Миллий ғоя ва миллий мафқуранинг асосий мақсади - қомил инсонни тарбиялаш. Қомил инсон эса бу - озод, эркин фикр юритувчи шахс. Эркин шахс ўзининг маънавияти, эътиқоди, билими, тажрибаси ва орзу-ниятларига, мақсадларига эга бўлади. Шахс - ўзининг маънавий қиёфасига эга бўлган конкрет инсон. Инсонда эса озиқ-овқатга, кийим-бошга, турар жойга, иккинчи жинсга ва шунга ўхшаш қатор табиий эҳтиёжлар бўлади. Агар бу каби табиий эҳтиёжлардан бирортаси қондирилмаса, инсон зоти ҳалокатга юз тутади. Миллий ғоя ва миллий мафқура ҳам инсоннинг табиий эҳтиёжига, иймон-эътиқодига, дунёқарошига айланмас экан, бундай ғоя ва мафқуранинг замини ночор ҳамда амалий аҳамияти пуч бўлади.¹

Миллий ғоя ва миллий мафқура инсоннинг қалби, онги ва шууридан мустақкам ўрни олиши лозим. Ана шунда ишончли, ҳаётий ва умрбоқий бўлади. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш - пировард мақсадимиз ғояси, Бош миллий ғоямиз бўла олади. Бу ғоя ўзининг теранлиги, кўламининг кенглиги, ҳаётбахш ва ишончлилиги билан одамлар қалбига кириб бора олади. У қундалиқ амалий фаолиятда ўз ифодасини топмоқда. Жамият ривожига ўз таъсирини кўрсата олади. Омmani уюштириш, бирлаштириш, тараққиётга даъват эта олиш бу ғоянинг мазмун-моҳиятига сингиб кетган. Унда инсоннинг, иймоннинг муқаддаслиги тўлиқ акс этган. Шунга кўра миллий ғоя ва миллий мафқура ихтиёрий, шунчаки ташлаб кўйилган ёки аксинча мажбурий бўлмай, шахс эҳтиёжига айлансагина ўз самарасини беради. Бу - ўзига хос узлуксиз ва бир-бири билан изчил боғланган жараён ҳисобланади. Демак, миллий ғоя миллий мафқуранинг ўзагини ташкил қилади. Миллий ғоя ҳар бир шахснинг, халқнинг ўзлигини англаувчи, миллий туйғуларини, ориятини уйғотувчи фикрлар мажмуидир. Миллий ғоя ватанпарварликка таянади. Ватанпарварлик эса инсоннинг ўз ватанини қандай кадрлашига боғлиқ. Шунга кўра миллий ғоя шахснинг ёки бир бутун халқнинг миллий манфаатларидан, эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Президентимиз жамият мафқурасини қандай тушунасиз, деган саволга қуйидагича жавоб берган: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқароши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Отамурадов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. -Т.: Akademiyа, 2005, 23-101-бетлар.

1-чизма. Миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг мазмун-моҳияти



кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир гоёни мен жамият мафқураси деб биламан».¹ Ўзининг аниқ мақсадига эга бўлган Бош гоёмиз келиб чиқадиган миллий мафқура мамлакатимиз халқларининг руҳини, ҳис-туйғусини, миллий гурур ва ифтихорини, орзу-ниятларини муҳассамлаштирадиган етук гоёвий кучдир. Инсон жисмида митохондрия, тирик хужайра таркибининг энергия ва куч манбаи бўлиб хизмат қилганидек, юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Жамиятимизнинг мафқураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-гайрат манбаи бўлиши лозим».²

Бугунги кунда мафқуравий кураш халқаро ва давлатлараро миқёсда давом этмоқда. Президентимиз айнан шунга асосланиб, «Мафқура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир»³, деди. Юртбошимиз ўз фикр-қарашларида энди курул-яроқлар билан эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, гоёга қарши фақат гоё»⁴ билан курашиб олға бориш сари даъват этади. Дарҳақиқат, фикр айнан фикр орқали кучсизлантирилади, фикр орқали бошқарилади.

Маънавиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири тафаккурни трули хил мафқуравий тазйиклардан ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу билан бирга, айниқса, ёшларни миллий ривожимизга ёт бўлган мафқуралар оловиغا берилиб кетишдан сақлашга қаратилган.

Мустақиллик эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир. Озод, эркин инсоннинг ўз фикри, овози бўлади. Шунинг учун у доим нишонда туради. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги қай даражада таъмин этилганлиги муайян мамлакатнинг нуфузини белгилайди.

Ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш сари бораётган мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари мафқуравий-маънавий ва ҳуқуқий тафаккурини тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ равишда амалга ошади. Конституциямизда белгилаб қўйилган қонунларни ўрганиш, унга амал қилиш ва уни тарғиб қилиш вазифаси янги аср шахсини мафқуравий-маънавий ва ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида мафқуравий-маънавий ва ахлоқий тарбиянинг асоси оиладан бошланади. Аниқроғи, болаларнинг, оиланинг, умуман, ҳаётимизнинг маънавий-руҳий ҳолатини, мафқурасини ота-она, айниқса, аёл маънавияти, ахлоқи билан чамбарчас боғлаш мумкин. Тарбиялаш жараёнида аёл ниҳояда юксак ўрин эгаллайди, айни чоғда унинг масъулияти марказий ўринда туради. Бинобарин, аёлнинг қиладиган ишлари ўзига хос, имкониятига мос бўлмоғи керак. Шунингдек, аёл она сифатида

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 89-бет.

² Ўша жойда, 92-бет.

³ Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 6-7-бетлар.

⁴ Каримов И. А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 10-бет.

бола тарбиясини мукамал адо этиши, уй бекаси сифатида оиланинг маънавий, рухий, гигиеник салоҳиятини ушлаши ва таъминлаши лозим. Булар аёлнинг, умуман, ота-онанинг бурчи, ҳаётдаги асосий вазифасидир.

Демак, ота-она ўз оиласида соғлом маънавий муҳитни яратиши, чунончи, игво, фитна, тухмат каби маънавиятта зид иллатларни сидириб ташлаб, оила руҳиятини самимийликка йўғрилтириши лозим. Умуман айтганда, ўз ақл-идроки билан бошқа жонзотлардан устун бўлган инсон одамларга нисбатан фақат самимий муносабатда бўлиши керак. Инсон ҳар хил вазиятда қолиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўзининг инсонлигини кўрсатиши лозим.

Инсон ўз иродаси билан хулқ-атворини бошқариши зарур. Инсон ўзини-ўзи бошқарар экан, авваламбор, чуқур мулоҳаза юритиши керак. Ҳар бир одамнинг қўнғлидаги истаги ўзига ҳосдир ва бу истақ бошқа одамга, жамиятга мос тушадими ё, аксинча, мос бўлмайди, буни таҳлил қилиши, мустақил фикр юрита билиши, уни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилиши керак. Агар инсон мафқураси иймон-этиқодга асосланган муносабат воситасида самимийлик, умумбашарий ахлоқ меъёрлари билан суғорилса, жамият орзу қилган маънавий муҳит юзага келади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ҳаётимизга кириб келиши билан кўп аёлларимиз ўқитувчилик, шифокорлик ва бошқа касбларни ташлаб тижорат билан шуғулланыптилар, энг ачинарлиси - бола тарбиясига путур етаяпти. Зотан, асосий сабаб моддий таъминот ва иқтисодий қийинчиликлар туфайли бўлсада, энг кучли қийинчилик келажакда бўлиши мумкин, чунки бола билимсиз, тарбиясиз бўлса, эртанги кунда оила, жамият, қари ота-она азият чекади, бугунги олинган даромад, эртага зарар келтириши мумкин. Албатта бунга жамиятдаги нохушликлар ҳам сабаб бўлади. «Занфа» деб аталган аёлларимизнинг 50-80 киллограмм юк кўтариши, уй-рўзгор юмушларига, ўзига, зрига, фарзандига ва бошқа ишларга кунига бир соатдан вақт ажратиши - жамият учун фойдадан кўра кўпроқ зарар етказди.

Ўз манфаати, оиласининг моддий таъминоти учун хизмат мавқенин суниистеъмол қилувчиларни ҳалол кадрлар билан алмаштириш муҳим аҳамиятга эга, айниқса, мактабгача болалар муассасаларидаги раҳбар ва тарбиячиларнинг ўрни тарбияда тоза ахлоқий замин яратувчи бўлиши керак. Тарбия ўчоғида Миллий истиқлол ғояси талабларини ўзига сингдирган, болалар ҳақидан қўрқадиган, болаларни севадиган одамлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Жамият таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи-педагоглар фаолиятининг моҳиятини баркамол, жамият тараққиётига хизмат қиладиган маънавий соғлом авлодни тарбиялаш вазифаси ташкил этади.

Баъзи социологик тадқиқотлардан «Сиз ватанпарвармисиз?» деган сўровларнинг шохиди бўламиз. **Инсон қачон ўзини ватанпарвар, юртпарвар деб ҳис этади?** Агар инсон иймонли бўлса, ўзлигини тушунса, ўз ўрни, ўз вазифаси, бурчини сезса, инсонийлигини тўлиқ тушунса, шундагина ватанпарвар деб аташ мумкин. Ватанпарварлик асоси ўзлигини тушуниш, ўз Батани, оиласи, яқинларини ҳимоя қилишдир.

Инсонийлик замирида одам ўзаро муносабатда энг яхши ахлоқий хусусиятларини, хушхулқликни мужассам этиши, садоқатни хиёнатдан ажратиши, диёнатни виждонсизлик, инсофсизлик, таъмагирлик, порахўрликдан қолқиб олиши, гўзал фазилатлар, самимийликни қарор топтиришга аҳамият бериши даркор.

Талаба-ўқувчилар ёшлигидан маънавий-ахлоқий, диний билимни эгаллаши лозимки, ёвуз сиёсий кучлар улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмасин, дин юксак ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимидаги каби маънавий шаклланишда тарбия негизи бўлсин. Бунда дунёқарашнинг маънавий ривожда чегаравий счим кўрсатмалари орқали инсонни фикрий шакллантиради, маънавий жиҳатдан бойитади, ўзлигини тушунишда, жамиятдаги ўз ўрнини топишда яхши, ёмон хислатларни ажратишда ёрдам беради. Инсон ҳаётида ўз мақсад ва вазифаларини теран англаш, ўз қобилияти, имконият даражаларини билиши, ўз кучига ишониб, мустақил фикрлаши ва мақсад сари интилиши керак.

Инсоннинг ҳақиқий чиройи, гўзаллиги ахлоқий асос билан ифодаланади (1-чизма). Тасвирдан яққол кўриш мумкинки, ахлоқий асос, одоб (шарм-ҳаё), цивилизация (меҳрибонлик, раҳмдиллик) ва диёнат (садоқат, иззат-ҳурмат) каби йўналишларга бўлинади. Инсоннинг табиати ўзидан кучли ҳаётий замин қидиради. Маънавий жиҳатдан ҳам меъёр, чегара бўлиши керак.

Демократик қонуниятлар асосида эркин ва ҳурфикрларни жамият ҳаётига, умуминсоний ахлоқ меъёрларига ҳавф-ҳатар солиб, ўзгартириш эмас, балки ривожлантириш йўналишидан бориши керак. Шу асосда жамият ҳаётидан салбий кўринишларни, тараққиётга қарши кучлар, тўсиқ-камчиликларни синдириб ташловчи назарий жиҳатдан кучли бўлган, услубий ва амалий жиҳатдан ҳаёт тарзига қулай ва тез сингадиган мафкуравий, ахлоқий андоза яратиш мумкин.

Ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга инсон ақдан ёндашиши, тўғри идрок қилиш ва изоҳлаши керак, зеро, бунда фақат иймон-эътиқоди, дунёқарашин ёрдам беради, натижада шахс ўзлигини тушунади, ўз ўрнини Ватанда, жамиятда, оилада кўради. Миллий ўзлик, миллий ғурур тушунчаларини тўлақонли идрок қила олади.

Миллий ўзлик инсон тафаккурида янгича тушунча бўлиб, ўз мазмун-моҳияти билан одам маънавиятини изоҳлайди. У инсондаги иймон-эътиқод билан ҳамоҳанг тарзда, жамият ҳаётида мафкурани ифодалайди. Ҳаётда учрайдиган нохушликлар, иш жараёнидаги нуқсонлар, маданиятга путур етказадиган одатлар, одамлар дунёқарашида ўрнашиб олган камчиликларга нисбатан миллий ўзлик шаклланиши, зотан, у иймон-эътиқодга суяниши, миллий ғурур ва шарафи билан уйғунлашади. Ҳаёт шароитлари, фаолият жараёнлари туфайли одамлар турли фикр, ахлоқ, тарбия, дунёқараш, характер, одат, дин ила бир-биридан фарқ қилади. Бунда уларни манфаат эмас, балки иймон-эътиқод яқдиллиги бирлаштиради, миллий ўзлик орқали жамият умумлашади. Демак, миллий ўзлик ахлоқий асоснинг бир бўлаги сифатида кўриниши мумкин.

Миллий ўзлик инсонни ўз юртининг эгаси, хўжайини сифатида ҳис қилдиради.

Миллий ўзлик ўз Ватанини танишни, уни кўпорувчилардан, хиёнаткорлардан асрашни тақозо этади.

Миллий ўзлик ўз вазифасини тўла ва сидқидиллик билан бажаришга ундайди.

Миллий ўзлик ўз-ўзини бошқарув ва ўз-ўзини назорат қилишга етаклайди.

Жамият ҳаёти адолатли, одилона бўлиши учун рухий, ахлокий, инсоний ва моддий жиҳатлар баркамол бўлиши лозим. Лекин, минг афсуски, кишилик жамияти турли даражадаги фикр, билим, дунёқараш, тушунчалар, яъни маънавияти ҳар хил бўлган одамлардан ташкил топган. Зеро, ҳаётда турли тоифадаги кишилар бор. Булар:

1) маънавиятли - иймонли одамлар;

2) ўзини маънавиятли қилиб кўрсатадиган, лекин маънавиятни ҳаёт тарзига тўла сингдирмаган (иймони суст) одамлар;

3) маънавиятга эътиборсиз, ўз «дунёси» билан банд бўлган (иймонсиз) одамлар;

4) таъсир қилиб бўлмайдиган, маънавиятсиз (иймонни тушунмайдиган) одамлар;

5) садистлар, ўта шафқатсиз инсонлар.

Биринчи типдаги одамлар туфайли дунёда яхшилик, ҳалоллик, адолат, одамга муносиб бўлган ишлар, фазилатлар, ҳис-туйғулар учрайди, қадрланади. Бошқа турдаги одамлар эса маънавиятнинг бузилишига олиб келадилар.

Иккинчи хил - иймони сустлар ўзини маънавиятли қилиб кўрсатадиган одамлардир, лекин улар ҳаётини масалаларда жуда кўп янгилишадилар, нафс ва манфаат олдида чекланиб, пора, зулм, ўзганинг ҳақиқа хийнат каби нуқсонларни намойиш қилишлари мумкин. Бундан шу тоифадагилар тасарруфидаги одамлар ҳам шикастланиши кутилади.


Учинчи турдаги кишиларнинг ўз «дунёси», «фалсафаси» бўлиб, уларнинг ғояси қандай бўлмасин, фақат ўз манфаати ва мафқурасига асосланган. Улар жамиятни захарлашга олиб келади, уларнинг муносабат, муҳит доиралари носоглом бўлади.

Тўртинчи хил одамлар жамият учун хавфли ҳисобланади, уларнинг таъсирида инсониятга зид ишлар, ўзаро душманларча муносабат вужудга келади. Улар инсонга хос маънавиятдан жуда узоқда бўлганликлари учун уларга мансуб жамият тубсиз жарликка қулайди.

Бешинчи тоифага кирувчи одамларни ваҳший ҳайвон билан таққосласа бўлади. Ўз ҳузури, манфаати ёки эрмак учун кишиларни ер юзидан йўқ қилишга рози бўлган фашистлар, гитлерчилар билан шуғулланувчи, ер юзидаги кўп ваҳшийликларни, геноцид деб аталмиш ёвузликларни уюштираётган ва шулар асосида фақат манфаат ётган «бизнесда» қатнашаётган одамлар шу тоифага киради. Минг афсуски, дунёда ҳозирги кунда бундай кучлар янада кучли илдириш отмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир соҳада олға бориши учун фақат асосий бир интилиш - иқтисодийёт билан бирга маънавийатни юксалтириш йўлида курашиш, яъни ҳамма, бутун юрт аҳли инсонга мос, инсонга лойик чўққига - иймон чўққисига чиқиши. «Ватанни севмоқ - иймондандир» деган ғовий шнор билан юртимизнинг маънавий тараққиётини таъминлаш учун кайгуриши зарур. Иймонли одамлар хиёнат қилмайдилар, садоқатли,

1-чизма. Ахлоқий асос ифодалари



ваганпарвар, лафзли бўладилар. Билакс, ёлгончи одамлар эса субутсиэ, ваъдабоз, хиёнаткор бўладилар.

Ҳар бир инсон ўз маслагига мос деб билган диний илми олиши, уни ўзлаштириши, жамият таъмағирлик, юлғичлик, алдамчилик, порахўрлик, сингари жиноятлардан холис бўлишга олиб келади. Бола тарбияси учун таълим-тарбиявий асос, муҳит, шароит бўлмоғи лозим. Катталар эса тарбия тизимини бузмасликлари, ўзлари имконият даражасида ибрат бўлмоқлари даркор.

Тарихни тузатиш, ўзгартириш эмас, балки унинг таҳлили асосида бугунги кун ҳаётида нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, гоёвий баркамоллик, илмий тараққиётга йўл очиш муҳим вазифалардан биридир.

Мафкура шаклланишида, ижтимоий-маънавий билим беришда педагогикадаги: а) тушунтириш; б) намуна, ўрнак бўлиш; в) насиҳат, ўғит бериш; г) жазолаш каби усуллар оркали таъсир қилинади.

Лекин ҳаёт тарзига тез сингишида ўргатиш, тушунтириш, намуна бўлиш, тажрибада кўрсатиш, нечоғли фойдали ва яхши эканлигини изоҳлаш каби усуллар юқори самара беради.

Бинобарин, миллий истиқлол гоёси инсон ахлоқ-одатларининг шаклланишида, албатта, қўлланилаётган усуллардан умумлаштирилган ҳолатда берилади. Яъни, ҳар бир ҳолатда инсон фаолият жараёнини таҳлил қила билиши, унинг меъёр ва чегараларини ҳисобга олиши зарур. Жамият қўяётган талабларни инсонлар тушуниши, ўз дунёқарапшларини шакллантириши, ҳаёт мазмунини таҳлил қилиши лозим.

Демак, шахснинг мафкуравий-маънавий ва ахлоқий тарбиясида авваламбор, инсон ахлоқий асосни яратиши ва бунда иймон-эътиқодли бўлиши, ўзлигини тушуниши, инсонлигини ҳис қилиш, мустақил фикр юритишга ўрганиши, атрофга сямимий қараши лозим.

8.2. Фуқаролик жамиятида маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятларнинг ўрни

Дарҳақиқат, маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятлар фуқаролик жамияти ҳаётини адолатли ва инсонпарвар қилишга хизмат қилади. Зеро, юксак маданиятликнинг кўринишларидан бири инсонларнинг худбинликдан, очкўзликдан, боқимандаликдан, текинхўрликдан, бировларнинг ҳақиқига кўз олайтиришдан қутулиб, ота-она, қариндош-уруғдан ташқари эл-юрт, жамият манфаатларига хизмат қилишидир. Маънавий маданият – фуқаролик жамиятида барча инсонларнинг ўзаро ҳурматда, бир-бирларига ғамхўрлик билан яшашини тақозо этади.

Шу маънода маънавий маданиятни инсонлар онгида, қалбида ҳуқуқий ва диний маданиятни шакллантиришнинг назарий-методологик асоси деб ҳисоблашимиз мумкин. Айниқса, бозор иқтисоди шароитида, хусусий мулкни сақлаш ва қўнайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни тақсимот қилиш, фойда орттириш ва даромадларни тақсимлаш жараёнида инсонлар

фақат ўз фойдасини кўзлаши билан чекланмай, ўзгалар, барча одамлар манфаатини ҳам кўзлаб иш туттиш учун юксак маънавият, иймон, инсоф, адолатпарварлик туйгуларини барча фуқароларимизда шакллантириш талаб қилинади. Фуқароларимиз моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш қилдиятини ташкил этиш ва ўзаро маносабатларни йўналтиришда маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятларнинг аҳамияти жуда каттадир. Зеро, маънавий ҳуқуқий ва диний маданиятлар бозор иқтисодий муносабатлари ва айни пайтда давлат ва ҳуқуқ, дин ва сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бормоқда. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели», жамоатчилик муносабатларини демократлаштириш, мустақил жамият ривожланишини юксалиш босқичларининг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилди. Шуларга кўра, республика фуқароларининг ҳаёти ва меҳнати билан боғлиқ маънавият масалаларига эътибор қўйди.

Аҳолининг маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятларининг алоқадорлигини адолатли фуқаролик жамияти қуришда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда жуда катта аҳамият касб этади.

Маънавий маданиятнинг таркибий қисмида инсон билими, маърифати, диний ва ҳуқуқий тушунчалари катта аҳамият касб этади. Халқимиз орасида маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятни ривожлантирмай, одамларнинг ижтимоий ва онгли фаоллигини оширмай туриб, адолатли фуқаролик жамияти қуриб бўлмайди. Халқимизнинг диний ва ҳуқуқий маданияти, бурчлари тарихан маънавий маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Энди инсон маънавиятининг икки омиллини янги жамият, янги шароитда янгидан ташкил этиш ва ривожлантириш замон талаби бўлиб қолди.

Муайян халқнинг ўтмишини, этник хусусиятларини кўздан кечирадиган бўлсак, дин ва ҳуқуқ, миллий ҳаёт ва маданият ўртасидаги ўзига хос алоқадорлик намоён бўлади. Дин маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида узок йиллар давомида инсонлар ҳулқи асосини шакллантириб, ижтимоий муносабатларга, аҳолининг хўжалик ва манший ҳаётига таъсир этиб келди. Маълум бўладикки, шариат мусулмон олами аҳолисининг диний-ҳуқуқий ҳаётининг маънавий кўзгусидир. Ҳуқуқий маданият миллий ўзлигини англаш, замонавий ҳуқуқий тафаккур, мамлакатимиз тараққиёти тамойилларини тушуниб етиш, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги, адолатли суд тизимини шакллантириш, қонунбузарликка муросасизлик, олий мақсадга йўналтирилган давлат қонунчилигига эътиқод, Ўзбекистон Республикаси сиёсий йўналишини қўллаб-қувватлаш қабиларни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз мамлакатининг Конституцияси ва қонунларини билиши, ҳурмат қилиши, унга бўйсунуши ва турли хил ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси қонунчилик бузилишининг олдини олишда, жамоатчилик тартибини сақлашда қатнашиб, демократик давлат ҳуқуқини химоя қилади ва бу билан ўзининг ҳуқуқ ҳамда эркинлигини ҳам химоялайди.

Ҳозирги кунда қонунчиликни мустаҳкамлаш давлат ва жамиятимизнинг ҳаётий эҳтиёжидир. Шунини таъкидлаш жоизки, жамиятдаги қонун юксаклиги сиёсий, диний, маънавий, маданий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. Лекин бу боғлиқлик ҳам, ўз навбатида, ҳуқуқ маданиятининг устувор бўлишини, одамларнинг мустақиллик гоёси ва миллий мафқурасига содиқ ҳолда ўз маънавиятини юксалтиришни талаб этади. Маънавиятни ташкил этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, бу жараёнда маънавиятнинг бир омили иккинчисининг ўрнини босмайди, улар фақат бир-бирига таъсир қилади ва тўлдиради. Масалан, дин давлатдан ажралган бўлса ҳам, шариат қонунлари ва турли ақида ҳамда одатлар одамлар онгига, маънавиятига сингиб кетган. Шариат меъёрлари одамларни гуноҳ ишлардан тийиб туради. Диний маданият ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий маданиятта зид келмаслиги, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилиши керак.

Ислом дини шариатида зикр этилган инсонпарварлик гоёлари инсоннинг ҳуқуқий ва маънавий маданиятидан ўрин олиши мумкин. Диний маданият ва диний ташкилотлар билан боғлиқ барча муаммолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида белгиланган. Дунё микёсида юз бераётган воқеалар шундан далолат берадики, диний ва ҳуқуқий маданият бошқа, диний экстремистик ниятлар бошқа. Диний экстремизм ҳуқуқий маданиятни ҳам, диний маданиятни ҳам бир йўла инкор этувчи, маънавий жиҳатдан таназзулга учраган халқаро қўпоровчилик ҳаракатидир. Унга қарши курашда фуқароларнинг ҳуқуқий ва чинакам диний маданиятлари яққол кўзга ташланади.

Ҳуқуқий маданият фуқаролар ҳаётининг тўғри ва истиқбол сари йўналишини таъминлайди.

Ҳуқуқий билим аҳоли ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасида: оилада, мактабда, олий ўқув юртлирида, мамлакатнинг меҳнат ва бошқа жамоаларида ўқитилиши керак.

Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиш жараёни мураккаб ва зиддиятли, жамиятнинг турли табақаларида, алоҳида ижтимоий гуруҳ, шахсларда изланишлар олиб боришни талаб қилади.

Ҳозирги Ўзбекистонда янги тарихий шароитларда тинчлик, осойишталик, сиёсий барқарорлик, миллий тотувлик ҳукм сурмоқда. Бундай тинчлик ва барқарорликка эришишнинг шартлари ва кафолатларини Президентимиз И.А. Каримов бундай баён қилган эди:

«... ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қондаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яққодоқимлиги янгилянган жамиятга ёғдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, Ёлғон ва риёкорликдан покланнишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом - ота-боболаримизнинг дини - мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир».¹

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммо ва режалар. Т. I. –Т.: Ўзбекистон, 26-27-бетлар.

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш учун бир қатор амалий вазифаларни - ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, тарбиявий вазифаларни ҳал этиш зарур. Жамиятимизнинг маънавий покланиши жараёнида давлатимиз виждон, эътиқод эркинлиги соҳасида илгари йўл қўйилган кўпол хатоларни тузатишга қаратилган бир қанча янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилди.

Дин ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси ва таъсири, фуқаро муносабатларини бошқаришнинг ўзига хос томонларини англаб етиш даркор. Маълумки, маънавий маданиятда жамият аъзоларига адолатли, ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини қуришга ёрдам берадиган миллий анъаналарга алоҳида аҳамият берилади. Аҳоли ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига диний маданиятнинг турли унсурлари қандай таъсир этаётганлиги, бошқа томондан дин ва ҳуқуқнинг ўзаро ҳамкорлиги, шахснинг маънавий қамолотида диний кадриятларнинг ўрни хусусида аниқлик киритиш зарур.

Ҳозирги маънавий аниқланиш даврида дин ва шариат маънавий ҳаётда муҳим кадрият сифатида тан олинмоқда. Чунки, фуқароларимизни пок виждонли, иймон-инсофли қилиб, коррупция, порахўрлик, юлғичлик каби ижтимоий иллатларни қораловчи, ҳалол ва ҳаромни фарқловчи, маънавий пок қилиб ўстириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда, демократик ҳуқуқий давлат негнзида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мустақкамлашда, соғлом ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий меъёрлар асосида бошқариш ва тарбияга солишда, фуқароларимизнинг бунёдкорлик фаолиятини, яхши тилак, ниятларини юзага чиқаришда, соғлом ахлоқ меъёрларини белгилашда дин ва шариат кадриятларидан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш эҳтиёжи янада ортимоқда.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги, ўзаро алоқадорлиги муаммоларини ўрганиш адолатли бошқариш тамойилларини, ҳуқуқий меъёрлар ва қонунларни ишлаб чиқишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Айни вақтда ўтмишдаги бой маънавий маданият хазиналаридан фойдаланиш - мураккаб иқтисодий шароитларда ҳам ҳалол ва пок яшаш, шариат ҳукмлари билан бойитилган қонунларга барча фуқароларнинг бирдай, тенг амал қилишини таъминлайди. Чунки, шариатда қонунга бўйсуниш, уни ҳурмат қилиш, қонунбузарларни адолатли жазолаш, ўз айбига сидқидилдан иқдор бўлиш, айбини бўйнига олиб, тавба-тазарру қилганларни кечирish каби ижтимоий адолат талаблари минг йиллар давомида халқимизнинг онгига сингиб, миллий маънавий кадриятларга айланган.

Шу маънода ҳуқуқ ва ислом шариати - фикҳ фанларининг ўзаро муносабатлари - ҳозирги ҳуқуқшунослик, диншунослик, ижтимоий фалсафа ва унинг қисми - этика, ахлоқшунослик маънавият асослари фанларининг муҳим муаммоларидан ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишида маънавий маданият муаммолари, айниқса, бой маънавий меросга таяниб

хукукий маданиятни ошириш, миллий хукукий маданиятимизнинг шўролар тузумидаги хукукий маданиятдан жиддий фаркланишини халқимиз онгига етказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жамият хукукий маданиятини оширишда мустақил давлатимиз афзалликларидан самарали фойдаланиш мумкин. Собик Совет Иттифоқи даври мафкураси барча соҳаларда ҳар бир республика аҳолисининг миллий маънавий қадриятларига, айниқса, шариат хукуқига доир маънавий меросни ўрганишга йўл бермас эди.

Бизнинг фикримизча, мустақил, миллий давлатчилигимиз шароитларида виждон, эътиқод эркинлиги ва диний жамоат ташкилотлари концепцияси қайта кўриб чиқиляётган вақтда диний ташкилотларга ва халқ ҳаракатларига, шунингдек, айрим дин арбоблари фаолиятига маънавий маданият ва унинг таркибий қисми - хукукий маданият, хукукий давлат талаблари билан баҳо бериш эҳтисожи туғилмоқда.

Хукукий идораларда рўйхатдан ўтмаган айрим «диний жамоалар» шариат қонунларини яхши билмаганлари ҳолда жамиятга, унинг осойишталигига қарши ноқонуний ташвиқот юритиб, ёш авлоднинг маънавий камол топишига хавф туғдирмоқдалар. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимиятга интилувчи, сиёсий ва бошқа мақсадларни кўзловчи баъзи шахслар ўзларининг яширин мақсадларини диний шиорлар билан никобламоқдалар. Хукукий маданиятни шакллантириш - хукукий билимлардан хукукий қараш томон, ундан эса хукукий ҳаракатга йўналган, тўхтовсиз жараёндир. Шунингдек, хукукий жиҳатдан билимдон, сиёсий дунёқарашни ўтқир, эътиқодли одамларнинг шаклланиши мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий мафкура гоёларини одамлар онгига сингдиришда катта аҳамиятга эга.

Президеетимиз Ислоҳ Каримов нутқларида, асарларида миллий мафкурамиз, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий маънавий, хукукий ва диний қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқарашини ва тафаккурига асосланиб, пу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлигини бот-бот таъкидлайди.

Бинобарин, маънавий, хукукий ва диний қадриятларнинг миллий мафкурамиз манфаатлари йўлидаги ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини теран ўрганиш маънавий покланиш ва юксалишга хизмат қилади.

8.3. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда умуминсоний ва миллий қадриятлар устуворлиги

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига «ўзбек модели» орқали босқичма – босқич ўтиш режасини ишлаб чиқди. Умуминсоний ва миллий хусусиятлар, қадриятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда демократик хукукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, бозор

муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принципларини ва истиқболли йўналишларни белгилаб олди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида XX асрнинг 90-йиллари бошида қарор толиб, демократик тараққиёт йўлига кирди. Халқаро миқёсда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг умумбашарий хусусият касб этиши, мураккаблашиб бораётган кўп қутбли дунёда қатор ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини белгилаб бермоқда. Демократик принципларга, умуминсоний кадриятларга содиқлик, очиклик, ошқоралик ва инсонпарварлик меъёрларига мансублик сиёсати республика ижтимоий ҳаётини эркинлаштириш жараёнларида ўз таъсирини ва изини қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатида расмийлашувини тасдиқловчи муҳим конституциявий – ҳуқуқий ҳужжат «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари туғрисида»ги қонунда (1991 йил 31 август) мамлакатимиз умуминсоний кадриятлар, Конституция ва қонун устувлиги асосида демократик давлатчилик йўлидан боражаги тўлон қилинган. Ана шу қатъий сиёсий ирода давомийлигининг исботи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқнинг олий мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқларининг устувлиги таъминланадиган адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш эканлиги ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чинакам демократик конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий кадриятларни ўзида мужассам этган. Ҳақиқатдан ҳам мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик қуртларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов бу хусусда қуйидаги фикрларни билдиради: «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манба бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйикка қармай, Ўзбекистон халқи ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».¹

Ўзбек халқининг миллий кадриятлари шу халққа тегишли. Лекин бирон халққа тегишли кўплаб кадриятлар бошқалар учун ҳам кадрият бўлиши мумкин. Шунинг учун миллийликни қандай чегараласа бўлади деган масалани ҳал қилиш лозим.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Ҳафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.б. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 14-бет.

Ўзбек халқининг соф миллий қадриятлари мавжуд, улардан бири ўзбек тилидир. У гарчи туркий тиллар оиласига кирса, ҳам барибир ўзбек халқининг асосий миллий белгисидир. Миллий қадрият деганда, биринчи навбатда ўзбек тили кўз олдимишга келади. Бу тилда гапириш, унинг барча бойликларини, жозибасини намойиш этиш орқали биз ўзбекчилигимизни намойиш этамиз. Ўзбек тилининг бойликларини асраб, ривожлантириб борсак, ўзбек миллатини асраган, ривожлантириб борган бўламиз. Тилимиз қанчалик бойиб, жаҳондаги обрўси ошиб борса, бизнинг ўзбекчилигимиз ҳам шунчалик оммалашиб боради.

Миллий ифтихор, миллий гурур деганда нимани тушунамиз? Ҳақиқий, чинакам ўзбек ўз миллатининг вакили, Ўзбекистон фарзанди бўлганлиги билан фахрланади, унинг равнақи учун ҳисса қўшишга ҳаракат қилади. Халқпарварлик, ватанпарварлик туйғулари миллий ифтихор туйғусини шакллантиради.


Демак, туйғулар ҳақиқий миллий қадриятдир.

Биз инсон эканмиз, демак, инсонийлик барчага хосдир. Қувончутавишимиз, интилишларимиз, ютуқ ва камчиликларимиз деярли бир хил. Шу маънода ўзбекни хинддан, инглизни немисдан ажратиб бўлмайди. Аммо ҳар бир инсон бирор халқнинг вакили, унинг ўз она тили ва Ватани бор. Она-Ватанида унинг миллий белгилари ярқ этиб кўзга ташланади. Қалбдаги миллий туйғулар унинг маълум миллатга ва мамлакатга тегишли эканлигини ифодалайди. Шу маънода миллий белгиларни инсон танасига она сути билан кириб, жон билан чиқадиган белгилардир дейиш мумкин. Бу масалада миллийлик албатта устуворлик қилади. Унда умуминсоний хусусиятлар муҳим роль ўйнаса-да, унинг она тили, Ватани, она халқи асосдир, манбадир.

Миллий қадриятлар ижтимоий ва шахсий ҳаётда катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлаган ҳолда уларнинг намоён бўлишига эътиборни қаратайлик. Миллий қадриятлар инсон руҳияти, кайфиятига кучли таъсир этади. Миллатнинг руҳини, халқнинг яшаш турмуш тарзи, миллий тили, миллий характерини акс эттиришда санъатга тенг келадиган бирор восита йўқ. Ҳар бир миллатнинг ўз санъати бўлиб, бу санъат умуминсоний ғояларни акс эттирган ҳолда энг аввало ўз миллатига хизмат қилади. Эстетик қадрият сифатида санъат миллий қадрият даражасига кўтарилиши учун халқнинг турмушини, орзу-ўйларини, кураш-интилишларини тўғри, ҳаққоний акс эттириши керак. Халқ ҳаётини чуқур бадний акс эттирмаган санъат миллий қадрият даражасига кўтарилма олмайди.

Худди шунингдек, миллий қадрият даражасига кўтарилган санъат эстетик қадрият даражасига кўтарилиши учун юксак баднийликка эга бўлиши, яъни санъатнинг таъсир кучи одамлар қалбини ларзага солиб, уни ўйлантирадиган, қулдирадиган, йиғлатадиган даражада таъсирчан, қалбдаги асоратларни тозалайдиган даражада шифобахш хусусиятларга эга бўлиши зарур. Демак, ҳақиқий санъат асари ҳам миллий қадрият, ҳам эстетик қадрият даражасига кўтарилиши, ҳам ҳаққоний, ҳам таъсирчан бўлиши зарур.

1-чизма. Миллий маданият ва байрамлар, тарихий-маданий обидаларда миллий кадриятларнинг аке этиши




Демак, бирор бадий асарнинг қадрияти миллий қадрият, шу билан бирга эстетик қадрият даражасига кўтарилиши учун асосий мезон иккита - бири ҳаққонийлик ва ҳаётийлик, иккинчиси - бадийлик ва эмоционал таъсирчанликдир. Самарқанддаги, Бухородаги, Хивадаги тарихий обидалар - мадрасалар, масжидлар, миноралар ва бошқаларнинг аксарияти ҳам миллийлик, ҳам эстетик воқелик даражасига кўтарилганлиги маълум. Улар ўзбек халқининг маълум тарихий даврдаги тараққиётини ифода этади, айна вақтда юксак бадийлик ва эмоционал таъсир кучига ҳам эгадир.

Ўзбек халқининг адолат, озодлик ва эркинликка, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига бўлган асрий интилиши *мустақиллик* туфайли рўёбга чиқди. *Миллий ўзлик, инсоний гурур, қудратли тарихий шидизларга таянишдек маънавий ўдриятлар, эзгу туйғулар Конституция ва қонунларимизда* ўзининг юридик тасдиғини топди. Ватан озодлиги, одил демократик фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гоълари Асосий Қонунимизда марказий ўринни эгаллайди. Бугун мана шу юксак гоъларни тараннум этувчи, уларни моддийлашган кўринишда ифодаловчи давлат рамзларимиз – Ўзбекистон Республикаси давлат герби, Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси барчамиз учун беназир маънавий – ҳуқуқий қадриятга айланди.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти кишилар ўртасидаги муносабатларнинг юксак маданий савияга ва теран маънавий заминга асосланганлиги билан ажралиб туради. Бундай жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, уларнинг мўътабар саналиши одатий бўлмоғи лозим. Истиклол шарофати билан биз миллат сифатида ўз маънавий қиёфамизга, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятларимизга эга бўлдик. Ана шу юксак қадриятлар асосида мамлакатда соғлом маънавий-руҳий ва ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг вужудга келтирилиши адолатли фуқаролик жамиятини шакллантирилиши халқимизни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради, бунёдкорлик ишларига сафарбар этади, ҳар бир инсоннинг комилликка эришиши учун реал шарт-шароит яратади.

Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам, унинг мураккаблиги ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлигини таъминлашга эришишдир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бу муаммонинг долзарблигини алоҳида таъкидлаб «Халқимизнинг аънавий қадриятлари у билан уйғунлаштирмоғи керак. Бу механизмлар қайта тикланаётган миллий қадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларини умумлашмасидан иборат бўлмоғи даркор», - деган фикрни ўртага ташлаган эди. Ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий қадриятлар жумласига киради. Шу нуқтага назардан Амур Темур шахси бунинг ёркин исботидир.

**2-чизма. Фуқаролик жамиятининг маънавий-ахлоқий
ривожланишининг асос-негизлари ва омиллари**



Бинобарин, Амур Темур канчалик тақводор, асл мусулмон бўлмасин, қонунчиликнинг турли тизмлари - диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган. Амур Темур қонунчилик деганда фақат шариат қонунчилигини эмас, балки бошқа халқлар қадриятлари, урф-одатларини ҳам тушинган. Негаки, миллий қадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг асосий манбаи ҳамдир.

Миллий қадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодиса эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг тақомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳар бир қадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қадриятларга баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда икки омилга алоҳида эътибор бериш керак:

биринчиси - қайси бир қадриятларнинг юзага келишидаги аниқ тарихий шароитлар, **иккинчиси** ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олиш, шунингдек, умумбашарий демократик қадриятларнинг қандай замин асосида вужудга келганлигини, улар ўртасида уйғунликни, ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур.

Умумбашарий ва миллий қадриятлар тушунчаларининг демократик тамойиллар уйғунлиги диалектикасининг киёсий социал-фалсафий таҳлили қуйидаги ҳулосаларга келишга имкон беради. Қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этади.

Марказий Осиё туб халқларининг миллий қадриятларига цивилизацияга хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига сазоқат, катталарга ҳурмат – ёшларга иззат, инсоний муомаллада мулозамат, ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабилар. Маълумки, демократик қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар: маҳаллий, миллий, минтақавий, умуминсоний мазмунда мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, қадриятлар ўзида миллийлик ва умуминсонийлик белгиларини мужассам этиб, инсон фаолиятини ташкил этишда, уни мазмунан бойитишда муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, қачонки миллий қадриятлар умуминсоний демократик қадриятлар билан уйғунлашса Ўзбекистонда фуқаролик жамияти тараққиётининг ривожланишида унинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

8.4. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда инсон омили ва мезони

Бугунги кунда фуқаролик жамияти куриш йўлидан дадил қадамлар билан бораётган халқимизнинг келажаси, мамлакатимизда амалга ошириладиган барча ислохотларнинг пировард натижаси инсон манфаатларига бўйсундирилганлиги, уларга баҳо беришнинг *асосий омили ва мезони инсон эканлигидир.*

Халқимизда инсон омилининг қундалик амалий фаолиятимизда, умумбашарий цивилизацияда тутган ўрнини ифодалашга қаратилган қатор халқ мақоллари мавжуд. Масалан: «Устозингни кўрсат, сенинг ким эканлигингни айтман», «Онасини кўриб, кизини ол», «Жондан кечмасанг, жонона йўю». Янги жамият куриш йўлида турли бўхтонларни енгиб ўтишга қодир бўлган «Элим, деб, юртим деб» ёниб яшайдиган ёш мутахассисни қомил инсон даражасида тарбиялаш лозим. Унинг маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат бобида зарур руҳий озукаларни сингдира олган, том маънодаги «Устоз отангдек улуг» деган улуг номни оқлаши лозим бўлади. Буюк мақсадлар йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, уларни босқичма-босқич енгиб бориб, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида фидойилик курсатадиган, эътиқодли – инсонларни тарбиялаш давр талабидир.

Тарихга назар ташлар эканмиз, ўтмишда кўпгина олиму фузалолар, давлат арбобларининг жамият тараққиётида инсон омили хусусида ибратомуз фикрлар баён этганликларининг гувоҳи бўламиз. Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида инсоннинг ихтиёри ўзи билан боғлиқ бўлиб, унинг қилган ишларига жавобгар эканлиги баён этилган. Агар инсон ўзи яшаётган жамиятда ёмонлик тарқатса, майшатида турли камчиликлар пайдо бўлса, буларнинг барчасига унинг ўзи сабабчидир.

Буюк аллома Сукротнинг «*ўзлигини бил*» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашгандир. Улуг мутасаввуф Абдуҳолик Ғиждувоний инсонни «*кичик олам*» деб ҳисодлайди.

Ўрта асрнинг буюк донишманди Абу Наср ал-Форобий талқинича, инсон омили ва унинг ақли дунё ривожланишининг энг олий маҳсулидир. Зеро, «*Ақл ва нафс*» инсон омилининг энг юксак мезони сифатида қаралади. Абу Али ибн Сино инсон омили ва мезонини икки хил кўринишга ажратиб асослайди:

- 1) маълум даражадаги органик ҳаёт;
- 2) руҳий ҳаёт (*ирода, хоҳиш, билиш салоҳиятлари*).
Мутафаккир таъкидлашича, руҳ ҳам уч хил бўлади:
 - 1) ҳаётий руҳ, яъни таннинг органик ҳаёти;
 - 2) алоҳида воқеалар ва нарсаларни билувчи руҳ салоҳият;
 - 3) инсоннинг ақлий фаолиятини бошқарувчи руҳ.

Зеро, инсондаги инсонлик моҳияти ўзликни англашдан, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини идрок эта билишдан иборат, инсонга берилган руҳ ақлини ривожлантиришга, унга қувват бағишлашга йўналтирилган бўлса, ақл эса инсон томонидан нарсаларни моҳиятан танилаб фарқлашга кўмак берадиган кучдир.

Абу Райхон Берунийнинг таъкидлашича, инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи энг муҳим фазилат, *бу инсондаги тафаккур салоҳиятидир*. Инсон тафаккур кучи ила ўз моҳиятини ҳам, табиат ва жамиятга хос қонуниятларни ҳам билиб олади. Инсон моҳияти табиат ва жамият таъсирининг натижасидир. Унинг ички қиёфасига келсак, уни инсон чексиз саяъ-ҳаракатлар ва ақлий билиш орқали тубдан ўзгартириши мумкин.

Ҳар бир инсон ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, инсон учун ғамхўрлик, зулми бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туғи остида бошқариш мутафаккирнинг *инсон омили ва мезони тўғрисидаги идеалидир*.

Беруний инсонлар уч сабабга кўра бахтсизлик келтирадилар дейди:

1. Инсон ер юзида яратилган зотлар орасида энг мумтоздир. Аммо инсонлар ўзларининг қизганчиқликларни сабабли бир-бирларининг қўлларида бўлган нарсаларга кўз тикадилар. Бу эса, ўз навбагида, ижтимоий хузурсизликка сабаб бўлган.

2. Ўз эътиқоди, мазҳабини ва қабиласини бошқалардан устун кўрмоқ инсонлар орасида нифокларга йўл очади.

3. Хурофотлар ва асоссиз эътиқодлар инсонликнинг тақомиллашуви ва унинг камологини орқага суради, тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Беруний инсоннинг ички ва ташқи покликка нисбатан катта аҳамият берган. Ички покликнинг калити – имон ва яхши ният эканлигини, ахлоқан гўзал бўлмоқ эса ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг дидига боғлиқ эканлигини алоҳида кайд этади.

Маълумки, Амур Темур, Улуғбек, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Мухаммад Раҳимхон-Феруз каби буюк аждодларимиз ҳукмронлик қилган бу кўҳна заминда қадим-қадимдан *инсон омилини фаоллаштириш* билан боғлиқ тажриба, кўникма, маҳорат, билим, тафаккур, ақл ва идрок, ҳур ва эркин фикр кадрланганлигини, адабиёт ва санъатнинг, маданият ва маънавиятнинг нақадар юксак даражада равнак топганида кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, *инсон омилини фаоллаштириш* – бу бир томонлама тор тушунча эмас. Бунда объектив ва субъектив омилларнинг ролини аниқ кўрсатиш керак, албатта. Объектив омиллар – *ташқи муҳит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жамиятда етакчилик қилувчи иқтисодий ва маънавий тамойиллар ва инсоний кундалиқ ҳаётга бевосита таъсир қилиб турувчи барча воқеалар, ҳодисалар ва ҳ.к.* Субъектив омиллар – *инсоннинг ички имкониятлари, ақл – идроки, қобилияти кўзгалади, буларнинг барчаси тафаккур измига бўйсуниб ривожланиш, юксалиш, муваффақият, самара каби тушунчаларда ифодаланган бойликлар ва қадриятларни юзага келтиради. Шу тариқа инсон омили жамият*

тараққиётда ҳал қилувчи кучга айланади, бу ҳақиқатни тўғри тушунмаслик, унинг ролига етарли эътибор бермаслик инсон омилини фаоллаштириш учун барча чора-тадбирни кўрмаслик тушқуликка олиб келади.

Яқин ўтмишдаги воқеалар бунинг гувоҳидир. Шўролар даврида инсон омилини фаоллаштириш ҳақида кўп гапирилар эди. Компартия ва ҳукумат қарориди, иқтисодий ривожланишга бағишланган адабиётларда инсон омилини фаоллаштириш ижтимоий тараққиёт ҳал қилувчи куч эканлиги қайта-қайта уқтирилади. Аммо амалда инсон омилини фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитлар йўқ эди. Марказлашган режалли иқтисодда ишлаб чиқарувчи ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотининг охириги натижаларидан манфаатдор эмасди, ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам, моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳам, товарлар реализациясида ҳам инсон эркин фикрлай олмас, эркин ҳаракат қила олмас, эркин, мустақил равишда қарорлар қабул қила олмас эди.

Шу боис тоталигар тузумнинг яқка ҳукмрон мафқураси таъсири натижасида кишиларимиз характериға ва уларни фаоллаштиришға путур етган эди. Ҳақиқатға ишонмаслик, ўз ижодий меҳнати завқини туймаслик, лоқайдлик, фикрсузлик, руҳсузлик каби иллатлар жамиятда илдиз отган эди. Шунинг учун ҳам, мустақилликка эришилган дастлабки кунданоқ, шахсни мустақиллик гафакқуриға, ўзини ўз миёсидаги тоталигар саркитлардан тозалашға асосий эътибор берилди. Яъни, инсон мустақил бўлмай туриб фаол, фаолликсуз мустақил бўлмайди.

Ўзбекистон Конституциясида *жамиики дунёвий неъматлар орасида энг улуг — инсон деган фикр илғари сурилган*. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг 2002 йил 29 августда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” дастурий маърузасида инсон омилини кучайтириш масаласиға фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг еттинчи устувор йўналиши сифатида катта урғу берилди. Зеро, Ўзбекистонда амалта оширилаётган «...бу, барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир, — дейди И.А.Каримов.


Бу — демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобға олган ҳалда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир.

Ўйлайманки ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш саҳаларини янада ривожлантириш, нафаъа билан татъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-ҳататлардан муҳофаза этиш, исўға қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалалариға давлатнинг эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини исботлаб ўтиришға ҳожат бўлмаса керак.

1-чизма. ШАХСНИ МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ

МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ

- * Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қангуриш;
- * Ўзининг, ўз халқининг, Ватанининг қадру қиммати, ор-номусини янглаб, уни химоя қилиш;
- * юксяк гоълар, янги фикрий кашфиётларининг, ниятлар огушида меҳнат қилиб истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишидир.



Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий ўисми бўлган маънавият ва маърифат соҳасидаги, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат»¹.

Президентимиз томонидан Янги йилни инсон ва унинг манфаатлари билан боғлиқ – «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр-мурувват йили», «Ҳомийлар ва шифоқорлар йили» деб белгилаб берилиши давлат сиёсати ва эзгу анъанага айланди. Бунинг сиёсий ва маърифий аҳамияти шундан иборатки, йил давомида инсонга эътибор қаратилди ва унинг кадр-қиммати эътизоланди, одамларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, меҳр-оқибатни кучайтириш мақсадида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда адолатли кучли фуқаролик жамиятини шаклланишида, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни қуришда, иқтисодий ислохотларнинг самарали бўлишида инсон омили муҳим ўрин тутди. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини инсон омилсиз тасаввур қилиш қийин. Инсон омилининг ҳам касбий, ҳам ғоявий жиҳатдан кучайтирилиши иқтисодий юксак даражага кўтарди. Агарда инсон касбий жиҳатдан юксак малакали ва ғоявий жиҳатдан ноҳис бўлса-чи? Бунда иқтисодий жиноятлар, порахўрлик, шартномани бажармаслик, сохта тендерлик, интизомсизлик, ташмачилик, масъулиятсизлик, лоқайдлик ҳар қандай гуллаб яшнаётган иқтисодий кемриб ташлайди. Демак, виждонийлик, масъулиятчилик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, интизомчилик нафақат маънавий, мафкуравий, балки иқтисодий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир эътиборга молик мисолни келтирсак, завод, фабрика икки ҳолатда самарли ишлаши мумкин: биринчиси – асбоб-ускуналарнинг эскисини ўрнига янгиларини ўрнатиш ва янги технологияни жорий этиш; иккинчиси – эскиларини таъмирлаш. Икки йўлни ҳам нисбатан тез амалга ошириш мумкин. Лекин инсон омили бошқача, бирор хорижий мамлакатнинг янги технологиясини жорий этиш мумкин. Бироқ, бир мамлакатнинг инсон омилини четдан олиб келиб бўлмайди. Ўз фуқароларимиз билан ўз ақлимиз, қўлларимиз билан ўз келажагимизни қуришимиз керак.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, инсон омили шўролар даврида ҳам чакирик сифатида кўп маротаба турли номларда ишлатиб келинган: «Ҳамма масалани кадрлар ҳал этади», «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун!».

Агарда таълим-тарбиянинг умуминсоний ва миллий хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, ўз миллий истиқлолимизга эришганимиз муносибати билан ҳукуратимиз томонидан миллий хусусиятларимизни

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий Дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 32-33-бетлар.

атрофлича ҳисобга олган ҳолда даъват даражасида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»мизда ҳам инсон омилига алоҳида урғу берилган:

- «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоннинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутди.

Шахс таълим хизмагларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маънавият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади».

Дарҳақиқат, миллий мустақиллигимиз кўлга киритганимиздан буён республикамизнинг халқ таълими тизимида таълим-тарбиянинг давр талаби даражасида раванқ топишида, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ва Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш йўлида Инсон омили функциясининг ҳаётимизда тутган ўрни нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам катта қаноат ҳосил қилиши билан тан олинмоқда.

8.5. Фуқаролик жамиятида комил инсон тарбияси

Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга ҳос юксак маънавий ва jisмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳаммаша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоядир.

Шундай қилиб Ўзбекистон ўз истиқлолига эришганидан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибга қўйилиши ҳам мазийни кўп асрлик сабоқларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир. Миллий ўзлиқни англаш жамиятимиз ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзлиқни англаш жамиятимиз ҳам шахснинг, халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқ. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, ўз мамлақати тараққиёти истиқболини чуқур, ҳолисона англаган инсон ва халқигина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган.

Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун – бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни воғга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназулга маҳкум.

Жамият тараққиётидаги юксалишлар, тараққиёт имкониятлари комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боглиқ бўлган. Кўп жиҳатдан ижтимоий турғунлик ҳолатлар, иқтисодий, сиёсий инкирозлар маънавий бўҳроннинг натижаси тарзида намоён бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушкунликлар ва юксалиш сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллар билан бир қаторда кишилар онги, эътиқоди, дунёқараши, комиллик даражасидан излаш керак.


Миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр юритувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Президентимиз Ислоом Каримов таъбири билан айтганда, *«бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айни қеп ёш авлодга тегишли»*.

Комиллик – меҳр-муруват, адолат, туғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир.

Комил инсон азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авестода ҳалол меҳнат комилликнинг асоси сифатида талвун этилган. Комил инсон гоёси ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш маъсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги гоёларни илгари сурар экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришининг асосий шарти деб ҳисоблаган.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолиятини моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблиқ бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра инсоннинг комиллиги, аввало, унинг ахлоқий етуқлигида, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга ташланади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзини кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон – қуллик, мутелиқ, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак, ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслаги, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли гоёларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

1-чизма. КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ



Халқимизнинг қадим-қадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга мухаббат, Онани ва Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиш, Ёлгон гапирмаслик, бировнинг ҳақиқага ҳиёнат қилмаслик, катгани хурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласидандир. Булар халқимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавияти ва менталитетига сингиб кетган. Бундай ўйлаб қаралса, аждодларимизнинг ана шу талабларида жамият, инсон учун энг зарур фазилатлар айтиб ўтилгани аён бўлади. «Оқсан дарё оқаверади», деганларидек, эътиқоди мустаҳкам улуғ аждодларнинг авлоди бу хусусиятларни ўзида жамулжам қилган муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар. Шунинг учун бизнинг давлатимиз ёш авлодни тарбиялашга бор куч-имкониятини сарфламоқда.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп: Алломиш – халқимизнинг идеал қахрамони, у – ақл, фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг баъдий тимсоли. Ҳазрат Навоий учун идеал – Фарҳод образи. У ақлий ва жисмоний камолот эгаси. Фарҳод Нақшбандийнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбекнинг «Навсий» романида эса Навоий – идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир.

Бугунги кунда Ватан ижодкорлар зиммасига ёшларимизга ибрат бўладиган янги баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш вазифасини юкламоқда. Мустақил Ватанимиз олий мақсад қилиб олган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни баркамол, эзгу, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги гояларини ҳаётий эътиқодга айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади (3-4 чизмаларга қаранг).

Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда. Ватанимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Демак, фуқаролик жамиятида комил инсон тарбияси ўта муҳим ва жиддий масаладир. Президентимиз Исроом Каримовнинг «*Тарихий хотирасиз келажак йўқ*» асаридаги таърифида комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар тарафлама чуқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: «*Комил инсон деганда, биз аввало юксак, мустақил фикрлай оладиган хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз*»¹. Демак, бу таърифда комил инсоннинг маърифатпарварлиги бош ўринга қўйилмоқда. Комил инсон, биринчидан, юксак даражадаги онгли шахс бўлиши; иккинчидан, мустақил фикрли бўлиши ва учинчидан, ибратли хулқ-атворга эга бўлмоғи шарт. Диққат қилинса, комил инсон ҳарakterининг ботиний

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 134-бет.


жиҳатиға урғу берилмоқда. Мазкур караш комил инсонни тасаввур қилишдаги миллий - тарихий тажрибамизга ва мутафаккирларимизнинг асарларида теран ифодасини топган инсон қалбига эзгулик уруғини экиш, оқил ва фозил кишиларни тарбиялаш хусусидаги айрим мулоҳазаларига мосдир.

Комил инсон характери қандай бўлмоғи керак, деган масала билан Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал Ҳаким ат-Термизий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Мухаммад Бобур ва бошқа мутафаккирлар шугулланиб, муҳим хулосаларни баён этганлар. Ниҳоят, улуғ ватандошларимиз *Комил инсон* характери эзгу ва одил хислатларни санаб саногига етиш қийин. Аммо уни уч хислатга жам қилганлар: «*Саҳо - бор нарсани ҳеч қимдан қизганмаслик; Сафо - қалбни кибру-ҳаво, гина-ўдрат, қасд-газабдан поклаш; Вафо - ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш*». Шундай қилиб, *Саховатлилик* фақат моддий ёрдам билан эмас, балки ўзгача илм ато этиш билан ҳам бўлади. Сафолик (поклик) эса бировнинг қалбини нурга тўлдириш. Вафолик ўзганинг бахтидан хушнуд бўлишдир. Демак, *Комил инсон* ўз характери билан ўзгани тарбиялайди ва ўзига бахт ато этади. Унинг характери жамиятда типикдир, характер типиклашмаса комиллик бўлмайди.

Зеро, *Комил Инсон*да эзгу ва одил характери шакллантириш учун қалбини тарбияламоқ лозим. Мутафаккирларнинг фикрича, одамларда беш хил қалб бор: «ўлик қалб - ҳеч нарсага интилмайдиган қалб; хаста қалб - янгиликка ҳаваси бор, лекин интилмайдиган қалб; хаста қалб - янгиликка ҳаваси бор, лекин ёрдамга муҳтож қалб; гофил қалб - ҳикмат (онглилик) нуридан бебаҳра қалб; уйғоқ қалб - нури бор, бироқ тарбияга муҳтож қалб; тирик қалб - ўз бахтини топган ва ўзгача бахт берувчи қалб». Комил инсон ана шундай тирик қалбга эга бўлиш билан улуғ характерга эришади. Демак, биз бугун тарбияда қалбдаги туйғуларни шакллантириш, уни ёмон унсурлардан асрашга, ниҳоят, ундаги эзгу туйғуларни такомиллаштиришга урғу беришимиз лозим. Бунинг учун аввало инсон қалбини тўлқинлантирадиган ва унинг бутунлигини сақлайдиган психологик-педагогик воситаларни (усулларни) кашф қилишимиз, амалиётга татбиқ этиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишимиз керак.

Комил Инсон характери ботиндан (одамнинг кўнглидан) бошлаб шакллантирилади. Ботини гўзал бўлган кишилар ўзгаларга яхшилик қилиш учун интиладилар ва бундан чексиз бир завқ оладилар. Ботинни тарбия этмасдан мақсадга эришиш қийин. Ботини (қалбни) улуғ инсонлар юрти ва жамиятини яшнатадилар. Пайғамбаримиз энг яқин кишиларидан бирига танбеҳ бериб айтган экан: «*Сен тузилган жойингни улуғлиги билан мағрурланма. Қўлингдан келса жойингни улуғга айлантир!*» Ўшандан буён шарқликлар *Комил Инсон* бўлишга ва бунинг учун кучли характерга эга бўлишга интиладилар. Чунки унинг замирида юртни улуғлаштириш унсури мавжуд.

2-чизма. МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ШАХСНИНГ ШАКЛЛАНИШИ



3-чизма. Ватанимиз олий мақсади

ВАТАН - РАВНАҚИ ГОЯСИ

Ватан - инсоннинг киндик қони тўқилган тупроқ, уни қамол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табарруқ масканидир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюқ мерос, энг азиз хотира. Ватан - ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган заминдир.



4-чизма. Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги



Шундай қилиб, Инсон қалбини қўлга олиш билан Эзгу ва Одил феъл - атворли *Камил Инсонни* тарбиялаб вояга етказиш мумкин. Эсро, буюк аждодларимиз орзу қилган адолатли фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу интилишлари, ҳаётий эътиқоди мустахкам бўлган инсонларгина бунёд эта олади.

Мухтасар айтганда, мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, *Камил Инсон*, энг аввало, фуқаролик жамиятида ўз бурчини аъло даражада хис этадиган баркамол шахс бўлиши даркор. Айтиш жоизки, ҳар қайси *Камил Инсон*, ҳар бир фуқаро: «*Шу давлат, шу жамият менги нима берди?*» деб эмас, балки «*Мен ўзим Ватанимга, эл-юртимга нима бердим?*» деб ўйлаши ва ҳар дам шу ақида билан яшаши керак бўлади». Бу комилликка ва етуқликка даъвогар инсон учун асосий мезондир.

Зотан, етуқликка даъвогарлик қиладиган айрим кишилар бир ҳақиқатни унутиб кўйишади: «Сен ўзингдан фикрни кучли кишидан ибрат ол, акс ҳолда ютказасан!» Сўзда, фикрда ва амалий ишда мустақил ва ташаббускор киши сендан кучли бўлиб, у соғлом фикрли киши ҳисобланади. Сен уларнинг оддий ижрочиси бўлиб ҳам мақсадингга етишинг мумкин. Чунки соғлом фикрли кишилар ўтмиш ва бугуннинг тажрибаларидан келиб чиқиб фуқаролик жамиятининг келажагини кўрадилар. Улар ибрат матлабини ҳаёт дарслиги сифатида қабул қиладилар. Яхшининг ёмонини қабул қилмасликка, ёмоннинг яхшисини ўзлаштиришга уринадилар. Ҳозир демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётган ва фуқаролик жамияти шакллантирилаётган даврда бундай соғлом фикрли кишилар бор. Улар мўмай даромад учун фахрли касбларини ўзгасига алмаштирмаган фидойи кишилардир. Ёшларимиз фуқаролик жамиятида уларни ўзлари учун идеал киши деб биладилар. Шу сабабли фуқаролик жамиятида дуч келган киши соғлом ва эркин фикрли кишиликка даъвогарлик қила олмайдди.

8.6. Маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат – фуқаролик жамиятини шакллантириш омили

Инсониятнинг жамиятга уюшиб яшашга эҳтиёж сезиши маънавиятнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Чунки, инсон ақл-идроқи юксалиб бориши билан у ўзининг манфаат ва эҳтиёжларини ёлғиз ўзи қондира олмаслигини англай бошлайди. Шу билан бир вақтнинг ўзида у ўз атрофидаги муҳитга, инсон ва инсоний муносабатларга зарурият сезади. Инсон ўзининг орзу-истакларини амалга ошириш учунгина интилиб қолмай, атрофдаги, жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришни ҳам исташи одамийлик маънавиятининг талабларидан биридир.

Маънавият чуқур томир отган муҳитда турли инсоний манфаатлар ва бошқа зарурий эҳтиёжлар сиёсатсиз, ҳеч бир таъйиқ ёки куч ишлатишсиз қондирилади. Маънавиятсиз ёки маънавий инкирозга юз тутган жамиятларда эса бу каби жараёнлар тоталитар ва авторитар усуллар билан ҳал қилинади.

Инсониятнинг аҳил бўлиб яшашини, маълум бир ҳамкорликка уюшишини таъминловчи қудрат ҳам маънавийдир. Инсон маънавияти минглаб йиллар тажрибаси, илму фани натижалари ва ютуқлари асосида тобора такомиллашиб, юксалиб борди. Инсоният тарихида илк бор маънавий кадрятлар, инсон ахлоқи ва этикага доир улкан илмий изланишларни амалга оширган мутафаккирлар Афлотун (Платон) ва Арастудир.

Афлотун ахлоқ илмини амалий фалсафанинг муҳим соҳаларидан бири сифатида ифодалаб, у характерни тарбиялайди деб кўрсатган эди. Афлотун маънавий кадрятларни қуйидагича таърифлайди: **Эзгулик** – илоҳий хусусият бўлиб, у руҳнинг мукаммаллашган ва энг яхши ҳолатидир. У туфайли инсон хушхулқликка, ўз иши ва нутқида вазминлик ва камолотга эришади. **Донишмандлик** – яхшилик ва ёвузликни ҳали бир-биридан ажралмасидан илгари билишдир. **Жон** – шуки, у ўзини ўзи ҳаракатга келтиради, борлиқнинг ҳаётий фаолияти сабабидир. **Ақллилик** – инсонни бахтли қилиш учун йўналган ўз эҳтиёжларини кондириш учун етарли бўлган ижобий куч. **Адолатлилик** – руҳнинг (жоннинг) ўз-ўзига тасалли бериши, хотиржамлик бахш эгиши ва руҳ ирмоқларининг умуман ёки бир-бирига нисбатан мутаносиблашуви, ҳар кимнинг ўзига муносиб равишда улушга эга бўлмоғи учун тақсимлай олиш қобилияти, яшашдаги тенглик, тўғри қонунларга бўйсунма олиш қобилияти. **Чидамлилик** – яхшилик учун гамгинликка тоқат этиш, яхшилик учун меҳнатдан қочмаслик. **Жасорат** – пайдо бўлган ёвузлик қаршисида қўркмаслик, дадиллик. **Меҳнатсеварлик** – танланган ишни тугаллаш қобилияти, ихтиёрий чидамлилик, меҳнатга нисбатан бекаму кўст қобилият. **Виждонли бўлиш** – сурбетлик ва уятсиз ишлардан ихтиёрий воз кечиш, очикдан-очик яхшиликка йўналганлик ва адолатлилик, энг яхши йўлни ихтиёр этиш. **Эркинлик** – ҳаётни жилловлаш, ҳамма нарсада мустақиллик, ўзича яшаш имконияти, мулкдан фойдаланиш ва унга эгалик қилишдаги олийҳимматлилик. **Камтаринлик** – тасаввурида яхши кўринган нарсаларга ихтиёрий ён бериш, тана нафсини тартибга солиш. **Саодат** – барча яхшиликларни мужассамлаштирувчи, яхши яшаш эҳтиёжларига яраша қониқиш қобилияти, мукамал эзгулик, тирик мавжудотнинг ўз эҳтиёжларига яраша қониқа олиши. **Буюклик** – тафаккур юксаклигига асосланган ўз кадр-қимматини ҳис этиш. **Ирода** – тўғри фикр-мулоҳаза билан уйғунлашган мақсадга интилиш, табиатга мос равишдаги оқилона интилиш. **Давлат** – гуллаб-яшнаш учун етарли кучга эга бўлган кўплаб кишилар бирлиги, кўплаб кишиларнинг қонунлашган ҳамжамияти. **Ҳокимият** – қонун ҳомийси. **Идора** этиш – ҳаммага ғамхўрлик. Кўриниб турибдики, Афлотуннинг умуминсоний кадрятларга доир бу таърифлари иккир ярим минг йилдан буён ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Арасту маънавий муносабатларда «ихтиёр» ва «мажбурий» каби тушунчаларни ишлатади. Мажбурийлик шуки, у куч ишлатиш ёки билмаслик оқибатида амалга ошади. Лекин, шу билан бирга ҳеч қандай куч, ҳеч қачон мажбурлаб бўлмайдиган нарсалар ҳам мавжудки, бунда шу воқеликка тортилган шахсни ҳам ташқи шарт-шароитларни ҳам айблаб бўлмайди.

Табиатан ва беихтиёр одам яхши бўлиб қолиши мумкин эмас. Арастунинг таъкидлашича, эзгулик сифатлари табиат томонидан инъом этилмайди, балки табиат бизга яхшиликдан иборат фазилатларни ўзлаштириш имконинигина беради. Яхшилик факат яхши хулқ, ахлоқдангина иборат эмас. Чунки, «биз табиатдан олган нарсаларнинг ҳаммасини дастлаб имкониятлар шаклидагина оламиз ва оқибатда уларни воқеликка айлантирамиз». Арасту маънавиятли ва хуш хулқли инсонни бошқа инсонлар учун меъёрдир, у доимо ўзи билан уйғунлик топа олади ва «виждон таънасидадан ҳолидир», деб баҳолайди. Ахлоқсиз кишилар руҳининг бир қисми бир томонга, бошқаси бошқа томонга тортилади, уларнинг руҳи доимо нотинч, улар пушаймонлик зулми остидадир. Ахлоқли инсон эса ҳузур-ҳаловатни ҳис этади.

Арасту маънавиятли ва ахлоқли инсоннинг жамият ривожигаги ўрнини юксак баҳолайди: «Эзгуликни касб этган инсон ҳеч кимга зарар етказмайди, аксинча, эзгуликдан узоқ инсон энг гуноҳкор ва ёввойи мувжудотдир, жинсий лаззатланиш ва еб-ичишда у ҳар қандай ҳайвондан ҳам тубандир. Ахир турли ҳайвонлардан инсон эзгулик ва ёвузлик, адолатлилик ва адолатсизлик нималигини англаши билан фарқланади».

Юртимизда маънавият дунёсининг назарий ва амалий жиҳатларини юксалтиришда Абу Наср Форобийнинг ўрни беқийсдир. Маънавий дунёни англаш, инсоннинг эзгуликка интилиши – Форобий илмий меросининг бош мақсадларидан биридир. Унинг «Фозил кишилар шахри» асари, Арастунинг фалсафий асарларига ёзган шарҳлари, «Фукаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби ўнлаб асарлари ҳозирги даврда ҳам инсоният цивилизациясини янала мукамаллаштиришга ўзининг муносиб хиссасини кўшмоқда. Форобий фикрича, инсон мавжудот оламнинг якуний ҳосиласи бўлиб, у ақл-идроқи шаклланиши баробарида инсоний фазилатларни эгаллайди, дунёни англай бошлайди. Маънавиятни эгаллаш, маърифатга интилиш, ахлоқли бўлиб, илм-фанни ўзлаштириш васитасида эзгуликка хос фазилатлар ҳосил қилиш инсонга тасалли беради. Инсоннинг асл мақсади ўз юксак фазилатлари туфайли бахт-саодатли жамоани барпо этишдир.

«Маънавият» тушунчасини умуминсоний кадриятларнинг энг олий мақоми сифатида таранним этган буюк мутафаккир Алишер Навоийдир. У ўзининг «Ҳайратул-аброр» достонининг XV боби мавзунини қуйидагича ифода қилган эди: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги маъни жондур, сўз эса қолиб дурким жонсиз, ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки уни топмоқ киши топилмас ва аҳли газоф ноинсофлигига мунсиф бўлмоқ, балки ўз газофига инсоф бериб, аларнинг узрин қилмоқ». Шунингдек, Алишер Навоий бу ҳақда қуйидаги сатрларни битади:

*Сўз майини ул киши ошом этиб,
Ким дурри маъни садафин жом этиб.*

(Ким маъно дурининг садафидан ўзига жом қилган бўлса, сўз майини ўша киши тўла симиради).

Алишер Навоий инсониятни аҳли маъни ва аҳли сувратдан иборат, деб кўрсатади. Аҳли суврат – бу тоифага мансуб кишилар инсоний муносабатларнинг фақат шаклу шамоилолига муҳим эътибор берадилар. Уларга виқорли бўлиш: кибрланиш, зебу зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш хос.

Суврат аҳли учун дунёни қалбан англаш, эзгулик ҳис-туйғулари бутунлай ёт. Улар инсоний муносабатларнинг фақат ташки кўринишларини тан оладилар, моҳият ва мазмунга кириб бора олмайдилар. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири тақлидчиликдир. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида қул, ожизлар учун зулмкор. Улар маслаксийликлари туфайли фақат бугунги кун ҳузур-ҳаловати билан яшайдилар, бу билан у дунёлигини қуйдирадилар. Суврат аҳли диний амалларни ҳам фақат кўрқув ва у дунёдаги моддий лаззатланиш илинжида бажарадилар.

Аҳли маъни – юксак тафаккур соҳиблари. Уларнинг маъно аҳли эканлиги шундаки, бу тоифа инсонлар учун ақл-идрокли бўлиш, турли муносабатларнинг моҳият ва мазмунини англаш хосдир. Бу каби инсонлар ўз эътиёж ва манфаатларини ўзгаларники билан уйғунлашган ҳолда идрок қиладилар. Жамият ва халқ учун хизмат қилиш ва яшашдан лаззатланадилар. Улар ҳар бир хатти-ҳаракат ва ҳодисанинг оқибатини ўйлаб иш тутадилар, бу дунёнинг қисқа ва ўткинчи эканлигини чуқур ҳис қиладилар. Аҳли маъни Яратганининг ато этган тафаккур фазилати воситасида дунёни англашга, бу йўлда илму фанни эгаллашга ва маърифатли бўлишга интиладилар. Уларнинг бош мақсади Ҳаққа, ҳақиқатга етишиш. Бу тоифага мансуб бўлиш учун инсон эркин, довурақ адолатли, ҳақиқатпарвар, бурч ва масъулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва таъйик ишлатишдан холи, халқ ва дин учун фидоий, имонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамлард, ҳар қандай зулмга қарши бора оладиган, ҳар қандай бойлик, иззат-нафс ва манфаатлардан воз кеча оладиган инсон бўлиши лозим. Шунинг учун бу ҳилдаги инсонлар гуруҳини Алишер Навоий қуйидагича улуғлайди:

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадоливдин,
Ким буларга гадолия ортиқдур,
Аҳли сувратқа подшоливдин.*

Давлат ва унинг идораларини кучга, қонунга, мажбурлаш воситаларига эга эканлигига эътибор берсак масала ойдинлашади. Қолаверса, жамиятдаги бош тарбияловчилик вазифаси ҳам давлатнинг функциялари сирасига киради.

Тарихдан маълумки, адолатпарвар, маънавий бой ҳукмдорлар, ҳукуматлар жамиятдаги умуминсоний кадриятларнинг юксалишига кучли таъсир кўрсатганлар. Лекин, маънавийли халқ оммасининг зolim ва ахлоқсиз ҳукмдорларга ижобий таъсир кўрсатишига доир тарихий маълумотлар кам учрайди. Қолаверса, маънавият замонлар, тузумлар, жамиятлар алмашиши билан гоҳ таназзулга учраб, гоҳ теранлашиб боради. Инсоннинг руҳий уйғоқлиги шахснинг маърифатлилики даражасига боғлиқдир. Барқамол ва маърифатли

инсонда жамиятдаги барча манфаат ва эҳтиёжларни келиштириш ва мувофиқлаштиришга интилиш, бу фаолиятни у худди ўзининг умри мазмунидек ҳис қилиш табиати шаклланади.

Албатта, маърифатли инсонни шакллантириш табиий ҳолда, ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун жамият, давлат, жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликдаги кенг ва чуқур сўй-ҳаракатлари ва фаолиятлари талаб этилади. Фуқаролар дунёкараши, ўй-фикрлашида ўтмиш авлодларнинг маънавий мероси, жамият мақсадларига уйғун келувчи илғор кадриятлар — фуқаролик жамияти ва демократияга доир билимлар мажмуини эгаллаш, эски тоталитар жамиятга ҳос яшаш унсурларидан покланиш каби кенг камровли жараёнларни фаол ташкил этиш, амалга ошириш ўтиш давридаги жамиятнинг долзарб вазифасидир. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов “**жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар халокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир**”¹, деган эди.

Маърифатни юксатиришда тарихийликнинг, шунингдек, тарихий онгнинг ўрни бениҳоя каттадир. Маълумки, инсон ўзлигини англамаса, у ҳеч қачон эркин инсонга айлана олмайди. Маърифатли бўлишнинг бош шарти эса эркин, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлишдир.

Шунинг учун ҳам донишманд раҳбари бўлган маърифатли жамиятдагина эркин, инсонпарвар мафкура, сиёсий плюрализм, умуман, демократия учун қулай шарт-шароитлар туғилади. Бундай жамиятни бошқариш давлат учун кўп қийинчиликлар туғдирмайди. Маърифатли мафкура туфайли фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалади. Энг олий ҳокимият фақат қонулар тимсолидагина намоён бўлади. Натيجида, кишилардаги мутеълик, лоқайдлик, боқимандалик руҳияти барҳам топиб, улар табиатидаги истеъмолчилик кайфияти ўрнига бунёдкорлик, меҳнатга ижодий муносабат майллари юксалади.

Фақат маърифатли бўлиш натижасидагина инсон ўзи қурмокчи бўлган адолатли фуқаролик жамиятини тасаввур қила олади. Ана шундай тасаввургина инсонда яхшиликка интилиш, бунёдкорлик майлларини уйғотади. Агар инсон ўз бахту саодатини тасаввур қила олмаса, унга интилмайди. Чунки, йўқ нарсанинг на жозибаси ва на жалб этиш кучи бор. Қолаверса, фақат маърифатли инсонгина жамият ва давлат ривожланишидаги демократик ва сиёсий жараёнларда кўнгилли гарзда ва ихтиёрий равишда қатнаша олади.

Биз ҳам мафкура тўғрисидаги фикр ва тасаввурларимиздаги эскича ўлчов ва меъёрлардан бутунлай воз кечишимиз керак. Чунки, эски мафкура зўрлик, тазйиқ, яққаҳоқимлик асосида халқни кўз ила амас олисдаги қандайдир мавҳум «фаровон ҳаёт» сари йўналтирган бўлса, бизнинг миллий истиқлол мафқураимиз ўз умрини тугатган бундай восита ва усуллардан бутунлай воз кечиши лозим. Ижтимоий ҳаётимиз сиёсий ва демократик институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши зарур. Қолаверса, ҳеч қайси мафкура давлат мафқураси сифатида ўриятилиши ҳам

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 88-89-бетлар.

мумкин эмас. Янги мафкурамиз халқимиз манфаатлари ва эҳтиёжларига монанд келганлиги, унда миллатимиз ўз орзу-умидлари, армонлари, бахту саодати ҳамда келажакнинг туйганлиги учун ҳам бу мафкура ижтимоий онга беvosита сингиши турган гап. Фукароларимиз зўрлик еки тазйиқ билан эмас, балки ўз эҳтиёжи, келажак ҳаётида ундан манфаатдор бўлганлиги учун ҳам бу мафкурага амал қилади.

Одатда, маънавият деганда, биз мафкура, матбуот, маданият ва санъат оламининг одамлар қалбига қандай руҳий озик бериши, уларнинг онига қандай ижобий таъсир кўрсатиши, шу йўлдаги интилиш ва ҳаракатларни тушунамиз.

Модомики шундай экан, маънавият соҳасидаги ишларимизнинг аҳволини ўзимизга аниқ тасаввур қилиш учун уларни қандай мезон ҳамда кўрсаткичлар асосида ўлчаш ва баҳолашимиз лозим. Бундай савол нима учун айнан бугун кун тартибига қўйилмоқда. Нима учун айнан бугун бу масалага янгича қараш зарурати туғилмоқда.

Бу саволларга жавоб топиш учун, авваламбор, маънавият соҳасидаги ишлар қандай мақсадларга қаратилганини аниқ белгилаб олиш талаб этилади.

Маълумки, мамлакатимиз Президентни Ислом Каримов 2005 йил 28 декабрда пойтахтимиздаги "Ёшлик" шаҳарчасидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, бу ерда барпо этилган муҳташам «Маънавият марказида» бир гуруҳ талабалар билан самимий суҳбатлашди. Суҳбат чоғида кўпгина масалалар қатори, жумладан, бугунги кунда олғий ўқув юртларида журналистика, фалсафа, психология, сиёсатшунослик каби ижтимоий фанларнинг ўрганилиши масаласи бўйича ҳам қимматли фикрлар билдирилди.

Учрашув давомида яна бир бор аён бўлдики, ҳозирги вақтда ёшларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбия билан боғлиқ масалаларга катта қизиқиш ва эҳтиёж бор. Давлатимиз раҳбари буни чуқур ҳис этгани боис талаблар билан чин дилдан, очикчасига фикр алмашди. Маънавият ҳақидаги мулоқот ва суҳбатлар расмий, бандпарвоз гаплардан мутлақо холи бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ана шу суҳбатни диққат билан тинглаган одам маънавий соҳадаги ишлар, авваламбор, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқимизнинг миллий ўзлигини сақлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, миллий давлатчилигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши лозимлигини, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан олға суришган «Юксак маънавиятсиз келажак йўю» деган гоёнинг маъно-мазмунини ҳрр томонлама чуқур англаши мумкин.

Мустақил тараққиёт даврида юртимизда маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш масаласи доимо мамлакатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўтган вақт мобайнида бу соҳада жуда кўп иш қилингани ҳеч кимга сир эмас.

Айни пайтда бугунги глобаллашув замони кескин шиддат билан ўзгармоқда ва табиийки, шунга мос равишда маънавий-маърифий ишларга

бўлган талаб ҳам ортиб борапти. Яъни, бугун ҳаётнинг ўзи бу соҳадаги ишларни тубдан яхшилашни тақозо этмоқда.

Албатта, бу борадаги мақсад-вазифаларни янгитдан белгилаб олиш, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича бирон-бир дастур тузиш учун аввало бизга нисбатан энг катта хавф-хатар нимадан иборат экани, асосий диққат-эътиборимизни нималарга қаратишимиз лозимлигини атрофлича ва теран англаб олишимиз зарур.

Бу ўринда гап бебаҳо бойлигимиз бўлган маънавий ҳаётимизга нисбатан жуда чуқур ўйланган, очик кўриш ва сезиш кийин бўлган шаклларда таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида, уларни четдан туриб уюштиришга уринаётган кучлар хусусида, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлмиш асл қадриятларимизни асраш, бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб курашиш, ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлиш тўғрисида бормоқда. Гап бизнинг эртанги ҳаётимиз, миллий қиёфамиз қандай бўлиши, ёшларимиз қандай қадриятларга эътиқод қилиб яшаши, уларнинг онгу тафаккурида қайси ғоя ва қарашлар ҳукмронлик қилиши ҳақида кетмоқда.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозироқ уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик никобидаги фалсафасидир.

Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидаларастликдан асло қолишмайди.

Тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган ғарбона ахлоқсизликни эса аксарият ғўр ва тажрибасиз ёшлар «европача маданият» ва «эркинлию» сифатида қабул қилишга интилиши ва алданиб қолиши ҳеч гап эмас.

Умуман, бундай хавфу хатарлар дунёдаги ялпи глобаллашув жараёнлари таъсирида, ахборот оламидаги янгиликлар билан никобланган ҳолда жамият ҳаётига шу қадар шиддат билан кириб келмоқдаки, уларнинг зарарли, тузатиб бўлмас оқибатини фақат кенг фикрлайдиган, ўзининг қимлиги, қандай буюк зотларнинг фарзанди эканини чуқур англайдиган юксак маънавиятли одамларгина тушуниши мумкин.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавият, таълим-тарбия соҳасида ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган, шундай таҳдидлар билан кураша олишга қодир фидойи одамлар сув билан хаводек зарур. Лекин, таассуфки, бизда ана шундай курашчан инсонлар етарли эмас.

Аввало, бир ўйлаб кўрайлик, бундай бўзгунчи мафкураларга қарши биз қандай қуролланганмиз, уларга нимани қарши қўйишимиз, қандай тарбиявий тизимни шакллантиришимиз лозим?

Агар биз ўз ҳаёт тарзимиз, урф-одатларимиз, муқаддас динимизга бегона, миллий ғоямизга мутлақо зид бўлган мана шундай хавф-хатарлардан фарзандларимизни асрамасак, улар ёшларимизнинг қалби ва онгига сингиб кетадиган бўлса, миллатимиз маънавиятини бутунлай тескари томонга буриши ва охир-оқибатда ўзлигимизни, ҳар қандай миллат, халқни халқ қиладиган анъана ва қадриятларимизни йўқотишимиз мумкинлигини барчамиз аниқ-равшан тасаввур қилишимиз даркор.

Дунёда миллат учун, халқ учун бундан оғирроқ фожиа борми? Президентимиз таъбири билан айтганда, «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иктисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлироқдир».

Афсуски, ота-боболаримиздан мерос муқаддас ислом динининг моҳиятини бузиб кўрсатиш, турли маккорона йўллар билан ёшларнинг онгига ёт ва бегона тушунчаларни сингдириш, азалий қадриятларимизга зарба беришга қаратилган бундай хатарли оқим кучайиб бормоқда. Бу хавф замонавий қурол-аслаҳа билан қуролланган, очиқ кураш олиб борадиган армия эмас, бамисоли кучли селдек йўлида учраган нарсани йўқ қилиб, тинимсиз бостириб келаётган бўтана бир оқимдир. Агар бугун хушёр бўлмасак, чорасини кўрмасак, эртага кеч бўлади ва биз фарзандларимиз келажагига хиёнат қилган бўламиз.

Биз бундай хавф-хатарларни олдиндан сезиб, ана шундай қолга тушмасликнинг тегишли чорасини кўришимиз, аввало, таълим-тарбия масаласида ёшларни қуроллантиришимиз, уларнинг мафқуравий иммунитетини кучайтиришимиз керак. Бундай ёвуз таҳдидларнинг моҳиятини болаларимизга оддий сўзлар, ҳаётий мисоллар орқали чуқур тушунтириб беришимиз лозим. Токи улар нафақат ўзини, балки ўзининг зоту зурриёни, миллат келажагини сақаб қолишда ҳам масъул эканини англаб етсин.

Ана шундай мавжуд хатарларни, уларнинг оқибатларини ўзимизга яққол тасаввур қилгандан кейингина ирода ва эътиқодимизни бақувват қилиб, онгли яшаш ҳуқуқимизни қўлдан чиқармаслик учун кураш олиб бориш ҳақида ўйлашимиз мумкин.

Ҳозирги кунда Фарб дунёсида эркинликни ниқоб қилиб олган айрим қимсалар нафақат бизнинг миллий анъаналаримиз, балки барча халқлар учун қадрили бўлган инсонийлик ақидаларига тўғри келмайдиган турли бўзрунчиликларни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали очикдан-очиқ кенг тарғиб этаётганини кўриб турибмиз.

Масалан, Буюк Британияда Элтон Жон исмли машҳур кўшиқчи бир хил жанс вакилларининг никоҳдан ўтиб, онла қуришини эркинлик намунаси сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Энг ёмони шундаки, бундай одамларнинг ёшлар ўртасида минг-минглаб мухлислари бор ва уларнинг бу каби жирканч ишлари ана шу ёшлар онгини заҳарламасдан қолмайди, албатта.

Бундай ҳаракатларнинг ортида одамни фақат ҳайвоний нафс билан яшайдиган жонзотга айлантиришдек тубан мақсадларни кўзда тутадиган

катта куч, хатарли мафкура бор. Бундай ғоявий маркасларга ахлоқ-одоб, маънавият, мустақил фикрлайдиган одамлар керак эмас. Уларга на ота-онаси, на Ватани ва миллатини тан оладиган манкуртлар керак, холос.

Ҳамонки, бугун ана шундай ёвуз хатарлар бошимизга куюндек ёпирилиб келаётган экан, ҳар қайси инсон ўзининг онгли яшаш ҳуқуқи учун, аввало, ўзи курашиши керак. Онгли яшаш дегани — ўз ақли ва фикрига, таъгу, инсоний мафкурага, аниқ миллий ғояга суяниб яшаш дегани.

Агар бўзгунчи кучлар инсонни ана шу суянч ва таянчидан жудо қиладиган бўлса, одам инсоний кифасини йўқотиб, ваҳший бир ҳайвонга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Албатта, ҳаё ва ибод, уят-андиша каби тушунчаларни ҳамма нарсадан устун қўядиган, дунёга қанчадан-қанча улуғ зотлар, мутафаккир ва азиз-авлиёларни берган қадимий бир халқнинг фарзандлари сифатида бугун биз барчамиз бундай ҳолатларга қаршимиз. Кимдан сўраманг, ҳамма сўзда бундай ахлоқсизликларни қоралайди.

Лекин савол туғилади: беш-ўн йил ўтганидан кейин бизнинг ўрнимизга келадиган ёш авлод миллий ғоямизга қарши қаратилган хавф-хатарларни шундай яқдиллик билан қатъий рад этади, деб айта оламизми? Бундай дейишга бирон-бир қафолат, ҳаётий асос борми? Келгусида ўз фикрида собит турадиган бундай инсонларнинг сони камаймайди? Бунга йўл қўймаслик учун биз қандай чораларни кўряпмиз? Ёшларимизнинг онги заҳарланиб, ана шундай ёмон таъсирларга берилиб кетмаслиги учун қилаётган ишларимиз етарлими?

Бугун кўпчиликни қийнайдиган энг оғир саволлар мана шундан иборат.

Шунинг учун ҳам бундай хатарларнинг олдини олишга қаратилган ишларни, аввало, маънавият соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларнинг қалби ва онги, мафкураси учун курашиш масаласини ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи сифатида ўртага қўйишимиз зарур.

Бу борада маънавий бўзгунчи кучларга зарба бериш, пинҳона амалга оширилаётган ҳаммаларни бартараф этиш учун биринчи галда уларнинг мафкураси ва фалсафасини, яъни бу ҳаракатлар қандай ғоявий манбалардан озиқланаётгани, куч олаётганини билишимиз керак. Шундан кейингина бундай кучлар билан курашиш, уларнинг ғайринсоний моҳиятини фош қилиш, одамларнинг қўзини ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Маълумки, бизнинг матбуотимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида ўринли-ўринсиз гаплар кўп айтилади, Лекин бу ҳақда гапирганда, баъзан эркинлик нуқоби остида бизга мутлақо ёт ва зарарли ғояларни, бегона турмуш тарзи ва дунёқарашни ҳаётимизга зўравонлик билан жорий этишга уриниш ҳолатлари юз бераётгани тўғрисида, афсуски, жуда кам гапирамыз.

Ҳолбуки, айрим хорижий телерадиоканаллар, Интернет тармоғи ва реклама воситалари орқали ана шундай мафкура зўр бериб тарғиб қилинмоқда. Таассуф билан айтиш керакки, шундай бир вазиятда бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз, телевидениемиз орқали бундай маънавий қўпоровчиликка қарши етарли даражада кураш олиб борилмаяпти.

Албатта, бу мавзуда баҳс-мунозаралар ташкил этиш зарур, аммо бу ҳақда сўз юритганда, аввало, ёш ўғил-қизлар, талабаларнинг қалбига йўл топиб, улар тушунадиган таразда, содда ва аниқ қилиб гапириш керак. Зерикарли, курук маърузаларни ўқиб ёки оят ва ҳадисни арабча айтиб берган билан иш битмайди. Бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган, таъсирчан, замонавий инфорацион усулларга асосланган, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини маҳорат билан олиб бориш лозим.

Сир эмас, бизга қарши маънавий кўпоровчилик олиб бораётган мафжура полигонлари ўз максадларига эришиш учун ҳеч нарсани аямапти, ҳамма воситаларни ишга солмоқда — қанча-қанча маблағ сарфламоқда, энг замонавий усул-услугаларни қўллаган ҳолда, ёшларни ўзига ром этадиган турли хил шоу-томошалар, кўнгилоҷар кўрсатувлар, мусиқий каналлар ташкил этмоқда. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Бундай манбалар орқали кўпинча бўзғунчи гоёлар тағриб этиляпти, энг ёмони, уларни ҳали оқ-қоранинг фаркига бормайдиган, ишонувчан, таъсирга берилувчан ёшларимиз кўряпти, томоша қиляпти.

Масаланинг яна бир мураккаб томони шундаки, ҳозирги замонда бундай зарарли ахборот оқимини тақиқлаш йўли билан тўхтатиб бўлмайди. Шу сабабли бундай инфорацион тажовузларнинг моҳиятини очиб бериш учун фақат маънавий-маърифий тарбия йўли билан кураш олиб бориш мумкин.

Чет элларда ҳам баъзан айрим сиёсат ёки жамоат арбобларининг бундай каналлар фаолиятини қандайдир чеклаш керак, деган фикрларини эшитиб қоламиз. Ҳуқуқ химоячилари эса, бу сўз эркинлигини бузиш бўлади, деб уларга қарши чиқади, ўртада тортишув давом этади.

Бундай тортишувдан ким ютади - ҳар хил шаллақилар, сохта демократлар ютади. Ким ютказди - келажак авлод, бутун халқ, миллат ютказди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда айрим Фарб мамлакатларида бир йилда ҳар ўнта никоҳдан еттитаси бузилар экан. Шунинг ўзиёқ маънавий ҳаёт, ахлоқ-одоб масаласига бепарволик ва лоқайдлик, эркинликни ўзбошимчалик деб тушуниш қандай оғир ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Сирасини айтганда, асрлар мобайнида шаклланиб келган маънавий ҳаётни издан чиқаришга қаратилган ахборот тажовузларини бугунги кунда ҳар қадамда кўриш мумкин. Масалан, ўзимиз ҳар куни дуч келадиган, кўзимиз ўрганиб қолган бир мисол - болаларимиз фойдаланаётган ўқув дафтарларини олинг. Аксариятининг муқовасига чет эллик машҳур спортчи ва санъаткорлар, турли телесериаллар қаҳрамонларининг расмлари туширилган. Эҳтимол, бу инсонларнинг спорт ёки санъатдаги ютуқларига ҳавас қилиш мумкиндир. Лекин уларнинг шахсий ҳаёти, хусусан, ишқий саргузаштлари ҳақида Интернет тизими ва бошқа ахборот воситалари орқали берилаётган шармсиз гаплар фарзандларимизга қандай намуна бўлиши мумкин?

Бу кетишда бизнинг ҳар куни эрталаб ва кечкурун одоб-ахлоқ, андиша ва ҳаё ҳақида болаларимизга берадиган панд-насиҳатларимизнинг кучи қайда қолади?

Модомики, ўқув дафтарлари муқовасига расм тушириш шарт бўлса, нега ўзимизнинг улуғ боболаримизнинг сиймоси, қадимий шаҳарларимиз, бестакрор табиатимиз манзарасидан фойдаланмаймиз?

Ахир, оддий одамга ҳам тушунарли, болаларнинг онгини эгаллашга қаратилган бундай тарғиботдан кўзланган максад - минг-минглаб ёшларни ўз миллати ва динидан жудо қилиш, уларнинг орасидан ўзининг бузук ҳаёт тарзига, айш-ишрат, тубан майлларга берилиб, дунёда бўлаётган ишлардан мутлақо узоқ, бепарво бўлиб яшайдиган одамларни етиштиришдан иборат.

Бундай бузғунчи қучлар минг йиллар давомида шакланган, инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган анъана ва қадриятлари одамийликка зид бўлган майллар билан алмаштириш, одамзот онги ва тафаккурдан соғлом қарашларни сиқиб чиқаришга уринмоқда. Инсонийликдан мутлақо йироқ бўлган ана шундай авлодни тарбиялаганидан кейин дунёда хоҳлаган ишини қилиш, истаган жойида ҳукмрон бўлиш — мана, уларнинг асл максади.

Бугунги замон ҳамма нарсага очик кўз билан, реал қарашни, олий мақсадлар йўлида фидоий ва қатъиятли бўлишни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида ҳозирги мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида нотўғри тасаввур бўлмаслиги керак.

Биз, ота-оналар, муаллим ва мураббийлар, маънавият соҳаси ходимлари бу ҳақда жиддий бош қотиришимиз даркор. Аввало, жондан азиз фарзандларимизнинг қалби ва онгини ёт ва зарарли таъсирлардан асраш учун курашишимиз, мафкуравий ишларимизнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз зарур. Шундагина асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий қадриятларимизни ва маънавий бойликларимизни сақлаб қоламиз. Шундагина том маънода озод халқ эркин миллат бўлиб, онгли яшашга ҳақли бўламиз. Бунинг учун маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат фуқаролик жамиятини барпо этишнинг доимий тамойилиги, ахлит тизимига айланиши лозим. Зеро, фуқаролик жамияти — демократия, ҳуқуқ, одоб-ахлоқ, маънавият ва маърифат тантана қиладиган адолатли жамиятдир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳолатга қарши маърифат» деган сўзлари аллақачон шиоримизга айланиб кетди. Юксак одоб-ахлоқли, комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди. 1997 йили уч босқичдан иборат «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Мамлакатимиз бюджетининг энг кўп қисмини таълим соҳасига сарфлаш жиҳатидан МДХ мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллайди. Хўш, таълим ва тарбия соҳасига жамиятга тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб масала деб қаралаётганига асосий сабаб нима? Ушбу саволга буюк маърифатпарвар абидимиз Абдулла Авлонийнинг куйидаги гаплари Айни давобдир: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё савдат, ё фалокат масаласидир».

Бу борада Президентимизнинг ҳам диққатга сазовор фикрлари бор: «**Жаҳон тараққиётининг асоси, уни ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсангина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади**».¹

Мамлакатимизда одил фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида демократик ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш билан бир қаторда илмий, маънавий ва маърифий тафаккурни ривожлантиришга ҳам - баббаравар эътибор қаратилмоқда.

XX аср бошларида маърифатпарвар жадидларимиз «**Шарк бўлиб ривожланайлик**» деган шиор билан чиққан эди. Донишманд шарк тафаккурининг дурдоналари ҳамон дунёни лол қолдириб келмоқда. Шаркона лутф ва ахлоқ-одоб мезонлари бугун умуминсоний кадриятлар даражасига кўраётганишига қайсибир маънода муҳтожлик сезилмоқда.

Биз умумбаъшир тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган буюк тарихга эга мамлакатмиз. Маърифат ва маънавий етукликка интилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий фазилатлардандир. Баркамол авлод тарбиясида худи шу кадриятларга таяниб иш қўраётган, юксак тафаккур ва салоҳиятга интиляётган мамлакатимиз бир кун келиб, Шарк ва Ғарб ўртасидаги ўзига ҳос кўприк тимсоли бўлиб бўй қўрсатса ажаб эмас.

Президентимиз Ислоҳ Қаримов асарларида илмий – назарий ва амалий жиҳатдан неботлаб берилганидек, маънавият ва маърифат – миллат, мамлакат, фуқаролик жамияти тараққиётини белгилловчи омилдир. Маънавият ва маърифат – шахс ва миллатнинг «**ақлли қалбини**» ифода этадиган, табиат, жамият ва одамнинг инсонийлашув, маърифатлашув даражасини билдирадиган руҳий – ақлий идрок олами ҳисобланади.

Маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат моҳиятан муштарак тушунчадир. Маънавиятни ахлоқ-одобсиз ва маърифатсиз, маърифатни эса маънавиятсиз ва ахлоқ-одобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ўз табиати ва моҳиятига кўра ботинан бир-бири билан чамбарчас узвий боғлиқ ҳамда яхлит тизимдир. Одоб-ахлоқ ва маърифат, энг аввалло, соф маънавий тушунча ва аксинча, маънавият – соф маърифий инсоний цивилизациядир. Дунёни маърифат қутқаради, деганда шубҳасиз, маънавият назарда тутилади. Зотан, Юртбошимизнинг «**Жамият тараққиётини муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир**», деган концепциясининг маъноси шуки, фуқаролик жамиятида барча муаммо илм, ақл-идрок ва тафаккур ёрдамида ҳал этилади. Демак, жамият маънан соғломлашади, маънавий яхлитлик, бутунлик инсонга демократик ҳуқуқий мақом қасб этади. Маънавият мезони бузилса, яъни инсоф, ўзаро ҳурмат-иззат, андиша, ҳалоллик, ростўйлик одами тарк этса, унинг жамият ва бошқа оламлар билан ҳуқуқий-маънавий муносабатларига путур етади. Чунки бир кишининг

¹ Қаримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 89-90-бетлар.

хуқуқлари бошқа одамнинг хуқуқлари чегараси бошланган жойда тугайди. Қонуи кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақлигини адолат тарозисида ўлчаб беради. Уларнинг иккаласини ҳам маънавиятнинг покиза оламига қайтаради. Ана шундагина демократия, ҳуқуқ, маънавият ва маърифат муштарақлиги фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзосини ахлоқий, ижтимоий, руҳий идеалига айланади.

Айтиш жоизки, маънавият ва маърифатнинг шаклланиши ва ривожланиш тараққиётини билиш ва ғурурланиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг идеалига айланиши учун энг аввало, миллий ўзликини англаши лозим. *«Ким бўлишдан қатъий назар, - дейди бу ҳақда Президентимиз Ислои Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида, - жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоўлари инсонни ҳушёрликка ўрғатади, иродасини мустаҳкамлайди».*¹

Ҳақиқатан ҳам, иймон, эътиқоди кучли, юксак маънавият соҳиби бўлган, етук ахлоқий фазилатларни ўзлаштирган, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур томир отган халқ ва миллатгина мустақил ва барқарор ривожлана олиш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш томон ишонч билан олға бориши мумкин. Дарҳақиқат, маънавият ва маърифат инсон фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи, адолатли фуқаролик жамияти аъзолари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи, ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатувчи омилдир. Одатда, фуқаролик жамияти ривожини маълумки ҳуқуқий нормалар, ахлоқий тамойиллар заминида ривож топади. Инсон ва жамият ўзи учун ҳуқуқий норма деб эътироф этган барча ахлоқий тамойиллар энг аввало, ҳар бир фуқаронинг эмин-эркин яшаши, ижод қилиши, ўз меҳнатидан самара олиб яшабини таъминлайди. Демак, алоҳида шахс ну фуқаролик жамияти аъзоси экан, фақатгина ўзини ўйлаймай, ўзгаларни ҳам, уларнинг истак-тилақларини инобатта олиб яшаши шарт. Қолаверса, мутафаккирлардан бири айтганидек, *«Ўзингга тилмаган нарсани ўзгаларга тилмаслик, аксинча, сенга нисбатан хайрихоҳ бўлишларини хоҳласанг, сен ҳам уларга самимий муносабатда бўлишинг лозимлиги»* гоёси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидаги инсоний муносабатларнинг тамал тошларидандир.

Фуқаролик жамиятида энг аввало одамийлик ҳислатлари устувор бўлади. Ҳикматларнинг бирида шундай дейилган: *«Иъзат тиласанг ифғатли бўл, улуғлик тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоғчи бўлсанг жиду жаҳд қил»*. Бу улуғ фазилатлар инсондан энг аввало маърифатли, эътиқодли ва собит иймонли бўлишни талаб қилади. Яъни, адолатли фуқаролик жамияти аъзолари энг аввало маърифатли, эътиқодли ва собит иймонли, жамият нормаларига нисбатан чуқур ҳурматли инсонлар бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам адолатли фуқаролик жамияти ўз аҳли учун хатти-ҳаракат тамойилларини, масалан, қонулар, конституциявий

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 197-бет.

ва ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқади, уларни амалдаги ижросини ўша жамиятнинг ўзи назорат қилади.

Яна шуни ҳам эътироф этиш жоизки, қонунчилик ва адолат устувор бўлган жамиятда амалдаги қонунларнинг мукамал ва пухта бўлиши, уларнинг ўзгарувчан вазиятларга нисбатан бардошлилиги катта аҳамияти касб этиб, бу фуқаролик тарбияси учун жуда муҳимдир. Чунки бир авлод манфаатига тўғри келган қонун ва ҳуқуқий нормалар кейинги авлод томонидан автоматик тарзда ҳам қабул қилиниши мумкин. Демак, сиёсий тизимнинг барқарор бўлиши, қонунларимизнинг мукамаллиги фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги муҳим маънавий ҳамда қонуний омилдир.

Шу ўринда фуқаролик жамиятининг шаклланишини дастлабки сиёсий институти раънини ўйнайдиган оила хусусида қисқача тўхталадиган бўлсак, оилада жамиятга хос бўлган типик хусусиятлар ва вазиятлар ўз инъикосини топади. Оилада ҳар бир болага қадриятлар тизими – нима яхши-ю нима ёмонлиги, қайси хатти-харакат маъқул, қайсиниси номаяқул, қайси фикр маънили-ю, қайси бири бемаъни эканлиги тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар ота-она, яқин қариндош-уруғ, қўни-қўшни орқали сингдирилади. Бундан ташқари, айнан оилада ҳокимият ва обрўлилик, яъни «авторитет» тўғрисидаги, сиёсий онгга алоқадор бўлган, сиёсий маданият ва ҳулқни ифодаловчи тасаввурлар ҳам қуртук топади. Бир қарашда оддий кўринган эр ва хотиннинг никоҳга бўлган муносабати, уни қадрлаши бола илк ёшлиқдан оилани, оиладаги бурч ва масъулиятнинг моҳиятини теран тушуниб боришга имкон беради. Бундан ташқари умумхалқ референдумлари, сайловлар, сайловолди жараёнларига муносабат, бунда ота-онанинг фаол ва онгли иштирок этишининг ўзи илк мурғак қалбда шу жамият ва ундаги сиёсий ҳаётнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиши мумкинлиги ҳиссини тарбиялайди. У интиқлик билан катта бўлиши, шундай катта тадбирларда иштирок этишни кутади ёки бўлмаса баъзи оилаларда тоқчаларнинг юқори қисмига авайлаб олиб қўйилган **Қуръони Қарим** китобини кўрамиз. Бу яхши, албатта. Мукқаддас ислом динимизнинг қадрият сифатида эъзозланиши, шариатимиз қоидаларига бўйсуниб ҳонзлиги, уларни авлоддан-авлодга етказиш каби тушунчаларнинг оила аъзоларида пайдо бўлишида бу нарса ижобий роль ўйнайди. Хоҳлардикки, айни шу тарзда **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** ҳам ҳар бир оилада, китоб жавонларининг тўрида сақланса, вақти-вақти билан болалар кўз унгида ота-оналар уни мутолаа қилиб, маъносини тушунтириб боришса, жамиятимиздаги қонунларга ҳурмат ва ҳуқуқий маданият ёшлар онгига илк ёшлиқдан сингдирилган бўларди. Қисқаси, оила жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий-ҳуқуқий ислохотларнинг маъно-моҳияти, фуқаро учун аҳамиятини оила аъзолари онгига бевосита сингдирадиган муқаддас даргоҳдир.

Инсон туғилибдики, оила муҳитига тушганлиги унинг иссиқ бир маскан эканлигини ҳис қилгани каби, у орқали жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётини ҳам бир табиий ҳолдай ҳис қилиши лозим. Зеро, фуқаролик жамиятида инсон мамлакатнинг сиёсий ҳаётида атайлаб, сунъий тарзда

катнашиш истагини билдирмайди, у шу жамият ҳаётида фаол яшаб, ҳар бир ҳаракати, жамият тараққиёти ва оиласи манфаатларини кўзлаб, онгли тарзда ўзи мустақил сиёсат қилади, яъни, у шу сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, қонунлар билан қафолатланган ҳаётда эркин яшайди.

Жамиятнинг манфаатлари кенг қамровли бўлиб, ҳар бир фуқаронинг турфа қизиқишлари, эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу ҳолат унинг ҳақ-хуқуқлари қўплигини келтириб чиқаради. Буни биз бугунги кунда битта мисолда яққол кўриб турибмиз. Маҳаллага эътибор кучайиб, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот сифатида ҳақ-хуқуқлари ортиб бормоқда. Зеро, жамият манфаатлари билан ҳар бир алоҳида олинган фуқаролар ва улар оиласи манфаатлари кесишган жой - бу маҳалладир. Унда ўша қизиқиш ва эҳтиёжардан тортиб, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари уйғунлашади. Шу боис ҳам барча муаммо ва уларнинг ечимлари калити маҳалладан изланади. *Президентимизнинг «Маҳалла – ҳақиқий демократия дархонасидир»*, деган пурҳикмат ибораларининг асл маъноси ҳам шунда. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари, демократик анъаналари, оилани мустаҳкамлаш борасидаги ўлмас қадриятлари билан эркин фуқаро тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Демак, Ўзбекистон шаронтида фуқаролар бу – маҳалла аҳолисидир. Улардан иборат фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг тамал тошида энг аввало *одиллик* ётиши лозимлиги фикри биз учун айни ҳақиқат. Зеро, одиллик ва ҳақиқат йўқ ерда виждон, имон ва эътиқод сўнади. Шу маънода фуқаролик онги, соғлом эътиқод ва маърифат тарбиясида оила билан бир қаторда маҳалланинг ҳам ўз ўрни ва нуфузи бор.

Хуллас, халқимиз учун фуқаролик жамиятини шакллантириш қанчалик шарафли ва масъулиятли иш бўлса, унга мос инсонларни тарбиялаш иши янада муҳим ва мураккабдир. Лекин бу жамиятда яшайдиган ҳам, уни курадиган ҳам оддий инсонлар, ҳар биримиз бўлганимиз учун ҳам биз бугунги жамият аъзосининг маънавий қиёфаси, дунёқараши, эътиқодлиги ва ундан келиб чиқадиган чинакам ахлоқий ғазилатларга мужассам бўлиши тарафдоримиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек, *«Чинакам инсоний ғазилатларга эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади»*.

8.7. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида кадрлар сиёсати

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар сиёсий барқарорлик ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодга давлат хизматини маълум даражада ташкил қилишга олиб келган катъий тизим орқали эришган. Давлат хизматида турли даражадаги ходимлар (кадрлар)ни тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани сингари кенг камровли ислохотларни амалга оширишга киришди. Барчамизга маълумки, собиқ иттифок даврида кадрлар тайёрлаш жараёнларига синфийлик ва партиявийлик нўстга-назаридан қаралар эди. Истиқлол йилларида эса кадрларни тайёрлаш ва танлашда энг аввало маъмурий-бўйруқбозлик усулларидан воз кечилди ҳамда унга демократик жамият ва бозор иқтисоди муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда.

Собиқ иттифок даврида айниқса, раҳбар кадрларни танлашда кадрларнинг одамлар билан ишлаш қобилиятига ва касб маҳоратига эмас, балки унинг Ватанга биринчи раҳбарга, яъни Компартиянинг Бош секретарига бўлган садоқатига ҳамда таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчилик ришталарига катта эътибор берилган бўлса, ҳозирги даврда Ўзбекистон уларнинг назарий билимларига, маънавий-ахлоқий фазилатларига, ишбилармонлик қобилиятларига қараб кадрлар танланмоқда.

Зотан, эркин бозор иқтисодиёти шароитида, унинг мураккаб ижтимоий муносабатларида самарали қатнашиш, эркин бозор муносабатларини қўллаб-қувватловчи механизм ва тузилмаларни барпо этиш кўп жиҳатдан нўсак малакали кадрларга боғлиқ. Президентимиз И.Каримов ўзининг кадрлар бошқарув тизимининг шаклланиши ва унинг стратегияси дастурида ҳозирги замон кадрлар сиёсатидаги асосий йўналишни белгилаб, «... бит энди ўзини-ўзи бошқарув усулини кенг жорий қиламиз. Маҳалла, қишлоққача ўзини-ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур. Бу бебошлик, бўлмаслик дегани эмас. Бунда ҳар бир раҳбар халқ олдида, юрт олдида масъул ва жавобгардир, деган қондани келиб чиқиши шарт», - деб уқтирганлиги ҳар бир кадр, хоҳ у мутахассис, хоҳ у бошқарув тизимидаги раҳбарми, бу кўрсатмани чуқур англамоғи зарур. Кейинчалик бу кўрсатма Ўзбекистонда амалга оширилаётган кадрлар сиёсати учун асос қилиб олинди ва бу дастур қатор чора-тадбирлар билан мустаҳкамланмоқда. Жумладан, республикада 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниши ҳамда 1997 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, барқамол явлонди вояга етказиш тўғрисида»ги фармонининг эълон қилиниши мустақил Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш ишларининг давлат сиёсати даражасига кўратилганлигини далилатдир. Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш аста-секинлик билан халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ўзига хос менталитетдан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳам ҳаётга тадбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосан уч босқичдан иборат бўлиб, улар куйида илардир:

- биринчи босқич ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларни ўз ичига олиб, бу босқич янги тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Умумий ўрта

таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом, умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари, ўқув предметлари бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган дастурлар ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар амалда қўллаш учун жорий этилди. **Биринчи босқичда** амалга оширилган энг асосий ишлардан яна бири – бу уч йиллик академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ишга туширилганлигидир. Биргина шу лойиҳани амалга оширишга давлат 65 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаган.

- **иккинчи босқич** 2001-2005 йилларни ўз ичига олиб, бу босқичда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб қўйилган барча вазифалар тўла-тўқис амалга оширилади ва ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда унга тегишли ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш мўлжалланган:

- **училчи босқич** 2005 йилдан кейинги йилларни ўз ичига олиб, унда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуksизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишини; академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимни бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўлиқ ҳаётга тадбиқ этиш натижасида демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамияти ҳамда эркин бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, илгор техника ва технологияни яхши эгаллаган, фан ютуқларидан тўғри фойдаланадиган, Ўзбекистонни келажақда буюк давлатлар қаторига олиб чиқа оладиган ҳар томонлама етуқ ва баркамол авлод шаклланади.

Умуман, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган Кадрлар сиёсатининг туб моҳияти эркин бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти талабларига мос келадиган ва уни ҳимоя қила оладиган, давлат ҳокимиятининг иқтисодий-хўжалик, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий, мафкуравий ва муҳофаза соҳасида амалга ошираётган сиёсатини тўғри тушунадиган ва уни қўллаб-қувватлайдиган ахлоқан баркамол авлодни тарбиялаб, шакллантиришдан иборатдир.

Бу масалага тўхталиб, Президентимиз Ислоом Каримов шундай фикр билдиради: «Олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак». Демак, бугунги кунда олдимизга қўйилган улкан ва шарафли вазифаларни бажариш ҳамда давлат бошқарув аппаратининг самарали ва ваколатли ишлаши учун юқори малакали, ваколатли, маънавий тафаккури бой, масъулият билан қарор қабул қилиш ва уни ҳаётга тадбиқ эта олиш қобилиятига эга кадрлар билан тўлдирилиши зарур.

Тегишли лавозимларга муносиб кадрларни танлаш осон иш эмас, бунинг учун катга ташкилий ва ҳуқуқий ишлар амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ қилиниши лозим бўлган талаблар пухта ишлаб чиқирилиши керак. Бу талаблар кўпчилик мамлакатларда бир-бирига ўхшаса-да, ҳокимият ва бошқарув даражаси, мансаб поғонасига қараб давлат бошқаруви органларининг турли бўлинмалари бошлиқлари ва ходимларига қўйиладиган талаблардан фарқ қилиши лозим.

Илмий тадқиқот натижасида баъзи хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, давлат хизматчиларини танлашда қуйидаги талаблар қўлланилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади:

- давлат хизматчисининг кучли шахс бўлиши, ўзига ишониши, ишда ўз шахсий усулини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- имкониятларни кўра билиш ва улардан фойдалана олиши;
- қарор қабул қилишда таваккал қилишдан қўрқмаслиги;
- ўз фаолиятига ижодий ёндошиши;
- ноанъанавий тафаккур соҳиби эканлиги;
- бошқаларни эшитиш ва учинчи шахс орқали бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши;

- эгаллаб турган лавозимдан қатъи назар бошқа одамлар билан самарали муносабат ўрната олиши кабилар. Булардан ташқари, ходим принципиал, қатъиятли бўлиши, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиши, уларга ишониши, ўз фикрини аниқ ва ишончли ҳимоя қила олиши, соғлом фикрлаши, масъулиятни ҳис этиши, самарали ва тез ишлаши, янгилликка, янги широкта тез мослашиши, ўзининг ахлоқий ва маънавий сифатлари орқали шахсий обрўга эга бўлиши, жамоада ишлай олиши ва ўз шахсини ривожлантириши зарур.

Булар ҳар бир ходимнинг ўқиш, ўрганиш, кузатиш, атрофдаги муҳит таъсири натижасида аста-секин шакллана борадиган касбий ва шахсий хислатларида кўринадиган хусусиятлардир.

Ҳозирги кунда давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири кадрлар тайёрлашни давлат хизматчиларининг малакасини ошириш билан қўшиб олиб бориш, бунинг учун эса малака оширишнинг қатъий тизимини барпо этишдир.

Кадрлар тайёрлаш мақсадида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этиш ўз натижаларини бермоқда. Дастурнинг биринчи босқич якуни мамлакатимизда кадрларга бўлган эҳтиёж

қондириб борилаётганини кўрсатади. Республикамизда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси, Ҳарбий академия, Молия – банк академиясида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш Марказида, Тошкент Молия институтида раҳбар кадрлар тайёрлашда ва малакасини оширишда маълум ютуқларга эришилди.

Эндиги вазифа кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш тизимини шакллантириш бўлиб турибди. Муносиб ходимларни аниқлашда тест, суҳбат, жамоат фикрини ўрганиш яхши натижа беради. Бу масалада ҳам жаҳон тажрибасидан ўзимизга мослаб фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида олиб борилаётган демократлаштириш, эркинлаштиришни кадрлар танлашга ҳам жорий этиш зарурати тугилмоқда. Бунда кадрлар тайёрлаш ва танлашга нодавлат тузилмаларини жалб этиш керакка ўхшайди. Мазкур усул хорижий мамлакатлар тажрибасида мавжуд бўлиб, кадрлар тайёрлаш ва танлаш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, адолатли фуқаролик жамияти талабларига муносиб мутахассис кадрлар бўлиб етишишда, жамиятимиздаги демократик жараёнлар ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланишини кадрлар томонидан ўрганиб бориш ва уларга амал қилиш талаб этилаётганлигини тушуниб етиши лозим. Бунинг учун раҳбар кадрлар якки муҳим талабларга жавоб бериши даркор:

биринчиси: ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига муносабатини тубдан ўзгартириш, масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш зарур;

иккинчиси: ўзига катта ишонч, катта вазифа юклатилган ҳар қайси раҳбар ана шу ишонч, ана шу вазифага муносиб бўлиш учун зарур билим ва тажрибага, юқори малакага эга бўлиши шарт. Чунки ўз соҳасида компонентли бўлишни бутун ҳаёт ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ўзи тақозо этмоқда.

Асосий гаянч тушунчалар

Кадрият - инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат ва элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб, кадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари мажмуи.

Умуминсоний кадриятлар - бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажагини, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини одамларнинг энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини ўзида акс эттирадиган кадриятларнинг умумий шаклларини ифодалайди. Умуминсоний кадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз ҳаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир.

Миллий кадриятлар - миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Инсон омили - инсон моҳиятига хос бўлган энг муҳим хусусиятларни, инсондаги жисмоний-руҳий томонларнинг бирлиги, тафаккур ва ҳаракат ўртасидаги бевосита алоқадорлик, табиий ва ижтимоий унсурларнинг яхлитлиги, инсон эҳтиёжларининг чексизлиги ва уларни қондириш йўллариининг чекланганлиги инсон ҳаётида объектив ва субъектив омилларнинг баб-баравар иштирок этишини ифода этувчи тушунчадир.

Комил инсон - онги юксак мустақил фикрлай оладиган, гўзал ҳуққатвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли, маънавий дунёси бой кишилардир.

Маънавият - кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари, инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган, уларга асосланадиган ижобий фазилатларнинг мажмуи.

Ахлоқ - ҳар бир кишининг ўзини идора қилиш, инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан узоқлаштирувчи илмдир.

Одоб - тўғри сўзлик, хушмуомалалик, озодалик, диди-фаросатли, жамоат тартибига риоя қилувчи, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, ота-онани севиш ва ардоқлаш, аждодларни хотирлаш, меҳнатсеварлик, ватанларварлик ва ҳақозолар мажмундир.

Маърифат - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, маънавий ва диний ғоялар мужмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда умуминсоний кадриятлар устуворлигини тушунтириб беринг.
2. Инсон омили ва мезонининг ўзига хос томонлари нимада?
3. Одам демократик неъматларнинг истеъмолчисигина эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига қачон айланади?
4. Маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат каби кадриятларнинг фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушунасиз?
5. И.А.Каримовнинг қайси асаида маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат – фуқаролик жамиятининг яхлит тизими сифатида аниқ баён этилган?
6. Комил инсон тарбиясини қандай тушунасиз?
7. Кадрларга қўйиладиган талаблар нимадан иборат?

Мустақил иш мавзулари

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маънавий асослари.
2. Маънавий ислохотлар ва эркинлаштириш сиёсат.
3. Умумийинсоний қадриятлар ва уларнинг миллий қадриятлар билан уйғунлиги.
4. Фуқаролик жамиятида инсон омили.
5. Комил инсон тарбияси - давлат сиёсатининг устувор соҳаси.
6. Маърифат - жаҳон тараққиётининг асоси.
7. Фуқаролик жамияти ва кадрлар сиёсати.
8. Маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятнинг ўзаро муносабатлари.
9. Иқтисодиёт, маънавият ва маърифатнинг ўзаро муносабати ва жамият ҳаётидаги аҳамияти.
10. Маънавият ва сиёсат, ҳуқуқ, мафкура.

Тест топшириқлари

1. Фуқаролик жамиятининг маънавий асос-белгиси муҳим ва зарур шартлари нимадаг иборат?

- a) фуқаролик жамиятида эркинлик, қонулар олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат, ҳамма учун бирдек шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат;
- b) фуқаролик жамияти аъзолари томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари тан олиниши, эркин демократлаштиришнинг ҳуқуқий-амалий асосларини яратишдан иборат;
- c) фуқаролик жамияти компонентларини асосий омил қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир;
- d) миллий ғоя ва унинг умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ яхлит маънавий-мундарижавий моҳият-мақомини уйғунлаштириш;
- e) «Ўзбекистон-келжаги буюк давлат», - бош миллий ғоясининг «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий ғоянинг минтақавий ва умумбашарий мазмун-моҳият касб этиши.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз мазмунида ўзбек халқининг қандай миллий маънавий-маданий ва ҳуқуқий меросини мужассам этган?

- a) миллий давлатчилик ва қонунчилик тажрибасини ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий - маданий меросини;
- b) маънавий-маданий, илмий - фалсафий ва адабий меросини;

- c) умуминсоний маданий кадриятларни сингдириш асосида қарор топган, шунингдек, исломий кадриятлар таъсирида шаклланган меросини;
- d) тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва хусусиятлари билан боғлиқ маънавий-ахлоқий меросини;
- e) a, b ва c жавоблар тўғри.

3. Демократия, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларига садоқат, инсон шахсини ва инсон омилини улуглашдек ахлоқий-маданий ва ҳуқуқий қондалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қайси моддаларида ўз ифодасини топган?

- a) 4-моддасида;
- b) 13-моддасида;
- c) 14-моддасида;
- d) 19-31-моддаларида;
- e) a, b ва c жавоблар тўғри.

4. Миллий ўз-ўзини англаш бу -

- a) ўз Ватани ва шу Ватанда яшаган халқнинг, миллатнинг ўтмиши, унинг маданияти, урф-одати ҳамда кадриятларини билиш демакдир;
- b) ўз халқининг азалдан жаҳон ҳамжамиятига қўшган ҳиссасини англаш демакдир;
- c) авлодларга бой тарих қолдириш, аждодлар тарихини мукаммал билиш, уларнинг рухларини аъъозлаш демакдир.
- d) халқ манфаатларини ҳимоя қилш, жипслашиш ва ўзаро тушунарликдир;
- e) a, b ва c жавоблар тўғри.

5. Қуйидаги фикрлардан қайси бири юксак маънавий зауриятини очиб беради?

- a) жамиятдаги барча ютуқ ва камчиликлар инсоннинг камолотига бориб тақалади;
- b) ахлоқ-одоб тарбиясига эътиборсиз қараган жамиятда моддий фаровонлик ўткинчидир, деб тушунилмаса;
- c) аънавий камолотга эришилмаган жамиятда қанчалик моддий бойликлар қўп бўлмасин, барибир у жамият юксаликка чиқа олмайди;
- d) инсон омили муҳим бўлиб қолар экан, ҳар доим у маънавий юксак бўлиши керак, акс ҳолда инкироз муқаррар;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

6. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида ахлокий тарбияга тўғри таъриф берилган?

- a) яққа ва жамоатчилик асосида шаклланган ижобий ва салбий тасаввурларга суянадиган;
- b) инсон қаёти билан боғлиқ, тарихий жараёнлар ва миссиялар зарурияти учун шаклланган таълимот;
- c) инсоннинг ўз манфаати йўлидаги ҳар бир ҳаракатини юзага келтирувчи ҳаракат;
- d) ахлокий тасаввурларни таҳлил қилиш малакаси;
- e) тўғри жавоб йўқ.

7. Миллий ўзлик ахлокий тарбиянинг асоси сифатида....

- a) инсонни ўз юртининг эгаси, хўжайини сифатида ҳис қилдиради;
- b) ўз Ватанини танишни, уни қўпорувчилардан, хиёнаткорлардан асрашни тақозо этади;
- c) ўз вазифасини тўла ва сийқидиллик билан бажаришга ундайди;
- d) ўз-ўзини бошқарув ва ўз-ўзини назорат қилишга етаклайди;
- e) тўғри жавоб йўқ.

8. «Маънавият» сўзи арабча бўлиб,

- a) инсон руҳий, ақлий жиҳатлари каби жараёнларни ифодалайди;
- b) инсонларнинг ғамхўрлиги, қайғуриши, қувониши каби ҳиссиётларни мужассамлашганлигини англатади;
- c) инсоннинг барча ижобий хислатлари мажмуи тушунилади;
- d) инсон маънавиятининг умумий қирралари, уларга амал қилиш жараёнлари тушунилади;
- e) маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятининг, давлатнинг куч-қудратидир.

9. Маънавиятнинг миллий ва умуминсоний қадриятлари қамраб олади.

- a) одоб-ахлоқ ва характерни тарбиялашни;
- b) миллатлар ўртасидаги маънавият хислатларини юксалтириш қонуниятларини;
- c) умуминсоний урф-одатлар ва қадриятларнинг яқинлашиш қонуниятларини;
- d) турли ижтимоий гуруҳлар маънавиятини юксалтириш қонуниятларини;
- e) b, c, d жавоблар тўғри.

10. «Билим-куч, куч эса - билимдир» деган машхур ибора муаллифи ким?

- a) Ф.Бэкон;
- b) Г.Гегель;
- c) А.Навойи;
- d) З.Бобур;
- e) Абу Наср Фаробий.

11. Маънавий хислатлар қандай жараёнлар таъсирида шаклланади?

- a) иқтисодий жараёнлар;
- b) сиёсий жараёнлар;
- c) илмий-техникавий жараёнлар;
- d) маънавий жараёнлар;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

12. Маънавият ва маърифат ўртасидаги муносабатларни қандай изоҳлаш мумкин?

- a) маънавият ва маърифат бир бутуннинг икки томонидир;
- b) маънавият хислатлар, маърифий жараёнлар;
- c) маънавият ва маърифат нисбатан бошқа тушунчалар ҳисоб-ланади;
- d) маънавият – таълим-тарбиядир;
- e) a ва b жавоблар тўғри.

13. Малакали рақобатдош кадрлар тайёрлашни асоси нимада?

- a) узлуксиз таълим;
- b) ўрта махсус таълим;
- c) фан;
- d) иқтисодиёт;
- e) маънавият.

14. Маданият бу ...

- a) инсон фаолияти натижасида яратилган моддий ва маънавий бойликлардир;
- b) авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кадриятлар, урф-одатга ўтиб келаётган кадриятлар;
- c) инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалайдиган тушунчадир;
- d) инсоннинг етуклик даражасидир;
- e) тарихий ворислик ва аъёналардир.

15. Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқланг?

- a) ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;
- b) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;
- c) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;
- d) юридик таълим тизимини ривожлантириш;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

16. Ҳуқуқий маданиятли киши қандай бўлиши керак?

- a) ҳуқуқий билимларга эга бўлган;
- b) муомила маданиятига эга бўлган;
- c) ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқ эта оладиган;
- d) тадбиркор ва ишбилармон;
- e) a, b, ва c жавоблар тўғри.

17. Жамият мафқураси нима?

- a) инсон манфаатларини ифода этувчи, беҳатар, тинч-тотув, фаровон турмушга йўловчи манба;
- b) муқаддас анъаналаримизни англаш;
- c) хилма-хил фикр ва ғояларни бир байроқ остига бирлаштириш;
- d) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- e) фикрлар хилма-хиллиги ва хурфикрлик.

18. Мафқурасизлик нимага олиб келади?

- a) лоқайдликка;
- b) жамиятни ўз йўлини йўқотишга;
- c) давлат ўз йилини йўқотишга;
- d) маърифатсизликка;
- e) жаҳолатга.

19. Миллий мафқура воситасида нимага эришилади?

- a) эл-юрт бирлашади;
- b) иқтисодиёт ривожига;
- c) маърифатга;
- d) барқарорликка;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

20. Миллий мақсад, гою бу

- a) тарих хотираси;
- b) конунга риоя этиш;
- c) миллатни бирлаштирувчи байроқ;
- d) фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи;
- e) илм-маърифатга интилиш.

21. Умумбашарий ва миллий кадриятларни уйғунлаштириш негизиданима кучайтиради?

- a) миллий ва демократик тафаккур тарбияси;
- b) ҳуқуқий тарбия;
- c) давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш;
- d) фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш;
- e) маънавий тарбияси.

22. Маънавий мустақиллик бу

- a) маънавий ва маданий меросларни яратишда эркинликлар яратиб бериш;
- b) урф-одатлар, миллий, умуминсоний, диний кадриятларни юксалишга замин яратиш;
- c) ўтмишдан қолган ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларга ҳурмат-эътибор туйғуларини шакллантириш;
- d) миллий кадриятларни умуминсоний кадриятлар билан уйғун-латириш;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

23. Қандай кадриятлар ахлоқий кадриятлар дейилади?

- a) маълум бир минтақа халқларигагина хос, такрорланмас этносларга бой ва асрлар мобайнида шаклланган кадриятлар;
- b) асрлар давомида шаклланган, умумэтироф этилган, жамият ҳаётини ахлоқий жиҳатдан белгилаб турадиган кадриятлар;
- c) тарбияни муҳим категория қилиб олган кадриятлар;
- d) ахлоқ-одобни ўз ичига қамраб олган таълим-тарбия категорияси.
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

24. Ахлоқ-одоб тарбиясида ақс таъсир самараси нима?

- a) ахлоқий фазилатларни намоён этишга интилиш;
- b) тарбияда қаттиққўллик ва зўравонлик таъсирида шаклланган (қусур) маънавий қусур;

- c) рухий сиқилиш ва эмоционал (хаяжонли) кайфият таъсирида шаклланган ахлоқий онг амалга оширган мардлик, жасурлик ва журъатлилиқ намуналари;
- d) ахлоқ-одоб тарбиясига эътиборсиз қараган жамиятда инкироз ва тарбиясизлик юз беради;
- e) b ва c жавоблар тўғри.

25. Инсонпарварлик нималарда намоён бўлади?

- a) кишиларнинг ўзаро ҳурматида, бир-бирини қадрлашда;
- b) меҳр-оқибатли бўлишда ўзаро кўмаклашишда, қайгуга шерик бўлишда ва ҳамдардлиқда;
- c) кишиларнинг дўстлик ришталарида;
- d) бир-бирига бўлган муҳаббатида;
- e) a, b, c ва d жавоблар тўғри.

26. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

- a) 1998 йил 30 апрель;
- b) 1997 йил 28-29 август;
- c) 1996 йил 30 май;
- d) 2000 йил 10 апрель;
- e) 2001 йил 29 август.

27. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қандай муаммолар ечими муҳасамлашган?

- a) таълим тизимини кучли қонунлаштириш ва ислоҳ этиш;
- b) юксак маънавиятли шахсни шакллантириш;
- c) миллий тикланиш ва ахлоқий ҳислатларни шакллантириш;
- d) юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

28. Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва амалга оширувчиси ким?

- a) давлат;
- b) вазирлик;
- c) жамоат ташкилоти;
- d) шахс;
- e) мактаб+ўқитувчи.

29. Таълим соҳаси ислоҳотларининг ҳуқуқий асослари нима?

- a) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- b) «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»;

- c) «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» концепцияси;
- d) «Миллий истиқолол гоҳси; асосий тушунча ва тамойиллар» концепцияси;
- e) а ва б жавоблар тўғри

30. Жамият тараққиётини ҳалокатдан қутқариб қоладиган куч.....

- a) таълимдир;
- b) тарбиядир;
- c) мустақилликдир;
- d) маърифатдир;
- e) тафаккурдир.

31. Қомил инсон гоҳсини тушунтириб беринг?

- a) қомил инсон гоҳси-одамзотга ҳос юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб гоҳдир;
- b) қомиллик-меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби асл инсоний ҳислат ва фазилатларнинг мажмуидир;
- c) қомил инсон гоҳси азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий қисми бўлиб келган;
- d) қомил инсон-қулиқ, мутелиқ, боқимандаликдан бутунлай ҳалос бўлган, ўз маслиғи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли гоҳларни тарқатаётган қимсалар ортидан қўр-қўрона эргашиб кетавермайдиган, оғоҳ ва фаол инсондир;
- e) а, б, с ва d жавоблар тўғри.

32. Маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифатнинг узвийлигини аниқланг?

- a) маънавият ва маърифат - миллат, мамлакат фуқаролик жамияти тараққиётини белгиловчи омилдир;
- b) маънавият ва маърифат - шахс ва миллатнинг «ақлли қалбини» ифода этадиган, табиат, жамият ва одамнинг инсонийлашув, маърифатлашуви даражасини билдирадиган руҳий-ақлий идрок олами ҳисобланади;
- c) маънавият, маърифат ва ахлоқ-одоб моҳиятан муштарак тушунча бўлиб, табиатан бир-бири билан ҳамбарчас узвий боғлиқ яхлит тизимдир;
- d) одоб-ахлоқ ва маърифат, соф маънавий тушунча ва маънавият - соф маърифий инсоний цивилизациядир;
- e) а, б, с ва d жавоблар тўғри.

Интеллектуал тренинг

1. Фукаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг умум-муштарак сабабларини тушутириб беринг.

№	Биринчи сабаб	Иккинчи сабаб	Учинчи сабаб
1	2	3	4

2. Фукаролик жамиятининг маънавий-асос белгисини таъдланг.

№	Эркинлик, қонулар олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат	Умуминсоний кадриятлар

3. Оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб-қонда ва давлатчилик фукаролик жамиятининг ҳал қилувчи кадриятлари эканлигини изоҳланг.

№	Оила	Мулк	Эркинлик	Ҳуқуқ	Маънавият	Давлатчилик тартиб-қондалар
1	2	3	4	5	6	7

4. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишини бош омили маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат эканлигига ёзма ишод беринг.

№	Маънавият бу-	Ахлоқ-одоб бу-	Маърифат бу-
1	2	3	4

5. Комил инсон деганда нимани тушунасиз?

№	Комил инсон бу -
1	2

6. Жамият мафкуравий-маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини қайд этинг.

№	Мафкуравий тарбия	Маънавий тарбия	Ахлоқий тарбия
1	2	3	4

7. Иқтисодиёт, маънавият ва маърифат тушунчасининг боғлиқлигини изоҳланг.

№	Иқтисодиёт	Маънавият	Маърифат
1	2	3	4

8. Миллий ва умуминсоний кадриятларга изоҳ беринг.

№	Миллий кадриятлар	Умуминсоний кадриятлар
1	2	3

9. Умуминсоний ахлоқий меъёрлар ва тамойилларни қайд этинг.

№	Меъёрлар	Тамойиллар
1	2	3

10. «Ватанни севмок - иймондандир» деган гоявий шиорни изоҳланг.

№	Изоҳ
1	2

11. «Фикри а қарши фақат фикр, гояга қарши фақат гоя» билан курашиб олға боришни изоҳланг.

№	Изоҳ
1	2

12. Маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятга изоҳ беришг.

№	Маънавий маданият	Ҳуқуқий маданият	Диний маданият
1	2	3	4

13. Миллий ифтихор, миллий гурур деганда нимани тушунасиш?

№	Миллий ифтихор	Миллий гурур
1	2	3

14. Фуқаролик жамиятининг маънавий-ахлоқий ривожланишининг асос-негизлари ва омилларини бирма-бир қайд этинг.

№	Асослари	Негизлари	Омиллари
1	2	3	4

15. Инсон омили ва мезонининг ўзига хос томонлари нимада?

№	Инсон омили	Инсон мезони
1	2	3

16. «Жамики дуёвий неъматлар орасида энг улуг - инсон» деган фикрни изоҳлаб беринг.

№	Изоҳ
1	2

17. Маънавий баркамол шахснинг шаклланишини таъкидланг.

№	Баркамол шахс маънавиятининг шаклланиш омиллари
1	2

18. Алишер Навоийнинг инсониятни «аҳли маъни» ва «аҳли суврат»дан иборат, деб улуғлашни изоҳлаб бering.

№	Инсонни улуғлаш	Изоҳ
1	2	3
	Аҳли маъни гуруҳида зиндор, Хеч ор айлама гадолигдин, Ким бўларга гадолиг ортиқдур, Аҳли сувратқа подшолигдин.	

19. «Жамият тараққиётини муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир», деган концепциянинг маъносини тушунтириб бering.

№	Тушунча
1	2

20. Раҳбар кадрлар икки муҳим талабга жавоб бериши кераклигини таъкидланг.

№	Биринчиси	Иккинчиси
1	2	3

IX БОБ. ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ, СЎЗ, МАТБУОТ ВА АХБОРОТ ҲАМДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

9.1. Ижтимоий адолат - фуқаролик жамияти таянчи

Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар - ҳуқуқий демократик давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди асосидаги эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнлари кечмоқда. Жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида демократик тартибот, барқарор ривожланиш муаммоларига эътибор ошиши табиий. Зеро, бу жараён сиёсатдан тортиб маънавиятгача, иш ҳақидан тортиб давлат бошқарувигача бўлган соҳаларнинг барчасида туб ўзгаришларни, замонга мос янгиликлар қилишни талаб этади. Президент Ислоҳ Қаримов «Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эkanмиз, адолат гамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз»,¹ деб таъкидлайди. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий адолат тамойилларини изчил қарор топтиришни талаб этади. Давлатимиз раҳбари маъруза ва нутқларида, асарларида раҳбар фаолиятида ижтимоий адолат тамойили сув ва ҳаводек зарурлигини куюнчаклик билан бот-бот таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас. Раҳбар бўла туриб ижтимоий адолатнинг бузилишига йўл қўяётган кишилар умуман, тараққиётимизга, демократияга ҳам зид нарсаяканлиги кўп марта уқтирилди. «Ўзингиз ўйланг», - деб таъкидлайди Президентимиз, - «кимдир кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилса-ю, лекин кимдир амалидан фойдаланиб, ўз манфаятини кўзлаб, турли ҳийла-найранглар билан бошқаларнинг ҳаққига хиёнат қилса... бу албатта, жамоатчилик, эл-юртнинг эътирози ва норозилигига сабаб бўлади».

Шу билан бирга ижтимоий адолатни амалга ошириш мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар шароитида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркинлик, қонунчилик ва демократияни қарор топтириш шароитларида кечиши аниқ. Ижтимоий адолат гоёси жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларини қамраб олади, у давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг муҳим омили, зеро биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик фуқаролик жамияти қурмоқдамиз ва бошланган барча ислохотларимизнинг пировард мақсади биги - адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдир.

Ижтимоий адолат муаммоларининг ечими аввало биз барпо этаётган давлат, жамият, тузумда адолат туб асослардан бири бўлиши зарурлиги билан ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва

¹ Қаримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқадасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 10-бет.

тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган

1-чизма. Ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорлик гоёси.



демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш, аввало негизда моддий жиҳатдан мустақкам оила бўлган адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Шу маънода ижтимоий адолат мустақил ва барқарор тараққиёт йўлидан бораётган ва бу йўлда маълум ютуқ ва тажрибалар тўплаган Ўзбекистоннинг бундан кейинги ривожланишининг ҳам зарур шarti бўлиб кoлмоқда.

Бунда ижтимоий адолат тамойили нафақат бой давлатчилигимиз тарихида, балки биз кураётган жамиятимиз ҳаётида ҳам муқим ўрин тутуши билан кадрлидир. Албатта, адолатли, демократик фуқаролик жамияти куриш жараёни мураккаб кечиши аён. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди». Ўз мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизimini қамраб олувчи ижтимоий адолат ғояси жамиятнинг демократлашиб бoриши шарoитида тобора ижтимоий-сиёсий мазмунгазга бўлмоқда, яъни у қонун-қоида, эркинлик, демократиянинг ифодаси сифатида муҳим сиёсий кадрият ҳисобланади. Демократик одил фуқаролик жамиятини барпо этиш қонун устуворлиги ва фуқаролар эркинлигини таъминловчи адолатли муносабатлар қарор топгандагина ҳаётлидир.


Ижтимоий адолат демократия ғоялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунча сифатида ҳам кадрлидир. Зеро, инсон кадр-қимматини жойига қўйиш, қонунларнинг амалда жорий бўлишини талаб этувчи ижтимоий адолат қондалари демократиянинг туб мазмун-моҳиятига мосдир. Лекин ижтимоий адолатнинг ҳушовоз номи учун эмас, балки уни реал ҳаётда ўрнатишгина одамларимизда эртанги кунга ишонч уйғота олади. Тараққиётга эришишнинг машаққати ижтимоий адолат қондаларини кадам-бакадам қарор топтириш, жамият ҳаётидаги ижтимоий адолатсизлик кўринишларини изчил бартараф этиб бoриш билан енгиллашади. Ижтимоий адолат биз учун тарихимиз мобайнида ғоявий асос сифатида яшаб келган инсонпарвар жамият орзуси, миқлат ғояси, унинг мафқурасида акс этган орзу-умиди, халқимизнинг инсонпарварлик табиатига мос эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга бўлган азму қароридир.

9.2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – фуқаролик жамияти талаби

Инсон ҳаёти олий ижтимоий кадриятдир. Инсон ва фуқаро эркинликлари, шахс дахлсизлиги қонун билан кафолатланади ва фақат қонунда белгиланган тартибдагина ваколатли давлат органлари томонидан чекланиши мумкин.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

1-чизма. Инсон ҳуқуқлари



2-чизма. Шахс ҳуқуқий мақомининг конституциявий принциплари



(Омбудсман) институти муҳим роль ўйнайди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган қонунда берилган ваколатларига мувофиқ фаолият кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларининг киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланишига қарамасдан, жамиятда баъзан қонун бузилиш ҳоллари учраб туради. Мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва улар бузилган ҳолларда тиклашнинг самарали тизими йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – энг олий қадрият» сифатида кафолатланган. Мазкур модда «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган.

Қаерда қонун устувор экан, ўша ерда тараққиёт бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституция билан кафолатланганлиги фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Сўнгги йилларда республикамизда олиб борилаётган ҳуқуқий-маънавий ва маърифий тушунтириш ишлари, зарур амалий чора-тадбирлар натижасида фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги сезиларли даражада ошганлиги эътиборга молик.

Жамиятимиз ҳаётини янгилаш ва демократлаштириш соҳасидаги ютуқлардан асосийси – икки палатали парламентнинг жорий этилиши бўлди. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишида (2005 йил 28 январь) Юртбошимиз ўз нутқида «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик назифамиз аввалгича қолади – демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлида оғинмай, изчил ва қатъият билан боришдир», дея таъкидлаган эди. Бу фикрлар инсон ҳуқуқлари ва эркиндикларининг янада мустаҳкамланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, инсон ҳуқуқлар ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳимояси айниқса муҳим аҳамиятга эга. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини алоҳида шахслар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай тажовузлардан асраш имконини беради. Конституциямиз амалдаги қонунларимиз бўйича ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу қоида аввало, Конституциямизнинг 44- моддасида

3-қизма. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари институти

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари институтининг асосий хусусиятлари

Инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган принциплар ва нормаларга тўла мос келиши

Қонунларнинг моҳияти, мазмуни ва қўлланилишини белгиловчи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бевасита амал қилиш хусусияти

Барчанинг қонуи олдидан тенглиги, ҳуқуқий ва амалий кафолатланганлик

Миллатидан қатъий назар, барча шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган нормаларига мувофиқ кафолатланганлиги

Халқаро ҳужжатлар ва Конституцияда белгиланган ҳоллардан ташқари ҳолларда ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга йўл қўймаслиги

Инсон ва фуқаронинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий ва ҳақиқий кафолатланганлиги

Мансабдор шахсларнинг инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига таъвоуз қилганлиги учун жавобгарлиги институтларининг яратилиши ва самарали фаолият кўрсатиши

мустаҳкамлаб қўйилган. «Фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини амалга ошириш йўллари белгилаб берилган.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, «Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобланса, шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

Ҳар бир фуқаронинг шикояти судда ҳар томонлама текширилиб, шикоят юзасидан тегишли ажрим ва қарорлар чиқарилади. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишни назорат қилишда прокуратура органлари алоҳида ўрин эгаллайди. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида прокуратура органларининг инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ижро этилиши устидан назорат олиб бориш белгиланган. Шу ўринда айтиш керакки, фуқароларимиз аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга эмас, прокуратурага мурожаат этмоқда.

Бунинг албатта узига ҳос сабаблари бор. Аввало, прокурор аризаچининг шикоятини бирмунча тезроқ қабул қилиши, текшириши, чора кўриб жавоб бериши мумкин. Суд эса қонунда белгиланган процессуал тартиб-қоидаларга, жинойий ва фуқаролик ишларини кўриш жадвалига катъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади.


Прокурор ҳузурига эса бир мартаба келиб, шикоят ва ариза қолдириб, узил-кесил жавоб олиш мумкин. Бундан ташқари, суд жараёни учун тўловларнинг, адвокат ёллашнинг нисбатан қимматлиги, малакали адвокатларнинг етишмаслиги каби омиллар ҳам бу борада айрим мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Лекин юқоридаги ҳолатлар билан фуқаро ҳуқуқларини прокурорлик фаолияти шаклида ҳимоя қилиш ҳеч қачон судда ҳимоя қилиш ўрнини боса олмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, Ўзбекистон – келажакги буюқ давлат. Бу – мустақил, демократик ҳуқуқий давлат негизига барпо этилajak давлат фуқаролик жамиятидир. Бу – инсонпарварлик қоидаларга асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан катъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан бири – инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифасидир.

Мамлакатимиз Конституциясининг 93-моддаси 1-қисмида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари, Конституция ва қонунларига риоя этилишнинг кафилидир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бажарилишининг кафили сифатида айнан


4-чизма. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари




5-чизма. Сиёсий ҳуқуқнинг турлари





6-чизма. Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари



7-чизма. Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари



**8-чизма. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг
кафолатлари**



Президент – давлат бошлигининг белгиланиши бу масала нақадар муҳим эканини кўрсатади. Давлатимиз бошлиғи номига келадиган шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан Ўзбекистон Республикаси Президентини девоғни хатлар ва фуқароларни қабул қилиш бўлими шуғулланади. У ерда кўглаб фуқаролар қабул қилиниб, уларнинг шикоятлари кўриб чиқилади ва кўриш учун ваколатли илораларга юборилади. Натихада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тикланади. Бундай фаолият натижаида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш устидан самарали назорат амалга оширилади. Мамлакатимизда маҳаллий вакиллик органлари халқ депутатлари кенгаишлари, маҳаллий ижроия ҳоқимияти органлари, ҳоқимлар ҳам инсон ҳуқуқлари ижросини таъминловчи ва назорат қилувчи тузилмалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги давлат ҳоқимияти органлари ўз фаолиятида ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш механизмини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида умумэътироф этилган халқаро тажрибалардан, ўз миллий анъаналаримиздан самарали фойдаланади.

Хуллас, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар орасида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (2002 йил 13 декабрь) қонун муҳим ўрин тутати. Мазкур қонун мамлакатимиз фуқаролари ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёрдам беради. Унда назарда тутилганидек, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқи бузилган ҳолда, ҳар қандай давлат органига мурожаат қилиши ва ўз навбатида давлат органлари ва мансабдор шахслар уларнинг манфаатини ҳимоя қилиши зарур.

Зотан, Президентимиз Ислом Қаримовнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан 2006 йил 7 декабрда бўлиб ўтган тантанали йиғилишдаги «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият» маърузасидаги «Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-маъмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз. Асосий Қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, биринчи галда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзининг қундалик фаолиятида оғишмай рия қилиши зарурлигини бугунги кунда энг долзаоб масала сифатида ўртага қўйсақ, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади»¹, деган сиёсий-ҳуқуқий гоялар фикримиз исботидир.

¹ «Халқ сўзи», 2006 йил 8 декабрь.

9.3. Фуқаролик жамияти: жамоатчилик фикри ва ижтимоий бошқарув

Маълумки, жамиятни бошқариш, идора қилишнинг хилма-хил йўллари мавжуд. Улардан авторитар бошқарув ҳуқуқий негизларга таяниб бошқариш ва жамоатчилик фикри воситасида жамиятни бошқариш усулларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Авторитар бошқарув тизимида яқка шахс ҳукми ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, жамоа, жамиятнинг умумий фикри турли муаммоларни ҳал этишда реал таъсир кучига эга бўлмайди. Бундай сиёсий тузумларда демократия, яъни халқ ҳокимияти давлат бошқарувидан амалда четлаштирилганлиги сабабли, хурфикрли кучлар расмий сиёсатнинг барча кўринишларига ошқора ҳамда ҳуфъя муҳолифатда бўладилар. Тарих тажрибасидан аёнки, авторитар тузумлар муҳитида адолат ва ҳақиқат мезони бузилиши равшанлиги боис, уларнинг умри чеклангандир.

Ижтимоий бошқариш силсиласида давлат ва жамиятни қонулар воситасида идора қилиш алоҳида ўрин тутиб, бу тартиб ҳозирги замон мутараккий мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий қиёфасини белгилаш мезони ҳам бўлиб қолмоқда. Қонулар воситасида бошқариш усули демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини таркиб топтиради. Қонулар давлат ва жамият бошқаруви жараёнида ҳамма ижтимоий кучлардан, шахслар ва ҳатто, анъана-удумлар мавқеси ва таъсиридан ҳам устуворроқ аҳамият касб этади. Ҳуқуқий давлат тизими чуқр илдиз отган мамлакатларда ижтимоий мавқеи залворли шахслар, ҳатто давлат бошлиқлари фаолиятини ҳам ижтимоий назоратдан четда қолдирилмайди. Ҳуқуқий давлатлар адолат ва ҳақиқатни қонун, куч воситасида ижтимоий ҳаётга чуққур сингдириш эҳтиёжидан туғилгандир. Зеро, алоҳида шахс манфаатлари қонуларнинг мутлақ устуворлиги шароитидагина тўла таъминланиши сир эмас. Европадаги ривожланган мамлакатларнинг халқлари учун қонулар воситасида алоҳида шахс манфаатларини ҳимоя қилишга эришилүви ҳуқуқий давлат тизимининг юзага келиши катта ғалаба саналади. Бинобарин, бу мамлакатлар халқлари учун алоҳида шахс манфаатларини тўла ҳимоя остига олишнинг қонулардан бўлак бирор шакли мавжуд эмас эди.

Мовароуннаҳр халқлари, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида истикомат қилиб келган аҳоли учун қонун ва қондаларнинг ижтимоий ҳаёт ва кишилар турмуши доирасида амал қилиши ўзига хос тарзда рўй бериб келган. Бу ўзига хосликлар қуйидаги жиҳатларга кўра характерланади. Биринчидан, Мовароуннаҳр халқлари, хусусан, ўзбеклар турмуш тарзи, ҳаёт йўриғининг моҳиятан Европа мамлакатлари каби индивидуал эмас, балки жамоавий манфаатлар ва эҳтиёжлар негизига қурилганлигидир. Бу нарса ўзбек халқи менталитети, урф-одат, анъаналари, тарихий тақомил йўли, ижтимоий-маданий тажрибаси билан изоҳланади. Иккинчидан, ўзбек халқи маънавиятидаги жамоавийлик хусусияти унинг табиатан муросасозлиги, тинчликсеварлиги, ҳар бир ҳаётий, сиёсий вазиятларда аҳдга, тотувликка, ўзаро иттифоқий битимларга келишишига мойиллигидир. Халқимизнинг

деярли уч минг йиллик такомил тарихини ўзга ўлкаларни забт этиш, боскин қилиш воқеалари эмас, асосан ўз ерини ҳимоялаш лавҳаларидан иборат жараёнлар тизими ташкил этади. Учинчидан, ўзбек халқи маиший ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари муайян шартликлари, қонда-амаллар, расм-русмлар, рамзий ҳатти-ҳаракатлар, эътиқод билан тўла суғорилгандир. Ўзбеклар тонгдан, то кечгача, туғилгандан, то вафот эттунига қадар мустаҳкам илдииз отган турли расм-русмлар, ўзига хос қондаларни бажариш асносида фаолият юритадилар. Ўзбекларга хос бўлган ижтимоий зарарли одатларни қатъиян тақиқловчи, шахс ҳаёт маромини табиат, жамият ва жамоа манфаатлари ўзанига йўналтирувчи «ноини теппа», «сувни булғама», «сувга туфлама», «аввал ўзинги ур, оғримаса бошқани», «кенгашганга кенг дунё», «меҳмон отангдан язи», «Устоз отадан улуг» сингари қондалар қонун даражасида ва ундан ҳам устуворроқ мавқе қасб этиб келгандир.

Маромий турмуш тарзи, барча билан мураса-мадорага осуда ҳаёт тинчлигини сақлаш ички тартиб-қондалар билан муҳофаза этилган-ки, четдан сингдирилган алоҳида қонун-қондаларга айтарли эҳтиёж қолмаган. Жамоатчилик фикри, эл-юрт, жамоа, маҳалла фикри кишилар ҳаёт маромини бошқаришда ўзига хос маёқ ва мезон вазифасини ўтаб келган. Ана шу жиҳат ўзбек халқи менталитетини белгилашда марказий аҳамият қасб этади. Халқимизнинг худди шу хусусиятига Президентимиз асосий эътиборни қаратиш лозимлигини қайта-қайта уқтиради: «Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, хайити-ташарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бонққа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаятган тафаккур тарзидир».¹

Дарҳақиқат, инсоннинг том маънодаги инсонийлик моҳияти ҳам кишилик жамоаси билан ўзаро муносабати, мулоқот доираси ҳамкорлик ва уйғунлашув даражаси билан белгиланади.

Айрим Ғарб сиёсатчи олимлар фикрига кўра (Тойнби, Г.Тард) мамлакатнинг ялпи тараққиёт даражаси юксала бориши билан жамоатчилик фикрининг таъсири доираси ҳам тораيب боради.

Халқимизда ўз дарди қолиб кўпларнинг ташвиши билан қуюниб юривчи шахсларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиши ҳам бежиз эмас, халқимиз табиатан ўз раҳбарлари, йўлбошчилари шахсига алоҳида ҳурматда бўлади. Улар ҳақли равишда ақлли, чуқур билим ва тафаккурга эга шахсларга тан берадилар. Бундай ёндашувга қарама-қарши ўлароқ таниқли рус олими С.Фёдоров «Труд» газетасига берган интервьюсисида Россия ижтимоий-иқтисодий жараёнларида юзага келган ҳозирги сиёсий муҳит «муте ва ялқов халқ маънавиятини таркиб топтирди. Бундай халқ эса ахлоқан баркамол

¹ Қаранг: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Наврўз, 2005, 266-бет.

шахсни давлат тепасига чикиши, мамлакатни тўғри йўлдан ривожланишига асло йўл қўймайди» (Труд, 1997 йил, 31 май).

Бугунги Россия оммавий ахборот воситалари иктисодий, ахлокий ва сиёсий жихатлардан тарқок ҳолга келиб қолган рус халқини яқдил фикрловчи, муштарак мақсадли халққа айлантиришга қодир умумий миллий гоёни юзага келтириш атрофида жуда кўп бахслар уюштирмоқда. Миллий гоё эса аввало ҳар бир халқнинг асрлар мобайнида таркиб топган маънавиятига ва ана шу маънавиятдан туғилувчи яқдил жамоатчилик фикри шаклланган ҳолдагина дунёга келиши мумкин.

Собик СССР худудида таркиб топган мустақил давлатларнинг Ўзбекистондан бошқа биронтасида ҳам халқ манфаатларини тиклаш ва уни ривожлантиришга етарли эътибор берилмади. Бунинг оқибати ўларок, бу давлатларда турли маслак ва эътиқодга эга аҳоли қатламларини ягона умумий мафкура ва мақсадлар негизда бирлаштиришга бўлган саъй-ҳаракатлар бирор бир натижа бермаётди. Билмак, мастақилликка эришган мамлакатимизда эса, истиқлолнинг илк босқичлариданок халқ маънавияти, маданий мерос ва миллий кадриятларимизга қатта эътибор бериб келинмоқда. Қисқа муддат ичида халқимиз маънавий қиёфасида маданий кадриятларимизга, ижтимоий-сиёсий қарашларда миллат тарихи, дин-диёнатига бўлган муносабатлар мазмунида қатта мохиятли ўзгаришлар юз берди. Жамоатчилик фикри илк дафъа давлат сиёсати ва халқимизнинг миллий маънавияти негизда, аслий кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар билан мустақкам уйғунлик негизда таркиб топаётди. Агар мустамлака даврида жамоатчилик фикри расмий сиёсатга ҳуфъа муҳолифат ҳолатида намоён бўлиб келган бўлса, мустақил мамлакатимизда давлат жамоатчилик фикрининг айнан халқимиз маънавияти, маслак ва интилишлари негизда шакллантириш ташаббускоридир.

Хуллас, мустақил давлатчилик шароитида жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамияти янада муҳим аҳамият касб эта бошлади. Унинг амалий аҳамияти, фаолият сарҳадлари кенгайиб, жамият ҳаётига кўрсатилган таъсир кўламлари кескин ортиб бормоқда. Мазкур ижтимоий ҳодисанинг мустақиллик шароитидаги янги вазифа ва йўналишлари Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида илгари сурилган қатта назарий масалалар мазмунидан янада ойдинлашди. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик фикрининг бугунги долзарб йўналишлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш жоиздир:

- ижтимоий-маданий соҳаларда гуманизм гоёларига садоқат, инсон ва турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларда ижтимоий ҳимоя воситаларини кенг қўллаш, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний гурури, ор-номусини ҳурматлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Декларация талабларига риоя қилиш;

- халқ маънавияти ва аъъанавий ахлокий қарашларини тиклаш, миллий меросни асраш, аҳтиёт қилиб авлодларга етказиш чораларини кўриш, қадимий тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, Ўзбекистонда асрлар давомида

яратилган бекиёс санъат асарларини излаб топиш ва кайтариш чоратдбирларини кўриш;

- ўзбек тилини Ўзбекистон халқларини ўзаро ҳамжиҳатликка ундовчи ва уюштирувчилик ролини кенг тарғиб этиш, давлат тили тўғрисидаги қонун талабларини тўла бажариш, Ўзбекистон халқлари тақдири, маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишга даъват этиш;

- сўз, дин ва фикр эркинлигини таъминлаш: ислом ва бошқа динлар инсоннинг маънавий шаклланиш манбалари эканлиги, диний эътиқод давлат томонидан ҳурмат қилиниши, мўмин-мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж сафарларига кенг имкониятлар яратилиши;

- ҳар бир фуқарога умумий таълим, махсус билимлар ва олий маълумот олиши учун тенг ва баравар шарт-шароитларнинг яратилиши, мафкура ва миллий фетишизмдан ҳоли бўлган янги демократик маориф концепциясининг ишлаб чиқилиши;

- илмий, ижтимоий, бадий ва бошқа ижодиёт турлари такомил учун етарли шарт-шароитларнинг юзага келтирилиши, иқтидорли ёшларга кенг йўл очилиши, интеллектуал мулк ҳимояси хусусида қарорлар қабул қилиниши ва ҳ.к.

Мазкур масалалар юзасидан давлат муассасалари, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларида, обрў-эътиборли шахслар кўмағида қўйидаги йўналишларда ялпи жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадга мувофиқдир;

- згулик йўлида хизмат килувчи шахслар, меҳнат илгорлари, пирубадавлат инсонлар обрў-эътиборини оширишга қаратилган ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш;

- ижтимоий муносабатлар тизимида тоталитар тузум шароитида шаклланган ижтимоий зарарли одатлар, жамоат мулкнинг менсимаслик ва топташ, космополитизм, ватанга беқадрлик, миллий, маънавий қадриятларга ҳурматсизлик, хусусий мулкка нафрат сингари салбий ёндошувларни жамоатчилик фикри орқали нейтраллаш;

- Ўзбекистон Республикасининг инсонпарвар ички ва ташқи сиёсатини ялпи қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш.

Шундай қилиб, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати сифатида кенг халқ оммасининг алоҳида шахслар, гуруҳлар ва реал борлик воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирувчи нуқтаи-назардир. Жамоатчилик фикри турли муаммолар юзасидан баҳолаш, таҳлил этиш ва амалий тавсиялар бериш мазмунидаги мулоҳазалардан иборат бўлиши мумкин. Албатта, бу мулоҳазалар ижобий ёхуд салбий характерда бўлиши, мулоҳазалар негизида ижтимоий қизиқиш туғдирувчи факт ва ҳодисалар ётиши мумкин.

Жамоатчилик фикри айни бир вақтда умумжамиyat ҳамда муайян жамоа, гуруҳлар доирасида бир хил куч ва мазмунда намоён бўлиши ҳам мумкин. Zero, гап муҳокама этилаётган масалалар юзасидан кишилар манфаатларининг нечоғли мувофиқ тушишига боғлиқдир.

Табийки, жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётида амал қилиш қафолати ва таъсирчанлик миқёслари жамиятда реал амал қилинаётган сўз, матбуот, йиғилишлар эркинлиги, халқнинг интеллектуал-маънавий маданияти савияси, турли хил ижтимоий институтлар, партия ва уюшмаларга берилган эркинликлар даражаси билан ўлчанади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик фикри демократик ҳуқуқий давлат бошқарувининг муҳим субъекти, фуқаролик жамиятининг ранг-баранг муаммолари юзасидан аҳоли нуқтан-назарини намойн этувчи омил сифатида тобора кенгрок аҳамият касб эта боради.

9.4. Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили

Мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ Президентимиз «Мақсадимиз аниқ - Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш» дея таъкидлаган эди. Ана шу бош вазифани амалга ошира бориб истиқлол йилларида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий ва амалий асослари ярилди. Жамиятда фикрлар ва гоялар хилма-хиллиги реал воқеликка айланди. Кўппартиявийлик муҳити қарор топди, янгича демократик бошқарув тизими шаклланди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти ваколатлари тақсимланиб, амалдаги мустақилликни таъминлаш йўлида қатор ислохотлар амалга оширилди. Фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалди.

Фуқаролар нодавлат тузилмалари ва жамоатчилик ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қанчалик кўп қатнашсалар, уларнинг жамиятни бошқарувидаги бевосита иштироки шунчалик ортади, сиёсий-ҳуқуқий тафаккури дунёқараши ўзгаради, бу эса ўз ўрнида давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши тезлашувиға муҳим турки бўлади.

Фуқаролик жамиятида инсон учун ўз салоҳиятини юзага чиқариш, ижтимоий химоя бирламчи масала сифатида кун тартибига қўйилади. Бу эса ҳар бир фуқаро, табиий равишда муайян бир ижтимоий гуруҳларға аъзо бўлишини тақозо этади. Фуқароларнинг жамиятни демократлаштиришдаги фаоллигини ошириш борасидаги воситалардан яна бири, уларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилишини таъминлайдиган турли гуруҳлардаги иштирокидир.¹

Президентимиз Ислам Қаримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирик тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида бугунги кунда мамлакатимиз учун энг долзарб бўлган масалалар - Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2003, 88-бет; Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик гарақиёт йўлида. –Т.: ТМИ, 2004, 77-бет.

жамияти асосларини шакллантиришнинг бир неча йўналишларини кўрсатиб берди. Юртбошимиз фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталар экан: «Биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кўпайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тизимлари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунчалик явж олаверадди. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини давлат фаолияти, шу жумладан, унинг ишлатуви тизимлари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бошқа муқобил йўқ». Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Президентимиз томонидан таъкидланганидек «Ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверадди». Шу боис масаланинг ҳал қилинишида фуқаролик жамияти ўз таъсирини кўрсатиши зарурлиги яна бир марта қайд қилинганлигидир. Фуқаролик жамияти эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари устидан назоратни кучайтиришни, жамоатчиликнинг фаолигини янада оширишни тақозо қилади.

Президентимиз давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш зарурияти ва воситалари устида тўхталиб «Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органи фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамияти касб этади» деган фуқаролик жамиятини қуришда, омманинг фаолиятини оширишда асосий воситалардан бири сифатида жамоатчилик назорати инобатга олинган эди.

Бугун биз шакллантираётган фуқаролик жамиятининг ажралмас бир қисми сифатида жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ҳаётий талаб сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Нима учун ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган номасқул эски асоратлар ханузгача учраб туришининг сабаби ва унинг ечими тўғрисида тўхталиб Президентимиз «... агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга эришолмасак, буқдай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу балога қарши курашнинг буқдан бошқа йўли йўқ»¹ деб таъкидлаган. Жамоат назорати «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» жараёнида фуқаролик жамиятининг асл кучини ва таъсирини кўрсатувчи асосий омиллардан, демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили бўлган қонун устуворлигини амалга оширишнинг воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки қонун устуворлиги эса жамоат назорати тўла амал қилган жамиятдагина яшashi ва ҳаётимизнинг асосий мезони бўлиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 26-29-бетлар.

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишини таъминловчи ва кафолатловчи омиллардан биридир. Бундай назорат қай даражада кучли бўлса, давлат шунчалик халқчил бўлади, демократик жараёнларнинг амалга оширилиши жадаллашади. Бу эса, ўз ўрнида давлатимизнинг янада кучли бўлишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолатнинг барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида муросасизлик, масъулият, тенглик ва адолатнинг тўла амалга ошиши учун хизмат қилувчи асосий воситалардан биридир. У инсоннинг ҳуқуқий эркинликлари нафакат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлишини таъминлайди. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш сиёсий ҳокимият халқ қўлида бўлишини таъминловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятида тарози палласига қўйган тош каби тенглик посангиси хизматини бажариб, давлат ва жамият алоқаларидаги мувозанатни сақлайди. Жамоатчилик назоратининг рўёбга чиқиши фақатгина давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятигина эмас, бутун давлат аппарати, шунингдек, нодавлат секторини ўз камровига олади. Демак, жамоат назорати халқ томонидан амалга ошириладиган назорат бўлиб, унинг хохиш-иродасини ифодалайди. Халқ хохиш-иродаси ҳар қандай жамиятда ягона улкан қудрат бўлиб қолади.

Жамоатчилик назоратини фуқаролар ва уларнинг ижтимоий гуруҳлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоатчилик органлари амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»ги Қонуннинг ҳуқуқ-эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади. Жамоатчилик назорати ўрнатилган ташкилотлар ўз аъзолари ҳуқуқларини ва қонуний мафаатларини ҳимоя қилишади. Ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича фойдали тушаббуслар билан чиқишлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритишлари, қонунда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ва ноширлик фаолиятини юритишлари ҳамда бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш орқали жамоатчилик назоратини олиб боришлари мумкин.

Фуқаролик жамияти шакллана борган сари жамоатчилик назоратини ўрнатишда бошқариш органи бўлган маҳалланинг роли ва ўрни ортим боради. Ўзбек маҳалласи давлат идоралари устидан ўрнатилиши лозим бўлган жамоатчилик назоратининг энг ҳолис нозирдир. Бу соҳада Президентимиз «**Ўзини ўзи бошқаришни халқимизга хос ноёб услуби бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларига эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам ишлашимиз керак**» деганларида мутлақо ҳақ эдилар.

Жамоатчилик назоратини ўрнатишда жамоатчилик фикрини ўрганиш, уни инобатга олиш алоҳида аҳамият касб қилади, чунки жамоатчилик фикри жамиятда юз бераётган турли ўзгаришларни, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини ўзида акс эттиради ва фуқароларнинг шу жараёнларга бўлган муносабатларини ойдинлаштиришга ёрдамлашади. Шундан келиб чиққан ҳолда Президентимиз таъкидлаганидек, жамоатчилик фикри бир томондан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тақозо этадиган талаб сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан нафақат кутилаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида огоҳ бўлиш, балки ўзгаришларга нисбатан аҳолининг турли табақаларини аввалдан мақсадли, рухий-сиёсий тайёрлаб боришга ёрдам беради, бу эса жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши зарур бўлган долзарб муаммоларни олдиндан аниқлашга имкон туғдиради.

Фуқаролик жамиятининг барқарорлашиб бориши билан давлат идоралари, унинг маъмурий органлари ва ташкилотларининг фуқаролар назоратини ўрнатиш ишлар янада фаоллашаверади. Назорат қилувчи сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилади. Натижада давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари қанчалик «ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қилмасин», улар фуқаро назоратидан четда туролмайди, қонунбузарликлардан, ўзбошимчилик ва валюнтаристик қарорлар чиқариш, коррупцияга аралашайдан тийиб туради.

Жамоатчилик назорати орқали раҳбар рейтинг мониторингини жорий этиб, раҳбарнинг касбий ва ижтимоий мавқеи даражасини аниқлаб, олинган натижаларни мунтазам оммалаштириш бугунги кун талабаларидан ҳисобланади. Жамоатчилик назорати гуруҳи корхона ёки ташкилот раҳбарлари тавсиясига асосан эмас, фуқароларнинг ўзлари томонидан шакллантирилиши ва унинг таркибига раҳбариятга нисбатан мустақил, эркин фикрлай оладиган кишилар киритилмоғи керак.

Жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан тўпланган тажрибалар ахборот воситалари органлари орқали умумлаштириб турилиши мақсадга мувофиқдир. Уларнинг бошқалиги ҳар бир ташкилот ва корхоналарда режалаштирилган асосда эшитилиб, тегишли хулосалар чиқарилиб, уларни ҳаётга татбиқ қилиш зарур.

Шундай қилиб, бу тақлифларнинг амалга ошириши жамоатчилик ва фуқаро назоратининг янада такомиллашувига, фуқаро ва давлат ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга кафолат беради. Ҳуқуқ бузилишлари, тазйикларнинг кучайишига йўл қўймасдан қонун устуворлигини таъминлаб, демократик ҳуқуқий давлат заминидан фуқаролик жамиятини шакллантириш эзгу мақсадларимиздандир.

Ҳақиқатдан ҳам кенг қамровли такомиллашган жамоатчилик назоратисиз кучли фуқаролик жамияти мавжуд бўла олмайди. Бошқача айтганда, давлат органлари устидан кучли жамоат назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг энг биринчи шартидир. Дунё мамлакатлари қаторида тенг бўлган, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб бораётган

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат негизида фуқаролик жамиятини шакллантириш сари салмоқли кадамлар қўймоқда.

Эндиги вазифа миллий менталитетимиз ва қадриятларимиз асосида шаклланиши ҳамда фуқаролик жамиятининг муҳим назорат институти шифатида фаолият кўрсатиши лозим бўлган жамоат назоратининг назарий жиҳатларини амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Маълумки, Шарқ кишиси, хусусан, ўзбеклар учун турмушда жамоа (ёки жамоат) муҳим аҳамият касб этади. Жамоа фикри билан ҳисоблашиб иш кўриш, ўзини жамоа назоратида деб билиш, шу билан бир вақтда жамоа таркибида ана шундай назоратни олиб бориш халқимизга хос хусусиятлардандир. Ғарб кишисидан фарқли тарзда, шарқлик ўзини жамоадан айро ҳис қила олмайди ва унинг учун энг оғир жазо жамоа нафратига дучор бўлишдир. Агар эътибор берсак, ҳар қандай уста фирибгар ҳам, коррупционер ҳам ўз хайрихоҳларидан ажралиб қолишдан кўра халқ, жамоат нафратига дучор бўлишдан чўчийди. Бундан адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда кучли давлат назоратидан ҳам кўра кучли жамоат назорати самаралироқ, деган хулоса чиқариш керак эмас, улар бир-бирини тўлдирлади. Демак, инсоният орзу қилган одил, фуқаролик жамиятига эришишнинг қулай воситасидан бири мукаммал жамоатчилик назоратига эришиш экан, бунинг учун ҳар қанча иш қилса арзийди. Шу ўринда масаланинг иккинчи томони келиб чиқади. Айни пайтда жамоат назоратини меъёрига етказиб ва меъёрида амалга оширувчи жамоатнинг ўзи шаклланганми?

Конунлардаги мавжуд меъёрларнинг амал қилиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онгига, жамоатчилик фикри ва назоратига боғлиқ. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, жамоатчилик фикри билан жамоат назоратини фарқлаш керак. Биламизки, жамоатчилик фикри ўзгариб туриши мумкин ва бу нарса уни мутлақ деб билиш асоссиз эканлигини кўрсатади.

Эзгу мақсадларнинг амалга ошишида аввало аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш зарурати туради. Бунинг учун керак бўлса фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш зарур.

Ҳар бир юртдошимиз мана шу юрт фуқароси эканлигини, мана шу жамият аъзоси эканлигини, унинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам ўзига тегишли эканлигини тушуниб етиши зарур. Мазкур жараёнда ва етилиб турган бошқа муаммоларнинг ҳал этилишида нодавлат тузилмаларининг ўрни бекиёс. Лекин бу ҳолат ҳали-ҳануз ўзини тўла-тўқис намоён қилмаяпти. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов «Биз жамиятимизнинг тузилмаларида кучли оммавий, ижтимоий рақобат бўлмас экан, ҳамма даражаларда субъективизм ва ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишлари рўй бермаслигига ишончли қафолатлар ҳам бермаслигини аниқ тушуниб олишимиз зарур», деган эди.

Умуман олганда, фуқаролик жамиятида жамоатчилик назорати жуда кенг камровни ўз ичига олади. Шунинг билан бирга жамоат назорати оммавий бўлиб, исталган фуқаро, фуқаролар жамоаси бундай назоратда

иштирок этиши лозим. Зеро, жамоатчилик назорати бурч ва виждон амри билан юзага келадиган ижтимоий ходисалардан бири ҳисобланади.

9.5. Фуқаролар мурожаати – фуқаролик жамияти манфаати

Фуқароларнинг ариза ва шикоят кўринишидаги мурожаатларига жамоатчилик назоратининг бир кўриниши ҳамда жамоатнинг субъекти фуқаролардир, деган нуқтаи назардан ёндошилса, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (2002 йил 13 декабрь) янги таҳририда мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатларининг белгиланиши, энг аввало, қонун устуворлигини таъминлашда, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишда, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлашда, фуқароларни қонун меъёрларига каъбий риоя қилиш руҳида тарбиялашда қатъа амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Бу қонун фуқароларнинг ариза ва шикоятлар билан мурожаатларининг ҳуқуқий кафолатларини, биринчидан, фуқаролар ҳуқуқининг реал даражада таъминланишига хизмат қилади. Иккинчидан, уларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги тегишли давлат органларига мажбуриятлар юклайди ва уларнинг масъулиятини оширади. Учинчидан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини изчиллаштиради, адолатли фуқаролик жамиятида фуқароларнинг мурожаатларига тегишли ҳуқуқий механизмларни кафолатларга мослаб шакллантиради, процессуал ҳаракатларнинг қатъий қонун талаблари асосида бажарилишини таъминлайди.

Қонуннинг 10-14 моддаларида фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқини амалда ҳаққоний ижобат бўлишини таъминлайдиган ва мурожаатларга боғлиқ ҳаракат ва жараёнларга тўла-тўқис ҳуқуқий табиат бахш этадиган кафолатлар белгиланган.

Жумладан, бу кафолатларнинг биринчиси ихтиёрийлик бўлиб, ҳар бир фуқаро мустақил, ташқи таъсирсиз, бошқа шахсларнинг қистовисиз, ўз ички эътиқоди ва ҳуқуқий онгига асосланиб мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланади. Фуқаро мурожаат ёзишга, бошқа шахс (шахслар) томонидан ёзилган мурожаатга қўшилишига (уни қўллаб-қувватлашга) ва мурожаат муаллифи номидан вакил бўлишга мажбур этилиши мумкин эмас.

Шу боис табиий савол туғилади, яъни фуқарони мурожаат (ариза, шикоят ва таклиф) ёзишга ундаган ёки айрим ҳолларда, мажбур қилган ҳолатларнинг юзага келиши уни мурожаат қилишга мажбур этиш, деб баҳоланиши керак эмасми? Бу ерда гап фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлиб, унинг фикрига зид келиб қолган ва унда норозилик ҳамда эътироз уйғотган тегишли давлат органи мансабдор шахсининг қарори (ҳаракати) ёки бошқа ҳолатлар тўғрисида бормоқда. Агар фуқаро мазкур давлат органининг қароридан ўз ҳуқуқ ёки манфаатларига зид ҳолатлар бор

ёки улар бузилган деб ҳисобласа, у бузилган ҳуқуқини тиклаш ёки уни химоя қилишни сўраб ариза ёхуд шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, юқорида қўйилган саволга жавоб тариқасида айтиш жоизки, фуқарони муурожаат ёзишга мажбур қилган ёки ундаган ҳолатларнинг вужудга келиши, яъни давлат органи (мансабдор шахси)нинг қарори (ҳаракати) уни муурожаат беришга мажбур этиш деб ҳисобланмайди. Сабаби, фуқарони муурожаат қилишга мажбур этган ёки ундаган ҳолатлар уни муурожаат бериши учун туртки бўлиб хизмат қилади. Фуқаро муурожаат бериш учун асос бор деб ҳисобласагина, у муурожаат бериш ёки бермаслик масаласини шахсан ўзи ихтиёрий равишда ҳал этади.

Иккинчи кафолат: камситмаслик. Фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқининг кафолатлари ичида шу ҳуқуқни амалга ошираётганларида уларни камситишнинг тақиқланиши кафолати ўз ўрнига эга. Қонуннинг 11-моддасига кўра, муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

Муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишда камситишга йўл қўймаслик деганда, давлат орган (мансабдор шахс)лари муурожаат қилувчи (муурожаат қилувчилар)нинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеини рўқач қилиб, уларнинг муурожаатини қабул қилиш, кўриб чиқиш ёки қарор чиқаришни пайсалга солиш, рад этиш, тўхтатиб қўйиш, сансалорлик қилиш ва бошқа қонунга зид ҳаракатларни содир этиши тушунилиши керак.

Фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўймаслиги кафолати бир томондан, уларнинг шу соҳадаги ҳуқуқининг сўзсиз амалга оширишини амалда таъминласа, иккинчи томондан, муурожаатларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига ҳуқуқий масъулият юклайди.

Камситмаслик кафолати тўғрисида гапирилганда, амалий ҳаётда учраши мумкин бўлган муаммо-муурожаат этувчининг тили масаласи кўнгалданг бўлиши мумкин. Мазлумки, Қонун муурожаатни баён қилиш (бериш) тили тўғрисидаги масалани очиқ қолдирган. Учинчи томондан, муурожаат этувчининг тилини рўқач қилиб муурожаатни қабул қилмаслик, кўриб чиқмаслик ва қарор чиқармаслик, фуқаронинг тегишли ҳуқуқини камситиш деб ҳисобланади. Демак, ҳар ким ўз она тилида муурожаат ёзиши (қилиши) мумкин. Бундан ташқари, Қонунда муурожаатни кўриб чиқиш жараёнида фуқаро иштирок этар экан уни таржимон билан таъминлаш масаласи тўғрисида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Бироқ, Қонун 19-моддасининг 2-қисмида муурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт деб кўрсатилганлиги, бизнингча, фуқаро, унга дахлдор ҳужжатлар тилини тушуномаса, улар таржима қилиб берилиши лозим эканлигидан далолат беради.

Қонуннинг 11-моддасида белгилаган тартибга кўра фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишида, уларни камситишнинг тақиқланиши кафолати талабларининг бузилиши давлат мансабдор шахсларининг юридик жавобгарликка тортиш масаласини келтириб чиқаради.

Учинчи кафолат: мажбурийлик. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда мурожаатларни давлат органи томонидан қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги кафолати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва ўрганилиши керак. Ушбу қондада ҳар қандай мурожаатни кўриб чиқиш мажбурийлиги тўғрисида эмас, балки қонун талабларига мос равишда битилган (баён этилган) мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги тўғрисида гап бормоқда.

Демак, фуқаронинг мурожаати мажбуран қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши учун у Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинган, яъни унда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имко қўйилган ёзма мурожаат бўлиши лозим.

Қонуннинг 8-моддасига биноан мурожаат билан келган фуқарони тегишли давлат органи (мансабдор шахси) қабул қилиши керак. Лекин мурожаат қилувчи фуқарони шахсан қабул қилишни истисно қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд. Агар фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф деб топилган ёки унинг мурожаати бўйича олдин қарор қабул қилинган бўлса, унинг мурожаатини қабул қилмаслик эҳтимоли бор.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги кафолатини мурожаат этувчи ўз фойдасига бир томонлама галқин қилиб, мурожаатда қўйилган талаблар ёки муаммолар албатта унинг фойдасига ҳал бўлади, деб ўта ишончга эга бўлмаслиги даркор. Зеро, фуқаронинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги унда кўтарилган масалалар ҳар доим ҳам фуқаронинг фойдасига ижобий ҳал қилаверишини аңлатмайди.

Фуқаронинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги тегишли давлат органи томонидан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади: маълум мурожаат рўйхатга олинади ва ҳисоб варақаси очилади, сўнгра уни кўриб чиқиш масаласи ҳал этилади. Ва ниҳоят, кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат қилувчига хабар қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги кафолатининг мазмун ва моҳияти жуда чуқур ва кенг бўлиб, у Конституцияда ақс эттирилган шахс, жамият ва давлат муносабаларида давлатнинг шахс ва жамият олдидаги масъуллигига бориб тақалади.

Тўртинчи кафолат: маълумотларни ошкор этмаслик. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда уларнинг шахси, шахсий

ҳаётига доир барча ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган маълумотларнинг давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Қонун мурожаат этувчининг том маънода эркин, ташқи таъсирлардан холи бўлишини таъминлаш, давлат органлари ходимлари ёки мурожаатда тилга олинган идора, мансабдор шахс ёки бошқа фуқаролар томонидан унга тазйик ўтказилишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни ошкор этилишига йўл қўймаслик каофлатини белгиллаган.

Ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи қисми талабларига кўра, фуқароларнинг, шахсий ҳаётига доир, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бошқа маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Ушбу кафолат шахс, жамият ва давлат муносабатларида шахснинг дахлсизлиги ва ҳимояси таъминланиши каби конституциявий кафолатнинг таркибий қисмидир.

Шу сабабдан, маълумотлар мурожаат қилувчининг оилавий муносабатларига, шахсий ҳаётига, қундалик турмушига раҳна солиши, уни издан чиқариши ва бошқа нохуш оқибатларга олиб келишини ҳисобга олиниши зарур.

Мурожаатга боғлиқ маълумотларнинг ошкор бўлиб кетмаслигини олдини олиш, мурожаатни кўриб чиқиш каолатига эга бўлган давлат органи раҳбариятига юклатиладиган мажбуриятдир. Раҳбарият мурожаатга тааллуқли барча кафолатларни, шу жумладан, маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисидаги талабларнинг бажаралишини ўз вақтида таъминлаши шарт.

Қонун 13-моддасининг иккинчи қисмида мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўймаслиги белгиланган. Бу қоида ҳам фуқаро мурожаат қилганда унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Масалан, фуқаро меҳнат қилиш ҳуқуқини бузилишига олиб келган қарор устидан шикоят қилганда, унинг бутун умрлик меҳнат фаолиятини суриштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг шахси, ҳаётига доир, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини камситадиган маълумотларни ошкор этиш, агар мурожаат қилувчи учун нохуш оқибатларни вужудга келтирган ходимларини юридик жавобгарликка тортиш учун асос бўла олади.

Бешинчи кафолат: хавфсизлик. Қонуннинг 15-моддасига биноан фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатланади. Фуқароларнинг хавфсизлиги кафолатлари фақатгина мурожаат қилган фуқаронинг ўзига эмас, балки унинг оила аъзоларига нисбатан ҳам тааллуқли бўлади. Қонун ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этган фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини таъкиб қилишни ман этади. Демак, фуқаролар мурожаат қилганида ҳеч нарсадан ҳайқимасликлари, қандайдир нохуш оқибатлар келиб чиқишини

ўйламасликлари лозим. Агар айрим нопок мансабдорлар мурожаат қилган фуқарони таъқиб қилиш ҳоллари учраб қолса, бундай ҳолда тегишли ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқларининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қафолатлари мақсад – моҳияти билан фуқаро давлат ўртасида мустақкам адолатли муносабатлар ўрнатишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақиқатда реал бўлишига хизмат қилади. Фуқаролар мурожаатларининг ҳуқуқий қафолатлари унинг фуқаролик жамияти манфаати учун хизмат қилишига бўлган ишончни мустақкамлайди.

9.6. Сўз ва матбуот эркинлиги – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг таркибий қисми

Дарҳақиқат, жаҳоннинг илғор мамлакатлари каби мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатловчи энг Асосий Қонун ҳисобланади. Асосий Қонундан сўз эркинлиги ҳуқуқи ўзига хос ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш жараёнида қайси мамлакатда, қачон бўлишидан қатъий назар сўз эркинлиги унинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилади. Бу масаланинг моҳиятини чуқур тушунган Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги 2002 йил 29 августдаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурллаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасида «... мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш»¹ зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Сўз эркинлиги ҳуқуқи бой тарихга эга. Сўз эркинлиги кишилик жамиятининг қадим давларида ҳам бўлган, аммо уни ҳуқуқий асослаш, у тўғрисидаги дастлабки билимлар, баҳслар XVII асрга бориб такалади.²

Демократик, ҳуқуқий жамият қуриш учун ҳаракатлар жараёнида ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар сўз эркинлиги ҳуқуқи, унинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги масалани атрофлича ишлаб чиққан эмаслар. Жамият ривожланишида сўз эркинлиги кучая бошлаган. Худди шу чалкашлар мазкур масалани энг долзарб, ҳаётий масалалардан бири қилиб қўйди. Сўз эркинлиги ҳуқуқи масаласини атрофлича ўрганишга киришилди.

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараккият ва маърифий Дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 26-29-бетлар.

² Қаранг: JOHN STUART MILL, ON LIBERTY, 1869: 4 BLACKSTONE, COMMENTARIES ON THE LAWS OF ENGLAND 51-52.

Эркинликни чеклашлар биринчи бўлиб Англияда кенг тарқалди. Инглиз кироллари ўз фуқароларининг фикр-мулоҳазаларини босиб чиқариш учун босмаҳоналар ва ноширларга махсус лицензиялар берганлар. Борди-ю, лицензия олган босмаҳона босаётган иш кироликка ёқмас лицензия бериш ва олиб қўйиш, ўз навбатида, жамиятда сўз эркинлиги масаласи, унинг моҳияти, нима учун зарурлигини ишлаб чиқишга туртки бўлди. Секин-аста бошланган баҳс-мунозаралар ўз самарасини бера бошлади, яъни сўз эркинлиги ҳуқуқи ўз-ўзини ифода этиш, ўз позициясини билдириш масалалари билан чамбарчас боғлана бошланди.

Шундай қилиб, сўз эркинлиги ҳуқуқи либерал конституцион тузумнинг махсули сифатида шакллана бошлади. Европа Уйғониш даври билан биргаликда бошланган буюк интеллектуал ва ижтимоий ҳаракатнинг ажралмас қисми сифатида у Ғарб дунёсини феодал ва авторитар давлатдан инсоннинг кадр-қиммати ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган жамиятга айлантиришда ўзига хос вазифани бажарди. Уч асрдан зиёдроқ вақт орасида турли мамлакатларда турли шароитларда ҳуқуқшунос, файласуф ва сиёсатшунос олимлар сўз эркинлиги ҳуқуқи билан шугулланиб келдилар.

Ҳозирги кунда сўз эркинлиги ҳуқуқи масаласи, унинг жамиятдаги ўрни муаммоси билан шугулланувчи ҳуқуқшунос, файласуф ва сиёсатшунос олимлар орасида энг кўп тарқалган уч хил фикр мавжуд бўлиб, шу ўринда уларнинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қиламиз.¹

Сўз эркинлиги функциялари қуйидагича:

1) ҳақиқатга эришиш; 2) шахснинг ўз-ўзини намоён қилиши; 3) ўзини-ўзи бошқариш. Ушбу функцияларни алоҳида қилиб ажратиш билан бирга улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқлик ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Назария ва амалиётда улар мазмунан ва моҳиятан бир-бирини мантқан тўлдириб келадилар.

1. Ҳақиқатга эришиш классик назариясига² мувофиқ ҳар бир нарса ҳақида энг тўғри, маъноли хулосага факат ўша нарса тарафдорлари ва қарши

¹ Бу ўринда ёришлайётган масалани мумкин қадар мухтасар баён қилиш мақсадида, у ҳақидаги энг йирик уч фикр устида тўхтаб ўтишни лозим топдик. Аслида улардан ташқари сўз эркинлигини ҳимояловчи салбий (negative) ва элисит (elicit) назариялар ҳам бор. Салбий ва элисит назариялар тўғрисида маълумотлар учун қараюг: K.M.SULIVAN, G.GUNTHER, FIRST AMENDMENT LAW 7,8, 1999; F. SCHAUER, FREE SPEECH: A. PHILLOSOPHICAL ENQUIRY, 1982; TRIBE, AMERICAN CONSTITUTIONAL LAW 789 (2 d Ed. 1982); Rabban, The First Amendment in Forgotten Years, 90 YAJFJ. J. 514 (1981).

² Бу функцияни биринчи бўлиб инглиз файласуфлари Жон Стюарт Милл ва Жон Милтон ишлаб чиққанлар. Қараюг: JOHN MILTON, AREOPAGITICA – ASPEECH FOR THE LIBERTY OF UNLICENCED PRINTING, 1964; Америка Олий Суди аъзоси Оливер Венделл Холмс биринчи бор «ҳақиқатга эришиш» назариясини суд жараёнида сўз эркинлигини ҳимоя қилиш учун ишлатган. Қараюг: Abrams v. United States (250 U. S. 616, 630) (1919) (Holmes J., joined by Brandeis, J., dissenting) ҳоияни бошқа намоёндалари Луиз Брендайт: Whitnet v. California (272 U. S. 372, 377 (1927) (Brandeis, J., concurring); Ларри Трайб: TRIBE AMERICAN CONSTITUTIONAL LAW 789 (2d Ed. 1988);

чиқувчиларнинг ҳамма далил ва исботларини билган ҳолдагина эришиш мумкин. Инсон ҳулосаси жуда нозик. У ҳис-ҳаяжонларга, субъектив манфаатларга, тўғри ёки нотўғри фикрларга қарам бўлади. Шу билан бирга ҳар бир инсон кўп ҳолларда маълумот озлигидан, интуициядан (фаҳм-фаросат) ва етарлича ўйламасликдан жабрланади. Жуда кам ҳолларда ҳулоса бирор бир киши кўрсатадиган фикр-мулоҳазалар билан чекланади, ҳар бир ҳулоса ҳеч қачон тўлиқ бўлмай, балки кўпинча кенгайишга, яхшиланишга рад қилинишга ёки ўзгаришга мойил бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳақиқат излаётган шахс доимо ўзини кизиктирган саволнинг барча томонларини эшитиш билан бирга, шу савол тўғрисида қарама-қарши нуқтан-назарни ҳам илгари сураётган тарафга алоҳида эътибор бериши керак. У ҳулоса қилиш даврида мавжуд бўлган ҳамма ўй-фикрларни тарозига қўйиб, уларни муҳолиф фикрлар билан солиштирган ҳолда, ҳақиқатни ёлгондан ажратиш олади. Бунинг акси эса, яъни маълумотларнинг, фикрларнинг, баҳсларнинг чекланиши рационал ҳулосага эга бўлишига тўсқинлик қилади. Бу жараён давомийдир. Янги билимларга эга бўлиш, мабодо шарт-шароитлар ўзгариб қоладиган бўлса, олдинги фикрлар билан бирга ҳулоса қайта кўриб чиқилиши, баҳоланиши, балки инкор этилиши мумкин.

Ушбу назария умумтомонидан тан олинган фикрнинг қанчалик тўғрилигига қарамай баҳснинг очик бўлишини талаб қилади. Баъзида кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатларнинг ҳато бўлиб чиқиши маълум. Инсон тафаккури тараққиетида бундай бурилишлар, Коперникдан Эйнштейнга қадар, ҳамма тан олган гипотезаларга аниқлик киритишдан вужудга келган.¹ Дарҳақиқат, бугунги Шарк ва ғарб доиришмандлари тафаккури ривожини ҳар бир ҳақиқат деб тан олинган фикрни абсолют ҳақиқат даражасига кўтармасдан, уни шубҳа остига олиш ёки саволлар бериш мумкинлигини инкор этмайди.

Ҳақиқатни англаш жараёнида айтилган фикр қанчалик нотўғри ёки зиёfli бўлишидан қатъий назар, албатта, ҳисобга олиниши лозим. Қабул қилинмаган фикр тўғри ёки қисман тўғри бўлиши мумкин. Одатда нотўғри деб ҳесланаётган фикрда ҳам маълум бир даражадаги ҳақиқат бўлади. Фикр, мулоҳазаларни нотўғри экан деб, жамият эътиборидан четга тортиш керак эмас, балки, ўша нотўғри деб фикрланган ҳулосада ҳам жамият фойдаси учун хизмат қиладиган элементлар бўлиши мумкин. Ҳақиқатни бундай англашга ва тушунишга ҳаракат қилиш ҳар доим тўғри деб қабул қилинган фикрларни ўйлаб кўришга ва текширишга ундайди. Бу эса ўша фикрнинг сабабларини чуқурроқ тушунишга ва унинг маъносини тўдиқроқ баҳолашга олиб келади.

Ҳақиқатни англаш жараёнини фақат тор маънода, яъни бир шахснинг тўғри ҳулоса чиқариши деб эмас, балки кенг маънода жамиятдаги умумий муаммолар ечимига, унинг аъзолари томонидан биргаликда қилинган ҳаракат

¹ Thomas E. Emerson, *Toward a General Theory of the First Amendment* 72 YALE L. J. 877 (1963).

сифатида қаралса, бу жамиятда янги ғоялар, мулоҳазаларга нисбатан очик рақобатни, фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглилигини, уларни эркин ифода этишни ва ниҳоят, шу жамиятни тез, тўғри йўналишда ривожланишини таъминлайди.

Сўз эркинлиги функцияларидан яна бири, шахснинг фикр-мулоҳазалар юритаётган вақтда шахснинг ўз-ўзини намоён қилишидир.¹ Бу масала ҳам сўз эркинлиги муаммоси тарихида ўзига хос ўринни эгаллайди. Инсон табиатдаги барча жонзотлардан, авваламбор, ўзининг ақлий қобилиятлари билан ажратиб туради. У сезади, мулоҳаза қилади. Конкрет ва абстракт тафаккур қилиш қобилиятига эгадир. Ўз хис-ҳаяжонлари, ички кечинмаларини атрофини ўраб турган одамларга ифода қилади. Шу мураккаб дунёда ўз ўрнини билгиси келади, агар бу мақсадга эришса ҳаётда ўрнини топгандай бўлади. Ҳар бир инсоннинг мана шу хусусиятлари, яъни ўзини ўзи англашга бўлган ҳаракати Шарқ ва ғарб файласуфлари орасида алоҳида қизиқиш билан арганиб келанган.

Ўз-ўзини намоён қилишга фикрлаш, мулоҳаза қилиш орқалигина эришилади. Лекин бу жараён чегарага эга эмас. Шахс ўзини англаш жараёнида қаерга кетаётганини ва қачон тўхташини башорат қила олмайди. Кечаётган жараён фақат индивидуалдир. Ҳар бир кимса ўз атрофидагилардан таъсирланади, аммо унинг ақли, фикри ўзиникидир, шунинг учун ҳам у ўзи, бошқалардан фарқ қилган ҳолда фикр юритади, шу маънода у индивидуалдир.

Келиб чиқадиغان хулоса шуки, ҳар бир киши ўз шахсини шакллантириш жараёнида эътиқод ва фикрлаш ҳуқуқига эга. Бундан кейин эса шу фикр ва эътиқодларни ифода этиш эрки вужудга келади. Агар охириги эрк чекланса фикрлаш ҳуқуқи ҳеч қандай маънога эга бўлмаслиги мумкин. Фикр юритиб, шу орқали ўзини намоён қилиш, ўз-ўзини ифода этишнинг ажралмас қисмидир. Эътиқод, ишонч ва уларни ифода қилишнинг чекланиши инсон кадр-қимматини ҳақоратлаш ва унинг инсонийлигини инкор қилиш демакдир. Бу борада ҳақиқат конкрет бўлмоғи лозим. Қайси эътиқод, қайси фикр тўғрисида аниқ гапириш керак. Биз инсонийлик иборасини ишлатдик. Ҳар бир эркин ифодаланаётган фикр-мулоҳазалар умуминсоний кадриятлар билан ўлчаниши керак эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим, деб ҳисоблаймиз.

Сўз эркинлиги ҳуқуқининг учинчи функцияси ўз-ўзини бошқариш бўлиб, у жамият аъзоларига сиёсий қарорларни қабул қилишда очик баҳслашиш имкониятини яратиб беришдан иборатдир. XIX асрга келиб ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, қарорлар қабул қилишни ҳукмрон

¹ Сўз эркинлиги ҳуқуқининг бу функцияси тўғрисида қуйида номлари келтирилган олимлар кўп ишлар қилганлар: BAKER, HUMAN LIBERTY AND FREEDOM OF SPEECH, 1989; Redish, The Value of Free Speech, 130 U. OF L. REV. 591 (1982); Baker Scope of the First Amendment Freedom of Speech, 25 UCLAL. REV. 964 (1978); Richards, Free Speech and Obscenity Law: Toward a Moral Theory of the First Amendment, 123 U. PA. L. REV. 45 (1974); Strauss, Persuasion, Autonomy, and Freedom of Expression. 91 COLUM. L. REV. 334 (1991).

элита иштироки билан чекламасдан балки жамиятнинг ҳамма аъзолари, шу жамият учун аҳамиятга молик ҳар бир масалани ечишда иштирок этиши керак, деган ғояни илгари сура бошладилар.¹

Сиёсий қарорлар қабул қилишда мазкур қарорга алоқадор ҳар бир факт ва фикрлар чуқур ўрганилмоғи лозим. Янги фактнинг очилиши ва бошқа янгича фикрнинг шахс томонидан яратилиши туфайли қарор қабул қилиш тизими барча кишиларнинг иштирок этишини талаб қилади. Шундай тизим яратилмаса, инглиз файласуфи Жон Стюарт Милл ёзганидек, «Агар бутун инсоният бир фикрда бўлсаю, фақат бир киши унга қарши чиқса, инсоният унинг қарши фикрини чеклаши керак эмас, чунки агар қарши фикр эгаси ҳокимият тепасига келиб қолса, у бутун инсоният фикрини чеклайди».²

Ҳар бир жамият аъзосининг ўз фикр ва эътиқодларга эга бўлиши, уларни эркин ифода эта олиши демократик жамиятнинг юқори даражадаги тамойилларидан бири ҳисобланади. Ана шундай ҳолга эришилгандагина фуқаролар давлатни бошқариш ишларида эркинрок, кенг қўламда қатнаша бошлайдилар. Бир қарашда бундай шарт-шароитлар шахснинг сиёсий ғояларни ҳимоя қилишига қаратилгандек туюлади. Аммо бу қараш алдамчидир. Қўлчиликнинг мафаатини кўзлайдиган қарорлар учун шахснинг умумий дунёқараши ҳар томонлама ривожланган бўлиши керак. бу нарса, ўз навбатида, илм-фан, маданият, санъат ва бошқа соҳаларни сўз эркинлиги ҳукуқи ҳимояси остига олади.

Ўз-ўзини бошқаришда сўз эркинлиги уч вазифани бажаради. **Биринчиси**, бу – барча фуқароларнинг хоҳиш-истаклари эътиборга олинishiдир, яъни фуқароларнинг қабул қилинадиган қарорларнинг умумий муҳокамасида иштироки давлат сиёсатининг яхшиланишига олиб келади.³ **Иккинчиси**, олиб борилаётган сиёсатнинг очик бўлиши, шу сиёсатни юргизаётган ҳукуматни ҳокимиятда бўлиш муддатини чегаралайди. Ниҳоят, **учинчиси**, сўз эркинлиги мансабдор шахсларнинг эғаллаб турган лавозимидан фойдаланиб ҳокимиятни суийستهъмом қилишига йўл қўймайди, балки уларнинг ўзини назорат қилиб туради.⁴

Умуман олганда, ўз-ўзини бошқарув ғояси жамиятни мустабид тузумдан демократияга ўтиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, пировард мақсади фуқаролик жамиятига эришишдир. У бошқа назариялардан фарқ қилиб, шахс ва унинг ички ҳолати билан эмас, балки кучли халқ

¹ Қаранг: MEIKLEJOHN, FREE SPEECH AND ITS RELATION TO SELF-GOVERNMENT, 1948; Meiklejohn, The First Amendment is An Absolute, 1961 SUP. CT. REV. 245; Bork, *Neutral Principals and Some First Amendment Problems*, 47 IND. L.J. 1(1971); Sunstein, *Free Speech now*, 59 U. Chi. L. REV. 255 (1992); BeVier, *The First Amendment and Political Speech: An Inquiry Into the Substance and of the Principle*, 30 STAN. L. REV. 299 (1978); Fess, *Free Speech and Social Structure*, 71 IOWA L. REV. 1405 (1986).

² JOHN STUART MOLL, ON LIBERTY, 1869.

³ MEIKLEJOHN, FREE SPEECH AND ITS RELATION SELF-GOVERNMENT, 1948

⁴ ELY, DEMOCHACY AND DISTRUST, 1980.

ҳокимиятчилигини амалга ошириш ва ҳукмрон қатламнинг кўпчилиikka бўйсунинишни тахминлашга қаратилгандир.

Биз юқорида фикр юритган фалсафий-сиёсий ва ҳуқуқий назариялар XX аср Ғарб конституцион ҳуқуқига қатта таъсир кўрсатиб, Америка Қўшма Штатлари ва Европада суд ҳокимиятининг инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи қуроли сифатида ишлатилиб келинмоқда. Лекин бу назариялар ҳамма давлат учун ягона қолип бўлиб хизмат қилиши мумкин деган фикрдан йироқмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз «ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга ҳос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига интиломоғимиз даркор».¹ Биз кўриб чиқишга ҳаракат қилган муаммолар Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқи давлатни барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида долзарб ва ҳаётий зарур бўлган масалалардан биридир.

Сўз ва матбуот эркинлигининг моҳияти шундаки, ҳар бир шахс фикрлаш ҳуқуқигагина эмас, ўз фикрларини очиқ-ойдин изҳор қилиш, яъни сўз эркинлигига ҳам эгадир. Ўзининг ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатлари, амалга ошираётган ишларидан қоникмаслик, ижтимоий ҳаётдаги турли негатив ҳолатлар ҳақида маҳаллада, мактабда, муассаса ва ташкилотларда, бошқарув органларида ва матбуотда фаол муносабат билдириш, шу тарика бу нуқсон ва камчиликларнинг тузатилишига эришиш – фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришнинг илк қирраларидир.

Сўз ва матбуот эркинлиги, фуқаролик жамиятининг бирор жабҳаси, бошқарув соҳаси ёхуд бир кишининг ўз би соҳаси билан боғлиқ камчилик ва нуқсонларга танқидий мулоҳаза билдиргани учун таъқиб этмаслик ва бошқа ҳуқуқий чекланишларга дучор қилинмаслигини ҳам кафолатлайди.

Ошқоралик – фуқаролик жамиятининг ҳар бир жабҳасида амалга оширилаётган ишлар, ўзгаришлар ва янгиланишларни ҳеч қимдан яширмасдан, очиқ-ойдин, жамоатчилик билан маслаҳатлашган ҳолда бажарилиши демакдир.

Ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойиллар – фуқаролик жамиятида давлат таъминотидаан ўз-ўзини таъминлашга ўтиш аслида нафақат ҳар бир соҳанинг, балки ҳар бир кишининг боқимандалик қайфиятидан қутулиб, том маънодаги бунёдкорлик меҳнати сари қўядиган дастлабки қадами ҳисобланади. Бинобарин, давлат таъминотиға ўрганиб қолган, шахсий манфаатдорликни бўғиб қўйдиган жамоа хўжаликларидан дехқон хўжалиги, фермер хўжалиги сингари уюшқоқ, ўз меҳнати самарасидан манфаатдор янги фуқаролик жамияти тузилмаларига ўтилар экан, буни биргина қарор ва кўрсатмалар билан амалга ошириб бўлмайди. Бу умуман, бошқа барча соҳалардаги хусусийлаштириш ва мулкни турли шакллариининг очиқ-ойдинлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётта жорий қилиш эса фуқаролик жамиятидаги ҳар бир кишининг онгли ва фаол муносабатини тақозо этади. Шунингдек, таниш-билишчилик,

¹ Blasi, the Checking Value in First Amendment Theory, 1977 A. R. Res. J. 521.

уруғ-аймоғчилик ёхуд порахўрлик каби жамиятимиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган тўрачилик иллатларига қарши курашиш фуқаролик жамиятидаги ҳар бир фуқаронинг том маънодаги инсоний бурчидир.

Шундай қилиб, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошқораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга жорий этиш – фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги энг муҳим устувор йўналишдир. Зеро, эркин сўз ва матбуот фуқаролик жамияти реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга ҳолис баҳо бериб бориши керак.

Шуни тан олиш керакки, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио, телевидение фаолияти ҳали том маънода эркинлашгани йўқ. Бу уларнинг кўп вақтлар мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани оқибати эканлиги аниқ.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари ўз саҳифаларида қонун ва қарорларни шунчаки эълон қилибгина қолмай, уни шарҳлаши, халққа бу қонун ва қарорларнинг моҳиятини тушунтириши ва унинг қай даражада ижро этилаётгани ҳақида ахборот бериши, ўзининг ҳолис муносабатини билдириши, қонунлар бажарилишига судлов идораларининг муносабатига ҳам шунчаки кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ёндошиши керак. Ана шунда у қонунларнинг қабул қилиниши, ижро этилиши ва назорат қилиниши жараёнининг фаол иштирокчиси ҳамда унга таъсир кўрсата олувчи «тўртинчи ҳокимият»га айланади.

9.7. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот омилнинг роли

XXI аср тарихга ахборот асри бўлиб қирмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги инқилобий ўзгаришлар бу омилнинг аҳамиятини мислсиз кучайтириб юборди. Ушбу соҳани жадал ривожлантириш эса давр талабига айланди. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу вазифа жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш таркибий қисмига айланган.

Маълумки, XVII-XVIII асрларда олимлар хусусий мулкнинг ҳимояланганлиги, давлат ваколатларининг чекланганлигини фуқаролик жамиятининг шартлари сифатида кўрсатган бўлсалар, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг мавжудлиги кўплаб омиларга боғлиқ бўлмоқда. Жумладан, фуқаролик жамияти кучли нодавлат бирлашмаларининг мавжуд бўлиши, қонун устуворлиги, шахс эркинлигини рўёбга чиқариш

механизмларининг самарали ишлаши билан бир каторда жамоатчилик назоратини, хусусан, ахборот омиллини шарт қилиб қўяди.

Сабаби, давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун биринчи навбатда, фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёनларидан ҳамда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятдан хабардор қилиш жамоатчилик билан алоқалар ахборот омиллининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шундай экан, ҳўтарилаётган масаланинг яна бир муҳим жиҳати инсонларнинг демократик сиёсий маданияти билан боғлиқ. Зеро, фуқаролик жамияти инсонларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлишини тақозо этади. Яъни, демократик кадрятлар инсонларнинг тафаккурдан ўрин олганидагина, фуқаролик жамиятининг муҳим принциплари: ижтимоий ҳамкорлик, фикрлар хилма-хиллиги, инсон эркинлиги, қонун устуворлиги қабиалар амал қилиши мумкин. Президент Исом Қаримов таъбири билан айтганда: «Биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик қўсуниягларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз шакт бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик кадрятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши дарор»¹.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти бу, авваламбор, шахс, гуруҳлар, жамоат уюшмаларининг эркин фаолиятини таъминловчи муҳитдир. Фуқаролик жамиятида инсонларнинг турли қарашларга, манфаат ва эҳтиёжларга эга бўлишлари – табиий ҳол бўлиб унда ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқара олиши жамиятнинг тараққиётини таъминлайди, миллатнинг равнақига хизмат қилади, давлатнинг қудратини юксалтиради. Шу боис, фуқаролик жамиятида горизонтал мулоқотларга, ўз-ўзини бошқаришга, ўзаро қелишув ва ишонч асосида фаолият юритишга устуворлик берилади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида фақатгина ҳуқуқий меъёрлар белгиловчи роль ўйнамайди. Бу жараён ахлоқий меъёрлар, миллий кадрятлар, тарихий анъаналар таъсирида кечади ва энг муҳими, инсон тафаккуридаги ўзгаришлар билан шартланган бўлади. Бу жиҳатдан, фуқаролик жамиятининг у ёки бу мамлакатда шаклланиши узок давом этади ва ўзига хос равишда кечади, дейишга барча асослар бор.

Ва ниҳоят, фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартларидан бири – бу жараённинг ахборот билан таъминланганидир. Зеро, айнан ахборот жамиятининг демократик тараққиёти учун зарур асосий ресурс ҳисобланади. Модомики, фуқаролик жамияти инсонларнинг ҳар жиҳатдан фаол бўлишларини тақозо этар экан, бунга эришишда ахборот омили белгиловчи роль ўйнайди. Шунингдек, давлат ва фуқаролар ўртасида доимий мулоқотни

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т: Ўзбекистон, 1993, 39-бет.

йўлга қўйишда ҳам, ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам ахборот таянч ресурс вазифасини ўтайди.¹

Тараққиётнинг ҳар бир босқичида давлат давр талаблари билан ҳисоблашишга, кўндаланг бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга мажбур бўлади. Бирок давлат бошқарувида нафақат замон талабаларига мослашиш, балки эртанги кун ҳақида қайғуриш, «замондан бир қадам илгари юриш» талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувида янги технологияларни қўллашни ҳам эҳтиёж, ҳам заруратга айлантиради.

Кучли фуқаролик жамияти инсоннинг фаол бўлишини, жумладан, давлат қарорларини қабул қилишда, ислохотлар жараёнида фуқароларнинг иштирок этишини тақозо этади. –Модомики, ислохотларни амалга оширишда ошкоралик таъминланса, давлат идораларининг фаолияти жамият аъзолари учун «шаффоф» бўлса, янгиланишлар жараёнига инсонларнинг яратувчанлик салоҳиятини сафарбар этиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда, сиёсий мулоқотга «давлат органлари фаолиятини шаффофлаштириш» деган атама кириб келмоқдаки, бу тушунча ҳам қатор мамлакатларда фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бири, жамоатчилик назоратини ўрнатилнинг пойдевори сифатида тан олинмоқда. Шаффофлаштириш - давлат органларининг оддий фуқаролар учун очик ҳамда уларнинг фаолиятдан кишиларнинг доимо хабардор бўлишидир. Ҳеч кимга сир эмаски, тоталитар тартиботлар ҳукмрон бўлган мамлакатда давлат органлари ва фуқаролар ўртасида ниҳоятда калин, «ўтиб бўлмас девор» ўрнатилган бўлади. Биз яқин ўтмишимизда ҳам бунинг гувоҳи бўлганмиз. Демократик мамлакатларда эса, тоталитар тузумдан фарқли ўларок, давлат ва жамият ўртасидаги бу «девор» ойна каби шаффоф бўлиб, давлат органларининг фаолияти барча фуқароларга яққол кўриниб туради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятдан фуқароларни хабардор қилиш, янгича атама билан айтганда, уларнинг ишини шаффофлаштириш турли бўгинларда вужудга келадиган коррупция ҳодисасининг олдини олишда ҳам кўл келади. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак ямалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»²

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Исломов Э. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон, 2005, 154-159-бетлар.

² Қаранг: М.Шарифхўжаев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланмаси. –Т.: ТМИ. 2004, 255-бет.

Жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳақида гапирар эканмиз, бу борада тўплаган ривожланган демократик давлатлар тажрибасига гўхталиб ўтиш жонз. Қатор мамлакатларда давлат органларининг фуқаролар билан бўлган мулоқотларини самарали ташкил қилиш учун турли махсус технологиялардан фойдаланилмоқда Бугунги кунда бу технологияларнинг яхши тарқалган ва энг кўп самара берганларидан бири - «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларидир. Бу технологиялар Ғарбда «Паблик рилейшнз» номи билан машҳур бўлиб, улар давлат ва фуқаролар ўртасида икки томонлама мулоқотни ташкил этишга йўналтирилгандир. Мазкур технологиялар давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини, қабул қилинган қарорларни, давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини фуқароларга тушунтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, уни қўллаш билан шуғулланадиган махсус тузилмалар маҳаллий ҳокимият органлари таркибида ҳам ташкил этилган бўлиб, улар маҳаллий даражада амалга оширилаётган вазифалардан фуқароларни воқиф қилади. Шу йўл билан улар фуқароларнинг давлат ҳақидаги тўла-тўқис ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириб, халқнинг ишончини қозонишга ҳаракат қиладилар ва фуқароларнинг қўллаб-қувватлашига эришадилар. Технологияларнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, улар давлат ҳақида фуқароларга ахборот бериш билан бирга, давлат органларини ҳам жамоатчилик фикридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаб туради. Бу эса давлат сиёсатини белгилашда, сиёсий қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди Мазкур технологиялар икки томонлама, яъни давлатдан жамиятга, жамиятдан давлатга ахборот узатиш имконини беради. Ҳокимият органлари жамоатчилик фикрига мослашишга, ўзлари ҳақида жамоатчиликда ижобий фикр туғдиришга ҳаракат қиладилар. Айнан «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларининг қўлланилиши туфайли, жамоатчилик назорати ўрнатилиб, ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги муаммоси ҳам бир қадар ҳал қилинади. Шу боис бўлса керак, кўпгина олимлар «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини «Ишонч қозониш стратегияси» деб атайдилар. Таъкидлаш жонзки, ахборот танқислиги пайдо бўлган жойда фуқаролар ўзларини қизиқтирган маълумотларни бошқа муқобил воситалардан оладилар. Бу эса жамиятда турли ёлғонга асосланган ёки ноҳолис ахборотларнинг тарқалишига олиб келиши, шубҳасиз. Турган гапки, ҳар қандай давлат бу муаммони ҳал қилиш чораларини кўради.

Юртбошимиз айтганидек, "Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгилловчи камда учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир."¹

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон 1998, 156-157-бетлар.

Шундай экан, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ҳокимият органлари ишини шаффофлаштириш биринчи навбатда, ахборот омилига алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кучли фуқаролик жамияти давлат идоралари фаолиятининг жамият аъзолари учун ошқора бўлишини, инсонларнинг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида маълумотлари тўла бўлишини, ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлашда ахборот омилининг роли каттадир.

9.8. Фуқаролик жамиятида виждон эркинлиги кафолати


Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш виждон эркинлиги ҳуқуқий тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқаровий эркинликлар ичида инсоннинг ички анънавий дунёсига ва унинг руҳиятига бевосита алоқадор булган виждон эркинлиги демократик дунё бўйлаб умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг энг асосийларидандир.

Фуқаролик жамияти кишилар ўртасидаги муносабатларнинг юксак маданий савияга ва теран маънавий заминга асослангани билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-маънавий ҳаётида умуминсоний кадриятларнинг устуворлиги, уларнинг муътабар ва, ҳатто, муқаддас саналиши барқарор бўлмоғи шарт. Муайян инсоннинг кадр-қиммати, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, самимийлик, ахлоқий поклик, адолат ва инсонпарварлик каби энг эзгу умуминсоний кадриятлар фуқаролик жамияти ижтимоий-маънавий ҳаётининг ҳақиқий мезонидир. Айнан шунинг учун Ўзбекистонда кечаётган давлат ва жамият қурилиши жараёнида фуқароларнинг ҳақиқий виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимизнинг виждон эркинлиги тушунчасига нисбатан фундаментал муносабати ҳаётимизнинг бош қомуси - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ўзининг аниқ қонуний ифодасини топган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга». Демак, виждон эркинлиги деган тушунчанинг мазмун-моҳиятини хоҳланган динга эътиқод қилиш ҳуқуқидан ташқари, ҳеч қандай диний ақидага эътиқод қилмаслик ҳуқуқи ҳам ташқил этади ҳар бир инсоннинг ушбу ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш учун мазкур модда «диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деган муҳим қоида билан тўлдириб қўйилган. Бунинг замирида виждон эркинлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидни бартараф этиш истағи ётади.

1-чизма. Асосий диний йўналишлар акс этиши



2-чизма. Динлараро толерантлик ғояси



Мамлакатимизда том маънодаги виждон эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш ва ҳаётда таъминлаш учун тўлақонли ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририга асосланган (1998 йил, 1 май). Қонун талқинига кўра, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир (3-модда). Ҳуқуқий категория сифатида виждон эркинлиги, бир томондан, эътиқод эркинлигини, иккинчи томондан эса, ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини ифода этади. Содда қилиб айтганда, виждон эркинлиги ҳар бир муайян инсоннинг ақлий салоҳиятига хос маънавий дунёсини рўёбга чиқариш ҳамда уни камол топтириш имкониятини яратиб берувчи улугъ неъматдир.

Ахлоқий нуқтаи назардан баҳо бериладиган бўлса, виждон эркинлиги - бу муайян инсоннинг фикрлаш тарзи ва шахсий маънавий эътиқодига мос ҳатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир.

Дунёнинг турли-туман мамлакатларида, узок тарихий давр давомида, оламнинг яратилиши ва ривожланиши, асосан, диний тушунишга асосланган тарзда изоҳлаб келингани яхши маълум. Бирок илму фан тараққиёти мазкур ҳодисаларнинг дунёвийликка асосланган тушунтириш тамойилини кучайтирди. Бу ҳар бир шахсга эркин фикрлаш ва қонун доирасида ҳаракат қилиш имкониятини берди. Натижада умумий юксалиш жадаллашди.

Шундай қилиб, виждон эркинлиги уч жиҳатни англатадиган ҳуқуқий категорияга айланиб қолди:

Биринчиси - муайян шахс худога ишониши, хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин.

Иккинчиси - худога ва динга ишонмаслиги, уларга нисбатан бетараф бўлиши мумкин.

Учинчиси - даҳрий, яъни ҳеч бир динга эътиқод қилмайгина қолмасдан, балки уларни инкор этиши мумкин

Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳар бир фуқарога санаб ўтилган уч имкониятдан бирини ҳеч қандай тазйиқларсиз, онгли равишда танлаб олиши кафолатлайди.

Қонунда вояга етмаган ёшларнинг виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Бундай қилингани ўта табиий. Чунки старли ҳаётний тажриба ва билимларга ҳали эга бўлмаган ёшларга таъсир ўтказиш, айниқса, муайян диний дунёқарашни миёсига сингдириш осон. Дунё тажрибаси, жумладан, мамлакатимиз тараққиёти шунни кўрсатмоқдаки, айрим носоғлом кучлар бундан ўзларининг ғаразли максадлари йўлида фойдаланишга интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам мазкур қонунга «вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарада динга ўқитишга йўл қўйилмайди» (3-модда, 2-қисм) деган муҳим қоида киритилган.

Конунга хилоф равишда бундай фаолият билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланганлигининг ҳаётий аҳамиятини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари матнини тўла келтирамиз:

«Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш,

- энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга тўққонлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ солиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ бўлган диний фаолият юритиш, шунингдек, диний маросимлар ташкил этиш шахс баданига сиғил ёки ўртгача отир шикаст етказишга сабаб бўлса,

- энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлат виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш ва амалда таъминлаш тадбирларини рўёбга чиқариш билан биргаликда, уларга нисбатан ҳар қандай таҳдиднинг ҳам олдини олишга интилади. Қонун устуворлиги энг олий мезон бўлган фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ушбу ишга турли муносабатда бўлиб, унинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшиши лозим. Чунки энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бўлган виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқиши Фуқаролик жамиятининг маърифий-маънавий ҳамда маданий даражаси кўрсаткичидир. Зеро, ҳақиқий виждон эркинлигисиз, чинакам демократик давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Асосий таянч тушунчалар

Инсон ҳуқуқлари – одамларнинг яшаш ва фаолият олиб бориши учун уларга берилган ҳуқуқлардир. Бу ҳуқуқлар табиий ҳуқуқлар ва давлат томонидан берилган ҳуқуқларга бўлинади. Табиий ҳуқуққа яшаш ҳуқуқини мисол қилиб келтириш мумкин. Давлат томонидан бериладиган ҳуқуқлар сифатида сайлов ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, нафақа олиш ҳуқуқи ва бошқаларни айтиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ҳар бир давлатнинг Конституцияси ҳамда жорий қонунларида белгиланиб, улар шахсий ҳуқуқларга, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга ва сиёсий ҳуқуқларга бўлинади. Шахсий ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи; сиёсий ҳуқуқларига давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, митинглар, йигинлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқи, касаба уюшмаси, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқи, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи киради.

Оммавий ахборот воситалари – газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидения (кабелли, эфирли-кабелли телевидения) ва радиозинтиртишлар, ҳужжатли кино, ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлардир. Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фаолият кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари ахборот ишлаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўймайди.

Демократиялаш – демократия халқ ҳокимияти деган маънони билдиради. Демократиялаш халқни давлат органларини тузиш, уларни ишида иштирок этиш, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. Демократиялаш орқали давлат билан инсон муносабатлари белгиланади, демократиялаш воситасида жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланади, ошкоралик, сўз ва эътиқод эркинлиги, тadbиркорлик ва ташаббускорликка, ўз-ўзини бошқаришни такомиллаштиришга эришилади.

Сайлов ҳуқуқи – икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси, сайловни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси; иккинчи маъноси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов даврида ва бошқа тadbирларда иштирок этишидир. Сайлов овоз бериш орқали давлат органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси ҳисобланади. Сайлов очик ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мумкин. Сайлов ҳуқуқи сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига бўланади. Сайлаш ҳуқуқи 18 ёшга тўлган фуқароларнинг бирон-бир номзодга

овоз бериш ҳуқуқидир. Сайлаш ҳуқуқи эса фуқаронинг депутатликка ёки бирон-бир лавозимга сайланишидир. Сайлов тизими, деганда сайлов ўтказиш тартибларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

У сайловни ўтказувчи барча ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов тизими тамойиллари, фуқароларнинг барча сайлов ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Ҳуқуқий асослар – ваколатли давлат органлари томонидан ишлаб чиқиладиган, қабул қилинадиган ва ўрнатиладиган, белгиланадиган доирада мажбурий аҳамият касб этадиган, маълум турдаги фаолият, ҳаракатни амалга ошириш қоида-талабларини белгилайдиган, расмий шакл, тузилиш, амал қилиш муддатлари ва бошқа атрибутларга эга бўлган меъёрий ҳужжатлардир. Ҳуқуқий асослар конституциявий қоидалар, қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар, фармойишлар, институтлар кўринишида бўлади. Ҳуқуқий асосларни ташкил этувчи меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан қабул қилинади.

Тўртинчи ҳокимият – жамиятдаги оммавий ахборот воситалари, яъни газеталар, журналлар, радио, телевидения мажозий маънода шу ном билан аталади. Ҳокимиятнинг учта асосий тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан фарқли равишда тўртинчи ҳокимият ушбу давлат органлари сингари ўз қарорини мажбуран амалга оширадиган органлар эмас. Шу жиҳатдан, тўртинчи ҳокимият тўғри маънода эмас, балки кўчма маънодаги ҳокимиятдир. Аммо тўртинчи ҳокимият худди ҳақиқий ҳокимият каби жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини таҳлил этиб, бу борадаги камчилик ва хатолари халқ оmmasига етказди, ҳокимият органлари эътиборини жалб этади, жамият тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беради. Демак, тўртинчи ҳокимият ҳокимиятни кенг омма билан боғлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий фикр – аҳолининг маайян гуруҳлари, қатлами, табакаларининг воқелиқдаги турли ҳодисалар ва ҳаракатларга нисбатан баҳоловчи муносабатидир. Бундай баҳо маъқуллаш, қоралаш ёки бетараф позицияда намоён бўлиши мумкин. Ижтимоий фикрни аниқлаш усуллари социологик сўровлар, анкеталаштириш, рўйхатга олишлар ва статистик маълумотлар ҳисобланади. Ижтимоий фикр фуқаролар жамиятида параметр ролини ўйнаб, давлат ўз сиёсатини амалга оширишда уни ҳисобга олиши лозим бўлади. Ижтимоий фикрни ҳамма вақт ҳам мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Ҳокимият ва бошқарув тузилмалари – давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари тизимидир. Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият ва бошқарув тузилмалар тизими 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида, шу асосда қабул қилинган конституциявий қонунларда белгилаб берилган. Мамлакатимизда ҳокимият тузилмалари қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятига бўлинади. Қонун

чиқарувчи орган – Олий Мажлис, Олий ижро органи – Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти – Олий суд томонидан амалга оширилади.

Алоҳида тармоқларни бошқариш марказлашган тартибда иш кўрадиган вазириклар, давлат кўмиталари ва концернлар томонидан амалга оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларнинг халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларидан иборат.

Суд ҳокимияти тизими мустақил иш юритадиган Ўзбекистон Конституциявий суди, Олий Суд, Олий ҳўжалик суди, вилоят шаҳар, туман судларидан иборат.

Демократик тамойиллар – халқ ҳукимиятчилигини амалга оширишнинг асосий тамойилларидир. Демократик тамойиллар ичида умумжаҳон эътироф этган тамойиллар асосий ўринни эгаллайди. Булар, биринчидан, ҳокимият ва бошқарув органлари чиқарган қарорлардан халқнинг хабардорлиги; иккинчидан, ушбу қарорлар бажарилиши устидан халқнинг назорати; учинчидан, қону ва қарорларни қабул қилишда халқнинг иштироки тамойилларидир.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) – бу тушунча биринчи марта АҚШ Президенти Ф.Рузвельт таклифига кўра

1942 йил 1 январда Бирлашган Миллатлар Декларациясида қўлланилди. Бу Декларация иккинчи жаҳон урушининг бошланишига сабачи бўлган давлатларга қарши бирлашган 26 мамлакатнинг ҳукуматлари номидан қабул қилинди. 1945 йил апрель-июнь ойларида АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида 50 та давлат вакиллари иштирокида Бирлашган Миллатларнинг конференцияси бўлиб ўтди ва унда БМТни тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу Низоми 1945 йил 24 октябрда кўпчилик давлатлар томонидан ратификация қилинган кундан бошлаб юридик кучга эга бўлди. БМТ Низоми биринчи марта 1945 йил 26 июнда 51 давлат томонидан тасдиқланди.

БМТ Низомига кўра ушбу ташкилотнинг асосий мақсади бўлиб халқро тинчлик ва халфсизликни таъминлаш; миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ўзаро тинчлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига асосан ривожлантириш; халқро иқтисодий, социал, маданий муаммоларни ечишда ҳамкорлик қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлашга қаратилган ҳаракатларни тақдирлаш ва ривожлантириш ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш БМТнинг асосий фаолият турларидан биридир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилувчи, халқро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини оширишга хизмат қиладиган, юридик шахс ҳуқуқига эга, Президент томонидан тайинланадиган директор бошчилик қиладиган ташкилотдир. Ушбу ташкилот Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ 1996 йил 31 октябрь куни ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари эфтиб миллий ҳаракат режасини, шунингдек,

Конституция, конунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ метёрлари қондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериш фаолиятини амалга ошириш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга таъсиялар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш кабилар белгиланган.

Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Ота-оналар ўз фарзандларини ўзларининг эътиқодларига ва динга муносабатларига мувофиқ тарзда тарбиялашга ҳақтидир. Фуқаролар ўзининг динга, эътиқодга ёки ундан воз кечишга, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда, динни ўрганишда қатнашиш ёки қатнашмасликка ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни бирон-бир даражада мажбур этишга йўл қўйилмайди. Виждон эркинлиги ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 1948 йилда қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу ҳужжатда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти, соғлиги, кадр-қиммати, ор-номуси, оила қуриши, ҳаёт кечиришини таъминлайдиган ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган. БМТга аъзо бўлган ҳар бир давлат шу ҳужжатда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш мажбуриятини олади. Демак, ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тегишли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу халқаро ҳужжатга зид бўлмаслиги лозим. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи Асосий Қонун – Конституцияда ушбу халқаро ҳужжатдаги барча қондалар ўз ифодасини топган.

Омбудсман – инсон ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш учун махсус сайланадиган мансабдор шахс. У инсон ҳуқуқларини турли маъмурий органлар таъжовуздан ҳимоя қилишни мақсад қилиб кўяди. Омбудсман фуқароларнинг мурожаати ёки ўз ташаббуси билан текширув ишларини олиб боради, ҳуқуқ бузилишини аниқлаган вақтда, шу ҳуқуқ бузилишида айбдор бўлган органга қонунга хилоф ҳужжат ёки ҳаракатни бекор қилишни таклиф этади. Агар таклиф бажарилмаса, судга ёки парламентга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили лавозими бўлиб, унинг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ижтимоий адолат тамойилларини тушунтириб беринг.
2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши тушунтириб беринг.
3. Жамоатчилик фикри нима?
4. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратининг тутган ўрни қандай?
5. Фуқароларнинг мурожаатларини кафолатланишини тушунтириб беринг.
6. Сўз, матбуот, ахборот ва виждон эркинлиги деганда нимани тушунаси?

Мустақил иш мавзулари

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги.
2. Демократия - сиёсат ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, маънавият уйғунлиқда.
3. Эркин ва мустақил «тўртинчи ҳокимият».
4. Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар тизими.
5. Ахборот соҳасида бозор рафқобатини ривожлантириш.
6. Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш.
7. Давлат ва дин: виждон эркинлигининг кафолатланганлиги.

Тест топшириқлар

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг босқичлари неча?

- a) иккита;
- b) учта;
- c) тўртта;
- d) бешта;
- e) олтита.

2. Фуқаролик жамияти давлатнинг қандай конституциявий мақоми негизда шаклланади?

- a) демократик давлат негизда;
- b) ҳуқуқий давлат негизда;
- c) дунёвий давлат негизда;
- d) тоталитар давлат негизда;
- e) давлатнинг мақоми шарт эмас.

3. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми, фуқароларнинг сўз, матбуот ва ижод эркинлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қайси моддаларида баён этилган?

- a) 67-моддасида;
- b) 42-моддасида;
- c) 29-моддасида;
- d) 37-моддасида;
- e) а ва с жавоблар тўғри.

4. Эътикод эркинлиги Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунда ҳуқуқий аксини топган?

- a) «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда;
- b) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»и қонунда;
- c) «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда;
- d) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда;
- e) «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда.

5. Ижтимоий адолат ғояси нима?

- a) ижтимоий адолат – давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш омили;
- b) ижтимоий одалат – жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркинлик, қонунчилик ва демократияни қарор топтириш;
- c) ижтимоий адолат – демократия ғоялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчадир;
- d) ижтимоий адолат – узок асос сифатида адолатли, инсонпарвар жамият орзуси, миллат ғояси, унинг мафқурвсида акс этган орзу-умиди, халқимизнинг инсонпарварлик табиатиға мос эркин фуқаролик жамиятини барпо этишға бўлган азму қароридир;
- e) ижтимоий адолат - қонун-қоида, демократиянинг ифодаси сифатида муҳим сиёсий-ҳуқуқий кадрият ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман қандай ваколатға эға?

- a) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назоратини амалға ошириш;
- b) Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш;
- c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасиға қонунчилик ташаббуси асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишға қаратилган қонунлар лойиҳаларини киритиш;
- d) ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тушунтириш ишларини олиб бориш;

- е) Ўзбекистонда яшовчи шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга ёрдам бериш.

7. Ҷамоатчилик фикри нима?

- а) Ҷамоатчилик фикри ижтимоий онгининг муайян ҳолати сифатида кенг халқ оммасининг алоҳида шахслар, гуруҳлар ва реал борлиқ воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирувчи нуқтаи-назардир;
- б) Ҷамоатчилик фикри турли муаммолар юзасидан баҳолаш, таҳлил этиш ва амалий тавсиялар бериш мазмунидаги мулоҳазалардир;
- с) Ҷамоатчилик фикри җамиятда реал амал қилинаётган сўз, матбуот, йиғилишлар эркинлиги, халқнинг интеллектуал-маънавий маданияти савияси, турли ижтимоий институтлар, партия ва уюшмаларга берилган эркинликлар;
- д) Ҷамоатчилик фикри демократик ҳуқуқий давлат бошқарувининг муҳим субъекти, фуқаролик җамиятининг муаммолари юзасидан аҳоли нуқтаи-назарини намоян этувчи омилдир.
- е) а ва д жавоблар тўғри.

8. Ҷамоатчилик назоратининг ўзи нима ва у асосан кимлар устидан назорат олиб боради?

- а) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик җамияти институтлари, шунингдек, давлат ва нодавлат органлари тартибидан тузилган Ҷамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратдир;
- б) қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг тайёрланиш жараёни, қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси;
- с) ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши ва ижро этилиши;
- д) давлат органлари ва давлатнинг куч ишлатувчи тузилма-ларининг фаолияти устидан олиб борилади;
- е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

9. Ҷамоатчилик назоратининг таъсир чораларини ҳуқуқий асослари қайси қонуларда аксини топган?

- а) Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунда;
- б) Ўзбекистон Республикасининг «Ҷамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда;
- с) Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги ва «Сийсий партиялар тўғрисида»ги қонунларда;
- д) Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунда;
- е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

10. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда фуқароларнинг ариза ва шикоятлар билан муурожаатларининг нечта ҳуқуқий қафолатлари ақсини топган?

- а) ихтиёрийлик;
- б) камситмаслик;
- с) мажбурийлик;
- д) маълумотларни ошқор этмаслик, ҳавфсизлик;
- е) а, б, с, ва д жавоблар тўғри.

11. Сўз эркинлиги функциялари нима?

- а) ҳақиқатга эришиш;
- б) шахснинг ўз-ўзини намоён қилиши;
- с) ўз-ўзини бошқариш;
- д) фуқароларнинг хоҳиш-истаклари эътиборга олинishi;
- е) а, б, с жавоблар тўғри.

12. Оммавий ахборот воситаларига нималар қиради?

- а) газета;
- б) журнал;
- с) радио, телевидение;
- д) нашриётлар;
- е) а, б, с, д жавоблар тўғри.

13. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари нималар?

- а) бу технологиялар §арбда «Паблик рилейшнз» номи билан машҳур бўлиб, улар давлат ва фуқаролар ўртасида икки томонлама мулоқотни ташкил этишга йўналтирилган;
- б) бу технологиялар давлат органларини фуқаролар билан мулоқотларини самарали ташкил қилишдир;
- с) бу технологиялар давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини, қабул қилинган қарорларни, давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, мамлакат миқёсида амалга ошириладиган илохотларнинг моҳиятини фуқароларга тушунтиришга хизмат қилади;
- д) бу технологиялар давлат ҳақида фуқароларга ахборот бериш билан бирга, давлат органларини ҳам жамоатчилик фикридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаб туради;
- е) а, с ва д жавоблар тўғри.

14. Иймон бу -

- a) инсоннинг маънавий ва руҳий олами мажмуасидир;
- b) маънавий ва моддий бойликлар яратиш тизимидир;
- c) барча фикрларга ишонч ҳосил қилиниб, тил билан инкор этишлик ҳамда дил билан тасдиқлашдир;
- d) диний билимларни эгаллашдир;
- e) a, b, c, d жавоблар тўғри.

15. Эътиқод бу -

- a) ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, кишиларга нисбатан ҳурматсизлик қилмасдан, уларни қам ўзидек билиб, уларга қатъий риоя қилишдир;
- b) Оллоҳ тўғрисидаги ваҳийларни Пайғамбаримиз орқали бандаларига етказилганлигига ишонишдир;
- c) ҳаракат қилиш, ганлаган йўлда фаолият кўрсатиб ўз ғайратлилигини кўрсатишдир;
- d) дин йўлида фидойилик;
- e) a ва b жавоблар тўғри.

16. Қуйидаги таърифлардан қайси бирида диёнат тушунчаси ифодаланганлигини белгиланг.

- a) диёнат, вижон, инсоф, меҳр-шафқат қондаларига қаттиқ риоя этиш, диндорлик, такводорлик деган маъноларни англатади;
- b) диёнат маданият тушунчаси билан бир маънони англатади;
- c) инсоннинг ўз эътиқодига, иқрорига амал қиладиган нарсасига қарши бормалиги диёнатдир;
- d) эътиқод эркинлигини англатади;
- e) a ва c жавоблар тўғри.

Интеллектуал тренинг

1. Ижтимоий адолат тушунчасини тушунтириб беринг.

№	Тушунча
1	2

2. «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – эгш олий қадрият» тушунчасига изоҳ ёзинг.

№	Тушунча
1	2

3. Жамоатчилик фикрининг мазмун-моҳиятини қайд этинг.

№	Тушунча
1	2

4. Жамоатчилик назоратининг ўзи нима эканлигини бирма-бир қайд этинг.

№	Тушунча
1	2

5. Фуқароларнинг ариза ва шикоят кўринишидаги мурожаатлари жамоатчилик назоратининг бир кўриниш эканлигига ёзма изоҳ беринг.

№	Фуқароларнинг ариза ва шикоятлар билан мурожаатларининг ҳуқуқий қиёлатлари
1	2

6. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш билан нечта конун қабул қилинди ва улар қанақалигини таъкидланг.

№	Қонушлар изоҳи
1	2

7. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот омилининг аҳамиятини таъкидланг.

№	Инсонларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти	Демократик кадрлар	Ижтимоий ҳамкорлик	Фикрлар хилма-хиллиги	Инсоннинг эркинлиги ва фаоллиги	Давлат қарорларини қабул қилишда фуқароларнинг иштироки
1	2	3	4	5	6	7

8. Сўз эркинлиги ҳуқуқининг жамиятдаги ўрнини қандай тушунасиз?

№	Сўз эркинлиги ҳуқуқи	Сўз эркинлиги функциялари
1	2	3

9. Эътикод эркинлигини қандай тушунаси?

№	Дунёвий давлат ва дин	Эътикод эркинлиги-фуқаролик жамияти мезони	Фуқаролик жамияти ва дин ўртасидаги муносабат
1	2	3	4

10. Фуқаролик жамиятида эътикод эркинлиги қандай бўлиши лозим?

№	Фуқаролик жамияти ва дин масалалари
1	2

11. «Давлат органлари фаолиятини шаффофлаштириш» дегян тушунчани изоҳлаб беринг.

№	Тушунча
1	2

12. Динлараро бағрикенглик ғоясини изоҳлаб беринг.

№	Асосий диний йуналишлар	Динлараро бағрикенглик
1	2	3

Х боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ БЎЛГАН «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТДАН ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

10.1. Ўзбекистонда очик адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланиши

Ўзбекистонни ўз давлатчилиги ривожининг бош стратегик мақсади — очик адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, фуқаролик жамиятини шакллантириш «бизнинг бош концепциямиз ва миллий раънақимиз асосидир».

Хўш, фуқаролик жамиятининг очик адолатли жамият сифатидаги ҳозирги амалий мақоми у билан боғлиқ янгича замонавий назарий қарашлар тушунчаси нима?

Маълумки, очик жамият бу — қағор ижтимоий-фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда илгари сурилган иқтисодий, сиёсий, маданий плюрализмга эга фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат таркиблари ривожланган демократик жамият тушунчасидир.

Шу билан очик жамият ҳақида аниқ бир таъриф йўқ. Кўп ҳолларда очик жамиятни капитализмгача бўлган жамиятнинг ёхуд ёпиқ социалистик жамиятнинг акси, деб қараш устуворлик қилади.

Очик жамиятнинг элитар ва эгалитар тушунчалари мавжуд. Элитар назарияга кўра очик жамият асосида антагонизм, яъни қарама-қаршиликлардан ҳоли халқаро инсоний муштарақлик, умуминсоний, антитоталитар ахлоқ, шахс ва ижод эркинлиги устувор, ўзига ҳос аскетик гуманизм ётган идеал ижтимоий тизимдир.

Эгалитар назария ҳозирги даврдаги очик жамият билан ёпиқ жамият қарама-қаршилиги реаллигидан келиб чиқади.

Ёпиқ жамият учун унинг мавжудлиги-ю мақоми қонун асосида белгиланган тоталитар жамият унда шахс манфаатидан жамият манфаати устун, шахсий масъулиятсизлик, ғоявий догматизм характерлидир. Бу тройбалестик, яъни ибтидоий қабилалар тизимига ўхшаш жамият ўзини бутун дунёга ёвузларча қарши қўяди.

Очик жамият аъзолари учун, аксинча, рационал — танқидий ёндашув ижтимоий тараққиётни мақсадли ва онгли бошқариш имконияти, одамлар эҳтиёжларига уйғун ҳолда давлат институтларини аста-секинлик билан шакллантириш ҳос.

Эгалитар қарашга кўра, Ғарб демократияси асосан, очик жамиятга ўтиб бўлди. Шунга қарамай сиёсатшунос К.Т. Поппер фикрича, Ғарб демократиясини тўлиқ ҳолда очик жамият, деб аташ мумкин эмас. Чунки Ғарб мамлакатлари бугун эътироф этилаётган демократияни ҳаётта тадбиқ

этиш соҳасида нисбатан ютуқларга эришган бўлса, унга бирданига, осонгина эга бўлмаган. Қолаверса, бугунги Ғарб демократиясида, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳамда демократия тамойилларига тўғри келмайдиган айрим қусурлари мавжуд бўлганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Очиқ фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий қарашлар орасида шубҳасиз, Жорж Сорос тадқиқотлари диққатига сазовор. Олим **очиқ фуқаролик жамияти моҳиятини ижтимоий ривожланиш идеали, деб атайди.**

Сорос фикрича, ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири – ўтиш босқичида бўлган кўпгина давлатлар учун асқотадиган қатор фундаментал кадриятларни ишлаб чиқишдир. Анъанавий фундаментал кадриятлар дин ёки илм-фан каби ташқи манбалардан келиб чиққан. Аммо тарихнинг ҳозирги кунда ўз мумтоз нуфузи билан сарбаланд бўлган бирорта манба йўқ.

Бундай шароитда янада имконли манба инсоннинг ўз битимида, руҳиятидагина бўлади, холос. Яъни, одамлар очик жамиятни ижтимоий ташкилланувнинг орзу қилинган нормалари сифатида эътироф этишлари лозим.

Афсуски одамлар **очик жамият концепциясининг мавжудлигини ҳам, ҳатто, билишмайди. Шу сабаб, уни идеал жамият, деб ҳисоблашмайди.**

Айнан шу сабаб ҳозирги шароитда очик жамият онгли равишда уни сақлаб қолишга қатъий интилишсиз мавжуд бўлмайди.

Бирок бундай ижтимоий кадрият шахсий манфаатларни қондириш сари чексиз интилишлар чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга олиб келувчи эркин тадбиркорлик мафқурасига зид келади. Шундай вазият юзага келади: манбада одамлар очик жамиятга ўзлари орзу қилган ижтимоий жамият шакли сифатида ишонишмаса, манфаатларини кўллаб-қувватлаш йўлида ўз худбин ниятларидан онгли воз кечишмаса, унда очик жамият яшай олмайди.

Албатта, одамлар ишонишни истаган очик жамият идеал ролини ўташи керак. Аксар кўпчилик жамиятлар ўтиш босқичида ижтимоий кадриятларнинг етишмаслигидан зарар кўришади. Идеал ҳисобланмиш очик жамият эса бундай камчиликларни бартараф этади, уларга йўл кўймайди.

Жорж Сорос фикрича, ижтимоий тараққиёт идеали сифатида очик жамиятни қабул қилишда энг қатта тўсиқ бу – универсал ғоялардан нисбатан тўлиқ воз кечиш ҳисобланади. Бундай муносабат кўп ҳолларда ўзига хос универсал ғоя бўлган социализмдан воз кечиш факти билан асосланади.

Бирок жамият универсал ғояларсиз яшай олмайди. Жумладан, ўз моддий манфаатларини қондиришга интилиш гарчи кадрият сифатида тан олмаса ҳам, барибир, универсал ғоя, деб қаралади. Албатта, универсал ғоялар охиригача амалга ошса, унда улар ўта хатарли бўлиши мумкин.

Мухтасар айтганда, **Жорж Сороснинг фикрича, очик жамият ёпик жамиятга муҳолифатда бўлмайди, балки мантқан ниҳоясига етган универсал ғоялар ханф солиб турадиган ишончсиз оралик масофада**

туради. Бундай универсал ғоялар сирасига бозор фундаментализми билан бирга экстремизмнинг барча турлари киреди.

10.2. Демократия, бозор иқтисоди, бозорни бошқариш механизмлари, очик жамият ва плюрализм

Маълумки, давлат келиб чиққан даврдан бошлаб, демократия ва очик адолатли фуқаролик жамияти тўғрисидаги идеаллар ҳам шакллана бошлаган. Тўғри, бу тушунчаларнинг мезонлари тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турли даражада акс этган. Аммо, инсоният юксакликка интилган сари демократия ва очик адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга бўлган интилиш кучайиб борган.

Аслида бу табиий жараён ҳисобланади. Чунки инсон ўзини қанчалик кўпроқ англаса, унинг ўз озодлиги, ҳақ ва ҳуқуққа эга бўлишга интилиши ҳам кучайиб бораверади. Шунинг учун ҳам демократия ва очик адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, уни такомиллаштириш инсониятнинг энг улуғ мақсади даражасидаги стратегик вазифаси ҳисобланади.

Ҳўш, демократия ва фуқаролик жамияти тушунчалари нима, улар ўртасида фарқ борми ва уларни вужудга келтириш имкониятлари нималарда ўз ифодасини топади?

«Демократия» атамаси «demos» - халқ, «kratein» - ҳокимлик қилиш, халқ ҳокимиятчилиги, деган маънони англатади. Лекин антик даврдан то ҳозиргача демократия мазмуни хусусида мунозаралар давом этиб келмоқда. Ана шу мунозаралар илмий-назарий жиҳатдан яхлит умумлаштирилса, қуйидаги хулоса келиб чиқади: демократия бу – кўпчиликнинг ҳукмронлиги, кўпчилик ҳокимияти, назорати, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатчилик ҳокимият тармоқларининг бўлинганлиги, умумхалқ сайлови, ошкоралик турли фикрлар-у позицияларининг ўзаро рақобати, плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги), тенглик, ҳамкорлик ва ҳ.к.

Демократия сиёсий режим мақомида ўзига хос қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Сиёсий ҳокимият кўпчиликнинг қўлида бўлади. Кўпчилик тамойили халқ суверенитети ғояси мазмунини акс эттиради. Яъни, ҳокимият манбаи халқ ҳисобланади.

2. Ҳокимият эркин сайловлар йўли билан шаклланади. Бу сайловлар йўли номзодларни эркин танлаш, умумий ва тенг сайлаш ҳуқуқи, яширин овоз бериш каби талаблар амалиёти билан боғлиқ.

3. Мухолифатда бўлиш ҳуқуқига эга озчиликни кўпчилик томондан ҳурмат қилиниши, ҳокимият режимини танқид қилиш, навбатдаги сайловда уни алмаштириш.

¹ Бу ҳақдаги кўчирмалар қуйидаги манбадан олинди: М.Шарифхўжаев. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 123-127-бетлар.

4. Давлат ҳокимияти институтлари амалий фаолиятига асосланган ҳокимиятнинг бўлиниш принципи.

5. Халқ хоҳиш-иродасини шакллантиришнинг асосий механизми бўлган, амалдаги ҳукуматга таъсир қила оладиган кўппартиявийликнинг ўзаро рақобатлилигини таъминлаш.

6. Шахснинг фуқаролик сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш.

Демократиянинг ушбу талаблари миллий демократик тараққиётнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияси белгилаб берилган «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш»дек, конституциявий мақсадни, «Ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойилини аниқ демократик мақомини, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат заминида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда унинг жаҳон ҳамжамияти билан изчиллик асосида интеграциялашув концепциясининг негизини ташкил этади.

Демократиянинг бош талаби Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашдир.

Маълумки, иқтисодий эркинлик, мулкнинг турли шаклларда бўлиши ва рақобат асосида эркин ривожланиш бозор иқтисодиёти демократиясининг асоси ҳисобланади.

Халқ ҳокимиятчилиги булган демократия тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини Муқаддимасидан то 128-моддаси-гача аниқ ҳуқуқий ифодасини топган.

Маълумки, ҳар қандай давлатда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи принципларнинг учта мезони мавжуд:

1) халқнинг қонунларни қабул қилиш жараёнларидан хабардорлиги ва бу жараёнларда фаол иштирок этиши;

2) ҳукумат қарорлари, қонунлар ижролари халқ томонидан назорат қилиниши;

3) оддий фуқароларнинг давлатни, жамиятни бошқаришда фаол иштироки.

Демократияни тепадан туриб, махсус фармон билан ўрнатиб бўлмайди. Шунингдек, демократиянинг ҳамма халқлар ва мамлакатлар учун ягона бўлган мутлақ андозаси йўқ. Дунёни ягона жамиятга олиб боришга даъво қилган «Коммунизм гоёси» қанчалик мантқиққа зид ҳодиса бўлган бўлса, бутун демократик тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятларини тан олмаслик, яъни демократиянинг миллий-маънавий негизини, халқларнинг миллий-маънавий қадриятларини, хусусиятларини тан олмаслик шундай зидликка олиб боради.

Шарқона демократия ҳам умумэътироф этилган демократик тамойилларга таянади ва айни пайтда, ўзининг минтақавий, умумий, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Шарқ халқларининг тафаккур тарзида, урф-одат ва анъаналарида сиёсий ҳаёт, инсон, жамият ва давлатга қарашда амал қиладиган ўзига хос сиёсий-маданий ҳулқ-атвор кўринишларида намоён бўлади. Бу халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳиятининг устуворлиги, оила, маҳалла, эл-юрт тушунча-

ларининг одамлар қалбидан чуқур ўрин олиб, ота-онага, маҳалла-қуйга, жамоатга юксак ҳурмат, кичикларнинг иззат қилиниши, оналарга ва умуман аёл зотига алоҳида эҳтиром кўрсатилиши, сабр-бардошлилик ва меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатли бўлиш билан боғлиқ тамойиллар авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган кадриятлар табиий равишда демократиянинг умуминсоний тамойиллари билан узвий боғлиқдир.

Демак, Шарқона демократия ахлоқ ва маърифат муносабатлари ҳамда анъаналарга кўпроқ боғланганлиги билан Ғарб демократиясидан тубдан фарқ қилади.

Ғарбда тўғри деб топилган индивиднинг қонун асосидаги айрим хатти-ҳаракати, хулқ-атворини Шарқ анъанасига кўра жамоатчилик осонгина қабул қилмаслини ва қонунга зид бўлмаса ҳам тўғри деб ҳисобламаслиги мумкин. Бунга Ғарб кўпроқ қонунга асосланган ҳолда баҳо берса, Шарқ жамоатчилик, кадриятлар, анъаналарни ҳисобга олиб уни қонун билан мувофиқ кўради ҳамда баҳо беради, рағбатлантиради ёки жазолайди. Шунинг учун Шарқда қонун ижтимоий ахлоқ кўринишлари билан доимо ўзаро мувозанатда бўлади. Шахс хатти-ҳаракатига баҳо берганда, умумэтироф этилган қонуний меъёрлар билан бирга анъанавий меъёрлар, ахлоқ кўринишлари ҳам устуворлик касб этади. Лекин анъанавий ҳолатларда мўлжалларимизга фақат ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан қараш, айрим ҳолатларда қонунга менсимасдан лоқайдлик ва ҳурматсизлик билан ёндошиш оқибатида жамоатчилик фикри, жамоа нуфузи, шаъни, орномусининг қонуний асослардан устувор келиб қолиш ҳоллари ҳаётимизда учрайди.

Шунинг учун қонунга таяниш ва қонун асосида муаммони ҳал этиш умумэтироф этилган демократик кадриятдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади», дейилади.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, демократия сиёсий ҳокимият ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда ўз ифодасини топади. Шу маънода у фуқаронинг қонунларда белгиланган эрк-ҳуқуқларини қай даражада таъминлай олганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам демократия назария эмас, балки ҳаракат ва амалиётдир. У юқоридан белгиланмайди, балки унга шароит ва имконият яратилади, фуқаролар эса уни шакллантирадилар.

Фуқаролик жамияти демократиянинг ривожланиши асосида қонун устуворлиги тўла таъминланган жамият ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси қабул қилинган барча қонунларнинг табиий равишда ишлаш тизимининг қарор топганлигидир. Бунинг учун эса, энг аввало, жамиятнинг моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий салоҳияти жамиятда яшаётган фуқароларнинг эҳтиёжига жавоб бериши лозим бўлади.

Бу мураккаб вазифани, энг аввало, демократик жараёнларни шакллантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Демократиянинг ривожланиши эса давлатнинг бошқарув имкониятларининг фуқаролар қўлига ўтиб боришида намоён бўлади. Аслида, одамлар ўзлари бошқаринишга эришгандагина инсон давлат машинасининг жонсиз бир мурувватига эмас, балки кишилик жамияти тизимидаги асосий омилга айланади.

Аmmo бу жараёнга эришиш осон эмас. Чунки, уни таъминлашнинг асосий омили ва манбаси бўлган демократияга бирданига эришиб бўлмайди, чунки бу узок тараққиётнинг махсулидир.

Унинг шаклланиши ҳокимият ва халқ ўртасидаги манфаатларнинг қай даражада уйғунлаштирилишига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам демократия қабул қилинадиган қонунларда қанчалик юксак даражада ўз ифодасини топмасин, халқ уни турмуши, дунёқароши, хатти-ҳаракатларига айлантира олсагина у шаклланиб ривожланиб боради.

Бугун мамлакатимиз ўтиш даврининг мураккаб босқичини босиб ўтмоқда. Шу даврда ҳали бошқарув тизимини такомиллаштириш, унинг теласида турган раҳбарларнинг ҳам дунёқарошини янги давр талаблари даржасига монанд равишда шакллантириш вазифаси турибди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «энг ёмони, энг ачинарли томони шуки, аксарият мансабда ўтирганлар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан яйтганда ҳукмдорлик қилишда, деб билади.

Бу салбий ҳақиқат бугунги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқатидир».

Ана шу мураккаб вазифани ҳал этишнинг асосий омили демократияни ривожлантириш ва эркинлаштириш, яъни либераллаштириш жараёнига кенг имконият яратиб орқали эришиш мумкин бўлади. Албатта, бу жараён ҳам босқичма-босқич, вазминлик билан миллат менталитети, мамлакат хусусияти, ривожланиш даражаларига қараб шаклланиб келгандагина чинакам моддий кучга айланади ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш, яъни эркинлаштириш концепцияси демократик жараёнлар илҳом бағишлайди. Унинг реал ҳаётга тадбиқ этилиши қанчалик мураккаб кечмасин, у тараққиётимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Президентимиз томонидан эркинлаштириш концепцияси давлат ва жамият тараққиётининг бугунги ва эртанги куни учун асосий назария сифатида илгари сурилётган экан, у реал ҳаётда нималардан иборат бўлмоғи керак.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида Президентнинг фикрича: «... авваломбор, аҳолининг сиёсий фаолиятини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур». Бу – янги концептуал ғоя. Чунки, энди гап давлат, унинг институтлари фаолиятини «юқоридан» туриб бошқариш ҳақида эмас, балки янги

механизмни топиш ва у оркали демократия кадрятлари сари боришни чуқурлаштириш ҳақида кетмоқда.

Бу механизмлардан бири сифатида Президент давлат фаолияти ўрнига аҳолини, яъни фуқаролар сиёсий фаолиятини ошириш зарурлигига эътиборни қаратади. Хусусан, у «демократиянинг муҳим тамойили - фуқароларнинг - сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»лигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам, демократик жараёнларни ривожлантиришга қаратилган энг адолатли қонулар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмасин, агар уларнинг табиий ишлаши учун реал имкониятлар вужудга келмас экан, бундай шароитда демократия қутилган самарани бермайди.

Хуллас, давлат демократияни таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий базани яратиши мумкин, аммо омма уни реал ҳаётга тадбиқ қилиши лозим. Омма яратилган имконият ва шароитдан фойдалана олмас экан, давлат жамиятни ўз ҳолига ташлаб қўя олмайди. Чунки, бу ҳолатда парокандалик ва бошбошдоқлик юзага келади. Лекин оммани демократик жараёнларга йўналтиришда давлат фаоллик кўрсатиши лозим бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, демократия, бозор иқтисоди, бозорни бошқариш механизмлари, хусусан, молиявий механизмлар, тинчликни, қонуни ҳимоя қилишга, дунё миқёсида тартибни сақлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар қаторига **очик жамиятнинг** муҳим элементи ҳисобланади. Бундан ташқари **очик жамият** тамойиллари мустақиллик Декларациясида мукаммал ифодасини топди.

Очик жамият ўз концепцияси я қўра, плюралистик бўлиши шарт. Аммо плюрализм бобида у ўзига қўп ҳам эрк беравермаслиги керак. Унда очик жамият нима яхши-ю, нима ёмонлигини фарқ қила олмаслиги мумкин. Хатто сабр-тоқат ва меъёрнинг ҳам чегараси бўлиши лозим. Фарбий Оврўпа Маърифатпарварлик Уйғониш даври мангу ҳақиқатлар истиқболи билан боғлиқ гоёларни илгари сурган бўлса-да, очик жамият кадрятлари ўзгарувчан эканлигини ҳам назарда тутган. Шунинг учун ҳам жамиятни қонун бошқариши шарт. Чунки нима яхши-ю нима ёмонлигига ҳеч қачон мутлақ ишониб бўлмайди.

Одамларнинг асосий тамойилларни қаттиқ, оғли қўллаб-қувватлашисиз очик жаҳон ҳамжамиятини барпо этиш мумкин эмас.

Айни пайтда, жамиятнинг нобозор жаҳҳасида мавжуд жиддий камчиликлар ўлароқ, азият мураккаблашиши мумкин. Жорж Сорос фикрича, бундай мураккабликлар бозор касодлигига нисбатан ҳам жуда жиддийдир.

Шундай қилиб, бу иллатлар ижтимоий кадрятларга эътиборнинг камчилигида ҳақиқий кадрятларни пулга алмаштирилишида, дунёнинг айрим минтакаларида нақиллик демократиясининг стишмовчилигида, дунёнинг муайян қисмида унинг, умуман, йўқлигида, шунингдек, том

маънодаги ҳақиқий халқаро муносабатларнинг йўқлигида яққол кўзга ташланади.

Очиқ жамиятнинг йирик муаммолари бозор ва ижтимоий кадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаш билан боғлиқ. Муаммолар улар ўртасидаги фарқни аниқлашда эмас, балки мураккаблик ижтимоий кадриятлар мазмуни ва характерида экинчилигидир. **Бозор фундаменталистлари ижтимоий кадриятларни менсимасликка уриниб, қандайлигидан катъий назар, улар бозордаги муомалада намён бўлади, деб уқтиришади.**

Одатда, бозордаги индивидуал иштирокчиларнинг муомалалари, ҳатти-ҳаракатларида ижтимоий кадриятлар ўз аксини топмайди, шунинг учун ҳам улар қандайдир бошқа шаклларга эҳтиёж сезади.

Бозордаги фаолият ва тартиб-қондани белгилаш икки ҳар хил функциялар ҳисобланади. Бозорнинг индивидуал иштирокчилари суянадиган бозор кадриятлари билан тартиб-қондани белгилашда таяниладиган ижтимоий кадриятлар ўртасида тенглик белгисини қўйиш ҳатоликдир. Афсуски бундай фарқ ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайди. Ҳозирги демократик жамиятда жамоа бўлиб қарор қабул қилиш – рақобатчилар манфаатлари ўртасидаги муносабатдир. Одамлар тартиб-қондаларни ўз манфаатларига мослаштириб олишга интиладилар.

Ижтимоий кадриятларнинг, нафақат, бозор иштирокчилари учун тартиб-қондани белгилашдаги (масалан, «инсайдерлар»га савдо-сотик билан шугулланишни таъқиқловчи тартиб-қондалар, яъни «ички» ахборотдан хабардор кишилар), балки ижтимоий истеъмол хизматидаги (аҳолининг хавфсизлиги, таълим ёхуд атроф-муҳит муҳофазаси) аҳамияти ҳам катта.

Бозор кадриятлари бозор иштирокчиларининг аниқ манфаатларини, ижтимоий кадриятлар эса умумжамият манфаатларини, яъни аъзолар бу манфаатларни қандай тасаввур этишини муайян даражада ақс эттиради. Бозор кадриятларини пул билан ўлчаш мумкин. Аммо ижтимоий кадриятларга нисбатан муаммо юзага келади. Уларни аниқлаш қийин, ўлчаш эса янада қийинроқ.

Юқсак рақобат шароитларида бошқа кишилар билан муносабатга киришиш масаласи билан овора одамлар ахлокий мезонлар билан ҳисоблашмайдиганлар нисбатан кам даромад кўради. Принципи бўлмаган одамларнинг қўли кўпроқ устун келади. Жаҳон капиталистик тизмининг ташвишли аспектларидан бири айнан ана шу ҳақиқатда. Буни бозор фундаментализмининг бир кўриниши, деса ҳам бўлади. Натижада бозор фундаментализми демократик сиёсий жараёнларни бузади. Оқибатда сиёсий жараённинг самарадорлиги бозор фундаментализми фойдасига хизмат қилувчи қучли омил бўлиб хизмат қилмайди. Вакиллик демократиясига нисбатан ҳозирги мавжуд хавф-хатар сабаблари ана шунда.

Демократия жамият манфаатларига нисбатан тўлароқ жавоб берувчи жамоавий қарорларни ишлаб чиқариш механизмини таъминлайди. Жамоа бўлиб қарорлар қабул қилишда у бозор механизмлари ёрдамида индивидуал қарорлар қабул қилишда зришилажак мақсад рўёбга олиб келади. Фуқаролар

раисни сайлашиб, биргаликда овоз бериш йўли билан жамоавий қарорлар қабул қилинади. Вақиллик демократиясининг тамойили бу. Тамойил фуқаролар билан улар вақиллари ўртасидаги муносабатларнинг муайян кўринишидир. Сайловчилар хоҳишига кўра, ҳукумат билан қонунчилик органлари узлуксиз ўрганиб туради. Назаримизда демократия ўзига хос бўлган камчиликларни тузатиш имконига эга эмас. Бунинг исботи сайловчилар норозилигининг борган сайин кучайиб кетаётганлигидир.

Оқибат натижада сиёсий жараён кўпроқ бузилиб бораётти Одамлар эса ўз умидларини кўпроқ бозор механизмлари билан боғлашмоқда. Бу эса бозор фундаментализмининг кенг тарқалишига имкон бермоқда. Сиёсатдаги омадсизликлар бозорга кўпроқ эркинлик беришга жиддий сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, бозор фундаментализми жаҳон капиталистик тузумининг шаклланишига омил бўлди. Капитализм эса давлатнинг ўз фуқароларини ижтимоий таъминлашдек имкониятларни чеклаб қўяди. Бу ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга нисбатан бўлган сиёсатни қуруқ сафсатага айлантиради. Сиёсатга нисбатан нима адолатли бўлса, шу тенг ҳолда ижтимоий кадриятларга ҳам дахлдордир. Ижтимоий кадриятлар кўп ҳолларда бозор кадриятларига бой бериб қўйди. Уларни миқдор жиҳатидан ифодалаш, ҳатто аниқлашнинг иложи йўқ.

Ҳатто, одий одамлар уюшмаси ҳам аниқ шаклланган кадриятларга эга. Уюшма аъзолари бу кадриятларга роя қилиш ёки уларни бузиши мумкин. Кадриятлар уюшма аъзоларини қўллаб-қувватлаши ёхуд эзиб ташлаши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам уюшма аъзолари бу кадриятларни яхши библишлари шарт. Бозорлардаги ахлоқсизлик, ҳатто, уларсиз жамият яшай олмайдиган ахлоқий кадриятларни ҳам бузиб юборди. Монетар кадриятлар эса носимимийдир. Уларни, наинки, ўлчаш-аниқлаш мумкин, ҳатто, одамлар уларни кадрлашади ҳам. Монетар кадриятлар ижтимоий кадриятларни инкор этади.

Ижтимоий кадриятлар бозор кадриятларига нисбатан унчалик аниқ эмас, шекилли. Аммо уларсиз жамият яшай олмайди. Гарчи бозор кадриятларига ижтимоий кадриятлар мақоми берилган бўлиниса-да, у бу функциясини шубҳасиз бажаролмайди. Улар рақобат муҳити шароитида индивидуал қарорлар қабул қилишга мўлжалланган. Бироқ улар рақобат асносида ўзаро ҳамкорлик қилиш вазиятида жамоа бўлиб қарорлар қабул қилишга қодир эмас.

Жамоавий қарорлар қабул қилиш жараёнида функциялар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бозор кадриятлари ижтимоий онгни ўзгартира олмайди. Сиёсат билан манфаатлар тўқнашган барча ҳолатларда сиёсий таъсирини шахсий манфаатлар йўлида фойдаланишдек хавф ҳамиша мавжуд бўлади.

Очик жамият концепцияси бўлакча кадриятлар тизимини тавсия қилади. Очик жамият хато ва камчиликларни тугатишни талаб этади. Афсуски, у ҳам хато-камчиликларни баҳоловчи объектив меъзошларнинг йўқлигини тан олади.

Юқоридагилар шуни аниқ кўрсатадики, бозор хулқ-атворида акс этувчи индивидуал қарорлар қабул қилиш билан, умуман, хулқ-атворда, жумладан, сиёсатда ифодасини топувчи жамоавий қарорлар қабули ўртасидаги фарқни илғаб олиш зарур. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам одамларчи худбин манфаатлари қизиқтиради, бироқ жамоа бўлиб қарорлар қабул қилишда муштарак манфаатлар худбин индивидуал манфаатлардан устун бўлиши шарт.

Ж.Сорос одамларга етказмоқчи бўлган бош ғоя – ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий компонентлари ўртасидаги мувозанат – баланс албатта зарур. Бунга фақат кучли жамоа таркибларига эга фуқаролик жамияти доирасидагина эришиш мумкин, ҳоло.

Мухтасар айтганда, ижтимоий ва бозор кадриятлари ўртасидаги мувозанатни фақат фуқаролик жамияти ўз мақоми билан илғор ўзгаришларга, истиқболли, тугалланмас тақомилликка ҳамиша очик жамиятнинг барча талабларига тўлиқ мос келган тақдирдагина таъминлаши мумкин¹.

10.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг беш тамойили ва олти устувор стратегик йўналиши

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин, у тараққиётнинг қайси йўлини танлайди, уни амалга ошириш учун қандай стратегик вазифаларни белгилайди ва уларни амалга оширишнинг қандай механизмларини ишлаб чиқиш зарур бўлади, деган масалалар кун тартибда турган эди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ўзининг 1992 йилда ёзган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида “Республикада собит қадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш – бош вазифадир”, - деб белгилаб берди.

Бу белгиланган вазифани амалга ошириш учун эса, қурилмоқчи бўлган жамиятнинг модели, унинг назарий асослари ҳам аниқ белгилаб берилиши зарур эди. Бу масалани Президентимиз ўзининг 1993 йилда ёзган “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзинга хос йўли” номли асарида ишлаб чиқди. Бу асарда бозор муносабатларига ўтишнинг шундай йўли танландики, унда республикамизнинг тараққиёт даражалари, миллий урф-одатлар, анъаналар, демократик жараёнлар, аҳолининг меҳнат қилиш имкониятлари ва бошқа қатор омиллар ҳисобга олинди.

Ана шу омилларни ҳисобга олиб Президентимиз Ўзбекистонда қурилмоқчи бўлган демократик жамиятнинг тараққиёт моделини ишлаб чиқди. У тараққиётнинг беш тамойилига асосланган “Ўзбек модели” шаклида вужудга келди.

¹ Бу ҳақдаги кўчирмалар қуйидаги манбадан олинди: М.Шарифхўжаев. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003, 127-131-бетлар.

Биринчи тамойил – иқтисодий сийosatдан устушлиги. Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сийosat ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан ҳоли бўлиши лозим.

Иккинчи тамойил – давлат бош ислохотчи. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сийosatини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Учинчи тамойил – жамиятнинг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчи тамойил – аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, қучли ижтимоий сийosat юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан чоралар кўрилиши лозим.

Бешинчи тамойил – бозор иқтисодийётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма – босқич ўтиш.

Ўзбекистонда танлаб олинган бу йўл жаҳонда “ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Унинг рационал мағзи жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион – тадрижий равишда ислох этишни назарда тутлади.

Хўш, нима учун Ўзбекистон бозор муносабатларини шакллантиришнинг ва демократик жамият қуришнинг эволюцион йўлини танлади? Бунинг сабаби шунда эдики, собиқ шўролар тузуми шароитида улкан ер ости ва усти бойликлари, қатъи меҳнат ресурсларига эга бўлишига қарамасдан аҳолининг аксарият кўпчилиги қишлоқда яшар эди ва уларнинг турмуш даражаси ниҳоятда паст эди. Шунинг билан бирга, аҳолининг миллий – тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари ва урф – одатлари асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, қадриятларга айланган эди. Уни бир “зарб” билан ўзгартиришга ҳаракат қилиш оғир фожиаларга олиб келиши мумкин эди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги ва кўп миллатли республика эдики, уларни ҳисобга олмаслик қўлга киритилган мустақиллигимизнинг ўзини ҳам хавф остига қўйиши мумкин эди.

Шу боис мустақилликнинг биринчи қунлариданоқ, Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг асосий бош стратегияси этиб иқтисодий ислохотларни танлади. Ана шу тарика мамлакат истиқлол тараққиётининг туб иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ бош стратегияси – тоталитар тузумдан эркин иқтисодга, яъни иқтисодий эркинликни таъминлайдиган маърифий бозор иқтисодийётига босқичма – босқич ўтишнинг яхлит дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистоннинг иклимий – жуғрофий шароитлари, буюк тарих, бой маданиятга эга халқимизнинг ўзига хос менталитети, жумладан, тижорат, мулк бобидаги ғавқулдда уюша билиш салоҳияти иноватга

олинган миллий дастурга асос бўлиб Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи “Ўзбек модели” стратегиясининг қайта қуриш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиш тамойили хизмат қилди.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтиш кўр – кўрона мақсад бўлмай, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни тубдан янгилаш, одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш йўли эди. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини мустақкам шакллантиришдан иборат”.¹

Ислохотларнинг “Ўзбек модели” хали тўлиқ фойдаланилмаган жуда катта имкониятларга эга. Ана шу имкониятларни тўла амалга ошириш ўлароқ, Ўзбекистон XXI аср жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос қонуний ўрнини топиши муқаррар. Албатта, бунинг учун бутун халқ яқдиду яқтан бўлиб, тинимсиз самарали меҳнат қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов биринчи чақирик Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган “Ўзбекистон XXI асрга интиломқада” (1999 йил 14 апрель) дастурий нутқида Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ва янги юз йилликнинг дастлабки йилларида ислохотларни амалга оширишнинг қуйидаги олти устувор стратегик йўналишини белгилаб берди.²

1. Биринчи устувор йўналиш – сиёсий ва иқтисодий соҳаларни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш. Сиёсий соҳани эркинлаштириш қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

-биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий умумбашарий кадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш;

-иккинчидан, жамиятда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама – қарши қучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик тамойилини қарор топтириш;

-учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт – шароит яратиш, ҳокимият тизимларида Конституциявий тамойилларга қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни вужудга келтириш;

-тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма – босқич ўтказиб бориш, нодавлат

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: 1997, 105-бет.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамит. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 380-бет.

ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеини ошириш. Кўзда тутадиган **“Кучли давлатдан – кучли фуқароларлик жамияти сари”** концепциясини ҳаёта жорий этиш.

Бу – одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазибаларини нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир;

–бешинчидан, давлатнинг ислохотчилик вазибаларини демократик талаблар асосида, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминга садоқатли ёш кадрларни тайёрлаш, жой – жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарув функцияларини қисқартириш, унинг корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш.

Бу – хусусий бизнесга, умуман, бозор иқтисодиёти мезанизларига кўпроқ эркинлик бериш, бунинг учун ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт – шароит ва кафолатларни яратиш, институционал ўзгаришлар, молия ва банк тизимини ислох этишни янада чуқурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини барпо этиш, рақобат муҳитини шакллантиришга асосий эътибор қаратиш демакдир.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш. Бу – хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ортиб борадиган кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулкдорларнинг қўлчиликни ташкил этишига эришиш орқали ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш демакдир.

Учинчидан, иқтисодиётга хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада чуқурлаштириш.

Бу – салоҳиятли хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, улар билан бирга замонавий, халқимиз эҳтиёжига мос, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш демакдир.

Тўртинчидан, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қўламда интеграциялашувини янада кучайтириш.

Бу – Ватанимизнинг дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фахрланиш туйғусини юксалтириш демакдир.

Бешинчидан, иқтисодийётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Бу – бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, иқтисодийётда мукамал технология жараёнини ўз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўрни тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодийётдаги ўрнини кучайтириш, қишлоқда янги иш ўринларини яратиш демакдир.

Давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш масъаласи ҳам катта аҳамият қасб этади. Зотан, бозор иқтисодийёт муносабатларининг шаклланиш жараёни шу қадар жадаллашмоқдаки, унга уйғун ҳолатда давлат қурилишини ҳам демократлаштиришни ҳисобга олиш зарурлигини қундаланг қилиб қўймоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш концепциясини илгари сураб экан, айниқса, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларга қатъий эътиборни қаратиб: «Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳим, аҳолининг қасб ва ижтимоий-таркибий манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари», деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади»,¹ деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш борини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

2. Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтириш. Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва таракқиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигини англаш, миллий ғоя ва мафқураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифамиздир.

Биринчидан, юртдошларимизни маънавий янгилаш ва ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш. Уларнинг куч ва салоҳиятларини ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, инсонийлик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 383-бет.

Иккинчидан, кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига амал қилган ҳолда, миллий ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш.

Учинчидан, ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушутириш борасидаги ишларни давом эттириш. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, мухтасар айтганда, Аллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошларимиз онгига сингиб борсин.

Тўртинчидан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаштириб бориш.

Бешинчидан, Ўзбекистонда яшайтган барча миллат ва элатларнинг кадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш.

Бу кўп миллатли фуқароларимиз орасида, уларни миллий ва диний мансублигидан қатъий назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик гуйгуларини кучайтириш. «**III** азиз Ватан барчамизники» ғоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир.

3. Учинчи устувор йўналиш – жамиятимиз, халқимизнинг келажагини белгилаб берувчи кадрлар сиёсати.

Бугунги кунда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун кадрларни тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш каби вазибаларни бажариш объектив заруриятдир.

Ўзбекистонда кадрлар корпусини шартли равишда олти гурӯҳга ажратиш мумкин. Биринчи гурӯҳга, бошқарув структурасидаги, хусусан, ижро ҳокимияти тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар қиради; иккинчи гурӯҳга, саноат ва қишлоқ хўжалигида хизмат қилаётган муҳандислар, техниклар, технологлар, ишчилар, агрономлар, сув хўжалиги ва ҳ.к. соҳалардаги ходимлар қиради; учинчи гурӯҳга, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар қиради; тўртинчи гурӯҳга, илмий, маданий, маориф, олий таълим, соғлиқни сақлаш, мулофаа, давлат хавфсизлик тизими, ички ишлар тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар қиради; бешинчи гурӯҳга, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик, тижорат, банкирлик, фермерлик соҳасидаги кадрлар ва олтинчи гурӯҳга, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, хайрия фондлари ва бошқа оммавий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган кадрлар қиради.

Мухтасар айтганда, юқорида келтирилган кадрларнинг олти гурӯҳи чуқур тахлил қилинадиган бўлса, ислохотларнинг моҳиятини тушуниш, мақсадлари бир-бирдан анча узоқлиги, юзага келган шароитга қараб мавжуд муаммоларни ҳал этишга ўз муносабатларини ўзгартириш, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш каби руҳиятни ҳали барқарор эмаслиги ҳам кўзга ташланмоқда.

4. Тўртинчи устувор йўналиш – халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш. Жамият

ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бўлиб қолаверади.

Биринчидан, халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб боришни таъминлаш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари: болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган механизмини янада такомиллаштириш.

Иккинчидан, халқимиз учун муқаддас кўрган, маънавият бешиги бўлган – оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларини изчил давом эттириш.

Учинчидан, фуқароларнинг тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини янада самарали қафолатловчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

Тўртинчидан, қомил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида кучайтириб бориш ва умумхалқ харақатига айлантириш.

5. Бешинчи устувор йўналиш – ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарни техникавий жиҳозлаш ҳамда модернизация қилишга қаратилган иқтисодийётдаги таркибий ўзгаришлардир. Бу ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал хом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, импортта мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

6. Олтинчи устувор йўналиш – жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрнининг ошишига хизмат қиладиган, унинг манфаатларига мос келадиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўлини изчил амалга оширмоқда.

Аммо минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солувчи террористик кучларга муносиб жавоб қайтарадиган мутлақо янги асосдаги миллий армия ва хавфсизлик тизимлари яратилди.

Бизнинг кейинги йилларда зришган энг катта ютуқларимиз – мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда.

Умуман, Ислом Қаримовнинг 2002 йил 29-30 август кунлари бўлиб ўтган иккинчи қаирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий

йўналишлари» маърузасида аниқ белгилаб берилган етти устувор мақсад ва вазифалар Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг «Ўзбек модели»нинг беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш билан боғлиқ олти устувор йўналишдан иборат стратегиянинг узвий манъикий давоми, ялпи ислоҳий янгиланишларнинг дастуриламали бўлди.

10.4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг етти устувор йўналишлари

Ўзбекистон халқи XXI асрга юксак инсоний мақсадлар билан, барқарор тараққиёт, мустахкам тинчлик ва фаровон ҳаётга эришиш, адолат ҳамда эркинлик тамойилларига асосланган демократик жамият қуриш ниятида қадам қўйди. Комил ишонч билан таъкидлаш лозимки, юртимиз дунё ҳамжамятининг барча маърифий давлатлари сингари умумбашарий кадриятлар қарор топадиган, инсон кадри ва ҳуқуқлари эъзозланадиган ҳамда безавол таъминланадиган, давлат идоралари ва мансабдор шахслар халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, демократия том маънода тантана қиладиган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда.

Бунга ёрқин далил – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи қақирққ Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасидир. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимиз мустақил ривожланиши асосий босқичларини атрофлича таҳлил этди. демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ва тамойилларини белгилаб берди. Президент Ўзбекистон Республикаси суверенитети, давлат ҳамда сиёсий институтлар ва нодавлат ташкилотларини мустахкамлаш, миллий ҳафсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

«Бизнинг вазифамиз, - деди Президент И.А.Каримов, - мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгиланш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир»¹.

Фуқаролик жамияти сари собит қадамлар билан одимлаб бориш ҳамда юкоридаги мақсадларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча иктисодий, ижтимоий-сиёсий, гашкилий-ҳуқуқий, маънавий-маданий чора-тадбирларни ўзида жам этган муқаммал дастурга эга бўлиш талаб этилади. Республика

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002, 16-бет.

Президенти мазкур дастурда акс этиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталиб, юртимизда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қуйидаги устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Биринчи устувор йўналиш, энг муҳим мақсад тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Бу ўринда мустақиллик нафақат ҳуқуқ-имконият, балки айни вақтда улкан масъулият эканлигига эътибор қаратиш лозим. Мустақиллик ўз тақдиримиз учун масъуллиқдан ташқари, биздан халқро ҳамжамият олдида зиммамизга олган мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни талаб этади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди. Масаланинг бундай қўйилиши миллатимиз тантлиги ва мардлигининг ифодасидир. Биз дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доимо интиламиз ва курашамиз. «Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, - деб урғу беради И.А.Каримов, - уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодийни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгиллаш борасида олиб бораётган барча ислохотларимизнинг мезони, деб билишимиз керак».¹

Умуман олганда, ўтиш даври ўзгаришлар, янгиланиш ва ислохотлар давридир. Ҳар бир ислохот, у қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг табиий ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир қилиши муқаррар. Шу сабабдан, ислохотлар жараёнида кўзланган натижалардан ташқари, қутилмаган, фавқуллодда ҳолатлар ҳам вужудга келиши табиий. Ана шундай ҳолатларни бартараф қилиш, жамият олдида янги мақсад ва вазифалар қўйиш баробарида ислохотларни янада чуқурлаштириш, уларни жамият тараққиётининг янги даражаси билан мувофиқлаштириш давр талабидир. Юртбошимизнинг Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасида ҳам мустақиллигимиз давомида эришилган ютуқ ва натижаларни, аниқланган камчиликларни, дунё воқеликларининг ўзгарувчанлиги, миллий манфаатларимизнинг мутлақ устунлиги шартини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий тараққиёт моделининг беш тамойили билан уйғунликда жамиятимизнинг ривожланишини янги, ўзгарган шароитларда таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ишлаб чиқилган. Бу тамойилларнинг етти устувор йўналиш билан алоқадорлигини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (2-чизмага қarang).

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002, 17-бет.

I-чизма. Ўтиш даврига ҳос умумий ижтимоий динамикаси



Иккинчи устувор йўналиш - мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.

Юртбошимиз мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда фуқаролар осойишталигини таъминлашнинг кафолати сифатида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг шартлиги ҳақида гапириб: «Экстремизм ва ашаддий акцидана растликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш; халқаро террорчилик ва нарқобизнесга қарши изчил курашда барча имқониятларни сафарбар этиш; мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва динлараро тотувликни, фуқаролараро ҳамжиҳатликни янада мустақкамлаш, ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши курашиш; жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислохотларни изчил дaвом эттириш ва

**2-чизма. Иқтисодий тараққиёт моделининг етти устувор
йўналиш билан алоқадорлиги**

Мустақиллигин асраб-авайлаш,
химоя қилиш ва мустаҳкамлаш

Хавфсизлик ва барқарорлиқни,
худудий яхлитлиқни,
сарҳадларимиз дахлсизлигини,
фуқароларимиз тинчлиги ва
осойишталигини таъминлаш

Иқтисодийetni
мафкурадан
ҳоли этиш

Бозор ислохотларини янада
чуқурлаштириш, кучли бозор
инфраструктурасини яратиш,
эркин иқтисодий
таъминларини жорий этиш

Давлат иқтисодий
ўзгаришларнинг
ташаббускори ва бош
ислохотчиси

Инсон ҳуқуқлари ва
эркинликларини, сўз ва матбуот
эркинлигини, ошкоралиқни,
жамиятга ўтказилаётган ислохот-
ларнинг очкилигини таъминлай-
диган демократик таъминларни
амалий ҳаётда жорий этиш

Қонуннинг устуворлиги,
жамиятда қонун олдида
барчанинг тенглиги

Жамият ҳаётида нодавлат ҳамда
жамоат ташкилотларининг
ўрни ва аҳамиятини кучайтириш,
«Кучли давладан – кучли
жамият сари» таъминлини
ҳаётга жорий этиш

Кучли ижтимоий
сиёсат юргизиш

Суд-ҳуқуқ идораларининг
мустақиллиги ва таъсирини
амалда таъминлаш

Бозор иқтисодийетига
босқичма-босқич
ўтиш

Инсон омили ва мезони, яъни
демографик ва бошқа миллий
хусусиятларни ҳисобга олган
қолда кучли ижтимоий сиёсат
олиб бориш

чуқурлаштириш¹ зарурлигини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда мамлакатимизда умумиллий манфаатларга ҳар томонлама мос келадиган сиёсат юритиш ва ташқи мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг маълум бир босқичи, яъни ўтиш даврида жиноятчилик ва коррупция каби иллатлар юзага келиши мумкин.

Жиноятчиликнинг кўпайиши нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ислохотлар йўлига ҳам жиддий тўсиқлар қўяди. Қолаверса, мамлакат тараққиёт белгиланган мақсадларга эришишга қарши таҳдидлар тугдирди. Жиноятчиликнинг ўсиши ва авж олиши, маҳаллийчилик ва уруг-аймоғчилик иллатларини юзага келтиради. Бундай жараён ўз навбатида демократик ислохотларни амалга оширишга маълум бир тўсиқларни қўяди. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, аввало, жамиятдаги коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруг-аймоғчилик, таниш-билишчилик каби иллатлардан имкон қадар тезроқ холи бўлишни тақозо этиши боис, ҳозирги кунда ҳукуратимиз томонидан демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва жиноятчиликка қарши катъий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ҳар қандай жамият ва тузум ўзини ҳимоя қила олсагина кўзланган мақсадга эришади. Ҳимоя - Қуролли кучларнинг салоҳияти билан боғлиқ муҳим стратегик масаладир.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз армиясини тузишга қарор қилиши, мамлакат ҳудудидаги давлат ҳарбий машинасининг барбод бўлишининг олдини олди, янги вужудга келган давлат хавфсизлиги ҳимояси таъминланди. Шу муносабат билан Президентимиз Ислоҳ Каримов: «Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишга, турли қўпурувчи ҳаракатларга муносиб зарба беришга, минтақага қурол аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка - ҳаммасига қурби ва қудрати етарли бўлиш зарур», деб таъкидлаган эди. Мудофаа докторинасига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини ва бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган қуролли кучларимизни модернизация қилиш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимиз мудофаа қудратини, чегара ҳудудларини мустаҳкамлашга, жамиятда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Учинчи устувор йўналиш. Бу — бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустақкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002, 17-18-бетлар.

иктисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Иқтисодиёт йўналишидаги бу долзарб вазифаларни беш гуруҳга бўлиб, таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳ вазифалари

Марказлашган маъмурий бошқариш тизимига асосланган иқтисодиёт ўзининг ҳаётий эмаслигини, аҳолининг ўсиб боровчи эҳтиёжларини таъминлай олмаслигини аниқ кўрсатди. Ҳаётнинг ўзи у тизимни юқори самара берувчи, инсон манфаатларига мос тушувчи ва унга хизмат қилувчи янги иқтисодий тизим, яъни бозор муносабатлари тизими билан алмаштириш лозимлигини кун тартибига кундаланг қилиб қўйди.

Бозор иқтисодиёти деганда, товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга ҳос иқтисодий қонулар, яъни бозор муносабатлари тамойиллари асосида бошқариладиган иқтисод тушунилади.

Бозор иқтисодиёти азалдан мавжуд. У бир неча минг йиллардан бери ривожланиб, турли иқтисодий-ижтимоий тизимлар доирасида шаклланиб келади. Бозор иқтисодиётига ўтиш — бу шунчаки мақсад эмас, балки иқтисодда бозор муносабатларини шакллантириш, жамиятни янгилаш йўлидир, яъни иқтисодий фаолият эркинлигига, мулкчиликнинг хилма-хиллигига, нарх эркинлигига, рақобат курашига, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қарор топишига, даромаднинг чекланмаганлигига эришиш демокдир. Фақат бозор муносабатлари заминидagina ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, кўплаб сифатли маҳсулотлар яратиш, уларга бўлган талабни қондириш, тежамли хўжалик юритиш, тўқинчилик яратиб, халқнинг фаровон турмушини таъминлаш, ҳалол ва самарали меҳнатни кадрлаш, адолат ўрнатиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти фаолиятда эркинликка, хўжалик юритишида оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт бўлиб, бу эркинлик энг аввало, мулкчилик шаклини таъминлайди. Бундай иқтисодиётда хусусий мулк, жамоалар мулки ва давлат мулки мавжуд бўлиб, у ёки бу мулкнинг яқка ҳокимлиги бўлмайди. Барча мулклар тенг, улар чекланмаган ҳолда ривожланади. Мулкчиликнинг асосини хусусий мулк ташкил этади.

Эркин иқтисодиёт эркин тадбиркорликка, бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда иш кўриш имконияти борлигига асосланади, мухтасар қилиб айтганда, эркин иқтисодиёт тамойиллари мулкчиликнинг хилма-хиллигини, нарх-наво эркинлигини, очик рақобат курашини ва даромаднинг чекланмаганлигини билдиради.

Бозор иқтисодиёти, ўз моҳиятига кўра, очик иқтисодий тизим бўлиб, унга автаркия ва ўзини ўзи таъминлаш қондалари бегонадир. Бозор хўжалиги қонулари катта жуғрофий майдонларда амал қилади, рақобатни кучайтиради ва ишлаб чиқарувчиларнинг қайси мамлакатда бўлишидан қаъги назар, уларнинг чикимларини камаййтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, истеъмолчи ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур этади. Француз иқтисодчиси Мишель Пибронинг фикрича: «очиклик эркин савдо - бу илгар иқтисодиёт учун энг қулай ўйни қондасидир».

Эркин очик иқтисодиётнинг шаклланиши ва таркиб топиши оламшумул ривожланишнинг объектив тенденциясидир. Эркин очик иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш бу жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунарига монанд равишда иш юритишдир.

Эркин очик иқтисодиётнинг устуниклари қуйидагилар:

Ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши; самарадорлик даражасига боғлиқ ҳолда ресурсларнинг рационал тақсимоли;

ҳалқаро иқтисодий муносабатлар тизими орқали жаҳон тажрибасининг кенг ёйилиши;

Жаҳон бозоридаги рақобат орқали миллий ишлаб чиқарувчилар орасидаги рақобатнинг рағбатлантирилиши.

Очик иқтисодиёт жаҳон хўжалигига, дунё бозорига интеграциялашган ягона иқтисодий комплекс, яхлит миллий иқтисодиётни тақозо этади. Очик турдаги бозор иқтисодиётини қурмай туриб, жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этмай туриб, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, барқарор иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Бозор тизими иқтисодий ислоҳотлар туфайли юзага келади. Буни бозор ислоҳотлари деймиз.

Бозор ислоҳотлари бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган, давлат томонидан мамлакат фуқаролари ва хўжалик субъектларининг фаол иштироки билан амалга ошириладиган иқтисодий чора-тадбирлар тизимиidir.

Бозор ислоҳотлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида амалга оширилади, чунки бир соҳада бозор муносабати юзага келиб, бошқаси эскичасига қолаверса, номутаносиблик юз беради. Бозор ислоҳотларининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- мулкчиликни ислоҳ қилиш;
- турли тармок тузилмаларини (саноат, кишлок хўжалиги, транспорт, қурилиш) ислоҳ қилиш;
- молия-кредит ислоҳотлари;
- ташки иқтисодий алоқалар ислоҳотлари;
- ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғишли инфратузилмасини яратишни талаб қилади. Чунки муайян инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди. Бозор инфратузилмаси беш бўғиндан иборат бўлиб, унга ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи (транспорт, алоқа, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти ва ҳ.к.), товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи (биржолар, савдо уйлари, аукционлар, реклама фирмалари ва агентликлар, божхона ва ҳ.к.), молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи (тижорат банклари, сугурта компаниялари, солиқ идоралари ва ҳ.к.), аҳолига хизмат қилувчи ёки ижтимоий (маориф, маданият, соғлиқни

сақлаш, уй-жой коммунал хизмати ва ҳ.к.), ахборот хизмати кўрсатувчи инфратузилмалар қиради.

Бозор иқтисодиётининг тамойиллари, қонун-қоидалари бир хил бўлса-да, уларни жорий этиш йўллари ҳар хил. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, унинг олдида икки стратегик вазифа турар эди. Бири — мустақиллик учун иқтисодий пойдевор қуриш. Иккинчиси — бозор иқтисодиётига ўтиш. Иқтисодий мустақилликка бозор механизми орқали эришилади, лекин унинг Ўзбекистонда шаклланиши ўзига хос йўл билан юз бермоқда. Бу йўл бозор иқтисодиётининг умумийлигини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «бизнинг қатъий нуқтан назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлай олишдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистон жаҳон тажрибасига таяниб, бу билан бирга, ўз миллий манфатини, бу ердаги реал шароитни ҳисобга олган ҳолда бу борадаги ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириб бормоқда.

Биринчи босқичдаги ислохотлар бозор иқтисодиётининг негизларини шакллантиришга қаратилди. Энг аввал, шу негизларни яратишни тахминловчи қонулар ишлаб чиқилиб, улар ислохотлар учун асос бўлди, яъни бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий пойдевори таъминланди. Бу босқичдаги бош масала мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб, кўп укладли иқтисодиёт учун асос солишдан иборат бўлди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи Ўзбекистоннинг миллий валютаси — сўм муомаласага киритилишидан бошланган. Бу босқичдаги бош масала бозор иқтисодиётига мос бўлган ижтимоий адолат қоидаларини юзага чиқариш ҳисобланади.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш сиёсатининг янги босқичи биринчи қаҳриқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида миллий иқтисодиётни ҳар томонлама эркинлаштириш бўйича белгиланган аниқ чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан бошланади.

Биринчидан, бу мулкчилик ва унинг асосида мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини ечишга бевосита тегишлидир, бошқача сўз билан айтганда, республикада бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнининг бошланишида қўйилган — хусусий мулкчилик етакчи ўрин тутувчи кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш мақсадини охиригача етказишдир.

Иккинчидан, бу иқтисодиётни эркинлаштириш масаласи бўлиб, у мамлакат ҳудудида реал рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғланган. Бу борада яқка ҳокимликка қарши қонунчилик таъсир кучини жиддий кескинлаштириш, монопол тузилмаларни имкон қадар тугатиш ва қамайтириш бўйича амачий чора-тадбирлар тизимини қабул қилиш, табиий монополиялар тўғрисидаги қонунни ва уни ҳаётга татбиқ этиш, қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Учинчидан, иқтисодийтни эркинлаштириш жараёни банк ва молия тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, бозор инфратузилмасини комплекс шакллантириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Тўртинчидан, бу тури хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги масалалардир. Тез суръатларда бутун дунёда қабул қилинган, тараққий этган мамлакатлар ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий фаолиятида қўлланиладиган шаклларга ўтиш зарур. Шу билан бирга иқтисодийтимизга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни кенг жалб қилиш, хорижий инвесторларнинг хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларидаги фаол иштирокини таъминлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни барпо этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бешинчидан, валюта бозорини эркинлаштириш ва миллий валюта — сўмни эркин алмаштириладиган валютага тўлиқ конвертация қилиш масаласини босқичма-босқич ечиш бўйича аниқ вазифалар турибди.

Олтинчидан, ички ва ташқи инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича имтиёз ва кафолатларни кенгайтириш ҳамда уларни мустаҳкамлашни рағбатлантириш бўйича ишлар давом эттирилиши лозим.

Ислохотларни амалга оширишда хорижий ишбилармонлар иштирокининг кенгайтириш миллий иқтисодийтни эркинлаштириш муҳитини шакллантирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Еттинчидан, иқтисодийтни эркинлаштириш кўп жиҳатдан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига турли хил назорат қилувчи ва текширувчи органларнинг давлат томонидан аралашувини чеклаш билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти натижалари бўйича иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир. Шу билан биргаликда, хўжалик суди, банкротлик институтларининг роли кучайтирилади.

Умуман олганда, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, эркин иқтисодийёт тамойилларини жорий этиш, эркинлаштириш жараёнларининг мазмуни ҳукуматимиздан мамлакат иқтисодий ҳаёти жўшқинлигини таъминлаш, бозор механизмнинг самарали ишлаши учун етарли шарт-шароитлар яратишга қаратилган асосий функцияларининг кучайтирилишини тақозо этади.

Иккинчи гуруҳ вазифалари

Бозор ислохотларини амалга ошириш ва чуқурлаштиришда иқтисодийётнинг хусусий секторини — тармогини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамиятга эгадир.

Хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик принциплари амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутди.

Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, кенг асос ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил қилишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлайди.

Хусусий тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирилганда, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кўзда тутилади.

Тараққий топган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, хусусий тармоқ одатда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70 фоизи эса айнан мана шу соҳада фаолият кўрсатади.

Хусусий тадбиркорлик миаллий иқтисодиёт ва давлат тараққиётига, шу билан бирга, барқарор фаровонликка эришиш йўлидаги ишларнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу соҳанинг афзаллик томони мослашувчанлик, тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятидир. Катта компания миллион-миллион сўмлик маҳсулот чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз туфайли уни сота олмай, синиши мумкин. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари бундай вазиятларда, табиийки, анча осон ечим топади.

Албатта, давлатга қарамликда яшаб, онгига боқимандалик кайфияти қаттиқ ўрнашиб қолган одамларда мулкдорлик ҳиссини уйғотиш осон кечмайди. Лекин, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги ҳозирги вазият илгаригидан анча бошқача. Кўпчилик мулкка эгаллик қилиш ҳиссини англаб етди, мулкдорлар сафи кенгайиб бораётир. Айни шу мулкдорлар синфи кенгайишига мос равишда мамлакатда ривожланган давлатлардагидек ўрта табақа шаклланиб, кўламини оширяпти.

Агар Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми йирик корхоналар қуриш имконияти булмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланган қишлоқ жойларда истиқомат қилиши инобатга олинадиган бўлса, хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш бу ернинг шароитида нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас. Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, агар тарихга назар ташланадиган бўлса, барча замонларда ҳам ўзбек халқининг дунёқараши, ўзига хос тафаккур ва турмуш тарзида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга инти-лиш доимо жуда кучли бўлган. Бу минтақада азал-азалдан ҳунармандчилик ривожланган бўлиб, тўқимачилик, этикдўзлик, кулолчилик, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик, наққошлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона ва дўконлар кўп бўлган. Аҳолининг бир қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб уларнинг маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келган. Албатта, ҳунармандчилик турли соҳаларини бугунги дунё тараққиётидан келиб чиққан ҳолда, янги замонавий технологи ялар асосида қайта тиклаш талаб этилади.

Хусусий тармоқни ривожлантириш учун мамлакатда пухта қонунчилик асослари яратилган Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясида шахсий мулкнинг дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан химоя қилиниши аниқ белгилаб қўйилган (53-моддага қаралсин).

Қатор соҳаларда, айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусий тармоқ ишлаб чиқараётган махсулотлар улуши тобора ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида бу тармоқ етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес тараққиёти муҳим аҳамият касб этади. Айнан катта маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларнинг ўсиш тезлигини кафолатловчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисоддаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатсиз ечишга, ички бозорни, молиявий ресурслар чегараланган бўлишига қарамай, истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирдир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг тараққий этиши хўп устуворликларга эга:

- жамиятда сиёсий турғунликни кафолатловчи бош гарант - ўрта синфнинг шаклланишида;
- турли ижтимоий гуруҳлар даромадларининг мутаносиблигини таъминлаб турувчи иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушининг ўсишида;
- фаол ва тадбиркор шахсларни тарбиялашда;
- нисбатан кам маблағ харжлаб, янги иш ўринларини яратишда;
- технологик, техник ва ташкилий янгилликларни ишлаб чиқишда ва жорий этишда;
- рақобат муҳитини юзага келтиришда;
- моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни сафарбар этишда, улардан янада самаралироқ фойдаланишда;
- иқтисоднинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилашда.

Амалдаги қонунларга мувофиқ кичик ва ўрта бизнес эгалари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

Якка тартибдаги тадбиркор — ишчи ёллаш ҳуқуқига эга бўлмаган, хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома маси бўлган жисмоний шахс;

Микрофирма — мулк шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш тармоқларида аҳоли бандлигининг ўртача йиллик ҳисобида 10 кишигача; савдо соҳасида, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлмаган соҳаларида — 5 кишигача ходими бўлган корхона;

Кичик корхона — мулкчилик шаклидан қатъи назар, саноат соҳасида банд аҳолининг ўртача йиллик сони 40 кишигача бўлган; қурилишда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида — 20 кишигача, фан, илмий хизмат соҳасида, чакана савдо ва ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган бошқа тармоқларида — 10 кишигача бўлган корхона;

Ўрта корхона мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишчиларнинг ўртача йиллик ҳисоби кичик корхоналар учун белгиланган сондан юқори бўлган,

лекин саноат тармоғида — 100 кишидан; курилишда — 50 кишидан, кишлоқ хўжалиқ ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида, улгуржи савдода — 30 кишидан, чакана савдода, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқларда — 20 кишидан ошмаган корхона.

Дунёдаги энг ривожланган, жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқега эга бўлган айрим мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кўп масалаларни ҳал этишга, биринчи навбатда, аҳоли турмуш даражасининг доим юқори бўлишини таъминлашга, аввало, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади. Масалан, Германиянинг киска вақт мобайнида Европа иқтисодиётининг устуунларидан бирига айланишида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳал қалувчи роль ўйнади. Давлатнинг бу борадаги оқилона сиёсати туфайли урушдан кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 10 фоиздан 65 фоизга кўтарилди. Кўпчилик хайрат ва ҳавас билан қарайдиган «Япон мўъжизаси» ҳам шу давлатнинг кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришга қаратилган иқтисодиёти самарасидир. Ҳозирги кунда бу ерда иқтисодиётнинг мазкур бугини мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини бермоқда. Жаҳоннинг энг қудратли давлати бўлмиш Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётининг асосини ҳам кичик ва ўрта бизнес ташкил этади. Унинг мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши кейинги 40 йил мобайнида 10 фоиздан 50 фоизга ўсди.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда бу борада изчил сиёсат олиб борилиб, кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди, қулай солиқ тартиби яратилди.

Учинчи гуруҳ вазибалари

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида бўлган, ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакат ўзини фақатгина эркин бозор гирдобига ташлаб қўя олмайди ва бу шароитда давлатни ривожлаштириш кафолати сифатида фаол катнашуви зарурияти тугилади. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, айниқса, муҳимдир. Бу эса, биринчи навбатда, ташқи савдони ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа шакллари тартибга солиш механизмларини ўзгарувчан ички ва ташқи шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташқи иқтисодий сиёсат юргизишни талаб этади.

Ташқи иқтисодий сиёсат моҳиятини кўриб чиқишдан олдин ушбу тушунча мазмунини аниқлаштириб олиш зарур.

Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш — бозор муносабатларни шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфатларини химоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва

импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал окмини кучайтиришга йўналтирилган ваҳолатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроня ва назорат қилиш борасидаги чора-тадбирлар тизимидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш (либераллаштириш) деганда, энг аввало, ташқи иқтисодий фаолият қатнашувчиларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, ташқи савдони тартибга солиш маъмурий услубларининг маълум қадар қисқариши, мавжуд тўсик ва говларнинг бартараф қилиниши тушуннади. Бу мутлақо муқаррар, ички иқтисодий муносабатлар эркинлашуви (либераллашуви)нинг манткий оқибатларидир. Самарали бозор механизми фақатгина жаҳон бозор муносабатлари билан узвий алоқада ташкил қилинган бўлиши мумкин. Яна бунда энг муҳими турли мамлакатлар иқтисодий ва ҳуқуқий шаклларининг маълум даражада ўхшашигидадир. Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради.

Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари — тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб қелишини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишига (ташқи иқтисодий операциялар марказлашувига) ёрдам бериш, импорт қилиш жараёнидаги орткича тўсиқларни олиб ташлаш, экспортнинг ривожланишини фаоллаштириш (божлар, лицензиялар, квоталар ва имтиёзларни қисқартириш орқали), миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлашдир.

Бу шакллар, жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, гарчи тўлиқ ҳолда улар ҳагто ривожланган бозор иқтисодиётида ҳам қўлланилмасада, амалдаги бозор механизмларини кучайтиради. Миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилган ҳолда давлат маълум чеклашларни ўрнатади, божхона тарифларидан кенг фойдаланади, турли хил таъқиқларни киритади ва ҳоказолар. Бозор механизми энди шаклланаётган, мавжуд ишлаб чиқариш бозор шароитларига ҳали тўлиқ мослашмаган ўтиш даврида давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва бошқаришдаги роли янада муҳимдир.

Шунинг учун бу даврда ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш сиёсати ички миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирмаган ҳолда мамлакатда бозор муносабатларининг тезкор ривожланишини ва унинг жаҳон ҳўжалигига уйғун қўшилишини мақбул даражада таъминлаши зарур.

Байроқ, герб, мадҳия сингари ҳар қандай давлат миллий суверенитетининг ўзгармас атрибути пул бирлиги — миллий валютанинг мавжудлиги ҳисобланади.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатда миллий пул бирликлари жаҳон пуллари функциясини бажаради. Халқаро ҳисоб-китоблардан фойдаланиладиган пулларни валюта деб аташ қабул қилинган.

Валютанинг айланувчанлиги ички ва ташқи тусда бўлиши мумкин. Ташқи айланувчанлик валютани чет эллик шериклар ҳисоб

варақларига эркин ўтказиш ва маблағларнинг мазкур валютага эркин конвертацияси мумкинлигини англатади. Ички айланувчанлик мазкур мамлакатнинг хўжалик юригувчи субъектлари учун чет элга тўловлар ва хорижий валютани сотиб олишни чеклашларсиз амалга ошириш имкониятини беради. Валютанинг ташқи ва ички айланувчанлигини бирлаштириш валюта конвертацияланишининг тўлиқ шакли ҳисобланади. «Конвертацияланиш» тушунчаси бир мамлакатнинг пул бирлигини бошқа мамлакатнинг пул бирлигига шунчаки алмаштиришдан ёки валюталар олди-сотдисига қараганда анча кенгдир. Конвертацияланиш тушунчасини миллий валютадаги маблағлар эгалари учун нафақат мамлакат ичида, балки хорижда ҳам муайян операцияларни бажариш эркинлиги таъминланадиган мамлакат иқтисодий ва валюта-молиявий тизимининг ҳолати ва характери сифатида таърифлаш мумкин. Конвертациялашга фақат очик бозор хўжалиги шароитларида эришса бўлади. Мамлакатнинг ўз миллий валютасини конвертацияланишига эришиши ва буни қўллаб-қувватлаши мураккаб иқтисодий муаммодир. Валютанинг конвертацияланиш режимини жорий этиш зарур иқтисодий шароитларни барпо этишни тақозо этади.

Валютанинг учта синфи (гуруҳи) мавжуд.

Биринчи гуруҳ — эркин конвертацияланадиган (айланадиган) валюта — (ЭКВ). Бу валюта бошқа чет эл валюталарига эркин ва чекланмаган ҳолда алмаштирилади. ЭКВ тўлиқ ташқи ва ички айланувчанликка, яъни бир хилдаги алмаштириш режимларига эга. ЭКВни алмаштириш соҳаси кундалик ташқи савдо фаолияти билан боғлиқ жорий операцияларга, шунингдек, ташқи кредитлар ва чет эл инвестицияларига доир операцияларга татбиқ этилади.

Иккинчи гуруҳ — қисман конвертацияланадиган валюта (ҚКВ). Бу — операцияларнинг айрим турлари бўйича ёки валюта битимларининг баъзи иштирокчилари учун миқдорий чекловлар ёки махсус рухсат бериш русум-қоидалари мавжуд бўлган мамлакатларнинг миллий валютасидир. Бундай мамлакатлар ҳукуматлари фойдаланадиган усуллар: импортни лицензиялаш, алмаштириш курсларининг кўплиги, импорт депозитлари талаб қилиниши, миқдорий назорат. ҚКВ фақат баъзи чет эл валюталарига алмашилади ва халқаро тўлов оборотининг баъзи турларига амал қилади.

Учинчи гуруҳ — маҳдуд (конвертацияланмайдиган) валюта. Бу — фақат битта мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатадиган ва чет эл валюталарига алмаштирилмайдиган (бу ҳолат ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун тақиқланган) миллий валютадир. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, иқтисодийёти ўтиш даврида бўлган баъзи мамлакатлар миллий валютаси ана шундай валюталардан ҳисобланади.

Валюта бозори либераллашувининг таъминланмаганлиги — ташқи иқтисодий алоқалар ривожланиши учун жиддий тўсиқдир. Валюта бозорининг тўлиқ либераллашуви, албатта, капитал ҳисоби бўйича конвертация қилинишини ҳам кўзда тутади. Бироқ, молиявий тизим самараси паст

бўлган мамлакатлар валютанинг тўлиқ конвертация қилинишига шошилмасликлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай кичик ва катта мамлакатлар учун миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақаллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу ҳар бир мамлакат миллий иқтисодийётига тегишли умумий бойлик ва мулкдир. Миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички ва ташқи бозорда эркин алмашинуви, етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур олтин-валюта захиралари орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун қуйидагиларни амалга оширмоқ лозим:

Биринчидан, ўз валютаміз товар билан барқарор таъминланган тақдирдашига реал куч ва обрўга эга бўлади. *Сўмнинг харид қувватини ошириш* учун миллий бозорни мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Ташқи савдони рағбатлантириш билан бир қаторда маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини оширишимиз лозим;

Иккинчидан, миллий валютанинг барқарор бўлиши, унинг муқимлиги, эркин алмашинуви етарли олтин-валюта резерви (захираси) бўлишига боғлиқ. Бунинг учун экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга рағбатлантириш, жаҳон бозорида ўз мустақкам мавқеимизни қўлга киритишимиз даркор. Экспортга йўналтирилган корхоналарга бевосита инвестициялар жалб қилишни ва уларни хом ашёлар билан етарли таъминлашни йўлга қўйиш муқимдир;

Учинчидан, ҳар бир корхона, ҳар бир тадбиркор ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз даркор.;

Тўртинчидан, миллий валютани мустақкамлашнинг энг муқим шарти — инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат ўтказишдир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиши мумкин. Бу валюта қувватли ва айланувчан бўлишининг гаровидир.

Тўртинчи гуруҳ вазифалари

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни талаб қилади.

Иқтисодийётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, рақобатбардош товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийётнинг устувор тармок ва соҳаларига йўналтириш ва пировардида, аҳолининг меъёрдаги турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади;

- учинчидан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилаш имконини беради ва техник қайта куруллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга қўмаклашади ва ҳ.к.

Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 млрд долларлик 109 та устувор инвестиция лойиҳалари, жумладан, 725 млн долларлик 38 та тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Энг кўп қўшма корхоналар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Покистон, Россия, Украина ва бошқа давлатлар инвесторлари иштирокида барпо этилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилди. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунлар хорижий инвестицияларни жалб қилишни, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни ва ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати, транспорт, энергетика, олтин, мис ва бошқа қазилма бойлиқларини ишлаб чиқаришга, телекоммуникация тармоқларига қаратилиши лозимки бу ўз навбатида, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ўсишини таъминлайди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун, аввало, қулай инвестиция муҳитини барпо этиш лозим. Инвестиция муҳити кенг тушунча бўлиб, у инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодийётига маблағ сарфлаш учун шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни барқарор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг яратилганлигини баҳолашдаги барча ҳисоб-китоблар мажмуасини ўз ичига олади.

Ҳар бир мамлакатнинг инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидир. Худди ана шу омил чет эллик инвестицияларга бошқа мамлакатга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни жалб қилиш имкониятини беради.

Инвестиция муҳити кенг тушунча бўлиб, у инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодийётига маблағ сарфлаш учун шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни барқарор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг яратилганлигини баҳолашдаги барча ҳисоб-китоблар мажмуасини ўз ичига олади.

Ҳар бир мамлакатнинг инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидадир. Худди ана шу омил чет эллик инвесторларга бошқа мамлакатга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни жалб қилиш имкониятини беради.

Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллардан яна бири жаҳон андозаларига мос келувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлигидир.

Бу эса инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун кафолат вазифасини бажаради.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча усул ва шакллари мавжуд. Булардан:

- улуш қўшиб қатнашиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;

- 100% мол-мулк хорижий инвесторга тегишли бўлган корхоналарни ташкил этиш;

- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;

- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;

- эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш;

- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Бешинчи гуруҳ вазифалари

Жаҳон ва минтақавий товарлар ва хизматлар, капиталлар ҳамда ишчи кучи бозорларида иштирок этиш давлатларни интеграциялашувига, бозор кучлари амал қилиб турган йўлдаги божхона, валюта соҳасидаги ва бошқа тўсиқларни олиб ташлашга ундайди. Бунда ҳар бир мамлакат интеграция жараёнлари ҳамда улар тезлигини ўз манфадатларидан келиб чиқиб танлайди.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви деганда мамлакатда мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш омилларининг жаҳон бозорига бемалол ҳаракатини таъминлаш, **ҳўжалик субъектларининг кенг иқтисодий ва савдо алоқаларига тўққинлик қилувчи шарт-шароитларни имкон қадар йўқотиш** тушунилди.

Ўзбекистон ҳўжалик субъектлари халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан амалий алоқаларни йўлга қўйиб, жаҳон иқтисодий тизимига муваффақиятли интеграциялашмоқда. Бугунги кунда республикамиз турли соҳаларда энг йирик молия институтлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро молия институтлари тизимидаги глобал даражадаги ташкилотлар **Халқаро Валюта Фонди** ҳамда **Халқаро қайта қуриш ва ривожлантириш банки** бошчилигидаги **Жаҳон банки гуруҳидир**. Ўзбекистон бу ташкилотларга 1992 йил аъзо бўлиб кирган. Жаҳон банки гуруҳига Халқаро молия корпорацияси, Халқаро тараққиёт ассоциацияси ва Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликлар киради. Юқорида кайд этилган молиявий ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимида ихтисослаштирилган муассасалардир. Халқаро молия институтларининг континентал даражасига **Осиё тараққиёт банки (Ўзбекистон унга 1996 йилдан аъзо), Европа тикланмиш ва тараққиёт банки (Ўзбекистон унга 1992 йилдан аъзо)** ва бошқалар киради. Улар учун умумий хусусият тегишли иқтисодий ҳудудий комиссиялар орқали БМТ билан алоқада бўлишдир.

Халқаро молиявий ва иқтисодий тузилмаларнинг минтақалараро даражасига МДХ давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг янги шакли бўлган **Минтақалараро Молия Саноат Гуруҳини** киритиш мумкин.

Минтақавий ва субрегионал даражадаги халқаро молиявий институтлар тизимига ўрта Осиёда Оролни кутқариш халқаро фондини ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт фондларини киритиш мумкин.

Мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувининг шаклларида бири – бу Умумжаҳон савдо ташкилотига (УСТ) аъзо бўлиш ҳисобланади.

Умумжаҳон савдо ташкилоти — бу халқаро микёсдаги муҳим тузилма бўлиб, унга аъзо давлатларнинг ўзаро ташқи савдо муносабатлари улар томонидан амал қилиниши зарурий бўлган тамойиллар, ҳуқуқий меъёрлар ва тартиб-қоидалар тўғрисидаги кўп томонлама битим асосида олиб борилади. УСТ томонидан эътироф этилган ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солувчи мувофиқлаштириш тизимлари бир вақтнинг ўзида барча ушбу ташкилотга аъзо иштирокчи давлатларнинг миллий тизимлари билан ўзаро мос келади, бир бирлари билан бириктирилган ва боғланган бўлади. Натижада ўзаро савдо-сотик муносабатларида ҳар қандай тўсиқлар имкон қадар камаяди.

Ўзбекистон ҳам эркин ташқи савдо тизимига интеграциялашни таъминлаш мақсадида ушбу Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга қарор қилди ва тайёргарлик ишларини босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Биринчидан, Умумжаҳон савдо ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган халқаро савдонинг асосий тамойиллари ва тартиблари доирасида республика ўзининг савдо-иқтисодий манфаатларини таъминлаш имкониятига эга бўлади. Бунда республика ушбу ташкилот доирасида пасайтирилган тарифларни ва аста-секин йўл қўйиладиган микдорий чеклашларни, тарифсиз тўсиқларнинг бартаф қилинишини ўз мафазти учун ишлатади ҳамда республикага нисбатан энг қулай савдо режими шароитлари қўлланилади.

Иккинчидан, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида корхоналарнинг мустақиллиги оширилишига шарт-шароитлар яратилади, ички ва жаҳон нархлари бир-бирларига яқинлашади ҳамда халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларини тўлароқ ишлатиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади.

Учинчидан, Ўзбекистон икки тарафлама савдо муносабатлари ва шартномаларининг мураккаб тизимини тузиш, таъминлаш билан боғлиқ маблағлар ва ҳаракатларни сезиларли даражада тежашга зришади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон бу ташкилот орқали шерикларига ўзининг манфаатлари хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш, жаҳон иқтисодиёти тизимида кучларнинг тақсимланиши тўғрисидаги ахборотларни мунтазам олиб туриш ва савдо муҳитининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзидаги савдо-сотик жараёнларини мувофиқлаштириш (тартибга солиш) чоғида ривожланган мамлакатлардан имтиёзлар ва преференциялар (қулайликлар) олиш имкониятига эга бўлади.

Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун Ўзбекистон, қуйидаги келишув мажмуасида акс эттирилган катъий мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиши талаб қилинади:

- тариф ва савдо бўйича халқаро бош келишув;

- хизматлар кўрсатиш савдоси бўйича келишув;
- савдо билан боғлиқ интеллектуал мулк ҳуқуқлари аспекти бўйича келишув;
- кишлок хўжалиги соҳаси бўйича келишув;
- санитар ва фитосанитар карантин чораларини қўллаш бўйича келишув;
- тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича келишув;
- савдодаги техникавий тўсиқлар тўғрисидаги келишув;
- божхона бож кийматини ҳисоблаб чиқиш бўйича келишув;
- демпингга қарши масалалар бўйича келишув;
- маҳсулот ишлаб чиқарган мамлакатни маркетинг асосида ўрганиш ва аниқлаш бўйича келишув;
- товарларни юклаш олди назорати бўйича келишув;
- импортни лицензиялаштириш қоидалари бўйича келишув;
- субсидиялар ажратиш ва компенсацион чоралар қўллаш бўйича келишув.

Ушбу шартномавий келишувлар асосий шартлар ҳисобланиб, айрим мамлакатлар учун қўшимча талаблар қўйилиши мумкин¹.

Тўртинчи устувор йўналиш. Бу — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилишдан иборат. Мамлакат Президенти И.А.Каримов инсон ҳуқуқларини устувор тарзда таъминлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимияти» сифатида мавқеини мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор тоштиришнинг муҳим шартларидан эканлиги хусусида такрор-такрор таъкидлаб келади.

“Барча оммавий ахборот воситаларига... мамлакатимиз ахборот майдонда ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир”.

Парламент IX сессиясида «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги эътироф этилди. Табиийки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши тегишли бир қатор масалаларни ечиш билан бирга, муस्ताкия нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор шахслар, хомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг ноўрин таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қўмаклашади. Шунингдек, «Телерадио фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Бу ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини жиддий равишда мустаҳкамлайди.

Фуқаролик жамияти демократик тарзда уюшган, ошкоралик ва очиклик ҳукм сурайдиган эркин жамиятдир. Бу жамиятда сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларга

¹ Қаранг бу кўчирмалар қуйидаги манбадан олинди: Истиклол, демократия ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2003, 47-68-бетлар.

ижтимоий баҳо бериш, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш устувор мавқега эга бўлади. Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, «жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу».


Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам етарли даражада йўлга қўйилмаган, сабаби бундай ёндашув ҳали сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига, таркибий воқелигига айланиб улгурмаганидадир.

Жамиятни муттасил демократлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, биринчи навбатда, аҳоли кенг қатламлари сиёсий фаоллигининг оширилиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Мазкур вазифани ижобий ҳал этилишида бошқа омиллар қатори мамлакатимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими ва ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтирилиши ҳамда сиёсий майдонга конструктив йўналишдаги соғлом муҳолифатнинг пайдо бўлиши сезиларли самара беради, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасининг парламенти - Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказилиши жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки берганлиги шубҳасиз. Шундай экан, сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни тўпланган тажрибамиз ҳамда партиявий рўйхатлар бўйича пропорционал тизимда сайлов ўтказиш анъаналарига эга хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш лозим бўлади.

Бешинчи устувор йўналиш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан яъни «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойилини амалда ҳаётга жорий этишдан иборат. Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳаёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ. «Бу масалада давлатнинг роли, — деб кўрсатди И.А.Каримов, — аввало, иқтисодийтни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонулар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва талбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор».¹

¹ Ушга жойда. 23-бет.

3-чизма. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини асосларини шакллантиришнинг иқтисодий жиҳатдан устувор ҳисобланган йўналиши мазмуни ва вазифалари



Таҳлил этилаётган йўналишда жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутади. Демократик жамиятда бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёт ошқора, жамоатчилик кўз ўнгида ва унинг фаол иштирокида рўй бериши қонуниятли ҳолдир. Шу боис қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган метёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз "Адолат - қонун устуворлигида" деган ҳаётий тамойилга амал қилиб яшашимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир. Амалда бу вазифани бажаришга аллақачон киришганмиз. Ана шу йўлда собитқадамлик билан давом этишимиз лозим. Таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. Шунингдек, бу соҳадаги муҳим йўналиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, бундай алоқаларнинг самарали усул ва шаклларини вужудга келтиришдан иборат. Шу муносабат билан «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгартишлар киритиш, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида»ги, «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчи устувор йўналиш бу — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини амалда таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фикрига кўра, судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар.

«Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, — дейди И.А.Каримов, — фуқаролик жамияти ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди».¹

Ҳуқуқий тизимимизда либераллаштириш жараёнларининг бошланганлиги суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим самарасидир. Бугунги кунда қонунчиликни, ҳуқуқий нормалар мазмунини демократия принциплари асосида эркинлаштириш ва янгилашдек ижобий тенденция вужудга келди. Бу таҳсинга лойиқ ҳолдир.

¹ Ўша жойда, 25-бет.

Суд тизими фаолиятини (амалиётини) демократлаштиришда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг маънавиятини ҳимоялайдиган қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб берилиши зарурдир. Чунки оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиздир.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти нималарга қаратилган? Бу ислохотлар замирида қандай натижалар кутилмоқда?

Бу ислохотларнинг мақсади, мазмуни ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- **биринчидан**, жамият ижтимоий ҳаётида адолатнинг барқарор бўлишини таъминлаш; кишиларда қонун қучи ва ролига бўлган ишончини орттириш; шахс жамият ва давлат муносабатларида изчиллик ҳамда ўзаро муносабатчиликни таъминлаш;

- **иккинчидан**, суд ҳокимиятини том маънода мустақил ҳокимият сифатида фаолият юритишини, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият тармоқлари билан тенг тарзда салмоқлигини таъминлаш, судларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида роли ва обрўйини кўратиш;

- **учинчидан**, судларни жазо берувчи органлар эмас, балки инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи орган сифатида қарашни шакллантириш, уларни фуқаролар ҳуқуқини давлат томонидан ҳимоя қилувчи асосий органга айлантириш;

- **тўртинчидан**, қонун устуворлигини таъминлаш, уларни ижро этиш маданиятини юксалтириш, қонун бузрилиши ҳолатларига муросасиз муносабатни вужудга келтириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янги поғонага кўрагиш.

Суд-ҳуқуқ соҳасида изчил равишда олиб борилаётган ислохотларни мазмунига қараб бир неча йўналишларга бўлиш мумкин.

Биринчи йўналиш – ташкилий-ихтисослаштириш бўйича ислохотлар. Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар натижасида судларда жинсий ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашув юзага келди, судьянинг танлаш ва тайинлаш ишлари мукаммалашди.

Иккинчи йўналиш – жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар. Мазкур жараёнда жазо тайинлаш мезонлари мақсад ва мазмуни тубдан ўзгарди.

Учинчи йўналиш – одил судловни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ислохотлар. Бу соҳада судлов ишлари натижасини апелляция тартибида кўриб чиқиш жорий этилди.

Тўртинчи йўналиш – судларнинг ташкилий моддий таъминотини яхшилашга қаратилган ислохотлар. Натижада, Адлия вазирлиги ҳузурида суд

қарорларини ижро этиш ва уларнинг моддий-техник таъминоти билан шуғулланидиган янги давлат органи тузилди.

Ўзбекистон Президентининг Фармониға кўра, республикада судларнинг ихтисослашуви жорий этилди, яъни умумий юрисдикцияли судлар фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиған судларға ажратилди. Бундай ихтисослашув судлар ўз ишларини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқишиға ижобий таъсир кўрсатмоқда. Судлов жараёнида йўл қўйиладиган хатолар, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишиға сабаб бўлаётган объектив ҳолатларни бартараф этмоқда.

Суд тизимини ислоҳ қилишда демократик талабларига янгича ўзгаришлар амалға оширилди. Бу йўналишда Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинған «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиний, Жиний процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши Жиний Қонунчилик сиёсати ва жазо тизимини тубдан ўзгартирди.

Мамлакатимиз қонунчилиги тарихида илк мартаба умумий юрисдикция судларида ҳам суд қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлигини кўриб чиқувчи энг муҳим институтлардан бири – ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқиши жорий этилди. Бундай институт халқаро амалиётда синондан ўтган. Ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқиши юқори суд инстанциясига далилларни бевосита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради. Бу эса фуқаролар ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси қафолатларини анча қучайтиради.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг муҳим самараларидан бири – бу Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимининг ташкил этилганлиғидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими» одил судловни таъминлаш борасида сезиларли ижобий натижаларға эришмоқда.

2001 йил 20 ноябрда қабул қилинған «Ҳақамлик судлари ва хўжалик низоларни кўриш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ илгари фақатгина расмиятчилик учун мавжуд бўлған давлат арбитражлари илк бора «суд» дея аталди. Энг муҳим жиҳати, хўжалик судлари ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 111-моддасида ва «Судлар тўғрисида»ги (2000 йил 14 декабрь) Қонунда мустаҳкамлаб қўйилған.

Юртбошим Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида (2005 йил 28 январь) иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари иқтисодий янада эркинлаштиришдан иборатлигини, давлатнинг чеклаш, бозор инфратузилмасини тўла шакллантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Амалдаги Фуқаролик кодексига фуқаролик ишлари қайси судга тааллуқлилигига қараб хўжалик суди ёки ҳолислар суди, яъни ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган. Шунингдек, Хўжалик процессуал кодексига фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли низолар тарафларнинг келишувиغا бинноан, хўжалик суди қарор чиқаргунга қадар ҳакамлар судига кўриш учун топширилиши мумкинлиги ҳақида ҳам ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Бирок амалда ҳакамлик судларининг мавжуд эмаслиги, ҳакамлик судларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси, яъни ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонуни йўқлиги сабабли амалдаги қонунларнинг ҳакамлик судига доир меъёрлари ишламасди. «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон мамлакатимизда ҳакамлик судини ташкилий томондан такомиллаштиришга ҳамда тадбиркорлар учун низони ҳал этишнинг муқобил механизми яратилишига тўртки бўлди.

2006 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуни пойтахти учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига жуда қулайлик ва имкониятлар яратди.

Президентимиз Фармонида таъкидланганидек, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорлар иштирокидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳакамлик судининг ташкил этилиши тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари одилона ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳакамлик судларининг икки тури мавжуд, яъни доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, қонунда ҳакамлик судларини ташкил этиш ҳуқуқи фақат юридик шахсларга берилган. Алоҳида фуқаролик, шунингдек, яққа тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ҳам доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари туза олмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳакамлик судларини ташкил этишга йўл қўймайди, бундай ҳолатда ҳакамлик судловининг мустақиллиги принципи бузилади, яъни давлатнинг мансабдор шахслар суд қарорига таъсир ўтказиши имкониятига эга бўлишади.

Юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганидан, ҳакамлик судининг қондалари ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганидан сўнг доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган деб ҳисобланади.

Аниқ бир ишни кўриб чиқиш учун низолашувчи томонларнинг келишуви бўйича бир марталик муваққат ҳакамлик судларини тузиш мумкин. Тарафларнинг келишуви билан тузилган бундай ҳакамлик суди низони кўриб чиққач, ўз фаолиятини тугатади.

Қонун талабига кўра, низолашувчи тарафлар, албатта, ўрталаридаги низонинг ҳакамлик судида кўриб чиқилиши ҳақида ўзаро ихтиёрий равишда ёзма ҳакамлик битими тузишлари шарт. Бундай битим бўлмаса ёки тарафлар низони ҳал этишни ҳакамлик судига топширишга келиша олмасалар, улар фуқаролик ёки хўжалик судига даъво билан мурожаат қиладилар. Низони ҳакамлик судига оширишга тарафларни ҳеч ким мажбур қилолмайди.

Низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик судида кўрилишидан қатъий назар, низолашувчи тарафлар ишни кўрадиган судьяни судьялар орасидан ёки низолашадиган соҳалар бўйича яхши мутахассисликка эга бўлган шахслардан судья сифатида танлайдилар. Албатта, ҳар икки тараф тенг миқдорда судьяларни (бир ёки икки тарафлар) танлаши лозим. Ҳакамлик муҳофазасига раислик этувчи судьяда, албатта, олий юридик маълумот талаб этилади. Агар тарафлар ўзаро келишиб, ўзаро маъқул бўлган битга шахсни судья этиб тайинласалар, бу ҳолда иш яқка гартида кўриб чиқилади. Бундай ҳолатда ҳам ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши шарт.

Низони ҳакамлик судларида кўриб чиқишда давлат судларидаги каби давлат божи тўланмаса-да, низони ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар тўланади. Булар ҳакамлик судьяларига тўланадиган гонорар (хизмат ҳақи), эксперт ва таржимонларга тўланиши зарур бўлган маблағлар, гувоҳлар томонидан қилинган харажатлар бўлиши мумкин. Ҳакамлик судининг энг асосий принципларидан бири – бу конфиденциалликдир. Кўпинча ишда иштирок этувчи тарафлар банкдаги ҳисоб рақами, бозордаги мавқен, ўз харидорлари ҳақидаги маълумотларнинг четга чиқиб кетишига хоҳиш билдирмаслиги мумкин.

Шунга кўра ҳакамлик судида, қонда бўйича, суд мажлиси ёпиқ тарзда ўтади. Бундан кўзланган мақсад томонларнинг тадбиркорликка оид ишчанлик обрўси ва сирларини сақлашдир. Агар тарафлар келишув битимига рози бўлишса, очик суд мажлиси бўлиши мумкин. Ҳакамлик муҳокамаси тартиби ўзаро келишувга асосан амалга оширилади. Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига аён бўлган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошқор қилишга ҳақли эмас. Бу меъёр қонунда ўз ифодасини топган.

Ҳакамлик судларида юқори инстанция йўқлиги сабабли уларнинг ҳал қилув қарори дарҳол кучга киради.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг тегишли моддаларида қандай ҳолатларда ҳакамлик судининг ҳам қилув қарори юзасидан ваколатли судда, яъни тегишлилигига қараб, фуқаролик ёки хўжалик судида низолашиш мумкинлиги белгиланган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижроси ихтиёрийлик тамойилига асосланган. Чунки судьяларни мустақил танлаш чоғида тарафлар уларга

тўлик ишонади, бинобарин, улар чиқарган қарорни бажаришга олдиндан рози бўлишади. Бироқ турли сабаблар билан қарор ихтиёрий ижро этилмай қолиш эҳтимоли ҳам оз бўлса-да, бор. Агар қарор ихтиёрий ижро қилинмаса, у ҳолда манфаатдор томон ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақа беришни сўраб, тегишлилигига кўра, фуқаролик ёки хўжалик судига мурожаат этади.

«**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонунда ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳамда уни мажбурий ижро этиш тартиблари берилган. «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонуннинг 39-моддасига асосан, ҳал қилув қарорини бекор қилиш, 43-моддасига асосан эса, ҳал қилув қарорини мажбурий ижро эттириш ҳақида манфаатдор томон низоли тегишлилигига кўра, фуқаролик ёки хўжалик судларига ариза бериш мумкинлиги белгиланган. «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик ва хўжалик процессуал кодексига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор этиш тўғрисидаги, ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани бериш, унинг шакли ва мазмунини, кўриб чиқиш тартибини белгилловчи тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади.

Шу сабабли ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш лозим, деган қарорга келинди. Чунки юқорида санаб ўтилган кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳакамлик судлари фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Ўрни келганда шунини айтиш керакки, собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган 1963 йил 23 мартдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-илоvasи, яъни Ҳакамлик судлари тўғрисидаги Низом ҳозирги қадар бекор қилинмаган эди. «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонуннинг қабул қилиниши билан ушбу 3-иловани ҳам ўз кучини йўқотган, деб топиш лозим бўлади.

«**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонун қабул қилингани муносабати билан «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббуси билан тайёрланди ва биринчи ўқишда қабул қилинди. Бу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши умулмуқаррор судлари ва хўжалик судларининг ҳакамлик судлари ишига ёрдам бериши масаласидаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, шартномавий низоларни тезда адолатли ҳал этиш, иқтисодиётга дахлдор судлов ишини сифатли амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Умуман, республикамизда суд тизимини ислоҳ қилиш жараёни изчил давом этмоқда. Бу борада амалиёт талаб қиладиган ўзгаришлар чуқур илмий таҳлил қилиниб, шу соҳа учун зарурлари ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.

Еттинчи устувор йўналиш – бу барча ислотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони, демография ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир.

Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган тараққиётимиз «Ўзбек модели» Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос йўлини ифодалаб, унинг туб моҳияти **ИНСОН** бахт-саодати учун хизмат қилади. Бу ўзига хос, ўзига мосликнинг моҳияти шундан иборатки, **Инсон омили**, шахс манфаатлари муаммоси ҳамма даврларда ҳам жамиятда адолатли тақсимот тамойилини тақозо этиб келган. Ғарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги кадриятидан фаркли ўлароқ, *«Шарқ халқлари учун бош кадрият маънавий омиллар, айниқса, инсон шаъни, обрў-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ҳисобланиб келган. Маънавий талаблар эса ўз-ўзидан кадриятлар қаторини мутаносиблаштиришни, бирининг кетидан мантқиқий равишда иккинчисини қўйишни тақозо этган»*.¹ Хусусан, отага эҳтиром, онани эъзозлаш, ака ва укага ҳурмат, қавму-қариндошларнинг тотувлиги, кўни-қўшнилар аҳиллиги ўзига хос кадрият сифатида муайян кетма-кетликда, иерархик шаклда амал қилган ва қадрланган. Бу жиҳат шарқона турмуш тарзининг маромини белгилаб турувчи мувозанат меъёри, энг асосий тамал тошларидан ҳисобланган. Иерархик тизим ҳамма жараёнларнинг бир оқимида кечиши, пўрганалар юз бермаслигининг қафолати ҳам ҳисобланган. Кадриятлар қаторидаги тартибларнинг бузилиши жамиятнинг, давлатнинг нурашига сабаб бўлган.

Ғарб дунёси жамиятда ижтимоий тенгликка эришиш учун юз йиллар давомида кураш олиб борди. Бу йўлда баъзан азалий, соф инсоний муносабатлар, самимият, адолат, инсоф, уят, ҳаё сингари фазилатлар қурбон ҳам бўлди. Бундай курашлар муайян маънавий кадриятларнинг унутилиши, инсонийлик, эзгулик сингари тамойиллар аҳамиятининг сусайишига олиб келганидан катъий назар, Ғарб мамлакатлари учун умумий юксак тараққиётга эришиш имкониятларини гўгдирганини эътироф этмай иложимиз йўқ. Айни чоғда ялпи янгиликка эришиш жараёнлари оқибатида одамлараро муносабатлардаги илиқлик, маънавий кадриятлар, самимият, эзгулик, ҳамдардлик сингари тамойилларнинг ҳаётдаги аҳамиятининг сусайишига олиб келганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бугунги Ғарб дунёси учун индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик хусусиятлари баъзан шахснинг асосий сифатларига айланиб қолаётганлигини оммавий ахборот воситалари ташвиш билан қайд этмоқда.

Бинобарин, технократик рационаллик, индивидуалликка асосланган жамият яқка индивид, гуруҳ ҳамда яхлит жамоаларнинг ўзгарувчан жамияга

¹ Каранг: Истиклол, демократия ва фуқаролик жамияти. –Т: Шарқ, 2003, 144-бет.

мослашиши ва ўз фаолиятини ташкил этишни тўла қонли имкониятлар билан таъминлай олмаслигини кўрсатди. Хусусан, рационалликнинг мутлақлаштирилиши индивидлар эмоционал ҳаётининг мажбурий чекланишига олиб келди. Бу ўз навбатида Ғарб ёшларида ўзини ўзи ифодалашининг янги йўлларини излаш эҳтиёжларини тугдирди. Шу сабабдан, улар орасида буддизм, ислом, янги ноалъанавий динлар, мистицизм ва ҳоказоларнинг кенг тарқалишига олиб келди.

Президентимиз Ислом Каримов инсон омилини фаоллаштиришда уч асосий тамойил, яъни, маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқ омилларининг фавқулодда зарурлигини алоҳида қайд этади. Айни чоғда мазкур тамойилларнинг ўзаро мутаносиблиги, ички уйғунлиги, оқилона меъёрларда тақсимланиш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон омилининг маърифат ва маънавиятдан узилган ҳолда фаоллашуви жамиятда индивидуализм, эгоизм, шафқатсизлик, расизм, технократизм, миллатчилик сингари сифатлар ривожига йўл очади; шунингдек, ёшлар тарбиясини илм-маърифат билан бирга қўшиб олиб бормаслик жамиятда конформизм, биқиклик, урф-одатларга муккасидан кетиш сингари ҳолатларнинг авж олишига олиб келиши мумкин. Инсониятнинг тарихий тараққиёт тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, яхшилик, эзулик, савоб, ҳамдардлик фазилатларни ўзида ифодаловчи маънавият омилига бефарқлик ва илм-фан ривожига бирёклама, технократик ружу қўйиш инсон шахсининг ахлоқан емирилиши, маънавий тубанлашувига олиб келади.

Юртбошимиз юкорида саналган тамойилларнинг уйғун мутаносибликда амал қилиши фақат тизимий тартиботлар юзага келтирилгандагина самара беришини таъкидлайдилар:

«Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз таянишга амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак».¹

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистонда халқимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзьяқдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истикболга интилишдан иборат кенг қўламдаги ижтимоий сийёсат изчил юритилмоқда.

Бинобарин, демократиянинг асл моҳияти жамиятда адолат тамойилни қарор топтиришдан иборат эканлигини эътиборга олсак, мамлакатимизда мазкур жиҳат куйидаги омилларда яққол кўринади:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002, 27-бет.

биринчидан, фуқароларнинг тинчлиги ва миллатлараро тотувлик тамойили умумжамият миқёсида ялпи қарор топганида; *иккинчидан*, фуқароларнинг турли ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жамиятларга бирлашиш эркинлиги кафолатлангани ва реал амал қилаётганида; *учинчидан*, маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқ тамойиллари орқали инсоннинг инсонлигини ўзига аниқлашдан иборат умумжамият ҳаракатининг изчил амалга оширилаётганида; *тўртинчидан*, бозор иқтисодиётига инсонни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш орқали баҳамжиҳат кириб бориш сиёсатига қатъий амал қилинаётганида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур омилларнинг умумий ва пиروвард мажмуи эса мамлакатимизда адолат тамойилининг ўзига ҳос ва ўзига мос тантанасини ифода этади.

Зеро, демократия нафақат шахс ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, балки унинг бошқаларга ҳалал бермай яшаш, жамоатга доимий равишда ижтимоий наф келтириб бориш омили ҳамдир.

Раҳбар кадрлар масаласи — инсон омили муаммоси таркибида алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда халқимизни ибратли йўлга, жўшқин бунёдкорлик ишлари — самарали ундаш учун одамлардаги ўз раҳнамолари, лидерларидан рағбат олиш мумкинлигига жиддий урғу бериш, ҳар бир ишда раҳбарнинг шахсий намунасига эътибор қаратиш лозим. Ҳақиқий раҳбар қонунга бўйсунуш ва адолатни ҳимоя қилишнинг юксак намунасидир. Халқимиз ўз тарихида қачон ўз лидерларига қамил ишонч билан эргашган бўлса, зафар кучиб, обрў-эътибор, шон-шараф қозониб келган, қачонки ўз лидерларига танқидий кўз, шубҳа қайфиятига берилиб ёндашган бўлса парокандалик, бебаракалик, кўрқоқлик, заифлик, мустахлакалик ботқоқидан чиқа олмаган.

Жамиятдаги обрў-эътиборли шахсларга, эл назарига тушган етакчиларга таяниш асосида иш тутуш ҳар бир бошланган ишда шубҳасиз самара беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII-IX-сессияларида сўзлаган нутқларида раҳбарларнинг юрт тинчлигини асраш, халқ ҳаётини, фаровон қилиш борасидаги катта ўрни ва роли хусусида қайта-қайта таъкидлаб айтган сўзлари замирида ҳам миллатнинг ёруғ келажагини таъминлаш ғояси мужассамдир.

Ҳозирги пайтда шахснинг сиёсий, иқтисодий ва экологик жараёнларга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари ошгани муносабати билан дунёда инсон омилига янгича қараш тенденцияси кучайди. Инсон турмуш тарзини такомиллаштириш масалалари атрафлича ўрганила бошланди.

Инсон омилини фаоллаштириш муаммосига юртимизда истиқолиимизнинг дастлабки йиллариданок устувор масала сифатида ёндашиб келинмоқда.

Бу — демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни тақозо қиладиган масала. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок мамлакат

Президенти ва ҳукумати оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, болалар ва ўсмирларни ҳар тарафлама баркамол бўлиб ўсиши учун, уларни умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш борасида шарт-шароитлар яратиш масалаларини устувор вазифа қилиб қўйди. Республика Президенти ўтиш даврининг оғир шароитларида, молиявий имкониятлар чекланганига қарамай, аҳолининг турмуши билан, яъни унинг яшаши, меҳнат қилиши, янги авлодни тарбиялаб воя етказиши, соғлигини сақлаш каби долзарб вазифалар билан боғлиқ масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бу борадаги ишлар аҳоли ривожланишида социал-демографик масалаларининг ўзаги бўлиб хизмат қилди. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар фуқароларимизнинг ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимояланишига қаратилган. Масалан, ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш натижасида жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламга мансуб одамлар кескин камайиб боради.

XXI асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда аҳоли сони қандай суръатлар билан ўсиши ва умумий демографик вазиятнинг вужудга келишида қайси ҳудудларнинг улуши юқори бўлишини билиш инсон омили масаласида катта амалий аҳамиятга эга.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги таркибига кирувчи Россия, Украина ва Белоруссия давлатларида кейинги ўттиз йилдан ортқ вақт давомида демографик жараёнларда бўлаётган ўзгаришлар сабабли туғилиш кўрсаткичи кескин пасайди. Бунинг оқибатида аҳолининг табиий ҳаракати манфий кўрсаткичга тушиб қолди. Бундай салбий оқибатларнинг келажакка таъсир этиши ҳозирги кунда жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Аҳоли бутун жамият тараққиётининг таркибий қисми бўлиши билан бирга шу тараққиётга таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир. Мамлакатнинг демографик тараққиётига аҳоли сонининг ўсиши бевосита таъсир этади. Ўзбекистон аҳолисининг сони 2002 йил бошига келиб 25 миллион 11 минг кишини ташкил этди, мамлакатимиз аҳолисининг 63 фоизи қишлоқ жойларда яшайди.

Мустақиллик йилларида аҳоли сони 4 миллион 413 минг кишига кўпайиб, унинг ўртача йиллик ўсиш миқдори 401,2 минг кишини ташкил этди. Аҳоли сонининг ортиши асосан табиий ўсиш, яъни туғилишнинг климдан юқорилиги ҳамда аҳоли ўртача умрининг узайиши ҳисобига бўлди.

Республика аҳолисининг 43,5 фоизини 18 ёшгача бўлган аҳоли ташкил этади. Бу кўрсаткич Россия, Украина, Белоруссия давлатлариникидан 2 марта, Япония ва Германия давлатларидан эса 2,5 марта кўп. Ўзбекистондаги бундай демографик ҳолат XXI асрнинг биринчи ярми охирига қадар кузатилиши мумкин. Шунинг учун юртимизда ўсмир ва ёшларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш асосида мамлакатда энг аввало, иқтисодий соҳадаги таркибий ислохотлар жараёнини кенгайтириш, унинг асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий муносабатларни чуқурлаштириш, фуқаролар маданий ва моддий турмуш даражасини оширишнинг янги

тамоийллари ишлаб чиқилди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий кадрят ҳисобланиши ва конун билан ҳимоя этилиши мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилди.

Истиклол йўлидан собитқадам бораётган юртимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий тизимларни жиддий ислоҳ қилишга киришилди. Ислохотлар самарадорлиги эса инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришларга, унинг интеллектуал салоҳиятига бевосита боғлиқдир. Шу боисдан ҳам янгиланаётган давр талаблари асосида инсон омилини фаоллаштиришда, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқароларни маҳаллий ҳокимият органлари орқали ўзини ўзи бошқаришга ўргатиш ва шу йўл билан фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада фуқаролик жамиятининг асосий бўғини бўлган маҳаллаларнинг ўрни ва ўзини ўзи бошқариш тартибини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш объектив эҳтисоб бўлиб қолди. Шу муносабат билан ялли ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ўзининг моҳият эътиборига кўра одамларнинг индивидуаллашуви талаб этади, айни чоғда инсон имкониятларини рўёбга чиқариш асносида унинг ижтимоий, сиёсий фаоллигига ҳам йўл очади. Бозордаги талаб ва тақлиф жараёнларида мавқени кўлдан бермаслик эҳтиёжи ҳам ўз навбатида одамларнинг жўшқинлиги ва ҳаракатчанлигини доимий равишда тақозо этиб туради.

Ана шу омиллар фуқароларнинг ўз-ўзига бўлган талабчанлигини бекиёс даражада оширади, инсонларда «эго» яъни «мен» образи барқарор шакллана боради. Мустабид тузум даврида одамларда жамоавийликка ҳос хусусиятларни шакллантиришга асосий эътибор бериб келинган эди. Индивидуалистик кайфиятлар, кишиларнинг ўзи учун ўзининг мустақил ҳаракат қилиш ҳолатлари қаттиқ таъкиб остига олинарди.

Истиклол туфайли одамларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятларига ҳам кенг йўл очилди. Шу йўналишда одамларнинг индивидуал равишда камолотга, фаровонлик ва тўқинликка интилиш хусусиятлари ҳам равшан намоён бўла бошлади. Жамиятда юз бераётган ана шу ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Юртбошимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати йиғилишида сўзлаган нутқида бунёдкорлик, яратиш йўлида қилинувчи барча саъий-ҳаракатларга кенг йўл очиш зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

Айни чоғда шуни ҳам тан олиш жоизки, жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий, интеллектуал янгиланишлар жараёнларида ҳамма ҳам етарли даражада фаол иштирок этмаяпти. Назаримизда, бунинг асосий сабаблари қуйидагилар: биринчидан, одамларда собиқ совет тузуми асратлари,

эскича фикрлаш тарзининг сақланиб қолаётгани; иккинчидан, ташаббус-корликнинг йўқлиги, аини пайтда янги фаолиятларни бошлаб юборишдан чўчиш, ҳадикснраш туйғусининг мавжудлиги; учинчидан, янги фаолиятни бошлаш учун етарли билим ва малаканинг етишмаслиги, хорижий тилларни билмаслик ва замонавий алоқаларга киришиш воситалари, турли коммуникациялар тизимларига боғланиб ҳаракат қилиш кўникмасининг етишмаслиги; тўртинчидан ва энг таассуфлиси ана шу камчиликларни тез бартараф этиб, амалий ишга киришиш борасида шижоатнинг сустлигидир.

Инсон омили масаласи — жамиятда одамлардаги ижтимоий фазилатлар, уларнинг қадриятлар тизими ҳам демакдир. Бошқача қилиб айтганда, инсон омили — жамиятдаги ахлоқий тамойиллар, хулқ-атвор меъёрлари, одамларнинг меҳнат жараёнидаги, ҳордик чоғидаги, истеъмол қилиш, ҳаётий режаларини тузиш, билим ва ахборотга эга бўлиш, малака ва тажриба, ғоя ва мақсадлари, ижтимоий адолатга бўлган интилиш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқаролик бурчлари, миллий тараққиётни қаҳадаги тушунчаларининг мажмуидир.

Одамлардаги ана шу маънавий-маърифий билим ва кўникма, малака ва сифатлар мажмуи ижтимоий тараққиётнинг инсон омиллини кучайтиради. Бедард, бегам, лоқайд, телса-тебранмас одамнинг характери тараққиётнинг инсон омиллини сусайтиради. Инсон омили тушунчаси фақат бир кишига эмас, балки гуруҳ ва жамоалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, одамларнинг хулқ.-атворига ҳам боғлиқ бўлади.

XXI асрга келиб жаҳон тамаддунида инсон омили аҳамияти ортиб бораётгани кузатишмоқда. Совет файласуф ва сиёсатшуносларининг «Капитал дунёсида инсон омили сиқувга олинади, у хусусий мулкчилик остида эзиб ташланади, социализм эса эксплуатацияни парчалаб ташлаб, ижтимоий адолат ўрнатади», қабилдаги сохта назариялари худди совун кўпигидек ёрилиб кетди. Бунга иқтисодиёт назариясининг XXI асрдаги янги ва амалий хулосалари яққол гувоҳлик беради.

Иқтисодиёт фанининг мумтоз мактаби намояндалари А.Смит, У.Петти, Д.Рикардолар ҳамма бойликнинг онаси — ер, отаси — меҳнат деганлар. А.Смит 1776 йил «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» номли китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат — шахсий манфаатдир, деб ёзган эди. Унга кўра, инсон ўз шахсий манфаатидан, яъни фойда олиш мақсадидан келиб чиқиб, меҳнат тақсимоли шаронтида қандайдир товар ёки хизмат турини яратади ва уни бошқаларга тақдиф қилиш орқали ўз бойлигини кўпайтиради. Шу тарика у ҳам ўзига фойда олади, ҳам жамият тараққиётинга хисса қўшади.

Австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпеттер «Иқтисодий тараққиёт назарияси» (1912) китобида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч-тадбиркорликдир, деб хулоса чиқаради.

XXI асрга келиб иқтисодиёт фанининг объекти кенгайди, унинг моҳияти инсонийлашди. Чунки, бу даврда иқтисодиётнинг инсон омили,

унинг хулқ-атворига эътибор тобора катта аҳамият касб эта бошлади. «Умумий иқтисодиёт назарияси ижтимоий фан бўлиб, у чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқиш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида кишилар ва гуруҳларнинг хулқ-атворини ўрганади.» деб ёзади профессор А.И.Добринин (таъкид бизники). Айрим олимлар «...иқтисодиёт фанининг предмети - чекланган ресурслар дунёсида неъматларни ишлаб чиқишдаги кишиларнинг хулқ-атвори ва уларни бошқаришни ўрганишдан иборат» деган хулосага келишди.¹

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ш.Ш.Шодмонов, Р.Қ.Алимов, Т.Т.Жўраев юқоридаги қарашларнинг синтезига таянади. Уларнинг қарашларида Инсон омилига янада қучлироқ эътибор қўзатилади. Яъни, «...ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир-бирлари билан албатта ўзаро муносабатда бўладилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ-атворларини ҳатти-ҳаракатларини белгилайдилар. Демак, иқтисодиёт назарияси фани шу муносабатларнинг икки томонини қамраб олган бўлиши, уларни ўрганиши лозим».² Мана шу қисқа таҳлил ҳам инсон омили масаласининг универсал моҳиятини кўрсатади.

Биз қураётган фуқаролик жамияти, бозор иқтисодиёти, маънавий янгилиниш сиёсати халқимизнинг ташаббускорлиги, ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳар бир кишининг ўз меҳнат натижаларидан баҳарманд бўлиши, манфаатдорлиги, инсоннинг ижтимоий салоҳиятини тўла-тўқис рўёбга чиқаришга барча имкониятлар эшигини очиб беради.

Ислохотлар даврида инсонларнинг янгиликларга интилиши, уларни тезкорлик билан ўзлаштириши, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ижодкорлик, янги, озодадамларга ҳос фазилятлар, меъёрлар ва билимларга эғалиги, меҳнат ва ижтимоий малакалари, узоқ мўлжалланган стратегик мақсадларни кўзлаб яшаш ва ишлаши катта аҳамият касб этади. Ўтиш даврида инсон омилини жабҳаларда амалга оширилади. Инсон омилини ривожлантириш учун маънавий ва маърифат тизими орқали жамиятни демократлаштириш, жамиятда ўзини ўзи бошқариш тамойилини кучайтириш, энг аввало, одамларнинг давлат қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва бажаришда бевосита ва билвосита иштирок этишига; улар томонидан ўз манфаатлари ва миллат манфаатлари уйғунлигини тўғри тушунишга; ҳалол ва виждонан меҳнат қилишнинг ахлоқий асосларини шакллантириш, ўз билим ва малакаларини тобора ошириб боришга йўналтириш лозим.

¹ Қаранг: Общая экономическая теория (Политэкономика). Учебник. «Промедиа», -М.: 1995, с.28; Учебник по основам экономической теории. Гуманитарный издательский центр. «Владос». -М.: 1997, с.8.

² Қаранг: Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: 2002, 416-бет.

Инсон омили — ҳар бир одамнинг имконият ва салоҳиятини ошириш демакдир. Бу эса ҳар бир кишига хос биологик, психологик ва интеллектуал жиҳатларни кучайтиришни тақозо қилади. Бунинг учун ушбу жараён пишиқ ва пухта бўлиши, бир маротабалик тадбир бўлиб қолмаслиги керак. Шунинг учун у илмий асосга қурилмоғи керак. Яъни, инсон омилени тақомиллаштиришнинг назарий, эмпирик асосларини яратиш, Ўзбекистонликларнинг меҳнат фаоллигини, уларни жамиятни бошқаришга реал жалб қилишнинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиш, шахс манфаатларини ифодалашнинг ошқоралигини таъминлаш зарур.

Шахс фаол бўлмаса, миллатимиз олдида турган биронта улкан вазифа амалга ошмайди. Инсон омили ва унинг аҳамияти, миллий таракқиётдаги ўрни, деганда нималар назарда тутилади? Назаримизда, булар одамларнинг ўз фаолиятида, муносабатларида намоён бўладиган қуйидаги сифатлардир:

- одамларнинг кайфияти;
- туйгулари;
- одатлари ва ижтимоий мўлжаллари;
- кадриятлари;
- нима (ким) ларга таклид қилиши;
- эътиқоди;
- қобилиятлари;
- теварак-атрофга муносабати;
- одамлар орасидаги муносабатлари;
- жамоадаги маънавий муҳит;
- билимлари ва бошқалар.

Инсон характери асрлар давомида стихияли (социализация таъсирида) шаклланиб келди. Бу ҳол яна шундай давом этаверса, унда ислохотларнинг энг муҳим мақсади — инсон омилени фаоллаштириш самарадорлиги хутилган даражада бўлиши қийин кечади. Иқтисодий, сиёсий ислохотлар олдга ўтиб, инсон омили эса ортда қолади. Оқибатда кучли давлатга зарурат сақланиб қолиб, жамиятни кучайтириш имконияти сусаяди.

Жаҳон тажрибасида инсон омилига таяниш улкан йутуқлар шарти сифатида ўзини оқлаган. 1934 йили Генри Форд бутун Америка халқига қарата «Мен шу пайтгача асосий урғуни техника омилига бериб келган эдим, энди эътиборни инсон омилига қаратаман» деган эди. Форд ишчилар ўртасидаги тартиб-интизом орқали самарадорликни яхшилашга ўриниб, меҳнатқашларнинг ишдан бўш пайтларида ҳам уларнинг муаммолари билан кизиқиб, ўз фаолияти кўламини кенгайтirdи. У «беш долларлик куч» усулини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга ҳаракат қилди. Унга кўра, ўз профессионал ва шахсий феъл-атворларини ўзгартирган ишчилар кўпроқ иш ҳақи ола бошлади. Ишчиларнинг муқофот ва заёмлар олиш имкониятлари уларнинг рационал турмуш тарзи юритишига бевосита боғлиқ бўлиб, алкоғолли ичимликлар ва гамаки маҳсулотларини истеъмол қилишлари мумкин қадар чекланиши шарт эди. Компания ҳатто ишчиларнинг турмушини мониторинг қилиб бориш учун ўзининг

«социология бўлими»ни жорий қилади. Фордизм усули Франция, Италия, Буюк Британия, кейинчалик Японияга ҳам кириб борди. «Тойота» фирмасини ҳам машҳур қилди. Шунингдек, тараққий этган мамлакатлар эришган муваффақиятлар инсон омили ядро хавфининг олдини олиш, террорчилик, СПИД, гиёҳвандлик каби умуминсоний, миллий даражадаги муаммоларни ҳал этишда ҳам жиддий роль ўйнашини кўрсатади. Ўзбекистонда ана шу тамойил ҳам умуммиллий миқёсда собитқадамлик билан амалга оширилаётган экан, жаҳонда тан олинган миллий «Ўзбек модели»миз инсон омили масаласи иқтисодиёт, социология, педагогика, психология, демография, физиология, медицина, менежмент, техник фанлар тармоқларининг янги, махсус, умумий объекти сифатида ўрганилишига, ҳам кенг йўл очиб беради.

Шу боис Президентимиз тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон омилига алоҳида эътибор бераётганилиги, бутун жамиятимиз учун умуммиллий дастур вазифасини бажарадиган, юқорида айтилган инсон омилини фаоллаштириш учун асос бўладиган ғояни рўёбга чиқаришда бир қатор амалий ишларни илгари сургани барчамизга аён. Масалан, замонамиз қахрамони сиймосини яратишдан, давримиз кишилари, айниқса, ёшларнинг фидойилиги, ғайрат-шижоатини кўрсатувчи баъзий асарлар ижод қилиш орқали ўсиб келаётган авлодни ватанпарвар ва ташаббускор қилиб тарбиялаш ҳақидаги фикрлари Президентимизнинг инсон омилини ишга солиш борасидаги қарашлари ифодасидир. Шунингдек, жамиятда соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида илгари сурган ғоя ва қарашлари инсон омилидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бошқача қилиб айтганда, инсон омилини фаоллаштириш тамойили ҳар бир ўзбекистонликни унинг ўз ақли, шижоати, ғайрати ва салоҳиятини ишга солган ҳолда бой ва фаровон, бахтли ва саодатли қилиш мумкин деган саволга жавоб топиб, унга эришиш амалиётини йўлга қўйишни ифодалайди. Бинобарин, инсон омили ижтимоий тараққиётга эргономик услубда интилиш моҳиятини ўзида ақс эттиради. Президентимизнинг ижтимоий фикрini ўрганиш ва уни мақсадли шакллантиришга қаратилган фикрлари ҳам шунга йўналтирилган. Инсон омилининг фаоллашуви шу тарика фан ва амалиёт, сиёсат ва ҳаёт ҳақидаги назарий қоидаларни ҳаёт ҳақидаги назарий қоидаларни ҳаётга тез ва соз жорий қилишга пухта замин яратади¹.

Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Ушбу фаолиятнинг марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат сингари ўлмас кадрятлар турмоғи керак. Мазкур уч буюк кадрятни халқимиз чуқур англаб, асрлар давомида ҳаминша эъзозлаб келган. Маъна

¹ Қаранг: Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2003, 144-156-бетлар.

шундай чинакам фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилайётган инсон нафақат демократия неъматларининг соҳиби, балки уларнинг фаол вазиятдагина фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш мумкин бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилган ҳолда, айтиш мумкинки, Президент И.А.Каримов маърузасида белгиланган етти устувор йўналиш ва бу хусусда билдирилган теран фикр-мулоҳалар мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти барпо этишининг стратегик дастуридир. Бу дастурни қанчалий чуқур англаб етиб, унда белгиланган вазифаларни собитқадамлик ва қатъият билан уддаласак, Ўзбекистонда очик адолатли фуқаролик жамиятини шунчалик муваффақият билан барпо этиш мумкин бўлади.

10.5. «Кучли давладан - кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини амалда ҳаётга жорий этиш

«Кучли давладан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал ғоянинг амалий аҳамияти шундаки, унда мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришнинг вазифалари ўз ифодасини топган. Улар мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган янги ислохотлар стратегиясининг узвий бир қисми бўлиб, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги ўзгаришлар заруратини ўзида акс эттиради. Чунки мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат заминида эркин фуқаролик жамияти қуриш пировард мақсадимиз экани ва бу борада уни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий йўналишлари Президентимизнинг дастлабки асарларидаёқ ҳар томонлама илмий асослаб берилган эди.

Жумладан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида «*Биз барқарор бозор иқтисодиёти очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиш керак*»¹ лиги аник белгилаб берилган эди. Қўришиб турибдики, фуқаролик жамияти қуриш жараёни босқичма-босқич, яъни дастлаб унинг ҳуқуқий негизини яратиш, сўнгра демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни вужудга келтириш ва улар заминида янги ҳаётга хос кадрларни шакллантириш орқали бориши зарур эди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун нафақат ҳуқуқий ва иқтисодий, балки миллий менталитетимизга хос бўлган хусусиятларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш талаб этилар эди. Чунки, демократия демократия учун эмас, халқнинг ҳокимият бошқарувида иштирок этишини амалда таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Лекин бу ғояни амалга ошириш осон иш эмас. Шунинг учун ҳам

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: 1997, 105-бет.

Президентимиз бу жараённи эволюцион, яъни тадрижий ривожлантириш йўлларини аниқ кўрсатиб берди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида ва демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнларида истиқлол маишталиқларига тўлиқ сафарбар сиёсий-ҳуқуқий институтлар, янгича шакллар, қонунлар, муассасалар яратилиб, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб бўлинди. «Кучли давлатгина кучли сиёсатга қодир» ғояси ўлароқ, Конституциямизда жамиятдаги барча ислохотларнинг ташаббусқори ва ижросини давлат деб белгиланди. Ўтиш босқичи учун суву ҳаводек бу зарурат давлатни ҳар хил ёвуз қучлар таъсиридан омон сақлаб қолди, сиёсий можаролар, қон тўқилишлар, парокандалик, анархия ва бошбошдоқлик олди олинди. Жамиятда қатъий сиёсий барқарорликни, инсоний соғлом муҳитни юзага келтирди.

Давлат Президент бошчилигида ўтиш босқичига ҳос ўз Конституциявий вазифасини самарали бажаришда фаол. Лекин Ўзбекистон, ўз Конституцияси талабига кўра, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш орқали фуқаролик жамияти қуриш ниятида. Ўз Конституциявий мақсади ўлароқ, у кучли фуқаролик жамиятига тадрижан ўтишдек, бош сиёсий ният ижросига қиришди ва бунинг учун юқорида махсус таъкидлаганимиздек, объектив ва субъектив омиллар юзага келди. Сиёсий қурилишнинг Юртбошимиз олға сурган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» дастури миллий ғоядан амалий сиёсатга айланиши сабаби шунда. Зотан, миллий тараққиётимизнинг умуминсоний қонуниятлари, инсоният тарихининг синашта ижобий тажрибалари айнан шу йўлни тақозо этади. «Ўзбек модели» сиёсий-иқтисодий модели воситасида биз дунёвий бўй-бастиимизни, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар концепцияси моҳиятини янада кўркемроқ намоён этмоқдамиз.

«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси Ислам Каримов сиёсий таълимотида, жумладан, давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий назариясида тадрижий тарихга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг 1992 йил бошларида ўтказган X сессиясидаёқ, сиёсий қурилишнинг ушбу дастури яхлит ғоя сифатида Ислам Каримовнинг матбузасида илк бор ўз ифодасини топган эди. Бугунги кунда унинг миллий ғоя сифатида сиёсий ҳаётнинг муштарақ яхлит дастурига айланиш сабаблари эса махсус таъкидга муҳтож бўлмаса-да, унинг Олий Мажлисининг 1995 йил февралдаги I сессиясида «Ўзбекистон янги аср бошида» кенг қамровли, узок муддатга мўлжалланган тараққиёт дастурига асос бўлганлиги, бу асос Президентнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида ниҳоятда аниқ сиёсий ифодасини топган 6 та устувор йўналишда мужассамлашганини эслаш қифоя. Айни пайтда, Президентнинг: «Ишончим қомилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади», деган фикри «Биз қандай давлат қураямиз?» деган саволга берилаётган назарий-амалий жавоб ҳамдир.

Юртбошимиз биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида (1996 йил 29 август) «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларни» мавзусида қилган маърузасида демократик жараёнларни мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш ва янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлади: «Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказиш жараёни узок ва узлуксиз давом этадиган жараён эканлигини аниқ билиб олишимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, бу бизнинг кундалик табиий ҳолатимизга айланиши лозим. Биз изчил, қадам-бақадам янги марраларни эгаллашимиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак. Дастлабки босқичда амалга оширилган ишларни қилмаганимизда, бугун келгуси истиқболлар ҳақида ўйлай олмас ҳам эдик».¹

Бу эса Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг ҳаётийлигига, уни узлуксиз тизим сифатида пухта ва аниқ эканлигига шубҳа қолдирмайди. Бу тизим «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» сиёсий-иктисодий стратегияси шунчаки ишлар эмаслиги, вақт, даврлар утиши мобайнида ҳам такомиллашиб, сайқаллашиб бораётган жамиятимизнинг шу манфаатларига хизмат қилишидан далолат беради. Бу йўлда юзага келадиган муаммоларнинг оқилона ечимини топишга ёрдам беради.

Демократик жараёнлар ривожининг янги шароитдаги вазифалари ҳам ниҳоятда мураккаб бўлиб, нафақат иктисодий-сиёсий омилларга, шунингдек, мамлакат аҳолисининг дунёқараши ва онгида таракқиёт олдимишга қўйган вазифаларга мос равишда содир бўладиган ижобий ўзгаришларга ҳам боғлиқ эди. Буни ҳисобга олмастик ислохотларнинг қутилган самараларини бермаслигига олиб келиши мумкин эди. Бу борада бир қатор ютуқлар билан бирга айрим тўсиқлар мавжудлиги ҳам қўзғатилди. Улар айниқса, иктисодий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши бошқарув тизими собиқ шўролар даврида мавжуд бўлган маъмурий-буйруқбозлик андозаларининг сақланиб қолиши, қабул қилинган айрим қонуналарни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани, «тўртинчи ҳокимияти» фаолияти жамиятдаги демократик ўзгаришлардан орқада қолаётгани, одамлар онгида бозор муносабатлари ривожига тўсиқлик қилувчи боқимандалик кайфияти ханузгача сақланиб қолаётгани ва бошқа соҳаларда намоён бўлган эди. Айнан ана шу муаммоларни бартараф қилиш учун Президентимиз биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида (1999 йил 14 апрель, «Ўзбекистон XXI асрга интиломда») қилган маърузасида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ғоясини илгари сурди.

Аслида, демократик жараёнлар ривожини эркинлаштиришнинг реал амалга ошириш натижасидагина содир бўлади. Аммо эркинлаштириш оддий фармон ёки қонуналарни қабул қилиш билан амалга ошивермайди, балки у

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. –Т.: 1997, 117-бет.

жуда мураккаб жараён ҳисобланади. У иқтисодий ҳаётда, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳалардаги вазифаларнинг амалга оширилиши, фуқароларнинг реал ҳаётда нечоғли намоён бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Ана шу мураккаб жараёни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари эркинлаштириш концепциясини амалга ошириш жамиятимизнинг барча соҳаларини ўзида қамраб олган олтита устувор вазифани бажаришни тақозо этишини асослаб берган эди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш;
3. Кадрлар масаласи;
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;
5. Иқтисодиётда таркибий ўзгартiriшларни таъминлаш,
6. Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.

Ушбу вазифалар тараққиётимиз «Ўзбек модели»нинг асосини ташкил этиш машҳур бешта тамойилнинг мантикий давомидир.

Албатта, буларнинг ҳар бирини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган эркинлаштириш концепцияси мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган пировард мақсадларимизни амалга ошириш борасидаги янги шароитда қўйилаётган янги қадам эди.

Ватанимизда демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар иштироки ортиб бораётгани — барча-барчаси, аввало, давлатнинг эркинлаштириш жараёнларини янада кучайтириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга эътиборни кучайтираётгани туфайли намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Демократик жараёнлар узлуксиз бўлиб, пастдан юқорига томон ривожланиб боргандагина фуқаролик жамияти қуриш учун мустақкам замин вужудга келади. Ана шундай заминни мустақкамлаш жараёни мамлакатимизда эволюцион йўл билан бормоқда. Бу йўл бизнинг миллий менталитетимизга мос бўлиб, у мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар вужудга келишининг олдини олиш, миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни таъминлаш ва фуқароларимизнинг юртимизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаши ҳамда уларнинг давлатга ишончининг мустақкамлини боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Демократиялаштириш узлуксиз жараён, шунинг учун ҳам уни такомиллаштиришнинг имкониятлари янада кенгайтирилиши ва бу борада янги самарали механизмлар излаб топилиши ҳамда уларнинг ишга туширилиши, яна ҳам аниқроғи, юртимиздаги бутун демократик

Ўзгаришлар жараёнига янги куч-қудрат багишлаши лозим бўлади. Акс ҳолда, уларнинг сусайиши, ислохотларни амалга оширишда муаммоларнинг юзага келиши мумкин. Бу – масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, демократияни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад фуқаролик жамияти қуриш бўлганлиги боис, мазкур йўлда демократияни шакллантириш, ривожлантириш, юқори даражага кўтариш ва ниҳоят, уни такомиллаштириш каби ўзаро боғлиқ бўлган бир неча босқични босиб ўтиш зарур бўлади. Бу босқичларнинг ҳар бири ўзаро узвий боғланган. Яъни, аввало, демократияни шакллантирмасдан, унинг тамал тошини қўймасдан туриб бир ҳамла билан ёки сакраш орқали уни юқори даражага кўтариб ёхуд такомиллаштириб бўлмайди.

Президентимиз маърузасида фуқаролик жамиятини қуриш вазифаси «демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш» орқали амалга оширилиши белгилаб берилди. Унда илгари сурилган муҳим ғоя – бугунги кун, ҳозирги тараққиёт заруратидан келиб чиққан ҳолда демократияни янада чуқурлаштиришдир. Чунки, ҳали бу йўналишда жуда кўп вазифалар, муаммо ва тўсиқлар мавжудки, улар фуқаролик жамиятига ўтишда бизга ҳалал беради.

Жамият ҳам ўзига яраша тирик организм ҳисобланади, уни беморлик ҳолатидан соғлом ҳолатга ўтказиш мураккаб кечади. Чунки, унинг қайсидир институтини соғломлаштиришга эришиб, бошқа бирининг касал ҳолатда қолдирилиши жамиятнинг тўлақонли соғломлашиб кетишига имкон бермайди. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ўзгаришларнинг амалга ошириши, яна ҳам аниқроғи, демократик жараёнлар изчиллик ва қатъиятлик билан амалга оширилади. Зотан, Ислом Каримовнинг «Кучли давлатда – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий таълимоти бевосита Ўзбекистонда кучли ижроия ҳокимияти барпо этилгани билан боғлиқ. Жойлардаги мақоми элтутарликдан иборат маҳаллий ҳокимлик ва фуқаролик жамиятнинг институтларидан ташкил топган яхлит бошқарув тизими самарали фаолият кўрсатмоқда ва бошқарувнинг ҳуқуқий асослари яратиб бўлинди. Эндиги вазифа уларнинг Конституциявий ваколатларини янада мустаҳкамлаш, давлат қурилиш жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштиришдан, ҳокимият турли тармоқларини бир-биридан ажратиш тамойилининг амалда аниқ ижросини, суд ҳокимиятининг амалда мустақиллигини «Судлар тўғрисида»ги (2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрири) қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Хўш, давлат бошқаруви тизими, унинг бўғинлари ўз мақомий вазифаларини қандай адо этишмоқда? Мавжуд муаммоларни ечиш билан боғлиқ қандай масалаларга бугун эътиборни қаратмоқ лозим? Ислом Каримов сиёсий таълимотида бу саволларга аниқ жавоблар мавжуд:

- биринчидан, давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш;

- иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш;

- учинчидан, ижро этувчи ҳокимият устидан жамоатчилик, аввало, сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш.

Бунинг учун, аввало, давлат идоралари барча бўғинлари фаолиятининг муштарак ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизими даркор. Ушбу тизим, биринчидан, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг функционал вазифаларини аниқ белгилаб, улар фаолияти мувофиқлаштирилиб турилмоғи лозим; иккинчидан, бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туман давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларига ўтишини таъминлаш лозим бўлади; учинчидан, мазкур қонунлар тизими ушбу жараённинг халқаси - босқичнинг секин-аста ўзини ўзи бошқариш органларига ва жамоатчилик ташкилотларига топширилиши билан якун топади.

Айни пайтда, ушбу қонунлар тизими давлат бошқарув идоралари барча бўғинларининг мақомини аниқ белгилайди, бўғинлар фаолиятини юқоридан пастга қадар тафтиш қилиш имконини беради. Натижада самарасиз бошқарув бўғинлари бевосита ўз иши билан шугулланади, давлат бошқарув тизимида юксак ижро маданияти шаклланади, халқнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги фавқулодда ошади, барча жараёнларга унинг таъсири кучаяди ва ҳақозо.

Шунингдек, биринчидан, давлат маъмурий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилишнинг энг муҳим аҳамиятли жиҳати марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарув аппаратларини сақлаб туришга сарфланадиган пул ва хўжалик ҳаражатларини қисқартириш; иккинчидан, бу пул - бюджет маблағларидан одилона фойдаланишни таъминласа; учинчидан, ўз навбатида аҳоли ва корхоналар зиммасидаги солиқни камайтириш имкониятларига кенг йўл очади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу вазифалар қандай амалга оширилади? саволига жавобан Президентимиз, бошқарув тизимидаги қисқартириш масаласи жамият ҳаётидаги энг жиддий хавф коррупцияга қарши курашнинг муҳимлигини кўрсатиб берди. Бу иллат занг каби бошқарув тизимини емира бориб охир-оқибатда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига қатта зиён етказишини уқтириб, унинг олдини олиш йўналишларини ҳам асослаб берди. Бу йўналишлар биринчидан, иқтисодиётни бошқарувда давлатнинг ролинини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланаётган ҳаражатларни камайтириш, давлатнинг вазифа ва ваколатлари тобора кўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши керак. Иккинчидан, мамлакатимизда бошқарувни ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиш, айрим вазифаларни бошқарувнинг худудий бўғинларига ўтказиш, юқоридан пастгача бўлган ортиқча давлат

маъмурий тузилмаларини тугатиш. Учинчидан, бозор иктисодий талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим идоравий тармоқ ва ҳудудий бошқарув тузилмаларни қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида республикаimiz иктисодиётининг бошқарув тузилмаларининг самарадорлигини таъминлаш. Тўртинчидан, бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда вазирлик, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг мавжуд бошқарув усул ва услубларини маъмурий буйруқбозликдан халос қилиш, уларнинг барча хўжалик фаолиятига аралашishiга корхоналарнинг иктисодий мустақиллигини чекланишига йўл қўймаслик учун тегишли тадбирларни амалга ошириш. Бешинчидан, бошқарув тизимида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисобот ва қоғозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқарув тизимини босқичма-босқич самарадорлигини ошириш натижасида бошқарув тизимидаги қўплаб мавжуд кераксиз бўғимларни бартараф этилиши халқимизнинг ижтимоий-иктисодий фаровонлигини асоси ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва бу ззгу-мақсад, муддаолар давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг Ўзбекистонда янги демократик жамият барпо этиш сиёсий таълимотида ўзининг ҳар томонлама чуқур ва аниқ ифодасини топди. Бу концепция бугунги кунда тараққиётнинг «ўзбек модели» деган ном билан бутун дунёда тан олинганини барчамиз яхши биламиз. Бу демократик янгиланишлар концепциясининг маъно-мазмуни «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган ғоядан иборатдир. Яъни, Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тенг асосда фойдалана оладиган бошқарув ишларида фаол иштирок этадиган фуқаролик жамияти кучли давлатчилик тамойиллари негизида шаклланиб боради.

Ўзбекистон ўз истиқлол ривожининг тўртинчи сифат босқичига қадам қўйди. Босқичнинг назарий-концептуал методологик манба-асоси бўлиб И.А.Каримовнинг иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги (2002 йил 29 августдаги) «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» дастурий нутқи хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» мажмуий миллий ғояси ва унинг негизида «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда Президент Ислоом Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир» дастурий маърузасида «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари», сиёсий қурилиш дастурида нималар назарда тутилганлигини аниқ ифодалаб берди: «Аввалом бор, - деди мамлакатимиз раҳбари, - ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисминини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонуни

ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш, яна бир муҳим вазифа - ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, маҳалла қўмиталари ва кишлоқ фуқаролик йигинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим. Иккинчидан, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш».¹

10.6. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва давлат ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига, нодавлат ношароат ҳамда жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш масалалари

Юртбошимиз нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳоли фаоллигини кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти эканини таъкидлаб, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга оширишда уларнинг роли бекиёслигини кўрсатиб берган.

«Нодавлат ва жамоат ташкилотлари» кўп қиррали тушунча бўлиб, демократик жараёнларни ривожлантиришнинг асосий институтларини ташкил қилади.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари турли манфаатларга эга бўлган кишиларни ўз атрофига уюштириш, уларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Аҳолини уюштириш эса, жамиятда барқарорликни таъминлаш ва юксак тараққиётга эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти орқали амалга оширилади. Фуқаролик жамияти асосларини чуқурлаштиришда уларнинг ўзига хос ўрни ва роли ҳақида гапирганда, куйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим бўлади:

-**биринчидан**, улар сиёсий мақсадларни, яна ҳам аниқроғи, ҳокимиятнинг қўлга киритишни мақсад қилиб қўймайди, балки аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, соғлигини тиклаш, маданий савиясини кўтаришда ҳокимият билан ҳамкорлик қилади. Бу уларнинг ҳокимият хоҳишига мувофиқ фаолият кўрсатишини билдирмайди, балки юқоридаги масалаларни ҳал этишда ҳокимият амалга ошириши зарур бўлган кўпгина вазифаларни ўз зиммасига олади. Шу тариха, жамият ҳаётида турли қутилмаган ижтимоий муаммолар юзага келишининг оддини олиш имкониятини ҳам беради;

¹ Каримов И.А, Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005, 181-бет.

-**иккинчидан**, улар ўз олдига сиёсий мақсадларни қўймагани учун ҳам ҳокимиятни, сиёсий партияларга қараганда ўзига яқин ҳамкор сифатида қабул қилади ва ана шу босқичдан уларнинг бошқарув тизимида, меҳнат жамоаларидаги ёхуд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги мустақил фаолиятини ҳокимият идоралари қўллаб-қувватлайди.

-**учинчидан**, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳоли ўртасида амалга ошириладиган фаолият ҳокимиятни заифлаштиришга олиб келмайди, балки ҳокимият бир қатор функцияларини уларга ўтказиш йўли билан оммага яқинлашади ва улар зиммасига нафақат муайян ваколатларни беради, шунингдек, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ҳамда жамиятни тараққий эттириш борасида маъсулият ҳам юклайди;

-**тўртинчидан**, гарчанд нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилмаса ҳам, улар аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, маънавий савиясини кўтариш учун қилинадиган саъй-ҳаракатларда, кингиларни уюштириш ва фаоллаштириш, сиёсий онгининг ўсиб боришида фаол иштирок этади. Бу, ўз навбатида, демократик жараёнлар ривожига ижобий таъсир ўтказиши.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари худди ана шу хусусиятлари билан бир тамондан, кучли давлатнинг шаклланишида етакчи роль ўйнаса, иккинчи томондан, давлатнинг кўпгина функцияларини ўз зиммасига олиш орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнининг вужудга келишида, янада аниқроғи, кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишида бекиёс аҳамият касб этади.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти»га ўтишнинг асосий мезони ҳам ҳокимиятнинг жамият тараққиётида оммага суяниши, ишончига эга бўлиши ва у билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳисобланади. Президентимиз мамлакатимизда «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти»га ўтиш вазифасини кун тартибига қўйганида, албатта, аввало давлатнинг жамият ҳаётига ижобий таъсири пасайишини эмас, балки унинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини, аҳоли билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, кўпгина функцияларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиб бориш орқали таъминлашни назарда тутди.

Шуни унутмаслик лозимки, кучли давлат тамойили ҳақида гап кетганда, унинг кимгадир зўравонлик билан таъсир ўтказиш имконияти назарда тутилмайди, балки давлатнинг юксак иқтисодий асосга эга бўлиши, мамлакат ичкарисида ва халқаро микёсда ўз манфаатларини ҳимоя қила билиш, барқарор тараққиёт тизимига кириб бориш ҳамда демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларини шакллантира олиш салоҳияти тушунилади. Ҳақиқат, аҳолининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок қилиш имкониятининг вужудга келиши кучли жамият мезони ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг моҳият ва мазмунини ҳам халқ томонидан бошқариладиган шароит ва унинг реалликка айланиши ташкил қилади, «Кучли жамият кучли давлат» негизида шаклланади ва ҳукуматнинг мамлакат ичкарисидаги кўпгина фаолияти

чекланиб, у фуқароларнинг қўлига ўтади ва уларнинг давлат фаолиятини назорат қилиши тўлиқ таъминланади. Уни эволюцион тарзда амалга оширишни Президентимиз қуйидагича ифода этган: “Кучли давлатдан - кучли жамият сари” деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб беришни тақозо этади¹. Президентимизнинг масалани бундай жиддий қўйиши бир қатор сабаблар билан боғлиқ. Биринчидан. Мустақиллик йилларида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг сони ўсиб, улар фаоллашиб бораётган бўлса-да, бу кўрсаткичлар ижтимоий-сиёсий соҳада ўтказилаётган ислохотлар талабидан орқада қолмоқда. Боз устига омманинг турмуш даражасини кўтариш ва сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ўстириш борасида уларнинг ўзида ташаббускорлик етишмаётир. Иккинчидан, давлат тузилмаларининг бошқарувчилик фаолиятида собиқ шўролар тузуми шароитидаги маъмурий-буйруқбозлик иш усули, хўжалик юритиш субъектларининг ички бошқарув жараёнларига асоссиз равишда аралашуви сабаблиб қолмоқда. Албатта, уларнинг фаолият босқичма-босқич чекланиб кетмоқда, бу, ўз навбатида, демократик жараёнлар ривожланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Шу билан бирга бу жараённинг ривожланишида бўлса, давлатимизнинг роли ва мавқеи тушиб кетмайдими ёки давлат бундай шароитда қайси соҳаларда фаолият кўрсатиши лозим бўлади, деган саволларга ҳам Президентимиз аниқ жавоб бердилар: «...давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда хусусий фаолиятга аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади? Бу масалада давлатнинг роли аввало иқтисодийтни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинадиган қонушлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тadbиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шаршароитлар яратишга қаратилмоғи даркор»¹.

Кўриниб турибдики, давлат ишлаб чиқариш, бошқариш, ташкил қилиш, раҳбарлик каби масалаларга беҳуда аралашмаслиги лозим бўлади. Чунки, бундай аралашш, бир томондан, омманинг ташаббускорлигига салбий таъсир ўтказиши ва ишлаб чиқариш жараёнларида рақобат муҳитининг вужудга келишига ҳам имкон бермайди; иккинчидан, демократик жараёнлар ривожини ҳам қўтилайётган самарани бермайди. Чунки, демократия халқ ҳокимияти, унинг ташаббускорлиги, жамият ҳаётининг барча соҳаларини бошқаришдаги фаолиятининг қай даражада

¹ Каримов И. А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий Дуне билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 27-бет.

¹ Ўша жойда, 28-бет.

ривожланганига боғлиқ бўлади. Шу маънода, давлат бошқарувидан фукаролик бошқарувига ўтишнинг муҳим шarti — давлат тузилмалари ўз функцияларининг айримларини амалда халқ қўлига ўтказиб боришда ҳам давлат ташаббус кўрсатиши зарур бўлади. Шунинг билан бир қаторда, фукаролик жамияти шароитида ҳам давлатнинг мавжуд бўлиши ва унинг бир қатор функцияларининг сақлаб қолинишини назарда тутадиган бўлсак, у ўзининг нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустақкамлаб бориши тақозо этилади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, давлатнинг роли, айниқса, мамлакат тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларни белгилаш, қонунларнинг барқарор ишлашини таъминлашда сақланиб қолади. Бундай функциялар сақлаб қолинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

-биринчидан, давлат фақат жамиятдаги айрим ижтимоий гуруҳлар манфаатини эмас, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифода этади. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари эса аҳолининг бир қисми ёки айрим табақалари манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб олади. Бу, бир томондан, ижтимоий табақалар манфаатлари ўртасида тафовутлар юзага келишига олиб келади, айни пайтда моддий бойликларнинг тақсимланишида ҳам нотекисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Чунки, мамлакат ҳудудлари, ер ости захиралари, қишлоқ ва умуман, бутун халқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари бўйича турли-туман бўлади. Маълум бир ҳудудларда ана шундай имкониятлар кам ёки деярли бўлмаслиги мумкин.

Ўз-ўзидан маълумки, имконияти кам ҳудудлар аҳолисини ўз ҳолига ташлаб қўйиш охир-оқибатда уларнинг қашшоқлашиб кетишига олиб келади. Давлат эса бундай ҳолатнинг юзага келмаслиги учун мамлакатнинг барча ҳудудларида аҳоли турмуш фаровонлигини барқарор ривожлантиришда зарур бўлган иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқади ва уни амалга ошириш йўналишларини белгилаб беради. Яъни, нодавлат ва жамоат ташкилотларида манфаатлар меъёрларида хусусийлик устувор бўлса, давлат фаолиятида умумийлик стратегик йўналиш ҳисобланади;

-иккинчидан, давлатнинг қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ҳам аҳоли табақалари ва улар манфаатларининг турли-туманлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолатда барча ҳудудлар аҳолисининг турли табақалари турмуш даражасини бир хилда таъминлаш вазифасини давлатдан бошқа биронта институт бажара олмайди. Мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши ва демократик жараёнларнинг ривожланиш шароитида келтирилган ҳар иккала ҳолат ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлади. Аммо, давлатнинг ана шу жараёнлардаги ўз ролини сақлаб қолиши нодавлат ва жамоат ташкилотлари аҳолининг ўзини ўзи бошқаришга босқичма-босқич ўтишига ҳалақит бермайди, аксинча, зарур шарт-шароит яратади.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳақида фикр юритганимизда, сиёсий партияларнинг фукаролик жамияти асосларини яратишдаги роли

ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, сиёсий партиялар ҳам жамиятнинг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Сиёсий партиялар бошқа нодавлат ва жамоат ташкилотларидан тубдан фарқ қилиб, ўз олдига сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилиб олади. Аммо, улар давлатга муқобил куч эмас, балки унинг барқарор ишлашига ўз таъсирини ўтказишга қодир бўлган сиёсий куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда катта роль ўйнайди.

Мамлакатимизда мавжуд сиёсий партияларнинг фаолияти демократик жараёнларни ривожлантириш талабларидан орқада қолаётгани Президентимиз томонидан бот-бот таъкидлаб келинмоқда.

Юртбошимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» ҳамда «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва аҳолини, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» асарларида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим шарт — кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг механизмлари бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини янги босқичга кўтариш бугунги кунимиздаги долзарб вазифа экани илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Президентимизнинг «Адолат — қонун устуворлигида» деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшаш гоёси ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Хўш, нима учун Президентимиз бу тамойилнинг аҳолиятига асосий эътиборни қаратди? Бунинг асосий сабаби шундаки, қонун устуворлиги, биринчидан, мамлакатдаги барча аҳолининг, миллати, тили, ирки, диний эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва бошқа бир қатор белги-хусусиятларидан катъи назар, барча фуқаролар тенглигини таъминлайди, уларнинг ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймайди; иккинчидан, қонун ҳалқ хоҳиш-иродаси ва манфаатига мувофиқ қабул қилинади, шунинг учун ҳам унга итоат қилиш, унинг устуворлигини эътироф этиш шу мамлакатда яшайдиган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг бузилиши ёки поймол этилиши мамлакатдаги барқарорликнинг бузилишига, турли ижтимоий табақалар, сиёсий кучлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай беқарорликдан эса фуқаролар манфаатдор эмас. Шунинг учун ҳам, қонун устуворлигини таъминлашда, биринчи навбатда, уларнинг манфаатларини юзага чиқариш назарда тутилади. Ўз навбатида, давлат ҳам аҳолисининг тинчлиги, жамият барқарорлигини ҳимоя қилишда, ўзига юклатилган масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, қонунларнинг поймол этилиши ёки бузилишининг олдини олиш имкониятларини ишга солади. Яна ҳам аниқроғи, борди-ю айрим сиёсий кучлар ёки ижтимоий гуруҳлар ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўядиган бўлса, давлат мамлакат аҳолисининг умумманфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз кучидан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу, ўз навбатида,

тараққиётга салбий таъсир қилувчи жараёнларининг олдини олиш имкониятини беради.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, қонун устуворлигини таъминлаш нафақат иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг самарали боришини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва тинчлигини таъминлаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиш ва фуқаролик жамиятига ўтишнинг асосларни ишлаб чиқиш имконини ҳам беради. Қонун устуворлигига эришишнинг яна бир муҳим томони шундаки, у фуқароларнинг жамиятда яратилган барча моддий ва маънавий бойликлардан тенг фойдаланишига, яъни ижтимоий адолат тамойилларининг амал қилишига имкон яратади.

Президентимиз асарларида қонун устуворлигини таъминлаш гоёси ҳар томонлама кенг ёритилишининг сабаби, мустақиллик йилларида бу йўналишда катта ютуқлар қўлга киритилишига қарамасдан, ривожланишнинг ҳали олдимизда кўлами жиҳатдан янада улкан вазифалар турганини кўрсатиб бериш эди. Қонун устуворлигини таъминлаш юзаки қарайдиган энгил вазифа эмас. Бу вазифа илк бор мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантиришнинг «ўзбек модели»даги асосий тамойиллардан бири сифатида Президентимиз томонидан асослаб берилган эди. Қонун устуворлиги нафақат осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, балки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш, фуқаролар имкониятларини юзага чиқаришнинг мезони ҳам ҳисобланади. *Жамият қонунлар негизида бошқарилиши ва фуқароларнинг қонунлар билан яшашининг барча учун ягона ҳолидага айланishi фуқаролик жамиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.* Уни амалга ошириш эса нафақат давлат тузилмаларига, балки фуқароларнинг ўзларига ҳам боғлиқдир. Чунки, ҳокимият жамиятда демократик жараёнларни ривожлантиришга қанчалик имконият яратмасин, халқ ана шу имкониятдан фойдалана олмаса, фуқаролик жамиятига ўтиш борасида ижобий самарага эришиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориш, уларнинг умумий маънавий савиясини кўтариш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу вазифа амалга ошувининг натижаси эса уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши юзасидан бошқарув органларига эмас, балки айнан суд ҳокимиятига мурожаат қилиши ва шу тарикда ўзига нисбатан адолатни тиклаш кўникмасига эга бўлишида намоён бўлади. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун фуқаролар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий билимларни тарғиб қилишни янги босқичга кўтаришимиз зарур бўлади. Мамлакатимиз Президенти бу билимларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини қуйидагича белгилайди:

“Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан яна бири қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга изчил жорий қилишида давлат ҳокимияти

устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳисобланади”.¹ Бундай жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши, бир томондан, давлатнинг ижрочилик фаолиятини кучайтирса, иккинчи томондан, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлайди.

Баъзида давлат тузилмаларида реал имкониятларни ҳисобга олмасдан кўрсатмалар бериш ва самарасидан қатъи назар, уларнинг бажарилишини қатъий талаб қилиш ёки жамоат ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашмасдан қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда тарғибот воситаларидан эмас, кучдан фойдаланишга мойиллик ҳолатларининг ханузгача сақланиб қолаётгани кўзга ташланмоқда. Бундай салбий ҳолатлар тугатилмас экан, улар фуқароларнинг ташаббускорлиги сўниб боришига, демократик жараёнлар ривожига акс таъсир ўтказиши мумкин.

Президентимизнинг бу масалага жиддий эътибор билан қараётганининг амалий аҳамияти шундаки, бугунги кунда айрим давлат идораларининг ўз функцияларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали маълум тузилмаларни қисқартириб бориш ўрнига, аксинча, уларнинг номини ўзгартирган ҳолда янгиларини тузиш йўлидан бораётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Бу охир-оқибатда нафақат демократик жараёнлар ривожига, балки иқтисодиётга, жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалишига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги бош вазифа фуқароларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигига эришиш бўлгани боис ҳам, давлат тузилмаларининг назоратчилик функцияларини қисқартиришга эришиш билан бирга, уларнинг умумий стратегик вазифалар ишлаб чиқишдаги етакчилик ролини ошириб бориш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш вазифасини амалга ошириш лозим бўлади. Давлатимиз раҳбари бу вазифа устида тўхталиб, «Биз учун жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»,¹ деб кўрсатди.

Фуқароларнинг давлат фаолияти устидан назорат олиб бориш функцияси бугунги талаб ва эҳтиёжлардан орқада қолмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат билан жамоатчиликнинг умумманфаатлар йўлида ҳамкорлик қилиш тамойилининг амалга оширига ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Бу эса фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнига салбий таъсир ўтказди. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳозирги босқичда жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини муҳим вазифа сифатида белгилаб берди. Бу вазифани амалга оширишнинг биринчи йўналишини давлат тузилмалари билан жамоатчилик ҳамкорлигини реал тарзда, том маънода амалга ошириш ташкил этади. Бунинг моҳияти

¹ Ўша жойда, 28-бет.

¹ Ўша жойда, 28-29-бетлар.

шундаки, давлат аҳамиятига молик бўлган сирлардан ташқари, унинг барча фаолияти жамоатчилик учун очик бўлишига эришил лозим. Бу жамоатчиликнинг давлатга яқинлашиши, унга таяниши ва у билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ҳал қилишига имкон беради. Жамоатчиликнинг ўзини фаоллаштириш Президентимиз белгилаб берган вазифани амалга оширишнинг иккинчи йўналишини ташкил қилади. Унинг асосий механизми эса яна нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фуқаролар билан яқин ишлашга, уларнинг ишончини қозонишга ва уларга эрганишга бориб тақалаверади. Демак, бугунги кунда нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг давлат фаолияти устидан назоратини ўрнатишдаги имкониятларидан фойдаланишни ҳам янги босқичга кўтариш лозим бўлади. Президентимизнинг асарларида белгилаб берилган фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг яна бир вазифаси ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаш гиришдир.

Аслини олганда, бу гоյ Президентимиз томонидан биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида қуйидагича илмий асослаб берилган эди: *«Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгилашни жараёнларига баҳо берар эканмиз, шунн таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳияти эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган бирча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўлишига айланди.*

Шу билан бирга, табиийки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократлаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз».

Ҳозирги вақтда ўтган давр ичида эришган муваффақиятлар билан бир каторда ҳали олдимизда турган вазифалар кўлами ҳам катта. «Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир. Аслини олганда, биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ маълакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тарикъ давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ қатъига қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда. Агар бярча бошқарув масалалари молниявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмаларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, сямарали усул-услуглар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур».¹

Президентимиз томонидан бешинчи устувор йўналишда белгилаб берилаётган бу вазифа икки муҳим йўналишда амалга оширилиши назарда

¹ Ўша жойда, 28-30-бетлар.

тутилмоқда. Биринчидан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳокимият қўйи бўғинлари родини ошириш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув функциясини кенгайтириб боришни янги босқичга кўтариш; иккинчидан, иқтисодий соҳада эркинлаштиришни чуқурлаштириш маҳаллий ҳокимиятнинг бюджетлар даромадлари ва харажатларини тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнидаги родини ошириш зарурлигини кўрсатиб берди. Бу вазифаларни амалга оширишда ҳам фуқаролар, айниқса, уларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ишини фаоллаштириш зарур бўлади. Бу жараёндаги асосий масала эркинлаштиришни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув идораларига ҳокимиятнинг юқори органлар томонидан бериладиган имкониятлардан қай даражада фойдалана олишига боғлиқлигидан иборат. Чунки, ҳокимият қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар асосида қўйи ҳокимият тармоқларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказилса ҳам, уларнинг бунга салоҳияти етмайдиган бўлса, берилган имкониятлар қоғозда қолиб кетаверади. Унинг реалликка айланиши учун маҳаллий ҳокимият тармоқларида фаолият кўрсатадиган кадрлар корпусининг маърифий салоҳиятини ривожлантириш, айниқса, улар онгида демократик кадриятларни шакллантириб бориш, фуқаролар билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатишга эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг билан бир қаторда, биринчидан, давлат ҳокимияти бўғинларининг бошқарув жараёнидаги фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг юқоридан кўрсатмалар кутиб фаолият кўрсатишга мойиллигидан тезроқ қутулиш, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ўрни ва нуфузи ошиб боришига эришиш, улар фаолиятига маҳаллий ҳокимият органларининг аралашувини чеклаш каби жуда катта вазифалар мавжуд.

Бу вазифаларни амалга оширишда, айниқса, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш институтларидан бири бўлган маҳалланинг роли ошиб бориши учун имкониятлар яратиш катта аҳамиятга моликдир. Биринчи галда, унинг авлод-аждодларимиздан бизгача етиб келган кадриятларни ривожлантириш борасидаги вазифаси бекиёс аҳамиятга эга. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш институтининг энг мақбул воситаси сифатида, ҳокимият идоралари билан ҳамкорлик қилган ҳолда, ташаббускорлик кўрсатиши ва жамият ҳаётига таъсир ўтказишга қодир бўла оладиган институтга айланиши фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг асосий шарти эканини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Мустақиллик йилларида маҳаллаларга жуда кўп ҳуқуқлар берилди, улардан фойдаланиш борастда маълум даражада ижобий силжишлар содир бўлди. Айниқса, улар нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқароларнинг моддий шароитларини яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Аммо, уларда ўз

атрофига одамларни уюштириб, жамият ва фуқаролар манфаатларини амалга оширишда мустақил фаолият кўрсатишдан кўра ҳокимият кўрсатмаларини бажарадиган тармоққа айланиб қолиш тамойили ҳам кўзга ташланмоқда. Зеро, демократик ривожланиш жараёнида маҳалла институти ролининг ошиб бораётгани миллатимиз менталитетига хос бўлган хусусият билан боғлиқдир. Халқимизнинг «**Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла**» деган ҳикматни ўз кадриятига айлантиргани бежиз эмас. Яъни, халқимиз ўз турмушини ва ҳаёт мазмунини маҳалласиз тасаввур эта олмайди. Мана шу омил демократик жараёнлар ривожда маҳалла имкониятидан фойдаланиш заруратини кучайтирмоқда. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2002 йил 6 декабрда «**Ҳаётимизнинг, тараққиёти- мизнинг ҳуқуқий асоси**» мавзусида сўзлаган нутқида 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиш таклифини киритди ва у халқимиз томонидан қўллаб-қувватлаган эди. Президентимиз таъкидлаганидек, «*Обод маҳалла деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам, чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барақа ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.*

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганлигини барчамиз кўриб турибмиз».

Маҳалланинг ана шу имкониятларини яна ҳам кенгайтириб бориш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Президентимиз «бу масалада фуқаролик институтлари ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услугларини вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу, муносабат билан «Жамоат бирлашмаларида»ги қонунга зарур ўзгартиришлар киритиш, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат ноижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонуларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга¹лиги бугунги кунимиздаги асосий вазифа эканини белгилаб берди.

Ана шу қонуларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ, бўлган муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топиши бугунги кунимиз учун амалий аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

¹ Ўша жойда, 30-бет.

1. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш орқали кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнларини ривожлантириш;

2. Давлатнинг иқтисодий соҳага, ҳўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаб боришга эришиш;

3. Давлатнинг ҳўжалик юритувчи тузилмалар фаолиятига аралашувини чеклаш билан бир вақтда, унинг иқтисодийни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларини аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томондан сўзсиз бажарилишини таъминлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур. Шунинг билан бирга, унинг ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишдаги ролининг ошиб боришига эришиш;

4. Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, «адолат - қонун устуворлигида» тамойилининг реаллашга айланишини таъминлаш;

5. Давлатнинг назоратчилик фаолиятини чеклаш ва айни пайтда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга эътиборни кучайтириш;

6. Бошқарув тизими ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш;

7. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлган маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотлар фаолигини изчиллик билан ривожлантириб борши, уларнинг ривожини учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, яъни тегишли қонунчилик асосларини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-усулбарини вужудга келтириш кабилардир.

Бу вазифаларни бугунги кунда амалга ошириш мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланишига имконият яратади ва фуқаролик жамият қуришимиз учун мустаҳкам замин тайёрлайди.

Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, анъанавий давлат органлари томонидан бажариб келинган ижтимоий функцияларни босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият органларига, нодавлат ноτιжорат ва жамоат ташкилотларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Зотан, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояси инсоннинг мақсад, орзу-ниятларини шў жамиятдаги тузилмалар, ижтимоий институтлар, уюшмалар орқали амалга ошириш ҳисобланади. Фуқаролар ушбу ташкилотлар бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар. Демак, шўни алоҳида таъкидлаш мумкинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари

кенгайиб бориши ва жамоат бирлашмалари тизимининг такомиллашуви фуқаролик жамиятининг характерли хусусиятларидан биридир. Бунда қуйидаги ваколатларни тақсимлаш:

1. Давлат тасарруфида қоладиган ваколатлар:

- конституцион тизимни сақлаш;
- мустақиллик ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқ тартибот ва мудофаа қобилятини таъминлаш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- мулк эгалари ҳуқуқини рўёбга чиқариш;
- иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш;
- самарали ташқи сиёсат олиб бориш;
- стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

2. Нодавлат ноижорат, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига ўтказиладиган ваколатлар:

- бозор ислохотларини амалга ошириш;
- тадбиркорликни ривожлантириб бориш;
- хусусий мулкни ривожлантириб бориш;
- истеъмол бозорини тўлдириш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

3. Давлат ва жамоат органларининг вакиллик органлари томонидан бошқариладиган ваколатлар:

- стратегик ривожлантириш дастурлари;
- иқтисодий ва ҳўжалик масалаларини ҳал қилиш;
- пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш;
- ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун ҳуқуқий шароитлар яратиш;
- экологня масалаларини ҳал қилиш;
- умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришда янги тармоқларни ташкил қилишга доир қарорлар қабул қилиш.

Демак, ваколатларнинг қайта тақсимланиши фуқаролик жамияти субъектларини ривожлантириб бориш имконини беради. Шу маънода Ўзбекистонда маъмурий ислохотлар олиб борилмоқда. Маъмурий ислохотлар жараёнида давлат ва ҳўжалик бошқаруви билан боғлиқ органлар ва ходимлар сони қисқартирилди. Бу жараён нодалат ноижорат, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсир кучини ошириши лозим эди. Лекин бу борада қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

- жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ҳамон ўзининг қонуний асосдаги ваколатларига эга эмас;

- жамоат ташкилотларининг фаолиятларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонуний асослар етарли эмас;

- жамоат ташкилотлари ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимликлар) ўз зиммасига олишга интилиш бор;

- давлат аппарати (ҳокимликлар) фуқароларнинг уюшмалари ҳисобига ўз ваколатларини кенгайтиришга ҳаракат қилиши юзга келмоқда;

- ёшлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этишга қодир бўлган кадрлардан анча узоқ, аммо, шу билан бир вақтда, уларда қонунийлик, муросага келиш сингари муҳим нормаларни қабул қилишга мойиллик сезилмоқда;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизини ўрта авлод вакиллари, шунингдек, аҳолининг олий маълумотли қатлами ташкил этмоқда;

- ҳокимият тузилмаларида хотин-қизлар вакиллари ҳиссасини ошириш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳали фойдаланилмаган салоҳият захирасидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўзига хос миллий «ўзбек модели» муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки давлатимиз ислохотлар жараёнида, бир вақтнинг ўзида учта долзарб масалани ҳал этиш муҳим бўлмоқда:

- миллий давлатчилик қуриш;

- бозор иқтисодиётини барпо этиш;

- фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантирар эканмиз, Президент И.А.Каримов машҳур беш тамойилнинг амал қилинишини алоҳида таъкидлаган эди: «Бу устувор йўналишларнинг айримлари – хусусан, қонун устуворлиги, ислохотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат қаби тамойиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам бизнинг олдимизга қўйган мақсадларда қимматини йўқотмайди».¹ Демак, Ўзбекистон давлати ижтимоий характерга эга бўлади ва шу сабабли демократик ҳуқуқий давлат деб аталади. Давлат маъмурий буйруқбозлик ва бюрократиядан бутунлай воз кечиб, ҳукм қилувчи эмас, балки таъсир этувчи кучга айланади. Бу эса Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» стратегик мақсадимизнинг амалий ифодаси, миллий моделимиздир.

Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва Конституция ҳамда қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ кечмоғи даркор. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари, нодавлат

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 11-бет.

нотижорат ташкилотлари, жамоат фондлари, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилганидан яққол далолатдир.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, демократик сайлов тизими, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, оила ҳамда унинг манфаатлари, таълим-тарбия муассасялари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар, миллий-маданий марказлар; жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари каби турли субъектлар киришини назарда тутган ҳолда, шуни таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири – нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Янги босқичда ана шундай ташкилотлар сафини кенгайтириш баробарида, мавқеини кескин кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонда кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти томон ривожланиш йўлларидан бири - аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминлаш тизимини нодавлат нотижорат ташкилотларига ўткази боришдан иборат. Мамлакат Президенти Ислоҳ Каримов қайд этиб ўтганидек, «Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоялаш чоралари ҳам ўзгара боради. Ислоҳотнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қондалари мос келади».

Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусияти саналади. Маълумки, болалар ва ўсмирлар Ўзбекистон аҳолисининг 43,1 фоизини ташкил қилади. Жами аҳолининг ярмидан кўп қисми болалар, ўқувчилар, пенсионерлар, ногиронлар ва ёрдамга муҳтож табақалардан иборат.

Республика иқтисодийтига тушаётган бундай оғир демографик юк ижтимоий ёрдам кўрсатиш манбалари доирасини кенгайтириш лозимлигини шарт қилиб қўйди. Шу туфайли нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялаш жараёнига тобора кенгроқ жалб этилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир» номли маърузасида «Мен бу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаятларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳуқумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта

этибор бераётганимизни ҳам ялоҳида таъкидламоқчиман, - дейди Ислон Каримов.

Одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир».¹

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг кенг қатламларини ўз ичига камраб олувчи турли жамоат бирлашмаларидир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 5 минг дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари расмий равишда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига, шунингдек, 80 дан зиёд миллий маданий марказлар, 40 дан ортиқ жамғарма ва хайрия ташкилотлари, 65 та жамият, 19 та бирлашма, 34 та ассоциация, 37 та федерация, 16 та тармоқ қасаба уюшмаси, 40 дан зиёд аёллар ва болалар ташкилотлари киради. Шунингдек этиш кифояки, фақат Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг 53 мингдан зиёд бошланғич ташкилотта бирлашган 7,5 миллиондан ортиқ аъзоси бор.

Жамоат бирлашмалари ўз фаолият доираларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- **биринчиси** - аҳолининг муайян **Дирек** тояфалари ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга **и**хтисослашган ҳукуматга карашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар қаторига «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси, «Нуроний» фахрийлар жамғармаси киради;

- **иккинчиси** - ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар - «Экосан», «Соғлом авлод учун» ва чет элда таълим олиш учун **истеъдодли** ёшларни кўзлаб-қувватлаш «Истеъдод» жамғармаси, Оролни қутқариш жамғармаси, Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани;

- **учинчиси** - ҳукуматга карашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар - Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва х.к.;

- **тўртинчиси** - ижодкор зиёллиларнинг миллий жамоат ташкилотлари - (ёзувчилар, артистлар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, киночилар, судьялар ва адвокатларнинг жамоат ташкилотлари);

- **бешинчиси** - Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоат вакиллари маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирилган маданий марказлар 100 тадан ортиқ;

- **олтинчиси** - умуммиллий хайрия жамиятлари ва хилма-хил жамғармалар (болалар жамғармаси, болалар уйлариининг тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси; Республика талабалар жамғармаси ва х.к.);

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005, 181-182-бетлар.

- **еттинчиси** - ижтимоий аҳамиятли ва ижодий қизиқишлар билан боғлиқ, асосан, экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар, сайёҳлик ва бадний ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари;

- **саккизинчиси** - жамоатчилик бирлашмалари («Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи «Сабр» ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар).

«*Кучли давлатдан - кучли жамият сари*» деган тамойилни ҳаётга жорий этиш, нодавлат тузилмаларнинг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ва аҳамиятини кучайтириш Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясида айтганларидек, «*давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш борлиши тақозо этади*».¹ Давлатимиз бошлигининг шу фикрлари фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг нодавлат натижорат ташкилотлари фаоллигини оширишнинг асосини ташкил қилади, десак янглишмаймиз.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида жамоат бирлашмаларининг роли нималардан иборат бўлади? деган савол туғилиши мумкин. Шубҳасиз, давлатнинг роли ҳозиргидек бўлмаса ҳам, муайян даражада сақланиб қолади. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтишда, у аввало иқтисодий ривожлантириш борасида устувор йўналишларни аниқлашда, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашда, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришда, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ҳаммага баробар шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Марказий ва юқори бошқарув давлат идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш ҳам ҳаётимизни эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Хўш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомига кўра, қандай ишлар билан шуғулланади?

Биринчидан, улар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштираётган этиш борасидаги ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда кўмаклашади.

Иккинчидан, ўз ҳудудида оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги, ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, шунингдек, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш, қонунларни ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига кўмаклашиш мақсадида фуқароларни уюштиради.

Учинчидан, миллатлараро тотувлик бўлишига кўмаклашади, негаки Ўзбекистонда аҳолининг этник таркиби хилма-хилдир.


¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва мнърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2003, 27-бет.

Тўртинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки, молияси, бюджетига эга, кичик корхоналар, ширкатлар, устахоналар, хунаромандчилик цехлари ташкил этиши учун банк кредити олишига кўмаклашади.

Бешинчидан, фуқаролар йигинининг энг эътиборли ваколатларидан бири - корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш тўғрисидаги қарорларни бажаришни назорат этиш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эгалигидир.


Олтинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали давлатнинг ижтимоий ёрдамидан фойдаланишни ҳуқуқий расмийлаштириш ва ижтимоий ёрдамни ўта ночор аҳолига тақсимлашни амалга оширади.

1-чизма. Марказлашган бошқарув тизимидан эркин фуқаролик жамияти асослари бўлмиш жамоатчилик бошқарув тизимига ўтиш таъминланади




2-қизма. Жамоат бирлашмаларининг турлари


Фукароларнинг ихтиёрий тартибда юзата келиб, манфаатлар умумийлиги асосида бирлашадиган эркин уюшмалар жамоат бирлашмалари




Қуйидаги мақсадларда тузилади: фукаролик, сийсий иктисодий, ижтимоий ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш ва муҳофаза қилиш; фукароларнинг фаоллиги ва мустақил фаолият кўрсатишини, уларнинг давлат ва жамоатчилик ишларини бошқаришда қатнашини ривожлантириш; касбий ва ҳаваскорлик кичиқишларини қондириш, илмий, техник ва бадний ижодни ривожлантириш; аҳолининг соғлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш, маданий-маърифий, жисмоний-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш, табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни химоя қилиш; ватанпарварлик ва инсонийлик тарбияси; халқаро алоқаларни кенгайтириш; тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш; қонушда таъқиқланган бошқа фаолиятни амалга ошириш.



3-чизма. МАҲАЛЛА БОШҚАРУВИНИНГ НАМУНАВИЙ ТИЗИМИ



**4-чизма. ОИЛА-МАҲАЛЛА-МАКТАБ ҲАМКОРЛИК
КЕНГАШИНИНГ ТАРКИБИЙ ТИЗИМИ**



Юқоридагилардан хулоса шуки, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини янада кучайтириш уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Уларнинг фаолиятини янада кучайтириш, хориж тажрибаларини ўрганиш, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва халқаро ҳужжатлардан фойдаланиш, энг муҳими, тарихий ва маънавий қадриятларимиз, мустақиллик йилларида орттирган тажрибаларимизга асосланиш лозим. Айни пайтда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос янги босқичи бошланди, дейиш мумкин. Бинобарин, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Асосий таянч тушунчалар

Кучли фуқаролик жамияти - демократиянинг юксак даражада ривожланиши асосида вужудга келадиган жамият бўлиб, унда давлат ва жамият бошқаруви тўлиқ фуқаролар томонидан амалга оширилади. Шу тарика фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларидаги имкониятларидан фойдаланиш учун етарли шарт-шароит вужудга келади.

Фуқаролик жамиятида илгари давлат тузилмаларига қарашли бўлган кўпгина муассасалар жамоат ташкилотлари томонидан бошқариладиган бўлади.

Унинг шаклланишида қуйидаги омиллар муҳим роль ўйнайди. Биринчидан, демократиянинг шаклланиши, ривожланиши, такомиллашуви ва юксак даражага кўратилиши. Иккинчидан, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий онгининг юксалиши. Учинчидан, ҳар бир фуқаронинг моддий бойликларни яратиш ва жамият ҳаётини бошқаришдаги фаоллигининг ривожланиши. Тўртинчидан, давлатнинг бир қатор соҳалардаги бошқарувчилик фаолиятининг босқичма-босқич фуқаролар қўлига ўтиб бориши таъминланади.

Бундай жамиятнинг энг муҳим белгиси фуқароларнинг давлат тузилмалари фаолияти устидан тўлиқ назоратни амалга оширишда намоён бўлади. Бунда фуқароларнинг давлат учун эмас, балки давлатнинг фуқаролар учун хизмат қилиш тамойили уствор аҳамият касб этади ва ҳар бир фуқаронинг инсон, шахс ва жамият аъзоси сифатидаги имкониятлари тўлиқроқ юзага чиқади. Фуқаролик жамияти инсонларнинг интеллеktуал салоҳияти ўсиб, жамият иқтисодий имкониятларининг кенгайиб боришига мос равишда мустаҳкамланиб, такомиллашиб боришидан иборат узлуксиз жараён ҳисобланади.

Кучли давлатдан - кучли жамият сари - мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган, демократик қадриятлар қарор топган, маънавий-маърифий юксакликка эришган ва бошқарувнинг демократик услублари шаклланган

давлатдан жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган жамоатчилик фикри, ташаббуси ва давлат идоралари устидан назорати устувор аҳамият касб этадиган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг роли муттасил ортиб борадиган жамиятга ўтиш концепцияси.

Кучли давлат - омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизимига, ривожланган иқтисодиёт юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустахкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг қудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

Кучли жамият - мустахкам негизнинг барқарорлиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрларга айланган жамият.

Кучли жамиятда, биринчидан, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданияти юксалади, уларнинг манфаатлари умумийлиги қарор топади; иккинчидан, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик мустаҳкамланади; учинчидан, кучли жамият дегани давлатни заифлаштириш ёхуд инкор этиш дегани эмас, балки фуқаро ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора кучайиб бориши, жамиятнинг бугунги ҳаёти ҳамда истиқболи учун уларнинг масъулиятни ўз зиммасига олиш даражасига кўтариш асосида эришиладиган тараққиёт босқичи тушунилади.

Шу билан бирга, кучли жамият шароитида ҳам давлат жамият ҳавфсизлигини таъминлаш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, пул-кредит масалалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган стратегик йўналишларини ривожлантиришдаги вазифаларини сақлаб қолади.

Кучли жамият кучли давлат шаклланиши ва ривожланишининг негизида юзага келади. У жамиятда ва фуқаролар ҳаётида содир бўладиган ўзгаришларга мос равишда эволюцион тарзда такомиллашиб бораверади.

Эркинлаштириш - мамлакатнинг демократик жамиятга ўтиш ва ислохотлар ўтказиш жараёнида мавжуд бўладиган турли тўсиқлар, чеклашлар ва ён беришга мажбур этадиган омиллардан қутулишга қаратиладиган амалий фаолиятдир. У демократик жараёнларнинг самарали ривожига янги куч, қувват ва илҳом бағишлаш имкониятини яратди. Мамлакатимида барча соҳаларни эркинлаштириш концепцияси Президент Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида асослаб берилган.

Эркинлаштириш концепцияси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада жадаллаштириш йўлида ўз ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларни бартараф этиш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш заруратини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Хусусан, иқтисодиётимизда тадбиркорлик ривожига тўсиқлик қилаётган қоғозболик, кредитлар ажратишдаги сансалорликлар, фермерларда ерга, ўз мулкига эгалик ҳиссини шакллантиришга юзаки қараш, давлат ва

жамият бошқарувида эски маъмурий-буйруқбозлик иллатларининг сақланиб қолиши, айрим одамларда боқимандалик кайфиятининг сақланиб қолаётгани ва бошқа бир қатор эски замон иллатлари эркинлаштириш жараёнларини бошлашни тақозо этар эди.

Бу жараёнда ислохотларга муносабатни тубдан ўзгартириб, янгилашни жараёнига янги куч бағишлади ва бугунги кунда бу йўлда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Қонун устуворлиги — турли шахслар, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, ҳар хил динларга эътиқод қилувчи инсонлардан ташкил топган. Жамиятда уларнинг тегишли хилма-хил манфаатларидан қатъий назар қонуннинг тўлиқ амал қилиши доирасидаги фаолият ёки фаолиятсизлик жамиятнинг ҳар бир аъзоси қайси миллатга мансублиги, қайси диний эътиқодда экани, қайси мансабни эгаллаганидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги ва унга оғишмай амал қилиниши. Чунки қонун халқнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинади. Шунинг учун унга барча инсонларнинг итоат қилиши қонун устуворлигининг амалдаги кўриниши ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи субъект ёки ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан ҳалос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробар. Қонун устуворлигини таъминлаш жамиятнинг барқарор ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш ҳамда ўз имкониятларини юзага чиқариш кафолатидир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари - давлатга қаршли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Улар қуйидаги гуруҳга бўлинади:

-биринчи гуруҳ — аҳолининг муайян йирик тоифала-рининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихти-сослашган, ҳукуматга қаршли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар жумласига «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ногиронлар уюшмаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби тузилмалар қиради;

-иккинчи гуруҳ — ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар: «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Амир Темури», «Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш», Оролни қутқариш жамғармалари, «Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани» каби ташкилотлар шулар жумласидандир.

-учинчи гуруҳ — ҳукуматга қаршли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар: шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти каби ташкилотлар шу гуруҳга қиради;

-тўртинчи гуруҳ — ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари. Бунга ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар,

кинематографчилар, шунингдек, судьялар ва адвокатларнинг жамоат ташкилотлари киради.

-бешинчи гуруҳ— миллий маданият марказлари (юздан зиёд). Улар Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида тузилган ташкилотлардир;

-олтинчи гуруҳ — умуммиллий жамиятлар ва жамғармалар — Болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, Талабалар жамғармалари;

-еттинчи гуруҳ — ижтимоий аҳамият ва ижодий қизиқишлар билан боғлиқ, асосан экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар: сайёҳлик ва бадий хаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари;

-саққизинчи гуруҳ — жамоат муассасалари. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, шунингдек, Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи «Сабр» ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар шу жумласига киради.

Қисман ҳукуматга қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлаши ёрдамида) тузилган бир қатор жамғармалар, марказ ва жамиятларнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўзбекистонда нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳаракатининг шаклланишига хос хусусиятдир.

Нодавлат ноижорат ташкилотлари - Конституция ва конун ҳужжатларига мувофиқ бўлган тақдирда ўз Низомини адлия органларида руйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Ўзининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини амалга ошириш учун улар конуний асосда ишлаб турган ҳар қандай дунёвий ташкилот ва фуқаролардан хомийлик ёрдами олиши мумкин.

Улар турли минтакаларда ўз филиаллари ёки бошқа таркибий бўлинмаларини тузади, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг муассиси бўлиши мумкин.

Ижодий, хайрия, маданий-маърифий ахборот ва ижтимоий кўмаклашувга оид бошқа фойдали фаолиятни амалга оширади.

Зарурат бўлганда, муҳтож фуқаролар ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган бошқа ташкилотларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ўз Низоми доирасида халқаро фаолият билан шуғулланиши ва чет эл нодавлат ташкилотлари билан алоқа боғлаши мумкин.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов компанияларида ёки бошқа сиёсий фаолиятда иштирок этмайди.

Одамлар соғлиги ва руҳиятига зарарли, Ўзбекистон Республикаси халқининг маънавий ва маданий кадриятларига путур етказишга қаратилган фаолият олиб бормади.

Бу ташкилотлар давлат томонидан маблағ олмаган ҳолда, фуқароларнинг фаоллик ва ижодкорлик асосида ихтиёрий равишда уюшиши негизда вужудга келади. Аммо уларнинг давлат фаолиятини барқарорлаштириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳукумат фаолиятига таъсир ўтказиши катта аҳамиятга эгадир. Улар ўз фаолиятини давлатнинг аралашувисиз, фуқароларнинг иштироки орқали олиб боради. Сиёсий партиялар ҳам жамоат ташкилотлари тизимига киради. Аммо уларнинг асосий мақсади ўз аъзоларининг қўллаб-қувватлаши асосида намоён бўлади.

Жамоат ташкилотларининг юқорида кўрсатилган турлари эса ҳокимиятни қўлга киритишни эмас, балки фуқаролар манфаатларини қондириш йўлида унга ўз таъсирини ўтказишни мақсад қилади.

Давлатнинг ўз фаолиятини нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориши ва бир қатор функцияларини босқичма-босқич бажариши демократик жараёнлар ривожига ва пировярдида фуқаровий жамият асосларини таянқилантиришга олиб келади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурининг мазмунини ва ҳаётга татбиқ этилишини мисоллар асосида очиб беринг.
2. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тушунтириб беринг.
3. Жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини қуришдаги ўрни қандай?
4. Жамоат бирлашмаларининг фаолият доираларини тушунтириб беринг.
5. Маҳалланинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини қандай тушунасиз?
6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар ҳақида гапириб беринг.
7. Фуқаролик жамияти — очик жамият эканлигининг мазмун-моҳиятини тарифлаб беринг.
8. Очик жамиятнинг элитар ва эгалитар тушунчаларини изоҳлаб беринг.
9. Фуқаролик жамиятининг очик, адолатли жамият сифатидаги ҳозирги амалий мақоми нимадан иборат?
10. Демократия, бозор иқтисоди, бозорни бошқариш механизмлари, очик жамият ва плюрализм деганда нимани тушунасиз?
11. Бозор фундаментализми дегани нима?
12. Бозор кадриятлари билан ижтимоий кадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таҳлил қилиб беринг.

13. Бозор иқтисодийётига ўтишнинг "Ўзбек модели" нима ва у қандай шарт-шароит ва омилларга асосланади?
14. И.А.Каримовнинг қайси асарларида бозор иқтисодийётига ўтишнинг "Ўзбек модели" ва унинг назарий масалалари ёритилган?
15. Жамиятни демократик янгилаш стратегиясининг олти устувор йўналишини тушунтириб бering?
16. И.А.Каримовнинг қайси асарида жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлашгириш ғояси илгари сурилди?
17. Жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
18. И.А.Каримовнинг қайси асарида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг нечта асосий йўналишлари белгилаб берилган?

Мустақил иш мавзулари

1. Фуқаролик жамияти - очик жамият.
2. Очик фуқаролик жамияти концепцияси.
3. Ижтимоий уюшувчанлик ва вертикал уюшувчанлик - очик фуқаролик жамияти белгисидир.
4. Бозор иқтисоди демократияси.
5. Очик, адолатли фуқаролик жамияти ва плюрализм.
6. Очик жамиятида бозор иқтисоди ва ижтимоий қадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқалару
7. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш.
8. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини беш тамойили, олти устувор йўналиши ва стратегик тараққиётнинг етти устувор вазифалари диалектикаси.
9. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг етти устувор йўналишлари.
10. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишнинг долзарб муаммолари.
11. «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили.
12. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши.
13. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишида маҳалла ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги.
14. Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари: муаммо ва ечимлар.
15. Демократик сайловлар - кучли фуқаролик жамияти сари яна бир улкан кадам.
16. Фуқаролик жамиятида маҳалла институтининг роли.
17. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятини шаклланиши.
18. Ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳукуқи.
19. оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш.

20. Суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар.

21. Маънавий, ахлоқ-одоб, маърифат каби кадрятларнинг фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни.

22. Инсон омили ва мезонининг ўзига хос томонлари.

Тест топшириқлари

1. «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси қандай концепция?

- a) иқтисодий дастур;
- b) сиёсий қурилиш дастури;
- c) конституциявий дастур;
- d) ижтимоий қурилиш дастури;
- e) маънавий ривожланиш дастури.

2. «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» дастури қачон қабул қилинган?

- a) 1995 йилда;
- b) 1992 йилда;
- c) 1997 йилда;
- d) 1996 йилда;
- e) 1998 йилда.

3. «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси И.А.Каримовнинг қайси асаарида қачон илк бор олға сурилди?

- a) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаарида, 1998 йилда;
- b) «Юксак маънавият жамият тараққиётининг асоси», 1998 йилда;
- c) «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», 1999 йилда;
- d) «Хотира чироғи ўчмайди», 1999 йилда;
- e) «Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин», 1998 йилда.

4. Очиқ жамият нима?

- a) очиқ жамият бу-қатор ижтимоий-фалсафий таълимотларда илгари сурилган иқтисодий, сиёсий, маданий плюрализмга эга, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат таркиблари ривожланган демократик жамият тушунчасидир;
- b) очиқ жамият капитализмгача бўлган жамиятнинг ёхуд ёпик социалистик жамиятнинг акси;

- с) очик жамият концепциясига кура, демократия, бозор иқтисоди, бозорни бошқариш ва молия механизмларини белгилаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, қонунни химоя қилиш, дунё миксида тартибни сақлашга қаратилган муайян чора-тадбирларни амалга ошириш, плюрализм, бозор ва ижтимоий кадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилашдан иборатдир;
- д) очик жамият концепцияси ижтимоий тараққиётни мақсадли ва онгли бошқариш имкониятларини кенгайтиришни, одамлар эҳтиёжларини кондириш учун давлат институтларини аста-секинлик билан шакллантиришни тавсия қилади;
- е) а ва с жавоблар тўғри.

5. Фуқаролик жамияти-очик, адолатли жамият сифатидаги ҳозирги амалий мақомига хос хусусиятлар қайсилар?

- а) фуқаролик жамияти-очик, адолатли жамият бўлиб, унда эркин ва тенг ҳуқуқли шахслар истиқомат қилишади, улар ўз фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларига эга бўлишади, давлатни бошқаришда фаол иштирок этишади, фикрларни ошқора айтиш, эҳтиёжларини ҳар томонлама кондириш, ўз мақсадларига мос келадиган уюшма ва ташкилотлар тузиш имкониятларига эга бўлишади;
- б) очик, адолатли фуқаролик жамияти-одамлар бир-бирдан ва давлатдан мустақил ҳолда ўзаро ҳамкорлик қиладиган идеал орзу-истаклар рўёбга чиқадиган жамиятдир;
- с) очик, адолатли фуқаролик жамияти асрлар синовидан ўтган ижтимоий тараққиётнинг бугунги кундаги адолатли ва цивилизациялашган, яъни тамаддун шакли сифатида тан олинган;
- д) очик, адолатли фуқаролик жамияти деганда, давлатнинг тазйикисиз, қонун доирасида вужудга келган кишилик ҳамжамиятининг ихтиёрий ўзини ўзи уюштириш шакли тушунилади;
- е) бозор иқтисодига асосланган очик демократик давлат қуриш, давлат ва шахс ўртасида ўзига хос воситачилик қилиш очик, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим ва зарур шартларидан биридир.

6. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- а) 1992 йил;
- б) 1998 йил;
- с) 1999 йил;
- д) 2000 йил;
- е) 2001 йил.

7. Ислом Каримовнинг қайси асарларида Ўзбекистонда демократик институтларни фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг назарий-амалий муаммолари кўрсатиб берилган?

- a) «Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин»;
- b) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»;
- c) «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари»;
- d) «Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови»;
- e) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда».

8. Ислом Каримовнинг қайси асарларида ҳокимият ваколатларини подавлат ноғижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтириш қайд этилди?

- a) «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин»;
- b) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»;
- c) «Озод бўлсанг-озод бўл, эркин бўлсанг-эркин бўл, мустақил бўлсанг-мустақил бўл», «Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови», «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари»;
- d) «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»;
- e) «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура», «Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби», «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли».

9. Ўзбекистон фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларини аниқланг?

- a) мустақилликни авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш; мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини халқнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат;
- b) бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарт бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркин-

лигини, шунингдек, ошқораликни, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очкилигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилишдан иборат;

- c) фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шarti сифатида жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан; суд-ҳуқуқ соҳасини ислохот қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат;
- d) барча ислохотларнинг пировард натижаси инсон манфаатларига бўйсундирилганлиги, уларга баҳо беришнинг асосий омили ва мезони инсон эканлигидир;
- e) a, b, c ва d жавоблар тўғри.

10. Жамоатчилик назоратининг ўзи нима, у қандай ҳолатларда намоён бўлади ва қандай вазифаларни бажаради?

- a) жамоатчилик назорати «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» ўтиш жараёнида фуқаролик жамиятининг «асл кучи»ни англатувчи омилдир;
- b) жамоатчилик назорати: қабул қилинган қонунлар, норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши ва ижро этилиши; қонун ва қонун ҳужжатларининг тайёрланиш жараёни; давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг фаолияти; давлатнинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан олиб борилади;
- c) жамоатчилик назорати халқнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган назоратидир;
- d) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2-моддасида), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида» ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида» ги, «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги қонунларда жамоатчилик назоратини конституциявий-ҳуқуқий асослари ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилаб берилган;
- e) жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект нодавлат нотижорат ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

11. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда суд ҳокимиятининг ўрнини ва унга хос хусусиятларини аниқланг?

- a) суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилган;
- b) суд фаолияти давлат номидан амалга оширилади, судлов махсус тартибда ташкил этилган муассасалар томонидан амалга оширилади;

- с) судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсундилар ҳамда фуқаро-лик, маъмурий, жиноий, хўжалик ишларини қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этадилар; судлар бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритадилар;
- д) давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди; фақат суд давлат номидан мажбурлов ваколатларини амалга оширади; суднинг қарори (ҳукми) барча учун мажбурийдир;
- е) а, б, с ва д жавоблар тўғри.

12. Фуқаролик жамиятини қонуний асос белгиси нечта?

- а) иқтисодий, сиёсий, маънавий;
- б) ҳуқуқий, маданий;
- с) ибтидоий, қайхоний, тарихий;
- д) сиёсий, маърифий, маънавий;
- е) ижтимоий, иқтисодий, конституциявий.

Интеллектуал тренинг

1. «Қучли давлатдан – қучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурининг яхлит, тугал концепциясини таъкидланг.

№	Таъкид
1	2

2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифаларни қайд этинг.

№	Тушунча
1	2

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига айрим давлат ваколатларини ўтказиш умумий принципларини қайд этинг.

№	Номарказлаштириш	Давлатнинг ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг асосий принциплари
1	2	3

4. Фуқаролик жамиятида ҳокимиятнинг давлат қурилиши шакллари-ни мухтасар тушунтириб беринг.

№	Ҳокимият	Давлат	Демократия	Фуқаролик жамияти
1	2	3	4	5

5. Фуқаролик жамиятининг очик, адолатли жамият сифатидаги ҳозирги амалий мақоми билан боғлиқ янгича замонавий назарий қарашларни ёзма изоҳланг.

№	Очиқ жамиятнинг элитар ва эгалитар тушунчалари	Жорж Сорос қарашлари	Очиқ жамият концепцияси	Ижтимоий ва бозор кадриятлари
1	2	3	4	5

6. Ижтимоий тараққиёт устуворлигини уч аспектида намоён бўлишини тушунтириб бering.

№	Биринчи аспект	Иккинчи аспект	Учинчи аспект
1	2	3	4

7. Фуқаролик жамиятида жамоатчилик назоратини амлага оширувчи субъектларни ёзма равишда таъкидланг.

№	Жамоатчилик назоратининг умумэътироф этилган субъектлари
1	2

8. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнларини эркинлаштириш стратегиясининг олти устувор йўналиш мазмун-моҳиятини изоҳлаб тушунтириб бering.

№	Биринчи устувор йўналиш	Иккинчи устувор йўналиш	Учинчи устувор йўналиш	Тўртинчи устувор йўналиш	Бешинчи устувор йўналиш	Олтинчи устувор йўналиш
1	2	3	4	5	6	7

9. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор мақсад-вазифалари ҳамда инсон омили ва мезонларини бирма-бир ёзинг.

№	Устувор мақсад-вазифалар	Инсон омили ва мезонлари
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		

Хулоса

Башарият цивилизациясининг кадрятларидан ҳисобланган «фуқаролик жамияти» тушунчаси ўз тараққиётида жуда кўп тарихий босқичларни босиб ўтди ва асрлар оша кўплаб мутафаккирлар эътиборини ўзига жалб қилди. Ҳозирги даврда бу категория инсоният олдида турган, тараққиёт даражасини белгилайдиган долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Шу боис фуқаролик жамиятнинг сиёсий ҳокимият, давлат тизими билан муносабати, демократия билан алоқасини ўрганиш муҳим масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Тафаккур» журналида босилган суҳбатида «... биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, ammo муҳим қадамлар қўйилди», - дея таъкидлади.

Давлатимизда кейинги йилларда ўтказилган ва ҳозир ҳам жадаллик билан ўтказилаётган туб ислохотларда ўз аксини топаётган иқтисодий сиёсат пировард натижада демократик ўзгаришлар қилиш, кучли суверен ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам моддий негиз яратишга йўналтирилгани хақида Президентимиз, Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида шундай дейди: «Мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзуимиздир, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафқурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир».

Бу муаммо билан турли ижтимоий-гуманитар фанлар қизиқиши ҳаёт талаби бўлиб, ушбу масалага Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, иқтисодиёт назарияси, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа, тарих, педагогика, психология ва социология фанлари нуқтаи назаридан қараб чуқур тадқиқ қилиш ва яхлит бир концепция яратиш зарур бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз демократик тараққиётининг аниқ стратегик ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, жамиятни ўзгартиришга киришди.

Танланган йўлнинг тўғрилигини, олдинга қўйилган мақсадларнинг реаллигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. барқарор бозор иқтисодиёти, очик ташки сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолди. Ўзбекистон халқининг фаровон турмушини, миллий анъана ва маданиятнинг қайта тикланиши, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаш одил фуқаролик жамиятининг табиатидан келиб чиқади.

Фуқаролик жамияти, шахс эркинлигини инсоннинг ижодий имкониятларини тўлароқ намоён этишга хизмат қилади, янги ижтимоий муносабатларни шакллантиради. Бу ўринда «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари ўртасига тенглик белгисини қўйиб бўлмайди. Маълумки, фуқаролик жамияти тушунчаси собиқ шўролар замонида ҳуқуқшунос олимлар учун муҳим мавзу ҳисобланмас эди. Фуқаролик жамияти тўғрисида республикамызда мустақилликка эришганимиздан кейингина гапирила бошланди. Ушбу тушунчанинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясида ўз ифодасини топмагани бунга мисол бўла олади. Ваҳоланки, унинг кўпгина белгилари (хусусий мулк, бозор муносабатлари, сиёсий плюрализм, айбисизлик презумпцияси ва фуқаро манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги каби тушунчалар) Конституциямызда мустаҳкамлаб қўйилган. «Фуқаролик жамияти» атамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг деярли барча асарларида тилга олинган. Айниқса, бу Президентимизнинг республикамыздаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ислохотларга бағишланган фундаментал асарларига тааллуқлидир.

Биринчи чакirik Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида Президентимиз Ислон Каримов фақат фуқаролик жамиятини қуришнинг ўзигагина тўхталиб қолмай, балки у бизнинг бош концепциямыз ва миллий раънақимиз асоси сифатида зарурлиги ва муҳимлигини асослаб берди.

Президентимизнинг фикрича, «... ҳақиқий миллий раънаққа биз фақат давлат ҳокимияти вазифаларани қатъий ва муқаммал белгилаб ва шу билан бирга, фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаб олиш ва уни ҳаётга кенг жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умумиллий манфаатларга дахлдор бўлган энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудоффа, давлат хавфсизлиги, ташқи сифсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш ҳамда қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир».

Биринчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидаги маърузасида Президентимиз ўз концепциясини янада чуқурлаштириб, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўзини-

Ўзи бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутган мақсад ва вазифаларни илгари сурди.

Юртбошимиз биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида эса фуқаролик жамиятига янада кенгрок тавсиф берди, унинг моҳиятини ва шгу билан бирга, бу йўналишдаги мақсадимизни аниқлаштиришни зарур деб ҳисоблайди: «Бугун, эришилган марралардан туриб, ўз олдимизга демократик сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш вазифасини кўйр эканмиз, пировард мақсадга эришиш – фуқаролик жамиятини қуриш заруратидан келиб чиқиб, иш тутмоғимиз даркор.

Яъни, шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саяъ-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташки сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонулар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларни бажаришга қарагмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоа бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим».

Шу билан бирга сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий базани яратмай туриб, одамларнинг онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу мақсадларга эришиб бўлмайди.

Бу ерда гап ўз моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётнинг янги юкори босқичи ҳақида бормоқда.

Ривожланган капитализм мамлакатларида етук ва цивилизациялашган жамият таркиб топди. У кишиларнинг ҳаёт даражасига кўра собик социалистик лагеръ мамлакатларидан анча устунлигини намоён қилди. Фарбнинг кўпгина давлатларида фуқаролик жамияти синфлар ўртасидаги муносабатлар тенглигини таъминлашга қодир бўлиб чиқди.

Умуминсоний кадриятларнинг устуворлиги Фуқаролик жамиятининг маънавий ҳаёт соҳасидаги белгиларини ўзида акс эттиради. Эркинлик, қонун олдида тенглик ва ижтимоий адолат бундай жамиятнинг таянч устунларидир.

Фуқаролик жамияти шароитида ҳуқуқ фақат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синф эрки-иродасинигина эмас, балки ўз даврининг инсонпарварлик асосларини, унинг ахлоқий йўналишларини ҳам ифодалайди.

Фуқаролик жамиятида давлатнинг ўз вақтида вазиятни тузагиб, тўғриалаб бориши муҳим аҳамиятга эгадир. Агар у муайян бир афзалликларга эга бўлган тақдирда ҳам, бу афзалликларни тақсимот муносабатлари соҳасида

эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучларнинг шиддатли ривожланиш қобилятидан излаш керак бўлади. Ҳозирча ҳар томонлама чуқур илмий ва назарий жиҳатдан идрок қилишни талаб қилувчи фуқаролик жамиятининг муайян бир қисмаси таркиб топган десак бўлади.

У ёки бу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар, ҳар қандай фуқаролик жамиятига хос бўлган умумий ғоялар ва тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- 1) иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги, бозор муносабатлари;
- 2) инсон ва фуқароларнинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш ва муҳофаза қилиш;
- 3) ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик табиати;
- 4) қонун ва одил судлов олдида барчанинг тенглиги, шахснинг юридик жиҳатдан ҳимоя қилинганлиги;
- 5) ҳокимиятларнинг бўлиниши ва уларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашига асосланган ҳуқуқий давлат;
- 6) сиёсий ва мафқуравий фикрлар хилма-хиллиги;
- 7) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;
- 8) давлатнинг фуқароларнинг хусусий ҳаётига аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва масъулияти;
- 9) тинч-тотувлик, шерикчилик ва миллий аҳиллик;
- 10) одамларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминловчи қучли ижтимоий сиёсат.

Фуқаролик жамияти – яқка ҳокимлик режимида, ўзбошимчаликка, синфий нафратга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўрвонликка ўрин бўлмаган, қонун, ҳуқуқ, ахлоқ, инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ҳамма ҳурмат қиладиган ҳамда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларининг ҳақиқий ҳимояси таъминланадиган эркин, демократик ва ҳуқуқий цивилизациялашган жамиятдир. Биринчидан, бу – аралаш иқтисодийга эга бўлган эркин рақобатли бозор муносабатларига асосланган, ташаббускорлар, тадбиркорлар, турли хил ижтимоий қатламлар манфаатларининг оқилона мувозанати таъминланган жамиятдир.

Иккинчидан, бундай жамиятда фуқаронинг давлат олдидаги мажбуриятлари асосан қонунларга итоткорлик ва солиқларни тўлашдангина иборат қилиб қўйилган бўлади.

Учинчидан, фуқаролик жамияти ҳамда уни шакллантириш фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан бошланади. Фуқаро сўзининг ўзи

шахснинг мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилиги, шаъни, кадр-қиммати ва ўзини-ўзи ҳурмат қилишининг синоними сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, фуқаролик ҳуқуқий жамиятига айбсизлик презумпцияси ва «қонун билан тақиқланмаган барча нарсага рухсат берилади» таърифи ҳам тўла мос тушади.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти бу сиёсатлашувдан ва мафқуралашидан холи бўлган жамиятдир. Бироқ бу, бундай жамият ҳеч қандай сиёсатга аралаша олмайди, конкрет ғоялар ёки қарашлардан фойдаланмайди, ёхуд улардан ҳеч бирин афзал кўрмайди, деган маънони билдирмайди. Фуқаролик жамиятига мафқуравий яққаҳоқимлик бегона эканлиги бошқа гап. Биронта назария, агар у ягона ва энг тўғри, нуқсонсиз ҳамда танҳо ўзи яшашга ҳақли деб тақдим этилган тақдирда ҳам яққаҳоқимликка даъво қилолмайди. Масалан, собик Иттифок даврида ҳукмронлик қилган коммунистик ғоянинг вақт синовида дош беролмай таназзулга учрагани ҳаммамизга маълум.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти ўзини-ўзи ривожлантирувчи очик, демократик жамият бўлиб, унда фуқаро марказий ўринни эгаллайди. Айнан шу маънода бундай жамият сиёсий-мафқуравий, айниқса, авторитар жамиятга қарама-қарши туради. Оила ижтимоий ҳаёт қурилишининг таянчи сифатида муҳим роль ўйнайди. Оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, қонун фуқаролик жамиятининг кадриятларидир. Шу билан бирга, мулкдор шахс бутун жамият эркинлигининг асосий пойдевори сифатида майдонга чиқади.

Еттинчидан, фуқаролик жамияти давлат билан ўзаро алоқада мавжуд бўлади, ривожланади. Улар ўртасидаги муносабатларда қандайдир маънода тўқнашувлар бўлиб туриши эҳтимолдан холи эмас. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам «махкама», «органлар» ва уларнинг «агентлари» одамларнинг шахсий ҳаётига аралаша олмайдилар.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, фуқаролик жамиятини давлат ва сиёсатдан ташқари муносабатлар (иқтисодий ва диний муносабатлар) йиғиндиси деб таърифлаш мумкин. Бу муносабатлар эркин шахсларнинг ўзига хос манфаатлари махсус соҳасини ташкил қилади.

Мазкур ҳолатда «давлатдан ташқари» ва «сиёсатдан ташқари» каби бирикмаларни уларнинг мутлоқ тарқоқлиги маъносида эмас, балки давлатнинг улар фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашувига йўл қўймаслиги маъносида тушуниш керак.

Ҳозир республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислохотлар пировард натижада қўзланган мақсадга эришишга – ривожланган бозор инфратузилмасига эга бўлган очик адолатли фуқаролик жамиятни барпо этишга олиб келишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин-2. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И. А. Хавфизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: 1998.
8. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И. А. Овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
13. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
16. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
17. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари –энг олий қадрият”. //Халқ сўзи, 2005 йил 7 декабрь.
18. Авесто. –Т.: Шарқ, 2001.
19. Қуръони Карим. –Т.: Чўлпон, 1992.
20. Ал-Бухорий Абдуллоҳ... Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. Ҳадислар. 1-4 жилдлар. –Т.: Қомус, 1992.
21. Абдуллаев М. Жамиятнинг янгилашида маънавият ва маърифатнинг ўрни// Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. –Т.: 1998.
22. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Фан, 1968.

23. Бобоев Х., Ҳасанов С. «Авесто» - маънавиятимиз сарчашмаси. –Т.: Адолат, 2001.
24. Бобоев Х., Ҳасанов С., Дўстжонов Т. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. –Урганч, Хоразм, 2001.
25. Бобоев Х., Досчанов Т., Ҳасанов С. Роль «Авесты» в духовном развитии человечества. –Ургенч, Хоразм, 2001.
26. Бобоев Х., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. «Avesto» - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. –Т.: ТМИ, 2004.
27. Бобоев Х., Ҳасанов С. «Авесто»да адолатли жамият гоялари. //Фуқаролик жамияти, 2004, 1-сон.
28. Ваҳобов А. Иқтисодийтимиз таянчи// Халқ сўзи, 2002 йил, 12-13 декабрь.
29. Ваҳобов А. Хусусий мулк-иқтисодийнинг ишончли пойдевори// Халқ сўзи, 2003 йил 25 апрель.
30. Валиев Б. Иқтисодий маданият. // Жамият ва бошқарув. 2002 йил 4-сон.
31. Гадойбоев А. Халқ - ҳақ йўли. –Т.: Янги аср авлоди, 2004.
32. Гегель. Философия права. –М.: 1990.
33. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
34. Демократик сайловлар – кучли фуқаролик жамияти сари яна бир улкан қадам. //Фуқаролик жамияти, 2004, 1-сон.
35. Дубков В. Ўзбекистондаги кўппартиявийлик демократик ўзланга чиқди. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2005, 3-сон.
36. Дўстмухаммад Х. Партиялар уйғонса -- жамият фаоллашади. // Фуқаролик жамияти, 2004 йил 1-сон.
37. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. –Т.: ТМИ, 2004.
38. Жамолов Б. Давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимланиш принципи ва унинг моҳияти. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2005 йил, 3-сон.
39. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т.: Академия, 2003.
40. Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. –Т.: 1996.
41. Зуннунов Ғ. Фуқаролик жамияти сари. // Жамият ва бошқарув. 2002 йил, 4-сон.
42. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар... -Т.: Шарқ, 1999.
43. История политических учений. –М.: Политиздат, 2003.
44. Исломбеков У. Жамоатчилик назорати. // Жамият ва бошқарув, 2002 йил, 4-сон.
45. Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2003.
46. Иминов Б. Кадрлар танлаш масъулияти. // Жамият ва бошқарув, 2002 йил, 4-сон.

47. Калонов Д, Стивинз Д. Фуқаролик жамиятининг шаклланишида маҳалла ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги. // Фуқаролик жамияти, 2004 йил, 4-сон.
48. Левитин Л. Ўзбекистон бурилиш палласида. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
49. Маматов Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқаролик жамияти. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2005, 4-сон.
50. Махмудбеков Ш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари. // Жамият ва бошқарув, 2002, 4-сон.
51. Монтескье Ш. Избранные произведения. –М.: 1995.
52. Мингбоев У.Қ. Суд шундай ҳокимиятки... –Т.: Шарқ, 1998.
53. Мингбоев У. Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти. // Қонун номи билан, 2001 йил, 1-сон.
54. Муҳитдинова Ф. Суд ислоҳотларига оид мулоҳазалар. // Ҳаёт ва Қонун, 199, 3-сон.
55. Муҳитдинова Ф. Референдум-демократиянинг зоҳир бўлиши. // Халқ сўзи, 2002 йил 20 февраль.
56. Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. –Т.: ИИВ Академияси, 1999.
57. Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. –Т.: Университет, 2004.
58. Норбоев Т. Демократик жамиятнинг шакллантиришда сиёсий муҳолифат муаммоси. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2003 йил 3-сон.
59. Одилқориев Х. Конституциявий-ҳуқуқий сиёсат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш. // Ҳуқуқ-Право-LaW. –2002, 4-сон.
60. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2004.
61. Одилқориев Х.Т. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва қадриятлари тизими. // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. –Т.: 2004.
62. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. –Т.: ИИВ Академияси, 2004.
63. Отамуродов С., Қувватов Н. Кучли давлатдан – кучли жамиятга. –Т.: Академия, 2003.
64. Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Академия, 2005.
65. Очиллов Б.Э. Конституция Республики Узбекистан и Всеобщая декларация прав человека как основа защиты прав личности. // Ҳуқуқ-Право-Law- 2001, №3.
66. Расулова Ф., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Хоразм Маъмур академиясининг олис-якин юлдузлари. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005.
67. Ражабова М. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш муаммолари. // Ҳуқуқ, 2000, 2-сон.
68. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар (амалий қўлланма). –Т.: 2002.
69. Саидов А. Фуқаролик жамияти ва сиёсий ислоҳотлар. // Мулоқот, 2000, 5-сон.

70. Саидов А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида. //Халқ сўзи, 2002 йил 11 сентябрь.
71. Саидов А. Мустақиллик Декларацияси - Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг асосий ҳуқуқий асоси. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2005, 3-сон.
72. Тожиев С. Хусусий мулк ва фуқаролик жамияти.// Фуқаролик жамияти, 2004, 1-сон.
73. Туракулов У. Жамият ҳаётини демократлаштириш// Жамият ва бошқарув, 2003 йил, 3-сон.
74. Умарова Г. Ўзини ўзи бошқариш органларини идора этишни такомиллаштириш.//Жамият ва бошқарув, 2002 йил 4-сон.
75. Холматова М. Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари; муаммо ва ечилари.// Фуқаролик жамияти, 2004 йил 4-сон.
76. Хуснутдинов З. Виждон эркинлиги ва уни танлаш бўйича давлат сиёсати.//Жамият ва бошқарув, 2002 йил 4-сон.
77. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш. –Т.: Шарқ, 2003.
78. Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон – конституциявий давлат. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
79. Шарифхўжаев М. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти (Ўқув қўлланма). –Т.: ТМИ, 2004.
80. Шарифходжаев М., Рахимов Ф. Человек, определивший эпоху. –М.: Изд. дом газеты «Труд», 2004.
81. Шарифхўжаев М., Рахимов Ф. Даврни белгилаб берган инсон. –Т.: Шарқ, 2004.
82. Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари. Ўзбекистан на пути к гражданскому обществу. –Т.: Шарқ, 2003.
83. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. –Т.: Шарқ, 2005.
84. Шарифходжаев М. Свобода социального выбора.// Труд, 1 февраля 2006 г.
85. Шарифхўжаев М. Фуқаролик жамияти – инсон тараққиётининг олий босқичи.// Фуқаролик жамияти, 2005 йил 1 (2) –сон.
86. Шарафиддинов О. Мустақиллик меъмори: Ислом Каримов сиймосига чизгилар. –Т.: Адолат, 2003.
87. Шодиев Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.//Фуқаролик жамияти, 2004 йил 1-сон.
88. Эргашев И. Демократия – миллий ва умумбашарий қадрият.// Жамият ва бошқарув, 2004 йил 2-сон.
89. Эргашев И. Ўзбекистондаги демократик жараёнлар: уйдирма ва ҳақиқат.//Халқ сўзи, 2004 йил 18 май.
90. Ўлмасов С. Фуқаролик жамияти кафолати.//Фуқаролик жамияти, 2004 йил 4-сон.
91. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодий назарияси. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2006.

92. Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамиятининг асоси.//Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2003 йил 1-сон.

93. Қуронов М. Фуқаролик жамияти – маърифат маҳсули.//Фуқаролик жамияти, 2004 йил 4-сон.

94. Ғофуров З, Шодиев Н., Ҳасанов С. Оила – демократик жамият асоси (Ўқув-услубий қўлланма), -Т.: ТМИ, 2006.

95. Ғофуров З, Шодиев Н., Ҳасанов С. Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият – тараққиёт омили (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: ТМИ, 2006.

96. Ғофуров З, Шодиев Н., Ҳасанов С. Демократик жамият қуришда кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари (Ўқув-услубий қўлланма). – Т.: ТМИ, 2006.

97. Ғофуров З., Қўнғиров И. Демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ҳамда роли (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: ТМИ, 2006.

98. Рахимов С., Давронов З., Ҳасанов С. Экологиянинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий асослари. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.

99. Исломов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

100. Раҳмонов С., Йўлчиева Г. Қонун ижроси билан (“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳлар”). –Т.: 2006.

101. Дўстжонов Т., Салаев С. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари махсус курснинг предмети, мақсади ва вазифалари	
1.1. Махсус курсни ўрганишнинг зарурлиги, мақсади ва вазифаси	5
1.2. Махсус курс предмети ва объекти, илмий-услубий ва методологик асос-манбаси	37
II боб. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш қонуниятлари ҳамда мақомий моҳияти	
2.1. Ҳуқуқий давлат: гоёлар тарихи ва ҳозирги замон	49
2.2. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий қонуниятлари	66
2.3. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида этнофурқаровий барқарорликни таъминлаш	68
III боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг узига хос хусусиятлари ва тарихий босқичлари	
3.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг объектив ва субъектив шарт-шароитлари, қонуниятлари, асосий босқичлари ҳамда «Ўзбек модели»га хос хусусиятлар	83
3.2. Фуқаролик жамияти: қадриятлар, миллий-тарихий хусусиятлар	87
3.3. Миллий ва диний қадриятларнинг асл мазмун-моҳияти	91
IV боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари	
4.1. Конституция ва фуқаролик жамияти	106
4.2. Фуқаролик жамиятини шаклланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари	109
4.3. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари ва тузилмалари	115
4.4. Конституция ва қонун устулиги – фуқаролик жамияти кафолати	126
4.5. Фуқаролик жамияти ва хотин-қизлар ҳуқуқлари	139
V боб. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда суд ҳокимиятининг ўрни	
5.1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва унинг тизими	148
5.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида суд ҳокимиятининг ўрни	157
5.3. Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишлари	169
5.4. Суд мустақиллиги ҳақида ҳолис ахборот етказишда матбуотнинг роли	178
5.5. Одил судловни амалга оширишда судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	184

5.6. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари.....	191
5.7. Ўзбекистон Республикасида судьялар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштиришдаги айрим муаммолар.....	198

VI боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг иқтисодий асослари

6.1. Миллий истиқлол гоёси ва иқтисодий тафаккур.....	216
6.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини иқтисодий асосларини шакллантиришда кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати	219
6.3. Фуқаролик жамияти иқтисодий асосларининг замонавий мазмун-моҳияти ва хусусий мулк	222
6.4. Мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий кафолати.....	228
6.5. Иқтисодий ислохотларнинг «ўзбек модели» ва эркинлаштириш жараёнлари.....	247
6.6. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда меҳнат бозорини шакллантириш ва тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари.....	260
6.7. Демократик фуқаролик жамияти: интеграция ва глобаллашув жараёнлари, иқтисодий эркинлаштириш ҳамда номарказлаштириш муаммолари, ечимлари	265
6.8. Бозор иқтисодиётига асосланган шароитда инсон ижтимоий қиёфаси.....	284

VII боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг сиёсий асослари

7.1. Фуқаролик жамиятида шахснинг сиёсий субъект сифатида шаклланиши.....	301
7.2. Фуқаролик жамияти сиёсий асосларини шакллантиришда демократик мезонлар ва сайлов маданияти.....	303
7.3. Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳокимият.....	307
7.4. Кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм-фуқаролик жамияти эҳтиёжи ..	309
7.5. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий онгинг роли ва уни юксалтириш муаммолари.....	320
7.6. Сиёсий ва иқтисодий маданиятнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ..	325
7.7. Сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омил сифатида.....	327
7.8. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий ва сиёсий менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари	339
7.9. Соғлом сиёсий муҳолифат – фуқаролик жамиятини шакллантириш омилли	346

VIII боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари

8.1. Мафкуравий-маънавий ва ахлоқий тарбия асослари.....	372
--	-----

8.2. Фуқаролик жамиятида маънавий, ҳуқуқий ва диний маданиятнинг ўрни.....	379
8.3. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда умуминсоний ва миллий кадриятлар устуворлиги	383
8.4. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда инсон омили ва мезони	390
8.5. Фуқаролик жамиятида комил инсон тарбияси	395
8.6. Маънавий, ахлоқ-одоб, маърифат – фуқаролик жамиятини шакллантириш омили.....	403
8.7. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида кадрлар сиёсати	417
IX боб. Ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик назорати, сўз, матбуот ва ахборот ҳамда виждон эркинлиги фуқаролик жамиятини шакллантириш омиллари	
9.1. Ижтимоий адолат – фуқаролик жамияти таянчи	437
9.2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – фуқаролик жамияти талаби	439
9.3. Фуқаролик жамияти: жамоатчилик фикри ва ижтимоий бошқарув	451
9.4. Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили.....	455
9.5. Фуқаролар мурожаати – фуқаролик жамияти манфаати	460
9.6. Сўз ва матбуот эркинлиги – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг таркибий қисми	464
9.7. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот омилининг роли.....	470
9.8. Фуқаролик жамиятида виждон эркинлиги кафолати.....	474
X боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш тараққиётининг асоси бўлган «узбек модели»нинг назарий ва амалий жиҳатдан янада ривожлантирилиши	
10.1. Ўзбекистонда очик адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланиши.....	490
10.2. Демократия, бозор иқтисоди, бозорни бошқариш механизмлари, очик жамият ва плюрализм	492
10.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг беш тамойили ва олти устувор стратегик йўналиши	499
10.4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг етти устувор йўналишлари.....	506
10.5. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини амалда ҳаётга жорий этиш	542
10.6. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва давлат ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига, нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш масалалари.....	549
Хулоса	582
Фойдаланилган адабиётлар.....	588

Тянгриберган Дустжонов,
Миршоҳид Мирҳамидов,
Солижон Ҳасанов,

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррирлар: Э.Бозоров, Б.Рўзимухаммад.

Босишга руҳсат этилди	25.07. 2006 й.
Қогоз бичими	30x42 ¼
Ҳисоб-нашр табоғи	37.2 б.т.
Алали	500
Буюртма	№147

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси,
7-уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп
этилди.

700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй